

Ш. Наралиева

*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

ЎЗБЕК ТИЛИ

**Умумтаълим мактабларининг
ижтимоий-гуманитар йўналишдаги
11-синфи учун дарслик**



Алматы
«Жазушы»
2020

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
Н 28

Шартли белгилар

| | | | |
|---|----------------------------------|---|--|
|  | савол ва топшириқлар |  | тақдимот |
|  | якка тартибда ишлаш |  | тинглаш ва сўзлаш |
|  | жуфтликда ишлаш |  | ўқиш |
|  | гуруҳда ишлаш ва муҳокама қилиш |  | ёзиш |
|  | «Биздан – савол, сиздан – жавоб» |  | Адабий тил меъёрлари: ўрганамиз ва амалда қўллаймиз! |
|  | «Мен нотикман!» |  | уй вазифаси |

Наралиева Ш.

Н 28 Ўзбек тили. Умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги 11-синфи учун дарслик / Ш. Наралиева. – Алматы: «Жазушы», 2020. – 448 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-721-3

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

© Наралиева Ш., 2020
© «Жазушы» баспасы, 2020

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-721-3

АЗИЗ ВИТИРУВЧИ!

Ушбу йил сизнинг мактабдаги ҳаётингизнинг сўнгги йили. Сиз муштақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турар экансиз, биласизки, ҳар бир инсон катта йўлга чиқар экан, жуда кўп билим, кўникма ва маъналарга эга бўлиши лозим. Умид қиламизки, сиз шу пайтга қадар анча фойдали билим ва кўникмаларни эгалладингиз. Эндиги навбатда эса олинган маълумотларни такрорлаш, муштақкамлаш, маълум бир тизимга солиш палласи келди. Бу борада сизга биринчи кўмакчи – кўлингиздаги «Ўзбек тили» дарслигидир! Зеро, айнан сизда фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи, нутқингизни ўстирувчи, тинглаган, ўқиган ахборотларни идрок қилиш, қайта шарҳлаш, ижодкорлик нуқтаи назаридан ёндашиш, мулоҳазали фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи, ўзингизни ҳаётга татбиқ этишингизда оқил маслаҳатчи бўлиш ушбу дарсликнинг олий мақсадидир.

Мамлакатимиздаги уч тиллилик сиёсати шароитида она тилининг роли ва аҳамияти янада ортди. Чунки ҳар қандай янги билим, кўникмаларга она тилини пухта эгаллагандагина эришиш мумкин. Ўз фикрини равон, гўзал ифода эта олмайдиган ўқувчини замон талаби даража-сидаги ўқувчи деб бўлмайдди. Халқимизнинг миллий қиёфаси, руҳияти, орзу-истаклари, эзгу қарашлари шу тилда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тил – миллат қалбининг кўзгуси, ўзликни ифода этиш воситаси, маданий мерос дурдонаси сифатида эътироф этилади.

Алломаларимиз айтганидек, «Дунёдаги жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади». Шундай экан, азиз ўқувчилар, сизларга Мангу эл – она заминга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари, энг аввало, она тилини ўқитиш жараёни орқали сингдирилар экан, бу борада сизлардан самимий меҳнат талаб қилинади.

Кўлингиздаги ушбу дарслик мазмуни янгиланган таълим дастури асосида тузилган бўлиб, умумий ўрта таълим босқичининг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги 11-синфи учун мўлжаллангандир. Дарслик сизнинг тил ҳақида шаклланган билимларингиз негизида нутқий фаолиятнинг барча кўринишлари (тинглаш-сўзлаш, ўқиш, ёзиш ва адабий тил меъёрлари) бўйича функционал саводхонлигингизни тақомиллаштиради, сизни нутқи фаол ижодий шахс сифатида ривожлантиришни кўзлайди.



Бундан ташқари, дарсликдаги маълумотлар ўзбек тили фонетикаси, лексикаси ва грамматикасидан олган билимларингиз асосида адабий тил меъёрлари – орфоэпия (тўғри талаффуз), орфография (имло), тиниш белгилари (пунктуация), ёзма нутқ услубларини ўрганиш ва мустақамлашга бағишланади.

Дарслик қуйидаги саккиз бўлимдан иборат мавзуларни қамраб олган: «Қозоғистон қиёфаси: ўтмиши ва келажаги», «Ёшлар маданияти ва масалалари». «Замонавий жамият. Миграция. Интеллект миграцияси», «Оламни ўзгартирган кашфиётлар», «Тинчлик, хавфсизлик ва жаҳоншумул иқтисод», «Миллатнинг тарихий қадриятларини сақлаш», «Янги оламдаги театр ва кинематография», «Меҳнат бозорида талаб ва эҳтиёж».

Замон билан ҳамнафас берилган ҳар бир бўлимдаги топшириқларни бажаришда оғзаки ва ёзма нутқ қоидаларига амал қилиш; ахборот излаш, топиш, ажратиб олиш ва уни қайта ишлаш; мулоҳазали фикрлаш, умумлаштириш, баҳолаш, олинган ахборотни талқин этиш/шарҳлаш; коммуникатив вазифаларига боғлиқ турли ўқиш турларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштирасиз. Шунингдек, оммавий чиқишларнинг турли жанрларида монологлар ярата олиш, мулоқот вазиятига мувофиқ танқидий баҳолаш; турли коммуникатив вазиятларда баҳс-мунозаралар олиб бориш малакалари ривожланади. Бундан ташқари, сиз турли жанрдаги матнлар устида ишлайсиз, матнни тузатасиз ва таҳрир қиласиз. Буларнинг барчаси саводхонлигингизни ошириб, нутқингизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Грамматик материал эса нутқий мавзуларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ўтилган грамматик қоидаларни ёдга солиш учун зарур ўринларда қоидалар ҳам берилди.

Тилни ўрганиш бошқа фанлар билан алоқадорликда, умумий мавзулар (нафақат ўзбек маданияти, балки замонавий Қозоғистон воқеликлари, унинг тарихи, маданияти ва санъати ҳақидаги матнлар) орқали, турли фан соҳаларига тегишли матнлардан фойдаланиш, академик тилни ривожлантириш орқали юзага оширилади.

Умид қиламизки, дарслик сизнинг нутқий фаолиятингизни такомиллашувида яқиндан ёрдам беради.

Она тилининг софлигини сақлаб, уни пухта ўрганишда барчангизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Оқ йўл, азиз битирувчи!

Муаллиф



ҚОЗОҒИСТОН ҚИЁФАСИ: ЎТМИШИ ВА КЕЛАЖАГИ



Бизнинг еримиз моддий маданиятнинг кўплаб бойликлари пайдо бўлган жой, булоқ боши, десак, муболаға бўлмайди... Қадимги солномалар бугунги қозоқларнинг аждодлари Евроосиё минтақасидаги сиёсий ҳамда иқтисодий тарихнинг силсиласини кўп марта тубдан ўзгартирганидан дарак беради.

«Буюк Даштнинг етти қирраси»



МАКОН – БАРЧА НАРСАЛАРНИНГ, ЗАМОН – БУТУН ВОҚЕЛИКНИНГ ЎЛЧОВИ

Такрорлаш. Имло ва талаффуз

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушунамиз, жанрини аниқлаймиз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифода-лаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



1-машқ. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг ва синфда муҳокама қилинг.

Замон ва макон уфқлари туташган чоғда миллат тарихи бошланади. Бу чиройли иборагина эмас. Том маънода, немис, итальянлар ёки ҳинд халқларининг солномасига кўз югуртирсак, уларнинг минглаб йилларни ўз ичига олган асл тарихидаги улкан муваффақиятларнинг кўпчилиги шу эллар ҳозир макон тутган ҳудудларга тегишлилиги ҳақида савол туғилиши табиий. Албатта, қадимги Рим ҳозирги Италия эмас, бироқ итальянлар ўзларининг тарихий томири билан фахрлана оладилар. Бу – муносиб ифтихор. Шу сингари, қадимги готлар билан бугунги немислар ҳам бир халқ эмас, бироқ улар ҳам Германия бой тарихий меросининг бир қисми. Кўп этник бой маданиятга эга қадим Ҳиндистон билан бугунги ҳинд халқини тарих тўлқинида узлуксиз ривожланиб келаётган яхлит тамаддун сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бу тарихга бўлган тўғри муносабатдир. Шу орқали туб илдизимизни билишга, миллий тарихимизга теранроқ назар солиб, унинг мураккаб тугунларини ечишга имконият туғилади.

Қозоғистон тарихи ҳам алоҳида қисмлари билан эмас, яхлит ҳолатда ҳозирги замонавий-илмий жиҳатдан қараганда тушунарли бўлиши лозим. Бунга керакли далилларимиз етарли.





Биринчидан, қўшган улушлари кейинроқ сўз бўладиган қадимий давлат бирлашмаларининг аксарияти ҳозирги Қозоғистон ҳудудида қурилиб, қозоқ миллати этногенезининг асосий элементларини ташкил этади.

Иккинчидан, биз айтмоқчи бўлган юксак маданий ютуқлар мажмуаси даштимизга ташқаридан келгани йўқ, аксинча, қўпчилиги мана шу кенг-бепоён ўлкада пайдо бўлиб, шундан сўнг Ғарб ва Шарққа, Шимол ва Жанубга тарқалди.

Учинчидан, кейинги йилларда топилган тарихий буюмлар боболаримизнинг ўз замонидаги энг илғор, энг етакчи технологик янгиликларда бевосита иштирок этганлигини исботлайди. Бу ёдгорликлар Буюк даштнинг жаҳон тарихидаги ролига янгича нуқтаи назар билан қарашга имкон беради.

Ҳатто баъзи қозоқ уруғ-қабилаларининг номлари «қозоқ» этнонимидан анча асрлар муқаддам маълум бўлган. Мана шунинг ўзи бизнинг миллий тарихимизнинг уфқи бунгача айтилиб келган даврдан жуда олисда ётганини билдиради. Европацентристик нуқтаи назар, саклар ва хунлар ҳамда бугунги туркий халқларнинг аجدодлари саналмиш бошқа этник гуруҳлар бизнинг миллат тарихий этногенезининг таркибий қисми бўлгани ҳақидаги кескин далилларни кўришга имконият беради.

Шу билан бирга, узоқ вақтдан бери бизнинг еримизда яшаб келаётган кўплаб этнослар учун умумий бўлган Қозоғистон тарихи тўғрисида гап кетаётганини таъкидлаб ўтганимиз маъқул. Бу – турли этносларнинг кўплаб машҳур шахслари ўз ҳиссаларини қўшган бутун халқимиз учун муштарак тарих.

Бугунги кунда асл тарихимизга ижобий нуқтаи назар керак. Бироқ қандайдир битта тарихий воқеани танлаб олиш ҳамда конъюнктуравий жиҳатдангина таърифлаш билан чекланиб қолишга бўлмайди. Оқ ва қора – бир-биридан ажралмайдиган тушунчалар. Булар ўзаро бирлашганда якка кишиларнинг ҳам, яхлит халқларнинг ҳам ҳаётига бетакрор ранг беради. Бизнинг тарихимизда оғир даврлар билан қайғули воқеалар, ўлимга олиб борган урушлар ва тўқнашувлар, ижтимоий жиҳатдан хавфли синовлар ва сиёсий қатағонлар оз бўлмади. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Кўпқиррали ва бой тарихимизни тўғри тушуниб, қабул қилишимиз керак.

Энг муҳими, биз аниқ илмий маълумотларга таянган ҳолда, жаҳон тарихидаги ўз ролимизни атрофлича ва тўғри тушуниб олишимиз лозим.

«Улуғ даштнинг етти қирраси». Нурсултон Назарбаев



Биз ҳозирги кунни тушуниб, идрок қилишимиз учун ҳам, келажакни тасаввур қилиш учун ҳам ўтмишга назар ташлашимиз керак.

Н.Назарбаев



1. Муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқланг.
2. Матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача баён этинг, жанрини (маъруза, мақола, баҳс-мунозара, интервью) аниқланг.
3. Матннинг асосий мазмунини етказиб беришда юқорида берилган «Миллат тарихидаги макон ва замон» тасвирига аҳамият беринг ва фикрингизни қисқача баён этинг.





4. Қуйидаги жадвални Қозоғистоннинг ўтмиши ва келажакига боғлиқ солномасига (тарих фани ёрдамида ва ўзингиз мустақил) мисоллар келтириб, тўлдилинг.

| Қозоғистон ўтмиши | Ҳозирги Қозоғистон | Келажакдаги Қозоғистон |
|-------------------|--------------------|------------------------|
| | | |
| | | |

5. Матн таркибидан олинган сўзлар бўйича қуйидаги жадвални тўлдилинг ва давом эттилинг.

| Мисоллар | Лексик маъноси | Грамматик маъноси |
|----------|----------------|-------------------|
| Замон | | |
| макон | | |
| миллат | | |
| ... | | |

6. Имло ва тўғри талаффуз деганда нимани тушунасиш, матнни ўқиш ва қайта баён этишда сиз бунга амал қилдингизми?



«Янги Қозоғистон менинг тасаввуримда» мавзусида қисқача мақола ёзинг.



БИЛИМЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1. Имло ва тўғри талаффуз ўзбек тилининг қайси бўлимида ўрганилади?
2. Имлони ўрганиш нима учун керак?
3. Товушларни тўғри талаффуз қилмаслик нимага олиб келади?
4. Гапнинг грамматик асоси нима?





2-машқ. Шеърни овоз чиқариб ифодали ўқинг. Сиз ўзингиз шеърга яна қандай сарлавҳа қўйган бўлардингиз?

ЮРАК ТИЛИ

Дунё соқов эди, туйқус сўз сўради – садо бўлдинг,
Жилва сочди мавжларингда ою юлдуз – само бўлдинг,
Коинотнинг буржларига ёйилган куй – сано бўлдинг,
Сен туфайли вужудимга жо бўлди-ку жоним, тилим.

Тошга ҳам тил ато этган сирли битик – тилсим сенсан,
Заранг мозий дарвозасин очқич калит – «сим-сим» сенсан.
Камалақдай лисонлар кўп – ёлғиз юрак тилим сенсан,
Тилмоч бўлдинг муҳаббатга меҳмон бўлган оним, тилим.

Сен сулувсан – Қошғарийни Мажнун каби кўйга солган,
Алишербек васф этай деб чиройингни ўйга толган,
Қодирий ҳам Чўлпон сўйиб, ошиқ жони ўтда қолган,
Ишқ аҳлининг шароридан шараф топган шоним, тилим.

Кўксимдаги чечагим сен – ким қўл чўзди юлмоқ учун,
Поймол этиб, сўнг устимдан қаҳ-қаҳ отиб кулмоқ учун,
Хазинасан, қулф эшиги – тилсиз, дилсиз гумроҳ учун,
Сийму зарим, дур-гавҳарим, тилла тўла коним, тилим.

Ёв йўласа, қилич-қалқон сўзинг тутиб, қасд бўламан,
Таъзим қилса Сенга, мен ҳам отдан тушиб паст бўламан.
Сасинг туйсам сафарларда, сафо ичра маст бўламан,
Соқий мудом сахий сенга – саодатли жомим, тилим.

Дилим сархуш, тилим бийрон – абад бахтга ёрлигимсан,
Худойимнинг мукофоти – мангу мақтов ёрлигимсан,
Кўзим дейми, юзим дейми – бошдан-оёқ, борлигимсан,
Етмиш икки томиримда оқиб турган қоним, тилим.

Эй, сен хазон билмас боғим, ўзбекиё соф гулинг бўлай,
Гулинг узра қанот қоққан беором булбулинг бўлай.



Ҳеч бўлмаса, илтифот қил, бир қўриқчи қулинг бўлай,
Давлатли султоним, тилим – олиймақом хоним, тилим.

Сен бўлмасанг, кўкка элтар нурли нарвон, йўлим қайда?!
Сен сарбонсан, дилим – зиё ортган карвон, қўним қайда?!
Тирикман, сен боис боқий менга даврон – ўлим қайда?!
Сен борсанки, жаранглагай кўк тоқида номим, тилим!

Нодир Жонузоқ




1. Матнни синчиклаб ўқиб, ўрганинг. Жанрини аниқланг. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини ажратиб олинг ва умумлаштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Матн мазмунини қисқача ҳикоя қилинг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Изоҳлар |
|----------------|-------------------|---------|
| | | |

2. Бадиий матн устида ишланг. Жадвални тўлдириг. Ушбу воситаларнинг нутқдаги аҳамиятига изоҳлар келтириг.

| Бадиий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|--------------------------|----------|---------|
| Талмеҳ | | |
| Ташбеҳ | | |
| ... | | |

3. Ушбу матннинг дарс мавзусига қандай алоқаси бор? Матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволлар тузинг ва фикрингизни аниқ ифодаланг.
4. Орфография ва орфоэпия нимани ўргатади? Ёдингизга олиб фикрингизни мисоллар билан баён этинг.



Она тилсиз миллат йўқ. Тилини йўқотган миллат ўз тарихи ва илдизларини йўқотган миллатдир. Тилсиз миллат миллат эмас. Тилини йўқотган миллат бу аجدодлари, ота ва онасининг исmlарини унутган миллатдир. Ва уларни манқурт дейдилар.

Шерхан Муртаза



ЁДИНГИЗГА ТУШИРИНГ!

ОРФОГРАФИЯ. Орфография юнонча «тўғри ёзиш» маъносини англатади. Ўзбек орфографияси ўзбек тилидаги сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар йиғиндисидир. Унда айрим ҳарфлар имлоси, қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси, ўзак, негиз ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ёзиш чизикча билан ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, бўғин кўчиришни ўз ичига олади.

Ўзбек орфографиясининг бир қатор ёзув қоидалари мавжуд. Улардан асосийлари фонетик ёзув, морфологик ёзув, шаклий ёзув қоидаларидир.

ОРФОЭПИЯ (орфо... юн. epos – нутқ, талаффуз) – тилшуносликнинг адабий талаффуз меъёрларини ўрганувчи бўлим. Орфоэпия миллий тилнинг шаклланиши билан бир пайтда, оғзаки нутқнинг таъсир доираси кенгайган, оммага қаратилган нутқнинг янгиша шакллари ривожланган пайтда пайдо бўлади. Ўзбек адабий тилининг асосий орфоэпик қоидаларида унли ва ундош фонемаларнинг талаффузи, морфологик бирликларнинг айтилиши, сўз бирикмаларининг талаффуз қилиниши қоидалари каби муҳим масалалар ёритилади. Орфоэпия орфография билан зич боғланган. Бироқ сўзнинг ёки сўз шакллариининг жонли талаффузи ҳамма вақт ҳам уларнинг ёзувдаги ифодасига тенг бўлавермайди. Жумладан, ёзувда бор баъзи товушлар талаффузда сезилмайди: бироқ, билан, тўхмаччи, адабиётчи каби; ёзувда берилган товушлар талаффузда тушиб қолади: бадбах, аёлман, абстракт, Самарқан каби; ёзувда ифодаланган товуш талаффузда бошқаси билан алмаштирилади: обод-обот, китоб-китоп, пешвос-пешвос каби.

Талаффуздаги ана шу мураккаб томонларни ҳисобга олган ҳолда ягона орфоэпик қоидалар яратиш лозим бўлади.





БУЮК ДАШТНИНГ БУЮК НОМЛАРИ

Луғатшунослик ва амалий тилшунослик

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушунамиз, жанрини аниқлаймиз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифода-лаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги режалар тузамиз, шу билан бирга таянч чизмалар чизамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



3-машқ.

АЛ-МУАЛЛИМ АС-СОНИЙ



Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим Форобийнинг тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон.

Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожининг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукамал билган ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, «Ал-муаллим ас-соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан

кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилган.

Буюк мутафаккир Абу Наср ал-Форобий 873 йилда Сирдарё бўйидаги Фороб (Ўттор) шаҳрида турк ҳарбий саркардаси оиласида таваллуд топди. У аввал ҳунармандчилик ишлари билан банд бўлиб, кейин фалсафа илми билан



машғул бўлади. У 70 тилни билган, деган ривоятлар бор, 160 дан ошиқ асарлар муаллифи бўлиши билан бирга, мусиқа ва шеърят илмларини ҳам мукамал билиб, шеърлар ҳам ёзиб турган. Олим ниҳоятда камтар ва ғарибона ҳаёт кечирган. У Сайфуддавлдан кунига 4 дирҳамдан ошиқ пулни олмаган.

Ал-Форобий «Катта мусиқа китоби» номли асар ёзиш билан бирга, янги мусиқа асбобини ҳам яратади. Бугунги кунгача фақатгина 40га яқин асаригина бизга етиб келган. Унинг машҳур асарлари: «Шарҳ китоб ал-Бурҳон ли Аристутолис» (Арастунинг «Исбот» – «Иккинчи аналитика» китобларига оид шарҳ китоби), «Шарҳ китоб ал-Хитоба ли Аристутолис» (Арастунинг «Риторика» асарига ёзилган шарҳ китоб), «Шарҳ ал мақола ас-сония ва ас-сомина мин «Китоб ал-жадал» ли Аристутолис (Арастунинг «ал-Жадал» – «Диалектика» китобидан иккинчи ва саккизинчи мақолалар шарҳи), «Шарҳ китоб ал-Муғолата ли Аристутолис (Аристотелнинг «Софистика» китобига битилган шарҳи), «Шарҳ китоб ал-Мақулот ли Аристутолис ало жиҳат ат таълиқ» (Арастунинг категорияларни шарҳлаб ёзилган китобига шарҳ), «Китоб ал-жадал» («Диалектика» китоби), «Китоб фи мабоди оройи аҳл ал-мадинат ал-фозила» («Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб), «Китоб ал-алфоз ва ал-хуруф» (Лафз сўзлари ва ҳарфлар ҳақида китоб), «Рисола фи ат-танбиҳ ало асбоб ас-саода» («Саодатга эришиш сабаблари кўрсатилган рисола»), «Китоб фи ал-хитоба кабир, ишрун мажалла» («Риторика ҳақида йигирма жилдлик катта китоб»), «Калом лаҳу фи аш-шеър ва ал-қавофий» («Абу Насрнинг шеър ва қофиялар тўғрисидаги сўзи») ва бошқалар ҳисобланади.

Олим араб тилида ижод қилган. У ўз шеърларида байтларнинг охирларига кўпроқ эътибор қаратган. Ўша давр шеърлятида ишлатиладиган иборалар ритмли, маълум бўлақларга ажратилган бўлиши керак деб ҳисобланган, ҳатто ундаги ҳар бир ритм (зарб), туроқ, сабаб, ватадлар (1) сони ҳам чегараланиши зарур...

Абу Наср Форобий қомусий олим бўлиш билан бирга, мусиқа ва шеърятни ҳам билган ва бу ҳақда асарлар ёзиб қолдирган. Аммо бугунги кунгача, асосан, унинг фалсафий, сиёсий, мантиқий асарлари кенг ўрганилган. Олимнинг ҳатто ўзи ёзган шеърлари ҳам сақланиб қолган.

Деҳхудонинг «Луғати»да унинг қуйидаги шеъри келтирилган (таржимаси):

*Гапида мағно йўқдир, тили ғализ, тумтароқ,
Кўрдим аҳли замонни боши эгилган андоқ.
Ҳар бошлиқда бир ташвиш: ҳар бошда бир мусибат,
Шунинг учун уйимдан чиқолмай тоқатим тоқ.*

Номусни асрамоққа узлатдаман, панада,
 Мен иззатимни асраб, қаноат этдим ҳар чоқ,
 Сабр-чидам майини йиғиб қуйдим жомига,
 Кафтимда у нурафшон, мен анга бўлдим ўртоқ.
 Бор давлатим, ичурман, май шиша менга улфат.
 Қулт-қулт овози наво, эшитай дейман кўпроқ.
 Бўшаб қолган диёрлар, одамлар сўзларидан
 Мева териб олурман, йўқолмиш йўқса мутлоқ.

(*kh-davron.uz* дан)



1. Матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларга ажратинг, услуби, жанрини аниқланг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Изоҳлар |
|----------------|-------------------|---------|
| | | |



2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифодалаб, ёзма баён қилинг, жуфтликда суҳбатлашинг. Шунингдек, матн мазмуни бўйича режа тузинг. Ўзаро бир-бирингизни баҳоланг.



3. **Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, «Ал-муаллим ас-соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилган,** жумласини гуруҳда муҳокама қилинг ва тақдимот тайёрланг.



4. Матн тили устида ишланг. Ўзингиз учун талаффузи қийин ёки нотаниш сўзларни ажратиб ёзинг, луғатлар ёрдамида уларни изоҳланг. Синфга овоз чиқариб ўқиб беринг.

5. Лексикография нимани ўрганади? Қуйидаги жадвалга эътибор қаратамиз.



ЎТГАН МАВЗУЛАР ЁДИНГИЗДАМИ? АҚЛИМИЗНИ ЧАРХЛАЙМИЗ!

Тилнинг амалда, яъни турмушда ҳамма учун керак бўлган томонига қаратилган соҳаси амалий тилшунослик ҳисобланади. Жумладан, луғатчилик тилшуносликнинг энг кенг тарқалган амалий соҳасидир.

Бирор тилни ўргансангиз ҳам, бирор соҳа билан шуғуллансангиз ҳам, луғат асосий дастур бўлиб ҳисобланади.

Луғат тузиш билан шуғулланадиган соҳа лексикографиядир. Луғат сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш демакдир.

Луғатлар икки хил бўлади:

1. Энциклопедик луғатлар
2. Лингвистик (филологик) луғатлар.

Энциклопедик луғатларда бирор шахс, жой ёки бирор давр ҳақида атрофлича маълумот берилади.



4-машқ. Берилган матнлар устида ишланг.

ФОРОВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Барча ҳайвонлардан инсон ўзининг алоҳида хоссалари билан фарқ қилади, чунки унда жон бор, ана шу жондан куч пайдо бўлиб, бу куч тана аъзолари воситаси билан ҳаракат қилади ва бундан ташқари унда шундай куч борки, бу куч тана аъзолари воситасида ҳаракат қилади: бу куч ақлдир.

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват, руҳий куч билан боғлиқдир.

* * *

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий би-лишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.



* * *

Бахт – киши ўзи учун излайдиган неъматдир: бирон бошқа нарсага эришиш учун киши асло ва ҳеч қачон бахт сари интилмайди, бинобарин (бахтнинг) нариги томонида ҳам инсон эриша олмайдиган ҳеч қандай муҳимроқ нарса йўқ.

* * *

«Муносиб инсон» бўлиш учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса бу – кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб бориладиган йўлдир...

* * *

Кишининг феъл-атвориға қараб тарбия «қаттиқ» ва «юмшоқ» усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Тарбиячининг асосий вазифаси шогирдларини (яъни халқни) бахтга эришиш йўлларини излашга тайёрланишдан иборатдир. Борди-ю, тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга нисбатан «юмшоқ» усул қўлланилади, аксинча, мабодо улар ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, уларга нисбатан «қаттиқ» усул қўлланилиши мумкин.

(«Педагогика тарихидан хрестоматия»дан)



1. Матннинг услуги, жанрини аниқланг. Асосий ахборотини ажратиб ёзинг.



2. Матн мазмунини гуруҳда муҳокама қилинг. Ўз кўзқарашларингизни ифодалаб, суҳбатдошингизга нуқтаи назарингизни ўтказишга ҳаракат қилинг. Фикрингизни ҳаётий мисоллар билан далилланг.
3. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифодалаб, гуруҳлараро алмашиб, муҳокама юритинг.

4. Қуйидаги маълумотлар устида ишланг. Луғатларнинг ҳаётда қандай аҳамияти борлиги ҳақида режа тузинг.



ЁДИНГИЗДА САҚЛАНГ!

Лингвистик луғатлар бир тилли ёки икки тилли луғатларга бўлинади. Бир тилли луғатларда бирор муайян тилнинг сўз бойлиги акс этирилади.

Ўзбек тилининг қуйидаги лингвистик луғатлари мавжуд:

1. Ўзбек тилининг имло луғати. Бу луғат ҳозирги кунда 85 000 дан ортиқ сўз ва сўз шаклларида иборат бўлиб, унда сўзларнинг тўғри ёзилиши берилган.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бу луғатда 80000 дан ортиқ сўзларнинг маънолари берилган.

Шунингдек, ўзбек тилининг синонимлар, антонимлар, омонимлар, паронимлар луғати, фразеологик луғат, морфем луғат, киши исмлари, жой номлари луғати, терс луғат, этимологик луғат, Алишер Навоий асарларини луғати каби кўплаб лингвистик луғатлар тузилган.

Икки тилли луғатларда икки тил сўзларининг таржимаси берилади. Масалан, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғат.

Бу луғатларнинг ҳар бирида 80000 дан ортиқ сўзлар жамланган ва таржималари берилган.

Луғатлар жуда муҳим маданий бойликдир. Уларнинг амалий аҳамияти қуйидагича:

1. Сўзларни тўғри ёзишга ўргатади (имло луғати).
2. Сўз маъноларини тушунтиради (изоҳли луғат).
3. Сўзларни бир-бирига солиштириб, тил ўрганишда фойдаланилади (икки тилли луғат).



5-машқ. Берилган матнлар билан танишинг. Сарлавҳа қўйинг.

Айтишларига қараганда, Аристотелнинг «Жон ҳақида» асарининг Абу Наср мутолаа қилган нусхаси топилган. Ана шу китобда Форобий ўз қўли билан «мен шу китобни юз марта ўқидим» деб ёзиб қўйган экан. Бу олим тўғрисида нақл қилганларнинг гапига қараганда, Абу Наср «Арастуниги «Физика» асарини қирқ марта ўқидим-у, лекин уни яна қайта ўқишим керак», дер экан.





Абу Наср Форобийдан шу нарсани ривоят қилибдилар.

Бир гал ундан:

– Фалсафа соҳасида ким ўткир – Сизми ё Арастуми? – деб сўрашибди.

Шунда Абу Наср савол берганга жавобан:

– Агар мен у кишининг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда эди, у ҳолда мен унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлурдим, дебди.

* * *

Абу Наср Дамашққа келгач, Сайфуддавланинг ҳузурига киради. Амир, одатига кўра, теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан, Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида у ўзининг турк кийимида бўлади, одати бўйича у доим шу кийимида юрар эди. У аста ичкарига кириб келади-да, амирга юзланиб типпа-тик туриб қолади. Шунда амир унга қараб:

– Ўтир! – дейди.

Абу Наср:

– Қайси жойга, ўз даражамга қарабми ё сен айтган жойгами? – дейди.

– Ўз даражангга қараб ўтир, – дейди Сайфуддавла.

У дадил юриб, тўрга равона бўлади, тўғри Сайфуддавла ўтирган курси олдига келиб тўхтади. Ҳатто амирни ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборади.

Одатда Сайфуддавланинг ҳузурига мамлуклар – хизматкорлари ҳозир ру нозир бўлгувчи эди. Амир бўлса кўпчилик одамлар олдида гапириб бўлмайдиган бекитиқчи тилларини ўзи ва ўша хизматкорлари биладиган махсус тилда гаплашарди. Бу тилни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

– Қандай беодоб чол экан! Ҳай майли, мен ундан баъзи нарсаларни сўрайман, агар тўғри жавоб беролмаса, бошлаб адабини бериб қўясизлар, – дейди.

Амир шундай дейиши билан Абу Наср ўша тилда унга қараб:

– Эй амир, бироз сабр қил, – чунки ҳар бир ишнинг оқибатига ҳукм чиқарилади, – деди.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла даҳшатга тушади, кейин унга:

– Бу тилни биласизми? – дейди.

– Ҳа, – дейди, – мен етмишдан ортиқ тил биламан.

Абу Наср шу гапини айтиши билан амир унга бошқача қарай бошлади ва ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетди. Шунда Абу Насрнинг ҳар жиҳатдан устунлиги аён бўлади, бора-бора йиғилганларнинг кўпчилиги суҳбатни тўхтатиб, жим қоладилар, фақат Абу Насргина суҳбатни давом эттирар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир гапни мажлис аҳли ёзиб олар эдилар. Охири Сайфуддавла олимларни жўнатиб юбориб, Абу Наср билан ёлғиз қолади. Амир ўз суҳбатдошига қараб:

– Бирор нарса ейишга қалайсиз? – дейди.

Абу Наср унга:

– Ҳеч нарса емайман, – дейди.

– Бирор нарса ичишга-чи? – дейди амир.

– Йўқ, – дейди Абу Наср.

– Бўлмаса, бирор ширин куй эшитишга рағбатинг борми? – дейди амир.

– Ҳа, бор, – дейди Абу Наср.

– Сайфуддавла мутрибу машшоқларни чақиртиради.

Чорланган машшоқлар қайси куйни машқ қилса, Абу Наср сен фалон жойда пистон хатога йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўриб, Сайфуддавла Абу Насрдан:

– Бу санъатдан ҳам хабаринг борми, дейман, – деб сўрайди.

– Ҳа, – деди Абу Наср, у шундай деди-ю, белидаги тўрвасини очиб, ундан бир неча чўп олди, уларни бир-бирига улади, сўнг чалиб машқ



қила бошлаган эди, даврада ўтирганлар ўзларини тутолмай қула бошлашди. Кейин олим ўша чўпларини бошқача қилиб бириктириб чалган эди, йиғилганлар пиқ-пиқ йиғлашга тушишди. Олим чўпларини бошқача тартибга солиб чалган эди, амирдан тортиб дарвозабонигача ҳамма донг қотиб ухлаб қолди.

Абу Наср эса фурсатдан фойдаланиб, саройдан чиқиб кетди.

Ривоятларга кўра, «Қонун» деган мусиқа асбобини Абу Наср ихтиро қилган экан. У доимо ёлғиз ўтирар экан. Бир қанча вақт у Дамашқда яшайди. У боғларни, баҳаво ерларни хуш кўрар ва ўшандай жойларда ўтириб, китоб таълиф қилар экан.

Абу Наср Форобий. («Фозил одамлар шахри»дан)



1. Матн услуби, типи, жанрини аниқланг. Бошқа услуб, тип, жанрлардаги матнлардан қандай фарқли жиҳатлари бор? Мисоллар билан изоҳ беринг.
 2. Ушбу матнларда матн қаҳрамонининг қайси хислатлари баён этилган?
- Чизмада умумлаштириб, тасвирлаб беринг.



5-машқни бажариш давомида тўплаган таассуротларингиз, маълумотлар асосида режа тузинг. Режага мувофиқ матн ёзинг.



Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари тўфайли ўзаро тинчликда яшамоқликлари лозим.

Абу Наср Форобий



БУ – МЕН ТУҒИЛГАН ТУПРОҚ

Сўз ясалиши ва атамалар

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушунамиз, жанрини аниқлаймиз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдирамыз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифода-лаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги режалар тузамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламыз.



6-машқ. Матнларни кўз югуртириб ўқиб чиқинг.

I. Биз ўз тарихимизнинг янги маёғини ёқдик, шу сабабли бугун ва абдий бизнинг Қозоғистон – Буюк Дашт эли. Бу улкан ўзгарган дашт мамлакати, бутун кўп миллатли миллатнинг бешиги ва уйи, бизнинг ватанимиз. Унда ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги акс этади, қозоғистонлик характери ва унинг асосий хусусиятлари – очиқлиги, қалбимизнинг кенглиги, юрагимизнинг илиқлиги, меҳмондўстлик ва тинчлик, донолик, эҳтиёткорлик, меҳнатсеварлик ва халқимизнинг ишбилармонлиги акс этади. Бу ўз кучига ишониш, севимли заминнинг мисли кўрилмаган гуллаб-яшнашига эришишдир. Ишончим комилки, бизнинг Қозоғистоннинг бундай янги қиёфаси ҳар бир қозоғистонликнинг онги ва қалбидан жой топади, бутун дунёда тан олинади.

Н.Назарбаев

II. 1991 йилда узоқ тарихга эга бўлган Қозоғистон Республикаси янги даврда суверен давлатга айланди. Мустақиллик куни ҳар йили 16 декабрь куни байрамона нишонланади.

1992 йил 2 мартда Қозоғистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

1992 йил 4 июнда Қозоғистон Республикаси Президенти «Қозоғистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида», «Қозоғистон Республика-



сининг Давлат герби», «Қозоғистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида» ги қонунларни имзолади.

1993 йил 28 январда Олий Кенгаш Қозоғистон Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилди. Шу билан бирга, қозоқ тили давлат тили сифатида қабул қилиниб, миллий валюта жорий этиш бўйича давлат комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1994 йилда бир гуруҳ қозоқ талабалари «Бўлашақ» дастури бўйича биринчи марта хорижий университетларга юборилди. Ушбу стипендия битирувчиларга ўз касбларида муваффақиятли бўлишга ёрдам беради. Бугунги кунда «Бўлашақ» битирувчилари кўплаб давлат идораларида, маҳаллий ва халқаро ташкилотларда, акциядорлик жамиятларида ишлашади.

1995 йил 30 августда умумхалқ референдуми асосида Қозоғистон Республикаси Конституцияси қайта қаралиб, қабул қилинди ва 5 сентябрда кучга кирди. Конституция 9 боб ва 98 моддадан иборат.

1997 йил 20 октябрда Президент Нурсултон Назарбаев расмий равишда Ақмўла Қозоғистоннинг янги пойтахти эканлигини эълон қилди. Жорий йилнинг 8 ноябрь куни Қозоғистон Республикасининг давлат рамзларини Алматидан Ақмўлага кўчиришнинг тантанали маросими бўлиб ўтди. Шундай қилиб, гўзал ва навқирон пойтахт Астана, ҳозирги Нур-Султон шаҳри жаҳонга машҳур бўлди...

2008 йилда Президент ташаббуси билан Миллий нейрохирургия маркази ташкил этилди. Бу соғлиқни сақлаш соҳасидаги етакчи инновацион институтлардан биридир. Бугунги кунга қадар марказда 37 мингдан ортиқ бемор даволанди ва 25 мингдан ортиқ одамга жарроҳилик қилинди. Бундан ташқари, 66 нейрохирургия технологиялари жорий этилди.

2010 йилда Қозоғистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилди. Шу йилнинг декабрь ойида Қозоғистонда саммит бўлиб ўтди.

2011 йилда Қозоғистонда биринчи қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Қозоғистон спортчилари 70 медални қўлга киритди. Улардан 32 таси олтин, 21 таси кумуш ва 18 таси бронза.

2012 йил 22 ноябрда Қозоғистон 2017 йилги Бутунжаҳон кўрғазмасини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Астана Халқаро кўрғазмалар бюроси аъзолари иштирокида 103 овоз олди.

2013 йил 24 август куни Президент Нурсултон Назарбаев иштирокида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг «Қозоғистон-2050 стратегияси: бир миллат – бир мамлакат – бир тақдир» мавзусида XX сессияси бўлиб ўтди.

2015 йил 27 июлда Қозоғистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди.

2017 йилда Қозоғистонда биринчи марта «ЭЖСПО» кўрғазмаси ташкил этилди. Кўрғазма Астана шаҳрида 10 июнь – 10 сентябрь кунлари оралиғида бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли бурчакларидан 3 миллион киши қатнашди. Кўрғазмада 115 мамлакат ва 22 халқаро ташкилот иштирок этди.

2018 йил 1 январда Қозоғистон БМТ Хавфсизлик Кенгашига раисликни қўлга олди. Раисликнинг асосий мақсади Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича ҳужжатлар қабул қилиш эди. Кенгашнинг муваққат аъзолари бу лавозимда навбатма-навбат тайинланиб туришади.

(sputniknews.kz)



1. Ҳар иккала матнни таққосланг. Матнларда кўрсатилган масала юзасидан фикрингизни айтинг.
2. Матнларнинг ўзига хос типи, услуби, тилини гуруҳингизда муҳокама қилинг, аниқланг, изоҳланг.
3. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Далил | Фикр |
|----------------|-------------------|-------|------|
| | | | |

4. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
5. Матндан чет тилларидан кирган сўзларни аниқланг.

| Чет тилидан кирган сўз | Изоҳи |
|------------------------|-------|
| | |

6. Матндан атамаларни топиб, қайси соҳага мансуб эканлигини тушунтиринг.
Ясама сўзларни топиб, ясаилишини баён этинг.
7. Сўз, ибора, сўз маъноси, синоним, омоним, антоним, пароним, маъно, кўчма маъно, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, атама, неологизм, диалектизм, фаол сўз, ўзлашма сўз, барқарор бирикма (ибора), тасвирий ифода – бу атамалар тилнинг қайси бўлимига хос?



Сўз ясалиши ва атамалар

Янги сўз ҳосил қилиш сўз ясалиши дейилади. Янги сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойишини таъминловчи асосий манбадир. Сўз ясалиши мустақил сўз туркумлари: **от, сифат, феъл, равиш** туркумлари учун хосдир. Сон, олмош ва ёрдамчи сўз туркумларида сўз ясалмайди.

Сўз ясалишининг, асосан, қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Морфологик усул
2. Синтактик усул

Сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши орқали сўз ясалиши морфологик усул билан ясалиш дейилади: **ишчи, гулли, сувчи, чиройли, билимдон** каби. Ўзбек тилида сўз ясовчилар, асосан, ўзакдан кейин қўшилади.

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикишидан ташкил топган сўзлар синтактик усул билан ясалишдир. Синтактик усул билан қўшма, мураккаб ва жуфт сўзлар ясалади: **гултожихўроз, музқаймоқ, жигар ранг, шу ер, яхши-ёмон.**

Тоғнинг этаги.

Атамаларни ўрганадиган соҳа атамашунослик (терминология) дейилади. Атамалар аниқ тушунчаларни ифодалагани учун бир маънода қўлланилади. Сўзнинг бир маъноли ёки кўпмаънолилигини нутқ белгилайди. Сўз гапдан ташқарида қайси маънони англатса, гап ичида ҳам шу маънони ифодаласа, бу сўзнинг бош маъноси ҳисобланади. Масалан, юлдуз сўзининг осмон жисмини ифодалашининг бош маъноси «футбол юлдузи» маъносида қўлланилиши унинг ясама маъносидир.

Ясама маъно бош маънонинг тараққиёти билан ҳосил бўладиган маънодир. Масалан, **эшикни очмоқ** бирикмасида **очди** сўзининг бош маъноси ифодаланган бўлса, **кўнглини очди, китобни очди** бирикмаларида ясама маъно ифодаланган.

Тилдаги сўзларнинг катта қисми кўп маъноли сўзлар ҳисобланади.

Кўп маънолилиқ, асосан, сўзнинг янги маъно ифодалашининг натижасида пайдо бўлади. Масалан, **кўз, бош, қулоқ, оғиз** ўз маъносида инсон аъзоларини билдирса, ясама маъносига кўра **узукнинг кўзи, бош ҳисобчи, шишанинг оғзи** каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Кўп маъноли сўзлар қанча маънога эга бўлса ҳам, бу маънолар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлади. Чунончи, **кўз** сўзининг **одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, дарахтнинг кўзи** маънолари ўхшашлик хусусиятларига кўра бир-бири билан боғлиқ. Шу хусусияти билан кўп маъноли сўзлар омонимлардан фарқланади.



7-машқ. Матн билан танишинг. Матн услубини аниқланг.

Бу – мен туғилган тупроқ,
Ҳа, мен туғилган тупроқ,
Тоғлар, кўм-кўк адирлар, дарёлар, чексиз қумлоқ.
Бўронлар қамчилашар, ёмғирлар томчилашар,
Қишда қалин қордан оқ, кузда-чи, пахтадан оқ.
Тақводордай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Онам каби ўпаман, қалб меҳрига тўяман.
Кайхусрав қиличидан кесикбош бобом хоки,
Ким нохос оёқ қўйса, ҳақоратга йўяман.

Бу – мен туғилган тупроқ,
Бу – мен йўғрилган тупроқ,
Кўклам гоҳи сержала, ёз қурумсоқ ва қурғоқ.
Терак бўйи жарлардан сув тортар бобо дехқон,
Буғдой ҳам, жувари ҳам бўлиқ, кўм-кўк, сербошоқ.
Тақводордай чўк тушиб пешонамни қўяман.
Суйгулимдай қучаман, жамолига тўяман.
Чингиз ўқига учмиш олис бобом хоки бу,
Ким кўзга илмай боқса, камчиликка йўяман.

Бу – мен туғилган тупроқ,
Бу – мен улғайган тупроқ,
Даралари жаннатий, тоғ сиртлари кўк яйлоқ.
Қумлоқларида ҳатто сурув-сурув қўй-қўзи,
Гулдор, нақшин қорақўл етти ранглик, ярқироқ.
Бир фарзанддай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Кун ўтмай соғинаман, ўпиб-ўпиб тўяман.
Оқ пошшонинг тўпидан абжақ бобом хоки бу,
Оқ пошшони эслатсанг, ёвузликка йўяман.

Бу – мен умр кўрган тупроқ,
Мен бобо бўлган тупроқ.
Сув бўйлари тутзорлар чўзилмиш йироқ-йироқ.
Ипак ҳам, бол ҳам бунда, мәрмар ҳам, олтин ҳам мўл



Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гурунч садаф мисол оқ.
 Бир аскардай чўк тушиб, пешонамни қўяман.
 Фидойиман, шайдоман, ўпиб-ўпиб тўяман.
 Эрк дея шаҳид кетган ўғлонларнинг хоки бу,
 Ким нохос ўқрайса ҳам, кўзларини ўяман.

Миртемир



1. Шеърий матннинг ҳар бир бандини гуруҳларда муҳокама қилинг.
2. Ҳар бир банднинг таянч сўзларини аниқланг. Таянч сўзлар иштирокида очиқ ва ёпиқ саволлар тайёрланг. Матн ғоясини аниқланг.



3. Матн мазмунини ўз мулоҳазаларингиз билан бойитган ҳолда сўзлаб беринг. Синфга тақдим этинг.
4. Ушбу матнни Венн диаграммаси ёрдамида 7-машқда берилган матн услуби, типи, мазмуни, жумлаларнинг грамматик жиҳатлари билан таққослаб, ўзига хос ва ўхшаш томонларини аниқланг.

**Ўзига хос
томонлари**

**Умумий,
ўхшаш
томонлар**

**Ўзига хос
томонлари**



«Бу – мен туғилган тупроқ» мавзусида маҳаллий газетага муҳокама типига мақола ёзинг.



Тарих бизнинг фаолиятимиз хазинаси, ўтмишимиз гувоҳи, бугунги куннинг намунаси ва ибрати, келажакка эса огоҳлантиришдир.

Мигель де Сервантес



ЗАМОНАВИЙ ҚОЗОҒИСТОН ҚИЁФАСИ: ДУНЁГА НИГОҲ

Такрорлаш. Гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари.
Жой номлари

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушунамиз, жанрини аниқлаймиз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдираемиз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифода-лаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги режалар тузамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.




Матнолди топшириқлар:

1. Қуйидаги жадвал, тасвирни сўзлатинг.
2. Замонавий Қозоғистон ҳақида қуйидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда яхлит матн тузинг. Тузган матнингизга сарлавҳа қўйинг.

8-машқ. Ўзингиз тузган матн таркибида жой номларини атаб кўрсатинг. Гапларни гап бўлаклари тартибига риоя қилган ҳолда мисоллар келтириб тузинг. Тузган матн таркибидаги 3та гапни синтактик таҳлил қилинг.

| ЗАМОНАВИЙ ҚОЗОҒИСТОН | |
|--------------------------------------|---------|
| ТАШКИЛОТЛАР | ИЗОҲЛАР |
| БМТ | |
| ЕХҲТ | |
| ЮНИСЕФ | |
| ЮНЕСКО | |
| Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти | |
| Халқаро меҳнат ташкилоти | |



Гап бўлаклари

Муайян сўроққа жавоб бўлиб, бирор синтактик вазифа бажарувчи сўзлар гап бўлаклари дейилади. Гап бўлаклари бешта: **эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.**

Эга ва кесим гапнинг грамматик асосини ташкил қилади. Шунинг учун улар бош бўлақлар. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол кесимга эргашиб, уларни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келади. Шунинг учун **иккинчи даражали бўлақлар дейилади.**

Эга ва унинг ифодаланиши. Эга фикрни кимга, нимага қарашлилигини билдириб, **ким?, нима?, кимлар?, нималар?, қаер?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. **Болалар гапирди** (кимлар), **уй тинч** (қаер).

Эга бош келишикдаги сўз билан ифодаланади:

От билан: **Болалар** китобни ўқишди.

Олмош билан: **Биз** томошага бордик.

Сифат билан: **Яхши** қанд едирар.

Сон билан: **Беш** – ўннинг ярми.

Ҳаракат номи билан: **Ўқиш** – муҳим вазифа.

Сифатдош билан: **Тиришган** тоғдан ошар.

Тақлид сўз билан: Кимларнингдир **шивир-шивири** эшитилди.

Равиш билан: **Кўп** кетади, оз етади.

Бирикма билан: Душманнинг бири ҳам – кўп.

Кесим ва унинг ифодаланиши. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодаловчи бўлак кесим дейилади.

Гапни юзага келтириш, фикрни ифодалашда кесимнинг роли катта бўлиб, у гапнинг асосини ташкил қилади ва бошқа бўлақларни ўзига боғлайди. Кесим турли сўз туркумлари билан ифодаланади. Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесим икки хил: **феъл-кесим, от-кесим.**

Феъл, феълнинг сифатдош, равишдош шакллари билан ифодаланган кесим феъл-кесим дейилади. Масалан, Мажлис охирлаб қолди. Болалар завқланиб, ютуқларини айтиб беришди. У шаҳарга бугун етиб борган.

Феъл-кесимлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бир сўздан иборат бўлган кесим содда кесим: Меҳмонлар **тарқалишди**. Учрашув **туғади**. Икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган кесим мураккаб кесимдир: Биз оғир кураш йўлини **босиб ўтдик**. Уруғлар **униб чиқди**.

Феълдан бошқа сўз туркумлари (от сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўз, модал сўз, ҳаракат номи) билан ифодаланган кесим от-кесим дейилади:

От-кесим қуйидагича ифодаланади:

| | |
|----------------------------|--|
| От билан: | Унинг дадаси – ўқитувчи . |
| Сифат билан: | Бола – болдан ширин . |
| Сон билан: | Икки ўн беш – бир ўттиз . |
| Олмош билан: | Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадур . |
| Равиш билан: | Ҳали қиладиган ишлар кўп . |
| Ҳаракат номи билан: | Ўқимоқ – ўрганмоқ . |
| Модал сўз билан: | Сен билан менинг нима ишим бор . |



9-машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

1. Шимолнинг қайинзорлари, Боровойнинг мухташам қарағайлари, олтин бошоқли олтин далалари, Буюк даштнинг чалов босган чўллари, баланд Олатов ва Тиёншон тоғлари – бунинг барчаси менинг Қозоғистоним.
2. Қозоғистон ўз давлат рамзларига эга: Байроқ, Герб, Мадҳия. Уларда давлатнинг мустақиллиги, озодлиги, миллати акс этган.
3. Мамлакатимиз кўп миллатли ва бу яна бир афзалликдир, чунки биз ҳаммамиз яхлит халқмиз ва бизни Ватанимиз, дўстлик, ҳурмат, ўзаро ёрдам ва муштарак маданият бирлаштиради.
4. Қозоғистонга бизнинг миллатимиз салоҳиятини уйғотиш ва рўёбга чиқариш учун имкон берадиган интеллектуал



инкилоб керак. **5.** Халқлар дўстлиги, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик – янги Қозоғистонни барпо этишнинг асосидир! Тинч давлат сиёсати, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш – келажак фаровонлигининг гаровидир (Н.Назарбаев). **6.** Қозоғистоннинг рамзи бизнинг янги гўзал пойтахтимиз Нур-Султон (Астана) бўлиши мумкин. У қисқа вақт ичида ноёб бетакрор замонавий пойтахтга айланиб, Қозоғистоннинг кучи ва қудратини англадиб турибди. Пойтахтимиз кундан-кунга ўзгариб бормоқда (Эсседан жумлалар). **7.** Сен Туркий дунёнинг ғолиб хаёли – Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.



1. Машқларда берилган жумлалар бўйича тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.



2. Машқда жумлалар ичидан гап бўлақларининг тартиби сақланган ва тартиби ўзгарган жумлаларга биттадан мисол келтиринг. Кўчириб ёзинг, кузатинг. Солиштиринг. Хулоса чиқаринг.
3. Биринчи ва иккинчи гапни гап бўлақлари юзасидан таҳлил қилинг, қайси сўз туркумлари билан ифодаланишини изоҳлаб ёзинг.



10-машқ. Гапларни кўчириг ва топшириқларни бажаринг.

1. Бугун эрта туриб тонгни кўрдим, Оқ шоҳи рўмоли бошида. Уфқ кийинтириб гўзал фалак, Сочини тарайди қошида... (*Уйғун*) 2. Навоий асарларини севиб ўқийман. 3. Навоийни олдим қўлимга... 4. Ёзнинг иссиқ кунлари, самоварда одам гавжум. (*А.Қ.*)

5. XIV АСР. ЗУЛФИҚОР РУҲ...

Беролмасди, беролмасди у,
 Ҳеч бирига бу азим тошни,
 Тахт дегани – бу кунда эди,
 Ахир талаб этарди бошни!..

Яшасин деб улуғ бир миллат,
Яғринига улкан юк ортиб,
Бунёд этди буюк салтанат,
Гоҳ йўл тортиб, гоҳо мил тортиб.
Қиличининг учида турган
Ҳақиқатнинг ўтида қўйиб,
Кўмиб кетди юрагини жим,
Самарқанднинг пойига қўйиб!..

(Зебо Мирзо)



1. Берилган гап ва шеърдаги кўчма маънода келган сўзларни топиб, маъносини тушунтиринг.
2. Гап бўлаклари тартиби ўзгарган гапларни аниқланг ва изоҳланг.



3. Зебо Мирзо шеърий парчадаги асосий ва майда тафсилотларигача берилган ахборотини аниқланг. Далил ва фикрни ажратинг. Матн типи, услубини белгиланг.
4. «IV АСР. ЗУЛФИҚОР РУҲ...» матнининг асосий ғояси нимадан иборат? Бир жумла орқали баён этинг.



«Замонавий Қозоғистон қиёфаси» мавзусида ўз таассуротларингизни баён қилувчи тасвирлаш типига матн тузиб келинг. Матн таркибидаги 3-4та гапни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.



ЗАМОНАВИЙ ҚОЗОҒИСТОН ҚИЁФАСИ: РАҚАМЛИ ҚОЗОҒИСТОН

Гап бўлаклари тартибининг ўзгариши

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқлаймиз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдираемиз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифодалаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги матн мазмунини ижодий ёндашган ҳолда баён этаемиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қилаемиз.



11-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Мазмуни билан танишинг.

РАҚАМЛИ ҚОЗОҒИСТОН

Бугунги кунда рақамлаштириш иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Рақамли технологияларнинг ривожланиши бутун Евросиё иқтисодий маконининг устувор йўналиши деб номланади.

Қозоғистонда «Рақамли Қозоғистон» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у республикада технологиянинг жадал ўсиши ва хизматларни тақдим этишнинг электрон форматига ўтиш учун асос бўлиши керак.

Концепцияни ишлаб чиқувчилар таъкидлаганидек, «Рақамли Қозоғистон» давлат дастурининг мақсади ўрта муддатли истиқболда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, шунингдек, узоқ муддатли истиқболли келажақда рақамли иқтисодиёт-



нинг яратилишини таъминлайдиган иқтисодийётни тубдан янги ривожланиш йўлига ўтиш учун шароит яратиш.

КЕЛАЖАКНИНГ РАҚАМЛИ ИНДУСТРИЯСИ

Асосий ҳаракат икки йўналишда бўлиши тахмин қилинмоқда: ривожланишнинг иккита вектори бўйлаб ҳаракатланиш – мавжуд иқтисодийётни рақамлаштириш, яъни реал секторда аниқ лойиҳаларни ўз ичига олган прагматик бошланиш (старт)ни таъминлаш, иқтисодийётнинг мавжуд тармоқларини, давлат тузилмаларини рақамлаштириш ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга ошириш.

Иккинчи йўналиш – келажакнинг рақамли саноатини яратиш – узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатни рақамли трансформациясини бошлаш, инновацион ривожланиш институтларини қуриш ва умуман, экотизимни ривожлантириш.

БЕШТА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

Ушбу концепциянинг асосида бешта асосий йўналиш мавжуд, хусусан, тармоқларни рақамлаштириш – бу меҳнат унумдорлигини оширадиган ва капиталлашувнинг ўсишига олиб келадиган илғор технологиялар ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда анъанавий саноатни ўзгартириш.

Электрон хизматларнинг ривожланиши.

Рақамли давлатга ўтиш – бу давлатнинг функцияларини аҳолига ва бизнесга хизмат кўрсатишнинг инфратузилмаси сифатида унинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш йўналиши.

Рақамли Ипак Йўлини амалга ошириш, яъни маълумотларни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун юқори тезликда ва хавфсиз инфратузилмани ривожлантириш.

Инсон капиталини ривожлантириш – бу янги воқеликка – билимлар иқтисодийётига ўтишни таъминлаш учун ижодий (креатив) жамият деб аталадиган таркибий қисмни ўз ичига олган юксалиш йўналиши.

БАРЧА АҲОЛИ ЖАЛЬ ҚИЛИНАДИ

Дастурдан бутун аҳоли, бизнес ва давлат идоралари фойда оладилар, чунки у ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилади; 2022 йилга келиб рақамлаштириш орқали 300 минг иш ўрни яратилиши тахмин қилинмоқда.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида АКТни ривожлантириш бўйича глобал – *ICT Development Index* рейтингда – АКТ ривожланиш индекси – Қозоғистон, масалан, 2016 йилдаги 175-ўрндан 52-ўринни эгаллади. Дастур ва бошқа стратегик йўналишлар натижасида мамлакат 30-ўринга кўтарилди. 2022 йилга келиб 25-ўрин, 2025 йилга келиб 20-ўрин ва 2050 йилга келиб 15-ўринни мўлжалламоқда. Рақамлаштиришнинг ҳозирги даражаси бўйича Қозоғистон, шунингдек, *The Boston Consulting Group* халқаро *e-intensity* консалтинг компаниясининг электрон интензивлиги рейтингда энг яхши мамлакат ҳисобланади.

(*capital.kz*)




1. Матнни ўқиб, фикр юритинг. Нима учун Қозоғистонни – «Рақамли Қозоғистон» деб атадик?
2. Матннинг асосий ғоясини аниқланг, муаллиф кўзқарашига ўз муносабатингизни билдириг.
3. Қўйидаги жадвални тўлдириг.

| | |
|----------------------------|--|
| Матн бўйича муҳим уч далил | |
| Матн бўйича икки савол | |
| Қизиқтирган бир мисол | |

4. Матннинг ёзилиш услуби ва жанрини аниқланг.
5. Матн таркибидан қўйидаги жадвалга мисоллар келтириб тўлдириг.

| Гап бўлақлари тартиби сақланган жумлага мисол | Гап бўлақлари тартибининг ўзгарган ҳолатига мисол | Изоҳи |
|---|---|-------|
| | | |



Янги Қозоғистон ... ўзининг ривожланиш йўлини танлаб, ҳар йили жаҳон ҳамжамиятида тобора кўпроқ обрў-эътибор қозонмоқда. Бугун ... биз мутлақо янги босқичга қадам қўймоқдамиз.

Н.А. Назарбаев



Гап бўлаклари тартибининг ўзгариши

Ўзбек тилида гап бўлаklarининг тартиби эркин. Бироқ гап бўлаklarининг жойлашиши маълум грамматик қоидалар асосида бўлади. Грамматик қоидалар бўйича эга гапнинг бош қисмида, кесим эса охириги қисмида келади. Шунга кўра эганинг гап бошида, кесимнинг гап охирида, тўлдирувчи ва ҳолнинг кесимдан олдин, аниқловчининг аниқланмишдан олдин (катта кўча, чиройли бино) келиши асосий меъёр ҳисобланади.

Маълумки, баъзи ҳолатларда гап бўлаklarининг бу тартиби ўзгаради. Масалан, Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин (Ҳ.О.).

Бу ҳолат инверсия (гап бўлаklarининг ўрин алмашиши) деб юритилади ва услуб талаби билан, асосан, бадий адабиётларда ва оғзаки нутқда қўлланилади.

Шунингдек, сўзларнинг синтактик функцияси махсус морфологик кўрсаткичлар билан ифодаланмаганда сўз тартиби синтактик муносабатларни кўрсатувчи муҳим восита бўлиб қолади. Бу вақтда сўзларнинг гапдаги вазифаси сўз тартибига боғлиқ бўлади. Сўз тартиби ўзгариши билан синтактик ҳолат ҳам, гап семантикаси ҳам ўзгаради. Масалан: *ширин қовун* (аниқловчи-аниқланмиш), *Қовун ширин* (эга-кесим), *Гуллаган дарахт* (аниқловчи-аниқланмиш) *ҳаммамизни ҳайратга солади*. *Дарахт гуллаган* (эга-кесим), *ҳаммамизни ҳайратга солади*.

Баъзан сўз тартибининг ўзгариши синтактик ҳолатга дахл этмаслиги ҳам мумкин, яъни гап бўлаklarининг ўрни ўзгарса-да, уларнинг синтактик вазифаси илгаригича қолаверади. Масалан:

Яна келди қалбимнинг рози,

Яна келди мен кутган баҳор.

Қалбимнинг рози яна келди.

Мен кутган баҳор яна келди.

Демак, гапда сўзларнинг (гап бўлаklarининг) маълум тартиби бор.

Ўрни билан гап бўлаklarининг одатдаги тартиби ўзгариши ҳам мумкин. Одатдаги тартиб логик – грамматик, стилистик талаб билан ўзгаради. Мазмун жиҳатдан биринчи ўринда турган бўлак, ўз типик ўрнидан қатъий назар, одатда кесимнинг олдида келади ва логик урғу олади, ўзбек тилида логик урғу тартиб билан зич боғлангандир. Интонация ва сўзлар тартиби бўлаklarининг мазмун жиҳатдан аҳамиятини кўрсатишдаги асосий воситалардир. Буларнинг логик даражаси одатда кесим билан бўлган масофага қараб билинади.

Логик урғу кесимда ёки унинг олдидаги бўлақда бўлса, одатда у кесимнинг олдида келтирилади. ... гапдаги бўлаklarининг одатдаги тартибни ва унинг ўзгаришини – инверсиясини белгилашда асосий таянч дарак гапдаги ҳолатдир.

Гап бўлақларининг тартиби икки хил бўлади; одатдаги тартиб, ўзгарган тартиб. **Биз шарафли кураш йўлини босиб ўтдик** гапида эга (биз) аввал, кесим (босиб ўтдик) гапнинг охирида, тўлдирувчи (кураш йўлини) эгадан кейин келган. Бу одатдаги тартиб саналади.

Бизга баҳор қиёфасида кўринади шонли келажак гапида эга (келажак) феъл кесим (кўринади)дан кейин тўлдирувчи (бизга) эгадан олдин келган – гап бўлақлари ўзгарган тартибда берилган.

Ўзгарган тартибда гап бўлақларининг тартиби бошқача бўлади. Бунда ўқувчи ёки тингловчининг диққати ўрни ўзгартирилган бўлақка жалб қилинади.



12-машқ.



Нималар бажарилди?

«Рақамли Қозоғистон» давлат дастурига кўра, республика ҳали ҳам янги технологияларни яратишда нолдан бошламайди. Бу борада, 90-йилларда, жадал саноат ва инновацион ривожланиш бўйича давлат дастури, «Бўлашақ» халқаро таълим дастури амалга оширилган ва 2005 йилда «электрон ҳукумат»ни шакллантириш бошланган эди.

Шунингдек, Қозоғистонда инновацион экотизимнинг бир қатор элементлари яратилди, «ПИТ Алатау» СЭЗ, «Назарбаев университети» МКҲ фаолият кўрсатмоқда, Astana hub. халқаро технопарки ишга туширилди. Мамлакатдаги катта ёшдаги аҳолининг 3/4 қисми рақамли саводхонликнинг асосий даражасига эга, 3/4 дан кўпроғи Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга.

Ахборот жамиятига ўтиш учун шароит яратиш йўлидаги қадамлардан бири бу 2013 йилда тасдиқланган «Ахборотли Қозоғистон – 2020» давлат дастури ҳисобланади. Ушбу дастур мамлакат иқтисодиётини рақамли ўзгартиришнинг асоси сифатида қуйидаги омиллар ривожланишига ёрдам берди: ахборотли жамиятга ўтиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, «очиқ ва мобиль ҳукумат» институтларини яратиш, нафақат корпоратив тузилмалар, балки мамлакат аҳолиси учун ҳам инфратузилма имкониятларидан фойдаланиш.

Интернет қишлоққа

Шаҳар ва вилоятларда аҳоли ва корхоналарни кенгтармоқли Интернетга уланишини таъминлаш учун телекоммуникация инфратузилмаси яратилди, ammo бугунги кунда бу қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондирмайди. Рақамли тафовутни камайтириш учун қишлоқ аҳолисини янада сифатли ва инклюзив кенг тармоқли уланиш тармоқлари билан таъминлаш лозим.

Ушбу мақсадлар учун устувор лойиҳалардан бири – давлат ва хусусий шериклик схемаси бўйича 1200 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктларида оптик толали алоқа линияларини қуриш режалаштирилган. Ушбу алоқа линиялари орқали 2,1 млн. киши юқори сифатли Интернет тармоғига уланиш имкониятига эга бўлади.

Катта маълумотлар технологиялари

Маълумот технологиялари ривожланиб боргани сари Интернетга кириш имкониятини кенгайтириш алоқа операторлари учун янада жозибадор бўлиши мумкин. Боғланган фойдаланувчиларнинг маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, шу билан бир қаторда, жисмоний шахслар ҳам, компаниялар ҳам фойдаланувчиларнинг афзалликлари ва имкониятларини, шунингдек, бозор динамикасини, абонентнинг ҳаёт тарзини ва ташқи шароитларнинг таъсирини батафсил тушунишга имкон беради.

Умумий ўтказиш қобилияти 2 160 МГ бўлган «KazSat 2» ва «KazSat 3» космик алоқа тизимлари ишга туширилди. 16 та алоқа оператори 7 мингта



ер станциялари орқали сунъий йўлдош ва уяли алоқа хизматларини тақдим этади.

2019 йилда Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида 5Г мобил алоқа янги авлод стандартларини қабул қилиши қутилмоқда. Қабул қилинган стандартларга қараб, ваколатли орган Қозоғистонда 5Г технологияларини жорий этиш бўйича ишларни амалга оширади.

Замонавий бизнеснинг бир қисми

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2007 йилдан 2011 йилгача бўлган глобал иқтисодий инқироз даврида, бошқа соҳаларда турғунлик юз берган даврда, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларида АКТ соҳасида иш ўринлари сони ўсиб, жаҳон иқтисодиётига ҳисса қўшди.

Соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, АКТ замонавий бизнеснинг ажралмас қисми бўлиб, натижалар ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришишга ҳисса қўшади. Бошқа томондан, ахборот технологияларини жорий этиш киберхавфсизликни таъминлаш бўйича самарали чораларни кўришни талаб қилади.

Шароитлар яратилади

Экотизимни шакллантириш, шунингдек, маҳаллий ИТ-компанияларнинг венчур молиялаштиришга киришини рағбатлантириш, истиқболли маҳаллий инновацион технологияларни ривожлантириш ва тижоратлаштириш учун грантлар, солиқ ва бошқа имтиёзларни ўз ичига олади.

Рақамлаштириш барча соҳаларга таъсир қилади ва умуман, Қозоғистон иқтисодиётининг таркибий қисмини хом ашё бўлмаган тармоқларнинг потенциалини диверсификация қилиш ва очиш, бошланғич фаолиятни рағбатлантириш ва янги ишлаб чиқаришларни очиш йўли билан ўзгартиришга олиб келади.

Шу билан бирга, рақамли технологияларнинг турли соҳаларга таъсири даражаси бир хил эмас – қиймат яратиш учун энг катта имконият Қозоғистон иқтисодиётининг анъанавий тармоқларида, шу жумладан, товар секторида қабул қилинади, шу билан бирга, электрон тижорат, ИТ сектори ва молия саноатида қиймат яратиш учун мутлақо янги имкониятлар очилмоқда.

(kapital.kz)





1. Матнни изланиб ўқинг.
2. Матнларда кўрсатилган масала юзасидан фикрингизни айтинг.
3. Матнларнинг ўзига хос типи, услуби, тилини гуруҳингизда муҳокама қилинг, аниқлаб, изоҳланг.
4. Матн мазмунини ўз мулоҳазаларингиз билан бойитган ҳолда сўзлаб беринг. Синфга тақдим этинг.

| | | |
|----|---|--|
| 1. | Мустақил фикр (ғоя) – 1 жумла | |
| 2. | Далил келтиринг – 2 жумла | |
| 3. | Кўзқарашини далиллаш учун мисол – 2 жумла | |
| 4. | Ўз фикрига қарши далил – 2 жумла | |
| 5. | Қарши далилни йўққа чиқарадиган мисол – 1 жумла | |
| 6. | Хулосалаш – 2 жумла | |

5. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари иштирок этган гаплардан 5та мисол кўчириб ёзинг ва синтактик таҳлил қилинг. Иккинчи гап бўлақларининг гапдаги роли, вазифаси ва аҳамиятини тушунтиринг.



Иккинчи даражали бўлақлар

Гапда бош бўлақларга тобе бўлиб, уларни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган бўлақлар иккинчи даражали бўлақлар дейилади.

Иккинчи даражали бўлақлар уч хил: **тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.**

Тўлдирувчи. Гапнинг бирор бўлагига (асосан, кесимга) бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келувчи бўлақ тўлдирувчи дейилади. Бошқарувчи сўзнинг талабига кўра тўлдирувчи қаратқич келишигидан бошқа келишик қўшимчаларини олиб келади. Масалан, Биз бадий **асарларни** севиб ўқиймиз. Бу бино **ғиштдан** қурилган. Ўқитувчи **болаларга** вазифа топширди каби.

Кўмакчи билан бошқарилаётган сўз ҳам гапда тўлдирувчи бўлиб келади. Эртага **болалар билан** сўхбатлашамиз. Тўлдирувчи от, отлашган сўзлар, тақлид ва модал сўзлар билан ифодаланади. Шунингдек, бирикмали ҳолда ҳам қўлланилади: Масалан, Мен **уйга қандай келганимни** билмай қолдим. (О.)

Тўлдирувчи икки хил: **воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи.**

Аниқловчи. Предметнинг белгисини билдирадиган, кимга, нимага қарашлигини англатадиган бўлак аниқловчи дейилади.

Аниқловчи эга, кесим, тўлдирувчи ва ҳолга боғланади. От ёки отлашган сўзлар билан бирикади.

Аниқловчи икки хил: **сифатловчи аниқловчи, қаратқичли аниқловчи.**

Сифатловчи аниқловчи предметнинг белги-хусусиятини (ранги, ҳажми, шакли, мазаси, миқдори)ни билдириб, асосан, **сифат билан:** қизил гул, яхши бола, кенг хона; **сифат вазифасидаги от билан:** олтин япроқ, кумуш қиш, зумрад баҳор, тахта каравот, пўлат пичоқ; **олмош билан:** бу киши, бутун халқ, ўша кун; **сон билан:** иккала ўртоқ, учта китоб; **сифатдош билан:** ўқиган бола, шивирлаган овоз, шунингдек, равиш, модал ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.

Қаратқичли аниқловчи шахс ёки предметнинг бошқа бирор шахс ёки предметга қарашли эканлигини билдиради. Аниқловчининг бу тури қаратқич келишиги қўшимчасини олади. Келишик қўшимчасини олган сўз **қаратқич**, эгалик қўшимчасини олган сўз қаралмиш дейилади: **мактабнинг боғи, уйнинг эшиги.**

Ҳол. Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайтини, сабаби, мақсади, миқдор-даражасини билдирадиган бўлак ҳол дейилади.

Ҳол феъл-кесимга боғланиб, асосан, равиш билан, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар, равишдош ва сифатдош ҳаракат номи ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.

Ҳол маъносига кўра қуйидагича: **равиш (тарз) ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор-даража** ҳоли.

Масалан, равиш ҳоли ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолатда бажарилишини билдириб, **қандай?, қай тарзда?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Масалан, Болалар **ёнма-ён** ўтирди. Ҳамма **гуриллаб** кулиб юборди.

Ўрин ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерга?** сўроғига жавоб бўлади. Ўрин ҳоли ўрин равишлари: **у ер, бу ер, шу ер;** жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишигидаги ўрин отлари: **уйда, мактабдан, кўчага** ва кўмакчи отлар билан ифодаланади: **уйинг ичиди, бино олдида** каби.



ЧИМКЕНТ: КЕЧА, БУГУН ВА КЕЛАЖАҚДА

Ажратилган гап бўлаклари

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқлаймиз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдираемиз;
- ❖ матннинг асосий мазмунини етказиб беришда тасвирларнинг ролини аниқлаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги матн мазмунини ижодий ёндашган ҳолда баён этаемиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қилаемиз.



13-машқ. Матни «Жигсо» усули билан ўқиб-ўрганинг.

ШОНЛИ ЎТМИШ

Вақт харитадан шаҳарлар ва бутун давлатларни йўқ қилади, одамларни олиб кетади, аммо биз ўқиётган тарих китобларимизда из қолдиради. 2003 йилда Шимкент (Чимкент) шаҳрининг марказида археологик қазишма ишлари бошланди. Иш «Ўрта асрдаги Шимкентни археологик ўрганиш» лойиҳаси доирасида олиб борилди. Топилмалар шаҳарнинг ўн тўртинчи асрда пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрни дарҳол рад этди. VIII асрда «ал-Маҳди» номи билан зарб қилинган «Бухоро-Худат» тангаси тупроқнинг юқори қатламларида топилган. Бундан ташқари, археологлар эрта ўрта асрларга оид VII–IX асрларга оид керамикаларни ва VII–IX асрларга оид Қорахонийлар типидagi керамикаларни топдилар. Биринчи мавсум натижаларини таҳлил қилиб, олимлар сенсацион хулосага келишди: Шимкент шаҳрининг ёши камида 2000 йилдан ортиқ. Қазишмалар пайтида кулолчилик буюмлари, эрта эллинистик идишларнинг бўлаклари ва зарб қилинган тангалар топилди. Ушбу экспонатларни ўрганиш Шимкент икки минг йил олдин анча ривожланган шаҳарча бўлганлигини тасдиқлашга имкон берди. 2004-2005 йилларда олиб борилган қазишмалар археологларнинг топилмаларини тасдиқлади. Шимкентдаги маданий қат-



ламнинг баландлиги ўн тўрт метр эди. Пастки қатламларда керамика мажмуаси эрамиздан аввалги III аср охири – II аср бошларида топилган: кулолчилик чархида тайёрланган цилиндрсимон идишлар ва хумлар. Бундай кулолчилик буюмлари қадимги Сўғд шаҳарларига хос бўлган. Шунга ўхшаш топилмалар кўпинча Самарқанднинг қадимий маданиятида (қадимги Афросиёб шаҳарчаси) топилган, бу Самарқанд ва Қозоғистон жанубидаги қадимги аҳоли ўртасидаги алоқаларни кўрсатади.

Шимкент ҳақида дастлабки ёзма маълумотни машҳур тарихчи Шарофаддин Али Яздий (1425) «Зафарнома» («Ғалабалар китоби») китобида Темурнинг ҳарбий юришлари тасвирларида кўриш мумкин. Ўз тарихи давомида Шимкент бир неча бор босқинчилик, қамаллар ва талончиликларга дуч келган. VIII–IX асрларга оид маданий қатламларда археологлар арабларнинг босқини билан боғлиқ бўлган ўқ қолдиқлари ва ёнғин изларини топдилар.

XIII асрнинг бошларида Чингизхоннинг қўшинлари Сайрам воҳасидан ўтди ва у буюк истило эгасининг мулкига айланди. XIV аср ўрталарида шаҳар Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда хонларига қарши муваффақиятли юриш-





лардан сўнг Темур империясининг таркибига кирди. XVI асрнинг бошла-рида Шимкент Қозоқ хонлигининг таркибига кирди ва XVII–XVIII асрлар-да жунгар истиклочиларининг ҳужумларини бошдан кечирди.

...1867 йилдан бери Шимкент Туркистон генерал-губернатори Сирдарё вилоятининг туманига айланди. Шаҳарда сезиларли ўзгаришлар рўй бера-ди, «янги шаҳар» қурилиши бошланади. Аста-секин шаҳар ободонлашти-рила бошлади. XIX асрнинг 80-йилларида Шимкент кўчаларида керосин лампалари пайдо бўлди, ғишт йўлаклари қурила бошлади. Янги бинолар орасида йирик савдогарлар ва амалдорларнинг уйлари, айниқса, кўркем. 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, шаҳарда 11194 киши яшаган...

Шаҳар ва бутун минтақа жуда тез суръатлар билан ривожланади, қиш-лоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари етакчи ҳисобла-нади. XX аср бошларига келиб, Шимкентда ёғ тегирмони, ғишт заводи, шунингдек, тегирмон, пахта тозалаш заводи, темирчилик устахоналари ва совун фабрикалари мавжуд эди. Иқтисодий ўсиш савдо-сотиқни фаол-лаштирди. XIX асрнинг охирига келиб, Шимкентнинг савдо қаторларида 19 та ишлаб чиқариш, 87 та чарм, маиший техника, озиқ-овқат дўкони, 70 та кичик дўкон, 50 та чойхона, 10 та қарвонсарой, 9 та дўкон ва 27 та ун дўконлари мавжуд эди.

Аста-секин шаҳар инфратузилмаси ривожлана бошлади. Биринчи ка-салхона 1868 йилда, телеграф 1873 йилда очилган ва шаҳарда биринчи ўқув муассасаси 1875 йилда пайдо бўлган. 1900 йилда Шимкентда бирин-чи кутубхона очилди. Шаҳар аҳолиси 15 940 кишига кўпайди.

1915 йилда Арисдан темир йўл қурилиб, у Шимкентни Оренбург-Тош-кент автомагистрали билан боғлади. Янги темир йўл вокзали пайдо бўлди, биноларнинг бир қисми ҳозирги кунгача сақланиб қолган. XX аср бошла-рига келиб, шаҳарда 42 масжид ва 3 православ черкови қурилган.

1908 йилда, архитектор Мацевичнинг лойиҳасига биноан, 1914 йил кузида очилган Никольский собори қурилди. Собор биноси қизил ғишт услубидаги диний қурилишнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. Совет даврида собордан гумбазлар олиб ташланган, бино вилоят кутубхонасига айлантирилган, кейинчалик Пионерлар саройи, ҳозирги кунда Шаҳар қўғирчоқ театри жойлашган. Собор атрофида хиёбон барпо этилди, XX аср бошларида бу ерда экилган қимматбаҳо дарахтлар ҳали ҳам ўсмоқда. Ҳозирги вақтда ушбу истироҳат боғи Кенг-Баба деб номланади ва фуқароларнинг сеvimли дам олиш масканига айланган.

... 1959 йилда шаҳарда энг йирик цемент заводи ишга туширилди.

Пахта тозалаш заводи, қорақўл ва гидролиз фабрикаси, «Восход» тикувчилик фабрикаси, металл конструкцияси ва уй қурилиши бўйича йирик панеллар, Электроаппарат заводи, гўшт ва сут маҳсулотлари, озиқ-овқат ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келди.

Кимё саноати алоҳида ривожланди. Шимкентда дунёдаги энг катта фосфор туз заводи қурилди, шиналар ва нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди, Омск-Павлодар-Шимкент нефть қузури ишга туширилди.

Шаҳарда ишчилар турар жойлари пайдо бўлди: металлургиячилар, кимёгарлар, цемент ишчилари, тўқимачилик ишчилари, темир йўл ишчилари. Ҳар бир корхона нафақат ишчиларни уй-жой билан таъминлашга, балки уларнинг бўш вақтлари ва соғлиғига ғамхўрлик қилишга интилди. Идоравий маданият уйлари, дам олиш уйлари, клиникалар пайдо бўлди.

Шимкентда республиканинг энг йирик кинотеатрларидан бири – 1000 кишига мўлжалланган Қозоғистон кинотеатри очилди.

1973 йилда Шимкентда учта – Абай, Дзержинский ва Энгельс шаҳар туманлари ташкил этилди.

1980-йилларнинг бошларида шаҳарда янги микрорайонлар, кўчалар ва хиёбонлар пайдо бўлди. Таълим, тиббий ва маданий муассасалар сони сезиларли даражада ошди.



Фуқароларда яхши дам олиш учун кенг имкониятлар яратилди, шаҳарда янги спорт ва кўнгилочар мажмуалар, қулай истироҳат боғлари ва хиёбонлар пайдо бўлди. Шаҳарнинг беазаги бўлиб, сунъий кўл, ҳайвонот боғи ва ипподром, дендробоғ жойлашган ноёб истироҳат боғи бўлди.

1990 йилга келиб, шаҳарда 400 мингга яқин киши истиқомат қилди. Шимкент Қозоғистоннинг энг йирик шаҳарларидан бирига ва улкан минтақанинг саноат етакчисига айланди.

(*voxpopuli.kz*)



1. Матнни қисмларга бўлиб, гуруҳларда муҳокама қилинг.
2. Ҳар бир қисмнинг таянч сўзларини аниқланг. Таянч сўзлар иштирокда очиқ ва ёпиқ саволлар тайёрланг. Матн ғоясини аниқланг.



3. Матн мазмунини ўз мулоҳазаларингиз билан бойитган ҳолда сўзлаб беринг. Синфга тақдим этинг.
4. Матннинг асосий мазмунини етказиб беришда тасвирларнинг ролини аниқланг.



Гапнинг ажратилган бўлаклари

Ўзига алоқадор бўлган бўлакнинг маъносини изоҳлаб, таъкидлаб келадиган бўлаklar ажратилган бўлаklar дейилади. Улар ёзувда бошқа бўлаklarдан вергул, тире, баъзан қавс билан ажратилади.

Гап бўлаklarининг барчаси ажратилган ҳолда қўлланилади ва ўзига тегишли бўлган бўлақдан кейин келади. Ажратилган эга ўзидан олдинги эгани изоҳлайди. Орқада тикка турган ёшгина **йигит**, **Мамадали**, ўзини одамларнинг орасига олди. (А.Қ.)

Мен – Рустам полвон уни кечиролмайман.

Ажратилган кесим ўзидан олдинги кесимни изоҳлайди. Мен уни **биламан – кўнмайди**.

Ажратилган тўлдирувчи ўзидан олдинги тўлдирувчини изоҳлайди. Бу хабар **кўпларни**, **болаларни** ҳам қувонтиради.

Ажратилган аниқловчи ўзидан олдинги аниқловчини изоҳлайди. Батрак эдинг, *юпун, яланг оёқ*. (О.) *Мусобақа илғорларининг, футбол командаси аъзоларининг* келишини ҳамма кутарди.

Ажратилган ҳол ўзидан олдинги ҳолни изоҳлайди. *Пастда, дарё бўйида* сизларни кутиб тураман.

Ажратилган бўлақларнинг таркиби кенг бўлса ёки ўз ичида вергул бўлса, бундай бўлақлар тире билан ажратилади. Энди *одамлар – отлиқ, пиёда, ёш-қари*, учрай бошлади. (О.)

Ажратилган бўлақлар гап охирида кенгайиб келса, ундан олдин тире қўйилади. Болалаларнинг ҳаммаси одобли – *ёқимли, хушфёъл*.



14-машқ.

БУГУНГИ ШИМКЕНТ

Замонавий Шимкент учинчи йирик шаҳар, аҳолиси сони бўйича иккинчи йирик шаҳар ва Қозоғистонда ҳудуд бўйича биринчилиқни эгаллаган, жанубий Қозоғистоннинг маъмурий маркази. 2014 йилда унга учта туман – Сайрам, Тўлабий ва Ўрдабоши аҳоли пунктлари қўшилди, шу туфайли шаҳар ҳудуди уч баравар кўпайди.

2017 йил бошига келиб, Шимкентнинг ҳақиқий рўйхатга олинган аҳолиси бир миллион икки юз минг кишини ташкил қилди.

2011 йилда Халқаро пойтахтлар ва йирик шаҳарлар Ассамблеяси (ХША) Шимкентни МДХ мамлакатлари ичида энг яхши шаҳар деб тан олди.





Шимкент – Қозоғистоннинг етакчи саноат ва иқтисодий марказларидан бири. Шаҳарда машинасозлик, рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё ва озиқ-овқат саноатининг етмишга яқин саноат корхоналари мавжуд.

Бугунги кунда нефть-кимё саноатида нефтни қайта ишлаш билан шуғулланадиган «ПетроҚазақстан Ойл Продактс» МЧЖ ва шиналар ишлаб чиқарувчи «INCOMTYRE» АЖ каби корхоналар мавжуд.

Енгил саноат корхоналари орасида «Восход», «Адал» ва «Эластик» фабрикалари машҳур. Шимкентдаги қурилиш материаллари «Шимкентцемент» АЖ, «Қурилиш материали» ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилади. Шунингдек, шаҳарда озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда: «Шимкентмай» АЖ, «Қайнар» МЧЖ, «Визит» АЖ, «Шимкентсут» АЖ ва бошқалар.

Бу ерда халқаро аэропорт, темир йўл станцияси ва бир нечта автостанциялар фаолият юритади. Жанубий Қозоғистон йўллари ва кўчалар тармоғи Қозоғистондаги энг узун йўллардан биридир. Унинг умумий узунлиги, бириктирилган ерларни ҳисобга олган ҳолда, 2135 километрни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб, Шимкентда, бириктирилган ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда, 3115 кўчалар мавжуд.





Шимкентнинг марказида, темир йўл станцияси яқинида, ер ости сув манбаларидан Қўчқор ота дарёси бошланади. Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги қадимги даврларда у ўткинчи карвонлар учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Яқинда шаҳарнинг шимолий қисмида янги маъмурий ва бизнес маркази кўп қаватли турар-жой комплекслари, замонавий бинолар ва савдо-кўнгилочар марказлари билан бирга пайдо бўлди. У мамлакатнинг учинчи энг муҳим шаҳри атрибутларига мос келадиган мегаполис тарихидаги янги саҳифага айланди. Шунингдек, Шимкент шаҳри ҳокимлиги, «Туркистон» тантаналар саройи, кўргазма мажмуаси, Ж. Шанин номидаги қозоқ драма театри ва бошқалар мавжуд.

Шимкент – бир юз ўттиздан ортиқ маданиятлар чамбарчас боғлиқ бўлган шаҳар. Бу ерда ўн тўққизта маданий миллий марказлар фаолият кўрсатмоқда: қозоқ, славян, ўзбек, татар-башкир, немис, яҳудий, корейс, курд, поляк, озарбайжон ва бошқалар. Уларнинг иши учун ноёб платформа – Ассамблея уйи тақдим этилди.

Шимкентни, ҳақли равишда, боғ шаҳри деб аташ мумкин. Боғлар, хиёбонлар сони бўйича у Қозоғистоннинг бошқа шаҳарлари орасида етакчи ўринда туради. Кенг-Баба боғи, Марказий боғ, Ғалаба боғи, Металлургия



боғи, Абай боғи, Мустақиллик боғи, «Фантазиялар олами» боғи, дендробог ва «Қазина» этно-тарихий мажмуа жанубий Қозоғистон шаҳрининг диққатга сазовор жойига айланди.

Кенг-Баба боғи (илгариги Собор боғи, Никольский черков боғи, Болалар боғи) ноёблиги билан шаҳарнинг энг қадимий боғларидан бири ҳисобланади. У Қазибек бий кўчасида Тауке хон шоҳ кўчаси билан кесишган жойда жойлашган.

Хиёбонда XIX аср охирида бу ерда экилган эманларни ўстиради. Булоқ манбасидаги сув шаршара ўрдаклар ва манзарали балиқлар яшайдиган манзарали сунъий ҳовузларга оқиб чиқиб, уларни тўлдиради.

Ҳозирги кунда кўплаб болалар учун аттракционлар, кафелар ва кичик ресторанлар мавжуд.

Марказий боғ (илгари Жамоат шаҳар боғи) бу Шимкентдаги энг қадимги истироҳат боғидир. У шунингдек, XIX асрнинг охирида Собор боғи билан деярли бир вақтнинг ўзида барпо этилган. Ушбу истироҳат боғи Кенг-Баба боғи яқинида, Қазибек бий кўчасида жойлашган.

Шимкентнинг замонавий диққатга сазовор жойи ва ҳақиқий ғурури Мустақиллик боғидир. Унинг тантанали очилиши 2011 йилда Қозоғистон Республикаси Президенти иштирокида мамлакат мустақиллигининг йигирма йиллиги шарафига бўлиб ўтди. Боғ Шимкентнинг тарихий марказида, Мустақиллик кўчасида жойлашган. Унинг умумий майдони 82000 квадрат метрни ташкил этади.

«Ҳазина» («Қазына») этно-тарихий мажмуаси нафақат шаҳарнинг, балки бутун минтақанинг ҳақиқий безагига айланди.

«Ҳазина» мажмуаси 76,4 гектар майдонни эгаллайди. Этнопаркнинг пиёда хиёбони бўйлаб йигирма еттита тарихий-меъморий макет жойлашган. «Наврўз» майдони, баландлиги эллик саккиз метр бўлган «Буюк Ипак йўли» архитектура композицияси, ўлкашунослик музейи, Қозоқ урф-одатлари маркази ва ўн беш гектар майдонни эгаллаган «Жайлаукўл» дам олиш маскани ягона меъморий ансамблни ташкил этади.

(voхporuli. kz)



1. Матнни диққат билан ўқинг ва жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Матнда қандай масала кўтарилган?



3. Матннинг асосий мазмунини ёритувчи саволли гаплардан режа тuzинг.
4. Матн мақсади қандай аудиторияга қаратилган? Фикрингизни баён этинг.
5. Матннинг асосий мазмунини етказиб беришда тасвирларнинг ролини аниқланг.
6. Матндаги атамаларни гуруҳларга тўплаштиринг ва соҳасини айтинг.



«Шимкентнинг бугунги қиёфаси» мавзусида мақола ёзинг.



15-машқ.

ШИМКЕНТ – КЕЛАЖАК ШАҲРИ

Бу бор-йўғи беш йил вақт ўтиб, шаҳар ва вилоят раҳбариятининг оқилана сиёсати туфайли Шимкент янада хавфсизроқ ва яшаш учун қулайроқ бўлади. 2020 йилгача шаҳарни ривожлантириш бўйича янги концепция ҳаётнинг барча соҳаларини: соғлиқни сақлаш, таълим, тиббиёт, маданият, шаҳарсозлик, тадбиркорлик ва уй-жой коммунал хизматларини қамраб олди.

Келажақдаги Шимкентнинг прототипи сифатида яқинда шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида пайдо бўладиган шаҳарнинг замонавий турар-жой майдони Shymkent city бўлади. Унинг янги аҳолиси учун – бу кичик шаҳар, аҳолиси учун – мактаблар, болалар боғчалари ва тиббиёт муассасалари қурилади.

Шимкентда бир қатор замонавий бинолар пайдо бўлади. Ва





улардан бирининг очилиши аллақачон бўлиб ўтди – бу Форте Банкнинг биноси.

Шаҳар аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш учун эскирган уй-жойларни модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилган.

Таълим ва тиббиёт соҳасида ҳам яхши ўзгаришлар кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шимкентликлар учун Қозоғистонда энг йирик бўлган Shymkent mall савдо-қўнғилочар мажмуасининг очилиши кутилмоқда. Ўттиз саккиз гектар майдонда гипермаркет, дўконлар, кинотеатрлар, болалар истироҳат боғи, сув парки ва бошқалар мавжуд. Ўз-ўзидан пайдо бўлган кўча савдоси йўқолади. Шаҳарни бузадиган хунук бозорлар ўрнига замонавий савдо марказлари қўйилади.

Шаҳар автомобиль йўлларини тирбандликдан озод этиш билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш учун бир вақтнинг ўзида бешта йўл ўтказгичини қуриш ва йўлларни реконструкция қилиш таклиф қилинди. Ва йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун янги муниципал автопаркини ишга тушириш режалаштирилган.

Шаҳар ҳокимияти режалаштирганидек, Шимкент туризм марказига айланади. Шаҳар ташқарисида барча замонавий талабларга жавоб берадиган янги халқаро аэропорт қурилиши режалаштирилган. Ва ҳозирги ипподромнинг ўрнида Қозоғистонда ҳали бўлмаган дунё миқёсидаги Диснейленд қурилади.

Мана у жанубий Қозоғистоннинг Шимкент шаҳри. Шарқ ва Ғарб учрашган, қадимги асрлар руҳи замонавий мегаполисининг нафаси билан уйғунлашиб кетган шаҳар.

(*voxpopuli.kz*)



1. Матнни синчиклаб ўқиб, ўрганинг. Жанрини аниқланг. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини ажратиб олинг ва умумлаштиринг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Изоҳлар |
|----------------|-------------------|---------|
| | | |
| | | |

2. Матн мазмунини қисқача ҳикоя қилинг. Бир неча кўзқарашларни таққосланг.
3. Ўзингиз истаган бир хатбошини кўчириб ёзинг ва шу гапларни синтактик таҳлил қилинг.
4. Матн мазмунини ёритувчи содда режа тузинг. Имловий, тиниш белгиларининг ишлатилиш меъёрига риоя қилинг.

Шаҳар аҳлларида вужудга келган бахт-саодат уларнинг жисмоний ҳаракатлари натижасида қўлга киритилган фазилатнинг ортиқ-камлигига қараб бўлади, уларнинг эришилган завқ-лаззатнинг ортиқ-камлиги ҳам шу тахлитда бўлади.

Ўтмишдагилар ўзларида бўлган завқ-нашъа, лаззатни ўзларидан кейин келадиган авлод орқали наслдан-наслга қолдириб келдилар. Шу тартибда вақт ва замон ўтиши билан кишиларда завқ устига завқ, нашъа устига нашъа қўшилиб, улардаги лаззатланиш, завқланиш объекти ортига боради. Мана бу ҳолни биз фаровонлик, ҳақиқий бахт-саодат деб тасвирлаймиз.



Абу Наср Форобий



ШИМКЕНТ – МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ

Тилнинг луғат таркиби

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқлай- миз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдираемиз;
- ❖ матннинг асосий мазмунини етказиб беришда тасвирларнинг ролини аниқлай- миз;
- ❖ турли кўринишдаги матн мазмунини ижодий ёндашган ҳолда баён этаемиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қилаемиз.



16-машқ.

«ҲАМДЎСТЛИКНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТЛАРИ» ДАВЛАТЛАРАРО ДАСТУРИ

«Ҳамдўстликнинг маданий пойтахтлари» давлатлараро дастури 2011 йилдан бери амалга оширилиб келинмоқда ва ривожланишга кучли та- рихий алоқаларга асосланган мамлакатларимизнинг ўзига хос мадания- ти ўртасидаги мулоқотни осонлаштирадиган МДҲнинг муҳим гуманитар лойиҳаларидан бири сифатида тан олинган.



Дастур тенг имкониятлар- ни яратишга, Ҳамдўстлик мамлакатлари шаҳарлари- нинг маданий ва гуманитар салоҳиятини оширишга, улар- нинг инфратузилмасини ях- шилашга, маданий алоқалар- ни кенгайтиришга, Ҳамдўст- ликка аъзо давлатларнинг тарихий ва маданий меросини



сақлашга, турли халқларнинг маданияти, тиллари, тарихи ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, маданий алоқаларни фаоллаштириш, ранг-баранг маданий бойликлар билан яқинроқ таништириш учун шароитларни кенгайтиришга қаратилган.

Дастур ҳар йили МДХга аъзо давлатларда – МДХ аъзо давлатларининг Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлар-

аро жамғармаси кўмагида амалга оширилади.

Бугунги кунга қадар Ҳамдўстликнинг қуйидаги шаҳарлари Ҳамдўстликнинг маданий пойтахтлари бўлган:

Озарбайжон Республикаси: Габала (2013) ва Ганжа (2017) шаҳарлари;

Арманистон Республикаси: Гюмри (2013) ва Горис (2018) шаҳарлари;

Беларусия: Гомел (2011), Могилев (2013) ва Брест (2019) шаҳарлари;

Қозоғистон Республикаси: Астана (2012) ва Алматы (2014);

Қирғизистон Республикаси: Ўш шаҳри (2014);

Россия Федерацияси: Ульяновск (2011), Воронеж (2015) шаҳарлари;

Тожикистон Республикаси: Кулоб шаҳри (2015);

Туркменистон: Мери (2012) ва Дашогуз (2016) шаҳарлари.

Жорий 2020 йилда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари Кенгашининг 2017 йил 11 октябрдаги қарорига биноан Қозоғистон Республикасининг Шимкент шаҳрида «Ҳамдўстликнинг маданий пойтахтлари» давлатлараро дастури амалга оширилмоқда.

Брест шаҳар ижроия қўмитаси раиси Александр Рогачук Ҳамдўстликнинг ўз шаҳрида маданий пойтахт тадбирлари вилоят марказининг минг йиллигини нишонлаш дастурига жуда мос келганлигини ва ушбу тадбир кенг миқёсда



ўтганлигини таъкидлади. Маданий пойтахт эстафетасини Шимкент шаҳрига топширар экан, у 2020 йилда янада ёрқин воқеалар бўлишига ишонч билдирди.

Шимкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Қайрат Нуртай шаҳар ушбу шарафли мақомни қабул қилишга тайёр эканлигига ишонтирди.

– Бу Ҳамдўстликка аъзо давлатлар учун тарих ва маданият тўғрисида билимларини алмашиш учун яхши имкониятдир. Айнан 2020 йилда шаҳримиз 2200 йиллик юбилейини нишонлаши ҳам рамзий маънога эгадир», – деди у.

Шаҳар ҳокимияти 34 турли маданий тадбирларни ўз ичига олган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Улар Ҳамдўстлик мамлакатлари амалий санъат усталарининг кўرғазмаси, театр фестивали, халқаро кўшиқлар танлови, миллий ошхоналар фестивал-ярмаркаси, Шимкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман, шарлар фестивали ва бошқа қизиқарли тадбирлардан иборат.

Давлат раҳбарлари кенгашининг 2018 йил 29 сентябрдаги қарори билан 2021 йилги Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти ҳам белгиланди. Келгуси



йили эстафетани Душанбе шаҳри олади. Ҳозирда Тожикистон Республикасининг тегишли идоралари МДҲга аъзо давлатларнинг Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро жамғармаси билан биргаликда ушбу лойиҳа учун миллий тадбирлар дастурини тайёрлашни бошладилар.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгашининг 2019 йил 16 май ва 9 декабрдаги қарорларини амалга ошириш учун МДҲ Ижроия қўмитаси 2022 ва 2023 йилларда «Ҳамдўстликнинг маданий пойтахтлари» дастури амалга ошириладиган шаҳарларни аниқлаш билан боғлиқ ишларни бошлади.

*(МДҲ Ижроия қўмитасининг Гуманитария ҳамкорлиги,
Умумсиёсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш
ижроия бошқармаси
cis.minsk.by)*



1. Муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқланг.
2. Матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача баён этинг, жанрларини аниқланг.
3. Берилган мавзунинг долзарблиги нимада? Матн асосида ва қўшимча материаллардан фойдаланиб, тақдимот тайёрланг.
4. Сўзнинг ички ва ташқи маъноси деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни мисоллар билан изоҳланг.

Фозиллар шаҳри, уларнинг аҳолиси уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур. Улар яна фазилатсиз шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўлганидан сўнг руҳлари охиратда не кечишини, баъзилари бахтсизлик, фалокатга учраб, баъзилари йўқ бўлиб кетишини, фозиллар шаҳри аҳолиси охиратда неларга эришувини, нелардан завқланишини билишлари лозим.

Ал-Форобий



Лексикология – юнонча «лексикос» ва «логос» сўзларидан олинган бўлиб, сўзга доир таълимот деган маънони ифодалайди.

Тилшуносликнинг лексикология бўлими тилнинг луғат таркибини ўрганувчи соҳадир.

Лексика сўзи ҳам юнонча «лексис» ва «лексикос» сўзларидан олинган бўлиб, сўз ёки луғат маъноларини билдиради. Лексика тилнинг қўри, луғат таркиби, қўлланиш доираси, келиб чиқиши, услубий қатламларга боғлиқ каби масалаларни таҳлил қилади.

Луғат сўзи араб тилидан олиниб, икки хил маънони англатади:

1. Тилдаги барча сўзларнинг йиғиндиси маъносини ифодалаб, лексика сўзи билан синоним бўлиб келади. Масалан: Ўзбек тилининг луғат таркиби, Ўзбек тилининг лексик таркиби.

2. Алифбо тартибида сўзларнинг ёзилиш имлоси, изоҳли ёки бошқа бирон тилга таржимаси берилган сўзлар тўплами. Масалан: **Ўзбек тилининг имло луғати, Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Қозоқча-ўзбекча луғат, Ўзбек тилининг синонимлар луғати** кабилар.

Лексикология – юнонча «лексикон» – луғат ва графия – «ёзаман» сўзларидан қурилган бўлиб, тилшуносликнинг луғат тўзиш ва луғатчилик масалалари билан шуғулланадиган соҳадир.

Сўз ва унинг маъноси

Тилнинг луғат таркибидаги асосий бирлик **сўздир**. Ҳар қандай сўзнинг ўзаро боғлиқ бўлган икки белгиси – **ташқи** ва **ички** белгилари мавжуд:

1. Сўзнинг ташқи белгилари деганда, унинг қайси товушлар иштирокида ҳосил бўлганлиги тушунилади. Масалан: **инсон** сўзи **и, н, с, о, н** товушлар воситасида ҳосил бўлган.

2. Сўзнинг ички белгиси деганда, унинг икки хил кўринишдаги лексик ва грамматик маънолари англашилади. Масалан, **инсон** сўзи маълум маънони англатади, изчил жойлашган товушлардан иборат, грамматик жиҳатдан келишиклар билан турланади, бирлик ва кўплик сонда келади, ўзбек тилида сўзловчи кишилар учун бирдай тушунарли.

Грамматик жиҳатдан шаклланган, аниқ нарса, ҳодиса, хусусиятни ифодалаб, кўпчилик тушунадиган нутқ товушлари **сўз** деб аталади.



17-машқ. Берилган матни ўқинг ва сарлавҳа қўйинг.

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Яғонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...
Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илиғимсан, Ватаним.
Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирини дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Қўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Қўриғимсан, Ватаним.
Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарвозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,

Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон,
Чўлиғимсан, Ватаним.
Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалололиддин – Курдистонда,
Бобуринг – Ҳиндистонда
Бу қандай юз қаролиғ, деб
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...
Ўғлим десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навқар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...
Ўтган кунинг – ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним.
Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.

Ҳеч бўлмаса Усмон хокин
 Келтирмоққа яраб қўй,
 Олисларда қуриб қолган
 Қудуғимсан, Ватаним...
 Сен – шохлари осмонларга
 Тегиб турган чинорим,
 Ота десам,

Ўғлим деб,
 Бош эгиб турган чинорим,
 Қўйнимдаги ифтихорим,
 Бўйнимдаги туморим,
 Ўзинг менинг улуғлардан
 Улуғимсан, Ватаним!

Муҳаммад Юсуф



1. Матни синчиклаб ўқиб, ўрганинг. Жанрини аниқланг. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини ажратиб олинг ва умумлаштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Матн мазмунини қисқача ҳикоя қилинг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Изоҳлар |
|----------------|-------------------|---------|
| | | |
| | | |

2. Бадиий матн устида ишланг. Жадвални тўлдириг. Ушбу воситаларнинг нутқдаги аҳамиятига изоҳлар келтириг.

| Бадиий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|--------------------------|----------|---------|
| Талмеҳ | | |
| Ташбеҳ | | |
| ... | | |

3. Қуйидаги жадвал асосида сўзларни грамматик хусусиятлари бўйича ажратинг.

| Шарти | Мисоллар | Изоҳлар |
|--------------------------------------|----------|---------|
| Фақат жонли тилга хос бўлган сўзлар | | |
| Фақат адабий тилга хос бўлган сўзлар | | |
| Атама сўзларни ҳам топиб ёзинг | | |

4. Ўзингиз истаган бир бандни кўчириб ёзинг ва шу гапларни синтактик таҳлил қилинг.



18-машқ.

ШИМКЕНТ – ГУЛЛАР ШАҲРИ

Шимкент гуллар ва кўкатлар шаҳрига айланди. Пойтахт меҳмонларни гуллар денгизи билан МДХнинг маданий пойтахти сифатида кутиб олади.

Баҳор мавсумида даставвал 1,3 миллион лолалар кўчаларга экилиб, бу шаҳарга гўзал қиёфа бахш этди. Шимкентнинг тимсоли бўлган лолаларнинг аксарияти голланд навли ранг-баранг, сарик, қизил, кўк, пушти ва бинафша ранглардир.

Лоланинг гуллаш даври тугаши биланоқ, бошқа ёз гуллари экилади. Бу йил уларнинг сони икки баравар кўпаяди – икки миллионга яқин ёзги гул боғларини экиш режалаштирилган. Бундан ташқари, бу баҳор ва кузда кўп йиллик атиргулларнинг 25 мингдан ортиқ кўчатлари, 90 минг туп лигуструм, 30 минг игнабаргли ва манзарали дарахтлар экилиши кутилмоқда.



Шаҳар ободонлаштириш бўйича мутахассисларнинг сўзларига кўра, гуллар архитекторлар ва рассомлар томонидан тайёрланган эскизга биноан экилган.



1. Берилган матнни ўқиб, матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволлар тузинг ва фикрингизни аниқ ифодаланг.



2. «Шимкент тарихи» мавзусида тақдимот тайёрланг.



3. Матн асосида ёзма кичик интервью тайёрланг.
4. Орфография ва орфоэпия нимани ўргатади? Ёдингизга олиб фикрингизни баён этинг.



Интервью

Мухбирлик ва журналистика соҳасининг асосий машғулотларидан бири маълум кишиларнинг иш соҳаси, турмуш тарзи ва ҳоказолар тўғрисида суҳбатини олиш ёки интервью олиб, уни газета ва журнал саҳифаларида ўқувчилар оmmasига етказишдан иборат. Қуйидаги тартиб-қоидалар интервью олиш устида ишлаш босқичлари ҳақида маълумот беради:

1. Кимдан ва нима мақсадда интервью олиш ҳақида ўйлаб олиш.
2. а) суҳбат мавзусини аниқлаш ва шунга кўра саволлар тизимини тайёрлаш ҳамда уларнинг тартибини белгилаб олиш;
б) суҳбат ўтказиб, унинг асосий мазмунини ёзиб олиш;
в) ёзилган материални ўқиб, асосий ғояни аниқлаш ва сарлавҳа қўйиш.
3. Интервьюнинг кириш ва хотимасини ёзиш.
4. Тайёр бўлган материални овоз чиқариб ўқиб кўриш ва таҳрир қилиш.
5. Хомаки ишни текшириш. Диалоглардаги тиниш белгиларининг ишлатилишига алоҳида эътибор бериш.
6. Материални кўчириш.



ТУРКИСТОН – ТУРКИЙ ЭЛЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ БЕШИГИ

Сўз ва унинг маъноси

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушунамиз, жанрини аниқлаймиз, муаллиф кўзқарашига муносабат билдирамиз;
- ❖ ўқилган матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволларни аниқ ифода-лаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги режалар тузамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



19-машқ.

ТУРКИСТОН – ХАЛҚИМИЗНИНГ ТУМОРИ

Туркистон бутун туркий оламнинг муқаддас қадамжоларидан бири, инсоният шажарасининг гувоҳи ҳамда тамаддунининг гавҳари. Тарихдан маълумки, мураккаб сиёсий қарорлар қабул қилиш даврида элни бошқарувчилар дастлаб Туркистонни зиёрат қилганлар.



Туркистоннинг янги мақоми барча соҳада маънавий янгиланиш намунасини кўрсатиши учун улкан имконият яратиб бермоқда.

Шаҳарни туркий оламнинг маданий-маънавий пойтахти сифатида ривожлантириш бўйича Бош режа концепцияси тайёрланди. Шаҳарни сайёҳлик марказига айлантириш мақсадида танловлар ўтказилиб, Туркия, Жанубий Корея,

Ўзбекистон давлатларидан 42 нафар касбий меъморлар иштирок этишди. Шаҳарда қад ростлаётган янги иморатлар миллий меъморчилик талаблари асосида барпо этилмоқда. Шунингдек, шаҳарнинг ҳамма томонидан Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси кўриниб туриши керак.

Туркистон шаҳри тараққиётига масъул Бош вазир Асқар Мамин вилоятимизга тез-тез хизмат сафарлари билан келиб, қурилаётган барча иншоотларни оралаб, жадал суръатларда ривожланиб, изчил равишда амалга оширилаётган лойиҳаларни қатъий назоратга олган. Шунингдек, бунёдкорлик иншоотлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари билан таъминланмоқда. Маҳаллий маҳсулотларимиз юртимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги энг зўр кўрсаткич ҳисобланади.

Шаҳарда аҳоли зич жойлашган марказий кўчалар бўйида жамоат жойлари сонини ошириш мақсадида кўплаб хиёбонлар, гулзорлар барпо этилмоқда. Асосий кўчалар бўйида умумий майдони 172,2 гектарни ташкил қиладиган ер аниқланиб, бугунги кунда ушбу ҳудудда 148та иншоот давлат тасарруфига ўтказилди. Шаҳар марказидаги бозорларни ташқарига кўчириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бозорларга тавсия этилган ерларда инфратузилма ишларини юритиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларига маблағ ҳам кўзда тутилган.



2018 йилда Туркистон вилоятида республика ва вилоят бюджети ҳисобидан 38,7 млрд. тенгелик 169та сармоявий лойиҳа амалга оширилди. Улар асосида барпо этилган 71та иншоот шу йили фойдаланишга берилса, қолган 98таси 2019 йилда тўлиқ топширилади. Туркистон шаҳри атрофидан ўтган йили 320 гектар ер «Яшил минтақа» давлат коммунал корхонаси тасарруфига олинди. Унинг 300 гектарига ишлов берилиб, 200 гектарига бодом, қайрағоч, ўрик кўчатлари ўтказилди.



Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев дастлабки хизмат сафарини Туркистондан бошлади. У дастлаб Х.А. Яссавий мақбарасида бўлиб, «Ҳазрат Султон» қўриқхона-музейини янгилаш режаси ҳамда «Буюк Дашт Эли» маркази, вилоят ҳокимлиги ва бошқармалар бинолари, шунингдек, Конгресс-холл, Медиа-марказнинг қурилиш ишлари билан танишди. Шунингдек, «Нурли ер» дастури бўйича бунёд этилаётган уйлар қурилиши билан қизиқди. Таъкидлаш жоизки, умумий майдони 96 200 кв.м.ни ташкил этадиган 1560 квартирали 26та кўп қаватли уй бу йил фойдаланишга топширилади.

Туркистон вилоятида 44та транспорт компанияси йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилда ижтимоий аҳамиятга эга «Туркистон – Бодом» ва «Туркистон – Сариоғоч» темир йўл йўналишлари очилди. Поезdlар ҳафтасига 5 марта қатнайди. Шунингдек, ҳафтасига икки марта қатнайдиган «Туркистон – Шимкент» тезюрар поезд йўналиши ишга тушди. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, сайёҳлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида «Туркистон – Самарқанд» доимий халқаро автобус йўналиши очилди.

Туркистон Марказий Осиёнинг сиёсий-маданий, ижтимоий-маънавий жиҳатдан ривожланган сайёҳлик маркази ва муқаддас маскани сифатида тарих зарварақларига муҳрланишига ишончимиз комил.

*Мухтабар Усмонова.
(janubiy.kz)*

Туркистон – юртимизнинг олтин бешиги, маданият-маънавиятимиз тимсоли ҳамда халқимизнинг тумори. Бу муқаддас заминни кўз қорачиғидек асраб, ривожлантиришимиз керак. Тўнғич Президентимизнинг бу шаҳарга алоҳида мақом бериши бежиз эмас. Туркистоннинг равнақи доимо Элбоши эътиборида бўлди. Қадим Туркистоннинг тикланиши ҳамда янгиланиши тараққиётимизнинг тўғри йўлда эканлигини билдиради. Президент сифатидаги илк сафаримни Туркистондан бошлаш мен учун жуда муҳим.



*Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ,
ҚР Президенти*



1. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.
2. Матнда келтирилган маълумотларга аҳамият беринг ва изоҳланг.
3. Матн ғоясини ифодаловчи 2-3 та жумла келтиринг ва шу бўйича ўз қарашларингизни баён этинг.



4. Берилган мавзу бўйича мулоҳазалар, ишончли фикрлар билдириб, ўзингиз диалог матн тузинг. Синфга овоз чиқариб ўқиб беринг.
5. Матн услубини аниқланг.
6. Матнга келтирилган расмларнинг қандай аҳамияти бор? Изоҳланг.
7. Матн таркибидан 5-7та сўз танлаб олиб, маъносини изоҳланг.



«Бугунги Туркистон» мавзусида маҳаллий газетага мақола ёзинг.



Сўз ва унинг маънолари

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичик қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англаувчи бирликдир. Сўзнинг борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, **китоб**,

тош гул маълум предметларни англатса; *яши, катта* белгини; *ўқимоқ, юрмоқ, ишламоқ* ҳаракат маъноларини англатади.

Сўз луғавий маънодан ташқари нарса ёки шахсга кишининг ижобий ёки салбий муносабатларини ҳам билдиради. Бундай сўзлар услубий бўёқдор сўзлар дейилади. Масалан, *чеҳрасидан нур ёғилади* гапидаги чеҳра сўзи ижобий маъноли, *одамнинг турқи шунча совуқ бўладими?* гапидаги *турқ* сўзи салбий маъноли сўздир.

Кўринадики, қандай муносабатларни ифодалашига кўра сўзлар икки хил:

1. Ижобий маъноли сўзлар: *чеҳра, жамол, порлоқ, доно, мард, сахий, билмдон, кучли, жилмаймоқ, меҳнаткаш* ва бошқалар.

2. Салбий маъноли сўзлар: *афт, турқ, хира, нодон, номард, бахил, билмисиз, иржаймоқ, дангаса* ва бошқалар.

Ижобий ва салбий маъноли сўзлар, асосан, синоним (маънодош) сўзлар доирасида бўлади. Масалан, «кулмоқ» тушунчасини ифодаловчи *кулди, жилмайди, табассум қилди* – ижобий; *иржайди, тиржайди, ишшайди* салбий маъноли сўзлардир.

Ижобий ва салбий маънолар иборалар доирасида ҳам мавжуд. Масалан, «емоқ» тушунчасини ифодаловчи *танаввул қилмоқ, татиб кўрмоқ* бирикмалари ижобий муносабатни, *паққос туширмоқ, уриб олмоқ* бирикмалари салбий муносабатларни билдиради.

Шунингдек, тилда синоними мавжуд бўлмаган сўзлар орқали ҳам ижобий ва салбий муносабатлар ифодаланади. Масалан, *ҳурматли, доно, қадрли, ширин, устоз, жиддий, заҳматкаш, ишчан* сўзлари ижобий маънони *англатса, ҳурматсиз, нодон, аччиқ, енгилтак, ишёқмас, қўрқоқ, ландавур* кабилар салбий муносабатларни англатади.

Сўзлардаги услубий бўёқдорликнинг ҳосил бўлиши қуйидагича:

1. Сўз ифода хусусиятига кўра услубий бўёқдор бўлади. Масалан, *бўйчан* – ижобий, *дароз* – салбий; *билimli* – ижобий, *кўрсавод* – салбий. Шунингдек, *чиройли, хушбичим, бежирим, нозанин, ёқимли* – ижобий; *бадбуруш, найнов, қилтириқ, сатанг* – салбий бўёқдор сўзлардир.

2. Сўзларга турли қўшимчалар қўшилиши орқали услубий бўёқдорлик ҳосил бўлади. Масалан, *бола, қиз, келин, қуш* – услубий бўёқсиз; *болача, қизгина, келинчак, қушча* – услубий бўёқдор. Бу сўзлардаги услубий бўёқдорлик ушбу сўзлардаги қўшимчанинг кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодаланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, қариндошлик билдирувчи сўзларга, киши исмларига *жон, бек, хон, бой* сўзлари қўшилганда ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади: *Амаки-жон, Азизбек, Нафисахон* каби.

3. Сўзларни кўчма маъноларда ишлатиш натижасида ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади. Масалан, – Хўш, **хўрозлар**, – Маъсуд чапанларни исканжага тобора қаттиқроқ ола бошлади (Ҳ.Ғулом). Комиланинг кўнглига ҳеч нарса сиғмаган шундай кунларда анови **елим** ҳам жонига тегди келавериб (А.Мухтор). Ушбу гаплардаги **хўрозлар**, **елим** сўзлари кўчма маъно орқали услубий бўёққа эга бўлган.



20-машқ. Матни диққат билан ўқинг ва сарлавҳа қўйинг.

Амир Темур Ясси шаҳрига борган ва у ерда намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилган. Сўнг авлиё Хожа Аҳмад Яссавий мазори устига муҳташам мақбара қуришга фармони олий берган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ҳам бу улуг воқеа ҳақида қуйидагилар ёзилган: «Унинг гумбазини шундай бунёд этсинларки, айланаси юз ўттиз газ ва ўз чизиги қарийб қирқ газ келсин. Қурилиш тамом бўлгач, баландлиги ҳам ўзига муносиб тарзда кўтарилсин, девору қуббаси кошнлар ила безатилсин, эшиги етти хил маъдан қотишмасидан тайёрлансин, ўртасида бир ҳовуз барпо этиб, унинг юзини ҳам етти маъдан қотишмасидан қопласинлар. Қабр устига қўйиш учун табризий мрамар келтирсинлар, уни нозиклик билан тарашласинлар ва ажойиб нақшларла безасинлар».

Қурилишга мутасадди этиб мавлоно Убайдуллоҳ тайинланган. Яна шу асарда ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий мазоротиغا Ясси атрофидаги дала, боғ ва анҳорларни вақф қилиб, хатвасиқа ила берилгани айтилади. Яссавий мачитининг мутаваллийси ҳазрат Дарвеш Али имомлигида хутба-намоз ўқилгач, бинокор усталар мақбара биносини қуриш учун дарҳол ишга киришдилар. Аммо эртасига эрталаб келиб қарасалар, кеча қурилган мақбара биноси ғойиб бўлибдир. Бу кун ҳам яна намоз тиловат ўқилиб, яна бинони тикладилар. Учунчи куни келиб қарасалар, яна бино йўқ бўлиб қолибди. Шундан сўнг уламо ва шайхлар йиғилиб, нима қилиш керак, деб маслаҳатлашадилар. Доно одамлардан бири бундай маслаҳат беради:

«Азизлар, валий мазорида бизга йўл очилмаётганига сабаб — биз ота-боларимиз удумларини унутиб қўйганимиздир. Аслида аждодларимиз қонунига кўра ишни Хожа Аҳмаднинг пири ҳазрат Арслон Боб мазоридан бошлашимиз керак эди», деб маслаҳат берди. Алқисса, бинокор усталар

шундай қилишди. Улар Шавлдор қишлоғи (ҳозирги Чимкент вилоятининг Қизилқум тумани)га бориб, ҳазрати Арслон Боб мазоридида чиройли сағана қуриб битказдилар. Бу билан одамлар Аҳмад Яссавий устозининг руҳини хотирлаб, зиёратчиларни ҳам севинтирдилар. Шундан сўнг улар Туркистонга қайтиб, Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга киришдилар.

Уч йил давомида муҳташам бинони тамомлаб, ташқи деворларга ва даҳма устидаги қобирғали гумбазларга сайқал беришга киришдилар. Пештоқини эса қуриб битказишга улгуролмадилар. Яссавий мақбарасидаги яна бир ажойибот зиёратчилар эътиборини тортади. Соҳибқирон Темур фармони билан масжид ва хонақоҳ дарвешлари ва зиёратчилар учун 60 челақ сув сиғадиган катта дошқозон ясалган. Оғирлиги 2 тонна, четининг айланаси 2,75 газ келадиган, етти хил металл: темир, рух, қўрғошин, қалай, қизил мис, кумуш ва олтин қоришмасидан ясалган мазкур қозон табризлик оҳангар уста Абдул Азиз ибн Шарафиддин ва унинг шогирдлари қўли билан ясалган. Бу қозонга ўхшаш нодир ажойибот дунёнинг бошқа ҳеч бир диёрида учрамайди. Байрам, ҳайит (ийд) кунлари Яссавий мачитига сон-саноксиз ибодат қилувчилар келганида, бу қозонга шу мақбара остидан чиқадиган муқаддас булоқ сувидан тўлдириб, одамларга улашилган. Зиёратчилар кўнгиллари покланиб, касалликлардан фориғ бўлиб кетишган.

*Насафий (Евгений Ефимович Березиков) русчадан
Маҳкам Маҳмуд таржимаси*



1. Авлиё Хожа Аҳмад Яссавий мазори устига муҳташам мақбара қуришга фармони олий берган ким эди?
2. Нега Аҳмад Яссавий номи олдидан Хожа сўзи қўшилган? Бу сўз қандай маъно беради ва кимлар бу номга муносиб бўлган?
3. Таянч сўзларни аниқланг ҳамда улар иштирокида очиқ ва ёпиқ саволлар тайёрланг. Матн ғоясини аниқланг.
4. Матндан лаҳжа ва шеваларга оид сўзларни топинг ва маъносини тушунтиринг.
5. Ўзбек адабий тили қандай шаклланган, унинг асосчилари кимлар?
6. Матндан эскирган сўзларни архаик ва тарихий сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг. Уларни қиёсланг.



21-машқ.

Матнолди топшириқлар:

1. Шеърни синчиклаб, ифодали ўқинг.
2. Унда ўзбек адабий тили илдизлари ҳақидаги ишораларга алоҳида эътибор беринг.

ОНА ТИЛИМ

1

Абут-турк тарихдан балки бир ҳикмат,
Бироқ сен борсан-ку Турон элинда.
Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда.

Ул олис қуёшдир куйиниб ёнар,
Олис хотиротдир ўчмас фалакда.
Ҳақдан, Ҳақиқатдан кўринг, ким тонар?
Дунёвий аламнинг тийғи юракда.

Ватан деб аталган бешик, онажон,
Мен учун ёпилган эшик, онажон,
Мен сокин солланиб илғаб борарман,
Ватан деб аталган тобут қўйнида.

Ватан деб аталган бешик, онажон,
Мен учун ёпилган эшик, онажон,
Мен сокин солланиб илғаб борарман,
Ватан деб аталган тобут қўйнида.

2

Ҳеч зот уза билмас узилган жонни,
Ҳақиқатни уза билмас ҳеч қачон.
Элим, Она тилим, руҳимнинг қони
Бир имдод сўрайман сендан, онажон.



Чаёнзор йўлидир борар йўлларим,
Таним ёнмақдадир ишқсиз очунда.
Кўкларга тўқинар сўнгак қўлларим,
Оёқларим менинг тупроқ ичинда.

Чаёнзор йўлидир борар йўлларим,
Таним ёнмақдадир ишқсиз очунда.
Кўкларга тўқинар сўнгак қўлларим,
Оёқларим менинг тупроқ ичинда.

Сен Туркий дунёнинг ғолиб хаёли —
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.

3

Улуғ Туркистоним, олтин далалар,
Офтоб сочқи сочар бош узра балқиб.
У сенинг тилингда айтар аллалар,
Қоним, она тилим, оҳ, она халқим.

Улуғ Туркистоним, олтин далалар,
Офтоб сочқи сочар бош узра балқиб.
У сенинг тилингда айтар аллалар,
Қоним, она тилим, оҳ, она халқим?!

Занжирбандман, она тилим, Она сўзингга,
Қундайин сўларман, ойдек тўларман,
Мил каби тортарман сени кўзимга.
Мен ғариб бандангман. Бир Сўз тиларман.

Бошимни қўярман Сенинг изингга...
Қудсия анфосин ёдлаб ўларман.

Рауф Парфи



1. Матнни изланиб ўқинг.

- 1) Абут-турк ким ва у ҳақда нималар биласиз?
 - 2) «Турон» деганда кўз олдингизда қай минтақа намоён бўлди?
 - 3) улуғ Алишернинг қутлуғ тили, бу қайси тил?
 - 4) шеър нега 1, 2, 3 бўлимга бўлинган деб ўйлайсиз ва сиз ҳар бўлимни қандай атаган бўлардингиз?
2. Шоир бу мисраларда нима демоқчи ва бунда қандай ўхшатиш берилган?

*Ватан деб аталган бешик, онажон,
 Мен учун ёпилган эшик, онажон,
 Мен сокин солланиб илғаб борарман,
 Ватан деб аталган тобут қўйнида.
 Чувалган булутни қордек қорарман
 Руҳимнинг панжаси чақмоқ бўйнида.*

3. *Олис қуёш, куйиниб ёнар, тийиғи юракда, сокин солланиб, қордек қорарман, руҳимнинг панжаси, руҳимнинг қони* бирикмаларини грамматик ва маъно томонидан таҳлил қилинг.
4. *Қуёш, ёнар, юрак, солланиб, қорарман, панжаси, қони* сўзлари олдида бириқиши мумкин сўзларнинг валентлигини ҳисобга олиб, бирикма тузинг ва ўзаро бириқиши мумкин бўлмаган сўзларни ҳам аниқланг. Намунада берилган бирикмаларни давом эттиринг. Ушбу бирикмаларнинг ҳосил бўлиши ёки бўлмаслигини тушунтиринг нима тўсқинлик қиляпти ёки тўсқинлик қилмаяпти? Фикрингизни аниқ баён этинг.

Намуна:

| <i>Бириқиши мумкин сўзлар</i> | <i>Бириқиши мумкин бўлмаган сўзлар</i> |
|--|--|
| <i>олис қуёш ёрқин қуёш оловли қуёш ботган қуёш</i> | <i>бош қуёш тунги қуёш кумуш қуёш кўндаланг қуёш...</i> |



ЁШЛАР МАДАНИЯТИ ВА МАСАЛАЛАРИ



Ёшлар бизнинг келажагимиз пойдеворидир, улар ўз келажаklarини қуриш учун янги имкониятларга эришадилар. Бу – ҳар биримиз, оиламиз, мамлакатимиз қаршисидаги яратиладиган янги имкониятлардир.

Н. Назарбаев



МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ матннинг асосий мазмунини етказиб беришда ранг-баранг тасвирларнинг ролини аниқлаймиз;
- ❖ матнда бадий-тасвир воситаларини таҳлил қиламиз, аҳамиятини тушунтирамиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланамиз.



22-машқ.



Ёшлик гўзалликни кўра олгани учун ҳам бахтиёрдир. Гўзалликни кўра олиш қобилиятини йўқотмаган киши эса ҳеч қачон кексаймайди.

Франк Кафка

ЁШЛИК

Ёшлик! Сени куйламаган ким,
Эртақларинг сўйламаган ким,
Қариганда ўйламаган ким,
Ўйлаб яна куйламаган ким?
Битмоқ бўлдим мен ҳам сенга байт,
Ёш юракнинг ҳаққи борми, айт?

Ёшлик, асли менинг ўзимсан,
Кенг оламга боққан кўзимсан.
Ёзган шеърим, айтган сўзимсан,



Кечам, эртам, ушбу рўзимсан.
Битмоқ бўлдим сен учун ашъор,
Аммо ўзни куйламоқ душвор.

Ёшлик – гулу гулғунча экан,
Бу гул олам тургунча экан,
Ёшлик – беҳад тушунча экан,
Поёни йўқ гардунча экан.
Битмоқ бўлдим мен унга дoston,
Ўйларимга топмадим поён.

Ёшлик, дилдан шавқ кетгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Демак, қадрингга етгани йўқ.
Ёшлик, сени куйлаб билурман,
Аммо бугун ёшлик қилурман.

Ёшлик – ишқу ошиқлик майли,
Ўзи Мажнун, ҳам ўзи Лайли,
Субҳи олам унинг туфайли.
Майли, унга битмасам майли,
На бир ғазал, на бир мусаддас,
Унинг ўзи шеърдан муқаддас.

Эркин Воҳидов



1. Матнни овоз чиқариб, ифодали ўқинг.



2. Гуруҳда қуйидаги саволлар устида ишланг:

- А) матн мазмуни қандай аудиторияга қаратилган?
- Б) матн сизга ҳиссий таъсир қилдими? Нима учун?
- В) матннинг жанри, услубини аниқланг. Келтирилган расмларнинг ролини изоҳланг.

Г) қандай бадиий тасвир воситалари ишлатилган? Таҳлил қилишга урининг.

| Бадиий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|--------------------------|----------|---------|
| Талмеҳ | | |
| ... | | |

Д) асосий ғояси нимадан иборат?

Е) ўзингизга ёққан бир бандини қисқа вақт ичида ёд олиб, айтиб беринг. Гуруҳлараро беллашув уюштиришингиз мумкин.

Ё) ёдлаган банд мазмуни устида тўхталиб, изоҳлаб, ўз муносабатингизни билдиринг.



3. Нима учун шоир ёшликни муқаддас деб билади? Сиз шоирнинг ҳукми билан келишасизми? Бу ҳақда сизнинг қандай фикрингиз бор? Фикр-мулоҳазаларингизни ёзма равишда баён этиб, мақола ёзинг. Синфга тақдим қилинг.



Ёшлик – кексаликнинг ижрочиси. Мазмунли ўтган ёшлик хотиржам кексалик учун муқофотдир. Енгил-елпи ёшлик эса заифликнинг бошидир.

Маурис Чевалиер



23-машқ.

МАЪНАВИЙ БАҲАМОЛ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Буюк аждодларимиз маънавий-руҳий камолотга эришишни, доимо огоҳ ва ҳушёр яшашни, Ватан, эл-юрт шаъни, тинчлиги учун ҳатто жон фидо этишни ҳаётининг мазмуни деб билган. Авлодларини ҳам ана шу эзгу амаллар руҳида тарбиялашга интиланган. Бу анъаналар дунё манзаралари кун сайин ўзгариб, тинчлик-тотувликка таҳдидлар тобора кучаяётган бугунги даврда янада долзарблик касб этмоқда.

XX асрнинг ўзида икки жаҳон уруши ва уларнинг аянчли оқибатларини бошдан кечирган инсоният гарчи ер юзида тинчликнинг барқарор бўлиши йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширган бўлса-да, ҳамон



умумий тинчликка эриша олгани йўқ. Бегуноҳ инсонлар қонининг тўкилиши, этник гуруҳлар ҳуқуқларининг поймол бўлиши, динлараро низо-лар, террорчилик хуружларининг тобора кенг кўлам касб этаётгани, ҳарбий куч-қудратни ўстиришга қаратилган ҳаракатларнинг давом этаётгани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Дунё турли даражада ривожланган халқ ва давлатлардан ташкил топган. Шу сабабли юксак равнақ топган давлатлар мустақил тараққиёт йўлини тутган янги давлатларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади.

Мамлакатимиздаги тинчлик, ҳамжиҳатликка раҳна солиши мумкин бўлган таҳдидлардан аҳоли, айниқса, ёшларнинг огоҳлигини мунтазам ошириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, хуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши туриш кўникмаларини шакллантириш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Тинчликни сақлаш ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Афсуски, ҳаётимизда содир бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўриб кўрмасликка оладиган, тинчликни сақлаш фақат давлатнинг иши деб ўйлайдиганлар, фарзандларининг тарбияси билан қизиқмайдиган ота-оналар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Ватан оиладан бошланади. Оилада тинчлик бўлса, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, вилоят ва ниҳоят, мамлакатда осойишталик бўлади, юрт равнақ топади. Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари билан ахлоқий фазилатларини ҳам ўстириб боришимиз керак. Ёш авлоднинг турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик нафақат ҳукуматимиз ёки таълим муассасаларининг вазифаси, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчидир.

Ёшларнинг таълим-тарбияси келажагимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда уларнинг пухта таълим-тарбия олиши учун қулай шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки жамиятимиз осойишталиги, мамлакатимиз тараққиётига раҳна солмоқчи бўлганлар кўп ҳолларда ёшларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. Шу боис йигит-қизларнинг турли ғараз ниятли гуруҳларга қўшилиб қолишининг олдини олиш, бундай кучларга қарши курашиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бағрикенглик тамойиллари Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутаяди.

Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш – ҳар

биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган барча фуқароларнинг, давлат ёки жамоат ташкилотида ишлаши, тадбиркор ёки бошқа касб эгаси бўлишидан қатъий назар, энг асосий вазифаларидан бўлиб қолмоғи лозим.

О. Юсупов



1. Матн устида ишланг. Мазмунини қуйидаги жадвал асосида 22-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| «Ёшлик» шеъри | «Маънавий баркамол ёшлар – келажагимиз пойдевори» матни |
|--|---|
| Мавзуси | |
| | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | |
| | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | |
| | |
| Тузилиши, жанри, услуби | |
| | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | |
| | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | |
| | |

2. Тўплаган маълумотлар, хулосаларингиз асосида асосий ахборотни ёзма баён этинг.
3. Ахборотни публицистик услубда баён этинг. Имло қоидаларига риоя қилинг.



«Маънавий баркамоллик нима?» мавзусида муҳокама эссе ёзинг.





Сўзнинг икки хил маъноси мавжуд, яъни **лексик маъно** ва **грамматик маъно**.

Сўзнинг лексик маъноси тушунчага асосланади. Тушунча сўз маъносининг асосини ташкил этади; сўз эса тушунчанинг номидир. Масалан: **ер, осмон, дарахт, чиройли, олмоқ** сўзларининг маъноси бошқа-бошқа тушунчаларни ифодалайди: **ер** – предмет, **дарахт** бошқа бир предмет, **чиройли** – белги; **олмоқ** ҳаракат каби тушунчаларни ифодалайди. Демак, шу сўзларнинг маъноси бошқа-бошқа тушунчаларни ифодалайди, келтирилган сўзлар эса шу тушунчаларнинг номидир. Тушунча кишининг борлиқни билиши, уни онгида акс эттириш орқали юзага келади.

Сўзнинг **лексик маъноси** унинг предмет, белги, миқдор, ҳаракат, ҳолат каби тушунчаларни ифода этишидир.

Сўзнинг **грамматик маъноси** лексик маъно устига қўшиладиган қўшимча маънолар бўлиб, шу сўзнинг маълум шакл ўзгариши билан боғлиқ. Тилдаги барча лексик маъноси предмет билдирувчи сўзлар бир туркумга оид (яъни от сўз туркумига). Масалан: **тоғ, осмон, тол, дарё, севги, ирода** сўзларининг ҳар бири алоҳида предметларни ифодалайди, бу уларнинг лексик маъноси. Лекин шу сўзларнинг ҳаммаси предметлик тушунчасини ифодаловчи бир туркумни, от туркумини ташкил этади. Бу эса шу сўзларнинг грамматик маъноси. Шунингдек, предмет маъносини билдирувчи бу сўзлар сон, эгалик, келишик каби шаклларни ифода этувчи қўшимчаларни ҳам олади. Масалан: дафтарлар, осмоним, осмонинг, осмони, қаламнинг, қаламни, қаламга, қаламда, қаламдан каби. Демак, предмет маъносини билдирувчи сўзларнинг бир туркумга – от сўз туркумига оидлиги ҳамда уларнинг сон, эгалик, келишик каби маъноларни ифода этиши грамматик маъно саналади.

Грамматик маъно сўзларнинг биринчидан, қайси сўз туркумига оидлигини билдирса, иккинчидан шу сўзнинг лексик маъноси устига қўшиладиган қўшимча маъноларни ҳам билдиради. 1. Бир маъноли сўзлар фақат битта лексик маъно ифода этади. Кўпроқ терминлар бир маъно ифода этади: фонема, метатеза, тўлдирувчи, кесим (тилшуносликда); композиция, кульминация (адабиётшуносликда); теорема, синус, учбурчак, квадрат (математикада) каби. Умумистеъмолдаги сўзлар ҳам бир маъно ифода эта олади: **нон, сув, мен, сен, у, бир, икки, бормоқ, келмоқ** ва ҳоказо. Бир маъноли сўзлар тилшуносликда моносемантизмлар (гр. *monos* «бир», *sementikos* – белги, маъно) деб юритилади. 2. Кўп маъноли сўзлар икки ёки ундан ортиқ лексик маъно ифода этади. Масалан: **бурун** сўзининг 2 та лексик маъноси бор: **одамнинг бурни, чойнакнинг бурни** каби. Кўп маъноли сўзлар тилшуносликда полисемантизмлар (гр. *poli* – «кўп», *semenikos* – «белги, маъно») деб юритилади. Сўзнинг кўп маъноли бўлиши тил тараққиётининг натижасидир. Тилда ҳар қандай сўз, аввало, бирор нарса ёки ҳодисани аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди. Кейинчалик эса шу сўз маъно тараққиёти натижасида бошқа нарса, ҳодисаларни ҳам ифодалаш учун қўллана бошлайди ва шу туфайли кўп маъноли сўзга айланади. Масалан: **тиш** сўзи дастлаб одамнинг оғзида жойлашган нутқ органининг номи сифатида бир маъноли сўз (моносемантизм) бўлган, кейинчалик эса шу сўзнинг маъноси тараққий этиб, арранинг тиши лексик маъносида ҳам қўлланиб, кўп маъноли сўзга айланган.



ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНИШ ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТДИР

Луғат таркибининг таъсирчанлик қатлами

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини муаллиф нуқтаи назарига муносабат билдирамиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён эта- миз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдалана- миз.



Муваффақиятга эришишга эмас, балки ҳаётингиз мазмунли бўлишига ҳаракат қилинг.

Альберт Эйнштейн



24-машқ. Матнни тушуниб ўқинг.

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ

Одамнинг ўз-ўзига ишониши гўзал фазилатдир. Бу фазилат ўз қоби- лияти даражасини билувчи кишиларга хосдир. Кишининг ўзига бўлган ишончи ўзгаларга бўлган ишончининг асосини ташкил этади. Ҳаёт йўлида учровчи кўпгина муваффақиятсизликнинг асосий сабабларидан бири ки- шининг ўзига ишонмаслигидан келиб чиқади. Чунки ўз-ўзига ишонч буюк ишларнинг энг биринчи зарур шарти ҳисобланади. Энг даҳшатли ишонч- сизлик эса – кишининг ўз-ўзига ишонмаслигидир! Шубҳа – хоин, дейди- лар ва у одамни уриниб кўришдан, ҳаракат қилишдан қўрқитиб, эриши- ши мумкин бўлган кўп нарсалардан маҳрум қилади. Ўзига ишониш, ўз қадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, шунинг бароба-



ринда янада саботли қилади. Донолар дерларким, безбетлик ва мақтан-чочлик жирканчлидир; бироқ ўзига ишонмайдиган, бу фазилатга эришиш учун ҳаракат қилмайдиган киши жирканчликда ундан қолишмайди.

(«Замонавий ривоятлар»дан)



1. Матн мазмунини бир жумла билан баён этинг.
2. Матн типини аниқланг.
3. Қуйидаги саволлар устида ишланг:
Сиз ўз-ўзингизга ишонасизми? Ўз-ўзига ишониш дегани нима?
Инсоннинг ўз-ўзига ишончи қачон пайдо бўлади?
4. Муаллиф нуқтаи назарига ўз танқидий муносабатингизни билдилинг.



БИЛИБ ОЛИНГ!

Ўқиш жараёнида матнни таҳлил қилиш ва қилмасликка кўра турлари мавжуддир.

Мисол учун:

✓ **она тилининг иштирокига кўра:**

- а) таржимасиз
- в) таржима қилиб ўқиш

✓ **тайёргарликни аввалдан бор ёки йўқлигига кўра:**

- а) аввалдан қийинчилигини бартараф қилган
- в) аввалдан қийинчилиги бартараф қилинмаган

✓ **Тайёргарликка кўра:**

- а) тайёрланган
- в) тайёрланмаган

✓ **Ўрнига кўра:**

- а) синфда ўқиш
- б) уйда ўқиш.

✓ **Ўқитувчи топшириғига кўра:**

- а) таълимий ўқиш

✓ **Ўқувчининг ўз ташаббусига кўра:**

а) реал ва мустақил ўқиш

✓ **Иштирокчилар сонига кўра:**

а) гуруҳда ва якка ҳолда ўқитиш.

✓ **Овоз иштирокига кўра:**

а) овоз чиқариб

в) овоз чиқармай ўқиш.

✓ **Юқоридаги турлар билан бир қаторда ўқишнинг қуйидаги турлари мавжуддир:**

1. Диққат билан ўқиш.

2. Ўртача ўқиш (одатдаги овоз чиқармай ўқиш).

✓ **Ўқишдан кўзланган мақсадга кўра:**

1. Тез ўқиш

2. Танлаб ўқиш (бошидан, ўртасидан, охиридан)

3. Тўхтатилиб ўқиш (бирор сўзни чўзган ҳолда)

Ўқишдан кўзланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда ўқишнинг қуйидаги турлари ҳам мавжуд.

1) танишиш учун ўқиш

2) изланиб ўқиш

3) кўз югуртириб ўқиш

4) синчиклаб ўқиш.

Танишиш учун ўқишнинг бу тури орқали китобхон мақола ёки китобнинг умумий ўқиш жараёнида матннинг асосий мазмунини илгари сурган асосий ғояни англаб етиш билан кифояланади.

Изланиб ўқиш – матнда берилган нотаниш сўзлар ва сўз бирикмаларини бошқа манбалардан топиб, матннинг ўқувчи учун зарур, деб ҳисобланган қисми синчиклаб ўқилади.

Кўз югуртириб ўқиш – бу ўқиш турининг вазифаси, китобхон ўзи учун керак бўлган маълумотни олиш ва керакли маълумотларни келажақдаги ишда фойдаланиш мақсадида танлайди.

Синчиклаб ўқиш – ўқишнинг ушбу турида тўла ва аниқ тушуниш кўзда тутилади. Ўқувчи матнни энг муҳим ва ўзини қизиқтирган қисмларини тушуниб олишдан ташқари, матнни танқидий нуқтаи назардан мушоҳада қилади. Шунинг учун ўқувчи матн мазмунини тўла ва узоқ вақт эслаб қолишга ўзини тайёрлайди. Синчиклаб ўқиш ўқиш турининг 100% ини ташкил қилади.





25-машқ. Матнни синчиклаб ўқинг.

Бир куни Устознинг ёнига бир йигит келди ва деди:

– Ўзимни ҳеч нарсага ярамайдиган, бир чақага қиммат одамдек ҳис қиляпман, яшагим ҳам келмай қолди. Мени ҳамма омадсиз, овсар дейди.

Илтимос, Устоз, менга ёрдам беринг!

Устоз йигитга бир нигоҳ ташлади ва шошиб жавоб қайтарди:

– Кечир, ҳозир жудаям бандман, сенга ёрдам беролмайман. Жуда муҳим ишим бор, – у бир оз ўйлаб, гапида давом этди: – Лекин менга ёрдам берсанг, мен ҳам сенга ёрдам бераман.

– Жоним билан, Устоз, – деди йигит, ичида яна ўзини камситишаётганини ўйлаб.

– Яхши, – деди Устоз ва чап жимжилоғидаги қизил тошли узугини ечиб олди.

– Отга мингин-да, бозорга бор. Қарзимни беришим учун мана шу узукни сотишим керак. Уни қимматга сотишга ҳаракат қил ва асло тилла тангадан арзонига сотма! Бўл, тезроқ жўнагин энди!

Йигит узукни олди ва отга миниб бозорга жўнади. Бозорга келгач, у узукни савдогарларга кўрсата бошлади.

Лекин улар тилла танга ҳақида эшитишлари билан узукка қарамай қўйишди. Кимдир унинг устидан кулди, кимдир эса юзини буриб кетди ва фақат бир қария савдогаргина унга бу узук учун тилла танга ўта қиммат нарх эканлигини, узук учун мис танга, жуда ошиб кетса кумуш танга беришлари мумкинлигини айтди.

Қариянинг сўзларини эшитган йигитнинг кайфияти тушиб кетди. Устоз унга узукни фақат тилла тангага сотиш кераклигини айтганди. Бутун бозорни айланиб, юзлаб савдогарларга узукни таклиф қилиб сотолмаган йигит ортига қайтди. У Устоз олдида бошини эгди.

– Устоз, топшириғингизни бажаролмадим, – деди у ғамгинлик билан.

– Мен узукни кумуш тангага сотишим мумкин эди, лекин сиз фақат тилла тангага сотишим кераклигини айтдингиз. Узукнинг нархи сиз айтганчалик эмас экан.

– Ҳозир жудаям муҳим сўзни айтдинг, ўғлим! – деди Устоз. – Узукни сотишдан олдин унинг асл баҳосини аниқлаб олиш керак эди! Унинг асл баҳосини эса заргар билади. Заргарнинг олдига бор ва ундан узукнинг нархини сўра. Лекин у қандай нарх айтмасин, узукни сотмасдан ёнимга қайтиб кел.

Йигит яна отга минди ва заргарнинг олдига йўл олди.

Заргар узукни узоқ синчиклаб текширди, сўнг тарозида тортиб кўрди ва йигитга юзланди:

– Устозга айтиб қўй, ҳозир бу узук учун эллик саккиз тилла танга беришим мумкин. Лекин вақт берса, уни етмиш тилла тангага сотиб оламан.

– Етмиш тиллага?! – йигит хурсанд бўлиб кетди ва заргарга миннатдорчилик билдириб ортига қайтди.

– Ёнимга ўтир, – деди Устоз, йигитнинг хурсандлик билан айтган гапларидан сўнг. – Гапимга қулоқ сол, ўғлим. Сен мана шу узуксан. Қимматбаҳо ва такрорланмас! Сенинг асл баҳоингни фақатгина ҳақиқий мутахассис бера олади. Шундай экан, бозорда дуч келган кишидан ўз нархингни сўраб нима қиласан?

(*muslim.uz*)



1. Матннинг энг муҳим ва ўзингиз қизиқтирган қисмларини тушуниб, танқидий нуқтаи назардан мушоҳада қилинг.
2. Асосий ва майда тафсилотларини ажратинг.
3. Матнни 25-машқ матни билан солиштириб (услуги, аудиторияси, ғояси, тили) таҳлил қилинг.
4. Ўқиган матн мазмунини қисқача мақола сифатида баён этинг.
5. Ҳаётингизда шундай ҳолатга тушганмисиз? Агар тушган бўлсангиз, қандай йўл тутгансиз? Ўз тавсияларингиз билан ўртоқлашинг.




Доноларнинг шундай ҳикмати бор: агар мамлакат 1 йил ривожланаман деса, буюдой эксин, агар мамлакат 10 йил ривожланаман деса, дарахт эксин, агар мамлакат 100 йил равнақ топаман деса, ўз ёшларини ўстирсин.



26-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Бу суд бўлиб ўтганига йигирма тўрт асрдан ошди. Шундай эса-да, ҳали-ҳануз башарият аҳлининг эсидан чиққани йўқ ва бундан кейин ҳам чиқмаслиги аниқ. Чунки у жаҳон тарихидаги ўта адолатсиз маҳкамалар-



дан бири бўлди ва етмиш ёшли файласуфга ноҳақ ўлим жазосини раво кўрди. Шунга кўра, мангулик саҳифаларига энг мудҳиш хатолардан бири сифатида муҳрланди. Бу қаттоллик қурбони эса кейинчалик номи жамики авлодлар ва халқлар учун донишмандлик рамзига айланиб қолган даҳо Сукрот эди...

Дарвоқе, Сукрот милоддан аввалги 470-469 йилларда афиналик ҳайкал-тарош Софриникс ва доя Фенаретта оиласида туғилган. Патрокл исмли иниси, Ксантиппа исмли хотини, уч нафар ўғли бўлган. Айрим манбаларда ёзилишича, у фақирона ҳаёт кечирган. Қачон қараманг, эски либос кийиб, оёқ яланг юрган. Кўп вақтини кўча-кўйларда, майдон-хиёбонларда одамлар билан гурунглашиб ўтказган. Ҳар қандай кишини ҳам чуқур ўйлантириб қўядиган жумбоқли саволлари билан суҳбатдошларини ҳайратга солган.

Энг ажабланарлиси, Сукрот умрида бирон нарса ёзмаган, барча фикр-ғояларини оғзаки баён этган. Унинг фалсафий таълимотига оид маълумотларни замондошлари ва шогирдларидан Ксенофонт, Афлотун, кейинроқ Арасту қоғозга туширган.

Қандайлигидан қатъий назар, Суқрот кўхна Юнонистон ҳамда дунё педагогикаси, фалсафаси ва мантиқ фани ривожига улкан ҳисса қўшди. Аввало, ёшлар тарбиясини шарафли вазифа деб билди. Бу борада ўзига хос назария яратиб, тарбиядан қўзланган мақсад инсонни билимли ва юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдан иборатдир, деган фикрни олға сурди. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнидаги ҳар қандай ақидапарастликни кескин қоралади. Сабоқнинг маъруза ўқиш шаклидан воз кечиб, ҳақиқатга суҳбат ва мунозаралар йўли билан эришишни бош усулга айлантирди. Ўша даврда мавжуд нуқтаи назарларнинг ҳаммасини танқидий жиҳатдан талқин қилди. Педагогикада мажбурлаш ва зўравонликдан воз кечиш зарурлигини, билим беришнинг ягона воситаси ишонтариш бўлиши лозимлигини уқтирди.

...Бинобарин, Суқрот эзгулик ва яхшилиқни беҳад улуғлаган, мўътадиллик, мардлик, донолик ва адолатни уларнинг энг муҳим омиллари ҳисоблаган. Файласуфнинг уқтиришича, мўътадиллик ҳар қандай вазиятда ҳам эҳтиросларни жиловлай билишда, довюраклик қўрқувни даф этиш ва хавф-хатарларни енга олишда, донолик жамиятда қарор топган қонунқоидаларга бўйсунушда намоён бўлади. Донишмандлик эса яхшилиқ қилиш йўлларини ўргатиш, бошқаларни ундан баҳраманд этиш демакдир. Тўғри, ёмон киши ҳаргиз эзгуликнинг қадрига етмайди ёки унинг ғалаба қозонишига қаршилиқ кўрсатади. Бундай шароитда оқилона чоралар қўллаб, душманни дўстга айлантариш, нодон, жоҳил ва фосиқ кимсаларни таълим-тарбия, панд-насихат орқали оқиллар ва яхшилар сафига қўшиш энг савобли амаллар сирасига киради.

Суқротнинг суҳбатлашиш ва баҳслашиш санъати бўйича иш тутиши, яъни борлиқ тўғрисидаги фалсафий таълимот ҳамда воқелиқни билиш ва унга асосланган тафаккур услуби, ўзи яратган индуктив таълимотдан, аниқроғи, тўғри тафаккур юрийтишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги мантиқ фанига тааллуқли усулдан моҳирона фойдаланиши бошқаларда катта қизиқиш уйғотган.

Ҳа, айтганча, «Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан!» деган сўзлар Суқротнинг ҳаётий шиори бўлган. Шу боис у мудом ақлли инсонларни излайди. Дастлаб давлат арбоблари билан ошно тутинишга интилади. Бироқ эл аро машҳур амалдорлардан бири билан суҳбатлашаётиб, унинг манманлигидан ҳафсаласи пир бўлади. «Мен-ку, ҳеч нарса билмаслигимни билардим, у эса шуниям билмас экан!» дея афсусланади. Сўнгра ўша кезлар замонасининг энг зукко кишилари саналган шоирлар даврасига ошиқади. Лекин уларнинг тимсолида ҳам ҳақиқий доноларни кўрмайди, билъақс, барчаси туғма иқтидорли фолбинлар сингари ва нима деяётга-

нини ўзлари ҳам дуруст тушунмаган ҳолда ижод қилишининг шоҳиди бўлади. Алҳол, «Бу уларга доноликка даъвогарлик ҳуқуқини бермайди» деган муқим хулосага келади. Қосибларни эса шоирларга менгзаб, «Улар касб-корларини яхши билишгани боис ўзларини ақлли ҳисоблашади», дейди.

Зеро, Суқрот кўп вақтини баҳс-мунозаралар билан ўтказар ва ҳамиша голиб чиқарди. Мағлуб бўлганлар аламига чидолмай, уни ҳақоратлашар, мазахлашар ва калтаклашарди. Дўстлари нега уларга қарши чора кўрмаслигини сўрашса, Суқрот «Мени эшаклар тепяпти, уларни судга беролмайман-ку!» дерди. Устига-устак, у давлат бошқарувининг адолатни бузадиган барча шакллари кескин танқид қилган.

Мана шу билимдонликлари ва шаккокликлари Суқротга жуда қимматга тушади. Унинг таълимотидаги танқидий руҳ ўзларини оқилу доно ҳисобловчиларга ёқмайди. Айниқса, Афина ҳукмрон доираларини қаттиқ хавотирга солади. Масала жиддийлашгач, халқ орасида мавқеи тобора ошиб бораётган, одамлар кўзини очаётган файласуфга ҳукуматнинг ўзи қарши чиқади. Уни демократияга душманликда, ёшларни йўлдан уришда, фуқаролик меъёрларини бузишда ҳамда шаҳар аҳли азалдан сиғиниб келган худоларни менсимай, янги маъбудалар яратишда айблаб, судга беради.

Судда ажабтовур усул қўлланади. Қосиблар номидан Анит, нотиқлар номидан Ликон, шоирлар номидан Мелит даъвогар сифатида сўзга чиқиб, ҳамкасбларини узлуксиз масхаралаб келгани учун айбдорга нисбатан олий жазо тайинлашни сўрашади. Суқрот эса ўзини ҳимоя қилиш ўрнига ғанимларини ва ҳакамларни баттар ғазаблантирувчи гапларни айтади. «Тағин мени ўлимга маҳкум этиб, Худо ўзларингизга берган эҳсондан айрилиб қолманглар», дея уларнинг жиғига тегади. Қарабсизки, маҳкамада қатнашган 501 нафар судьядан 281 нафари уни айбдор деб топиш юзасидан овоз беради.

Ҳакамлар жазони белгилашаётганида Суқрот яна саркашлик йўлини тутди. Дебочасига, агар айби исботланса, арзимаган миқдорда жарима пули – 25 драҳма тўлашга рози эканлигини билдиради. Сўнгра «Аслида бу ишларим учун мени жазолашларинг эмас, Давлат кенгашида текин тушлик беришларинг керак... Чамамда, Тангри каминани уззукун шаҳар кезиб, сизларни уйғотиш учун юборган. Менга ўхшаганларни осонликча тополмайсизлар. Гапимга ишонсангиз, ҳаётимни сақлаб қоларсиз, аксинча бўлса, сўна чақиб, жаҳли қўзиган одамлар каби уриб ўлдирарсиз. У ҳолда Худо то менинг ўрнимга бошқа бировни йўллагунча умрингиз ғафлатда ўтади», дейди.

Табиийки, бу қочиримли гаплар қасоскорлар қаҳрини жунбушга келтиради. Кейинги сафар қарши овоз берганлар сони 361 нафарга етади. Сукрот эса отдан тушса-да, эгардан тушмайди.

– Начора! – дейди суд ниҳоясида сўнгги сўзини айтаркан, изтехзоли оҳангда.

– Энди мен ўлимга юз тутаман, сизлар яшамоқ учун тарқаласизлар. Лекин қай биримиз яхшилик сари йўл олишимиз ёлғизгина Яратганга аён!..

Инчунин, ҳакамлар кекса файласуфни ўлимга лойиқ кўришади. Суд тугагач, дўстлари унга ҳукм ижро этилгунга қадар қамоқдан қочишни таклиф қилишади. Аммо Сукрот кўнмайди. «Мен, – дейди сабабини тушунтириб, – умрим бўйи қонунларни, давлатни, ватанни ҳурмат қилиб, шу даражага етишдим. Баски, нега энди ажалга рўбарў бўлгач, уларни ташлаб қочишим керак?! Агар қонун ва давлат ёмон бўлиб, мени қониқтирмаганида, олдинроқ кетишим ёки уларни ўзгартириш учун курашим лозим эди. Мен эса бундай қилмаганман. Демак, энди қонун ва давлатга сўзсиз итоат этишим керак!»

У лафзига содиқ қолди. ...милоддан аввалги 399 йили фожиали равишда дорилбақога рихлат қилди.

Алалоқибат, антик даврда ўз жамиятига сиғмаган файласуфнинг ҳаёти мана шу зайл аянчли яқун топди. Афина улуси кейинчалик хатосини англаб етди. Пировардида суд ҳукми асосиз эканлиги исботланиб, туҳматчилар жазоланди. Чунончи, Мелит ўлдирилди, Анит ва Ликон шаҳардан қувилди. Сукротга эса бронза ҳайкал ўрнатилди. Лекин ҳеч ким «Ҳой, биродарлар! Уни ёлланма даъвогарлар эмас, аслида кўпчилик овоз билан ўзимиз олий жазога маҳкум этгандик-ку! Бу қандай бедодлик, ахир?!» деган саволни хаёлига келтирмади.

Афсус, минг афсуски, инсоният кечмишида не-не табаррук инсонларнинг бошига етган, Сукротдек буюк даҳолар умрига зомин бўлган бундай фожиали ҳодисалар такрор-такрор рўй берган. Ўз алломаларини тириклигида хўрлаган, вафотидан сўнг кўкларга кўтариб, улуглаган миллатлар ва халқлар жуда кўп бўлган.

Биз бундай воқеаларни ҳеч қачон унутмаслигимиз, ҳамиша ўтмиш хатоларидан тўғри сабоқ чиқариб яшашга ўрганишимиз даркор!..

*Абдунаби Ҳайдаров
(ziyouz.uz)*





1. Матнинг услубини аниқланг.
2. Матндаги асосий ва яширин ахборотларни аниқланг.

| Асосий ахборот | Яширинган ахборот | Изоҳлар |
|----------------|-------------------|---------|
| | | |
| | | |



3. Ўзингиз учун муҳим бўлган маълумотни ажратиб олинг. Шарҳланг. Ўз муносабатингизни билдириңг.



4. Ёшлар, уларнинг тарбияси ҳақида айтган фикрлари келтирилган абзацларни топинг. Сиз улар билан келишасизми? Муаллиф кўзқарашига танқидий муносабат билдириңг.



5. Ўрганган матн бўйича қисқача мақола ёзинг. Сарлавҳа қўйиңг. Ўз хулосаларингизни баён этиңг.
6. Сўзнинг лексик қатлами деганда нимани тушунасиз? Қўйида берилган (90-бет) назарий маълумотларга суянган ҳолда матн таркибидан сўзларни мисолга келтириб, ҳиссий қатлам ҳақида мулоҳаза юритиңг. Нутқдаги аҳамияти ҳақида сўзланг.



Қўйида берилган назарий маълумотларни ўрганиңг. Маълумотларни чизма тарзида тайёрланг.



Луғат таркибининг таъсирчанлик қатлами

Баъзи сўзлар нарса-буюм ва ҳодисалар номинигина атаб қолмай, сўзловчининг шу нарса-буюм ва ҳодисаларга бўлган ижобий ёки салбий муносабатларини ҳам ифодалайди. Сўзнинг асосий лексик маъноси кўпинча турли ҳиссий муносабатлар билан: **тантанаворлик, юқори кайфият**; аксинча, **қўпол, тушкун кайфият** каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Тилнинг бундай таъсирчанлик қатлами тил услубларида ҳам ўз аксини топади. Масалан, **Азиза қўлига супурги олиб, ҳовлини супуриб чиқди**, деган гапдаги **супурги** сўзи лексик нуқтаи назардан меҳнат қуроли маъносини англатади. Бу гапда ҳеч қандай қўшимча таъсирчанлик қатлами мавжуд эмас. **Нега сен унинг супургиси бўлиб юрибсан?** деган гапда эса **супурги** сўзи «хушомадгўй» маъносида келиб, қўшимча салбий таъсирчанлик маъносига эга.

Бундай таъсирчанлик қатламига эга бўлган сўзлар ҳеч бир грамматик воситаларсиз ўзининг мантиқий маъносига кўра таъсирчанликка эга бўлади. Масалан: **яхши, ижодкор, тарбияли, интизомли, кўнгилчан, доно** каби сўзлар одамда ижобий ҳиссиёт пайдо қилади. Аксинча: **ёмон, туҳмат, ёлғон, чақимчи, фаросатсиз** деган сўзлар эса салбий тушунча ифодалайди.

Кичрайтиш-эркалаш, кучайтирувчи, орттирувчи, муболаға, камситиш каби ҳиссиётларни ифодаловчи сўзлар ҳосил қилувчи грамматик воситалар ҳам сўзга таъсирчанлик беради. Масалан: **жажжигина, тойлоқ, қизча, келинчак** каби.

Сўзларнинг кўчма маънолари ҳам баъзан таъсирчанлик қатлам сўзлари вази-фасини бажаради. Масалан, **Гул – гўзаллик рамзи**, деган гапдаги **гул** сўзининг лексик маъноси – «ўсимлик». **Устанинг қўли – гул**, деган гапда эса **гул** сўзи кўчма маънода келиб, таъсирчанлик хусусиятига эга.

Ўзбек тилида сўзларнинг услубий таъсирчанлик қатламини қўлланиш жиҳатидан олганда адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шаклларининг турли услубларга хос лексик гуруҳларини ажратиб, туркумларга бўлиш мумкин. Сўзларнинг бундай гуруҳлари умумуслубий лексиканинг таркибида яққол кўринади. Яъни, ҳеч бир услубий гуруҳга хос бўлмаган, ҳар қандай нутқ услубига нисбатан бетараф сўзлар борки, улар бутунлай бошқа услубий гуруҳларнинг вужудга келиши учун асос бўлади, ҳар қандай услубий гуруҳ таркибида қўлланаверади. Бу каби бетараф сўзлар ўзбек тили лексикасининг катта қисмини ташкил қилади.

Умумуслубий лексика оғзаки нутқда ва ёзма нутқда бир хил қўлланади.

Масалан: **ер, осмон, нон, яхши, ёмон, катта, узун, бир, икки, келди, қолди** каби сўзлар ҳар иккала услубда бир хил қўлланиш мумкин.



ТАФАККУР КАЛИТИ

Оғаки ва ёзма нутқ лексикаси

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини муаллиф нуқтаи назаридан тушуниш ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланамиз.



Ёшлик – инсон камолотини белгиловчи имкониятлар даври.



27-машқ. Матн билан танишинг. Матн услуби, типини аниқланг. Асосий гоя, мавзу нимадан иборат? Тафаккур калити нимада деб ўйлайсиз? Берилган фикрга ўз муносабатингизни билдириб, 3-4 жумлада ёзма баён қилинг.

ТАФАККУР

Биздаги ақл-заковат 60 Ватт даражасида нур тарқатадиган электр чироқ кабидир. Бу чироқ таратадиган нур у даражада кучли эмас, бироқ бир хонани ёрита олади. У дейлик ҳажми катта, шинам ва кенг хонани ўзи ёритиб турган кичкина хоначалик ёруғлантира олмас, аммо қоронғилик пардаларини ёриб, хира бўлса-да, шуъла тарата олади.

Шу чироққа ўхшаб, ҳар биримизда мавжуд ақл-заковат фақат ўз дунё-мизнигина ёритиб, мавҳумликни аниқликка, ёлғонни ростга, хатоларни ҳақиқатга дўндиради. Дейлик, ҳар биримиз фақатгина ўзимизда мавжуд



ечилмай турган муаммоларни бартараф этишга куч топа оламиз. Аммо ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида бир мамлакат ё қитъада яшаётган аҳолининг ҳамма муаммоларини еча олмаймиз. Бунга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етмайди. Маълум бўладики, чироқ қувватига қараб ёруғлик таратгани каби ҳар бир одам ақл-заковати ҳам ўз даражасида у ёки бу масалаларни ҳал қилишга ўзида куч топа олади.

Электр чироқ ўз-ўзидан ёруғлик тарата олмайди. У нур таратиши учун электр манбаи керак. Бизнинг ақл-заковатимиз ҳам ўз-ўзидан «ишламайди». Мукамал фикрлашимиз ўта чуқур тафаккур қилишимиз учун, аввало, маънавий озуқа керак. Бу ўринда бизга китоб ёрдамга келади. Демак, чироқ электр орқали қувватланиб, хоналарни ёритса, бизнинг ақл-заковатимиз китоблар ва бошқа маънавий воситалар орқали ўз ички дунёмизни ёритади.

(«Замонавий ривоятлар»дан)

Болаларни кимгадир зарур бўлгани учун эмас, балки улар бахтли бўлишлари учун китоб ўқишга ўргатиш керак. Чунки, бир томондан, адабиёт – санъатнинг бир тури, муҳим тури. Умри давомида куй ва қўшиқдан, кино, театр, тасвирий санъат, архитектура асарларидан, гўзал манзаралардан, гуллардан завқланмай ўтган одам ким-у, китоб ўқиб завқланмай ўтган одам ким? Иккинчи томондан, Китоб – тафаккур озиғидир!

Китоб саодат топиш учун ўқилмайди. Унутмаслик керакки, китоб ўқишнинг ўзи – олий саодат.

ziyouz.uz




28-машқ. Берилган маълумотларни кўз югуртириб ўқиб чиқинг.

КИТОБ? КИТОБ! КИТОБ...

1. Одамзод пайдо бўлишидан аввал вақт, китоб пайдо бўлгунча одамзод бўлган. Лекин китоб пайдо бўлгандан сўнггина замон тарихга, жамият тамаддунга айланган.

2. Онг – туғма қобилият эмас, тарбия билан шаклланади; китобсиз тарбияланган онг ибтидоий даражада қолиб кетади. ХХI асрда ҳам. Барча маиший қулайликлари бор, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ҳашаматли турар-жойларда ҳам.





3. Албатта, китобдан китобнинг фарқи бор. Шундай китоблар борки, минг йиллар давомида сараланиб, йиғилиб, инсоният маданиятининг хазинасини ташкил этган. Лекин...

4. Сўзлар, жумлалар, формулалар, иллюстрациялар, ахборотлар йиғиндиси шаклан китоб бўлиши мумкин, амалий наф келтирадиган қўлланмалар ҳам кўп, аммо бу дегани ҳали Китоб эмас; Китоб – бадиий кашфиёт маҳсули, руҳият сабоғидир.

5. Гулни алафдан нима ажратади? Сезги. Китобдан Китобни-чи? Тафаккур. (Қолган пандларда «китоб» деганда адабиёт боғининг «алафлари» эмас, «гуллари» назарда тутилади. Бунга урғу бериш мақсадида «Китоб» деб бош ҳарф билан ёзамиз).

6. Одам сафиюллоҳ Китоб билан ҳаётга йўлланган. Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни билмаганлар, аммо у зотга Китоб нозил қилинган. Демак, Китобсиз одам комил эмас, дин – дин эмас.

7. Аллоҳ таоло Расулуллоҳга «Ўқи!» деб буюрди. Буни тушуниш учун энди яна шундай хитобни кутиш – жоҳиллик.

8. Бугун ахборот олишнинг замонавий воситалари, завқ олишнинг замонавий турлари кўп. Шундай замонда китоб ўқиш шартми? Шарт! Зотан, Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолган эмас, босолмайди ҳам. Чунки Китоб – тилсим, у оддий (техник) ахборот йиғиндиси эмас, балки даставвал руҳий ахборот ташувчи воситадир. Тарихдаги энг буюк зотларнинг руҳият сабоқлари, асосан, Китобларда акс этган – бу тилсимнинг бир қирраси. (Мисол учун, биз Чўлпонни Китоблари ва у ҳақдаги Китоблар туфайли биламиз).

Иккинчи қирраси: китоб ўқиш тезлиги билан инсон вужудининг руҳий ахборотни қабул қилиш қобилияти ўртасида уйғунлик мавжуд. Ана шу туфайли Китоб ўқиш жараёни илоҳиёна хусусият касб этади. Бундай ҳо-

диса истеъдодли қорининг тиловатини тинглаганда ҳам юз беради. Лекин тиловат бу – «Қуръон» ўқиш, «Қуръон» эса Китоб.

Мазкур ҳодиса, шунингдек, мусиқа эшитганда, театр, кино томоша қилганда, концертда ўтирганда ҳам рўй бериши истисно эмас. Лекин фақат Китоб ўқигандагина инсон ва Китоб яхлит комплексга, яхлит хилқатга бирлашади, бунинг натижасида у янгиланади, маънавий ва руҳий юксалиш пиллапоясида поғонама-поғона кўтарилиб боради.

9. «Китобнинг даври ўтди». Бўлмағур гап. Китоблар телевизор экранига термулганча умрини совураётган одамларни истеҳзо билан кузатиб туришибди.

10. Болаларни кимгадир зарур бўлгани учун эмас, балки улар бахтли бўлишлари учун китоб ўқишга ўргатиш керак. Чунки, бир томондан, адабиёт – санъатнинг бир тури, муҳим тури. Умри давомида куй ва қўшиқдан, кино, театр, тасвирий санъат, архитектура асарларидан, гўзал манзаралардан, гуллардан завқланмай ўтган одам ким-у, китоб ўқиб завқланмай ўтган одам ким? Иккинчи томондан, Китоб – тафаккур озиғидир!

Китоб саодат топиш учун ўқилмайди. Унутмаслик керакки, китоб ўқишнинг ўзи – олий саодат.

11. Китоб ўқиш бой қиладими? – Моддий маънода бойишга кафолат бермайди, албатта. Лекин китоб ўқимаслик маънавий қашшоқ қилиши тайин.

12. Китоб – буюк кашфиёт. Китоб – улугъ неъмат. Лекин сичқон учун у қадар мазали таом эмас.

13. «Юксак мавқеларга эришганлар орасида мунтазам китоб ўқийдиганларига нисбатан деярли ўқимайдиганлари кўпроқ-ку?!» Мантиқсиз мушоҳада. Қиёс: икки одамдан бири чекади, иккинчиси чекмайди; чекувчи 80 дан ошиб, чекмаган эса 70 га етмай оламдан ўтган ҳоллар оз эмас. Бундан чекиш умрни қисқартирмайди, ҳатто узайтиради, деган хулоса чиқмайди. Чунки, аслида, чекувчи чекмаганида яна 10-15 йил яшаган, ҳаётининг самарасига самара қўшилган бўлар эди, чекмаган чекканида эса 60га ҳам бормаган бўлар эди.

14. Сўз – тан, жони – маъно. Маъно чуқур ёки саёз бўлиши мумкин. Бу белги суҳбатдош нутқида дарҳол сезилади: оз ўқиганнинг нутқида сўз кўп, маъно саёз, гап кўп, фикр енгил. Амир Темур кўп ўқиганлар суҳбатидан мароқланган.

15. Эй ўқимайдиганлар, гап-сўзларингиздан ўқимаслигингиз саримсоқ чайнагандай анқиб туриши ўзингизга маълумми?

16. Фақат касбга оид адабиётни ўқиш билан чекланиш «ҳаётнинг мазмуни еб-ичишдан иборатдир» деган ақиданинг бир тури.

17. Бадиий асардан билим олиш мумкин бўлгани сингари, илмий асардан завқ олиш ҳам истисно эмас. Адабиётнинг сифати ва аҳамиятини унинг турига қараб эмас, савиясига қараб баҳолаш керак. Адабиёт турларини бир-бирига зид қўйиш, бирини ўқиш иккинчисини ўқишга сарфланадиган вақтни ўғирлайди ёки бошқа машғулотлардан чалғитади, деб ҳисоблаш хато. Ғафур Ғулом физикага оид китобларни севиб ўқигани ҳақида хотиралар бор. «Энг кичик заррадан Юпитергача, ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш» каби ўлмас шоҳ сатрлар шу туфайли туғилган. Қолаверса, XX аср адабиёт турлари, жанрлари, йўналиш ва услубларининг ўзаро чатишуви, синтези асри бўлди. Масалан, Жеральд Даррел китоблари бадиийми ё сафарлари ҳақида ҳисоботми? Озод Шарафиддинов эсселари илмийми ёки нафис адабиёт намуналарими?

18. Китоб ўқимаганмисиз? Йўқ? Ўқинг. Бирор китобни қайта ўқиганмисиз? Йўқ? Унда умуман ўқиманг.

19. Маймун китоб ўқимаydi. Лекин афт-ангори пластик операция билан эпақага келтирилгач, у яхшилаб дрессировка қилиниб, саҳнага чиқарилса, попса топ-рейтингида нечанчи ўринни эгаллар эди?

20. Умр ҳар даврининг ўз китоблари бор. Савод энди чиққан пайтда ўқиладиган китоблар бор – ўқимаган болалик кемтик, умр шомидида ўқиладиган китоблар бор – ўқимаган кексалик зулмат.

21. Фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она аслида уни саводсиз қилиб тарбиялаган бўлади.

22. Ўқувчиларига ўқиганини ўқитадиган ўқитувчи – чин мураббий эмас, ўқишни ўқитадиган ўқитувчи чин мураббийдир.

23. Саводхонлик ҳар хил бўлиши маълум. Саводсизлик ҳам шундай: алифбе ўқимаган – оддий саводсиз, она тили дарслигини ўқимаган – саводсиз саводсиз, «Қуръон» ўқимаган – оми, бадиий асар ўқимаган – маданий саводсиз, Конституцияни ўқимаган – ҳуқуқий саводсиз ва ҳк.

24. Китоб ўқиш – Китобни қўлга олишдан бошланади. Шундай Китоблар борки, балки уларни энди ўқирсиз ё ўқий бошлагандирсиз ёки бир неча марта ўқиб чиққандирсиз, барибир, қўлга олишингиз билан руҳиятингизда ўша заҳоти ўзгариш рўй беради. Агар сиз бу ҳодисага йўлиқмаган бўлсангиз, билингки, ҳали Китоб ўқимабсиз.

25. «Ўткан кунлар» ни ўқиб, Кумушнинг вафот этгандаги лаҳзаларда ҳаяжонга тушиш – инсонийликдан бир белги.

26. Китоб ўқиш мобайнида ҳар ҳаяжонланганда қалб силкиниб, гардлари қоқилади, кўзлар ҳар сафар намланганда эса ювилиб покланади.

27. Жак Ив Кусто акваланг ихтиро қилиб, сув остига тушди ва океансиз яшай олмайдиган бўлди. Океан ҳам унга ўз тилсимотларини очди, унинг

ҳаётига мазмун бағишлади ва руҳий юксакликларга кўтарди. Қани энди Навоий ижодининг океанига тушиш имконини берувчи акваланг ихтиро қилинса...

28. «Навоийни ўқиш қийин». Нега? Телескопсиз ҳам юлдузли осмондан завқ ола билиш мумкин-ку.

29. Тарихда буюк зотлар кўп ўтган. Ҳеч улар билан замондош бўлмаганингиздан, улар билан учрашиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш имконияти йўқлигидан афсус қилганмисиз? Афсусланишга ҳожат йўқ: уларнинг китобларини, улар ҳақидаги китобларни ўқинг. Сизга суҳбатдош бўлишмаса, мен кафил.

30. Бир одам умрида нечта китоб ўқиши мумкин? Гап сонда эмас, гап – китоб ўқишдай саодат ўрнига умр нималарга сарфланаётганида.

31. Китоб мутолаасисиз ижод имконияти чекланган. Ижоднинг тури кўп. Бадиий асарлар ўқимамай бадиий ижод билан шуғулланиш – кулгили, оқибати эса ачинарли. Илмий асарларни ўқимамай илмий ижод билан шуғулланиш – қалбакилик, оқибати – умр зое бўлиши.

Соддароқ ҳолатни, масалан, гулчиликни олайлик. Бунинг учун ўқиш шартми, кўриб ўрганиш ҳам мумкин-ку? Йўқ. Кўриб ўрганиш кишини тақлидга мойил этади, ўқиб ўрганиш эса – ижодга. Ўқиб ўрганиш ва кўриб ўрганиш бир-бирини тўлдирганда энг яхши самара беради.

32. Ўз устингизда тажриба қилиб кўринг: умрингизнинг кузини кўз олдига келтиринг. (Агар буни уддалай олмасангиз, яъни тасаввурингиз сустлик қилса, демак, сизда тасаввур қобилияти яхши ривожланмай қолиб кетган – бу айнан болалигингизда эртак китобларни ўқимаганингиздан). Беш саҳифа ҳажмда ўз ҳаётингиз ҳақида ёзиб қолдиришингиз керак бўлсин. Ёзинг. Ёзгач, ичкарироққа тахлаб қўйинг. Сўнг бир йил давомида тафаккур классикларининг ўз ҳаёти ҳақида ёзиб қолдирганларини топиб ўқинг. (Бундай асарлар кўп. Таниқли америкалик ёзувчи Льюис Синклер ҳатто ўзининг вафотига, нимҳазил оҳангда, тўрт саҳифали «таъзиянома» ёзиб қолдирган). Шундан сўнг ўз ҳаётингиз ҳақида қайтадан ёзинг. Сўнг аввалгиси билан қиёсланг. Бу тажриба ҳозиргача физика, кимё, биологиядаги тажрибалар каби аниқ натижа берган: ҳар қанча истеъдодли бўлгани билан ўқимаган одамнинг ёзгани билан ўқиган одамнинг ёзгани орасида катта фарқ бўлади.

33. Чоп этилган китобнинг муаллиф хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, лекин унинг тақдири билан боғлиқ муҳим хусусияти бор – китоб энди муаллифнинг истеъдоди борлигига ҳам, йўқлигига ҳам муҳр босади, ҳақиқатини ҳам, ёлғонини ҳам сақлайди, муаллиф сифатида ҳалоллигига ҳам, қўли эгрилигига ҳам шохидга айланади.

34. Манфаат учун ёзилган китоб манфаат келтириши мумкин, шуҳрат учун ёзилган китоб шуҳрат келтириши мумкин. Аммо улар Китобларнинг олтин хазинасидан жой ололмайди – барибир «миси чиқади».

35. Ҳозирги замон фани исботлаганига кўра, тирик мавжудот вужудидаги ҳал қилувчи унсур – ДНК молекуласи. Бу молекула эса – китоб. Том маънода китоб – ҳарфлари А, Г, Т, Ц деб белгиланадиган нуклеин кислоталар, муаллифи – олим учун табиат, фозил учун – Холиқул Халлоқ. Ажабо: тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳужайрасига китоб жойланган.

36. Жордано Бруно ўтда ёна бошлаганда «Оҳ» демади, лекин кимдир китобини оловга ташлаганда чидай олмади.

37. Ижод қилолмайдиган цивилизация кўлмак сувдай айнийди. Китоб ўқимайдиган цивилизация оқиши мумкин. Лекин оқава ҳам оқади.

38. Бир кун келиб Қуёш сўнади, Ерда ҳаёт тамом бўлади, ўшанда инсониятдан коинот узра тарқалган Китоблар қолади.

39. Валлоҳу аълам, жаннатдагиларнинг кўпчилиги Китоб ўқиганлар бўлса ажаб эмас, уларнинг севимли машғулоти ҳам Китоб ўқиш бўлса ажаб эмас.

40. Бу Китобларни ўқиганмисиз? – Офарин. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақсиз. Бу Китобларни ўқимаганмисиз? Афсус. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақиқат нима эканлигидан ғофилсиз.

*Абдулла Аъзамов.
(ziyouz.uz)*



1. Қандай ўйлайсиз, нима учун матнга «Китоб? Китоб! Китоб...» деб сарлавҳа қўйилган?
2. Ушбу мавзунинг умумий бўлим мавзусига қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?



3. Машқ таркибидаги ҳукмлар билан келишасизми? Ўз танқидий муносабатингизни билдилинг.



4. Машқ таркибидан сизга ёққан, сиз учун муҳим ҳисобланган 5та ҳукмни кўчириб ёзинг. Нима учун танлаганингизни шарҳланг.



3. Гуруҳларда қуйидаги вазифаларни бажаринг.

1-гуруҳ: ўзингиз ўқиган бир китоб ҳақида мулоҳаза юритинг. Ўзингиз севган китоблар рўйхатини тузинг. Улардан учтасининг аннотациясини ёзинг.

2-гуруҳ: агар сиз ёзувчи бўлсангиз, қайси долзарб мавзуни танлаган бўлар эдингиз? Рўйхатини тузинг.

3-гуруҳ: «Китоб – буюк кашфиёт» номли тадбир сценарийсини тузинг.

АННОТАЦИЯ – қисқача таъриф. Китоб, мақола, қўлёзма мундарижасини, мавзу йўналиши ва бошқа жиҳатларини очиб беришга қаратилган кичик ҳажмли матн. Аннотацияни китобнинг ўзида, библиографик кўрсаткичларда ва кутубхона каталогларида учратиш мумкин. Унинг вазифаси ўқувчиларда муайян китоб, мақола ёки қўлёзма тўғрисида умумий тасаввур туғдириш ва уларга адабиёт танлашда ёрдам кўрсатишдир.

Масалан, Алишер Навоийнинг 1991 йилда чоп этилган «Садди Искандарий» достонига нашриёт томонидан шундай аннотация берилган: «Хамса»нинг яқунловчи достони «Садди Искандарий» ҳам маълум анъаналар замида яратилган. Алишер Навоий Искандарнинг (Александр Македонский) саргузаштлари фонид адолатпарварлик, марказлашган давлат тузиш, халқлар дўстлиги, инсонийлик борасидаги ўзининг қарашларини талқин этган. Достон насрий матни билан бирга чоп этилаётир».



Оғзаки нутқ лексикаси

Нутқнинг сўзлашув услуби таркибидан барча услуб турларида бирдек ишлатилган бетараф сўزلардан ташқари, жонли сўзлашув тили деб аталадиган махсус қатлам алоҳида ажралиб туради. Жонли тил лексикаси оғзаки нутқни вужудга келтиради. Оғзаки нутқ монолог, диалоглардан ташкил топган бўлиб, сўзловчининг кайфияти, нутққа муносабатини ҳам ифодалайди.

Масалан, *Заврак Нишопурийнинг бирдан ранги оқариб, атрофга олазarak қаради. Бу гапларни ё меъмор, ё Низомиддин эшитса, шогирд Нишопурийнинг думи тугилиши аниқ эди.*

– Тавба, Сиз жинни бўлиб қолдингизми, бекам! (бундай гаплар сен келгандан кейин чиқяпти дегандек) у Зулфиқорга хўмрайиб қараб қўйди..

– Йўқ, соғман!

– Сизни Маъсума бекам ўғил бола қилиб туғақолсалар нима бўларди!

– *Кўнглимдагини топдингиз, Нишопурий! Мен ҳам шуни истардим. Лекин мен сизга ёмонлик қилмайман, сиз отамнинг содиқ шогирдисиз. Аммо эски ҳунарингизни қилиб, отамга бир нима десангиз, унда мендан шафқат кутманг!.. «Қиз болани уриб бўлмайди, тушган жойи бахтсиз бўлади, деб аям ўртага тушмаганларида Низомиддин мени тоза қамчиларди (Мирмуҳсин).*

Бу парчадаги сўзларнинг деярли ҳаммаси оғзаки нутқ услубига хос. Оғзаки нутқ услубига хос сўзлар бадий адабиётда асар иштирокчиларининг ўзига хос белгиларини кўрсатиш мақсадида қўлланади.

Оғзаки нутқ услубида **дағал, қўпол, ҳақоратли сўзлар ва жаргонлар** ҳам кўплаб қўлланади. Масалан: *хумпар, такасалтанг, папашка, мамашка* каби.



Ёзма нутқ лексикаси

Ёзма нутқ лексикаси ўз навбатида **китобий сўзлар лексикаси, шеърий сўзлар лексикаси, атама сўзлар лексикаси ва расмий сўзлар лексикаси** турларига ажралади.

Китобий сўзлар лексикаси ёзма нутқ лексикасининг энг катта қисмини ташкил қилади. Бу қатламга мавҳум тушунчаларни – сиёсий, илмий, фалсафий, тарихий жараёнлар ва воқеаларни ифодаловчи сўзлар киради. Китобий сўзлар лексикасида, хусусан, араб, форс-тожик ва рус тилидан кирган сўзлар кўп учрайди. Улар кўпроқ илмий асарларда, публицистик мақолаларда ҳамда бадий асарларда қўлланади. Масалан: *абдий, абжад, бадий, баҳра, таъсир, дурагай, ҳафта, даста, кам, каравот, самовар, тезис, солдат, конфет* кабилар.

Шеърий сўзлар лексикаси шеъриятда, бадий-наصري асарларда қўлланилади, шунингдек, публицистик материалларда ҳам учрайди. Шеърий сўзлар лексикага хос сўзлар маъно ва қўлланиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини ортиради. Масалан: *пари, маҳваш, пайкар, малика, моҳитобон, оташин, гулшан, сарвқомат, дилдор, дилбар, гулбаҳор, лаҳза* кабилар.

Расмий сўзлар лексикаси турли хусусиятларга эга бўлган иш қоғозларини юритишда қўлланади. Унда илмий нутқ лексикаси каби сўзлар кўчма маънода

ишлатилмаслиги, образли сўзлардан фойдаланмаслиги билан характерланади. Бу лексик қатламда андоза бўлиб кетган сўзлар *эьлон, ариза, таржимаи ҳол, тавсиянома, тилхат, қарорларда* такрор ишлатилаверади.

Атама сўзлар лексикаси махсус лексика деб ҳам аталади. Атама – фан ва техника, санъатнинг аниқ номини ифодаладиган сўз ёки ибора. Атамаларнинг умумуслубий лексикадан фарқи шундаки, улар муайян бир маънога ва маънонинг турли таъсирий белгиларини билдирмайди. Масалан: *тенглама, квадрат, илдиз, кислород, тезлик, асаб тизими* кабилар.



29-машқ.

АХЛОҚ

Инсонларни яхшиликга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм-дур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб тузатмакга саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур. Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроқи йўқ-дур. Мўмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», – демишлар.

*Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар ўйла,
Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг ишла яхши ишларни,
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.*

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демақдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила



дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўюнсунар. Ақлсиз жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби Ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлаклар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшук, тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадурган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур. Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим. Ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимни билар. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз», – демишлар. Ҳукамо-лардан бири: «Агар ақлингни қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қиммат-баҳо бўлур», – демиш.

ШИЖОАТ

Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шажих киши ҳеч нарсадан қўрқмайдурган ботир ва юракли бўлур. Саъй ва ғайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдиғи каби шижоатнинг зидди қўрқоқликдур. Қўрқоқ савдогар фойда қилмас. Қўрқоқ киши ўзининг соясидан ҳурқар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шунинг учун ҳар ишда шижоатни қўлдан бермаслик лозимдур. Шижоат инсониятнинг соф ойинаси, ифбат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нуронийсидур. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик – бойликда, қайси давлат ва миллатнинг давлати бўлса, шул устун бўлмакдадур. Чунки ҳукумат учун халқ, халқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун ақча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллиятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлан-дурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишқон Оврўпа, Африқо ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмакдадур.



*Бу замонда фил ила жанг айламак эрлик эмас,
 Эр ўшалдурким тутар илм-у хунарнинг ёқасин.
 Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм ила агёрлар,
 Биз бўлуб ҳаммол, оладурмиз тийинлаб чоқасин.
 Бошқалар санъат, тижорат-ла тараққий айласа,
 Бизни эл тортар аёгдин ўлган отнинг тоқасин.*

*Абдулла Авлоний
 («Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ»дан)*



1. Матнни диққат билан ўқиб-ўрганнг. Матн тили устида ишланг. Матн тили билан ҳозирги замон адабий тили ўртасида фарқ борми? Адабий тилнинг ўзгариш жараёнларига муносабат билдиринг.

| Матндан мисоллар келтиринг | Адабий тилдаги нусхаси |
|----------------------------|------------------------|
| Қилур | Қилар |
| яхшилиққа | яхшиликка |
| ... | |

2. Матн нима ҳақда? Мазмунини таҳлил қилинг. Шарҳланг. Матнда келтирилган таърифлар сиз, ёшларга, қандай аҳамияти бор? Фикрингизни далиллар билан ифодалаб баён этинг.

Барчамизда иқтидор бор. Лекин балиқни дарахтга тирмашиб чиқиш қобилияти бор-йўқлиги масаласида муҳокама қилсангиз, у ўзини бир умр лапашанг ҳис қилиб ўтади.

* * *

Тасаввур билимдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Билим биз ҳозир биладиган ва тушунадиган нарсаларгагина таянади. Тасаввур эса бутун оламни ва биз қачонлардир тушунадиган, билиб оладиган нарсаларни ҳам камрайди.

* * *

Эришган барча ютуқларим алоҳида ақл соҳиби эканимдан эмас. Мен масалаларни ечишда узоқ вақт таслим бўлмайман.

Альберт Эйнштейн





ОММАВИЙ МАДАНИЯТ НИМА?


Сўзларнинг қўлланиш доирасига кўра гуруҳлари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаб, муаллиф нуқтаи назарига танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланамиз.



30-машқ. Расмларни кузатинг ва сарлавҳа қўйинг.







1. Расмларнинг асосий ғояси нимадан иборат?
2. Расмда қандай масалалар тасвирланган?
3. Оммавий маданият нима?
4. Сизнингча, оммавий маданият бизга четдан кириб келаётган миллий ва диний қарашларимизга ёт маънавий ва ахлоқий иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндисими? Оммавий маданият тушунчасига муносабатингизни айтинг. Келишасизми? У ҳолда унга қарши инсонда иммунитетни қандай кучайтириш мумкин?



5. Расмлар юзасидан «Сиздан савол-биздан жавоб» рукни асосида суҳбат ўтказинг.
6. Берилган мавзу юзасидан аниқ фикр-мулоҳазаларингизни аниқлашчи кенг, батафсил монолог тузинг. Синфга тақдим этинг.



31-машқ.



**«Энг яхшиси, ўзлингча қол, дўстим.
Бу ҳаётда бошқа роллар банд!»**

Оскар Уайльд

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ

Мустақилликнинг илк давларида Ғарб мамлакатлари олийгоҳларининг бирида ўқиётган ўзбек йигити бир хонадонда ижарада турарди. Хонадонда кекса қария ва кампирдан бошқа ҳеч ким турмас, болалари қайсидир шаҳарда яшар, йилда бир-икки келиб хабар олса олар, бўлмаса ўшанга ҳам вақт топиша олмасди. Уларникида яшаб, уларга ўз фарзандидек бўлиб қолган ўзбек йигитининг одоби, хизмати, кексаларга ҳурматини кўриб ажабланишар, юрти ҳақида сўрашар эди. Бир куни қариялар:



– Ўғлим, сенинг одобинг, юриш-туришинг, муомаланг жуда ўзгача-да, юртинг ҳақида яна батафсилроқ сўзлаб бер, – деб илтимос қилишибди.

– Мен Ўрта Осиёданман, ўзбекман, деб ўзбек халқининг тўй-томоша, байрам ва урф-одатларини тўлқинланиб гапириб берибди йигит.

Унинг мамлакатига берган таърифидан оғзи очилиб қолган чол-кампир:

– Ажойиб! Яна ота-онага ҳурмат, қариндошлар билан оқибат қандай? – деб сўрабдилар.

Йигит ота-онага ҳурмат, қариндошлик, борди-келдилар ҳақида янада тўлқинланиб гапирибди.

– Бу гапларни эшитган қария, сен бизнинг юртга нима мақсадда келдинг ўзи? – деб сўради. Бу саволдан ажабланган йигит:

– Ғарб технологияси, илми ва айниқса, сизларнинг миллий маданиятингизни, халқингизнинг урфларини ўрганиб, халқимга етказмоқчиман.

– Асло ундай қилма, бизнинг илмимизни хоҳлаганингча ол, техникамизни ўрган, аммо урф ва маданиятимизни халқингга олиб борма, – дебди.

– Нимага? – деди йигит.

– Ҳар бир халқнинг ўз урф-одати ва маданияти бор. Бизнинг маданият, менталитетимиз ўзимизга мос. Кўриб турибсан, бизда қариндош-уруғчилик йўқ, бўлса ҳам жуда оз қолди. Гоҳо қизимизнинг турмушга чиқиб кетганини, ўғлимизнинг оила қуриб, фарзандли бўлганини бировлардан, газеталардан билиб қоламиз ёки қизимиз телефон орқали хабар беради. Ҳаётимиз ниҳоятда зерикарли, кексайиб кучдан қолсанг, қариялар уйига кетасан, набиранг ёки фарзандингни соғинасан, улар келса, яхши, лекин келишмаса-чи!? Уларни соғиниб, умринг ўтиб кетади. Бизни кўришга фарзандларимизнинг вақтлари йўқ. Ишни баҳона қилишади. Биздан кўра футболни кўпроқ яхши кўришади. Бизларга бир сўм сарфлашмай, ресторан, казиноларга минг-минглаб сарфлашади. Сен шу маданиятни, шу ҳурматни халқингга ўргатмоқчимисан? Майли яна қайтараман, технология, тараққиёт омилларига тегишли қанча илми ўргансанг ўрган, аммо оммавий маданиятимизни юртингга олиб борма. Агар айтганларимга амал қилмасанг, бир кун бу ишинг учун пушаймон бўласан! Кексайиб ёлғиз

қолганингда, унсиз йиғлайсан! Гапингга қараганда, тўйларингизда ошлар берилиб, қудалар, қариндошлар яхши ва ёмон кунларида бир-бирининг ҳолидан хабар олар экан. Фарзандлар ота-онасини ҳурмат қилиб, хизматларини қилишаркан, ака-ука, опа-сингил бир-бирига оқибатли экан. Одамлар телефон қилмасдан меҳмонга бораркан, бу нақадар улуғ бахт. Бу бахтни асло қўлдан чиқарманглар, – деди қария.

Азизлар! Ҳа, бизда дунёда йўқ урф-одатларимиз, гўзал одобимиз бор. Буларни Ғарбнинг оломон маданиятига аралаштириб, ўзлигимизни йўқотиб қўймайлик. Ҳозир ёшларимиз бизни айбашлари мумкин, аммо ўзлари кексалик ёшига етишса, суянчиқсиз, ёрдамчисиз ёлғиз қолишса, беморлигида ҳеч ким ҳолидан хабар олмаса, шароити бўлса-да, қариялар уйида етти ёт бегоналарнинг гоҳ ширин, гоҳ аччиқ сўзларидан диллари оғривса, ўзимизнинг гўзал маданият, миллат ва ўзаро оқибатни қўмсаб хўнг-хўнг йиғлайдилар. Шу боис ўзимизнинг миллий либос, маданият ва маърифатимизни асло қўлдан чиқармайлик.

«Қасамини бузган қиз» китобидан
(muslim.uz)



1. Матннинг услубини аниқланг.
2. «Кундалик: цитата/шарҳ» усули ёрдамида асосий ва иккинчи даражали ахборотни ажратиб ёзинг.



3. «Оқилнинг олти қалпоғи» усули орқали оммавий маданият ҳақида муҳокама олиб боринг ва хулоса чиқаринг. Ҳар бир гуруҳ ўз тавсияларини тақдим этсин.



4. *Оскар Уайльднинг* «Энг яхшиси, ўзлигингча қол, дўстим.

Бу ҳаётда бошқа роллар банд!» деган мисраларини таҳлил қилинг. Ўз муносабатингизни билдириб, аргументли эссе ёзинг.



«Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, иймон эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар бўлиб вояга етишлари, бу биринчи даражали вазифа деб билишлари керак...»

Н.Назарбаев



32-машқ. Матни синчиклаб ўқиб чиқинг.

ХЎШ, «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» НИНГ ЎЗИ НИМА?



«Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

И.Каримов

Ҳозирги даврнинг ёшлари ўзига хос бўлган «тушунчалар уруши» шароитида, уларнинг кескин тус олган вақтида яшамокдалар. Ғарбдан кириб келган, ҳақиқий маданиятга умуман алоқаси бўлмаган, «Оммавий маданият» аталмиш, бу ажнабий ҳолат барчани бир тусга, бир қолипга, бир хил кўринишга, бир хил фикрлашга, бир хил турмуш тарзига одатлантиришга, урф-одатларимиздан, менталитетимиздан юз ўгиришга чиранмоқда,

ота-боболаримиз «қора» деган нарсаларни «оқ», «оқ» деган нарсаларини «қора» деб уқтиришга ҳаракат қилмоқда.

Бу «оммавий маданият» деганларининг луғатига, яъни ушбу «маданият» тарғиб ва талқин қилаётган сўзларнинг мазмун-моҳиятига бир назар ташласак, ҳаммаси аён бўлади. Масалан:

Исрофгарчилик – бойлик, тўкин-сочинлик, ҳашамат, дабдаба белгиси.

Ёшлик – тез ўтиб кетадиган, лаззатланиб, роҳатланиб, ўйнаб, кулиб, кайф-сафо, айш-ишрат, маишат, ҳар хил бебошликлар, бемаънигарчиликлар, номақбулчиликлар қилиб қоладиган ва қилиниши керак бўлган вақт.

Вафо, садоқат – феодаллар тузумидан қолган, умуман қизиғи, кераги, фойдаси йўқ эскилик сарқитлари.

Ҳаё, ибо – маданиятсизлик, маънавиятсизлик ва кераги йўқ бир мавҳум тушунчалар.

Инсоф қилиш – имкониятни, фурсатни бой бериш, чув тушиб, ғафлатда қолиш.

Саховат – маблағни, қўр-қутни, яъни ғамлаб қўйилган бойликни, сармойани ҳеч қандай мақсадсиз совуриш.

Яхши ота – бола қўлига катта миқдордаги пулни бериб қўйиб, барча хоҳиш - истакларини рўёбга чиқарадиган, улкан имкониятлар яратиб берган яхши шерик.

Ёмон ота – боласига пул эмас, аксинча, таълим-тарбия, билим, одоб-ахлоқ, малака эгаллашга, кўникма ҳосил қилишга кўмаклашувчи, тергаб турувчи, кези келганда жазоловчи ёмон шерик.

Оила – шахсга хоҳлаган ишини қилишга тўсқинлик қилувчи, бемаъни, кераксиз мажбуриятларни юкловчи, кўнгилхушликларини, кайф-сафосини, эркинлигини бўғувчи, «беш кунлик дунёда яйраб, ўйнаб қолиш керак», деган ақидага ғов бўлувчи исканжа, занжир.

Хиёнат – инсон замонавийлигини ёрқин намояндаси, «занжирбанд» бўлган инсонга етишмоқ, озод севги тантанаси, ғалабаси.

Худбинлик – ўзини ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, мазза қилиб ўзи учун, яшашдир. «Занжирбанд» қилувчи оила, роҳатни бузувчи фарзанд, кераги бўлмай қолган ота-она учун умуман қайғурмаслик.

Ҳиндистон ўлкасининг озодлиги, равнақи, тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк инсон Маҳатма Гандига «Глобаллашув жараёнига Сизнинг муносабатингиз қандай?» деб, савол билан мурожаат қилишганда, у шундай жавоб қайтарган экан: «*Мен ташқаридаги бўрондан қўрқиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан деб, деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки мен уйимни чанг-тўзон босиб кетишини хоҳламайман*».



«*Оммавий маданият*» ўзи нима?» деган саволга, бу ҳамма учун бир хил кўринишдаги, бир хил қолипдаги, ўзини, ўзлигини йўқотиш эвазига эришилган бир ҳолатдир, дейиш мумкин.

«*Оммавий маданият*»нинг баъзи бир кўринишларига тўхталиб ўтамиз:

Старизм – субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, машҳур инсонлар, телевидение ва радио бошловчиларини илоҳийлаштириш.

Баданга турли хил шаклларни чизиш ва чиздириш Ислом динида катта гуноҳ ҳисобланади, дейилади. Бу каби кўринишдаги амаллар миллий ўзлигимиз ва урф-одатларимизга ҳам мутлақо тўғри келмаслигини ёши катталар мунтазам такрорлашади. Тарихий китобларда ёзилишича, татуировка ашаддий жиноятчилар учун жазо воситаси ҳисобланган. На ўзлигимизга ва на динимизга тўғри келадиган, иймонимиз, жисмимизга зарар келтиришдан бошқа нарсага ярамайдиган бундай манфур амалдан биз ўзимизни ва энг асосийси, фарзандларимизни асрашимиз кераклигини даврининг ўзи тақозо этиб турибди.

Зўравонлик – бу инсонга етказиладиган ҳар қандай жисмоний, маънавий, руҳий, моддий тазйиқлар сирасидан жой олади, киради. Жумладан, ўзига нисбатан тазйиқ ўтказиш ҳам зўравонлик саналади. Бу каби кўринишдаги ҳолатлар ҳозирги кунда кенг авж олиб бормоқда. Унинг намойишлари ҳам турлича бўлиб, булар:

Хеппининг (ваҳшиёна «кўнгил очиш»лар). Бу каби воқеалар бизнинг мамлакатимизда деярли кузатилмайди. Лекин «оммавий маданият»нинг маҳсули бўлган фильм ва ўйинларнинг сарҳадларимиздан яшириниб, сездирмай кириб келиши ва уларни ёш авлод томонидан қабул қилиниши Ватанимизда ҳам хеппининг пайдо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун огоҳ бўлишимиз даркордир.

Нигилизм лотинча «ҳеч нима», «ҳеч нарса» сўзидан олинган. Нигилизм – жамиятнинг ахлоқий, маънавий меъёр ва устунлари, умумэътироф этилган тарихий ва маданий қадриятларнинг инкор этилиши, шунингдек, уларга нисбатан мутлақо салбий, ўта танқидий муносабатда бўлиш; муайян ҳодисага бир ёқлама, келишувни рад этган тарзда муносабат билдириш; бузғунчилик ғояларини ўзида ифодалаш ва тарғиб қилиш.

Дунё ҳақидаги ишончли билимларга эришиш мумкинлигини шубҳа остига олувчи таълимотлардан бири *скептицизмдир*. У билим, тажрибадан кўра ҳиссий идрокни устун қўйиш ва шу асосда иш тутишдир, яъни, ўзларининг ҳис-туйғулари асосида иш кўришни энг мақбул йўл деб билувчилар.

Вандализм – маданий ёдгорликларни, қадриятларни ваҳшийларча вайрон, оёқости қилиш, йўқотиш; маданиятсизлик, жаҳолат, нодонликнинг бир кўринишидир.

«Оммавий маданият»нинг манбалари:

Турли виртуал (компьютер) ўйинлар, айрим чет эл ва хусусий студияларда олинган фильмлар, тум-тарақай, маъно-мазмунсиз қўшиқлар, чет эл телеканалларининг айрим кўрсатувлари, интернет ва ундаги турли ижтимоий тармоқлар, уяли алоқа телефонлари, сариқ матбуот, урбанизация жараёни, исрофгарчиликка йўл қўйилган тантаналар ва тўйлар ҳамда ёлғон ахборот ва маълумотларни тарқатувчи ОАВ.

Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган европа миллатига мансуб ёшлар орасида кўпроқ тарқалаётган «эмо», «гот» каби субмаданият йўналишларини тарғиб этувчи 10 дан ортиқ интернет сайтлари ишламоқда.

Шундай экан, инсон ўзида бундай маданиятга қарши иммунитетини қандай тарбиялаши ва бунинг учун нима қилиши зарур? Азалий бўлган, минг йиллик синовлардан ўтган қадриятларимиз, урф-одатларимизни мукамал билиш ва амал қилиши даркор. Мабодо шундай вазиятга, ҳолатга тушиб қолса, ҳеч бўлмаганда «*Бу кўринишдаги «маданиятни ким, қандай мақсадда ва нима учун узатаяпти?»*», деган саволларни ўзига ўзи бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар, шубҳали «маданиятлар» таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотлар ва «маданият»га нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Ирода Қаюмова



1. Матннинг услуби, тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқланг.
2. Матнда муаллиф қандай муаммони кўтарган? Муаллиф кўзқарашига танқидий муносабат билдиринг.
3. Матннинг асосий ва иккинчи даражали ахборотларини аниқлаб, қуйидагича ажратиб ёзинг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилотли иккинчи даражали ахборот |
|----------------|---|
| | |



4. Муаллиф кўтарган муаммо сиз яшаётган шаҳар(вилоят)да ҳам мавжудми? У ҳолда муаммонинг моҳиятини белгиланг ва бу ҳақда тақдимотга тайёрланинг.
5. Сиз кўтарилаётган муаммонинг ҳал қилиш йўллари тавсия этиб, тақдимот тайёрланг ва синфга тақдим этинг.
6. Матн мазмунини қуйидаги жадвал асосида 32-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| | |
|--|--|
| «Оммавий маданият» матни | «Хўш, «оммавий маданият»нинг ўзини ма?» матни |
| Мавзуси | |
| | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | |
| | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | |
| | |
| Тузилиши, жанри, услуби | |
| | |
| Матнларнинг тили устида ишланг | |
| | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | |
| | |



Сўзларнинг қўлланиш доирасига кўра гуруҳлари

Сўзлар кундалик ҳаётда, маълум ижтимоий гуруҳлар доираларида, фан-техника ва бошқа соҳаларда қўлланиш хусусиятларига кўра бир неча гуруҳларга ажралади. Баъзи сўзлар шундай тилда сўзлашувчи кишиларнинг ҳаммасига тушунарли бўлади. Бу – умумхалқ лексикаси. Баъзи сўзлар эса маълум бир соҳадагина қўлланади.

Тилнинг луғат таркиби ижтимоий, маиший ўзгаришларга тез-тез учраб туради. Лексиканинг, луғат таркибидаги сўзларнинг ўзгаришларга учраб туришига ҳаётнинг ўзгариши, янги иш қуроллари, тушунчалар, янги сўзларнинг пайдо бўлиши асосий сабаб ҳисобланади. Айрим сўзлар кенг истеъмолдан чиқади, чунки шу сўз билан аталувчи буюмлар, ҳодисалар кундалик турмушда ишлатилмай қўяди. Айрим сўзлар борки, улар турли жойларда турлича маънода ишлатилади ёки бир хил буюм номи турлича аталади. Баъзи сўзлар фақат корхона ва муассасалардагина қўлланилиб, кенг омма орасида ишлатилмайди.

Шунга кўра тилнинг луғат таркибидаги сўзлар **умуммуслубий сўзлар, маҳаллий сўзлар**, (шева, лаҳжа), **эскирган сўзлар, тарихий сўзлар** (архаизмлар), **янги пайдо бўлган сўзлар** (неологизмлар)га бўлинади.

Умумхалқ лексикаси

Ўзбек адабий тилининг луғат таркибига тилдаги мавжуд сўзларнинг ҳаммаси қиради. Луғат таркибининг асосини ўзбек тилида сўзловчи кишиларнинг ҳаммасига бирдек тушунарли бўлган сўзлар ташкил қилади. Бундай сўзлар **умумхалқ лексикаси** ёки **умуммуслубий сўзлар** деб аталади.

Лексиканинг бу қатлами турмушда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган тушунчаларни ифодалайди. Умумхалқ лексикаси кишиларнинг кундалик ҳаётида, меҳнат фаолиятида кенг қўлланилади. Улар содда, айтиш чоғда аҳамиятлидир, чунки улар ифодалаган воқеа-ҳодисаларнинг ўзи оддий ва муҳим ҳаракат ва ҳолатлардан иборат бўлади. Масалан: **қуёш, сув, одам, дарахт, бормоқ, келмоқ, юрмоқ, меҳнат, дам олмоқ** кабилар.

Умумхалқ лексикаси ўз таркибига кўра **шевага ва касб-ҳунарга хос сўзлар лексикаси, янги пайдо бўлган сўзлар лексикаси** ва **атамалар** каби бир неча турларга бўлинади.



Юқоридаги назарий маълумотлар мазмуни устида ишланг. Ўз муносабатингизни билдириб, қисқача ёзма баён этинг.



ФАОЛ ЁШЛАР – РАҚОБАТБАРДОШ ДАВЛАТ КЕЛАЖАГИ

Эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаб, муаллиф нуқтаи назарига танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ расмлар, жадваллар, чизма, тақдимот кўринишидаги ахборотларни намойиш этамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланамиз.



Дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин ва токи ҳаёт бор экан, умид ҳам бор.

Марк Леви



33-машқ.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда – таълим, иш, оила ва ҳатто бир-биримиз билан алоқа қилишимизда ҳам. Буларнинг барчаси ҳар бир инсоннинг ва, умуман, дунёнинг ривожланиш йўлига тубдан таъсир қилади.

Бизнинг кўз ўнгимизда рақамли жамият ва билим иқтисодиётига эга бўлган янги глобал цивилизация туғилмоқда.

Мамлакатимиз замоннинг ушбу муаммоларига жавоб бериши керак. Шунинг учун барча саъй-ҳаракатлар мамлакатни келажакдаги ютуқларга тайёрлашга йўналтирилган ҳамда кучли Қозоғистонни яратишга қаратилган.

Ёшлар замонавий дунёда мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Қозоғистоннинг келажаги сизга – сизнинг билимингиз, кучингиз ва ватанпарварлигингизга боғлиқ.

Биз ҳозир қилаётган барча нарсалар сизнинг бахтли ҳаётингиз учун амалга оширилади, шунда сиз ўз салоҳиятингиз ва имкониятларингизни тўлиқ англаб етасиз.

Учрашувимиз олдидан менга бир қатор ёшлар лойиҳалари тақдим этилди.

Бу – кийим-кечак ишлаб чиқариш, интерфаол хизмат кўрсатиш майдончаларини яратиш ва ҳк.

Бизнинг ёшларимиз бозорнинг ҳолатини чинакамига баҳолаб, бўш иш жойларни қидириб топиб, янада рақобатбардош маҳсулотларни таклиф қилишга ҳаракат қилаётганлари таҳсинга лойиқ.

Ушбу ёндашувнинг асосий устунлиги шундаки, сиз ўзингизнинг эҳтиёжларингизни ўзингиз аниқлайсиз.

Ҳар бир лойиҳа қизиқарли ва эътиборга лойиқдир.

Ўйлайманки, ҳукумат ушбу ғояларни амалга оширишни алоҳида назоратга олиши ва уларни илгари суришга ёрдам бериши керак.

Бугунги кунда Қозоғистонда ёшларнинг ижтимоий-маданий мослашуви, ёшларнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш долзарбдир.

Ёшлар йилида биз, ёш қозоғистонликларнинг, долзарб эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган содда ва тушунарли ёрдам воситаларини ишлаб чиқишимиз керак.

Бу, биринчи навбатда, арзон ва сифатли таълим, иш жойи, уй-жой ва оилани яратиш имкониятидир.

(Элбошининг Ёшлар йили очилиши маросимида сўзлаган нутқидан)



1. Матн қандай услубда ёзилган? Жанрини аниқланг.
2. Асосий ғоя нимадан иборат?
3. Матн мазмунидан қандай хулосалар чиқардингиз?



4. Матн мазмунидан келиб чиқиб, ўзингизга бешта вазифа белгилаб олинг ва синфга тақдим этинг.



Ёш – моҳиятдан устун турувчи идрок масаласи. Бу масалага эътибор бермасанг, у ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.

Марк Твен



34-машқ. Матни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Сиз қандай сарлавҳа қўйган бўлар эдингиз?

ЮРТ КЕЛАЖАГИ – ФАОЛ ЁШЛАР



Ёшларнинг ривожланишига имконият яратиш – Президент сифатидаги асосий вазифаларимдан бири.

Буни пойтахтда ўтган Ёшлар йилининг ёпилиши ва Волонтерлар йилининг очилиш маросимида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев маълум қилди.

– Бугун бепоён заминимизнинг турли бурчакларидан келган ёшлар пойтахт тўрида, Нур-Султон шаҳрида, халқимизнинг қутлуғ ерида учрашди.

Сизлар билан Мустақиллик куни арафасида дийдорлашиб турибмиз. Биз учун бундан улуг ва муҳим байрам йўқ. Барчангизни табриклайман. Мустақиллигимизни ривожлантириб, мамлакатимизни янада яшнатиш бугунги авлоднинг буюк бурчи. Шунинг учун сизлардан умидимиз катта. Давлатимизнинг келажаги – сизлар. Боягина ёшлардан бир гуруҳи долзарб масалаларни кўтариб чиқди. Фойдали фикрлар айтишди. Мен барча ёшлар билан фахрланаман, – деди Давлат раҳбари.

Қозоғистон Президенти бу йилнинг алоҳида аҳамият касб этишини, Элбоши Нурсултан Назарбаевнинг ташаббуси билан ҳамжиҳатликда ёшлар йили ўтказилганлигини айтди.

– Билимли ва рақобатбардош авлод тарбиялаш ишига барчамиз алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Мамлакатимиздаги жами ташаббусларнинг барчаси ёш авлоднинг ёрқин келажаги учун амалга оширилди. Ёшларимизнинг ҳар томонлама ривожланишига шароит яратиш – менинг Президент сифатидаги асосий вазифаларимдан бири. Шунинг учун ушбу масала доимо диққат марказимда бўлади. Бугунги ёшлар – мамлакатимизнинг эртаси, миллатимизнинг келажаги, давлатимизнинг обрўси, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

(janubiy.kz)



1. Берилган мавзунинг долзарблиги нимада? Тадқиқот юритинг.
2. Элбоши, Президент ёшларга қандай масъулият ортмоқда?
3. Ёшларга яратилган имкониятлар, юкланган вазифалар ҳақидаги маълумотларни чизма, жадвал кўринишида ифодаланг.



4. Қуйидаги саволлар устида ишланг:
 1. Ҳозирги ёшлар билан аввалги ёшлар орасида қандай ўзига хос хусусиятлар бор деб ўйлайсиз?

| Ҳозирги ёшлар | Аввалги ёшлар |
|---------------|---------------|
| | |

2. Замонавий ёшлар онгида қандай ўзгаришлар рўй берди?
3. Уларнинг яшаш тарзига изоҳ беринг.
4. Қандай ўйлайсиз, замонавий ёшларимиз онгида меҳр-оқибат, маданият, инсонпарварлик, тўзимлилиқ, сабр-матонат каби хислатлар камол топяптими?
5. Ёшлар юрт келажаги бўлиши учун нималарга қодир бўлиши керак?
6. Сиз фаол ёшлар сафидамисиз? Ҳаётингизда қандай эзгу мақсадларни кўзлаяпсиз?



**Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот,
ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат.**

Абдулла Авлоний



35-машқ. Машқни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Машқда ажратиб кўрсатилган жумлаларни кўчириб ёзинг. Шарҳланг. Ўз муносабатингизни билдириб, синфга тақдим этинг.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЁШЛАР ҚАЛБИДА ЗАМОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ

«Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган Абдулла Авлоний нечоғли ҳақ. Одамзот фарзандини боқиб ва таълим бериб улғайтириш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрликка тарбия дейилади.

Тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. Асосан, тарбиянинг 2 та тури бор:

Оила тарбияси ва ижтимоий тарбия. Оила тарбияси оилада ота-оналар, бобо ва бувилар, умуман, ёши улўғлар томонидан болаларни тарбиялашади. Ижтимоий тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва авлоднинг вориийлиги таъминланади: ўсиб келаётган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитади.





Умуман олганда, тарбиянинг анъанавий ва замонавий усуллари кўп: шожиравий тарбия, диний тарбия, ҳарбий тарбия ва ҳуқуқий тарбия.

Тарбия ҳақида ҳикоялар мисол килишимиз мумкин: бир одам фарзандлик бўлгач, маслаҳат сўраб улуғ алломанинг ҳузурига келибди ва сўрабди: «**Ҳазратим, мен, уч кун бўлди, фарзанд кўрдим, унинг тарбиясига**

қачондан бошлаб киришганим маъқул?»

Аллома бошини сарак-сарак қилиб жавоб берибди: «**Сиз уч кунга кечикибсиз, бола тарбиясини туғилишидаёқ бошлаш лозим эди**». Бу ҳикоя заминада ҳам бола тарбиясига киришишдан олдин тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланган бўлиши керак, деган маъно мужассам. Бундай ахлоқий фалсафа халқимиз онгига, турмуш тарзига чуқур сингиб кетганки, биз уларнинг бугунги кунда ҳам ҳар бир оила ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Японлар энг яхши сармоя – келажак авлод камоли учун сарфланган сармоя деб ҳисоблар эканлар. Бизнинг мамлакатимизда ҳам соғлом ва баркамол авлод тарбияси учун сафарбар этилаётган барча имкониятлар ҳам буюк келажак йўлида сарфланаётган бебаҳо сармоядир, дейишимиз мумкин.

Жабарали Умаров



Қуйидаги назарий маълумотларни ўрганиб, маълумотларни чизма тарзида ифодалаб баён этинг.



Эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар

Ижтимоий ҳаётнинг ривожланиб бориши натижасида янги тушунчалар: меҳнат қуроллари, маиший турмуш жиҳозлари, фан ва техника, маданият, санъат соҳаларида янги сўзлар пайдо бўлади. Натижада янги тушунчалар ўрнини эгаллаган эски сўзлар кенг истеъмолдан чиқиб кетади. Масалан: *сарбоз, мингбоши, хаттот, бош секретарь, обком, коммунизм* кабилар.

Эскирган сўзлар бадий адабиётларда кўп учрайди.

Янги тушунчаларни ифодалаш учун қўлланадиган сўзлар янги пайдо бўлган сўзлар (неологизмлар) дейилади. Тилда янги сўзлар доим пайдо бўлиб туради. Жамият тараққий этган сари тилнинг лексик таркиби ҳам ривожланиб боради. Кейинги ўн йиллар ичида жамиятнинг ўзгариши, бозор иқтисодиёти муносабатларига боғлиқ ҳолда кўплаб янги сўз ва сўз бирикмалари ўзбек тили лексикаси таркибидан ўрин олди. Масалан: *бартер, маклер, парламент, сенатор, улгуржи савдо, маркетинг, акционер* кабилар.

Бу каби сўзлар илмий ва расмий нутқ лексикасида кўп қўлланади.

Шевага ва касб-ҳунарга хос сўзлар лексикаси

Ўзбек тили умумхалқ лексикасининг таркиби турлича бўлиб, тилда айрим шаҳар, қишлоқ аҳолисининг ишлатадиган сўзлари лексик-грамматик ва фонетик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Туркистон вилоятида истиқомат қилувчи аҳоли ҳудуд жиҳатидан бир-биридан унча узоқ бўлмаса-да, Шимкент шаҳар шеваси, Туркистон, Қарноқ, Иқон, Қорабулоқ, Сайрам, Қорамурт, Манкент, Турбат шевалари каби шеваларга бўлинади. Мазкур шевалар таркибидаги айрим сўзлар адабий тилдан ўзаро фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига кўра озми-кўпми фарқ қилади.

Бироқ соҳадаги, касб-ҳунар билан шуғулланувчи мутахассислар қўллайдиган махсус сўзлар **касб-ҳунарга хос сўзлар лексикаси** деб аталади. Касб-ҳунар кишиларининг нутқи, асосан, шу касб-ҳунар кишилари учун таниш бўлади, бошқаларга таниш бўлмайди ёки таниш бўлса ҳам қўлламайди. Масалан: *тенглама, ангишвона, тоққайчи, форзац* кабилар.



Муваффақиятга эришиш учун эмас, ҳаётинг маъно касб этиши учун интил. Одамнинг ҳаёти бошқалар ҳаётини қай даражада гўзал ва мазмунли этганига қараб аҳамиятлидир.

Альберт Эйнштейн



ТЎҒРИ КАСБ ТАНЛАШ – ЁРҚИН КЕЛАЖАК ГАРОВИ

Сўзларнинг пайдо бўлиш манбаларига кўра турлари
Ўзбек тилига чет тилларидан кирган сўзлар лексикаси

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ матннинг асосий мазмунини етказиб беришда ранг, шрифт, график тасвирларнинг ролини аниқлаймиз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаб, муаллиф нуқтаи назарига танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланамиз.



Ёшлик – инсон камолотини белгиловчи имкониятлар давридир!



36-машқ. Қуйида берилган матнларни ўқинг, муаллиф фикрига танқидий баҳо беринг ва хулосаларингиз билан ўртоқлашинг.

Илм касбини қилди то жони бор,
Ҳунар ўрганди онга ки имкони бор.
А.Навоий

1. Мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси ҳам адабиётдан ўқилиши керак бўлган дастурни мутолаа қилишга қодир эмас, биз эса улар бутун умри давомида бажарадиган касбни танлашларини истаймиз. Ота-оналар битирувчиларга қаерга ўқишга боришни маслаҳат берадилар ва фарзандининг келажагига бефарқ бўлмайдилар.



Ҳар бир одам ўзига нима кераклигини ўзи яхши билиши лозим, ўз келажигига ўзи масъул бўлиши даркор. Айнан шу йўл орқали нимадир кўнглидагидек бўлмаса, ота-онасини айбламайди ёки ўз имкониятини қўлдан бой берилган, деб ўйламайди.

«Мен актёрликка бормоқчи эдим. Бироқ отам барча актёрлар туман театрида қолишини, кам маош олишини айтдилар. Муҳандис – бу бошқа гап. Мен гапга кирадиган қиз эдим ва радио факультетига ўқишга кирдим. Политехника институтида қизиқ эди ва 6 йил мен талабалик баҳорида иштирок этдим. Магистр бўлишимга қарамай, муҳандис сифатида ишлашда эса бошимда билим ноль. Шунинг учун бутун умр мени ўз-ўзини рўйбга чиқара олмаганлик ҳисси, бари ўзгача бўлиши мумкин эди, деган фикр таъқиб этади. Отамнинг ҳақлигини, актёрлик оғир касб эканини англайман. Ота-онамни айбламайман. Орзуимдаги нарсани амалга оширолмаганим учун ўзимни айбдор ҳисоблайман».

Мария, муҳаррир

«Бобом хорижий тиллар билан боғлиқ йўналишни танлашни маслаҳат берди. Синаб кўрдим, қизиқдим, шунинг учун унинг маслаҳатига қулоқ солиш осон бўлди. Талаб иккинчи ўринга ўтди, чунки ҳақиқатан ҳам қизиқ эди. Энди эса мен ўзим севган IT-соҳадаман. Бобом ёмон нарсани тавсия қилмайди!»

Ангелина, таржимон

«Ота-онам – ўқитувчилар. Педагогикага боришни маслаҳат беришмади, мен ҳам бормадим.»

Лида, реклама бўйича мутахассис

2. Кўплаб касблар тўғрисида чалкаш тасаввурлар мавжуд. Бир неча йилни бекорга сарфлаш, қутилган воқеа ва реаллик ўртасидаги можаро ўрнига яхшиси бу касб билан яқиндан танишган маъқул.

Кўпинча қаерда ва ким бўлиб ишлаш мумкинлиги, мамлакатнинг бошқа қисми у ерда турсин, қўшни шаҳарлардаги олий таълим муассасаларида қандай мутахассисликлар мавжудлигини билмаймиз.

«Танлаш вақти келганида 15 ёшда эдим. Шаҳримизда орзуимдаги мутахассислик бўйича ўқиш имкони йўқ эди, мактабнинг йўналиши эса бошқача бўлган. Ўқишга кириш учун бошқа мактабга ўтиш, махсус дастур бўйича шуғулланиш, бошқа шаҳарга бир неча юз километр йўл босиб бориш ва ҳужжатларни топшириш керак эди. Мен бундай қилолмадим, ота-онам эса ташвишлана бошладилар. Натижада, ўзимизда бор бўлган касбни танладим. Яқинда 30 ёш бўламан, ҳали ҳам афсусдаман».

Настя, копирайтер

3. Стандарт мантиқ: математикадан яхши ўқийди – «компьютерчилик»ка ўқишга бориш керак, адабиётдан билими аъло – филологлик, ҳеч нарсага қизиқмайди – менежер бўла қолсин. Билимдан келиб чиқиб ишни танлаш ўрнига билимни мақсадга қараб ошириб бориш зарур. Севимли фанни эмас, бола меҳнат қилиб, яхши ҳақ тўланадиган касбни танлаш керак. Балки болага ўқитувчи, чиройли хона ва кўрғазмали материаллар ёқар, касбда эса буларнинг ҳеч бири бўлмайди.

«Онам техника коллежига ўқишга киришга мажбурладилар, бундан хурсанд эмасдим. Шунинг учун бор кучим билан мени ўқишдан ҳайдашларига ҳаракат қилардим. Бу иш бермади. Коллеждан кейин ўзим университет ва мутахассисликни танладим. Ҳозир афсусланмайман. Коллеждан кейин мени яхши бир корхонага амалиётга юборишди. 18 ёшимда нормал лавозим ва маошга эга эдим».

Мария, менежер

4. Олий маълумотга муккасидан кетиш кўп ҳолларда яхшилиқка олиб келмайди. Кўпинча диплом ортида бир грамм ҳам билим ва кўникма бўлмаган оддий қоғозга айланади. Лекин кетказилган бир неча йил ва сарф этилган пуллар бор.

18 ёшдан 23 ёшгача одам тез катта бўлади, бу шахс сифатида шаклланиш ёши. Баъзида кўзлар очилиб, талаба ўз иши билан шуғулланмаётганини англайди: қизиқроқ мутахассисликни топади, ўз олдидаги мақсадларни тушунади. Қоидага кўра, бу кечаги мактаб ўқувчисиникига кўра анча ўйлаб амалга оширилган танлов. Бундай бурилиш «бошладингми – тугат» натижасида қўлга киритилган дипломга қараганда кўпроқ фойда келтиради.

«Тўққизинчи синфдан кейин синф раҳбари онамга мени техникумга юборишни тавсия қилди. Ота-онам танлаб ўтирмай, мени қурилиш йўналишига юборишди. Чунки онамнинг барча ҳамкасблари ўша ерни тугатишган экан. Менга муҳими дипломлик бўлишим кераклиги эканини айтишди. Итоаткорлик билан рози бўлдим. Тўрт йил қийналдим. Ундан кейин бошқа йўналишда олий маълумотга эга бўлиш ҳақида мустақил равишда қарор қабул қилдим. Ота-онам «Наҳотки, тўрт йил қийналдинг?» дейишган бўлса-да, розилик беришди».

Антон, дизайнер

(«кип.уз»дан)





1. Юқоридаги маълумотларни қайта шарҳланг. Муаллиф нуқтаи назари билан келишасизми? Ўз муносабатингизни билдиригиз.
2. Сиз бугун муайян касбни танладингизми? Изоҳланг.
3. Шаҳрингизда машҳур бўлмаган касбларни атагиз.



4. Ушбу ҳукмларга тақдимот қилиб, муносабат билдиригиз: «Яхшиси бир неча йил ўз-ўзини аниқлаш ва кейин идеал касбни танлаган маъқул», «Маълумот тўғрисидаги диплом ва бир неча йил ўқиш – бу бутун умрлик келишув эмас. Исталган вақтда барини ўзгартириш мумкин».



5. Сизга ота-онангиз касб танлашда ёрдам беришяптими? Сиз ота-онангиз маслаҳатларини қабул қилдингизми ёки сизга мустақил танлов қилишингизга шароит яратилдими? Инсон учун энг катта бахт ва бойлик нимада деб тушунасиз? Ўз фикрингизни ёзма баён этинг.
6. Матн юзасидан фикрингизни баён этиб, матн услуби афзалликларини изоҳланг, жумладаги сўзларнинг ёзилишига диққат қилинг, тушунча беринг.
7. Ҳозирги долзарб, эҳтиёжли касблар тизимини ясанг. Нима учун улар долзарб?
8. Ўзбек тили грамматикасининг қандай бўлимлари сизга таниш? Қуйидаги назарий маълумот билан танишиб, муносабат билдиригиз, аҳамиятини тушунтиригиз.



Сўзларнинг пайдо бўлиш манбаларига кўра турлари

Ўзбек тилининг бой луғат таркиби узоқ тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам унда ҳар хил манбалар воситасида пайдо бўлган ўзига хос қатламлар мавжуд. Бу қатламлар ўз ичида катта икки турга бўлинади:

1. Ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган сўзлар ва туркий тиллар учун умумий бўлган лексика.

2. Бошқа тиллардан кирган кирма сўзлар лексикаси.

Туб ўзбекча сўзлар ҳамда туркий тиллар умумий бўлган сўзлар ўзбек тили лексикасининг катта қисмини ташкил этади. Бу сўзлар қадим замонлардан буён қўлланиб келаётган турмуш аҳамиятига молик бўлган сўзлардир. Улар янги сўзлар ясаш учун асос бўлади. Масалан: осмон, ер, сув, ҳаво, бош, қиш, ёз, от, эчки, ота, она; оқ, қора, қизил, кўк; бир, икки, уч; мен, сен, у, ким, нима; тур, ўтир, кел, кет; тез, оз, кўп кабилар.

Юқоридаги сўзлар воситасида морфологик усул билан ясалган барча сўзлар ўзбек тили лексикасига хосдир. Масалан: осмонли, ерли, сувчи, ҳавойи, бошлиқ, қишлоқ, оталиқ, оқсоқол, қораламоқ, кўкармоқ, биров, иккинчи, кимдир, алла-нима, турғун, келгинди, тезкор, кўпчилик каби.

Ўзбек тилига чет тилларидан кирган сўзлар лексикаси

Ўзбек тилининг таркибида араб ва форс-тожик тилидан кирган сўзлар кўплаб учрайди. Бу сўзлар узоқ йиллар давомида (VIII асрдан бошлаб) ўзлашиб, кўпчилик сўзлар ўзининг дастлабки асл шаклини йўқотган, ўзбек тилининг фонетик қонунларига мослашган. Улар, асосан, маъмурий, иқтисод, адабиёт, маданият ва фалсафага доир мавҳум маънога эга бўлган китобий сўзлардир. Масалан: *абдий, авлод, адаб, одоб, алоқа, асос, жамият, истеъдод, истиқбол, муҳим, мўмин, вужуд* кабилар.

Ўзбек тилига энг кўп таъсир қилган тиллардан бири форс-тожик тилларидан кирган сўзлардир. Тарихдан маълумки, қадимдан ўзбек халқи билан эрон, пуштун, тожик каби форс-тожик тилида сўзлашувчи халқлар яқин маданий-иқтисодий алоқада бўлиб келган. Бу тиллардан ўзбек тилига мавҳум сўзлар билан бир қаторда кундалик турмушда қўлланадиган нарса-буюм номлари, уларнинг белгилари, ҳаракат белгилари, ҳаракатни ифодаловчи, сўзларни ўзаро боғловчи қатор сўзлар қабул қилинган, Масалан: ***панжа, ҳафта, чорак, чилла, тоза, кам, чунки, ёки, ҳам, якка, ягона*** кабилар.

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан сўз *ясовчи* ***-бон, -зор, -дор, -кор, -паз, -каш, -шунос, -шунос, -хўр, -истон*** каби қўшимчалар; ***бе-, ба-, но-, сар-*** каби олд қўшимчалари ҳам қабулланган. Масалан: *дарвозабон, чорвадор, сабзавоткор, ошпаз, аравакаш, паловхўр, бенишон, бадавлат, нотекис, сартарош* кабилар.

Бу каби қўшимчаларнинг айримлари янги маъноли туркум сўзлар ҳосил қилади, баъзи сўзлар туб ўзбекча қўшимчаларга маънодош бўлиб келади. Масалан: *хизматчи – хизматкор, бенишон – нишонсиз* каби.

Ўзбек тили лексикасида рус тилидан ва рус тили орқали Европа халқлари тилидан кирган сўзлар ниҳоятда кўп. Рус тилидан сўзлар, асосан, Чор Россияси Ўрта Осиё ерларини босиб олиб мустамлакачилик сиёсатини даврда кириб келган. Рус тилидан ва бошқа Европа халқлари тилларидан сўз олиш жараёни ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Масалан: *самовар, поезд, радио, электр, луноход, армия, дебитор* кабилар.



37-машқ. Қуйидаги маълумотлар билан танишинг. Эгаллаган маълумотлар бўйича ўз фикрингизни ихчам баён қилинг. Матн ва жадвал таркибидаги четдан кирган сўзларни териб ёзинг, изоҳ беринг.

«Касб» ёки «касб қилмоқ» каби сўз ва тушунчалар араб тилидан кириб келган бўлиб, (касаба) феълнинг ўзаги ҳисобланади. Араб тилидаги касаба сўзи қўлга киритмоқ, ишлаб топмоқ, қозонмоқ, бирор ишни бажармоқ, қандайдир фойда-манфаатга эришмоқ, ютуққа эга бўлмоқ каби маъноларни англатади. Аксарият фикр олимлари «касб қилиш» сўзини ҳалол ёки ҳаром йўллар билан, муайян ҳунар ёки ҳунарсиз мол-мулк қозонишга нисбатан қўллашади. Демак, луғат ва фикр жиҳатидан «касб қилиш» дейилганда ҳунар орқали ёки ҳунарсиз равишда (масалан, бирор-бир корхона ёки ташкилотда соатбай ёки ишбай ишлаб, ақлий меҳнат билан шуғулланиб, тадбиркорлик қилиб, китоб ёзиб ва ҳк.), қайси йўл билан бўлишидан қатъий назар, мол-мулк топиш тушунилади. Ўзбек тилида касб деб кишининг ризқ талабида муайян иш, фаолият тури билан давомли тарзда шуғулланишга айтилади.

Ш.Неъматов

1-жадвал

| Касб тури | Одам-Одам (О-О) |
|---|---|
| Меҳнат предмети хара- теристикаси | Одамлар, гуруҳлар, жамоалар, ижтимоий жа- раёнлар. |
| Мазкур касб учун муҳим бўлган сифатлар | Мулоқотга киришувчанлик, одамлар билан алоқа ўрната билиш, бошқа одамлар билан қи- зиқиш ва уларнинг манфаатларини тушуниш, одамларнинг ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатла- рини ташкил қила билиш ва уларга ёрдам бе- ришга интилиш. |



| | |
|---|---|
| Хунар-техник маълумот талаб қилувчи касблар | Сотувчи, сартарош, официант, йўловчи ташувчи вагонлар назоратчиси (проводник), кондуктор. |
| Ўрта махсус таълим талаб қиладиган касблар | Ҳамшира, болалар боғчаси тарбиячиси, касб таълими устаси, фельдшер. |
| Олий маълумот талаб қилувчи касблар | Ўқитувчи, врач, журналист, ҳуқуқшунос, кутубхоначи. |

2-жадвал

| Касб тури | Одам-техника(О-Та) |
|---|--|
| Меҳнат предмети характеристикаси | Техник тизимлар: энергия, сунъий ва табиий материаллар. |
| Мазкур касб учун муҳим бўлган сифатлар | Юқори ривожланган техник тафаккур, макон, образ тасаввурлари, координациянинг ривожланганлиги, ҳаракатларнинг аниқлиги ва чаққонлиги, диққат, техникага қизиқиш. |
| Хунар-техник маълумот талаб қилувчи касблар | Чилангар, слесарь, монтажчи, теле-радио воситалар созловчиси, тикувчи-мотористка. |
| Ўрта махсус таълим талаб қиладиган касблар | Техник-технолог, техник-қурувчи, техник-механик, техник электрик. |
| Олий маълумот талаб қилувчи касблар | Муҳандис-технолог, муҳандис-электрик, қурувчи-муҳандис, муҳандис-механик. |

3-жадвал

| Касб тури | Одам-белгилар (О-Бг) |
|---|---|
| Меҳнат предмети характеристикаси | Шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий материаллар (формулалар) |
| Мазкур касб учун муҳим бўлган сифатлар | Чидам, бардамлик, сабр-тоқатлилик, турғунлик, диққат, тезкор хотира, идрокнинг аниқлиги, рақамлар, тасвирлар, чизмалар, жадваллар билан узоқ ишлай билиш. |
| Хунар-техник маълумот талаб қилувчи касблар | Ҳарф терувчи, чизмачи, ЭҲМ оператори, котиба-машинистка, корректор (тузатувчи), телеграфчи. |
| Ўрта махсус таълим талаб қиладиган касблар | Иқтисодчи, режаловчи, техник муҳаррир, ҳисобчи, техник-дастурчи. |
| Олий маълумот талаб қилувчи касблар | Муҳандис-иқтисодчи, муҳандис-математик, дастурчи, конструктор |

4-жадвал

| Касб тури | Одам-табиат (О-Тт) |
|---|---|
| Меҳнат предмети характеристикаси | Тирик организмлар, биологик, химик жараёнлар |
| Мазкур касб учун муҳим бўлган сифатлар | Кузатувчанлик, қатъийлик, чидам, кузатишларни тизимлаштира ола билиш, меҳнат натижалари узоқ ва маълум муддат ўтгандан сўнг маълум бўладиган шароитларда ишлай олиш қобилияти, олдиндан кўра билиш қобилияти, барча жонли нарсаларни севиш. |
| Ҳунар-техник маълумот талаб қилувчи касблар | Боғбон, сабзавоткор, чорвадор, гулчи-безакчи, аричилик, мироб. |
| Ўрта махсус таълим талаб қиладиган касблар | Ўрмончи-техник, зоотехник, ветеринар, ер ўлчовчи. |
| Олий маълумот талаб қилувчи касблар | Зоомуҳандис, агроном, ветеринария врачлари, зоолог, агротехник, кимёгар. |

5-жадвал

| Касб тури | Одам-бадий образ (О-Бо) |
|---|---|
| Меҳнат предмети характеристикаси | Бадий образлар, уларнинг хусусиятлари ва элементлари. |
| Мазкур касб учун муҳим бўлган сифатлар | Маълум бир бадий фаолиятга махсус қобилият, хаёл, таассурот, образли хотира, образли тафаккур, эстетик дид. |
| Ҳунар-техник маълумот талаб қилувчи касблар | Гравер, архитектура деталларини маълумот талаб қилувчи касблар ёпиштирувчи. |
| Ўрта махсус таълим талаб қиладиган касблар | Безакчи-пардозчи, мусиқачи, цирк артисти, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг бошлиғи. |
| Олий маълумот талаб қилувчи касблар | Рассом-конструктор, декоратор, режиссер, театршунос, танқидчи. |



1. Матн ва жадвалларда берилган маълумотлар сизга танишми? Қандай янгилик олдингиз?
2. Асосий ва иккинчи даражали ахборотни ажратиб ёзинг.

| Асосий ахборот | Иккинчи даражали ахборот | Изоҳ |
|----------------|--------------------------|------|
| | | |
| | | |
| | | |

4. Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

| «Биламан» | «Билиб олдим» | «Билгим келади» |
|-----------|---------------|-----------------|
| | | |
| | | |
| | | |



Хунар эгалламагунча киши – очилмайдур унга иқбол эшиги.

М.Бедил



38-машқ. Қуйидаги мақоллар билан танишинг. Мавзу доирасини аниқланг. Ўзингиз ёқтирган учта мақолни танлаб олиб, шарҳланг ва синфга тақдим этинг.

Хунари йўқ кишининг – мазаси йўқ ишининг. Ҳар ишнинг бир устаси бор, Ҳар устанинг бир устози бор. Ҳар касбнинг ўз гашти бор. Қунт билан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар. Аввал бил, кейин қил. Аввал ўрган, кейин ўргат. Ақл кўпга етказар, Ҳунар – кўкка. Баракат – мағизда, Ҳунарли қўл – оғизда. Бахт белгиси – билим. Беҳунарнинг ҳунари – ялқовлик. Билаги зўр бирни йиқар, Билими зўр – мингни. Билак билан битмаган, Билим билан битар. Билган билганин ишлар, Билмаган бармоғин тишлар. Билмаган айб эмас, Билишга тиришмаган айб. Билмаган ишга уринма, Уриниб тузоққа илинма. Билмагандан билган яхши, Тўғри ишни қилган яхши. Билмаганни сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим. Гўзаллик – илму маърифатда. Давлат тугар, билим тугамас. Дидли йигит – илмли йигит. Касб – касб, туби – насиб. Касбнинг ёмони йўқ. Китоб кўрмаган калла – Гиёҳ унмаган дала.

Мулла бўлсанг, такрор қил, Деҳқон бўлсанг, шудгор қил. Олтин олма, билим ол, Билим олсанг, билиб ол. Уста кўрмаган шогирд, Ҳар мақомга йўрғалар. Устадан шогирд ўзар. Устозсиз шогирд – жонсиз кесак. Юз туман олтиндан ҳунар яхши. Юз ҳунарни чала билгандан. Бир ҳунарни тўла бил. Юзга кирсанг, юз йил ўқи. Юзга кирсанг ҳам, ҳунар ўрган. Юзига қарама, билимига қара. Ўрганиш – бир ҳунар, Ўргатиш – икки ҳунар. Ҳунар бўлса қўлингда, Нон топилар йўлингда. Ҳунар – зар, ҳунарсиз – хор. Ҳунар ошхўрга ош берар, Нонхўрга – нон. Ҳунар – оқар булоқ, Илм – ёнар чироқ. Ҳунар тагида ҳунар бор. Ҳунар – туганмас хазина. Ҳунар тўйғизар, От миндириб, тўн кийгизар. Ҳунар, ҳунардан унар. Ҳунари борнинг олтин билагин бор. Ҳунари йўқ кишидан Бигизи бор ямоқчи яхши. Ҳунари йўқ кишининг, Мазаси йўқ ишининг. Ҳунарлининг ҳунари Муродига етказар. Ҳунарсизнинг юрари Қаро ерга етказар.



Қуйидаги мавзулардан бирига публицистик услубдан фойдаланиб, мақола ёзиб келинг.

1. «Менинг тасаввуримдаги келажак».
2. «Танлаган касбим тақдиримни ҳал қиладими?»

Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари ис-таб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий ра-вишда мўъссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди.

Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русум, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатлари-ни бирлаштириш деган сўздир.



Абу Наср Форобий



ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ. ИНТЕЛЛЕКТ МИГРАЦИЯСИ



Эмиграция масъулият масаласидир. Кимдир бу болалар олди-да жавобгарликнинг бир шакли: кетсам, шунда болалар яхшироқ яшайдилар, деб ўйлайди. Аммо менимча, масъулият – бу болаларнинг шу ерда қолишига эришиш.

А. Навальный



МИГРАЦИЯ, ЭМИГРАЦИЯ, ИММИГРАЦИЯ

Ўзбек тилига рус ва Европа тилларидан кирган сўзлар

БУГУНГИ ДАРСДА:


- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларига ча тушуниб, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



39-машқ.

Матнолди топшириқлар:

1. Қуйидаги тасвирларни сўзлатинг. Мазмунини ёритиб, яхлит матн тузинг. Қандай муаммолар кўтарилган? Хулоса чиқаринг.
2. Ушбу мавзу доирасида оммавий чиқиш учун монолог тайёрланг. Синфга тақдим этинг.



2016 йилда доимий яшаш мақсадида ҚОЗОҒИСТОНГА ...



2016 йилда ҚОЗОҒИСТОНДАН ...



2018 й. I ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИ ОРАЛИҒИДА ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ТАШКИ МИГРАЦИЯ





40-машқ.

МИГРАЦИЯ

Миграция бу бир ёки бир гуруҳ одамларнинг бир шаҳар, ҳудуд ёки мамлакатдан бошқасига кўчиши. Миграция янги жойда доимий ёки вақтинча қолиш учун ички ёки ташқи чегаралар орқали ўтиш билан бирга бўлиши мумкин.

Ушбу тушунчани турига, типига, шаклига, сабабига ва босқичига қараб таснифлаш мавжуд.

Миграция ташқи ва ички бўлади.

Ўз навбатида, ташқи миграция эмиграция ва иммиграцияга бўлинган. Иккала тушунчанинг ҳам деярли бир хил сабаблари бор, чунки бир шахснинг ўзи ўша мамлакатдан чиқиб, эмигрант бўлиб қолади ва бошқа давлатга доимий яшаш учун кирган киши иммигрантга айланмайди.

«**Эмиграция**» атамаси лотинча «кўчаман» деган маънони англатади ва шахсий, сиёсий, иқтисодий, диний сабабларга кўра (кўчиб келган ўша мамлакатга боғлиқ сабаблар) бошқа жойга кўчишни англатади.

Одатда, бу унинг фуқаролиги мамлакатидан ташқарида бир марталик саёҳат эмас. Бундан ташқари, фуқаро ўз ватанидан ва фуқаролигидан воз кечиши шарт эмас.

Иммиграция – бу қарама-қарши тушунча бўлиб, лотинча «кўчиб келиб, жойлашмайман» деган маънони англатади. Бу чет эл фуқароларининг доимий ёки узоқ муддат қолиш учун мамлакатга кириш жараёни.



1. Маттни изланиб ўқинг. Матнда бор камчилик, нуқсонларни аниқланг, тузатинг ва таҳрир қилинг. Маттни кўчириг.
2. Матн мазмунини ёритувчи саволлар тузинг.
3. Матн типини аниқланг. Унинг типини ўзгартириб, қайта баён этинг.
4. Ўзбек тилига чет тилидан кирган сўзларни аниқлаб, изоҳланг.

| Чет тилидан кирган сўзлар | Изоҳлар |
|---------------------------|---------|
| | |



Ўзингиз яшаётган ҳудудга тегишли миграция масалалари бўйича ахборот топиб, таҳлил қилиб, матн тузинг.



Маълумки, ҳар бир тилнинг лексикаси унинг бошқа сатҳларига нисбатан ўзининг динамик хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра тилнинг луғат таркиби доимо ўсиш-ўзгаришда бўлади, мунтазам равишда бойиб боради. Хусусан, ўзбек тили лексикасининг бойиш манбаларидан бири сифатида ўзлашмаларни кўрсатиш мумкин. Улар туфайли ўзбек тили лексикасига жуда кўп миқдордаги бирликлар ўзлашдилар. Кейинги 10-15 йил ичида мамлакатимизда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маданий ўсиш-ўзгаришлар туфайли тилимизда жуда кўп ўзлашмалар пайдо бўлди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўзининг янгилик бўёғини йўқотиб, лисоний мулкимизга айланган, луғатларимиздан ўрин олган. Ҳозирги ўзбек тили лексикасига ўзлашмаларнинг ўзлашиши жуда кучли эканлигини таъкидлаб, рус ва у орқали Европа тилларидан кириб келган ўзлашмалардир. Луғатларда қайд қилинган ўзлашмалар (сўз ва сўз бирикмалари)ни қуйидагича мавзуй гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Иқтисодиётга оид ўзлашмалар: микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, акция (қимматбаҳо қоғоз), акциядорлик жамияти, тендер, ипотека банки, терминал, пластик карточка, Евро (валюта), эмиссия, инфляция, брэнд, компания, холдинг, девидент, маркетинг, дилер, биржа, брокер, фирма, аудитор, департамент, демпинг, индексация, консалтинг, бартер, бизнес-марказ, бизнес-режа, бизнес-лойиҳа, дебет, дебитор, ваучер, капитал бозор, шопинг, инвестиция, инновация, маркетинг, менежмент, дистрибьютор, санация, бонификация ва бшқ.

2. Ижтимоий-сиёсий ҳаётга доир ўзлашмалар: меморандум, глобаллашув, интеграция, конвенция, омбудсмен, деносация, консенсус, коммюнике, ақида-парастлик, диний экстремизм ва б.; чартер, шоҳбекат, ротапринт, брифинг, бонус, ҳомий (спонсор), офис, сертификат, лицензия, ротация, мониторинг, дотация (ёрдам пули) ва б.

3. Қишлоқ хўжалигига оид ўзлашмалар: фермер, хусусий ферма, лизинг, ер кадастри, аренда, агробизнес ва б.

4. Фан ва таълимга оид ўзлашмалар: гимназия, лицей, бакалавр, магистр, тест синовлари, рейтинг, мониторинг, ахборот технологиялари, янги педагогик технологиялар, компьютер, картриж, ксерокс, факс, факсимиле, принтер, ска-

нер, компакт-диск, дискета, диск, дисковод, дисплей, курсив, пейжер, ноу-хау, интернет, файл, дискета, портал, эмаил, аудио, видео, мультимедиа, индукция, индуктив метод, калькулятор, калькуляция, калорифер (иситқич) ва б.

5. Спортга оид ўзлашмалар: картинг, брасс, армстронг, дисквалификация, аэробика, федерация, *тренажер (зал, клуб), супероғир вазн, моториал, мундиал, экстремал велокросс, рафтинг, бейжампинг, стритлагинг, сёрпинг (сёрпер), буллрайдинг, хелискинг, дайвинг, бодибильдинг, боулинг, гольф, кейв-дайвинг* ва б.

6. Маданият, санъат ва алоқа воситаларига оид ўзлашмалар: *шоубизнес, клип (трэкли клип, сюжетли клип), клипмейкер, фонограмма, саундтрек, ремикс (тез ижро этиладиган), микс (секин ижро этиладиган), видеоролик, топ, хит, хит-парад, имиждмейкер, полифоник мусиқа, эксклюзив, фотофакт, номинация, тақдимот (презентация), мегаялдуз, SMS-FM, «Радио-рекордс» студияси, поп-мусиқа, кинобизнес, киномания (синемания), пиар(антиреклама), мистика, титджей (дискотек клуб бошловчиси), аджей (радиобошловчи), сериал, анонс, кастинг (танлов), цитком, гала-концерт, арт-клуб; уяли телефон, тариф, баланс, абонемент, оператор* ва б.

Кўринадики, бугунги кунда ҳали луғатларимизда қайд этилган кўпгина ўзлашмалар матбуот саҳифаларида қўлланиб келмоқда.

Капалак ўзин урмас ҳароратсиз шуўлага,
Чигиртка ҳам жўр бўлмас бегона ашулага.
Нурдек қадим қонинг бор,
Довруғинг бор, шонинг бор,
Бўй берма чалажаноб ёки чаламуллага.
Қалб қўрғонин чечаги – пок ниятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!



Иқбол Мирзо



МИГРАЦИЯ (ҲИЖРАТ) САБАБЛАРИ НИМАДА?

Фразеология ҳақида умумий маълумот

БУГУНГИ ДАРСА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларига-ча тушуниб, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



41-машқ. Матн мазмунини диққат билан ўзлаштиринг.



Ўтган дарсада айтиб ўтганимиздек, эмиграция – бу бошқа давлатга доимий яшаш учун кўчиб ўтиш жараёни.

Муҳожир (эмигрант ёки иммигрант) уни мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур қилган ҳолатлар туфайли шундай қарор қабул қилади. Одамнинг ҳозирги шароитида яшашни истамаслиги ёки қобилиятсизлиги. Бу унинг ҳаётига таҳдид ҳам, иқтисодий сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Бу ҳолатларга қуйидагилар киради:

- яшаш жойидаги қийин сиёсий, иқтисодий ва экологик вазият;
- яшайдиган мамлакатда таълим олиш, даволаниш ва ўзини ҳаётга татиқ этиш имконсизлиги.

Ҳижратнинг асосий сабаби – яшаш шароитларини яхшилаш. Бунга яхши маълумот олиш, яхши маошли иш топиш, яшаш шароитларини яхшилаш киради. Мигрантларнинг аниқ статистикасини айтиш қийин...

Миграция масаласини миллий миқёсда кўриб чиқадиган бўлсак, одамлар табиий шароитда яшаш шароитлари ва ривожланиш учун кўпроқ имкониятлар мавжуд бўлган катта шаҳарларга жалб қилинади. Агар илгари муҳожир ўзи учун кичикроқ шаҳарни танлаган бўлса-ю, лекин озроқ унга яқинроқ бўлса, энди транспорт соҳаси ривожланиши билан бу тенденция пасаймоқда. Бирор киши иш ва ўқиш имконияти мавжуд бўлган метрополга борган тақдирда, минглаб километрларни босиб ўтишга тайёр. Натижада, бундай шаҳарларнинг аҳолиси муҳожирлар ҳисобига кўпая бошлайди.

Миграциянинг бир неча турлари мавжуд:

- ҳудудий;
- вақтинча (ўз минтақангизга қайтганингизда);
- сабаб ва натижа;
- амалга ошириш усули бўйича.

Асосан, миграция ички, яъни кўчириш мамлакат ичида ёки битта ҳудудий бирлик ичида амалга оширилади. Масалан, қишлоқдан одамлар шаҳарга, кичик шаҳардан катта шаҳарга, бир вилоятдан бошқасига кўчиб кетишади ва ҳоказо.

Бошқа таснифлаш мезони – бу давомийлик. Унга кўра, миграция қуйидагича бўлиши мумкин:

➤ вақтинча: бошқа жойга кўчиб ўтиш маълум вақтинчалик шартни талаб қилади. Яшаш муддати тугаши билан, муҳожир ўз ватанига қайтиши шарт;

➤ мажбурий: бу вақтинчалик миграциянинг белгиланган доирасига риоя қилмаслик оқибатидир. Бундай ҳолларда таъсир қилиш воситаси депортация ҳисобланади;

➤ мавсумий: бирор киши бошқа шаҳар, вилоят, бир мавсум давомида ишлаётганда содир бўлади;

➤ маятникли(кундалик): табиатдаги миграциянинг энг қисқа тури. Бу иш ёки ўқиш жойининг жойлашуви билан боғлиқ, сафарлари ойлик, ҳафталик ёки ҳатто кунлик бўлса;

➤ доимий: бу нафақат хоҳиш билан, балки муҳожирнинг ўзи танлаган жойда доимий қолиш имконияти билан ҳам оқланади.

Минтақанинг иқтисодий ривожланиши учун вақтинчалик миграция катта роль ўйнайди, аммо доимий равишда демографик ўсишга ёрдам беради.

Эмиграция

Хўш, эмиграция/ҳижрат нима? Бошқача қилиб айтганда, бирон бир сабабга кўра, одам ўз мамлакатини ташлаб, бошқа давлат чегарасини кесиб ўтади ва унга автоматик равишда муҳожир мақоми берилади. Кейин мантиқий савол туғилади: сайёҳ ҳам муҳожирми? Мутлақо нотўғри. Эмигрантдан фарқли ўлароқ, сайёҳлик ёки хизмат сафари қисқа муддатли характерга эга, ўзига хос белгиланган муддати бор ва эмиграция бошқа мамлакатда узоқ вақт туришни англатади. Бундан ташқари, одамда муҳожирликнинг бир ёки бир неча сабаби бўлиши мумкин. У мамлакатдан чиқиб кетиши мумкин, чунки:

- моддий жиҳатдан ўз ватанида ўзини таъминлай олмайди;
- руҳан амалга ошириб бўлмайди;
- чет элда маълумот олиш ёки узоқ муддатли тиббий ёрдам олишни истайди;
- ҳарбий операциялар бошқа давлат ҳудудида бўлиб ўтмоқда (асосан, ҳарбий хизматга мажбур бўлганлар тоифасига тегишли);
- ота-боболарнинг ватанига қайтиш истаги бор;
- хорижий компанияда мартаба олиш имконияти мавжуд.

Кетиш сабабига қарамай, бу ҳар доим ҳам ватаннинг фуқаролигини йўқотиш ва бошқа давлат фуқаролигини автоматик равишда олиш билан боғлиқ эмас.



Иммиграция

Таъриф эмиграция нуқтаи назаридан қарама-қарши. Хўш, иммиграция нима? Оддий қилиб айтганда, агар эмиграция чиқиш бўлса, унда иммиграция мамлакатга кириш ҳисобланади. Кўпинча бу таъриф «миграция» сўзи билан адаштиради. Миграция мамлакат ичкарасидаги қўзғалишни англатади, унга кириш эмас. Ушбу жараённинг сабаблари эмиграцион хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мамлакатлар ўртасидаги турмуш даражасидаги тафовутлар;
- қўшимча иқтисодий имкониятларнинг мавжудлиги;
- яхши маълумот олиш ёки яхши иш таклифи олиш имконияти;
- ривожланган ижтимоий тузилма;
- ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек сиёсий таъқиблар.

Қайта иммиграция

Одамлар учун ўз ватанларини тарк этиш истаги турли сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин. Аммо, улар айтганидек, биз бўлмаган жой ҳамиша яхши. Баъзилар муаммосиз янги жойга мослашадилар ва доимий яшаш жойларида қоладилар, баъзилари кўп вақт ўтгач, қайтиб келишга қарор қилишади. Бундай ҳолда улар қайта иммигрант(реэмигрант) мақомига айланади.


(immi-i.com)



1. Матн типи, услубини аниқланг. Матннинг типи, услубига доир хусусиятларини изоҳланг. Олган маълумотларни жадвал, чизма кўринишида тасвирланг.



2. Мавзуни ўрганиб, унинг аннотациясини ёзинг.
3. Венн диаграммаси орқали эмигрант билан иммигрантнинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатинг.





4. Сиёсатчи сифатида «Миграция – глобализациянинг узвий бир қисми» мавзусида муҳокама юритинг. Бунинг учун ушбу «Ҳар бир инсон ҳуқуқли...», «Муҳожириликнинг асосий сабабларидан бири...», «Глобализация деганимиз бу...» каби жумлалар атрофида фикр юритишингиз мумкин. Тузган матн таркибида фразеологик бирликлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг ҳамда уларнинг нутқимиздаги аҳамиятини тушунтиринг.



Фразеология ҳақида умумий маълумот

Тилнинг луғат таркибидаги сўзлардан ташқари иборалар ҳам қўлланади. Иборалар тилшуносликда фразеологизмлар деб, уларни ўрганадиган соҳа эса **фразеология** деб юритилади.

Фразеология грекча «**фразис**» – **ибора ва «логос**» – **таълимот** деган маъноларни англатади.

Фразеологизмлар таркиби энг ками билан икки сўздан ташкил топган бўлади. Фразеологизмлар ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда қўлланиб, умумий бир кўчма маънони англатади. Яъни, маъносига кўра битта сўзга тенгдир. Масалан, **кулди** сўзни билдирса, **оғзи қулоғига етди** фразеологизмдир.

Фразеологизмга хос хусусият шундан иборатки, унинг таркибидаги, сўзлар ўзининг лексик маъносининг мустақиллигини йўқотади. Фразеологизмларнинг лексик маъносидан келиб чиқмайди. Масалан, **қулоқ чиқарди** деган ибора **қулоқ** ҳақида ҳам, **чиқариш** ҳақида ҳам тушунча бермайди, яъни, «**ердан униб чиқди**» ёки «**барг ёзди**» маъноларини англатади.

Маъно жиҳатидан бир бутунликка эга бўлган бундай фразеологизмлар синтактик жиҳатдан ҳам ажралмас бир бутунликни ифодалайди. Масалан, **Жўра-нинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Бу ҳолатни у кўз қири билан кузатди.**

Биринчи гапда фразеологизм кесим, иккинчи гапда эса тўлдирувчи вазифа-сида келган.

Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнида халқаро меҳнат миграцияси ҳам алоҳида ўринга эга. Халқаро товар, хизмат ҳамда сармоя бозори билан бир қаторда ҳозирги даврда бозор муносабатининг ривожланишида халқаро меҳнат бозори муҳим аҳамият касб этади.

Толаметова З.А.





42-машқ. Матнни овоз чиқариб, ифодали ўқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Мен ватандан кетмаганман,
Айри тушганман холос.
Ажрагандек сув кечарда
Бир нафас тандин либос.

Юрт у ёнда, мен бу ёнда,
Ўртада ҳижрон сели,
Анга кўприк ташламакка
Байтларим бўлди асос.

Ўқсиб-ўқсиб йиғладим мен,
Мисли тил билмас гўдак,
Онаизор кўкрагидан
Айрилиб қолган бехос.

Мен Ватанда Холмуҳаммад
Ўғли Зокиржон эдим,

Фурқатий деб ном қозондим.
Бунга ҳижрон иқтибос.

Сўнмаган ишқ ўлмаган қалб,
Бир уюм тупроқ бўлиб,
Сарзаминдан бош кўтарди,
Ушбуга қабрим қиёс.

Ким ватан деб ёна-ёна
Кул бўлиб битмиш магар
Ўт-оловни мендан олсин,
Ўт-олов мендан мерос.

Шоирингни ёд этарда ўзбегим,
Сендан ўтинч:
Бир-бирингга қил мурувват,
Бир-биринг бағрингга бос!

Абдулла Орипов



1. Матн типи, услубини аниқланг. Бошқа услублардан фарқини белги-ланг.
2. Матндаги бадий-тасвир воситаларини қуйидаги жадвал бўйича тас-нифланг. Уларнинг нутқдаги ролини аниқланг.

| Бадий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|-------------------------|----------|---------|
| Ташбеҳ (ўхшатиш) | | |
| Талмеҳ | | |
| Муболаға | | |
| ... | | |

3. Матн услуби, типини ўзгартириб, қайта баён қилинг.
4. Тингланган материални ишончлилик нуқтаи назаридан баҳоланг.



5. Ушбу шеърда берилган мавзунинг дарс мавзусига қандай алоқаси бор? Бор бўлса, у муҳожирликнинг қайси турига киради? Гуруҳда муҳокама қилиб, тақдимот сифатида синфга тақдим этинг.
6. Матнда келтирилган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли нима учун Фурқатий деб ном олди? Ушбу мавзу сизга танишми?
7. Ўзбек адабиёти тарихида тақдири шунга ўхшаш яна қандай тарихий шахсларни биласиз? Фикрингизни далиллар билан асослаб, баён этинг.



«Миграция – глобаллашувнинг узвий бир қисми» мавзусида оммавий чиқиш учун нутқ ёзиб келинг.





ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИГРАЦИЯ

Сўзнинг валентлиги

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларига ча тушуниб, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



43-машқ.

Матнолди топшириқлар:

1. Қуйидаги тасвирларни кузатинг. Қандай ғоя берилган? Мазмун-моҳиятини аниқланг. Ушбу вазият нима учун келиб чиқди, деб ўйлайсиз?
2. Фикр-мулоҳазаларингизни хулосалаб, синфга тақдим этинг.





Тилшуносликда валентлик тушунчаси остида уч жиҳатни фарқлаш лозим:

1. Сўз валентлиги.
2. Синтактик валентлик.
3. Грамматик шакл валентлиги.

Сўз валентлиги масаласида зукко олим Ҳ.ф.Неъматов таъкидлаганидек, икки муаммони фарқлай олиш ўта муҳимдир. Булар: **лисоний** валентлик ҳамда **нутқий** валентлик.

Лисоний валентлик сўзнинг семантик структурасида мужассамланган яширин имконият бўлиб, у маълум бир сўзнинг муайян бир маъновий туркум сўзлари билан меъерий равишда боғлана олиши, бирика олиш қобилиятига эга эканлигини ифодалайди. Сўзларнинг лисоний валентлигидаги бу имконият **сўз валентлиги** ёки **семантик (маъновий) валентлик** деб юритилади. Мисол тариқасида [ёзмоқ] сўзининг маъновий валентлигини кўриб ўтамыз: ким?, нимани?, кимга? ёзди қачон?, қандай?, нима билан?, нима сабабдан?, қанча?

(Эрталаб Карима акасига хатни шаҳар ташқарисига зудлик билан чиқиб кетаётганлигини билдириш учун шошилганича қаламда қисқагина ёзди.)

Демак, [ёзмоқ] сўзи ўз маъносини тўла очиб бериши учун юқоридаги сўроқларга жавоб бўла оладиган сўзлар билан кенгайтирилиши (нутқда бирикиб келиши) талаб этилади. Нутқий валентлик яширин имконият, моҳият, умумийлик, зарурият бўлган лисоний валентликнинг моддийликка эга бўлиши, яъни рўёбга чиқишидир.

Сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида сўзларнинг ўзаро боғланишида пайдо бўлмайди. У нутққача, яъни тилда – тил «бирлиги» сифатида сўз маъно таркибида мавжуд бўлади, «яшайди», юзага чиқишга тайёр турган имконият тарзида сақланади.

Бириктирувчи сўз маълум бир маъновий туркум (гурӯҳ) сўзлар билан бирикиши учун бу туркум сўзларнинг маълум бир синтактик шаклда бўлишини талаб этади. Сўз лисоний валентлигидаги бу томон **синтактик валентлик** дейилади. Маъновий валентлик ва синтактик валентлик сўз лисоний валентлигининг ажралмас икки томонидир. Синтактик валентлик билан маъновий валентлик баъзи ҳолатларда ўзаро нисбий мутаносиб боғлиқликда бўлади, яъни бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради.

Масалан:

1. *Салим китобга ёзди* (фаол манба ҳаракат).
2. *Салим китоб ёздирди* (сабабчи манба ҳаракат).
3. *Салим учун китоб ёзилди* (сабабчи манба ҳаракат).

ЁДДА САҚЛАНГ!

Демак, ҳар бир сўзнинг тилда бошқа сўз билан бирикиш имконияти сўзнинг валентлиги дейилади. Грамматик жиҳатидан бирикиш имконига эга бўлган барча сўзлар бирикиб кетмаслигига мантиқ, яъни ақл-идроқ йўл бермайди. Жумладан, *қора* ва *сут* сўзи бирика оладигандай кўринади, лекин мантиқ «қора сут» бўлишига йўл қўймайди.



44-машқ.

Мия оқими – бу мутахассислар, олимлар ва малакали ишчилар сиёсий ёки иқтисодий, диний ёки бошқа сабабларга кўра мамлакат ёки минтақадан кўчиб кетадиган жараён.

Ушбу атама «Британника» энциклопедияси томонидан «маош ёки яшаш шароитини яхшилаш учун олий маълумотли ёки профессионал ходимларнинг бир мамлакатдан, иқтисодиёт секторидан ёки минтақадан бошқасига кўчиши» деб таърифланади. «Мия оқими» (Браин Драин) ибораси 1950 йилларнинг бошларида пайдо бўлган – Буюк Британияда инглиз олимла-

рининг Америка Қўшма Штатларга оммавий равишда кўчиши жараёни тасвирланган.

«Мия оқими»нинг асосий сабаблари:

- иш ҳақининг паст даражаси;
- моддий-техник ва асбоб-ускуналар базасининг сустлиги;
- мамлакатда олим мақомининг паст обрўси.

Чет элга «мия оқими» жараёни 1990 йилларнинг бошларида КСРИ (СССР) парчаланганидан кейин, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашганда бошланди. Бундан ташқари, КСРИ парчланиб кетганидан кейин мамлакатни тарк этган кўплаб рус олимлари илмий доирада етакчи ўринларни эгаллашган.

Баъзи тадқиқотчилар Россиянинг 1990-йилларда «мия оқими»дан 50 миллиард долларга тушадиган йиллик йўқотишларини баҳоладилар ва бу мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди, деб таъкидлашди.

«Мия оқими» Европа ҳамжамиятини жуда ташвишга соладиган масаладир. Европада «мия оқими», биринчи навбатда, илмий элитанинг – La Creme de La Creme, яъни ёрқин истеъдоди улар ишлаётган мамлакатга катта фойда келтириши мумкин бўлган «илм юлдузлари»нинг йўқолиш хавфи сифатида қабул қилинади. Бутун Европа Иттифоқи миқёсида илм-фанга сарфланадиган харажатларни кўпайтириш режалаштирилмоқда, бу эса чет элдан келган маҳаллий университетларнинг иқтидорли битирувчиларини иш билан таъминлашга ёрдам беради. Гап шундаки, ЕИ тадқиқотларга АҚШ ва Японияга қараганда кам маблағ сарфлайди (2005 йилда ЯИМнинг 1,9% ва 2,8% ва 3%). Молиялаштиришнинг кўпайиши юз минглаб янги иш ўринларини яратади ва бу «мия»ларни жалб қилади. Ҳозирги кунда АҚШ ва Японияга қараганда кўпроқ талабалар бирлашган Европадаги университетларда таҳсил олмоқдалар. Бироқ Европа Иттифоқида олимлар камроқ – 2005 йилда 1000 нафар ишчиларнинг 5,4, АҚШда – 8,7, Японияда – 9,7% ини ҳосил қилди.

(Интернет манбаларидан)



1. Матн типи, услубини унинг ўзига хос белгиларига кўра далиллаб изоҳланг.

2. Матннинг асосий ахборотини аниқланг. Тезис сифатида баён этинг. Муаллиф қандай муаммо кўтарган?
3. Муаллифнинг ўз кўзқараши ифодаланган майда тафсилотларни аниқланг.



4. Муаллиф кўзқарашига ўз муносабатингизни билдиринг, баҳоланг.



5. Дарс мавзусидан келиб чиққан ҳолда таъсирли нутқ яратиш учун унга ёрқин бўёқ сифатида мурожаатномаларни қўшиб, тасвирлаш типдаги 3-5 жумладан иборат матн тузинг ва ёзма баён этинг.
М., «Тақдир шамоли учирганлар», «эркин ҳодиса», «қуллар мамлакати», муҳожирлар сиёсатини қўлловчилар», тақдиридан безганлар», «яши ҳаёт ортидан».





Миграция жараёнлари давлат томонидан бошқарилади ва у давлат сиёсатининг асосий муҳим соҳасидир. Бунда давлат маъмурий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ахборот ва бошқа услублардан фойдаланади. Давлат ҳам ички, ҳам ташқи миграцияни тартибга солиши керак.



- 45-машқ.** Анна-Ли (Анно) Саксенианнинг «Янги аргонавтлар: глобал иқтисодиётнинг минтақавий устунликлари» китоби муқоваси ва аннотацияси билан танишинг. Сизнингча, муаллиф қандай масалаларга урғу беради? Муаллиф кўзқарашини аниқланг. Ўз муносабатингизни билдиринг.

Анна-Ли (Анно) Саксениан – Калифорниядаги Беркли университетининг Ахборот мактаби ҳамда шаҳар ва минтақавий режалаштириш факультетининг декани ва профессори. Унинг энг сўнгги – «Янги аргонавтлар: глобал иқтисодиётнинг минтақавий устунликлари» номли китоби Ҳиндистон, Тайван ва Исроилдан келган малакали муҳожир-муҳандисларнинг

тарихий ватанларида технологик тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга қандай таъсир кўрсатишига бағишланган. Ушбу монография иммигрантлар иштирокида маҳаллий ва глобал тармоқларни ўрганиш, Силикон водийсидаги рақобат ва тадбиркорликнинг маданий асослари устида ишлашни давом эттираётганлиги ҳақида сўз юритади.



Дарс мавзуси бўйича тасвирлаш типида матн тузиб келинг.



ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИГРАЦИЯ

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушуниб, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



46-машқ.

Ақлий ҳужум:

1. Интеллектуал миграция мавзуси бизнинг давлатимиз учун долзарбми?
2. Қандай ўйлайсиз, сабаби нимада?
3. «Нима учун ёшлар мамлакатдан чиқиб кетяпти?» саволи устида муҳокама юритинг.
4. Юқоридаги саволлар устида ишлаб, фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб, синфга тақдим этинг.





Туркий тилларнинг бизга маълум бўлган қадимги ёзма ёдгорликлари – тош, сопол, ёғоч ва териларга ёзилган битиклар (Кул тигин, Тўнжукүк каби битиклари), тангалар, расмий ҳужжатлар VII–VIII асрларга оид бўлиб, уларнинг тил хусусияти бу даврга келиб, бир қолипга тушган умумтуркий ёзув тилининг шаклланганидан далолат беради. Бундай ишланган, бир қолипга тушган ёзув тилининг шаклланиши бир неча асрлар аввал бўлган эди, дейишимизга асос бор.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг ўлмас «Қутадғу билиг»дек фалсафий-дидактик поэмаси, XII–XIII асрларда ёзилган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари, «Ўғузнома» каби ёзма ёднома-лари, Қул Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари» фақат ўзбек халқининггина эмас, бу асарлар битилган даврда Ўрта ва Марказий Осиёда истиқомат қилган барча туркий халқлар (турк, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, қорақалпоқ ва б.)нинг ҳам қадимги ёзма ёдгорликлари деб билиш керак. Шундай экан, XI ёки XII асрларда ўзбек халқи ва унинг тили, бошқа асосий туркий халқлар ва тиллар билан баробар шакллана бошлаган эди.

XI–XIV асрга келиб, сиёсий ва ижтимоий парокандалик (Қорахонийлар давлатининг иккига бўлиниши ва б.) туфайли икки хил адабий тил шаклланди: бири – Сирдарё қуйи оқими, Озарбайжон, Қрим, Мисрда тарқалган **й** лашувчи **қипчоқ-ўғуз** гуруҳи адабий тили, **иккинчиси** – Мовароуннаҳрда шаклланган **д-з-з** лашувчи **ўғуз-қипчоқ** адабий тили. Ҳар икки адабий тил XV асрда Навоий асарларида мукаммаллаштирилган ягона эски ўзбек адабий тилига асос бўлди. Ҳар икки адабий тилнинг асосини – қорахонийлар даврида шаклланган **эски туркий тил** деб тушуниш керак.

XIV асрда Лутфий, Саккокий, Атоий каби буюк шоир, ёзувчи ва машҳур олимларнинг хизматлари туфайли бойиган умумўзбек адабий тили XV асрда Алишер Навоий томонидан мукаммал адабий тил даражасига кўтарилди. Араб ва тожик (форс) тилларини мукаммал билган, тожик (форс) тилида «Фоний» тахаллуси билан девон тузган Алишер Навоий шу тилларнинг фазилатларини ўзбек (турк) тилига сингдириб, ўзбек (турк) тилининг бой имкониятлари ва нозик томонларини назарий жиҳатдан исботлаб, ўзи ҳам шу тилда буюк асарлар яратиб, эски ўзбек адабий тилини мукаммаллаштирди ва шундай юксак поғонага кўтардики, бу тил бутун Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа ўлкаларда ижод қилувчи шоир ва ёзувчиларга намуна бўлди ва бир неча асрларгача шу услубда, шу адабий тилда асарлар яратилди.

ЁДДА САҚЛАНГ!

Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбаларига ёзма обидалар – бадий, илмий асарларнинг матнлари, шева материаллари, жой номлари, киши исмлари, ҳозирги ўзбек адабий тили материаллари, тарихий лингвистик луғатлар, туркшуносликка оид ўзбек, рус ва хорижий олимларнинг тадқиқот ва қўлланмалари киради.



47-машқ. «Жигсо» усули орқали синчиклаб ўқиб, матнни ўзлаштиринг, гуруҳда муҳокама қилинг. Яхлит матнни нояхлит матн тарзида тақдим этинг.

1. Бугунги кунда интеллектуал миграция муаммоси дунёнинг барча мамлакатлари учун жуда муҳимдир. Глобал жараённинг субъекти сифатида Қозғистон бу муаммодан четда қолиши мумкин эмас. Айти пайтда мамлакатда билимли ёшларнинг чет элга чиқиб кетиш жараёни кучаймоқда.

Шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки йилларида ва бугунги кунда мамлакатни тарк этган билимли мутахассислар касбининг хусусиятларини сифатли ва миқдорий равишда қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек битирувчиларнинг, яъни ёш иқтидорлиларнинг чет элга чиқиш сабабларини аниқлаш, ички фикр марказларини ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳимдир.

Ҳозирги глобаллашув даври юқори миграция фаоллиги билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар ушбу жараёнга катта эътибор беришмоқда. Иккинчи Жаҳон урушидан олдин илмий ишларнинг кўп қисми халқаро миграцияга бағишланган эди, аммо бугунги кунда интеллектуал миграциянинг омиллари ва механизмларини ўрганишга эҳтиёж мавжуд.

«Мия оқими» (инглизчадан: brain drain) – сиёсий, иқтисодий, диний ёки бошқа сабабларга кўра, яъни муҳожирот жараёнига мутахассислар, олимлар ва малакали ишчиларнинг оммавий чиқиб кетиш, яъни эмиграция жараёнини тавсифлайди. Албатта, агар баъзи экспертлар мамлакатни тарк этган мамлакатларга катта иқтисодий, маданий ва баъзан сиёсий зарар етказса, аксинча, қабул қилувчи давлатлар катта ва арзон интеллектуал капиталга эга бўлишади. Ақлли ёшлари ва мутахассисларини йўқотган мамлакат эса зиён кўради.

2. Бизнинг мамлакатимиз учун ўқимишли мутахассислар, чет элларга ўқишга кетаётган зиёлиларнинг қайтиб келмай қолиш хавфи катта

ташвиш туғдирмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, интеллектуал миграциянинг улкан оқимини – юқори маълумотли мутахассисларнинг чиқиб кетиши ва чет элда олий маълумот олишни орзу қилган ва мамлакатга қайтмаган ёшларнинг аҳволини таҳлил қилиш керак.

Мамлакат мустақилликка эришган пайтга, яъни 90-йилларнинг бошидан 2000-йилларигача, тафаккур оқими чет элга чиқиб кетган пайтга тушунарли назар билан қараш мумкин. Зеро, Қозоғистонда истиқомат қилувчи кўп миллат вакиллари тарихий ватанларига қайтишди. Давлат статистика маълумотларига кўра, 1994-2004 йиллар оралиғида Қозоғистондан 245,390 нафар олий маълумотли, 82,974 нафар тўлиқсиз маълумотли ва 463,323 нафар ўрта махсус маълумотга эга кишилар чиқиб кетишган. Кетганлар ва келганлар ўртасидаги фарқ: 152 949 нафар олий маълумотли, 36 947 нафар ўрта махсус маълумотли 383,705 кишидир. Ушбу харажатлар 2004 йилгача юқори эмиграцион фаолликни ва бошқа этник гуруҳларнинг миграцияси даражаси пасайганлиги сабабли 2004 йилдан бери нисбатан паст фаолликни акс эттиради. Мамлакатни доимий равишда тарк этган олий маълумотли мутахассисларнинг таркибини таҳлил қилсак, 1996-2004 йилларда мамлакатни тарк этган 184 632 кишининг 47,563 нафари техник, 37990 нафари педагогик, 19266 нафари тиббий, 18380 нафари – иқтисодий, 12 061 – архитектура ва қурилиш, 9595 – қишлоқ хўжалиги, 4500 – ҳуқуқ, 35 277 – бошқа мутахассисликлар.

3. Энди келинг, «мамлакатимиздан чет элга «мия оқими»нинг сабаблари нима» деган саволга жавоб излайлик. Бугунги кунда бунинг асосий сабабларидан бири – бу маълумотли мутахассисларнинг, айниқса, ёш онгларнинг кадрланмаслиги ва кўпинча ёшларни иш билан таъминлашга тўсқинлик қиладиган кенг тарқалган коррупция. Улар интеллектуал меҳнат юқори ҳақ тўланадиган жойларда яхши даромад олиш имкониятларини излашга мажбур бўлади.

Йигирманчи асрнинг 90-йилларида ақлий миграция Совет Иттифоқи қулаганидан кейин Қозоғистонда истиқомат қилаётган ўзга миллат вакилларининг ўз тарихий ватанларига қайтиб кетиши билан тавсифланса, бугунги кунда эса мамлакатимиздаги энг билимли ва ақлли ёшларнинг тарк этиши моҳияти мутлақо бошқача. 2000-йиллардан кейин «мия оқими» миллий сифатда эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, илмий тадқиқот масалаларига боғлиқ ҳолда ҳам ўзгара бошлади.

Мамлакатимиз олий маълумотли фуқароларининг бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши «мия оқими»ни кучайтириб, жамиятимизга салбий таъсир кўрсатди.

2009 ва 2010 йиллардаги глобал инқироз мамлакатдаги «мия оқим»ларга ҳам таъсир кўрсатмай қўймади. Яъни, кўчиш жараёни барқарорлаш-

ди. 2017 йилда, яъни сўнги йилларда иқтисодчиларнинг чет элга оқими бошқа мутахассисларга қараганда кучлироқ бўлади. Улар – 2805 нафар бўлса, 1633таси ўқитувчи, 5293 нафари техник мутахассислар, 578 нафари тиббиёт ходимлари ва 453 нафари архитекторлар. Кўриб турганимиздек, иқтисодиёт соҳасида мутахассислар учун кенг иш ўринлари мавжуд: савдо, хизмат кўрсатиш, бизнес ва бошқа тармоқлар.

Маълум бўлишича, Қозоғистонда интеллектуал миграция жараёни турли омиллар: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, этник, экологик ва бошқа таъсирлар билан боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки йилидан бери миграция жараёнларини тартибга солиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган бўлса-да, у ҳалигача ҳал қилинмаган.

2000 йилда техник соҳани 13998 киши тарк этган бўлса, ҳозир 5293 киши бу соҳани тарк этди. Шу сабабли, интеллектуал миграция жараёнида технология соҳасидаги мутахассислар оқими ҳали ҳам кучли.

Мамлакатимиз келажаги – бу илм-фан ва таълимни ривожлантиришга бевосита ҳисса қўшадиган бугунги ёшларнинг онги. Умуман олганда, зиёлиларнинг кетиши мамлакатимиз учун катта йўқотишдир ва мамлакатни бирга ушлаб турадиган ёшларимизнинг чет элга ўқишга кетиб, қайтиб келмаслик хавфи ҳали ҳам мавжуд.

4. Чет эл университетлари тафаккурли онгни жалб қилиш учун кўплаб самарали чораларни кўрмоқдалар. Улар қозоғистонлик битирувчиларни турли хил бепул грантлар билан жалб қилмоқдалар. 1996 йилдан бери Германия немис тилида сўзлашадиган мактаб ўқувчиларини тил билиш даражаларига қараб ҳар қандай университетда бепул таълим олиш учун номзод сифатида қабул қилмоқда. Болтиқбўйи давлатлари ҳам талабалар учун стипендиялар ва бепул уй-жойларни таклиф қилиш орқали жалб қилишни бошладилар.

Россия қозоғистонлик мактаб битирувчиларини ўзига жалб қилмоқда. Кўпинча олимпиада ўтказиш орқали бизнинг ўқувчиларимиз танлаб олинади ва бепул таълим олиш учун таклиф қилинади. У бизнинг энг истиқболли талабаларимизни бирлаштириб, стипендиялар, ётоқхоналарда бепул яшаш ва бошқа иш имкониятларини таклиф этади. Шунингдек, Россия университетлари Қозоғистонда кўчма имтиҳонларини ўтказадилар. Бу, ўз навбатида, имтиҳон топшириш учун бошқа давлатга боришдан кўра самаралироқ. Шунингдек, масофадан туриб синов ҳам мавжуд. Бу шунингдек, англис тили, университетга кириш осонроқ.

Ёшларимиз чет элга чиқиб кетишининг яна бир сабаби шундаки, аксарият битирувчилар ЯМТдан кўрқишади, меъёрий чеклов балидан ўтмаган талабалар кўпинча чет давлатни, айниқса, Россияни танлайдилар. 18



ёшдан ошган ёшлар – бу давлатнинг энг бебаҳо бойлигидир. Бепул мактаб таълимига, бакалавр ва магистр даражаларига давлат катта пул сарфлайди. Бизнинг кадрларимизни бошқа давлатга ўтиб кетиши жуда ачинарли.

Қозоғистоннинг тафаккурли онги АҚШ, Канада, Россия, Германия, Исроил, Гонконг, Сингапур ва Хитойга тарқалмоқда. Ўз мутахассисларимиздан фойдаланиш чет элдан мутахассисларни жалб қилишдан кўра фойдалироқ. Қайтариб бўлмайдиган интеллектуал муҳожиротнинг

оқибатларини енгиш қийин, чунки бутун дунёда оқилона рақобат кучаймоқда ва Қозоғистон ўз билимлари ва истеъдодлари учун ҳозирча махсус таклиф билан чиқмаган. Яъни, ривожланган давлатлар билан таққослаганда иш ҳақи даражаси, ижтимоий пакет ва бошқа кўплаб параметрлар бўйича ҳеч қандай афзалликлар йўқ.

Биз инсон ва интеллектуал капитални йўқотиш натижасида етказилган зарарни баҳолаш ва таҳлил қилишимиз керак. Акс ҳолда, мамлакатнинг соҳалари ва ҳудудларидаги ишчи кучининг истиқболли эҳтиёжларини баҳолаш қийин.

Таълим ва фан вазирлигининг маълумотларига кўра, Қозоғистонда 20 мингга яқин чет эллик талаба таҳсил олади. Хорижда таҳсил олаётган талабаларимиз сони 120 мингга яқин. Россия Таълим вазирлиги веб-сайтига кўра, қозоғистонлик 100 мингга яқин талаба Россияда таҳсил олади.

Сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?

*Каргаш Жанпейсова, с.ф.н
Гулназ Калиаскарова, докторант
(egemen.kz)*



1. Матндаги муаллиф кўзқарашини аниқланг, ўз муносабатингизни билдиринг: «қўшиламан»/«қўшилмайман». Фикрингизни асосланг.

Қуйидаги жадвалга муаллиф томонидан кўтарилган муаммоларни ёзиб, ечимларини тавсия қилинг.

| Муаммо | Ечими |
|--------|-------|
| | |
| | |

2. Матннинг мазмунини аннотация кўринишида баён этинг. Бунинг учун қуйидаги таянч жумлалардан фойдаланишингиз мумкин: *«Ушбу мақолада шундай муаммо кўриладики,..», «Илмий мақолада шундай тушунчалар борки, улар...», «Мақоланинг мақсади ... таҳлил қилиб ўрганиш бўлиб,..», «Муаллиф ўз диққатини ... қаратади, чунки...», «Ушбу мавзуда ... масала баҳс-мунозарали бўлиб қолмоқда...», «Шундай хулосага келиш мумкинки, ..».*
3. Матн мазмунини долзарблиги нуқтаи назаридан баҳоланг.
4. Бўлим мавзусига якуний хулоса чиқариб, уч асосий ҳолатни ифода-лаб, фикрингизни баён этинг.



Қуйидаги вазифаларни бажаринг:

1. Миграция сўзини «Синквейн» усули орқали ифодаланг.

| Талаблари | Миграция |
|--|----------|
| 1. Сўзнинг морфологик шаклларини яратинг. | |
| 2. Сўз билан боғлиқ 2 та сифатни топинг. | |
| 3. Сўз билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлган ва унинг семантик маъносини очиб беришга хизмат қилувчи 3 феълни топинг. | |
| 4. Объектни тавсифловчи 4 сўздан иборат жумлаларни тузинг (юқоридаги сўзлар жумлада бўлмаслиги керак). | |
| 5. Ушбу сўзнинг маънодошини топинг. | |

2. Қуйида берилган назарий маълумотни ўзлаштириб, қисқача ахборот ёзиб келинг.



Адабий тил ҳақида гап борганда, аввало, адабий тил — халқ тилининг, миллий тилнинг олий шакли дейилган таърифга дуч келамиз. Адабий тилнинг олий шаклиги бу тилнинг ўзига хослигида, унинг ўзига хос белгилари ва вазифасида кўрилади. Адабий тил халқ тили негизида юзага келади. Адабий тилнинг пайдо бўлиши ва уни яратишдан мақсад умумхалқ оммавий алоқа воситасини яратишдир. Адабий тилдан расмий давлат тили сифатида фойдаланиш бу тилнинг ижтимоий-сиёсий соҳалар тили, расмий муомала ва ёзишмалар тили, идоровий ишлар ва ҳужжатлар тили, дипломатик алоқалар тили, радио ва телевидение тили, оғзаки тарғибот ва ташвиқот тили, илмий услублар тили, бадиий адабиёт ва сахна тили, маориф, маданият тили каби кўп йўналишларда ривож топиши учун йўл очади. Бу ҳол адабий тилда кўп вазифали хусусиятини юзага келтиради. Адабий тилнинг кўп қиррали ва мураккаб вазифалари адабий тилнинг услубан тармоқланишига, адабий тил доирасида хилма-хил нутқий услубларнинг юзага келишига олиб келдики, бу миллий адабий тилларга хос муҳим хусусиятлардан биридир.

Адабий тил ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида алоқа қуроли даражасига кўтарилади. Бу ҳол адабий тилни маданият ва цивилизациянинг воситачисига, бунга доир тушунча ва тасаввурларни ифодаловчи, ўзида сақловчи ва кейинги наслларга етказувчи қуролга айлантиради. Адабий тилда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига оид бой билимлар мужассамланган бўлади. Шунингдек, адабий тил абстракт ва мантиқий фикрлашнинг амалга ошишида ҳам восита вазифасини бажаради. Адабий тилга хос келтирилган хусусиятлар адабий тилнинг оғзаки шакли учун ҳам хосдир. Чунки ҳозирги пайтда сўзланган оғзаки нутқ матнларини ўз ҳолида ёзиб олиш ва узоқ давр сақлашнинг кенг техникавий усул ва имкониятлари мавжуд.

Адабий тил вазифасининг кенгайиши, унда мураккаб услубий тармоқланишнинг юзага келиши адабий тил восита ва имкониятларининг ривож топишини ва бой бўлишини тақозо қилади. Шу сабабли ҳам адабий тил халқ тилининг бошқа кўринишларига нисбатан бой луғавий фонди, такомиллашган грамматик қурилишга эгаллиги ҳамда услубий тармоқларининг ривож топганлиги билан фарқланади. Адабий тилда мана шу услублар талабига кўра синонимик воситалар, луғавий вариантлар, кўп маъноли сўзлар, хилма-хил маъноларни ифода қилувчи луғавий бирликлар, сўз шакллари ривож топади. Буларнинг барчаси адабий тилга кўпқиррали мураккаб тушунчалар ва фикрларни тушунарли ва осон ифодалаш имконини беради. Аммо адабий тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилиши жуда кўп сонли ва бой воситаларнинг шунчаки йиғиндисидангина иборат эмас. Адабий тилнинг луғат таркиби, грамматик тузилиши лаҳжа ва шевалардан фарқли равишда муайян қонун-қоидаларга бўйсунди, улар сараланган, ишланган, баҳоланган бўлади.



ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ

Эски туркий (ўзбек) тили

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларига таърифи, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



48-машқ. Матнни синчиклаб ўқинг.

Миграция тарихи бу инсоният тарихидир. Башарият тарихида унинг кўчиб юриши, яъни миграцион ҳаракати жуда қадимий жараён ҳисобланади. Лекин жамият тараққиётининг алоҳида даврларида, шу даврнинг ишлаб чиқариш усули, муносабатларига мос ҳолда аҳоли миграцияси ўз турлари, мақсад, вазифалари ва оқибатлари билан фарқ қилган. Бироқ ҳар бир даврнинг миграция жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб турли хил оқибатларга олиб келади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг ҳудудлар бўйлаб жойлашуви, ҳаракати ҳам миграцион ҳаракатнинг натижасидир. Инсонлар, яшаш, ишлаш, ўқиш ва моддий аҳволини яхшилаш каби мақсадларда доимо турли ҳудудлар бўйлаб ҳаракат қиладилар.

Халқаро миграция жараёнлари ўзининг узоқ ривожланиш тарихи билан бирга миграция ҳуқуқи ҳам таррақий топди. Ушбу ҳуқуқ, асосан, икки жиҳат, яъни эмиграция ва иммиграцияга оид халқаро миграцияни тартибга солиш вазифаси бўлган. Эмиграция – аҳолининг бошқа мамлакатга доимий ёки вақтинчалик (узоқ муддатга) яшаш учун (ихтиёрий ёки мажбурий) кўчишини билдиради. Иммиграция – бу ишлаш учун аҳолининг бошқа бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакат ҳудудига кўчиб ке-

лиши. Бу икки ҳолат ўртасидаги фарқ миграция сальдоси деб номланади. Эмигрантнинг ўз юртига қайтиб келиши реэмиграция деб аталади.

Халқаро миграцияда юқори малакали мигрантлар «ақлли муҳожирлар» деб аталади. XXI аср бошларида дунё ҳудудларида халқаро миграцион жараёнлар кучайди. Мутахассислар бу жараёнда иштирок этаётган аҳолини, асосан, олти гуруҳга ажратганлар:

1. Оилавий ва бошқа сабабларга кўра, доимий яшаш мақсадида бир давлатдан иккинчи давлатга кетган эмигрантлар.

2. Мигрант-меҳнаткашлар.

3. Ноқонуний иммигрантлар.

4. Қочоқлар.

5. Талабалар, стажёр-тадқиқотчилар, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар.

6. Турли мақсадда кўчиб юрувчилар-туристлар, дам олувчилар, анжуманларга қатнашувчилар ва ҳк.

Жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви баробарида миграция жараёнлари ҳам глобаллашди. Айниқса, ташқи миграция турли минтақа ва мамлакатларни ўз доирасида қамраб олди. Чунки дунёнинг ҳар қайси бурчагида юз бераётган миграция жараёнларининг асосида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва бошқа сабаблар ётади. Иқтисодий омил асосийси ҳисобланади. 2013 йилда дунё миқёсида мигрантлар 230 млн кишидан иборат бўлган. Айни пайтда дунё бўйлаб 260 миллиондан ортиқ мигрант бор.

БМТ маълумотларига қараганда, 2000 йилда жаҳон бўйича 174,8 миллион расмий мигрантлар рўйхатга олинган, ҳозирги кунда уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортган. Дунёдаги 260 миллион мигрантнинг 50 фоизи 10 та давлатдан, 67 фоизи 20 та давлатдан қўним топган. Эътиборлиси мигрантларнинг 30 фоизини 29 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мигрантлар оқими бўйича АҚШ етакчи ҳисобланади. Бу давлатда 50 миллионга яқин мигрантлар яшайди (дунё мигрантларининг 20 фоизи). Миграция натижасида турли ирқ, миллат вакилларининг аралашуви пайдо бўлиб, бунда ўзаро таъсир намоён бўлади. Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг социологик тадқиқотларига кўра, жаҳондаги мигрантларнинг 52 % ини эркаклар ва 48 % ини аёллар ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи давлатларида XXI аср бошида эркаклар улуши 48% дан 52% га кўтарилган бир пайтда Осиё давлатларида аксинча, эркаклар улуши 47% дан 45% га пасайди. 2017 йилги маълумотларга кўра, ўз Ватанидан кетаётганларнинг 36,1 миллионга яқини болалар, 4,4 миллиони талабалар ва 150,3 миллиони меҳнат мигрантларидан иборат. Мигрантларнинг 31 фои-

зи Осиёда, 30 фоизи Европада, 26 фоизи Шимолий ва Жанубий Америкада, 10 фоизи Африкада, 3 фоизи Океания давлатларида қўним топган.

Мигрантлар кўп давлатлардаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларга таъсир кўрсатади. Халқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгалламоқда. Чунки ҳозирги даврда инсоннинг яшаши учун иқтисодий омилнинг аҳамияти кучайди. Одатда миграциянинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий омил кўрсатилади. Яъни бир хил ишга икки мамлакатда бир-биридан кескин, ер билан осмон қадар тарзда фарқланадиган маош тўланиши мигрантлар масаласини кескинлаштиряпти. Айни пайтда, у ёки бу минтақада муайян соҳа мутахассисларининг етишмаслиги ҳам шу соҳа мутахассисларига катта маош тўланишига, демак, миграция оқимининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу жараённинг ибтидоси ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида АҚШда кузатилган. Ўшанда Америка нацистлар Германиясидан қочиб келган олимларни юқори ҳақ тўланадиган ишларга таклиф эта бошлаган. Миграция жараёнининг ижобий натижаларидан бири – мигрантларнинг пул ўтказмаларидир. Пул ўтказмалари оқимлари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий аҳволи яхшиланишига ҳамда жаҳон молия тизими билан бирга ривожланаётган давлатлар молия тизимининг такомиллашувига жиддий таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Статистика маълумотларига кўра, мигрантлар томонидан 2018 йилга келиб жўнатилган маблағлар миқдори 600 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган ва бу пулнинг 450 миллиард доллари ривожланаётган давлатларга жўнатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бунда инсон омили мавзуси, нафақат, иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам ўта муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда эса Шарқий Европанинг юқори малакали мутахассислари АҚШ, Канада ва Ғарбий Европадан қўним топишмоқда.

Маълумотларга кўра, мигрантларнинг катта қисми кўп миқдорда нефть экспорт қиладиган Яқин Шарқ мамлакатларига келишмоқда. Бу мамлакатларда соҳа ишчиларининг 70 фоиздан ортиғини хорижликлар ташкил этади. Шунингдек, Аргентина, Бразилия, Сингапур, Гонконг, Японияда ҳам меҳнат мигрантлари сони тобора ортиб бормоқда. Дунё бозорига меҳнат мигрантларини етказиб берувчи асосий мамлакатлар эса Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам, Жазоир, Мексика, Ирландия ва Туркия бўлиб қолмоқда. Германияда ривожланган мамлакатда аҳоли сони йилига ўрта ҳисобда 0,1 фоиз камайиб бормоқда. Бу ҳам хорижий меҳнаткашларни мамлакатга жалб этишнинг сабабларидан биридир. Аксинча, дунёнинг бошқа кўплаб давлатларида аҳоли сони кескин ошаяпти. Масалан, Фаластинда аҳоли йилига 3,7 фоиз, Яманда 3,3 фоиз, Конгода 3,1 фоиз кўпаймоқда. Халқа-

ро миграцияда мигрантлар кўп ҳолларда маҳаллий ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Иш шароити, хавфсизлик масалалари ҳам таъминланмайди. Бунда, аввало, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўришади. Бундай номутаносиблик мигрантлар томонидан норозиликни келтириб чиқаради ва улар томонидан жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда халқаро миграция жараёнларини тартибга солиш тамойиллари ва бу масалага ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

*Гулмира Азаматова
(тадқиқот)*



1. Матн типи, услубини аниқланг.
2. Муаллиф берган маълумотларни таснифланг.

| Маълумотлар таснифи (Масалан, миграция сабаблари) | ... оқибатлари | ...фоизли кўрсаткич |
|--|----------------|---------------------|
| | | |
| | | |

3. Муаллиф кўтарган муаммоларнинг рўйхатини тузинг ва ҳал этиш йўллари тавсия қилинг.

| Муаммолар | Ҳал этиш йўллари |
|-----------|------------------|
| | |

4. Миграциянинг афзалликлари борми? Камчиликлари нимадан иборат? «Т жадвали» усули орқали муҳокама қилинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|--------------|
| Афзалликлари | Камчиликлари |
| | |

5. Халқаро миграция жараёнидаги фаол иштирокчи мамлакатлар рўйхатини тузинг ва асосий сабабларини атанг.

| Мамлакатлар | Асосий миграция турлари | Изоҳ |
|-------------|-------------------------|------|
| | | |



ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ

– туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансуб тиллардан бири; маҳаллий туркий лаҳжалар негизида ўзидан олдинги даврлар (мас, қорахонийлар – XI-XII асрлар; Олтин Ўрда – XIII-XIV асрлар)нинг адабий лисоний анъаналари таъсири остида шаклланган ва XIV аср 2-ярмидан XIX аср охирларигача мавжуд бўлган ёзма китобий тил.

Эски ўзбек тили қадимги туркий тилнинг бевосита давоми ва ҳозирги ўзбек тилининг асоси ҳисобланади.

Эски ўзбек адабий тили (XIII асрдан XVI асргача). XIII асрга келиб, ўзбек адабий тили янада мукаммаллашди. Шу билан бирга, ёзма адабиётнинг кам тарқалганлиги тўғрисида унда шева хусусиятлари ҳам сақланиб қолди ва улар адабий асарларда ҳам маълум даражада ўз аксини топди. Фарғона ва Мовароуннаҳрда ёзилган адабий асарлар тили билан Хоразмда ёзилган адабий асарлар тили ўртасида маълум даражада шева фарқлари сезилиб турди. Эски ўзбек тили шаклланиб бошлаган даврда (XII аср), адабий асарларда, айниқса, уруғ тилларининг хусусиятлари яққол кўринади. Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразмда қарлуқ-уйғур, уйғур-ўғуз ва қипчоқ шева гуруҳларининг хусусиятлари сақланиши билан бирга, баъзи асарларда бу фарқлар аралаш ҳолда ҳам кўринади. Масалан, «Мухаббатнома» ва «Таашшукнома» да ўғуз шева хусусиятлари, «Хусрав ва Ширин»да қипчоқ шева хусусияти ўз аксини топган бўлса, XVI асрга оид «Бобурнома»да бу шева хусусиятлари аралаш ҳолда қўлланади. Демак, бу даврга келиб, мавжуд шева хусусиятларини ўз ичига қамраб олган умумий адабий тилни шакллантиришга интилиш кучая боради ва умумий ўзбек адабий тили шаклланди. Адабий тил соҳасида рўй берган бу йўналиш (тенденция), шубҳасиз, жонли тилда бўлаётган жараённи акс эттирар эди.

Олтин Ўрда адабий тили қорахонийлар давридаги адабий тил билан боғланган бўлиб, унинг давоми ҳисобланади. Бу икки адабий тил орасидаги фарқ – асарларнинг яратилиш ўрни ва Олтин Ўрда тилининг кўпроқ ўғуз ва қисман қипчоқ тиллари хусусиятларини ўзида акс эттиришидир. Бу даврда Мовароуннаҳрда – Бухоро, Самарқанд ва шу ҳудуддаги бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам эски адабий тил (қорахонийлар даври адабий тили) анъаналари давом этиб, Дурбек, Лутфий, Саккокий каби шоирлар ижод этади. Улар яратган адабий асарлар кўпроқ қарлуқ-уйғур тили хусусиятларини акс эттиради. Бу диалектал хусусиятлар аста-секин йўқола борди ва XV асрга келиб ягона, умумий адабий тил асосий ўринни эгаллади.

Эски ўзбек адабий тили ёзма манбаларга бой бўлиб, улар Мовароуннаҳр ва Олтин Ўрда ҳудудида яратилган.

Эски ўзбек адабий тилини баъзи шарқшунослар «чиғатой тили» деб ҳам юри-тадилар. Мўғуллар даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон (Шарқий Туркистон ва Еттисув ҳудуди) Чингизхоннинг ўғли Чиғатойга қарашли бўлиб, Чиғатой улуси деб номланар эди. XIV асрнинг охирида бу улус Мовароуннаҳр ва Мўғулистонга бўлиниб кетади. Шу тарихий сабабга кўра, бу катта ҳудудга ёйилган адабий тил айрим олимлар томонидан «чиғатой тили» деб юритилган, аммо бу ҳудуддаги адабий тилнинг Чиғатойга, мўғулларга ва уларнинг тилига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳудудда яшаган аҳоли ўз даврида «чиғатой улуси» деб номланган экан, бу ҳудудда яшаб ижод этган ёзувчи ва шоирларнинг тили «чиғатой туркийси» деб номланган, зотан ўша давр ёзувчи ва шоирлари (Саккокий, Лутфий, Атоий, Алишер Навоий) ўз тилларини туркий деб номлаганлар.



49-машқ.

Бутун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида халқаро даражада миграция хизматларини кўрсатиш зарурати юзага келганлиги муносабати билан 1951 йилда Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) га асос солинган. Унинг вазифалари – инсонпарварлик ва миграция жараёнларини тартибга солишга ёрдам бериш, миграция назорати чораларини тартибга солиш ва инсонпарварлаштириш, миграция масалаларига амалий ечимларни топиш ва муҳтож муҳожирларга, шу жумладан, қочқинлар ва мигрантлар учун гуманитар ёрдам кўрсатишда кўмаклашиш, ушбу муаммоларни бартараф этиш ХМТ ҳукумат ва мигрантларга маслаҳат ва хизматларни тақдим этади.

Миграция жараёни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан бир қаторда одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Ушбу соҳаларнинг барчасини қамраб олган ХМТ фаолияти халқаро тараққиётни рағбатлантиришга қаратилган миграция сиёсати масалалари бўйича муҳокамалар ташкил этиш, тавсиялар тайёрлаш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш масалаларини ҳал қилиш ва миграция жараёнлари билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Мазкур ташкилот миграция бўйича БМТ нинг Агентлиги ҳисобланади. Унинг фаолияти умумий манфаатлар учун инсонийликни сақлаган ҳолда миграцияни тартибга солишдаги асосий фаолиятни тартибли амалга ошириш, муаммоларга амалий ечим излаш ва муҳтож мигрантларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга қаратилган. Халқаро миграцияда иштирок этаётган

мигрантларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий ва меҳнат ҳуқуқларини назарда тутувчи давлатлараро даражадаги ҳужжатлар имзоланган.

1953 йил 19 октябрда Халқаро Миграция Ташкилоти Конституцияси қабул қилинган. Мазкур Конституция 1954 йилнинг 30 ноябридан кучга кирган. Унинг асосий мақсадларидан бири мавжуд имкониятлар етарлича бўлмаган ёки халқаро ташкилотлар кўмагига муҳтож мигрантларнинг тартибли кўчишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Халқаро Миграция Ташкилоти ўз ишини давлатлар ёки бошқа манфаатдор халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этади. ХМТ ўз фаолияти давомида меҳнат миграцияси жараёнлари ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бу борада ташкилот томонидан 1975 йилда «Миграция соҳасидаги суистеъмолликлар ва меҳнат мигрантларига имконият ва мурожаатларда тенгликни таъминлаш тўрисида»ги 143-сонли Конвенция ҳамда 1975-йилларда қабул қилинган «Меҳнат мигрантлари тўғрисида» ги 151-сонли тавсиялар қабул қилинган.

Ҳозирги кунда миграция жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган долзарб муаммоларнинг бирига айланди. Миграция муаммолари кишилик жамияти шакллангандан бери мавжуд ва ўтмишда миграцияни вужудга келтирган омиллар айни кунларда ҳам сақланиб турибди, ҳатто уларнинг долзарблиги янада ортган, чунки ҳозирги замон технологияларининг тараққиёти ахборот ва алоқа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Давлатлар ўртасидаги демографик ва иқтисодий тафовутлар чуқурлашуви, одамларнинг чегаралардан ўтиши кўринишидаги «табиий реакция» ни вужудга келтирди. Ҳозирги замонда миграция муаммолари миллий ва халқаро даражада олиб бориладиган давлат сиёсати муҳокамаларида марказий ўрин тутади.

Миграция муаммолари ижтимоий ривожланиш масаласи бўйича 1995 йил Копенгагенда ўтказилган олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувларида, Аёллар муаммоси бўйича Пекинда 1995 йилда ўтказилган Бутунжаҳон 4-конференциясида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича Истамбулда бўлиб ўтган 2-конференциясида ва шунингдек, 2001 йили Дурбанда ўтказилган ирқчилик, ирқий камситиш, ксенофобия ва келишмовчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашга бағишланган Бутунжаҳон конференциясида кўриб чиқилган. Жаҳонда мигрантлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳисобга олиб ва ватанидан олисда ишлаётган мигрантлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1990 йил 18 декабрда барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қи-

лиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни қабул қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг таклифига биноан 2000 йилдан буён ҳар йили 18 декабрь Халқаро мигрантлар куни сифатида нишонланади. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да барча одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилишлари ҳамда ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, миллий мансублигидан қатъий назар, Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарурлиги қайд этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар ҳамда ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларга халқаро мигрантлар кунини инсон ҳуқуқлари ва мигрантларнинг асосий эркинликлари тўғрисидаги маълумотларнинг бирига айланди.

*Гулмира Азаматова
(tadqiqot)*



1. Матннинг асосий ва иккинчи даражали ахборотини аниқланг.

| Асосий ахборот | Иккинчи даражали ахборот |
|----------------|--------------------------|
| | |
| | |

2. Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) асос солинишига нима сабаб бўлди? Муҳокама қилинг.
3. Ушбу ташкилотнинг асосий фаолиятини атанг. Турли хил ҳужжатларни қабул қилиш сабабларини кўрсатинг.
4. Ажратиб кўрсатилган абзацни муҳокама қилинг. Нима учун айнан ўша абзац ажратиб кўрсатилди? Ўз фирк-мулоҳазаларингизни оммавий чиқиш сифатида тайёрлаб, синфга тақдим этинг.



«Ҳижрат, муҳожирлик масалаларига муносабатингиз?» мавзусида репортаж олиш учун материал(саволлар, изоҳлар ва ҳк.) тўплаб, тайёрланиб келинг.



Навоий, Бобур ва уларнинг издошлари эски ўзбек адабий тилининг такомилига каттадан-катта ҳисса қўшдилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ўзининг таржимаи ҳолига оид асари «Бобурнома» билан машҳур. Бу прозаик асар тил ва услуб жиҳатдан юксак савиядадир. Бундан ташқари, Бобур ўзининг латиф ва гўзал ғазаллари билан машҳурдир.

Муҳаммад Солиҳ XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод этган, унинг «Шайбонийнома» асари 1510 йилда ёзиб тугатилган. Асар назм йўли билан ёзилган бўлиб, тили содда ва ҳозирги замон тилига анча яқин. Асар тилида баъзи шева хусусиятлари ҳам акс этган.



Эски ўзбек тили эски туркий тилнинг бевосита давомидир. Эски туркий тилдаги асосий хусусиятлар эски ўзбек тилида давом этади. Шу билан бирга, баъзи тил хусусиятлари эски ўзбек тилида ўзгаради. Бу ҳол тил тараққиёти туфайли рўй берадиган табиий ва қонуний ҳодисадир. Масалан, эски ўзбек тилида **д** товуши, асосан, **й** билан алмашади; шарт феълнинг қўшимчаси *-сор* тамоман *-са* шаклига ўтади; келишик аффиксларидан олдин қўлланадиган **н** (ичинда) товуши эски ўзбек тилида кам учрайди; соннинг тўртинчи, бешинчи шакллари ишлатилади; тушум келишигининг *-иғ/-иг* шакли, жўналиш келишигининг *-ғару/-гару* шакли, восита келишиги қўшимчаси тамоман қўлланмайди; равишдош ва сифатдошнинг қадимги шакллари истеъмолдан чиқади; янги кўмакчилар қўлланади (*кўра, яраша* ва бошқалар); ҳаракат номининг *-моқ* шакли камроқ қўлланиб, унинг ўрнида *-иш* шакли кўпроқ ишлатила бошлайди ва бошқалар.

РЕПОРТАЖ

Лотин тилидан «reportare» сўзи – «узатиш», «алоқа» деган маънони англатади. XIX асрда суд маҳкамалари, турли жамиятларнинг йиғилишлари ва ҳқ. ҳақидаги материаллар газета саҳифаларида пайдо бўла бошлади ва уларни репортаж деб атай бошладилар.

РЕПОРТЕР ХИСЛАТЛАРИ:

✓ равон адабий нутққа эга бўлиши; одамлар билан мулоқот қила олиши;

- ✓ у ёритаётган масалага доир саволларни билиши;
- ✓ воқеаларни ишончли ва аниқ тасвирлаши;
- ✓ кучли, жасур, жасоратли бўлиши лозим, чунки у турли қийинчиликларга

дуч келиши мумкин.

«**РЕПОРТАЖ** – бу ўқувчининг кўзлари ва қулоқлари» (Г.Я. Солганик). Репортаж – *бу воқеа хроникаси, муаллифнинг гувоҳлиги билан содир бўлаётган воқеаларни батафсил ва ранг-баранг тасвирлаш*. Ушбу жанр учун асосий талаблар динамиклик, кўргазмалилик кўринишга эга бўлади.

РЕПОРТАЖ ТУРЛАРИ.

- ✓ Матнли репортаж.
- ✓ Фоторепортаж.
- ✓ Газета репортажи.
- ✓ Радио репортажи.
- ✓ Телерепортаж

РЕПОРТАЖ МЕЗОНЛАРИ:

- ✓ репортаж учун ҳодисалар: долзарблик, ижтимоий муҳимлиги.
- ✓ репортажнинг мавзу бўйича турлари: илмий, спорт соҳасига оид ижтимоий мавзу.

РЕПОРТАЖ ХУСУСИЯТЛАРИ:

- ✓ воқеа-ҳодиса ўрни, вақти, иштирокчиларини аниқ кўрсатиш;
- ✓ муаллиф иштироки шартли – «мавжудлик эффекти»;
- ✓ муаллифнинг ўз таассуротлари, баҳоси, ҳиссиётли сўзлардан фойдаланиши;
- ✓ воқеа тафсилотлари кўпинча ҳозирги(келаси) замон шаклида (репортаж ҳозирги) бўлиши.

РЕПОРТАЖ КОМПОЗИЦИЯСИ:

- ✓ бошламаси – репортаж боши;
- ✓ марказий қисми – воқеа ҳақида сўхбат;
- ✓ хотима – воқеага баҳо бериш, муаллиф хулосаси.

РЕПОРТАЖ УСЛУБИ: ҳиссий, ғайратли, ўқтам. Воқеликни мажозий акс эттириш воситалари – бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш: ёрқин ташбеҳлар, таққослашлар, метафоралар ва бошқалар. Агар керак бўлса, сатирик воситалардан фойдаланиш. Тўлиқсиз гаплар, бир бош бўлакли гаплар, сўз-гаплар, ҳозирги ва келаси замон феълларидан фойдаланиш.



ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ

Ўзбек адабий тилининг тараққиёт манбалари

БУГУНГИ ДАРСАД:

- ❖ муаллифнинг кўзқарашига нисбатан танқидий муносабат билдирган ҳолда матндаги (кириш қисми) ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача тушуниб, мақсадга йўналтирилган аудитория, жанрларни (маъруза, баҳс-мунозара, интервью) аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ расмий-иш лексикаси, публицистик ва илмий услублардан фойдаланамиз.



Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнида халқаро меҳнат миграцияси ҳам алоҳида ўринга эга. Халқаро товар, хизмат ҳамда сармоя бозори билан бир қаторда, ҳозирги даврда бозор муносабатининг ривожланишида халқаро меҳнат бозори муҳим аҳамият касб этади.

Толаматова З.А.



50-машқ.

Халқаро меҳнат миграцияси ишчи кучининг жаҳон мамлакатлари орасида кўчиб юриши бўлиб, у ташкилий ёки стихияли кўчиш жараёнида кечади ҳамда бир қатор омиллар билан белгиланади. Бу омил шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлиниб, улар ўзаро боғланган. Булар орасида иқтисодий омил энг асосийси ҳисобланади. Меҳнат захирасининг халқаро миграция натижасида ўзига хос бўлган товар, яъни ишчи кучига айланиши кузатилади. Унинг бошқа товардан асосий фарқи шундаки, ишчи кучи ўзи бошқа товарнинг ишлаб чиқариш омилидир. Меҳнат захираси ортиқча бўлган мамлакат ишчи кучини экспорт қилиши натижасида, биринчи навбатда, ишсизлик сонини камайти-



ришга эришади ҳамда хорижий валюта келишини таъминлайди. Бироқ, иккинчи томондан, юқори малакали мутахассиснинг ташқарига чиқиб кетиши ушбу мамлакатнинг технологик имкониятини, унинг умумий илмий ва маданий даражасининг камайишига олиб келади.

Умуман, миграция жараёнини амалга оширишда иқтисодий омиллардан ташқари бошқа таъсирлар ҳам мавжудки, улар қаторига экологик, психологик, ҳуқуқий омилларни киритиш мумкин.

Янги тарихда биринчи бор ишчи кучининг оммавий тарзда кўчиши XVII асрда Африкадан Америкага қулларнинг олиб келинишида кўринди. АҚШда қулдорликнинг бекор қилиниши натижасида иккинчи бир катта оқимнинг Европадан АҚШга эмиграция қилиниши бошланди.

1-расм. Халқаро меҳнат миграцияси



Халқаро меҳнат бозорининг иккинчи маркази Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатлари Европа Иттифоқига кирувчи ривожланган мамлакатлар, Шимолий Африканинг араб давлатларидан ва Яқин Шарқ, Шимолий Европа ва МДХ мамлакатларидан ишчи кучини жалб қилади (1-расм).

Халқаро меҳнат бозорининг асосий марказларидан яна бири Яқин Шарқдаги нефть қазиб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи араб мамлакатлари ҳисобланади. Яқин Шарқдаги нефть қазиб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи араб мамлакатлари арзон иш ҳақи эвазига ишчиларни жалб қилиб, уларни, асосан, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Филиппин, Миср, Корея мамлакатлари фуқаролари ташкил қилади.

Янги индустриалашган мамлакатлар. Бир қатор Жанубий-шарқий, Осиё мамлакатларининг ривожланиши натижасида, вақтинчалик ишга ёлланувчи иммигрантларнинг сони сезиларли ошди. Сингапур, Корея Республикаси, Тайвань ва Малайзия малакасиз ишчиларни жалб қилиб, ҳо-

зирда ушбу давлатлар хорижий ишчилар оқимининг кўплиги сабабли, уни чеклаб, назорат қилишни кучайтирмоқда.

Ҳозирда жаҳон хўжалигида ишчи кучининг сифатига талаб ошиб бормоқда. Ишчи кучини импорт қилган мамлакатнинг тадбиркорлари, фермерлари катта фойда кўрадилар.

Ҳозирги замон миграцияси ўтган асрлардаги миграциядан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилишини кўрсатиш мумкин:

Дунё аҳолисини миграцияга мажбур этувчи асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро миқёсда ишсизликнинг юқорилигини келтириб чиқарувчи сабаблар фақат малака, касб-кордагина эмас, бунинг асосий сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ишчилар иш ҳақининг пастлигидадир.

2. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнат шароитлари талабларга жавоб бермаслиги ва ўта оғирлиги.

3. Ривожланаётган мамлакатларда иш вақтининг ҳаддан ташқари узунлиги.

4. Иш жойларида мавқени ошириш имкониятларининг йўқлиги.

Шунинг учун ҳам Гаити, Ямайка, Тобаго аҳолисининг 70 фоизи, Сальвадор аҳолисининг 1/5 қисми хорижда яшайди. Дунё миқёсида меҳнат бозоридаги мутаносибликни таъминлаш учун 2020 йилгача 600 млн дан ортиқ иш жойи яратилиши керак.

Жаҳон миқёсида чет элга ишлаш учун юборилганларнинг асосий қисми 30 ёшгача бўлган ёшлар бўлиб, улар орасида турли даражадаги маълумотга эга бўлган эркаклар кўпчиликни ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юқори маълумот ва касбий тайёргарлик талаб қилмайдиганлар қурилиш ишларига жўнатилмоқда.



1. Матн типи, жанрини аниқланг.
2. Асосий ахборот ва майда тафсилотларини ажратиб кўрсатинг.
3. Матн таркибида келтирилган расмга изоҳ беринг.
4. Дунё аҳолисини миграцияга мажбур этувчи асосий сабабларни кўрсатинг ва ўз муносабатингизни билдиринг.
5. Муаллиф кўзқарашига танқидий муносабатингизни баён этинг.
6. Ушбу матн аннотациясини ёзинг.



51-машқ.

Меҳнат мигрантлари орасида нисбатан юқори даражадаги иш ҳақидан ҳам воз кечиб, шартнома муддати тугамасдан қайтиб келаётганлар ҳам мавжудки, бу ҳолат меҳнат шароитининг оғирлиги билан изоҳланади.

Меҳнат миграциясида юқори малакали мутахассислар улушининг кенгайиши кузатилмоқда. Бунинг бир қанча жиҳатлари мавжуд.

Биринчидан, мутахассислар фақат «капитал» учун эмас, балки «бир вақтнинг ўзида капитал билан бирга ёки унинг кетидан бормоқдалар». Бу, авваламбор, трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда мутахассислар миграцияси даражасига халқаро корпорацияларнинг «ақлли бошларни овлаш» фаолияти ҳам таъсир этмоқда.

Учинчидан, олий таълимнинг интеграциялашув тизими алоҳида ўринга эгадир.

Тўртинчидан, дунё миқёсида халқаро миграциянинг ҳозирги замон босқичидаги ўзига хос хусусияти шундаки, ҳозирда бу жараёнга давлат фаол ва самарали тарзда аралашмоқда. У халқаро меҳнат бозоридаги келишувларни тартибга солиб, мигрантларнинг бошқа мамлакатга чиқиши учун рухсат бериши ва қайтиб келиши муддатини назорат қилмоқда.

Бешинчидан, халқаро меҳнат миграциясининг глобаллашув хусусияти жаҳон ҳамжамиятининг барча мамлакатларини қамраб олмоқда.

Халқаро меҳнат миграцияси ишчиларни «экспорт қилаётганлар» учун ҳам, «импорт қилаётганлар» учун ҳам нисбатан бирдек сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Кўпчилик индустриал мамлакатларда улар тараққиётининг оғир даврларида фаол ишчи кучи эмиграцияси амалга оширилган. Бироқ муаммолар ҳал қилина бориши билан бу жараёнлар барқарорлаша бошлади.

Хорижий ишчи кучидан фойдаланиш ҳозирги вақтда баъзи мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнининг асосий шартидир. Хорижий ишчилардан фаол фойдаланадиган мамлакатларда иқтисодийнинг баъзи тармоқлари ишчи кучи импортига боғлиқ. Масалан, Францияда иммигрантлар қурилишда бандларнинг ярмини, Бельгияда кончиларнинг чорак қисмини ташкил этади. Агар мамлакатга паст малакали ишчилар келса, меҳнат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилган товарларни истеъмол қилувчилар ва иш берувчилар ютади.

Юқори малакали ишчи кучини импорт қилиш мутахассисларни тайёрлашга кетадиган маблағларни тежашга ёрдам беради. Индустиал давлатларда туғилишнинг паст даражадалиги шароитида ва бандлик миқдори қисқарганда иммигрантлар ёрдамида пенсия ва ижтимоий дастурларни етарли даражада сақлаб туришга ҳаракат қилинади.

Баъзи давлатлар учун халқаро меҳнат миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиш қуйидаги афзалликларга эга бўлишни таъминлайди:

- меҳнат бозорида маълум даражада талаб ва таклиф мувозанатига эришилади;

- мигрантлар хорижий корхоналарда мавжуд меҳнатни ташкил этиш, уни бошқариш, унумли меҳнат қилиш ва тегишли замонавий билимларни ўрганиб, тажриба алмашиб қайтадилар;

- ишчи кучини экспорт қилиш валюта тушумлари манбаларидан бири бўлади. Масалан, Яман, Миср, Покистон, БуркинаФасо, Бангладеш, Марокаш, Судан, Туркия ва бошқа мамлакатларда ишчи кучи экспортдан келадиган даромадлар экспорт тушумларининг асосий қисмига айланган. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар умумий экспортининг 25-50% игача бўлган миқдорни хорижда ишлаётганларнинг пул жўнатмалари (Яман, Миср, Бангладеш, Судан, Марокаш, Туркия, Покистон) ташкил қилган.

Хорижда ишлаб келган фуқароларда маълум даражадаги ишбилармонлик, тадбиркорликнинг халқаро иш тажрибаси мавжуд бўлади. Ижтимоий тараққиётга кучли таъсир қилувчи ҳар қандай фаолият каби замонавий ташқи миграцияда ҳам айирбошлашнинг ўзига хос тартиб-қоидалари давлат, давлатлараро миқёсда, уларни назорат қилиш механизми ёрдамида бошқариб борилади.

Ҳар бир давлат меҳнат миграциясига тааллуқли сиёсатни ишлаб чиқишда бу жараёнга турлича ёндашади ва ўз мамлакатига мос келувчи мезонларни ҳисобга олади. Жумладан, ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юриши ва кучайиб боришининг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун кўп давлатлар бу жараёнга бевоқиф таъсир этишнинг анъанавий усуллари ҳисобланган квоталаш, лицензиялаш ва турли хил маъмурий расмиятчиликлар ўрнатиш усулларидан кенг фойдаланадилар. Халқаро меҳнат бозорини тартибга солиш импорт ва экспорт қилувчи давлатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар асосида амалга оширилади. Хорижий ишчи кучининг кириб келишини чекловчи ҳамда уларни ўз ватанларига қайтиб кетишини (ремиграция) рағбатлантирувчи бюджетдан молиялаштирилган дастурлар ёрдамида тартибга солинади. Бунда иммигрантлар сонини камайтириш мақсадида тегишли талаблар қўйиш, яъни уларнинг

касбий малакаси, маълумоти, ёши, соғлиғи, сони ва географик томондан квоталаниши, бевосита ва билвосита кириб келишини тақиқлаш ҳамда бошқа чеклашлар асосида амалга оширилади. Ремиграция эса қайтиб кетаётган иммигрантларга маълум пул тўловларини тўлаш, иммигрантларни профессионал (касбий) тайёрлаш орқали амалга оширилади.



1. Ушбу матнда қандай янги маълумотларга эга бўлдингиз?
2. Қандай ўйлайсиз, зиёли мутахассисларнинг миграцияси ўз мамлакатининг тараққиётига зиён етказадими?
3. У ҳолда, билимли мутахассисларнинг чет элга кетиш оқимини су-сайтириш учун қандай чоралар ёки шароитлар яратилиши керак деб ўйлайсиз?

| Чора ёки шароитлар | Изоҳлар |
|--|---------|
| Масалан, ёшларга давлат грантларини ажратиш ва ҳк. | |
| ... | |



4. Матн таркибида берилган расмларга изоҳ беринг. Фикр-мулоҳазаларингизни хулосалаб, қисқача ахборот ёзинг.



5. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мавзуларда баҳс-мунозара ўтказинг:
 1. 1-2-гуруҳ орасида: «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл», «Бегона тупроқ – девона тупроқ». (*Халқ мақоллари*)
 2. 3-4-гуруҳ орасида:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш. (*А.Навоий*)



Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, у ер юзидаги энг қадимий ва бой тил ҳисобланади. Бу тилнинг илдизлари эрамиздан олдинги асрларга бо-риб тақалади. Ўзбек тилида оламга машҳур кўплаб илмий, бадий асарлар яра-тилган, бугун ўзбек тили мустақил Ўзбекистоннинг давлат тили сифатида давлат рамзлари қаторида эъозланади. Ўзбек тилининг тараққиёти юрт истиқлоли ту-файли бениҳоят жадаллашди. Тилдаги ўсиш-ўзгаришларнинг холис ва бирламчи кўзгуси унинг луғат бойлигидир, жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар, энг авва-ло, айнан худди шу бойликда ўз аксини топади. Ҳаётимизда юз бераётган иқти-содий, сиёсий, маданий-маърифий янгиланишлар билан, уларни ифодалашга хизмат қилувчи янги сўзлар билан бойиб бормоқда. Бугунда мустақиллик боис пайдо бўлаётган янги-янги тушунчаларни ифодалаш учун, аввало, ўзбек тили-нинг ўз ички имкониятлари тўлалигича ишга солинмоқда, хусусан, янги сўзлар ясалмоқда (масалан, *дастурчи, аҳднома, кафолатнома; идоралараро, ҳуку-матлараро, давлатлараро, нодавлат, ноҳукумат, нотижорат, номоддий, маҳаллийлаштириш; компьютерлаштириш, моделлаштириш каби*) эскирган сўзлар деб қаралган сўзлар қайтадан тилга олиб кўрилмоқда (масалан, *маъна-вият, миллатпарвар, қадрият, жарроҳ, матбаа, муаллиф, мунаққид, таших, тижорат* каби); тил табиатига уйғун тарзда уларга янги маънолар юкланмоқда (масалан, *вазир, вилоят, туман, ҳоким, собит* каби); умрини яшаб бўлган ту-шунчаларни ифодаловчи сўзлар нофаол захирада жой олмоқда (масалан, *кол-хоз, совхоз, атеист* каби); зарурий ҳолатларда эса хорижий тиллардан бошқа тил воситачилигида эмас, балки тўғридан тўғри ва меъёрга амал қилган ҳолда сўзлар ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда тамоман янги ижтимоий-сиёсий ту-зумнинг барпо этилиши, бозор иқтисоди муносабатларининг қарор топиши, ян-гича молия-кредит тизимининг пайдо бўлиши, фан ва таълим соҳасидаги туб ис-лоҳотлар, янги техника ва технологияларнинг ривожланиши, барча соҳалардаги халқаро алоқаларнинг мислсиз кўлам касб этиши ва бошқа кўплаб ўзгаришлар хорижий сўзларнинг ўзбек тилига ўзлаштирилишига табиий равишда йўл очди. Бугун ўзбек тилига кириб келган, айтиқса, ахборот-коммуникация технологияла-ри, молия-иқтисод, сиёсат, таълим ва маданиятга оид ўзгаришлар юзлаб эмас, балки минглаб деган ўлчовлар билан ўлчанади, улар кенг омма нутқидан деяр-ли жой олиб бўлди (масалан, *аудиовизуал, антитеррор, бакалавр, банкомат, бартер, биржа, брифинг, гимназия, инвестиция, инвестор, интернет, лицей, магистр, мониторинг, мультимедия, рейтинг, сертификат* каби).



52-машқ. Матни зеҳн қўйиб ўқинг ва жуфтликда муҳокама қилинг.

«ҚИССАС-УЛ АНБИЁ» ДАН ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Кимда-ким дунё ажойиботларини кўрмоқчи бўлса, Одам алайҳиссалом қиссасига қарасин».

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло одамни яратишликка аҳд қилди ва Жаброил алайҳиссаломга амр қилди: «Боргил, ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиргил!» Жаброил келиб тупроқ олмоқчи бўлганди, ер онт берди: «Мендан тупроқ олмангиз!» деб. Ҳазрат Жаброил ерга раҳми келиб, тупроқ олмади. Ҳазрат Исрофилни юборди, унга ҳам онт берди ва у ҳам тупроқ олмади. Кейин ҳазрат Макоилни жўнатди, ер унга ҳам онт берди, у ҳам тупроқ олмади. Шундан кейин ҳазрат Азроилга фармон бўлди. Ер унга ҳам онт берди. Азроил айтди: «Оллоҳ таолонинг буйруғи сенинг онтингдан азизроқ туради». Сўнг ер юзидан бир ҳовуч тупроқ олди. Оллоҳдан хитоб келди: «Эй Азроил, қаттиқ кўнгилли экансан. Шундай тақдир қилдимки, ҳамма тирикларнинг жонини сенга олдираман».

У тупроқда оқ, қора, чучук, аччиқ, сариқ, яшил, қизил, кўк, қаттиқ, юмшоқ, тоза, нопок, тотли ва тотлиғсиз – ҳаммасининг суви бор эди. Шу сабабдан одам фарзандлари бир-бирига ўхшамаслар, кими поқу, кими нопок, кими бетобу кими соғлом, кими қораю кими оқ, ким сариғу кими қизил, ким элиғу кими ақлсиз, кими чучук сўзли-ю, кими аччиқ сўзли, кими қаттиқ кўнгилли-ю, кими юмшоқ кўнгиллидирлар. Азроил у тупроқни Макка ва Тоиф орасидаги Дахно номли ерга қўйди. У тупроқ устига қирқ йил ёмғир ёғди, ўттиз тўққиз йил қайғу-алам ёмғири, бир йил эса севинч ёмғири ёғди. Шу боисдан Одамга севинчдан кўра қайғу кўпроқ бўлди. Оллоҳ таоло қирқ йилдан кейин қудрат қўли билан одам суратини барпо қилди. Одамнинг боши тоиф тарафга, оёғи Макка тарафга қараган эди. Бунинг ҳикмати тоифнинг Маккадан улуғлигини кўрсатиш учун эмас, балки одам ўрнидан турса юза Маккага қарасин, деганликдан шундай қилди. Шариатда шунга монанд масъала бор: бизнинг масъаблардан қачон бирон-бир бемор одам ётиб намоз ўқимоқчи бўлса оёғини қибла тарафга узатур. Шунинг учунки, қачон у намоз ичида сихат топгудай бўлса ва ўрнидан турса юзи қиблага қараган бўлғай.

Одамни тупроқдан яратмоқликнинг нима ҳикмати бор эди? Қачон Оллоҳ таоло одамни яратаман, деб ҳитоб қилганида барча нарсалар бош кўтариб: «Одамни биздан яратгил», деб таъма қилдилар. Тоғ: «Мен қувватликман»,

деди. Денгиз: «Мен ҳайбатликман», деди. Олтин: «Мен азизман», деди. Осмон: «Мен юксакман», деди. Ҳамма нарсалар ўзларини баланд олиб гап айтдилар. Ер эса тавозуъ қилиб, ҳокисорлик билан: «Мен ҳаммадан заифман, оёқ остидаман, менда қувонадиган нарса йўқ», деди. Шунда хитоб келди: «Мен Одамни ердан яратурман» ва Одамни тупроқдан яратди.

Хабарда айтадиларки, бир куни Иблис етмиш минг фаришта билан Одам жасади ёнига осмондан тушиб келди, иккала қўли билан Одамнинг қорнига уриб кўрдик, ичи ковак экан. Фаришталарга айтди: «Буни йўлдан чиқариш ўнғай экан». Яна дедик: «Агар Оллоҳ бунинг устидан сизларга эрк берса не қилгайсизлар?» Ҳам алари: «Бўйин сунгаймиз», дедилар. Иблис айтди: (Оят) «Худо номига қасамёд этаманки, агар Оллоҳ уни менинг устимдан ҳукмрон қилиб қўйса, мен унга бўйсунмагайман ва агар мени унинг устидан ҳукмрон қилиб қўйса, уни ўлдиргайман». Ва шу ондаёқ кофир бўлди. (Оят) «Ва у кофирлардан эди».

Яна қирқ йилдан кейин Одамнинг жониға фармон бўлди: «Одамнинг танига киргин!» деб. Жон Одамнинг боши устида туриб қолди, киргани унамади-да: «Мен олийман, бу тубанга қандай кирайин», деди. Шунда Жаброил алайҳиссалом келди, унга «Эй азиз жон, Оллоҳ номи билан киргин!» деди. Жон Оллоҳ номини эшитган ҳамон кирди.

Яна бир ривоятда келадик, Жон Одамнинг бошига кириб, икки юз йил туриб қолди. Ундан кейин кўзига кирган эди, кўзлари очилди. Ўз юзини кўрдик, қора тупроқдан яралмиш. Оллоҳ ўз қудратини кўрсатиш учун кўзни яратганди. Сўнгра бурунга келганда бир акса урди. Жаброилга хитоб келди: «Одамнинг бурнидан чиққан нафасни омонат сақлагил!» Ундан оғзига келди, шунда айтдики: «Ал-ҳамду ли-ллаҳи роббил оламин». Оллоҳ ёрлақди: «Парвардигоринг сенга раҳмат қилсин, Мен сени шунинг учун яратдим».

Шундан кейин жон кўксига келди. Шу ерда турмоқчи бўлганди, тура олмади. Шу аснода Оллоҳ таоло: (Оят) «Ва инсон шошиладурган бир маҳлуқ қилиб яратилди», деди. Шундан сўнг қорнига келганди, таом истади. Жон жасад ичида ёйила бошлади, суяклар, гўшт, тери, томир кабилар ҳосил бўлди, тебрана бошлади.

Одамнинг териси бағоят кўркли эди. Кундан-кун тиниқлаша бошлади. Қачонки иллатлар ҳосил бўла бошлаганда, тери суюлди. Ўша терининг белгиси бармоқлар учуда қолди, у тирноқларга айланди.

Савол: Жоннинг кирарда осонликда қарор топгани ва чиқар чоғида қийинчилик билан чиқарида не ҳикмат бор?

Жавоб: Бунинг боиси шулки, кирар пайтда у Оллоҳ таолонинг «Роббинг раҳмати билан киргин», деган хитобини эшитиб, ўнғайгина кирганди, чиқар-

да эса «Яна раҳмат севинчини эшитмагунча чиқмасман», деяркан. Кўрмасми-сан, кимнинг бахти бор бўлса, (Оят) «Сизларга ваъда қилинган жаннат башорат бўлсин!» деган башоратни эшитиб, ўнғайгина чиқади, Ким бадбахт бўлса, жони қаттиғлик билан чиқади. Бундан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Одами сафий алайҳиссалом ўша ҳолда етти кун ўтирдилар. Шундан кейин Оллоҳ таоло қизил олтиндан яратилган гавҳар билан безак берилган бир тахт туширди. Унга ажойиб саруполар кийдирди, бошига олтин тож ўрнатди. Уни тахт устига ўтказди. Етти юз минг фаришталар Оллоҳ таолонинг фармони билан келиб, Одамнинг теграсида сафландилар. У тахт «Масжид ул-Харам» билан баробар келарди. Тахт устига бир курси қўйилди. У Каъба билан баробар эди. Ўн йиғоч (тахминан 9 км келадиган масофа бирлиги) лик ер «Харам» деб аталди.

Оллоҳ таоло Одамни бутун кўркликлар билан безатди. Тишларидан нур балқирди, кўзлари нурга монанд, Муҳаммад мустафонинг нури Одамнинг юзида тўлин ой янглиғ балқиб турарди. Одам ул нурнинг равшанлигини кўриб, «бу нурни бир кўрсам», деб истак билдирди. Оллоҳнинг фармони билан у нур Одамнинг ўнг яноғига, ундан елкасига, ундан қўлига инди. Нур қўлида кўтарила бориб, шаҳодат бармоғининг учида тўхтади. Одам бу бармоғини юқорига кўтариб, унинг кўркини кўриб тонг қолди-да: «Лаа илаҳа илلاлоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ», деди. Аввал бармоқни кўтариб, шаҳодат калимасини айтмоқ Одам фарзандларига шундан суннат бўлиб қолди.

Фаришталар Одамни осмонга олиб чиқдилар. Жаброил алайҳиссалом бир от келтирди. У мушк-анбардан яратилганди. Одам унга минди. Жаброил алайҳиссалом тизгинини тутди. Ҳазрат Мекоил ўнгида, ҳазрат Исрофил сўлида юриб, осмонларни кездилар. Фаришталар йўлиққанида Одам уларга: «Ассалому алайка ё малоикаталлоҳу!» деб салом қилар эди. Бунга жавобан фаришталар: «Алайкумус-салому ва раҳматуллоҳи ва бароқатуҳу!» дер эдилар. Оллоҳ таоло хитоб қилдики: «Бу сенинг саломинг бўлур ва яна сенинг ўғлонларингнинг қиёматга қадар саломлари бўлур!»

Одамни жаннатга киритганларида у ердаги неъматларни, ҳурларни, қасрларни томоша қилиб юриб, ўзига ўхшаган маҳлуқотга кўзи тушмагач, кўнгли тўлмади. Шунда Оллоҳ таоло Одамни уйқуга чўмдирди. Узоқ давом этган уйқу орасида Оллоҳ таоло Одамнинг чап биқини қобирғасидан Ҳаввони яратди.

Савол: Ҳаввони Одамнинг уйқуси ичида ярамоқлигига сабаб нимадир?

Жавоб: Одам бедор бўлса жони оғрирди, шу боис Ҳаввони душман тутиб қолиши мумкин эди. Агар ўзидан яратилганини билмаса, уни севмагай эди. Оллоҳ таоло Ҳаввони эгри суякдан яратди, шу туфайли халқ орасида: «Аёллар эгри суякдан турар, уни тўғирлайман деб синдириб қўйиш мум-

кин», деган матал юради. Одамда Ҳаввони ўзидан яратилганини кўриб, унинг муҳаббати кўнглига жо бўлди. Ҳавво ғоят кўрклик эди.

Хабарда келишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз улуш қилди, унинг тўқсон тўққизини Ҳаввога берди. Қолган бир улушини ўн қисмга бўлиб, тўққизини Юсуф алайҳиссаломга ва қолганларини башариятга берди...



1. Матни синчиклаб ўқинг ва ёзилиш тилига эътибор қаратинг, изоҳ беринг.
2. «Қиссас-ул анбиё» қандай мавзудаги асар? Қиссадан қандай хулоса чиқардингиз?
3. Эски ўзбек ёзувининг шаклланишида Рабғўзийнинг ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг.



4. Матнда истеъмолдан чиққан сўзларни топинг ва уларга изоҳ беринг.
5. Назарий маълумотлар асосида ўз фикр-мулоҳазаларингизни далилланг.



Демак, ўзбек адабий тили – тил тараққиётининг муайян босқичи маҳсули бўлиб, ўз тарихи давомида турлича аталган: турки, чиғатой, туркий, сарт, ўзбек. Уларнинг барчаси бир тилдир, ҳатто бир тилнинг турли босқичлари номи ҳам эмас.

Тил тараққиётининг бу босқичи қорахонийлар давлати барпо бўлиш даври билан бошланади (X–XII асрлар). Бу босқичда ўзбек халқи ва умумтуркий тилининг шаклланишига замин тайёрлана бошлайди.

XIII асрга келиб, ўзбек адабий тили янада мукаммаллашади.

XIV асрда Лутфий, Сақкокий, Атоий каби буюк шоир, ёзувчи ва машҳур олимларнинг хизматлари туфайли бойиган умумўзбек адабий тили XV асрда Алишер Навоий томонидан мукаммал адабий тил даражасига кўтарилди.

XVI даврга келиб, мавжуд шева хусусиятларини ўз ичига қамраб олган умумий ўзбек адабий тили шаклланди.

ОЛАМНИ ЎЗГАРТИРГАН КАШФИЁТЛАР



Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, у ер қуруқ ёки тошлоқ жой кабидир.

Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фахрулбанот Сулаймоний



ОЛАМНИ ЎЗГАРТИРГАН КАШФИЁТЛАР

Ўзбек ёзувлари тарихидан. Ёзувнинг ихтиро қилиниши

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда иштирок этамиз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, тезис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



Матнолди топшириқлар:

Қуйидаги саволларни гуруҳларда муҳокама қилинг.

1. Кашфиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Нима учун кашфиётлар оламни ўзгартира олади?
3. Сиз учун энг катта кашфиёт нима?



53-машқ. Матнни диққат билан ўқиб ўрганинг. Кўчиринг.

Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очиқ денгиз кабидир. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди. Фаннинг ибтидоси – ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-тоқатдир. Улуғ ишлар учун толмас сабот керак. Кишини қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятдан қандай фойдалана олишни билишига қараб қадрлашади. Қобилият ўз-ўзича шуурсиздир, у ишга солинган тақдирдагина жилоланади.

Тоҳир Малик



1. Матн мазмуни бўйича ўз муносабатингизни билдириб, фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб, нутқ тайёрланг ҳамда ўртоқлашинг.



2. Суҳбатдошингизга 2та очиқ ва 2та ёпиқ савол тайёрланг. Савол-жавоб ўтказинг.



54-машқ. Қадимги туркий ёзувлари, ўзбек ёзуви тарихи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг-да, қуйидаги матн мазмуни билан танишиб, топшириқларни бажаринг.

1. Матн мазмунини қайта ҳикояланг.
2. Асосий мазмунини ёритувчи саволли режа тузинг.
3. Матн мазмунига аннотация ёзинг. Синфга тақдим этинг.



Ўрта Осиёдаги халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи жуда қадимги ёзув маданиятига эга халқлардан биридир. Улар ўтмишда турли ёзувлардан фойдаланиб келганлар. Бу ёзувлар ўз тизимига кўра, асосан, фонографик-ҳарф-товуш ёзувлардан иборат бўлган. Бунда сўғд, паҳлавий, ўрхун-энасой (руник), уйғур, араб ёзувлари аҳамиятли. Юқоридаги ёзув-

лар деярли оромий ёзуви билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Оромий ёзуви. Қадимий финикий (сом) ёзуви асосида пайдо бўлган консонант (ундош) деб аталувчи ёзувдир. Бу ёзув милoddан аввалги 1-минг йиллик бошларида пайдо бўлган. Кўчманчи асли арабистонлик сом қабилаларига мансуб оромийлар мил.ав. XIV–XI асрларда Ғарбий Осиё ерларига келиб ўрнашган, оромийлар мил.ав. 1-минг йиллик бошида Финикия (ҳозирги Суриянинг бир қисми) да Финикия ёзуви билан танишадилар ва уни ўзларига – оромий тилига мослаштирадилар. Дастлаб оромий ёзуви финикий ёзувидан фарқ қилмаган. Мил.ав. 1-минг йиллик ўрталарида улар финикий ёзувига айрим ўзгаришлар киритишади, яъни, кўплаб ҳарфларнинг шакллари соддалаштирганлар. Оромий ёзуви тез ва кўп ёзиш заруриятдан, яъни савдо-сотик ва маъмурий-хўжалик ишларида

кенг қўлланилиши учун зарур бўлган. Оромий ёзуви 22 та ундош ҳарфдан ташкил топган. Оромий ёзувида сўзлар тик чизик ёки нуқта билан ажратиб ёзилган. Кейинчалик сўзлар уларнинг ўртасида бўш жой қолдириш билан ажратилган. Фарбий Осиёда оромий тили ва ёзуви мил.ав. VIII асрдан халқаро тил ва ёзув даражасига эришган. Аста-секин бу ёзуви араблар, форслар, уйғурлар ва бошқа халқлар ўзлаштириб, ўз тилларига мослаштиришган.

Милoddан аввалги IV асрда оромийлар ва арабларнинг ассимиляция бўлиши, кейинги асрларда араб тили ва ислом динининг ҳукмрон мавқеини эгаллаши натижасида оромий ёзуви муомаладан йўқолган. Оромий ёзуви битилган энг қадимий битиклар мил.ав. IX–VIII асрларга оиддир. Мил.ав. II–I асрлардан милодий VIII аср ўрталаригача қадимий Хоразм давлати тилида (хоразмий тилида) оромий алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланилган. Тупроққалъадан топилган Хоразм архивига оид ҳужжат шундан далолат беради...

...Ҳозирги пайтда «турк руний», «ўрхун-энасой» атамаси билан юритилувчи ёзув туркий халқларнинг бизга маълум бўлган энг эски хатидир. Турк руний ёдгорликлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан маълум бўла бошлаганига қарамай, уларни тўлиқ ўрганиш ишлари бирмунча кеч – ушбу ёзувни ўқий бошлаганларидан кейин авж олди. Турк руний ёдгорликларининг энг йириклари турк амалдорлари хотирасига қўйилган қабр тошларидир. Бу хатнинг тошлардан ташқари олтин, кумуш, суяк, ёғоч, сопол буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Шунингдек, Шарқий Туркистондан қоғозга битилган ёдгорлик ҳам топилган.

Жуғрофий ўрни, тил ва ёзув хусусиятларига кўра руний ёдгорликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Энасой ёдгорликлари.
2. Талас ёдгорликлари.
3. Ўрхун ёдгорликлари.

Энасой атрофлари, Тува, Олтой, Хакасия, Красноярск ўлкаларидан топилган битиглар Энасой ёдгорликлари гуруҳига киради. Улар тошларга, қояларга битилган бўлиб орасида танга, металл буюмлар, олтин ва кумушга ёзилганлари ҳам учрайди. Энасой ёдгорликлари у қадар йирик эмас: энг йириклари ўн-ўн беш йўлли, кичиклари – бир, икки, уч йўлли матнлардир. Энасой ёдгорликлари руний битигларининг қадимийларидан бўлиб, V–VII юзйилликларга тўғри келади. Ҳозирги кунда ушбу ёдгорликлар Қизил, Минусинск, Абакан, Красноярск, Москва, Хельсинки ҳамда Санкт-Петербург музейларида сақланмоқда. Уларнинг ялпи сони 150 га яқинлашади.

Талас ёдгорликлари нисбатан оз: ўн икки битиг топилган. Улар, асосан, қояларга, тош ва таёқчаларга ўйиб ёзилган.

Ўрхун комплексига кирувчи битиглар турк руний ёдгорликларининг энг йирикларидир. Улар VII–VIII асрларга мансуб бўлиб, Ўрхун ва Селенга дарёлари яқинидан топилган. Қутлуғ хоқон (Унгин), Билга хоқон, Култигин, Тўнюқуқ, Куличур, Мўюнчур битигтошлари шулар жумласидандир. Ушбу битигтошлар машҳур турк хоқон ва амалдорлари шарафига ўрнатилган. Улар туркий ёзма адабиётнинг илк намуналари, шу билан бирга, амалдорлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни баён қилувчи йирик ҳажмли тарихий-бадий асарлардир. Характерли томони шундаки, ёдномаларда тарихий фактлар тўғридан-тўғри санаб ўтилмайди, балки бадий усулда ҳикоя қилинади. Улар бадий тасвир воситаларига бой. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кузатса бўлади:



«Ол сабығ эшидип тун удысықым кәлмәди, күнтуз олурсықым кәлмәди – Ўша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, күндуз ўтиргим келмади (Тўн. 12); Йуйқа иркилиг топулғалы учуз әрмиш, йинчгә иркилиг узгәли учуз, йуйқа қалын болсар, топулғулуқ алп әрмиш, йинчгә йоған болсар, узгүлук алп әрмиш – Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон әмиш, ингичка йиғин узишга осон. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир әмиш, ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир әмиш (Тўн. 13–14)»;

Битигларда туркий қавмларнинг душманга қарши мустақиллик учун олиб борган кураши ўз ифодасини топган. Бинобарин, ёдномаларнинг муҳим ғояси ҳам туркий қавмларни бирлаштириш, душманга қарши курашдир. Ёдномаларда мадҳ этилган саркардалар халқ мустақиллиги учун курашадилар, уни ташқи душмандан ҳимоя қиладилар. Улар халқ ижодига хос руҳда тасвирланади. Қахрамонларнинг мардлиги оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Булар таъсирида оғзаки ижод намуналари ҳам юзага келгани эҳтимолдан холи эмас. Шу боисдан бўлса керак, тадқиқотчилар хо-

зирги туркий халқлар орасидаги айрим дostonларнинг илдизларини ўша даврларга боғлаб, ўрхун ёдномалари билан улар орасида яқинлик қидирадилар. Ўрхун ёдномалари қадимги туркларнинг бадий ижоди намунаси сифатида катта ўрин тутати. Улар адабиёт тарихини ўрганиш учун муҳим манбадир. Яна бир муҳим томони ёдномаларда туркларнинг VI–VIII юз йилликлар оралиғидаги тарихи, ижтимоий ҳаёти, қўшни халқлар билан муносабати, жангу жадаллари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Шу жиҳатдан, ёдномаларни қадимги туркларнинг тарихий хроникаси дейиш мумкин. Улардаги маълумотлар тарихчилар учун ҳам қимматлидир. Ёдномаларни битувчилар, албатта, оддий кишилардан бўлмаган. Бу ишларни ўта билимли, шоиртабиат, ўз даврининг фозил кишилари бажарган. Ана шундай ёдномалардан бири иккинчи турк хоқонлиғига асос солган Элтарис (Қутлуғ) хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркарда Тўнъюқуққа атаб тахминан 712–716 йилларда ўрнатилган битигтошдир.

(ziyouz.com kutubxonasi)



55-машқ. Матни диққат билан ўқиб ўрганинг.

МУСУЛМОНЛАР ОЛАМГА ИНЪОМ ЭТГАН БЕШ ИХТИРО

Исломи тарихи, жамиятга кўп нарса берган, қатор кашфиёт ва ихтироларга тўла, уларсиз ҳозирги кундаги ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўларди.

1. Халқ кутубхоналари.

Исломининг дастлабки пайтларида бутун мусулмон оламидаги масжидлар интеллектуал баҳс-мунозаралар маркази вазифасини бажарган. Бу масжидлар фақатгина сажда қилинадиган жой бўлибгина қолмай, балки у ерларда дин, фалсафа ва илм ҳақидаги кўплаб китоблар жойлаштирилган эди. Бу кутубхоналар бутун омма учун очиқ бўлган.

2. Жарроҳлик асбоблари.

Жарроҳликнинг отаси деб тан олинган X асрнинг машҳур мусулмон жарроҳи Қосим ал-Захравий, ҳозирги кунда ҳам фойдаланилаётган, кўплаб жарроҳлик асбобларини ихтиро қилган. Бу асбоблар ичида: скальпел, жарроҳлик қайчилари ва жарроҳлик игнасини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, у кетгут – ўз-ўзидан тарқалиб кетувчи тикиш материални ихтиро қилган.



3. Алгебра.

Алгебра фани исломнинг олтин асри давомида гуллаб яшнаган. Алгебранинг пайдо бўлиши буюк ватандошимиз ал-Хоразмий номи билан боғлиқ. Ал-Хоразмий биринчи бўлиб алгебрани, чизиқли ва квадрат тенгламаларни ечишни умумий усуллари мисолида, мустақил фан сифатида кўрсатиб берди. 800-йилларни ўзида, унда алгебраик тенгламалар ҳақидаги янги тушунча таклиф қилинган, трактат (бирор муаммога бағишланган илмий асар)ни ёзди.

4. Оптика.

XI асрда олим Ибн Ҳайсам инсон кўзи қандай кўришига оид нуқтаи назарни бутунлай ўзгартириб юборди. Ўша даврда инсон кўзи ўзидан нур сочиш натижасида кўради деб ҳисобланар эди. Ҳайсам, аслида кўзлар бошқа жисмлар ва юзалар таратган нурни қабул қилишини исботлаб, илмий ҳақиқатни тиклади.

5. Кофе.

Кофе донлари дастлаб Ҳабашистонда ўсар эди, лекин XV асрда Ямандаги ҳабашлар билан савдо қиладиган мусулмон-араблар, ҳозирги кунда ҳаммага кофе номи билан машҳур бўлган ичимлик тайёрлашни ўрганиб олдилар. Сўфийлар кечаси билан тетик туриш ва ибодат қилиш учун кофе ичишган.

(sof.uz)



1. Матн мазмунини аввал жуфтликда, сўнгра гуруҳда муҳокама қилинг: матннинг услуби, жанрини аниқланг. Матннинг асосий ғояси нимадан иборат?
2. Ушбу матнни келтиришдан мақсад нима деб ўйлайсиз? Қандай фойдали маълумот олдингиз ва ўзингизга хулоса чиқардингиз?



3. Гуруҳда бажарилган ишлар билан ўртоқлашинг. Матн юзасидан бир-бирингизга 5та ёпиқ ва 5та очиқ саволлар тузинг. Гуруҳларда савол-жавоб ўтказинг.



Билимдон донолар китоблар ёзиб қолдирмаса, узоқ ўтмиш ҳақида ким сўзлаб берарди? Элдан элга хабарни ёзув бўлмаса, тил билан қандай етказса бўлади? Ёзув жуда зарурдир, ёзув билан беклар элларни бошқариш тадбирини қиладилар. Ёзма нутқ усули яхши усулдир. Барча яхши сўзлар ёзувда бўлади, ёзилганлиги учун сўз унутилмайди, абадий сақланиб қолади.

Юсуф Хос Ҳожиб



ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

Эски ўзбек ёзуви – араб графикаси асосида шаклланган ва XI асрдан XX асрнинг бошларигача қўлланган ўзбек ёзуви; араб алифбосидаги 28 та ҳарфга араб тилида бўлмаган, лекин эроний ва туркий тилларга хос бўлган товушларни ифодалаш учун яна 4 та ҳарф қўшиш билан шакллантирилган. Ушбу ҳарфлар араб алифбосидаги тайёр ҳарфларга қўшимча нуқта ёки чизиқ орттириш йўли билан ҳосил қилинган ва уларнинг ҳар бири алифбо қаторида ўзига асос бўлган ҳарфдан кейин жойлаштирилган; уларнинг номланиши ҳам асос ҳарфларнинг номланишига мослаштирилган.

Эски ўзбек ёзувида араб ёзувининг, араб алифбосидаги барча ҳарфларнинг ёзилиш хусусиятлари, уларнинг қанчаси нечта шаклга эга бўлиши, ўзидан кейинги ҳарфга қўшилиб ёки қўшилмай ёзилиши ҳолатлари ва бошқалар араб ёзувидагидек айнан қабул қилинган. Алифбода ҳарфлар сони 32 тага етган бўлса-да, уларнинг асосий шакллари 18 тани ташкил этади, холос; кўп ҳарфлар бир-биридан устига ёки остига қўйиладиган нуқталар билангина фарқланади.

Эски ўзбек ёзувида соф ўзбекча (туркий) сўзлардаги деярли барча унли ва ундош товушлар алоҳида ҳарфлар орқали ифодаланади. Бироқ ўзбек тилидаги араб ва форс тилидан ўзлашган сўзларда ундош товушлар ва **о, у, и** чўзиқ унлиларигина ёзилади; қисқа унлилар талаффуз этилса-да, улар алоҳида ҳарфга эга бўлмайди. Ёзувда акс этмайдиган қисқа унлиларни ва бошқалар фонетик ҳолатларни кўрсатиш учун эса ҳаракатлар деб аталадиган ва тегишли ундошлар устига ёки остига қўйиладиган 10 дан ортиқ ёрдамчи белгилар: фатҳа, касра, замма (форсча номлари: забар, зер, пеш), танвин, мадд, ташдид, ҳамза ва бошқалар мавжуд.

Эски ўзбек ёзувида «алиф» ҳарф белгиси, асосан, **о, а** товушларини, арабча сўзлар бошида эса, қайси ҳаракат қўйилишига қараб, **у, и, э** товушларини ҳам билдирган; (вов) ҳарф белгиси **в** ундошини, шунингдек, ўзбекча сўзлар ўртасида

у, ў унлиларини билдирган; «ёй» ҳарф белгиси **й** ундошини ҳамда сўз ўртасида **и, э** унлиларини билдирган; ҳарф бирикмаси ўзбекча сўзлар бошидаги **у, ў** товушларини, ҳарф бирикмаси эса ўзбекча сўзлар бошидаги **и, э** унлиларини ифодалаш учун жорий этилган. Араб тилида портловчи бўғиз товушини ифодаловчи «айн» ҳарф белгиси эски ўзбек ёзувида арабча сўзларни ёзишда анъана сифатида алифбо қаторидан ўрин олган: у алоҳида товуш тарзида эмас, балки ўзидан кейин турадиган ёки ўқиладиган чўзиқ ва қисқа унлилар билан қўшиб талаффуз қилинаверади.

Эски ўзбек (араб) ёзуви учун хос бўлган асосий хусусиятлардан бири:

1. Бу ёзув нутқий жараённинг ёзма ифодаси учун ашёвий восита бўлишидан ташқари, гўзаллик, нафосат, бадиият, завқ манбаига ҳам айланган, безак, нақш вазифасини ўтади, ҳарфларда рақамлар акс этди, ажойиб адабий-бадиий санъатларга асос бўлди.

2. Ёзувнинг бири-биридан кўркам, чиройли, жозибали бир неча ўнлаб турлари кашф қилинди, ҳар бир турининг ўзи санъат асарига айланди, хаттотлик мактаблари қарор топди, ёзув санъатининг ўзи ҳам фанга айланди.

Ўзларида кашф-ихтиро қуввати бўлмаган кишилар макр-ҳийла ва най-рангбозлик санъати бўйича ўзларига очиқ-ойдин маълум бўлмаган турли жинсларни ёқлайдилар ва шу жинсларга ёрдам бериб, турли таълимотларга қарши оёққа турадилар.



Абу Наср Форобий

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

* * *

Кимда ким ўз изланишларининг афзаллигини қонуниятларни излаб топишда деб биларкан, у албатта, ҳамиша ўз қарашларини амалда исботлаш йўлидан боради.



Абу Райҳон Беруний



БИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАЙТИБ КЎРМАЙДИГАН БУЮК КАШФИЁТЛАР

Ўзбек кирилл ва лотин алифбосининг қиёсий таърифи

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда иштирок этамиз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, тезис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



56-машқ. Матн мазмунини «Жигсо» усулида ўзлаштиринг, сарлавҳа танланг ва матн ғояси билан гуруҳларда ўртоқлашинг.

Сайёрамизда ихтирочилар ва кашфиётчилар ҳамма асрда ҳам бўлган. Хув неча минг йиллар аввал кимдир оловдан қандай фойдаланишни тушуниб етганидан бошлаб кашфиётлар ҳаётимизни жўнроқ ва қулайроқ қилишга хизмат қилиб келмоқда. Масалан, инсон Ер куррасининг исталган нуқтасига ўзи билан олиб бориши мумкин бўлган ўша телефонни олинг. Лекин бутун оламни остин-устун қилиб юборувчи барча ихтиролар ҳам оммага ошқор этилмаган. Hi-news.ru биз эҳтимол ҳеч қачон қайтиб кўрмайдиган, ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин бўлган ўн ихтирони санаб чиқди.

1. Ёмғир чақирувчи қурилма. Исталган пайтда буйруқ бериб, ёмғир чақириб имконияти нақадар зўр, тўғрими? Мэн штатида черника ҳосилига таҳдид солган қурғоқчиликни олдиндан кўра билган олим Вилгельм Рейх Cloudbuster деб аталган ихтиросини тақдим этган. Уни бемалол «ёмғир чақирув-



чи» қурилма, деб таржима қилиш мумкин.

Бу машинанинг иш услубини илк марта ёритган Bangor Daily News нашрининг хабарига кўра, уни ишга тушириш олдидан об-ҳаво маълумотида ёмғирдан дарак бўлмаган. Рейз машинани ишга туширганидан бир неча соат ўтиб, осмонни қалин булутлар қоплаган ва 0,64 миллиметр ёмғир ёган.

Рейхнинг технологияси ҳукуматнинг баъзи бир ташкилотларига таҳдид туғдиргандирки, шу сабабли унинг ишларига яқун ясалган, машинаси тортиб олинган. Машинанинг иккинчи синови ўтказилмасдан қолган. Лекин «ёмғир чақирувчи» ускуна охиригача ишлаб чиқилганида, дунё бўйлаб маҳсулот етишмовчилиги қузатилмасмиди...


2. Хонаки ядро энергияси. Ядро энергияси бутун дунё бўйлаб узоқ вақт уй хўжалиги учун зарур катта ҳажмдаги энергия ишлаб чиқарувчи усул сифатида таништириб келинган. Ядро энергиясидан оз-оздан фойдаланиш услубини қўллаб, бутун бир маҳаллалар узоқ вақт ундан туганмас энергия манбаи сифатида фойдаланишлари мумкин эди.

Бу технология ишлаб чиқаришнинг бозор фазасига олиб чиқилгач, инвесторлар кутилмаганда унга қизиқмай қўйишган, унинг чизмалари эса аллақайси офисдаги шкафларда йўқолиб кетган. Бундай қурилма учун шаҳар марказида қурилган кичикроқ омборхона бошпана бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.



У бутун бир туманнинг энергетик маркази бўлиши, бир неча кварталларни бир вақтнинг ўзида энергия билан таъминлаши мумкин эди. Бундай қурилма инсонларга туганмас электр энергияси тақдим этиб, бу борада катта иқтисод қилишлари учун замин яратарди.

3. Слоотнинг рақамли коди. Бу ихтиро ҳақиқатдан ҳам 1999 йилдан бери «бедарак йўқолган» ҳисобланади. Замонавий технология



ютуқлари шарофати билан кодлаштиришнинг бу усули замонавий компьютерлар ва мобил қурилмаларнинг фазовий ва тўпловчи хусусиятларини остин-устун қилиб юборган бўларди.

Нидерландиялик ихтирочини Ромке Яна Бенхард Слоот деб аташарди. Унинг технологияси ёрдамида маълумотларни янада зичлаштириш мумкин эди. Унинг

ихтироси тестдан ўтказилгани тасвирланган иллюстрацияга кўра, тўлақонли бир бадийй фильм бор-йўғи 8 килобайт ўлчамга эга бўлган.

Шифрлаш жараёни алгоритмининг ўзи 370 мегабайтга тенг бўлган. Слоот ўз лойиҳасининг муваффақиятини намойиш этиш асносида 64 килобайтлик чипдан 16 та тўлиқ метражли фильмни қўйиб берган. Харидорлар ва инвесторлар унинг ихтиросини қўлга киритиш учун навбат ҳосил қилиб турган бир пайтда, кодни топишириш маросимидан бир неча кун аввал Слоот шубҳали ҳолатда ўлим топади.

4. Тўлиқ электр автомобиль (гибрид эмас). 1990-йиллар сўнгида General Motors тўлиқ электр автомобилни бозорга тақдим этган. Ҳозирги гибридни автомобилларнинг минг хил тури ишлаб чиқарилаётган бир пайтда бу нарса оддийдек туюлса-да, бу транспорт шу турдагилари ичра биринчиси бўлган.

Айни пайтдаги, газли двигателларнинг электрлиги билан бирлаштиришнинг нисбатан либералча ёндашувларида ҳам умуман бензин талаб этмайдиган оммабоп автомобиль яратилганича йўқ. GM EV1 ҳам муваффақиятли лойиҳа бўлишга интилмаган; GM бошламасига 800та шундай машина ясаган.

Бироқ ўша вақтларнинг хабарларига кўра, GM батарея энергиясидан харидорлар норози бўлади дея, бу машиналарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаб, бор эътиборини мукамал бензинли автомобилларга қаратган. Баъзи бир фикрларга кўра, GM кўплаб электр автомобиль ишлаб чиқариб сотишни режалаштирган, бироқ нефть компанияларининг босимида дучор бўлган.



5. Юрак-қонтомир касалликларини даволаш. Юрак-қонтомир касалликлари дунё бўйлаб аёллар (эр-какларнинг ҳам, албатта) ўлимига энг катта сабаб экан, куни келиб самарали даволаш воситаси топилишини ўйлашнинг ўзи ваҳимали. Бу тақиққа учраган ихтиролардан бири ҳисобланади, чунки ўша вақтнинг жорий даволаш усулларига мутлақо зид эди.



Америка медицина ассоциациясининг маълумотларига кўра, бу ихтиро нафақат жорий даволаш усулини, бу усулни қўллаётган врачларни ҳам обрўсизлантиради. Уларнинг баёноти «инсоннинг юрак-қонтомир касалликлари ягона назарияси» усули билан шифо топган инсонлар ҳақидаги фактни очикдан-очик инкор этади. Боз устига, юрак етишмовчилиги дардига мубтало бўлган айрим беморлар бу усулдан кейин аҳволлари оғирлашганини ҳам баён этишган.



1. Матннинг услуб ва жанрини аниқланг.
2. Нима учун ушбу кашфиётлар биз ҳеч қачон қайтиб кўрмайдиган буюк кашфиётлар деб аталди? Муҳокама қилинг.



3. Гуруҳда бажарилган ишлар билан ўртоқлашинг. Матн юзасидан бир-бирингизга 5та ёпиқ ва 5та очик саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



4. Берилган материалдаги ахборотни ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён.



5. Ўзингизни ҳам кашфиётчилар сафида тасаввур қилиб кўрганмисиз? Сиз ҳозирги кунда долзарб бўлган масалаларни ҳал этиш учун қандай ихтирога қўл урган бўлардингиз? Бу ҳақда ихчам эсседа ёзма баён этинг. Жуптликда ўртоқлашинг.



57-машқ.



6. Огл карбюратори. Тўлдирилган бак билан имкон қадар кўпроқ километр босишни ким истамайди, дейсиз! Замонавий гибрид автомобилларда ҳозир ушбу усулдан фойдаланилмоқда. Афсуски, ҳаттоки улар ҳам механик Том Оглнинг ҳужжатлаштирилган ихтироси олдида ип эшолмай қолади.

1970-йилларда бу ихтирочи биз ҳалигача муқобилини учратмаган карбюраторни ихтиро қилади. Худди бугунгидек, газ ва нефть компаниялари ўшанда ҳам бозорда монополия ўрнатиб олишган эди. Гарчи Огл карбюратори 1 литр бензинда 48 километр йўл босиш мумкинлигини кўрсатиб берган бўлса-да, у яратган қурилма тижорий миқёсда ишлаб чиқарилмаган.

Инқилобий таркибий қисм бензинни босим остида буғга аралаштириб, ички ёнув камерасига пуркаш ҳисобига ишларди. Лицензиялаштириш билан боғлиқ муаммолар ихтиронинг ғилдирагига чўп тикди ва карбюратор ҳеч қачон оммавий ишлаб чиқаришга татбиқ этилмади, Оглнинг ўзи эса қурилмаси ҳақидаги маълумотларни ўзи билан қабрига олиб кетди.

7. Райф қурилмаси. 1934 йили Роял Райф саратон касаллигига қарши курашувчи машина яратади. Ўша вақтларда саратон вирусга турдош касаллик ҳисобланарди. Шу сабабли Райф маълум бир зарарланган ҳужайраларга ҳужум қилиб, уни йўқотувчи лазер нури яратади.

Уйдирмага ўхшаб кўринаяптими?

Бу даволаш усули билан саратоннинг терминал босқичида бўлган 14 нафар бемор даволангани ҳужжатлаштирилган. Бироқ Райф Америка медицина ассоциацияси билан ҳамкорлик қилишдан бош тортгач, ташкилот унинг ёндашувини обрўсизлантириш учун қўлидан келган барча ишни қилади.


Энди эса АМА даволашнинг бу усулига қарши бевосита курашганини исботловчи бирорта далил қолмаган. Райф АМАни бошқа тиббиёт ташкилотлари билан тил бириктирганликда айблаган. Бироқ унинг даволаш усули тўлиқ самарали бўлганини ҳам тасдиқловчи бирорта далил бизгача етиб келмаган.

8. Сувда юривчи транспорт. Нақадар ҳайратланарли кўринмасин, сувда ҳаракат қилувчи бу транспортнинг ишлаб турган ўнлаб нусхаси мавжуд. Қайси бир автоишлаб чиқарувчи бу билан албатта, ҳеч қачон жиддий қизиқмайди.

Бундай турдаги энг машҳур автомобиллардан бири Стэн Мейер томонидан яратилган багги типидagi машинадир. Бу ихтиро 1 литр сувда 43 километр йўл босиши мумкин бўлган. Мейерга яқин ҳамкасбларининг айтишича, унга патентни сотиши ва бу борадаги тадқиқотларига нуқта қўйиши учун жуда катта босим уюштиришган.

Бироқ у рад жавобини берган. Гарчи кейинчалик дўстлари ва ҳамкасблари унинг йирик нефть компаниялари таклифига кўнмагани учун заҳарлашганини айтишса-да, Мейер кутилмаганда мия аневризмаси туфайли ҳаётдан кўз юмгани маълум.

9. Текин энергия (Никола Тесла). Никола Тесла жаҳондаги энг



машҳур ихтирочилардан бири бўлган. Гарчи унинг идроки билан яратилган бирор нарса инқилобий ўзгаришлар олиб келмаган бўлса-да, текин электр энергияси бир неча бор фитна назариясига қизиқувчиларнинг бош мавзусига айланган. Электр энергиясини симсиз узатишнинг муваффақиятли (ва ҳужжатлаштирилган) синовидан сўнг **Тесла бу ҳодисани кучайтириб, битта минора билан улкан ҳудудларни энергия билан таъминлаш** устида иш олиб бораётганига шама қилади.

Ўша пайтлар кўпчилик Тесла бунинг уддасидан чиқишига ишонарди. Бироқ лойиҳани молиялаштириш бирор натижага олиб келмайди, Тесла-нинг лабораторияси эса чизмаларию режалари билан сирли равишда куйиб кул бўлади. Бу ҳодиса бостирилган ва бўғилган ихтиролар ичида энг сирлиси ва яхшилаб ҳужжатлаштирилгани саналади.

Юқоридаги ихтироларнинг ҳар бирини яқин келажакда қайта кўришимиз душвор, фитна назарияси ишқибозлари эса бу мавзуларга ҳали бот-бот мурожаат қилиб туришади.

(Кун.уз)



1. Матннинг (аналитик мақола, танқидий мақола, эссе, пресс-релиз) тили, белгиларнинг ва турларининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда услуб ва жанрини аниқланг.
2. Матн асосида оддий режа тузинг.



3. Гуруҳда бажарилган ишлар билан ўртоқлашинг. Матн юзасидан бир-бирингизга 5та ёпиқ ва 5та очиқ саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



4. Берилган материалдаги ахборотни ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён этинг.



58-машқ. Матнолди топшириқ:

Ўқитувчингиз ёрдамида кирилл алифбосининг афзаллиги ва камчиликлари ҳақида муҳокама юритинг. Келажакда лотин алифбосидаги ўзбек алифбоси истиқболи ҳақидаги мустақил фикрларингиз билан ўртоқлашиб, уй вазифасини тайёрлаш учун маълумотларни мустаҳкамлаб олинг.

ЎЗБЕК КИРИЛЛ ВА ЛОТИН АЛИФБОСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАЪРИФИ

Эски ўзбек ёзуви 1920-21 йилларда бир қанча ўзбек зиёлилари, жумладан, Фитрат бошчилигидаги «чиғатой гурунги» аъзолари томонидан жиддий ислоҳ қилинди. Бунда ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган 6 та унли товуш учун махсус ҳарфлар жорий қилинди, фақат арабча сўзлардагина учрайдиган, ўзбек тили учун ёт бўлган ҳарфларни алифбодан чиқариш, ҳарфининг қўлланишини чегаралаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1921 йил январда бўлиб ўтган Тилимло қурултойининг материаллари ана шу ислоҳга амал қилиб нашр этилган дастлабки китоб бўлди. Шунини айтиш керакки, мазкур ислоҳгача эски ўзбек ёзувида имло, яъни сўзларнинг тўғри ёзилишида, диакритик ва пунктуацион белгиларнинг ишлатилишида изчиллик, барқарорлик бўлмаган. Ислоҳ натижасида юқоридагидек камчилик ва нуқсонлар маълум даражада бартараф бўлди.

Ўзбек ёзуви 1929 йилда лотин графикаси, 1940 йилда кирилл графикаси асосида шакллантирилгач, эски ўзбек ёзувини ўқиш-ўрганиш ниҳоятда сустлашди, ҳатто бунга қаршилиқлар ҳам бўлди; уни билувчилар доираси анча торайди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу ёзувни ўрганишга кенг имкониятлар берилди, уни ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек

АМАЛДАГИ ЎЗБЕК ЛОТИН АЛИФБОСИ

| | | | | | |
|------|------|------|------|----|----|
| Aa | Bb | Dd | Ee | Ff | Gg |
| Hh | Ii | Jj | Kk | Ll | Mm |
| Nn | Oo | Pp | Qq | Rr | Ss |
| Tt | Uu | Vv | Xx | Yy | Zz |
| O'o' | G'g' | Shsh | Chch | ng | ' |

алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунида ҳам араб алифбосини, яъни эски ўзбек ёзувини ўрганиш ва ундан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолиниши алоҳида қайд этилган. Айни кунларда жамоатчилик, айниқса, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари ўртасида лотин ёзувига

асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, айрим ҳарфларга ўзгартириш киритиш борасидаги фикрлар кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Қуйида берилган жадвал айнан шу ўзгартиришлар киритилган янги лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг лойиҳаси.

| Lotin yozuviga asoslangan o'zbek tili alifbosi (loyiha) | | | | | |
|---|------------------|---------------------|-----------------|----------------------|---------------------|
| Alifbo harflari | Harflarning nomi | Kirilldagi muqobili | Alifbo harflari | Harflarning nomi | Kirilldagi muqobili |
| Aa | <i>a</i> | Аа | Nn | <i>ne</i> | Нн |
| Bb | <i>be</i> | Бб | Oo | <i>o</i> | Оо |
| Cc | <i>ce</i> | Цц | Óó | <i>ó</i> | Ўў |
| Çç | <i>çe</i> | Чч | Pp | <i>pe</i> | Пп |
| Dd | <i>de</i> | Дд | Qq | <i>qe</i> | Ққ |
| Ee | <i>e</i> | Ээ | Rr | <i>re</i> | Рр |
| Ff | <i>fe</i> | Фф | Ss | <i>se</i> | Сс |
| Gg | <i>ge</i> | Гг | Şş | <i>şe</i> | Шш |
| Ćć | <i>će</i> | Ғғ | Tt | <i>te</i> | Тт |
| Hh | <i>he</i> | Хх | Uu | <i>u</i> | Уу |
| Ii | <i>i</i> | Ии | Vv | <i>ve</i> | Вв |
| Jj | <i>ji</i> | Жж | Xx | <i>xe</i> | Хх |
| Kk | <i>ke</i> | Кк | Yy | <i>e</i> | Йй |
| Ll | <i>le</i> | Лл | Zz | <i>ze</i> | Зз |
| Mm | <i>me</i> | Мм | ' | <i>Tutuq belgisi</i> | ь |

(А. Навоий номли ТошДУТАУ сайти саҳифасидан)



Дарсда олган маълумотлар ҳамда юқоридаги (59-машқда берилган) назарий маълумот ва жадвалдан фойдаланиб, амалдаги алифбо ҳамда лойиҳада кўрсатилган лотин алифбоси ҳақида муҳокама матн тузинг.



ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРИШИ КУТИЛАЁТГАН КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Услубшунослик ва нутқ маданияти

БУГУНГИ ДАРСДА:



- ❖ матн мазмунини чизма ва жадваллар орқали олдиндан шарҳлаймиз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, тезис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



59-машқ.

1. Қуйидаги тасвирларни сўзлатинг. Қандай ўйлайсиз, нималар тасвирланган? Бу ҳақда қандайдир маълумотга эгамисиз? Матн мазмунини ушбу тасвирлар орқали изоҳлашга уриниб кўринг.





2. Матни гуруҳларда синчиклаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Муҳокама қилинг. Тасвирларни матнларга мослаштиринг.

3D – принтер

Мазкур технология бир неча йилдан бери биз билан биргалигига қарамасдан, 3D – принтер тобора такомиллашиб бормоқда. Технологиянинг борган сари арзонлашиши ва оммага кенг тарқалиши сабабли 3D – принтер борган сари кенг омманинг ажратиб бўлмас қисмига айланмоқда.

Мутахассислар ҳаёт учун зарур тана қисмларини 3D принтерда босиб чиқариш устида изланишлар олиб бормоқда, улар операция вақтида донор аъзо сифатида фойдаланиш имконини беради. Изланишлар якунига етгач, инсонлар донорларга навбат кутишдан хавотирланмасалар ҳам бўлади. Бундан ташқари, кўп вақт ўтмасдан одамлар ўзларига уй, велосипед ва ҳатто автомобиль босиб чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Hyperloop вакуумли поезд

Бундай технологияни яратиш фикри Илон Маск бу орзуни ҳаётга татбиқ этишга жазм қилгунига қадар бир неча ўн йилдан бери мутахассислар ақлини банд этиб келмоқда эди. Hyperloop – бу катта транспорт тизими бўлиб, унда вакуумли вагонларда махсус вакуумли йўлаклар орқали соатига 1300 км (товуш тезлигидан юқори) тезликда йўловчиларни ташиш имконияти туғилади.

Рақамли мониторлар орқали кўрсатиладиган турли хил кўнгилочар дастурлар мазкур тезкор саёҳатни нафақат мамнуниятли, балки завқли ўтишига ваъда бермоқда. Hyperloop мутахассислари мазкур система ҳозирги кунда қўлланилаётган ҳар қандай транспорт системасидан самаралироқ ва арзонроқ бўлишини эътироф этишмоқда.

Ўзини ўзи бошқарадиган автомобиллар

Дунёдаги энг кўп қутилаётган технология. Автоҳалокатлар оқибатида миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишмоқда, буларнинг барчасига инсон омили сабаб, хусусан, маст ҳолда автомобилни бошқариш, чарчаш, эътиборсизлик ва масъулиятсизлик. Ҳайдовчисиз автомобиллар буларнинг барчасидан халос бўлиш имкониятини беради.

Нанотехнология

Сувни зарарли моддалардан тозалашдан бошлаб инсон организмни таҳлил қилиш ва зарарли моддалардан тозалашгача – нанотехнологиялар яқин келажакда биз тасаввур қила олмайдиган даражадаги оламни ваъда қилишмоқда. Бор йўғи бир қанча нанометр ҳажмдаги зарра машиналар яқин келажакда инсон ДНКсини ўрганишни бошлашади ва бизга жисмларнинг бошланғич таркибини ўзгартириш имконини беришади.

Мазкур машиналар шунчалик кичик бўлишадикки, улар ишлаши учун қувватни юрак уришимиз ритми ёки ҳужайраларимиздаги кимёвий моддаларнинг ўзи етарли бўлади. Нанотехнологиялар ёрдамида биз Альцгеймер, саратон, ОИТС ва бошқа касалликлар устидан мутлақ ғолиб бўламиз.

Вақт ўтиб, инсоният нанотехникасиз ўтган даврга тош асри даврига қарагандек қарайди, бироқ ҳозирча бу технология бизга нималар ҳаёти эта олиши ҳақида фақатгина фараз ва орзу қила оламиз.

Аугментация – Жисмонан ва ақлан кучайиш

Бионика инсон юз тузилишини ўзгартиради. Тўғри маънода. Биз техникага қанчалик яқинлашганимиз сари, бизнинг имкониятларимиз ҳозиргига нисбатан бир неча баробар ошадиган даврга яқинлашиб бормоқдамиз.

Кўз нурини бир неча баробар кучайтира оладиган линзалар, кўзи ожиз инсонларга кўриш имконини берадиган видеокамералар, баландроқ сакраш, тезроқ югуриш, кўпроқ юк кўтариш ва ҳатто электрон ускуналарни идрок орқали бошқариш – инсон ва машина ўртасидаги чегара секин асталик билан йўқолиб бормоқда. Янги имкониятлар туфайли биз катта эҳтимолга кўра, бизларга номаълум янгидан янги ҳис-туйғуларни бошдан ўтказамиз. Балки биз рангларни «эшитишимиз» ёки электрон майдонларни «ҳис қилишимиз» ёки бўлмаса «Матрица» фильмидаги каби янги маълумотни шунчаки миямизга юклаб олишимиз мумкин бўлади.



1. Ушбу матн мазмунидан қандай ихтиролар ҳақида янги маълумотлар олдингиз?
2. Мазкур ихтиролар инсон ҳаётида қанчалик даражада долзарб деб ўйлайсиз?
3. Матнни «Учлик кундалиги» усули билан таҳлил қилиб баён этинг.

| Ўзгача таъсир қилган парча, цитата | Ушбу парча ёки цитатани танлашим сабаби, шунга боғлиқ саволлар | «Ўқитувчига хат» (ўқитувчига саволлар) |
|------------------------------------|--|--|
| | | |
| | | |



Қаерда буюк, ўқувни улўф бил,
Бу иккиси танланган бандасини улўғлайди.
Заковат қаерда бўлса, улўғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.

Юсуф Хос Ҳожиб



НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБ

Нутқнинг тўғрилиги, аниқ ва мазмундорлиги, ихчам ва қисқалиги, таъсирчанлигини ўрганадиган соҳа НУТҚ МАДАНИЯТИДИР.

Нутқ маданияти адабий тилга хос бўлиб, адабий тил меъёрларига таянади.

Нутқнинг ифодалилиги талаффуз, урғу, лексика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, услуб билан мустаҳкам алоқадордир. Демак, ифодалилиқ тил имкониятларининг ҳар хил соҳалари иштирокида юзага чиқади.

Нутқ маданияти сўзнинг маъноси ва маъно бўёқдорлигини тушунган ҳолда қўллаш, ориқча сўз такрорига йўл қўймаслик, гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, фикрда мантиқий изчилликка эришиш натижасида вужудга келади. Шунга кўра нутқ маданияти «нутқнинг тўғрилиги» дир.

Нутқ маданияти нутқий нуқсонларни аниқлайди ва уни тузатади.

Гапларда ноўрин ишлатиладиган сўзлар, диалект ва шевага хос сўзлар нутқ маданиятини бузади.

Нутқда ифодалилиқка қандай эришиш мумкин?

Биринчидан, нутқ муаллифи тафаккурининг эркин, мустақил бўлиши. Сийқаси чиққан гапларга боғланиб қолган кишининг нутқи юксак ифодалилиқка эриша олмайди. Чунки бундай нотик эркин тафаккур қилмайди, нутқига шароитга муносиб ифодавий воситаларни кирита олмайди, улар устида ўйламайди, ўйлай олмайди.

Иккинчидан, нутқ муаллифи нима ҳақида сўзлаётганини, кимларга сўзлаётганлигини билиши, шунга қизиқиши, бепарво бўлмаслиги лозим.

Учинчидан, тилни, унинг ифода воситаларини, имкониятларини яхши билиш (бунга тил фанини билиш орқали эришилади).

Тўртинчидан, тил услублари (бадий, илмий, публицистик, сўзлашув каби) хусусиятлари, хоссаларини билиш.

Бешинчидан, нутқий малака устида мунтазам ва онгли машқ қилиш. Бунда олинган билимни малакага айлантириш муҳимдир. Сўзлаётганда киши узоқ ўйлаб нутқни ифодали қиладиган воситаларни топа олмайди. Бунга вақт тақозо этмайди. Бу борада бизга малакамиз ёрдамга келади. У тезлик билан бизга нутқни ифодали қилувчи воситаларни топиб бериши, кераксиз воситаларни узоқлаштириши лозим. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Ўқиган бадий, илмий ва бошқа асарларнинг тилига онгли муносабатда бўлиш, тил воситаларини таҳлил этиш, ёдлаш, улардан фойдаланиб нутқ сўзлаш машқлари ўтказиш ифодали сўзлаш юзасидан малака ҳосил қилишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

Олтинчидан, сўзловчининг ифодали сўзлашга бўлган онгли ишончи, руҳан тайёргарлиги. Киши ўзига-ўзи менинг нутқим ифодасиз, ночор ва қашшоқ,

шунга кўра ёрқинроқ, ифодалироқ сўзлашим учун китоблар ўқишим, улардаги тилнинг ифода воситаларини, мақол, ҳикматли сўзларни, ибораларни ўрганишим зарур дея олиши керак.

Еттинчидан, тилда нутқнинг ифодалигини таъминловчи воситаларнинг бўлиши. Улар тилда борлиги учун ҳам биз ўз нутқимизда ифодалиликка эришамиз.



УСЛУБШУНОСЛИК ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Услубшуносликнинг тилда тутган ўрни беқиёсдир. Маълумки, ҳар бир сўзни ўйлаб, танлаб, уларнинг ҳар бир маъносига, маъно қирраларига яхши эътибор қилиб, ўринли ишлатиш ҳақида жуда кўплаб халқ мақоллари, ҳикматлари мавжуд. Бу ҳақда буюк файласуф Арастунинг «Поэтика», сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида ҳам қимматли фикрлар айтилган.

Сўзларни, грамматик шаклларни бефарқ қўллаш, вазиятга мос тушмайдиган гапларни беихтиёр, назоратсиз айтиб юбориш, бўлар-бўлмагача у ёки бу сўздан ёки грамматик шакллардан фойдаланавериш, умуман, уларни ортиқча қўллаш, ўринли-ўринсиз такрорлайвериш нутқни бачкана қилади, фикрни хиралаштиради, унинг таъсирчанлигига путур етказди. Зеро, донолар айтганидек:

*Нодонлар юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.
(Саъдий Шерозий)*

Грамматика сўзнинг ёки синтактик қурилманинг луғавий ва грамматик маъноларини, фикрий жиҳатни ўрганса, грамматик услубият уларнинг қўшимча – экспрессив маъноларини, вазифавий хусусиятларини ўрганади.

Грамматика билан услубшунослик биргаликда шаклларнинг нимани ифодалашини эмас, балки қандай ифодаланишини ўрганади.

Грамматик услубшуносликнинг бир қисми бўлган морфологик услубшунослик ҳар бир грамматик шаклнинг, сўз ясовчи воситалар ва ҳар хил бошқа шаклларнинг услубий хусусиятларини ўрганади.

Ўзбек тилида қўшимчалар доирасидаги маънодошлик (синонимия) ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: шў сабабли // шў сабадан; талабалардан бири // талабаларнинг бири; отга минди // отни минди; савлатли // савлатдор // ба-савлат... каби.



Тилимизда баъзан айрим грамматик шакл қўш қўлланади. Бундай қўллаш нутқда ортиқчаликни вужудга келтириши, нутқ равшанлигига путур етказиши, фикрни хиралаштириши, бачканалаштириши мумкин: тойчоқчагинам, кичкинагина, ичилиб қўйилди, то мактабгача, Янгиқишлоқ қишлоғи, бир калима сўз, ўн йиллар ўтди, бта ўғил-қизларим бор қўлланишларда грамматик шакллар ёки сўзлар ўринсиз, мақсадсиз қўлланган.

Маълумки, услубият – фикрни ифодалаш йўллари, тил воситаларини – материалларини тўғри танлай билиш ҳақидаги таълимот-услублар илми бўлиб, тилнинг вазифаларига мос равишда бир неча кўринишларга эга: сўзлашув услуби, китобий услуб, илмий-оммавий услуб, расмий услуб, публицистик ва бадиий услуб кабилар.

Грамматик услубшуносликда айрим грамматик шаклларнинг ўрнини алмаштириб қўллашнинг ўзига хос томонлари бор. Адабий меъёрда ҳар бир кўрсаткичнинг ўзак-негизларга қўшилишидаги ўрни қатъий белгиланган. Аммо маълум бир услубий мақсадни кўзда тутган ҳолда уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин.



60-машқ.

Роботлар ва дронлар

Робототехниканинг ривожланиши оқибатида биз дўстона роботлар ҳақида кўпроқ эшитадиган бўлдик. Ҳозирги кунда кузатилаётган дронлар омалашуви – бу фақат бошланиши. Тез орада бозорда янада ақлли ва янада фойдали машиналар пайдо бўлади.

Булар инсонларга ёрдам беришга ёки суҳбат қуришга мўлжалланган бўлишадими ёки инсонларни айрим соҳаларда (официант, бармен, оқ соч) ўрнини эгаллайдиган роботлар бўлишадими бунинг аҳамияти йўқ, бир нарса аниқ: Робототехника ривожланиши тўхтамайди. Ҳеч қанча вақт ўтмай телевизор, компьютер, кир ювиш машинаси ва микроўлқинли печь билан бир қаторда робот – ёрдамчилар ҳам сайёранинг деярли барча хонадонининг ажралмас қисмига айланади.

Устма-уст экадиган фермер хўжаликлари

Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга келиб сайёранинг 80 фоиз аҳолиси шаҳар марказлари ичида яшашади, шу сабабли кўпчилик давлатларнинг



асосий муаммоси озиқ-овқат етиштириш муаммосини ҳал қилиш бўлади. Устма-уст экадиган фермер хўжаликлари кўпчилик оролли ҳудудларнинг муаммосига ҳозирги куннинг ўзида ечим бўляпти.

Озиқ-овқат маҳсулотларини устма-уст етиштириш тизимининг қўлланилиши бўш ҳудуд муаммосини ҳал қилишда жуда самарали ечим бўлади. Айниқса, ҳозирги кунда ер майдонларини бутун дунёда йилдан йилга қимматлаб бораётганлиги ҳисобга олинса. Бундан ташқари, бундай фермаларни қурилиш тизими сувни тежашга имкон беради. Бундай фермалар ҳақиқатдан ҳам тоза ва янги маҳсулот етиштиришда муаммонинг тоза ва тежамли ечими ҳисобланмоқда.

Ҳақиқий сунъий идрок

Кўп йиллардан бери ОАВ биз билан суҳбатлаша оладиган, бизнинг буйруқларимизни ва туйғу, ҳатто ҳазилларимизни ҳам тушуна оладиган кибернетик шерик ваъда қилишмоқда. Бироқ айни дамда ушбу орзу орзулигича қолмоқда.

Шу билан бирга, кўп ўтмай, ҳаммаси ўзгариши мумкин, чунки муҳандислар туну кун тинмасдан инсон туйғу ва ифодасини тушуна оладиган дастур устида изланишлар олиб боришмоқда. Илғор технологиялар ютуқлари сабабли, юз тузилишни аниқлаш технологиясидаги айрим СИ дастурлари бизни жаҳлимиз чиққанини, хафа бўлганимизни ёки хурсандлигимизни тушунтириш имкониятига эга. Уларнинг айримлари ҳатто «кўриб турган» воқеа-ҳодисани таърифлаш имкониятига эга.

Буларнинг барчаси атроф-муҳитни ўрганишга ва ўзларининг тажрибалари билан бўлишишга қодир роботлар яратилишидаги илк қадамлардир. Айнан шу фикрни мақсад қилиб, мутахассислар бир кун келиб, етук ва кенг фикрловчи машиналар яратишга умид қилишмоқда.

Бонус: 1000 йил умр кўриш

Кембридж геронтолог олими Обри де Грей фикрига кўра, агар технология шу зайлда ривожланишда давом этса, жуда яқин келажакда 1000 йил умр кўра оладиган инсонлар пайдо бўлади.

Тадқиқотчи, бўлиниш имкониятини йўқотган хужайраларни йўқ қиладиган ва унинг ўрнига соғлом хужайраларни кўпайишига ва тикланишига имкон берадиган терапия устида иш олиб бормоқда. Терапия 60 ёшли инсонга, у 90 ёшга тўлмагунча, 30 ёшдагидек қолиш имконини беради. Жараён 120 ёки 150 йилгача ва ундан ҳам кейин такрорланаверади.



Мистер Грей фикрига кўра, мазкур усул яқин келажакда ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Шундай қилиб, эҳтимол яқин келажакда инсоният мангу ёшлик шарбатини топиши мумкин.

Бекзод Мусурмонов



1. Матнда кўрсатилган ахборотларни бирлаштирувчи ғоя нимада?



2. Берилган матннинг долзарблиги нимада? Тадқиқот юритинг. Фикрмулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Матндан асосий ва майда тафсилотли ахборотларни ажратиб олинг ва умумлаштиринг, турли кўзқарашларни солиштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Ўз фикрингизни билдиринг.
4. «Т-жадвали» усули асосида матнда келтирилган маълумотларни ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|-----------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. | 1 |
| ... | ... |



Юқорида олинган назарий маълумотларга таянган ҳолда нутқ маданияти ва услубшунослик ҳақида фикрларингизни ҳаётий мисоллар билан бойитиб, муҳокама эссе ёзинг.



НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Тил услублари ҳақида маълумот. Бадиий, сўзлашув услублари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда, муаммоларни ҳал қилишда иштирок эта- миз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафси- лотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, те- зис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



61-машқ. Матн билан танишиб чиқинг. Мулоҳаза юритинг ва топшириқ- ларни бажаринг.



Дунё вақт ўтгани сайин ўзгармоқда ва ҳар кун такомиллашмоқда, ҳар кун қандайдир кашфиётлар қилинмоқда. Бу ютуқларсиз биз ҳозирги кун- да бу даражада ривожланмаган бўлар эдик. Бутун дунё тадқиқотчилари, ишлаб чиқарувчилари ва дизайнерлари ҳаётимизни энгиллаштиришга ва қизиқарли қилишга интилиб янгиликлар яратишмоқда.

ВИЛГЕЛЬМ РЕНТГЕН ВА УНИНГ РЕНТГЕН НУРЛАРИ

Биз деярли ҳаммамиз, умримизда бир марта бўлса ҳам рентген аппа- ратга тушганмиз ва танамизнинг у ёки бу қисмининг рентген тасвирини кўрганмиз. Ҳозирги кунда травматик жарроҳлик ва бошқа турдаги таш- хис-диагностика ишларида беназир воситага айланган рентген нурлари- ни 1895 йилда немис физиги Вилгелъм Рентген кашф қилган эди. Ушбу кашфиёти учун Рентген физика бўйича 1901 йилдаги, яъни, энг дастлабки Нобель мукофотига сазовор бўлган. Унинг ўзи ўша пайтларда бу нурлар- ни «икс-нурлар», яъни, «номаълум нурлар» деб атаган эди. Кейинчалик, врачлар ва илмий жамоатчилик нутқида «икс-нурлар» атамаси ўрнига «рентген нурлари» атамаси оммалашиб кетди. Рентген нурларининг ама-

лий аҳамиятини олимлар деярли дарҳол англашган. Мана, кашф этилганига бир асрдан ошибдики, рентген нурлари шу пайтгача миллионлаб инсонларни майиб-мажруҳ бўлиб қолишдан ва ҳаттоки ўлимдан сақлаб келмоқда. Олимнинг бу хизматини муносиб баҳолашнинг ўзи ҳам мушкул. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, нурларнинг ўзи ҳам ва уни кашф қилган олим фамилияси ҳам, аслида, соф немисча талаффузда «Рентген» деб ёзилади ва ўқилади. «Е» ўрнига «Ё» ишлатилса тўғрироқ бўлади. Лекин, оммалашиб, нутқ ва матнга сингиб бўлган «рентген» сўзини энди ёппасига «рентген»га алмаштиришнинг иложи бўлмаса керак...

ЭНРИКО ФЕРМИ ВА ФИЗИКА БЎЙИЧА 1938 ЙИЛГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

1938 йилги Нобель мукофоти «секин ҳаракатланувчи нейтронлар орқали юзага келтириладиган ядро реакцияларини кашф этганлиги учун» берилган. Мукофот эгаси – италиялик физик Энрико Ферми. Ферми атиги 53 йил умр кўрган. Лекин шу қисқа умри давомида 6 ёки 8 марта Нобель мукофоти олишга лойиқ муҳим илмий кашфиётларни амалга оширган. Улар ичида энг муҳим кашфиёти эса, бошқариладиган ядро реакцияларини олиб бориш учун мўлжалланган ядровий реактор эди. Ядровий реакторнинг ишлаш тамойилини ва моҳиятини айнан Ферми ишлаб чиққан. Унинг назарияси асосида барпо қилинган илк тажриба реактори 1942 йилнинг 2 декабрида ишга тушган ва тахминан 0,5 ватт энергия чиқарган. Ўн кундан кейин, ўша қўлбола реактор энди 200 ватт энергия бера оладиган даражага чиқарилган. Фермининг ушбу кашфиёти туфайли дунё ўта арзон ва жуда самарадор (лекин хавfli) энергия манбаига эга бўлди. Ўшандан буён ядро энергетикаси жаҳон саноати ва иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланган. Ядро энергетикасисиз замонавий дунёни тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки саноатлашган дунёнинг энергияга бўлган талаб-эҳтиёжларини ядро энергетикаси билангина қондириш мумкин.



1. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг.
2. Матн жанри ва услубини аниқланг.



3. Матн асосида оддий режа тузинг ва хомаки баёнингизни солиштиринг.
4. Камчиликсиз тайёр ҳолга келтирилган баённи тенгдошларингизга тақдим этинг.



Адабий тил умумхалқ тилининг товушлари, сўзлари ва грамматик шакллари жиҳатидан маълум меъёрга келтирилган кўринишидир. Шунга кўра адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланган тил ҳисобланади. Адабий тилни маълум меъёрга келтирувчи сўз санъаткорлари: ёзувчилар ва олимлардир. Адабий тилни вужудга келтиришдан мақсад умумхалқ оммавий алоқа воситасини яратишдир.

Адабий тилнинг икки шакли: ёзма ва оғзаки шакли мавжуд.

Ёзма адабий тил – китобий тил бўлиб, адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади. Ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр – орфография(имло) ва пунктуация (тиниш белгилари). Оғзаки адабий тил учун меъёр – талаффуздир.

Адабий тилнинг маълум соҳаларда қўлланиладиган кўриниши **адабий тил услублари** дейилади. Тилнинг маълум нутқ шаклларида қўлланилиши асосида нутқ услублари вужудга келади.

Ўзбек тилининг нутқ услублари 5 та: **сўзлашув услуби, илмий услуб, расмий-идоравий услуб, оммабоп (публицистик) услуб, бадиий услуб.**

Сўзлашув услуби – оғзаки нутқ услуби, қолган услублар – ёзма нутқ услубларидир.



62-машқ. Матнни ўқинг, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЭГАЛАРИ АМАЛГА ОШИРГАН ЭНГ МУҲИМ КАШФИЁТЛАР

Ҳар йили октябрь ойининг дастлабки ҳафтасида бутун дунё илмий жамоатчилиги нигоҳи Стокгольм томон юзланади. Чунки октябрнинг илк кунларида Швеция Фанлар Академияси томонидан, дунёдаги энг нуфузли илмий мукофот – Нобель мукофотининг жорий йилги лауреатларини эълон қилади. Хабарингиз бор, Нобель мукофоти Физиология ва Тиббиёт,



Физика, Кимё илмлари бўйича ҳамда адабиёт, иқтисодиёт ва тинчлик соҳаларида берилади. Албатта, қайсидир олим ёки шахсга ушбу олий илмий мукофот берилгани ҳақида хабар тарқалиши ҳаманоқ, унинг айнан қайси «кўрсатган каромати» учун мукофотга лойиқ кўрилгани ҳам маълум қилинади. Табиийки, оддий халқ энг аввало, ўша илмий ишнинг амалий

аҳамияти билан қизиқади. Яъни, «хўш, бундан одамларга нима наф?» – қабилидаги савол албатта ўртага ташланади.

Ҳақли савол. Бу саволга ҳар доим ҳам жўяли жавоб топиб бериш қийин. Масалан, ушбу 2017 йилги физика бўйича Нобель мукофотига лойиқ кўрилган илмий иш – гравитацион тўлқинларни қайд этилишидан яқин орада қандайдир бир амалий наф чиқиши гумон. Башарти, бу тўлқинларни қайд этилганлиги ўзи катта илмий ютуқ ҳисобланса-да, лекин ушбу гравитация тўлқинларидан маиший турмуш у ёқда турсин, шунчаки илмий лабораториялар учун бўлса ҳам фойдаси тегадиган бирор амалий иш чиқариш мушкул масаладир. Лекин, гап шундаки, бу каби фундаментал тадқиқотлар олиб бораётган олимлар, умуман, аксарият илм кишилари, тадқиқот ва илмий ишларидан қандайдир амалий наф чиқаришни мақсад қилмайдилар. Одатда, Нобель мукофотига лойиқ кўриладиган илмий ишларда олам сирларини билиш, табиат асрорларининг тагига етиш ва биз яшаётган Коинотнинг қонуниятларининг моҳиятини очиб бериш биринчи галдаги масала бўлади. Одатда, бундай фундаментал илмий ишлар ва улардан олинган муҳим кашфиётлардан келиб чиқадиган иккиламчи хулосалар орқалигина у ёки бу даражада одамлар учун хизмат қиладиган амалий наф чиқарилади. Лўнда қилиб айтганда, аслида илмий кашфиётлар сиз билан бизга ошхонада картошканинг пўстини арчишда ёрдам бериш учун қилинмайди. Аксинча, илмий кашфиётлардан келиб чиқувчи иккиламчи хулосалардан картошканинг пўстини арчишни осонлаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлади. Шу маънода, Нобель мукофотига лойиқ кўрилган илмий ишдан дарҳол амалий наф кутиш ўзи тўғри эмас. Мукофотга лойиқ кўрилган баъзи ишлар орадан фақат бир неча ўн йиллар ўтибгина инсониятга амалий хизмат қила бошлаши мумкин. Баъзиларидан эса, юз йилдан кейин ҳам амалда фойдаси бўлмаслиги, лекин у, одамзотнинг оламини англаш йўлидаги билим ва тафаккурини тубдан ўзгартирганлиги билан қадрли бўлиши мумкин...

Музаффар Қосимов



1. Матн мазмуни билан танишиб чикқач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Матнда қандай долзарб масала кўтарилган? Муҳокама қилинг.
3. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.



4. «Беш дақиқали эссе» усулида матн асосида ўз фикр-мулоҳазаларингизни ишга солиб кичик матн яратинг.



«Оламшумул ихтиролар» мавзусида ҳикоялаш типидида матн ёзинг.



Бадиий услуб. Бадиий асарлар бадиий услубни ташкил қилади. Бадиий услуб адабий тилнинг ривожланиши учун муҳимдир.

Бадиий услуб тилнинг тасвирий воситалари (метафора, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш) ёрдамида бадиий-образлилик ҳосил қилади ва кишига эстетик таъсир этади.

Шу боисдан бадиий услубнинг асосий вазифаси бадиий (эстетик) таъсир этишдир. Бадиий услубнинг асоси бадиий асарлар бўлиб, бадиий асар тилини тилшунослик фани ўрганади.

Бадиий услуб луғавий жиҳатдан кўпмаънолилик ва кўчма маънолиликка таянади.

Бадиий услубнинг таянч сўзлари: **борлиқ, беғубор, эзгу, мангу, мунис, мусаффо, диёр, ёрқин, сукунат, ҳазин, маъюс** каби бадиий-китобий сўзлардир. Бу услубда **гардун, очун, кишвар, забун, ялов, ағёр, ғаним, сарбаст, дудоқ каби архаик; ясовул, доруға, миршаб** каби тарихий сўзлар ҳам кўп қўлланилади.

Бадиий услуб кўпинча адабий тил меъёрларига бўйсунмайди. Бу услубда гап-да сўзларнинг ўрин алмашиши (инверсия) кўп учрайди. Масалан, Сўйлаб берай, Зайнаб ва Омон, Севгисидан бир янги дoston (Ҳ.О).

Қуйидаги матн бадиий матндир. **Сокин тун. Осмон тўла юлдуз лекин ёруғи йўқ. Йўл бошидаги дарахтлар ҳурпайган товуққа ўхшаб кўринади, қоп-қора** (Шўхрат).



63-машқ. Матнни ўқинг, мазмуни билан танишинг ва услубини аниқланг. Услубини 63-машқ матн услуби билан солиштиринг. Ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тушунтиринг.

Ровийлар насихат қилишадиларким: йўлда қароқчилар мавжудлигини билган тадбирли сайёҳ ёлғиз юрмайди. У сипоҳилар ҳимоясида бирон қарвон ўтишини кутади ва унга қўшилиб ўзининг хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳаёт йўлида ҳам идрокли одам таваккал қилмайди, бирон ақлли одамни учратиб, унинг изидан юрмоқликни маъқул кўради. У ўзига ўзи айтадики: дунё хавотирга тўла, фалоқат оёқ остида. Қайси йўлдан юрмоқ маъқул? Хавф-хатардан ҳоли юрмоқлик учун қандай ҳамроҳни танламоқ жоиз? Бой одамнинг этагидан тутсамми ё эътиборли мансабдорнингми? Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, униси ҳам, буниси ҳам вақти келганда офатдан қутқариб қололмайди. Чунки уларни ҳам тўнайдилар, ҳам ўлдирадилар ёки хорлайдилар. Улар ҳам йиғлайдилар ... балки уларнинг ўзлари ҳаёт йўлининг маълум бир йўналишида ҳужум қилиб қолишар?

- Наҳотки ҳаёт йўлида эргаштириб борувчи ишончли ҳамроҳ йўқ бўлса? Ақлли одам шундай саволга дуч келганда тўғри жавоб топа олади:
- Ҳаёт йўлида адашмаслик учун Оллоҳ белгилаган йўлдан юрмоқ керак.
- Оллоҳ белгилаган йўлдан юрмоқ надир?
- Бу Оллоҳ хоҳлаган нарсани сен хоҳладинг, истамаганини истамадинг, деган гап.
- Бунга қандай эришмоқ мумкин?
- Илм эгалла. Барча қулфларнинг калити шундадир.

Тоҳир Малик



1. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.



2. Матн асосида режа тузинг ва тузилган режа бўйича хомаки иншо ёзиб, уни текширинг ва «оқ»қа кўчиринг.



ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН БУЮК АЛЛОМАЛАР: АБУ АЛИ ИБН СИНО

Илмий, публицистик, расмий услублар

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда, муаммоларни ҳал қилишда иштирок эта- миз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафси- лотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, те- зис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



Шахски, илм нурин топти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.
Сикандар чун топти илму ҳунарни,
Не янглиқ олди, кўргил, баҳру барни.

А. Навоий



64-машқ. Матнни «Жигсо» усули ёрдамида ўқиб ўзлаштиринг. Сарлавҳа кўйинг.

Ибн Сино, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980.8, Афшона қишлоғи – 1037.18.6, Ҳамадон шаҳри, Эрон) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўрта осиелик буюк қомусий олим. Фарбда Авиценна номи билан машҳур.

Ибн Сино 17 ёшдаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танил- ди. Ўша кезларда ҳукмдор Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Довруғи бутун шаҳарга ёйилган ёш табибни амирни даволаш учун саройга таклиф қиладилар. Унинг муолажасидан бе- мор тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Сомонийларнинг кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан





саналарди. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланди ва шу пайтдан бошлаб ўрта аср фалсафасини муस्ताқил ўрганишга киришди. У юнон муаллифларининг, хусусан, Аристотелнинг «Метафизика» асарини берилиб мутолаа қилди. Лекин бу китобда баён қилинганларнинг аксарияти Ибн Синога тушунарсиз эди. Тасодифан ёш олимнинг қўлига Абу Наср Форобийнинг «Метафизика»нинг мақсадлари ҳақида»ги китоби тушиб қолади ва уни ўқиб чиқибгина Ибн Сино метафизикани ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олди. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшидан бошланди. У Нуҳ ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, «Уржуза» тиббий шеърини асарини, ўз қўшнисини ва дўсти Абул-Хусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал-ҳикмат ал-Арузий» («Арузий ҳикмати») асарини таълиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал-Барқий (ёки Барақий) нинг илтимосига кўра, 20 жилдли «Ал-ҳосил ва-л-маҳсул» («Яқун ва натижа») қомусий асари ҳамда 2 жилдли «Китоб ал-бир ва-л-исм» («Саҳоват ва жиноят китоби»)ни ёзди.

Қорахонийлар 999 йил Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. 1002 йили унинг отаси вафот қилди. Икки сулола вакиллари-нинг тахт учун кураши 1005 йилгача давом этиб, охири қорахонийларнинг буткул ғалабаси билан тугади. Бундай вазиятда Бухорода ортиқ қолиб бўлмас эди. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб, Хоразмга бош олиб кетди.

XI аср бошларида Хоразм қорахонийлар ҳужумидан бирмунча тинч бўлиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлка эди. Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун (997–1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009–1017) илм-фанга эътиборли ҳукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар. Шу боис бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч) да замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йили вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳий (1010 йили вафот этган), Абу-л-Хайр Хаммор (942–1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний шулар жумласидан. Ана шу илмий даврага 1005 йили Ибн Сино ҳам келиб қўшилди.

Абу Али ибн Сино бемор ҳузурда. Рассом: Р.Арибжанов
www.ziyouz.com кутубхонаси



Абу Али ибн Сино шогирдлари билан. XVII аср миниатюраси
www.ziyouz.com кутубхонаси



Хоразмда Ибн Сино, асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди. Ибн Синонинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний билан ва ўзининг шогирди Бахманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир. Ибн Сино Абу Сахл Масихийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олди. Хоразмшоҳ вазири Абул-хусайн ас-Саҳлий илмларни севувчи киши бўлганидан, Ибн Сино у билан дўстлашади ва унга атаб алкимёга оид «Рисола ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») номли асар ёзди. Бироқ Хоразмдаги осойишта ҳаёт узоққа чўзилмайди. Шарқда қудрати ортиб бораётган Ғазна ҳукмдори султон Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкага кўз тикади. У, аввал, Маъмунга саройдаги бир гуруҳ олимларини Ғазнага жўнатиб юборишни сўраб хат ёзади. Бу хатга жавобан Беруний ва Абу-л-Хаммор Ғазнага кетадилар. Ибн Сино эса бу таклифни рад этиб, Масихий билан биргаликда 1010–1011 йилларда яширинча Хоразмни тарк этади. Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.


Масихий билан Ибн Сино Журжонга – Масихийнинг ватанига йўл олдилар. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масихий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада, Ибн Сино азоб-уқубатлар чекиб, аввал, Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хурсоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят, Каспий денгизининг жануби-шарқда жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. Ибн Сино Журжон-

да 1012–1014 йилларда яшайди, лекин шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – Абу Убайд Жузжоний билан учрашув ва бир умрга дўстлашув содир бўлади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. У Ибн Сино билан олимнинг сўнгги дамигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг таълифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Замондошлари Ибн Синони «Шайх-ур-раис» («донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»); «Шараф ал-мулк» («ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «ҳужжат ал-ҳаққ» («ростликка далил»); «Ҳаким ал-вазир» («донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган.

Ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин, олим шуларнинг ҳар бирида чуқур из қолдирган. Лекин Ибн Сино асарларининг миқдорий нисбатига назар солсак, олимнинг қизиқиш ва эътибори кўпроқ фалсафа ва тибгга қаратилганини кўрамыз. Гарчи, уни «Авиценна» сифатида Ғарбда машҳур қилган унинг тиббий мероси, хусусан, «Тиб қонунлари» бўлса-да, «Шайх-ур-раис» номи, энг аввал, унинг буюк файласуфлигига ишорадир.

Ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъ-



сир кўрсатди. Шарқнинг Умар Хайём, Абу Убайд Жузжоний, Насриддин Тусий, Фаридиддин Аттор, Ибн Рушд, Низомий Ганжавий, Фахриддин Розий, ат-Тафтазоний, Носир Хисрав, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Улуғбек, Бедил, Баҳманёр ибн Марзбон каби мутафаккир ва олимлари ўз асарларида Ибн Сино таълимоти ва илмий ғояларини давом эттирдилар. Европада алломанинг асарлари XII асрдан бошлаб латин тилига таржима қилиниб, университетларда ўқитила бошланди. Европанинг машҳур файласуф ва табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Гундисвальво, Вильгельм Овернский, Александр Гельский, Альберт фон Больштедт, Фома Аквинский, Рожер Бэкон, Данте ва бошқалар Ибн Синонинг илғор фикрларидан ўз ижодларида фойдаландилар ва унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олдилар.

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш ишлари янги даврга келиб жадал тус олди ва натижада чет эл ҳамда Ўзбекистонда махсус илмий йўналиш – синошунослик вужудга келди. «Тиб қонунлари» нинг латинча таржимаси тўлиқ ҳолда 40 марта нашр этилди. Унинг айрим қисмлари немис, инглиз ва француз тилларига таржима қилинди, олимнинг фалсафий ва бошқа соҳаларга оид асарлари ҳам жаҳоннинг бир неча тилларида нашр этилди, унинг ижодига оид қатор йирик тадқиқотлар яратилди.

*Сурайё Каримова
(тарих фанлари доктори, профессор)*



1. Матннинг жанри, типи, услубини аниқланг. Матндан далиллар келтириб, фикрингизни асосланг.
2. Асосий ва майда тафсилотларини ажратамиз:

| Асосий ахборот | Майда тафсилотлари |
|----------------|--------------------|
| | |

3. Ҳар бир гуруҳ ўзига ажратилган матн парчасини батафсил оғзаки ҳикоя қилади ҳамда тезисини ёзади.
4. Матнга эпиграф сифатида илова қилинган цитатанинг матн қаҳрамонига қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг. Изоҳланг.



Илмий услуб. Фан ва техникага оид асарлар, дарслик ва қўлланмалар илмий услуб намуналаридир. Илмий услуб аниқ маълумотлар, умумлашмалар, таърифлар, тушунчалар билан иш кўради.

Илмий услубнинг таянч сўзлари ҳар бир фаннинг ўзига хос бўлган атамаларидир. Масалан, **товуш, урғу, бўғин, гап** (тилшунослик) **учбурчак, параллел, синус, косинус** (математика) атамаларидир.

Илмий услуб формулаларга, табица ва схемаларга, шартли белгиларга (Н-водород, H_2O -сув, X-икс,) таянади.

Илмий услубда умумистеъмом сўзларидан, кўмакчилар (учун, каби, сингари), боғловчилар (ва, аммо), кириш сўзлар кўп қўлланилади. Бу услубда сўзлар кўчма маъноларда ишлатилмайди.

Илмий услубнинг грамматик қурилиши изчил, мантиқан боғланган, фикр аниқ ифодаланган бўлади.

Қуйидаги матн илмий услуб намунасидир. **Тоғ ва адирларда тўппигул деган ўсимлик бўлади. Май, июнь ойларида гуллаб етилади: ҳиди йўқ, гули тўқ ҳаворанг бўлиб, устки қатлами жигарранг.**



Публицистик (оммабоп) услуб. Бу услуб кундалик ҳаёт кўзгуси ҳисобланади. Публицистика «халқ» сўзидан келиб чиққан бўлиб, халқчил деган маънони беради. Матбуот (газета, журнал), радио - телевидение, нотиклар нутқи оммабоп услубни ташкил этади.

Бу услуб кундалик расмий ва долзарб воқеаларни ҳаётдаги ижтимоий масалаларни акс эттиради.

Оммабоп услубда фикр изчил ифодаланади, луғавий жиҳатдан ижтимоий-сиёсий: **сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, ҳукумат, давлатлараро муносабат** каби сўзлар газета расмий хабарларига хос: **хабар, долзарб, мухбир, лавҳа, очерк, репортаж** каби сўзларга таянилади.

Оммабоп услуб бадий услубга яқин бўлганлиги, бадий матнларга алоҳида эътибор берилганлиги учун унда образли воситалар, таъсирчан сўзлардан (**заршунос, дала маликаси, оқ олтин, зангори экран**) кенг фойдаланилади.



65-машқ.

...Савол берганда одамнинг кўзига тик қараб жавоб берадиган бу бола чолга ўз набирасидек ёқиб қолган эди. У кетгандан кейин кўнгли юмшаб, анчагача жилмайиб ўтирди.

Шундан сўнг ёш Хусайн боққол олдига тез-тез чиқадиган бўлиб қолди. Уйга қайтиб келгандан кейин у ҳовлининг бир бурчагидаги нимқоронғи хонага кириб олиб хонтахта ёнига ўтирар, ҳисоб чиқариш, турли шаклларни чизиш билан машғул бўлар эди.

Ўзидан анча кичик, ювош, оғир укаси ҳам унга тақлид қилиб қоғоз қораларди.

Девонга эрта билан кетиб кеч қайтадиган отаси ўғлининг нима билан шуғулланаётганидан беҳабар эди. Иттифоқо, бир куни ишдан эртароқ қайтиб келиб Хусайннинг нималарнидир чизиб ўтирганини пайқаб, қўлидан қоғозни олди-да, уни ёруққа солиб кўрди.

– Ие, хандасий шакллар-ку. Мусаллас (математик ўлчов: уч қат; уч бурчакли маъносида), мурабба... ҳаммаси тўғри чизилган.

Хусайн отанинг юзи ёришиб кетганини кўриб тилга кирди:

– Дада, Иқлидус, нуқта шудурки, унинг ўлчови йўқ, чизиқ энсиз узунлик, деган эканлар...

– Кимдан эшитдинг бу гапни?

Ўғли оғзини очмасдан бурун онаси жавоб қилди:

– Хусайн уч-тўрт кундан бери маҳалламиздаги боққол олдига чиқиб ҳинд илми ҳисобини ўрганмоқда. Уйга қайтиб келгач, алланима балоларнинг сувратини солиб ўлтирадур. Эридан анча ёш бўлган қора қош, қуралай кўзли хушсурат Ситорабону, «дадаси уришиб бермасайди», деб ҳайиқиб турар эди. Эрининг мамнун бўлганини кўриб, у жилмайди-да, орқага сурилган оқ шойи рўмолини тўғрилаб қўйди.

– Жуда соз, – деди сочига қиров туша бошлаган жиккак, қиррабурун Абдулло ибн Ҳасан хурсандлигини яширишга уриниб. – Мен Маҳмуд Массоҳ билан гаплашиб, уни уйимизга таклиф этгайман. Бўш вақтларида келиб Хусайнга илмий риёзий ва хандасадан дарс берсин. Мактабда ул илми динни ўрганди, энди дунёвий илмларни эгалласин. Болалигида унинг миёсига илм уруғи қадалса, кейин сермева дарахт бўлиб униб чиққай.

Шундан кейин Маҳмуд Массоҳ Абдулло ибн Ҳасаннинг уйига келиб унинг ўғлига дарс бера бошлади. Баъзан Хусайннинг ўзи унинг дўконига

чикиб сабоқ олар, кекса боққол ёш шогирдининг зеҳнига қойил қолар, шу сабадан уни завқ билан ўқитар эди.

Орадан икки йил ўтмай, Ҳусайн устодининг билганларини ўрганиб олди.

Бир қуни устодига қараб:

– Эмди доиранинг сатҳини ўлчашни ўргатинг, – деди.

– Қўлингга паргор(циркуль) олиб, доира чиз-да, уни тўртга бўл...

Шогирд унинг айтганини қилиб, бош кўтарди.

– Ҳосил бўлган учбурчакларнинг асослари эгри чизиқлар-ку... –

Устод боланинг нима демоқчи бўлганини англаб, бош қашиди-да:

– Массоҳлар ер майдонини турли шаклларга бўлиб, юзасини тахминан ўлчайдурлар, аммо доиранинг сатҳини аниқ белгилаш йўлини билмайдурлар, – деди.

Кечқурун боққол уй эгаси билан ёлғиз қолганида:

– Ўғлингизнинг зеҳни қиличдек ўткир, баъзи саволларга жавоб тополмай қолаётирман, – деди. – Билганларимни ҳаммасини ўргатдим. Қуни кеча: «Улғайганигда массоҳ бўлмоқ истайсанми?» – деб сўрасам, «Йўқ, табиб бўлурман, илмий ҳикмат ўрганурман», – деб айтди. Шу кичик ёшдан нимага интилишини, ким бўлишини биладур! Илоҳим умри узоқ бўлсин, мақсудига етсин. Ўғли учун фахрланган отаси хурсандлигини яшириш учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди.

– Баъзи ёшлар борки, улар бошқалардан қолмаслик учун мадрасага кириб ўқийдурлар. Таҳсил кўрмоқдан мурод нима эканлигини, нимага интилаётганларини билмайдурлар. Оқибатда илмнинг гардини ҳам юқтирмай, мадрасадан қуруқ чиқадулар.

– Аммо ўғлингиз улар тоифасидан эмас. Ҳусайн менинг ўргатганларим билан чекланиб қолмай, камол топмоғи зарур. Унга фикри мунаввар бир муаллим топиб қўйдим.

– Ким экан ул?

– Яқинда Бухорога келиб қолган ёш олим Абу Абдулло Нотилий. Форобийни ўқиб тушунадурган, одобли, билимдон йигит, – деди Маҳмуд Массоҳ кулиб, тавсия қилаётган муаллимнинг фазилатларидан завқланган кишидек.

– Майли, бошлаб келинг, мен гаплашиб кўрай. Шу пайт кўчада болалар билан қувлашиб юриб қизариб кетган Ҳусайн меҳмонхонага кириб отаси билан устодига салом берди.

– Ўғлим жуда шўх, ўйинқароқ, – деди Абдулло ибн Ҳасан тез-тез нафас олаётган Ҳусайнга қараб. – Бир дақиқа тинч турганини кўрмайман.



– Тани соғ, серғайрат бола-да! – деди устод завқланиб. Кейин шогирдига юзланди.

– Қани, ўғлим, ёнимга келиб ўлтир, икки оғиз гапимни эшит. Аввало, шуни айтиб қўяйки, сенга бошқа муаллим топиб қўйдим, эртага бошлаб келгайман. Уни ҳурмат қилиб, дарсига диққат билан қулоқ сол. Энди на-сиҳатларни эшит. Киши тўғри йўл топган бўлса, бор кучини сарф қилиб, орқага қайтмаслиги, умид ипини йўқотмаслиги керак. Сен тўғри йўлга тушиб олгансан, нимани хоҳлаганингни билурсан, ўз кучингга инонурсан, олға интилсанг, иншооллоҳ, ўз мақсадингга етгайсан!

– Айтганингни келсин! – деб юборди ҳаяжонга келган ота қалтираган овоз билан.

Миркарим Осим



1. Матн устида ишланг. Мазмунини қуйидаги жадвал асосида 65-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| 65-машқ матни | 66-машқ матни |
|--|---------------|
| Мавзуси | |
| | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | |
| | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | |
| | |
| Тузилиши, жанри, услуби | |
| | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | |
| | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | |
| | |

2. Тўплаган маълумотлар, хулосаларингиз асосида асосий ахборотни ёзма баён этинг.
3. Ахборотни публицистик услубда баён этинг. Имло қоидаларига риоя қилинг.



66-машқ. Уч гуруҳга бирикиб, аллома ижодидан рубойлари, қитъалари ҳамда насихатларини ажратиб олиб, ўқиб ўрганинг.

ИБН СИНО ИЖОДИДАН

Рубойлар

Эй нафс, ки ғарқ айла ҳавою ҳавасинг,
Зуд ўлки, зарур ҳимояти бир нафасинг.
Дунё дема, молу давлату ишва дема,
Ким, дўст деб душманга гирифтор ўласинг...

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

Ҳар ерда жаҳолат ҳаддан ошган он,
Замона жигаринг қилур қаро қон,
Марварид, гавҳарга тўлурми қўлинг,
Остонанг ул ёғи гар бўлса уммон.

Дўстим душман билан ўтирмиш бисёр,
Энди ўтирмайман у билан зинҳор.
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,
Пашшадан қоч, кўниш жойи бўлса мор.

Жамол Камол таржималари



Қитъалар

Улуғлигим туфайли дилларида ваҳмалар зоҳир,
Йўқ эрса, шафқат этмай, айлашарди бетиним таҳқир.
Мени тутмоқчи бўлганлар қазиб чоҳ, айлашар «ав-ав»,
Кучук овози ҳар ёқда, фақат мен бунда шерман, шер.

* * *

Узоқдан ўқрайиб, менга қилурлар неча ғавғолар,
Мен эрсам илм дерман, тунларим бедор ўтар бир-бир.
Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,
Кўрарди ишларимда ул ёмон ўрнига хўб тадбир.

* * *

Тарк қил бор нарсани, аълодурур жон ҳаммадан,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса, илм – бир ёнгувчи шам,
Ҳикмати инсонни билгил ул чароғда лампаёғ.
Гар чароғ равшан эурса, сен соғ-саломат ҳам тирик,
Гар чароғ сўнса, сенинг ҳам ўлганингдир ушбу чоғ.

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси

Насиҳат

Еган бўлсанг таоминг,
Ҳазм бўлмасдан олдин,
Яна устига-устак –
Емоққа йўқ зарурат.

* * *

Чайнашда тишлар ожиз –
Бўлган таомни ютма,
Таомнинг ёмони бу,
Қоринга бўлгай офат.

* * *

Кун аро ҳаммом тушмоқ
Одатин тарк айлама,



Танинг топар парвариш,
Юурсан соғ-саломат.

* * *

Дори-дармон ичмоққа
Ўзингни кўп ўргатма,
Дору ичиш ножоиз,
Етмасдан катта иллат.

* * *

Бордию зўр эҳтиёж
Сени айласа мажбур,
Иллат, дори таянчдир,
Баданга бўлур қувват.

* * *

Бу ҳикматни атайлаб,
Бир кун ҳаким Таёзуқ –
Нўширавон Одилга,
Қилган экан насиҳат...

Абдусодиқ Ирисов таржимаси



1. Ўзингизга (ҳар бир гуруҳ аъзолари) ажратиб олган шеърий бандларни овоз чиқариб ифодали ўқинг.



2. Матнда кўтарилган муаммо, масалалар доирасини аниқланг. Назмий парчаларнинг асосий ғоясини белгиланг. Фикрингизни далиллар билан асослаб баён этинг.



3. Матн тили устида ишлаб, бадий-тасвир воситаларини қуйидаги жадвал бўйича таснифланг. Уларнинг нутқдаги ролини аниқланг.

| Бадий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|-------------------------|----------|---------|
| Ташбеҳ (ўхшатиш) | | |
| Талмеҳ | | |
| Муболаға | | |
| ... | | |



3. Матнни сўзлашув услубида, типини ўзгартириб, қайта баён қилинг.
4. Тингланган материални ишонччилик нуқтаи назаридан баҳоланг.



Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам.

Носир Хисрав



Буюк шахслар гўзал нутқлар воситасида эмас, ўз меҳнатлари ва уларнинг натижалари орқали шаклланади.

Альберт Эйнштейн



ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН БУЮК АЛЛОМАЛАР: МИРЗО УЛУҒБЕК

Нутқ маданияти қоидалари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда, муаммоларни ҳал қилишда иштирок этамиз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафсилотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, тезис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



67-машқ. Матнни синчиклаб ўқиб ўрганинг. Атама ва тушунчалар ҳамда синтактик тузилиши орқали услубини аниқланг.

МИРЗО УЛУҒБЕК ЕВРОПАЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ

Мирзо Улуғбекни XV асрдан бери Европа ва Америкада ҳам, Осиёда ҳам яхши билишади. XVI аср охири ва XVII асрнинг бошларида Европада астрономия фанининг жадал суръатлар билан ривожланиши европаликларнинг Самарқанд академиясига бўлган қизиқишини оширди. Шогирди Али Қушчининг Улуғбек асарларини Туркияда тарғиб этганлиги натижасида европаликлар унинг фан тараққиётига қўшган кашфиётларидан баҳраманд бўлдилар.

Ҳозирги кунда «Зижи жадиди Кўрагоний» асарининг 150 дан ортиқ нусхаси маълум. Бошқа маълумотларга кўра, асарнинг 120 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси ҳам мавжуд.

Мирзо Улуғбекни давлат ишлари билан машғул бўлишдан кўра кўпроқ илму фан билан шуғулланиш қизиқтирган. Унинг «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисолаи Улуғбек», «Тўрт улус тарихи», «Зижи жадиди Кўрагоний», «Кўрагонийнинг янги жадваллари» каби асарлари дунё олимлари томонидан ҳали ҳануз ўрганилади. Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асари «Улуғбек зижи», «Зижи Кўрагоний» каби номлар билан ҳам аталади. «Зиж» сўзи форс тилидаги «зик» сўзидан

олинган бўлиб, «жадвал» маъносини билдиради. Мазкур асар Улуғбекнинг қарийб 30 йиллик изланиши самараси бўлиб, у 1444 йилда ёзиб тугатилган. Асар форс тилида битилган, кейинчалик Фиёсиддин Ал-Коший томонидан араб тилига таржима қилинган.

1638 йили инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд университети профессори Жон Гривс Истанбулга келади. У ўзи билан Англияга асарнинг бир нусхасини олиб кетади. 1643 йилдан бошлаб Жон Гривс «Зижи жади-ди Кўрагоний» асарини илмий тадқиқ қилишни бошлади ва Улуғбекнинг юлдузлар каталогидан олинган 98 та юлдуз ҳолатини 1648 йили эълон қилди, аниқроғи, олимнинг мазкур иши Байнбридж томонидан нашр қилинди. Ўша йилнинг ўзида у «Зиж»нинг география қисмини алоҳида нашр этди. Кейинчалик эса у тўрт қисмдан иборат Улуғбек «Зиж»и биринчи китобининг лотинча таржимасини нашр қилди. 1652 йилда охирги иккита иш қайта чоп этилди.

Англиялик шарқшунос олим ва таржимон, Оксфорддаги Бодлеяни кутубхонасининг ходими Томас Хайд 1018 та юлдуз тадқиқ қилинган «Зижи жади-ди Кўрагоний»нинг юлдузлар жадвалини лотин ва форс тилларида нашрга тайёрлади ҳамда «Улуғбек кузатишлари бўйича қўзғалмас юлдузларнинг (астрономик) кенглама ва узунламалари жадваллари» номи билан нашр эттирди. Томас Хайд Гривснинг «Зиж» борасида олиб борган илмий ишларидан беҳабар бўлган, бу эса Улуғбек асарининг турли йўллар билан Европага кириб борганини кўрсатади.

Ж. Гривс ва Т. Хайд томонидан Улуғбек «Зиж»идаги жадвалларнинг нашр этилиши Европа астрономлари учун улкан воқеа бўлди, чунки астрономларнинг юқори аниқликдаги юлдузлар жадвалига эҳтиёжи катта эди. Ана шу эҳтиёж ва чанқоқликни босишда Улуғбекнинг «Зиж»и-дек ўз даврининг мукамал асари муҳим роль ўйнади.

Мазкур асарнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, китобда келтирилган расмларнинг иккитасида ватандошимиз Мирзо Улуғбекнинг сиймоси акс эттирилган. Расмларнинг бирида Улуғбек осмон худоси Урания расмлик қилаётган мажлисда унинг ўнг қўл томонида ўтирибди. Суратда йирик астрономлардан грек



Птолемей (эр. ав. тахминан 170 йили вафот этган), италиялик Жан Баптист Риччиоли (1598–1671), даниялик астроном Тихо Браге (1546–1601), поляк астрономи Ян Гевелий, немис шахзодаси Гасс (1532–1592) тасвирланган.

Иккинчи гравюрада Ураниянинг атрофини ўраб турган 10 нафар машҳур астроном ҳузурига Ян Гевелий ўзининг юлдузлар каталогини тақдим этиш учун ташриф буюрган ҳолат тасвирланган.

Мирзо Улуғбек ва у ташкил этган академиянинг Ғарбий Европада қанчалик машҳур бўлганини Ян Гевелийнинг «Астрономия даракчиси» асарида битилган гравюралардан ҳам билиш мумкин. 1711 йили Оксфордда Улуғбекнинг географик жадвали қайта нашр этилди. Мазкур жадвал юнон тилида ҳам чоп этилган.

Пётр I замонида Улуғбекнинг «Зиж»и Россияда ҳам чоп этилгани тарихий фактдир. Бу ишни ёш немис олими, Россия ташқи ишлар коллегияси аъзоси Г.Я. Кер амалга оширди. У Улуғбек «Зиж»ининг фақат сўзбошисини форс тилидан лотин тилига таржима қилиб, нашр этди. Бу ишга уни Париж обсерваториясидан Пётр I нинг таклифига кўра, Петербург Фанлар академиясига ишга келган астроном Жозеф Никола Делил ундаганди. Ж.Н.Делил Петербургга келишдан олдин Россия астрономиясини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиққан эди. Мазкур дастурни амалга ошириш йўлида Шарқ астрономияси эришган ютуқларни яхши ўрганиш лозимлигини тўғри англаган олим, бу ишга Г.Я. Кер ва Петербургда яшаётган грузин шоҳи, форс тилини яхши эгаллаган Вахтанг VI ни ҳам таклиф этади. Вахтанг VI Россияга келгунига қадар ўз котиби М.Кавкасидзе билан биргаликда «Улуғбекнинг астрономик жадваллари»-нинг форсчадан грузин тилига таржимасини бошлаган эди. Кейинчалик бу таржима Петербургда ниҳоясига етказилди.

Улуғбекнинг ҳаёти ва яратган асарларига бўлган қизиқиш ҳеч бир замонда сўнмаган. Унинг қаламига мансуб бўлган асарлардан бири – «Зиж жадиди Кўрагоний» асари тарихий аҳамиятга моликдир. Зеро, шеърият мулкининг султони ҳазрати Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарида ёзганидек:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек, ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.



Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».
Қиёматга дегинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

*Алиқул Раҳмонов. «Маърифат» газетасидан
(ziyouz.uz)*



1. «РАФТ» усулидан фойдаланиб, матн муаллифидан суҳбат олиш учун интервью матнини тайёрланг.



2. Нутқ қоидаларига риоя қилган ҳолда овоз, қисқа тўхтам, ифодага эътибор қилган ҳолда интервьюни ўқиб беринг.
3. Матн қаҳрамони қирраларини «Кластер» усулида тавсифланг.




68-машқ. Матнни ўқиб, ўзлаштиринг.

МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАҚИДА СИЗ БИЛМАГАН 12 МУҲИМ МАЪЛУМОТ

*22 март – Мирзо Улуғбек
таваллуд топган кун.*

Бобоси Соҳибқирон Амир Темур сингари Кўрагон – «хоннинг куёви» унвонига эга бўлган Мирзо Улуғбек тарихда буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби сифатида ном қолдирди. Унинг энг буюк иши – Самарқанд илмий мактабини, ўша давр академиясини барпо этгани бўлди. Қуйида Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига оид айрим қизиқарли фактлар келтирилди.



УЛУҒБЕКНИНГ ТУҒИЛИШИ КЎПЛАБ ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН

Амир Темур 1394 йилда Ироқдаги Мордин қалъасини қамал қилади. Шу вақтда Соҳибқироннинг Султониядаги қароргоҳида Улуғбек туғилади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича, Амир Темур ҳузурига чопар келиб, Улуғбекнинг туғилгани ва мунажжимлар бу невара келажакда ҳам олим, ҳам ҳукмдор бўлишини башорат қилганлари хушхабарини етказди. Соҳибқирон хурсандлигидан Мордин қалъаси қамалини тўхтатиб, унинг халқига юкланган тўловни бекор қилади.

ЎН БЕШ ЁШЛИ УЛУҒБЕК БОБОСИ ТЕМУРНИНГ САМАРҚАНДДАГИ ТАХТИГА ЎТИРГАН

Ҳуросон ҳокими, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух 1409 йилда Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори сифатида эътироф этилгач, қўлга киритилган Мовароуннаҳрни идора этишни Туркистон вилояти билан бирга Улуғбекка топшириб, Соҳибқирон васиятини қайта тиклади. Ўсмир ёшдаги Улуғбек бу ҳудудларни дастлаб Шохмалик ёрдамида бошқарган бўлса, 19 ёшидан Мовароуннаҳрни мустақил идора этишга киришди. Улуғбек ўз ҳукмронлиги давомида 2 марта йирик ҳарбий юриш қилди.

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯЛАРДАН МОҲИРОНА ФОЙДАЛАНГАН

Мирзо Улуғбек 1425 йили ўзининг Мўғулистонга қилган биринчи йирик ҳарбий юриши чоғида қўшин миқдори ҳақида душман нотўғри тасаввурга эга бўлиши учун ҳар бир жангчисига тунда беш ерда гулхан ёқишни амир қилган. Улуғбек қўллаган бу усул ҳарбий санъатда арғай ўт (мўғулча арға – алдаш, туркча – ўт, олов) деб номланади. У душманни чалғитиш мақсадида қўшин миқдорини бўрттириб, кўпайтириб кўрсатиш учун ишлатилади. Юриш Улуғбек ғалабаси билан тугаган.

БОБОСИ СОҲИБҚИРОН САҒАНАСИГА НЕФРИТ ҚАБРТОШ ҚЎЙДИРГАН

Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасига темурийлар сулоласига мансуб кишилар дафн этилган. Зиёратхона юқориси (тўри)да Темурнинг пири Мир Саййид Барака, унинг қабри оёқ томонига Амир Темур дафн қилинган. Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабртошини Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакори ёзувларда битилган. Кейинчалик Улуғбекнинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган.



БИБИХОНИМ ЖОМЕЪ МАСЖИДИГА УЛКАН ЛАВҲ ЎРНАТТИРГАН

Амир Темурнинг катта хотини Бибахоним ўзи фарзанд кўрмаган бўлса-да, Соҳибқирон ўз набиралари қатори Улуғбекни ҳам бевосита зукко Бибахоним тарбиясига топширган эди. Самарқандда Амир Темур Бибахонимга атаб қурдирган Бибахоним жомеъ масжиди мавжуд.

Масжид ҳовлиси ўртасида мармартошдан ясалган улкан лавҳ – Қуръон ўқиладиган махсус курси бўлиб, у дастлаб асосий бино ичида турган (1875 йилда катта гумбазнинг қулашидан хавфланиб, ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган).

Лавҳ Улуғбек фармонида биноан XV аср ўрталарида ясалган. Унга «Султони азим, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ханафия мазҳабининг посбони, аслзода султон, ибни султон, амири мўъминин Улуғбек Кўрагон», деб битилган.

СУЛТОН БЎЛСА-ДА, ТАЛАБАЛАРГА ДАРС БЕРГАН

Улуғбек Самарқандда иккита мадраса: бири Регистон ансамбли таркибида ва иккинчиси Гўри Амир ансамбли таркибида барпо этган. Бошқа йирик олимлар қаторида Улуғбекнинг ўзи ҳам бу мадрасаларнинг ҳар бирида ҳафтада бир маротаба маъруза ўқиган.

Бошқа вақтини кўпроқ астрономик кузатишларга, «Зиж» устида ишлашга ва давлат ишларига бағишлаган. Яқин йилларгача у фақат астроном ва математик деб ҳисобланарди. Лекин XX аср охирида унинг ижоди серқирра бўлиб, у тарих, шеърят ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратгани аниқланди. Улуғбек шеърлар ҳам ёзган.

УЛУҒБЕКНИНГ УЛКАН ГЛОБУСИ ВА 50 МЕТРЛИ ҚУЁШ СОАТИ БЎЛГАН

XV асрда Самарқанддаги Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонада каттагина глобус бўлган. Унда иқлимларнинг чегаралари, тоғлар, чўллар, денгизлар ва дарёлар кўрсатилган. Бинобарин, дунёдаги иккинчи глобусни Самарқанд астрономлари ясаган. Улуғбекнинг ўлиmidан кейин у мутаассиблар томонидан йўқотилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Улуғбек Самарқандда баландлиги 50 метрли қуёш соати ясаган. Ушбу ноёб соат ҳам сақланиб қолмаган.

УЛУҒБЕКНИНГ ДАСТҲАТИ БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида Мирзо Улуғбекнинг самарқандлик хаттот Азизулло томонидан



наsx хатида тахминан 1439 йилда, Улуғбек 45 ёшда бўлганида кўчирилган «Зижи Кўрагоний»си сақланмоқда. Қўлёзма саҳифаларида Улуғбекнинг тузатишлари ҳам бор. Ушбу тузатишлар унинг дастхати, ёзуви ҳақида маълумот беради.

САМАРҚАНДДА ЧИННИДАН САРОЙ ҚУРДИРГАН

XV асрнинг 40 йилларида Улуғбек Самарқанднинг Чўпонота тепалигида, Улуғбек расадхонасига яқин жойда сарой бунёд эттирган. Унинг деворлари чинни билан қоплангани учун ҳам Чиннихона деб аталган.

Улуғбек ва бошқа олимлар шу ерда самовий кузатув, илмий тадқиқотлардан сўнг ҳордиқ чиқаришган. Чиннихонанинг кўшикида рангли шишалар ишлатилган. Археологик қазишмалар жараёнида Чиннихонадан топилган тош тахталардан бирига «бахтли бўл» ёзуви борлиги аниқланган.

ПАДАРКУШ ЎҒИЛ ОТАСИ УМРИНИНГ ЯРМИНИ ҲАМ ЯШАЙ ОЛМАГАН

Улуғбек ўзининг ўжар, худбин ва шуҳратпараст ўғли Абдуллатифнинг розилиги билан 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида қатл этилган. Отаси тахтини эгаллаган Абдуллатиф ҳам олти ойлик ҳукмронлигидан сўнг, Улуғбекнинг хос навкарларидан Бобо Ҳусайн Баҳодир томонидан 1450 йил 8 майда, 27 ёшида ўлдирилган.

МОВАРОУННАҲР ТАХТИ УНИНГ КУЁВИГА ҲАМ НАСИБ ЭТГАН

Улуғбек ўз укаси Иброҳим Мирзонинг кенжа ўғли Абдулло Мирзони 1448 йилда ўз хизматига олиб, 15 ёшли жиянига ўз қизини берган. Улуғбекнинг бу куёви ўғли Абдуллатиф вафотидан сўнг Улуғбек тахтини 1450–1451 йилларда бошқариб, Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳам бўлган. У 18 ёшида тож-у тахт даъвогари, 27 ёшли темурийзода Абу Саидга қарши жангда ҳалок бўлган.

УЛУҒБЕКНИНГ ХАЗИНАСИНИ УНИНГ ШОГИРДИ САҚЛАБ ҚОЛГАН

Самарқандлик олим, Мирзо Улуғбекнинг яқин шогирди Али Қушчининг отаси Амир Темур қароргоҳининг бошлиғи бўлган. Улуғбек саройида қарчиғайлар боққани учун Алини «Қушчи» дейишган. Али Қушчини Мирзо Улуғбек «Зижи Кўрагоний» нинг сўзбошисида «фарзанди аржуманд», яъни «азиз фарзандим» деб атаган.

Улуғбек вафотидан сўнг унинг Самарқанддаги 15 минг китобдан иборат машҳур кутубхонаси хавф остида қолади. Кутубхонани «ўз даврининг Птоломейи» номини олган Али Қушчи сақлаб қолган, деган тахминлар бор.



Ривоятларга қараганда, кутубхонадаги китобларнинг кўп қисмини Али Қушчи Самарқанд яқинидаги Ҳазрат Башир қишлоғига кўчирган. Кўп ўтмай, таъқиблардан қочиб Самарқанддан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Алишер Эгамбердиев
(*uza.uz*)



1. Буюк аллома ҳақида қандай қўшимча маълумотлар олдингиз?
2. Ҳар бир абзацнинг асосий ахборотини ажратиб олинг ҳамда тезисини ёзинг.
3. Хулосаларингизни «Аллома дунё нигоҳида» мавзусида ихчам эсседа баён этинг.
4. Қуйидаги назарий маълумотда берилган мақолларга изоҳ беринг.

| Мақоллар | «Менинг фикрим» |
|----------------------------------|-----------------|
| Ўйнаб гапирсанг, ҳам ўйлаб гапир | |
| ... | |



1. Нутқ маданияти адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.
 2. Нутқ маданияти – бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувидир.
 3. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок этиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир.
 4. Нутқ маданияти кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашишдан иборатдир.
 5. Нутқ маданияти фақат тўғри нутққина эмас, балки уқувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир.
 6. Нутқ маданияти тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир.
 7. Нутқ маданияти бу, аввало, фикрлаш маданиятидир.
 8. Миллий ўзига хослиги билан ажралиб турувчи нутқ маданий нутқдир.
- Тил, нутқ ва маданият тушунчаларининг ҳар бири жамият ва тил тараққиёти мобайнида ўзлуксиз давом этган ўзаро боғлиқлик натижасида тил маданияти ва

нутқ маданияти деб аталган янги тушунчаларнинг, янги илм соҳаларининг юзага келишига сабаб бўлди.

Тил, нутқ ва маданият инсонсиз мавжуд бўлмаганидек, уларсиз инсоннинг ўзини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, болаликдан эгалланган она тили ҳар бир миллатнинг ўзига хос бетакрор маданияти ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Миллат учун ишлаб турган тил унинг маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Маданиятнинг ўзи эса нутқ маданияти, демак, жамиятнинг тилга муносабати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Тил жамиятга нисбатан ҳам олиб қаралганда, ўзига хос турли вазифаларни бажаради ва бу, албатта, инсоннинг нутқий фаолиятида ўз аксини топади. Булар:

- 1) коммуникатив вазифа;
- 2) фикрни ифодалаш вазифаси;
- 3) сўзловчининг ички ҳолатини ифодалаш вазифаси;
- 4) тил воситалари орқали гўзаллик яратиш вазифаси ёки эстетик вазифа.

Шарқона муомала маданияти ҳар бир ўзбек хонадонига хос фазилат. Мулоқот нутқи, нутқ одоби, муомала нутқи, буларнинг барчаси инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Демак, ҳар бир индивидуал шахснинг одоби унинг нутқида кўринади. Бизнингча, нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган ҳар қандай хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда ҳамда унинг кўнглига мос, адабий тил меъёрлари асосида етказишдир.

Шунингдек, хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун эса сўзловчи ўз она тилисининг имкониятларини мукамал билиши керак.

Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил – алоқа қуроли, дейилади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъкидлашган.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида шундай гўзал фикрлар билдирганки, бугунги кунимизда ҳам ушбу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас: **«Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар неки аёғр дурур ёр айлар, Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар, Юмшоғи кўнгуларни гирифтор айлар».**

Одамларнинг бир-бирлари билан қилган мулоқотларида нутқ маданиятининг қонун-қоидаларига риоя қилишнинг аҳамиятига халқимиз доимо ўз эътиборини қаратган. Доно халқимиз ўз фикрларини қисқа ҳамда маънили мақолларда ифода этган. Мақоллар одамларни нималарга ўргатади? Мақоллар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш улар маънавиятини ўстиришга, улар-

нинг баркамол инсон бўлиб етишишларига замин яратади. Ҳар бир нутқ ўзининг чуқур маъно ифодалаши билан қимматлидир. Мазмунли маърузалар, суҳбатлар кишига қувонч бағишлайди, янги билимлар билан бойитади. Чунончи, «Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нақли бор» мақолида ҳар бир сўзнинг нозик қирралари бўлиши, уларнинг бўш гап эмаслиги, мазмунли суҳбатларнинг аҳамияти катта эканлигини ифодаламоқда.

Халқ мақолларида ҳам сўзларни ноўрин, номувофиқ маъноларда қўллаш, матнда мазмун ва маъноларнинг қоришиб кетмаслигига эҳтиёт бўлиш, фикрнинг изчиллик билан ривожланиб боришини ёддан чиқармаслик каби хусусиятларга эътибор бериш ниҳоятда аҳамиятли эканлиги, мазмунсиз нутқнинг инсонга ҳеч қандай фойда келтирмаслиги ҳақида огоҳлантирилади: «Сўзла мазмунли бўлсин, тингла фойдали бўлсин», «Ўйнаб гапирсанг, ҳам ўйлаб гапир», «Кўп гапнинг ози яхши, оз гапнинг – сози», «Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган ғазални», «Сўзламай сўзинга боқ», «Тил – ақл хазинасининг қиличи бўлса, фаросат – филофи», «Қуруқ гап қулоққа ёқмас», «Сўз ботирлиги тилда, Эл ботирлиги белда», «Сўз кишининг ўзаги, Одоб кишининг безаги», «Сўз оёқдан илгари борар», «Сўз чумчуқ эмас, Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас».

Биз XXI асрга, яъни янги технологиялар, ихтиролар асрига қадам қўйдик. Инсон тафаккури шу қадар кенгайиб бораётган бир пайтда кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларнинг табиати, уларнинг хулқ-атвори ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Бир хил ижтимоий муҳитда, бир хил шароитда кишилар нима учун ўзларини ҳар хил тутадилар. Одоблилик ва тарбиялилиқ бобида нечун бир-бирларига ўхшамайдилар? Қисқаси, инсониятнинг асаб торлари таранглашган ҳозирги замонда одамлар билан хушмуомалада бўлиш учун ҳар биримиздан сабр-тоқат, бағрикенглик, муомала маданияти ва унинг қонун-қоидаларига (этикет) амал қилиш талаб қилинади. Нутқ одоби саломлашишдан бошланади. Саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, ўз айбини бўйнига олиш, узр сўраш, рағбатлантириш учун ҳам алоҳида нутқий воситалар мавжуд. **Этикет – бу жамоат жойларида маълум бир қоидаларга амал қилиш.**



69-машқ. Матнни нутқ маданияти қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқинг. Услуби, типи, жанрини аниқланг. Матн аннотациясини ёзинг.

Улуғбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, унинг ҳокимлиги давридаги муҳим янгиликлар бутун ўрта аср маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди. Улуғбекнинг ходими бўлмиш Фиё-

сиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Қошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, Ислом подшоҳи (яъни Улуғбек – А.А.) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало, у киши Қуръони Каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у киши фикҳдан анча хабардорлар, мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар.

У киши риёзиёт фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, кунлардан бир куни отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15–20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини аниқлашни айтадилар. Шунга кўра отда кетаётиб, хаёлий ҳисоб билан Қуёшнинг тақвими ўша куни бир даража ва икки дақиқа эканлигини топтилар. Кейин отдан тушгач, ҳисоб тўғрилигини бу бандаи бечорадан (Қошийдан – А А) сўраб, аниқлаб олдилар.

Ҳақиқатан ҳам, хаёлий ҳисобда кўп миқдорларни ёдда тутмоқ ва бошқа миқдорларни буларга асосланиб топмоқ керак. Лекин инсоннинг ёдлаш қуввати заифдир ва у даража дақиқаларини у қадар аниқ тополмайди. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса бу қадар аниқ ҳисоблай олмаган эди.

Қисқа қилиб айтмоқчиманки, у киши бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришганлар, юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. «Тазкира» ва «Тухфа» дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди».

Улуғбекнинг илмга қизиққанлиги ва мамлакатнинг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти – мактаб ва мадрасалар барпо қилишга қарор қилиб, деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этади.



Қуйидаги вазифани бажаринг.

Даре давомида ўрганилган матнлар мазмуни асосида репортаж матнини тузинг.



ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН БУЮК АЛЛОМАЛАР: АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Нутқнинг мантиқийлиги

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда, муаммоларни ҳал қилишда иштирок эта- миз;
- ❖ тўлиқ ва тўлиқсиз матнларда яширинган ахборотларни асосий ва майда тафси- лотларини аниқлаймиз ва танқидий ёндашган ҳолда баҳолаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ, тўлиқ ёки қисқа ҳикоялаш, те- зис, резюме, конспект, аннотация, хабар, маъруза ҳолатидаги ахборотларни, ўқилган ва тингланган материалларнинг мазмунини баён этамиз.



70-машқ. Матнни «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

МУҲАММАД ИБН АҲМАД АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ



1. Буюк миллатдошимиз Хоразмнинг азиз фарзанди, улуғ олим Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва фаолияти авлодларга шундай таъсир қиладики, унинг асарларини ўқиган китобхон ўзини асарнинг ичига тушиб қолгандек ҳис қи- лади ва асарлар ичидаги илм садафларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрда қа- димги Хоразмнинг Кот шаҳрида (ҳозирги Беру- ний шаҳри) туғилган. У ўз ижоди билан Хоразм фанини юксак чўққига олиб чикди. Унинг сий- мосида ўрта асрлар Шарқининг қомус ул-илми, астрономи, географи, маъданшуноси, этногра- фи, тарихчиси, шоири мужассамлашган. Беру- ний қаламидан фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп йирик асарлар чиққан бўлиб, бу асарларида унинг ана шу соҳаларни ниҳоятда яхши бил-

ган тадқиқотчи, фанда янгидан янги йўллар очган донишманд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Беруний ёшлигидан илмга ташна бўлган бу ҳақда «Мен болалик чоғимданоқ – деб ёзган эди Беруний – ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: – биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатиб ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим».

Берунийшунос олим П.Г.Булгаковнинг маълумотига қараганда, Беруний Абу Наср Ироқ раҳбарлигида ёшлигидан риёзиёт ва фалакиётни ўрганиб, 16-17 ёшларидаёқ Қуёшнинг чошгоҳдаги баландлигини армила билан ўлчаган. Орадан 30 йил ўтгач, Беруний ёшлигида ўзи ўлчаб олган натижаларни таҳлил қилар экан, улар анчагина ишончли бўлганлигини таъкидлайди. Ёшлик йилларида у қуёш тутилишини кузатиш билан шуғулланади. 22 ёшида Беруний Марказий Осиёда биринчи бор ер глобусини яратди. Ўзидан олдинги аждодлар қолдириб кетган кўплаб китобларни ўргангани ва бизгача етиб келган, турли халқларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги илк йирик асари – «Осорул боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») ни яратади. Унда юнонлар, римликлар, форслар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа кўплаб қабила ва халқларнинг барча даврлари, байрам ҳамда тақвимлари, шунингдек Шарқнинг турли мамлакатларининг маданият ва адабиёт тарихи тўла баён этилган. Бу асарда Беруний ўзини фақат элшунос олим эмас, балки тилшунос, араб, юнон, форс, сурёний ва бошқа тил ҳамда адабиётларнинг билимдони сифатида намоён этди.

998 йилда Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагир уни ўз шаҳрига таклиф қилади ва Берунийга олий лавозим, яъни вазирликни таклиф қилади. Аммо илмга ташна Беруний бу таклифни рад қилади ва илм билан шуғулланади. Бундан ташқари у Журжониядалигида ўзининг «Осорул боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини яратди.

II. 1004 йилда у Хоразмшоҳ Маъмун II нинг таклифига биноан Гурганчга қайтиб келади ва Гурганчда шоҳ номидаги «Маъмун академияси» ни барпо этади.

Бу академияда Абу Али ибн Сино, Мискавайх, файласуф Абу Саҳл Масихий, математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ, таржимон ва ҳаким Абул Хайр ибн Хаммор, адиб ва шоир Абу Мансур ас-Саолабий, Зайниддин Журжоний ва бошқа ўнлаб олимлар илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшдилар ва ажойиб асарлар яратдилар. Маъмун даврида Хоразм иқти-

содий, сиёсий, маданий жиҳатдан мислсиз даражада тараққий этди, дунёнинг энг нуфузли савдо марказига айланди. Хоразм устидан ўтиб, ғарб билан шарқни боғлаб турган йўл орқали савдо карвонлари бу ўлкадан дунёнинг турли бурчакларига деҳқончилик, ҳунармандчилик маҳсулотларидан тортиб, ҳарбий асбоб-анжомларгача олиб кетишарди. Бу ерда турли кема-созлик корхоналари ҳам ишлаб турганлиги маълум. Бундай кўламдаги хўжаликни бошқариш ва катта савдо-сотиқни йўлга қўйиш учун илм-фан математика, геометрия, астрономия, жуғрофия, ботаника, химия фанларининг тараққиёти зарур эди. Шу зарурият туфайли илм ва ижод аҳли ташкилий жиҳатдан бирлашиб, фаолият кўрсатганлар. Барча қадимий илмий манбаларда бу жамоа «Дорул ҳикма» («Донишмандлар уйи») деб аталганки, бу «академия» мазмунига тўғри келади. Кейинги асрлардаги манбаларда бевосита «академия» сўзи қўлланилаётганлиги ҳам буни тўлиқ исботлайди.

III. Маънавий-маърифий тараққиёт тарихини таҳлил қилар эканмиз, ушбу соҳалардаги мерослар юзага келган муҳит, сиёсий-иқтисодий шароитларга тўхталиб ўтмаслик асло мумкин эмас. Маъмун академияси алломалари меросини ўрганиш, улардан таълим амалиётида самарали фойдаланиш учун ҳам ўша даврдаги Хоразм давлати тарихига назар солиш, у ерда бўлган воқеаларни таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлади.

Маъмун ибн Муҳаммад (995-999), Али ибн Маъмун (999-1009) лар давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, унинг ҳарбий қудратини оширдилар. Энди қўшни мамлакатлардан Хуросонда яқинда ташкил топган Ғазна подшолиги, араб халифалиги, Киев Руси ҳам уни тан олар эди. Хоразм бошқа давлатлар сиёсатида ҳам фаол иштирок этадиган бўлди. Ҳатто Киев ҳукмдори Владимир ҳам ислом динига ўтиш истагини билдириб, Хоразмга ўз вакилларини юборганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими эди. У тириклигидаёқ «ўз даврининг Птолемейи» деган лақаб олганди. Ундан ташқари Абу Наср Берунийни ўз хонадониди тарбиялаб вояга етказган. Ана шу икки буюк сиймо туфайли Гурганч саройида илм аҳли учун идеал шароит яратилади. Бу икки шахс яқин ва ўрта шарқдаги кўп-лаб олимлар билан шахсий ёзишмада эдилар. Ибн Ироқ ва Берунийнинг таклифлари билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх ва Бухородан ва ҳатто араб Ироқидан ҳам олимлар Гурганчга кела бошладилар. Шу тариқа Гурганчда «Дорул ҳикма» номини олган илмий муассаса тўла шаклланади. Бу илмий муассасада худди Бағдоддаги «Байтул ҳикма» даги каби илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилади. Бе-

руний келтирган маълумотларга кўра, бу ерда сурён ва юнон тилларидан баъзи таржималар ҳам бажарилган. Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009) унинг укаси Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразмшоҳлар тахтини эгаллайди.

У Берунийни саройга таклиф қилади ва ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олади. Бунинг оқибатида Маъмун академияси фаолияти учун янада каттароқ имкониятлар очилади.

Қирқдан ошиқ олимлар ишлаб фаолият кўрсатган илмий марказда ўз даврининг етук инсонлари математика, астрономия, руҳият, химия, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, муסיқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажақда жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар.

IV. Бироқ бу академиянинг умри қисқа бўлди, 1017 йилда Хоразм йирик истилочи Султон Маҳмуд Ғазнавий қўл остига ўтди. Ҳазорасп шаҳри яқинидаги жангда Хоразм қўшини ғалабага эришадиган бир пайтда турклар ёрдамида ва Ҳиндистондан етиб келган филлар қўшини ёрдамида Султон Маҳмуд Хоразм қўшинини янчиб ташлади. Хоразм қўшини лашкарбошилари филлар оёғи остида топталди, пойтахт Гурганч таланди, Хоразмшоҳни қатъий талаби ва кўмаги ила Гурганчдан юнон, яҳудий, араб ва бошқа халқлар вакилларидан иборат кичик илмий карвон Абу Али ибн Сино бошчилигида чиқиб кетдилар. Султон Маҳмуд шаҳарда қолган олимларни баъзиларини даҳрийликда айблаб қатл қилдирди, қолган машҳур олимларни ўз мамлакатининг пойтахти Ғазна шаҳрига олиб кетди ва бу ерда Беруний «Ҳиндистон тарихи» асарини ҳамда 1025 йилда «Геодезия», 1030-1041 йиллар оралиғида «Ал-Қонун ал-Масъудий», 1041-1048 йилларда «Минералогия» ҳамда «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» асарларини яратди. Олимнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси жуда улкан бўлиб, у 152та рисола яратган, шундан 30 таси бизгача етиб келган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Абу Райҳон Беруний бундан минг йил олдин Ҳиндистонда бўлиб, унинг тарихи, маданиятини ўрганиш учун қадимги ҳинд ёзуви – санскритни ўрганиб, ўзининг машҳур «Ҳиндистон» асарини ёзган. «Ҳиндистон» ҳажми жиҳатдан жуда катта асар бўлиб, унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу асар тўғрисида йирик ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлал Неру, жумладан, шундай деган: «Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ

учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилади».

Рус олими В.В.Бартольд буюк ватандошимиз ҳақида «Беруний шундай серқирра олимки, ўз даврида мавжуд бўлган илм соҳаларидан шуғулланмагани унинг шуғулланганидан камдир. Унинг ёзган асарлари шунчалик кўп ва серқирраки, бунга бир одамнинг умри кифоя қилганига киши ҳайрон қолади». Яна бир буюк рус шарқшунос олими, академик С.П.Толстов илмий анжуманларнинг бирида Европа олимларидан бири «Беруний XI аср Леонардо до Винчиси» деган таърифига жавобан «Леонардо до Винчи XV аср Берунийсидир» деб ватандошимизга таъриф берган эди.

Беруний илмий асарлари ўз аҳамиятини йўқотмасдан авлодлар қўлида қадрлидир. «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Сайдана» ва «Геодезия» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беруний илм-фаннинг ҳамма соҳаларини яхши билган қомусий олим бўлиб, у ўзининг асарлари билан фалсафа, астрономия, геодезия, география, тарих фанларига катта ҳисса қўшган.

Д.Бобожонов, М.Абдурасулов
«Абадият фарзандлари»

(Хоразм Маъмур академияси нашриёти)



1. Ўзингизга (ҳар бир гуруҳ) ажратилган матн парчаларини таҳлил қилинг:
 - мазмунини қисқача сўзлаб беринг;
 - матннинг услуби, жанри, асосий ғоясини аниқланг;
 - матн таркибидан атамаларни ажратиб олинг, дафтарингизга кўчириб, изоҳини ёзинг. Гуруҳлараро ўртоқлашинг.



2. Матн қаҳрамони ҳаёти ва илмий фаолиятига доир ахборотни (чизма, жадвал, тақдимот ва ҳк. кўринишида) таснифланг ва синфга тақдим этинг.



3. Матн мазмуни бўйича тезисли режа тузинг.



71-машқ.

СЎНГГИ ИЛИНЖ

Абу Райҳон Беруний дардга чалинди. Ҳозирқ табиблар имкон қадар муолажа қилдилар, аммо беморнинг аҳволи яхшиланмади. Аксинча дард кундан кунга кучайиб борарди. Бу дунёдан насибаси узилаётганини олимнинг ўзи ҳам сезиб турарди. Лекин унинг жўшқин табиати илму ирфон уммонидан сўнгги қатрагача олиб қолиш илинжида эди.

Бир куни уни кўргани дил маҳрами қози Валважий қадам ранжида қилди. Хол-аҳвол сўрашгач, Беруний деди:

– Тунов куни нотўғри даромад хусусида бир нима дединг, вале далилинг чала қолиб эди. Ўша мавзуга қайтсак...Қози ажабланди.

– Ҳозир бу масалани муноқаша этмак мавридими, Мавлоно, – деди у, – халлоқи оламдин сизга офият тилайдурмен, иншооллоҳ, ўшандай саодатли кунларга қолдирайлик бул масъалани.Беруний ранжиганнамо деди:

– Эҳ, дўстим! Сиз ҳам ярамга туз сепмангиз. Бу фоний дунёдан бир масала ечимини билмасдан ўлиб кетгандин кўра, билиб кўз юмган афзал эмасму? Айтинг энди!

Қози Берунийнинг товушидаги амрона оҳангга бўйсунисга мажбур бўлди ва нотўғри даромад борасидаги тахминларини батафсил сўзлади. Олим кўзларини юмганча тинглади ва хўрсинди.

Сўнг Валважий ортга қайтди. У уйига етар-этмас, ортидан шум хабар келди. Абу Райҳон Беруний оламдан ўтган эди.

(ziyouz.uz)





1. Матн мазмунини оғзаки ифодали сўзлаб беринг.
2. Матннинг услуби, жанри, асосий ғоясини аниқланг. Фикрингизни мисоллар билан далилланг.



3. Матн қаҳрамони ҳаёти ва илмий фаолиятига доир қандай янги ахборот билан танишдингиз?



4. «Дунёни лол қолдирган бобокалоним» мавзусида ихчам эссе ёзинг.



НУТҚНИНГ МАНТИҚИЙЛИГИ

Фикр таркиби ва қурилишининг тўғри ифодаланиши нутқ мантиқийлигининг асосидир. Нутқда тил воситаларининг мантиқ ва тўғри тафаккур қонуниятларига мос тарзда мазмуний бирикиши нутқ мантиқийлигини юзага келтиради. Ана шунга кўра мантиқийлик сифати нутқда сўзлар, гаплар ўртасидаги мазмуний ва грамматик алоқаларнинг фикр моҳияти ҳамда унинг ривожланиб боришига қатъий мослиги тарзида таърифланади. **Мантиқ ва грамматика ҳар қандай нутқнинг таянчи, ҳар қандай нутқ соғломлигининг заминидир. Улуғ донишманд бобомиз Форобий грамматика ва мантиқ илмининг фавқулодда аҳамияти ҳақида қўйидагиларни қайд этган: «Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби – у шунинг учун ҳам вужудга келгандир – мантиқ илми хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда ҳам тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради.**

Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати кабидир. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда, тилнинг ўлчови бўлганидек мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда, ақл ўлчовидир».

Мантиқий нутқ тузиш учун сўзловчи фикр предметини атрофлича билиши, мантиқий тафаккур қоидаларидан бохабар бўлиши керак, айна пайтда тил бирликларининг лексик-семантик ва грамматик моҳияти, уларнинг боғланиш хусусиятларини ҳам назардан қочирмаслиги зарур. Айтайлик, сўзларнинг жумла таркибида мантиқий-мазмуний зиддиятсиз бирика олиши, мантиққа уйғун қўланиши учун уларнинг лексик-семантик моҳиятини етарли даражада билиш лозим. Масалан, (*Трактор ва машиналар елдай учади*) гапини мантиқий деб бўлмайди, чунки унда мантиқий-мазмуний зиддият бор. Машина мантиқан жуда тез, яъни елдай учиши мумкин, аммо трактор бу хусусиятга эга эмас. Демак, жумлада мантиқийлик сифати бўзилган.



72-машқ. Матнларни мантиқ, синтактик қурилиш, оҳанг, ифода қоидаларига риоя қилган ҳолда овоз чиқариб ўқинг.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

«ЖАВОҲИРНОМА» ДАН

Ҳикоятлар, ҳикматлар, рубоийлар

ҚУШЧАНИНГ УЧ ПАНД-НАСИҲАТИ

Эътиборга молик бир масалда бундай дейилган: бир одам кичик бир қушчани тутиб олди.

Қушча сўради:

– Мени нима қилмоқчисан?

– Сўйиб емоқчиман, – деди ҳалиги одам.

– Мени сўйиб нима қиласан, қорнингга урвоқ ҳам бўлмайман-ку, – деди қушча ёлвориб, – яхшиси қўйиб юбор. Майли десанг, сенга учта ҳикмат айтаман. Бу ҳикматлар, башарти унга амал қилсанг, ҳаётда асқотиб қолади.

– Худо шоҳид, сени албатта қўйиб юбораман, қани айт ўша ҳикматларингни.

– Биринчиси, – деди қушча, – бирон нарсани қўлдан бой берсанг, асло ўқинма; иккинчиси – топилмайдиган нарсани қидириб овора бўлма, учинчиси эса йўқ нарсага умид боғлама.

– Бу ҳикматлар менга бир тўғрам гўштдан афзалроқ, – деди ҳалиги одам ўз-ўзига ва қушчани қўйиб юборди.



Қушча «пирр» этиб учди-ю, деворга бориб қўнди ва деди:

– Э, нодон, агар мени сўйганингда фойда кўрардинг – қорнимда каптар тухумидай лаъл бор эди.

Ўша одам қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди ва қушчани аврай кетди:

– Кел, азизим, ёнимга қайт. Сени тоза кунжуту булоқ суви бериб парвариш қиламан.

– Энди сўйиб емаганингга ўқиняпсан, – деди қушча ҳалиги одамга, – нима, мен айтган панд-насиҳат дарров эсингдан чиқдими? Овора бўлма, энди мени ҳеч қачон тутолмайсан. Ўзим бармоқдай бўлсам-у, каптар тухумидай лаъл менинг қорнимга қанақасига жой бўлди экан?

Қушча шундай деди-ю, сўнг қаёқларгадир учиб кетди.

ҲИКМАТЛАР

Инсон энг олижаноб фазилатлар соҳибидир.

* * *

Одам ҳамиша бошқаларга яхшилик кўрсатиши керак. Агар яхшилик қилиш имконига эга бўлмаса, яхши тилаклар изҳор этсин.

* * *

Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат: шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади.

* * *

Подшоҳлик деҳқончиликсиз яшай олмайди.

* * *

Амир Исмоил Сомоний дебди: «Аждодинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ». Кимда-ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўтган аждодлари билан кибранса, ўша кишининг ўзи ўлик, аждодлари эса тирик саналади.



* * *

Дарёларнинг доимо денгизга қўйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, амал ва лаззат – ҳақиқий илм олувчига таъсир кўрсата олмаслиги керак.

* * *

Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, очкўзликни қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор.

* * *

Билимлилик орқали нодонлик кўтарилади, азоб-уқубат бўлган шак-шубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик киради.

РУБОИЙЛАР

Ҳинддан сўра Машриқ аро қадримни,
Мағриб мени ўқир, йўқдир армоним.
Бўлса ҳамки одамлари ғайридин,
Тан олдилар зўр шуҳрату зўр шоним.

* * *

Ким учса саъй-жаҳд қилмай шуҳратга,
Карам либосига бўлса қанча оч.
Ғафлат соясида шод ётар, аммо
Шараф кийимисиз қолар яланғоч.



1. Матн устида ишланг. Мазмунини қуйидаги жадвал асосида 71-, 72-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| | | |
|---|---------------|---------------|
| 71-машқ матни | 72-машқ матни | 73-машқ матни |
| Мавзуси | | |
| | | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | | |
| | | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | | |
| | | |
| Тузилиши, жанри, услуби | | |
| | | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | | |
| | | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | | |
| | | |

2. Ҳар учала машқ матни бўйича асосий ва майда тафсилотларини аниқлаймиз.

| Машқлар | Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Изоҳлар |
|---------|----------------|-------------------|---------|
| 71-машқ | | | |
| 72-машқ | | | |
| 73-машқ | | | |



«Оламни ўзгартирган кашфиётлар» бўлими давомида ўзлаштирган маълумотлар, эгаллаган билимларингиз асосида «Барча кашфиётлар инсоният эзгулиги учун хизмат қиладими?» мавзусида муҳокама эссе ёзинг.



Мен ҳамиша шундай фикрдаман: менинг ички ва ташқи ҳаётим оламдан ўтиб кетган ва ҳозир тирик бўлган бошқа одамларнинг фикрлари, ишларига асосланган. Мен улардан олган ва олаётган даражада ўзимдан маънавий мерос қолдиришим керак.

Альберт Эйнштейн

V

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ЖАҲОНШУМУЛ ИҚТИСОД



Тинчлик – фаровонлик йўлдоши.

Халқ мақоли



ТИНЧЛИК ОЛИЙ НЕЪМАТ

Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан уни танқидий баҳолаймиз;
- ❖ матнда бадий-тасвир воситалари, услубий шакллар ва бошқа усуллардан фойдаланиш зарурлигини тушунамиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда (ажратилган бўлакли, кириш сўзли, кирит-мали) ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



73-машқ. Шеърни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

ТИНЧЛИК

Бахтга лойиқ ҳар одам
Бахти кулсин дунёда.
Кўнгилини эзмасин ғам,
Тинчлик бўлсин дунёда!

Элдош, қардош, дунёдош,
Иймонинг бўлсин йўлдош.
Мангу порласин қуёш.
Тинчлик бўлсин дунёда!

Тилла топилдиқ – болам,
Жоним қоқиндиқ, болам.
Худога етсин нолам:
Тинчлик бўлсин дунёда!

Одам каби бастинг бор,
Икки оёқ-дастинг бор.

Айтгил, нима қасдинг бор?
Тинчлик бўлсин дунёда!

Кулсак, бирга хандонмиз,
Сўлсак, бирга хазонмиз,
Ҳаммамиз бир инсонмиз,
Тинчлик бўлсин дунёда!

Сенга боғлиқ эрта кун,
Кўрсат матонат кучин.
Сен кураш тинчлик учун,
Тинчлик бўлсин дунёда!

Ҳаётимиз асоси,
Элу юрт муддаоси,
Бу ўзбекнинг дуоси:
Тинчлик бўлсин дунёда!

Иқбол Мирзо



1. Матннинг услуби, жанрини аниқланг. Матн сизга ҳиссий таъсир қилдими? Нима учун?
2. Матн мазмунини ўзлаштиринг. Саволли режа тузинг.
3. Бадиий матн устида ишланг. Ҳадвални тўлдириг. Ушбу воситаларнинг нутқдаги аҳамиятига изоҳлар келтириг.

| Бадиий тасвир воситалари | Мисоллар | Изоҳлар |
|--------------------------|----------|---------|
| Талмеҳ | | |
| Ташбеҳ | | |
| ... | | |

4. Ушбу матннинг дарс мавзусига қандай алоқаси бор? Матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволлар тузинг ва фикрингизни аниқ ифодаланг.
5. Матннинг аннотациясини ёзинг.



ОЛАМ ТИНЧ – ХОНАМ ТИНЧ.

Халқ мақоли



74-машқ. Матн билан танишинг ва синфда муҳокама қилинг.



Инсоният яшаш давомида эзгу мақсадларга етиш учун доимо изланади ва ҳаракатда бўлади. Эзгу мақсадли инсон орзу-умидини амалга ошириши учун энг катта таянч тинчлик ва осойишталик муҳитидир. Одатда, тинчлик сўзи кишини безовта қилмасликни, ҳолатларнинг тинч ва осойишта, уруш-жанжалсиз-

лигини, ҳаёт ва турмуш тизимини бир меъёрда бўлишлигини ифода этади. Оилада тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, оила бардавом ва мустаҳкам. Эл-юртда тинчлик ва осойишталик давом этса, мамлакат тараққиёти, фаровонлиги, юрт аҳлининг турмуши обод бўлади. Буларни акс эттирувчи муқаддас қадриятларимиз, миллий урф-одат ва расм-русумларимиз, динимиз бевосита хотиржамлик силсиласига узвий боғлиқдир.

Инсониятга, дов-дарахтга, чорва-молга, қурт-қумурсқага ҳаводек зарур бўлаётган тинчлик-хотиржамлик, осойишталикдан ҳам зиёда, мўътабар неъмат йўқ. Дарҳақиқат, Аллоҳ асрасин, оила ва юрт нотинч бўлса, тўй-томоша, кўнгилхушлик, ҳазил-мутойиба, ҳаёт лаззатини тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон бирор луқмани хотиржам ютмайди, ҳар қандай кошона уй-жой, мол-мулк, бола-чақа инсон танасига оғирлик қилади. Айтишларича, нотинчлик, уруш сабабидан охирги беш минг йилда уч миллиарддан зиёд одам ҳаётдан кўз юмган.

Урушлар сабабидан меҳр-оқибат, инсонийлик унутилади, ҳар қандай эзгу амаллар, улуғ мақсадлар поёнига етмайди. Ер қанчалик кенг бўлишлиги билан шунчалар тор ва зиқ кўринишга мубтало бўлади. Демак, хотиржамлик, осойишталик неъматини сўрашликда доно халқимиз нечоғ-

лик тўғри ва гўзал йўл танлаган. Муқаддас динимиз дастури бўлмиш Қуръон оятларида тинчлик-осойишталикка катта эътибор қаратилиб, Аллоҳ таоло: «Қачон (Биз) инсонга (тинчлик, саломатлик, фаровонликни) инъом этсак, у (шукр қилишдан) юз ўгириб, ўз ҳолича кетур. Қачон унга (хасталик, камбағаллик каби) бирор ёмонлик етса, ноумид бўлур» (Исро, 83) деб, тинчлик-осойишталик тўғрисида марҳамат қилади.



Аллоҳ таоло бандаларини ўзаро иттифоқликда, аҳилликда, тинчлик-омонликда яшашга даъват этиб: «Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!». (Хужурот, 9) деган инсонпарварлик тамойилини яратишга чақиради.

Жаннатмакон юртимизда тинчлик-осойишталик барқарорлигини таъминлаш йўлида давлатимиз томонидан катта иш олиб борилаётгани бизнинг бахтимиздир. Шунга кўра биз ҳам тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, бу фаровонлик, осуда турмушимизнинг барқарорлигини таъминлашликда ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Бу орқали турмушимиз фаровонлигига эришамиз.

Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилганидек, «Икки энг азиз неъмат бору, кўплар бунинг қадрига етишмайди, булар саломатлик ва тинчлик-хотиржамликдир» (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти). Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, фарзандлар эмин-эркин камолга эришади, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Демак, дунёда ҳаётнинг бир маромда давом этиши, халқнинг Ҳақ таоло буюрган ишларини мукамал ва хотиржам адо этишлари учун тинчлик ва осойишталик лозим.

Инсон ўзидаги неъматнинг қадрини унинг устида мулоҳаза юритиш, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебаҳра эканлигини ўйлаб кўриш билан ҳис этади.

Демак, шундай экан, Яратгандан бир-биримизга тинчлик, амният, хотиржамлик тилайлик! Аллоҳ таоло тинчлик-осойишталигимизни ҳамиша барқарор айласин. Жаннатмакон юртимизни тинч, меҳнатсевар халқимиз ҳаётини фаровон айласин!

Умрзоқ Тожиқулов



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада? Сарлавҳа қўйинг.
2. Муаллифнинг кўзқараши ва мақсадига таянган ҳолда асосий фикрни аниқланг.
3. Матндаги ахборот мазмунини асосий ва майда тафсилотларигача баён этинг, жанрларни аниқланг.
4. Матнни қайта ҳикоя қилинг.
5. Матн услубини аниқланг. Унинг ҳиссий таъсирчанлигига қандай сабаблар кўрсата оласиз?
6. Ушбу матн муаллифини нотик дея оласизми?
7. Нутқ тайёрлаш учун қандай кўникма ва малакаларга эга бўлиш лозим? Фикрингизни далиллар билан асослаб, оммавий чиқиш учун монолог тайёрланг.



75-машқ. Матн билан танишинг. Матн услубини аниқланг.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган ишонч ва садоқатлари, меҳр-мурувватларининг



самимий бўлиши ҳам, асосан, юрт тинчлигининг самарасидир. Агар истиқлолнинг ўтган қарийб йигирма тўққиз йилига назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хо-

надонларда тўю томошалар, байраму шодиёналар бир-бирига уланиб кетмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак.

Тинчликнинг қадрига етиш, уни сақлаб туришда оилада ота-онанинг роли катта. Ота-она фарзандларига тинчлик олий неъмат эканлиги, тинчлик ҳукм сураётганлиги сабабли фаровон ҳаёт кечираётганимизни мунтазам тушунтириб боришлари даркор. Айниқса, аёл киши болалари тарбиясига масъул бўлгани учун ҳам болаларига тинчлик ўзи нима экани, бугунги кундаги мустақиллигимизга осонлик билан эришмаганимиз, унинг қадрига етишимиз кераклигини тушунтириш билан бир қаторда, фарзандларида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бориши зарур. Шундагина фарзандларимиз элим-юртим деб ёниб яшайди ва жамиятга керакли шахс бўлиб етишади.

Дин ниқобидаги турли бузғунчи оқим ва фирқалар мамлакатдаги тинчлик, осойишталик, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳилликка раҳна солиш мақсадларидан қайтишгани йўқ. Бу эса ҳар биримиздан доимо хушёрлик ва огоҳликни, ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашишни, уларнинг диний билими ва саводхонлигини тинмай ошириб боришни, шу йўл билан жаҳолатга маърифатни қарши қўйиб, улар қалбини четдан бўлаётган барча хуружлардан қатъий ҳимоя этишни талаб этади.

Абзалова Фарида



1. Тинчликнинг қадрига ета оляпмизми?
2. Матннинг асосий фикрини сақлаган ҳолда, ўз фикрингизни ўзгача ёзма ифодаланг.



«Қўшнинг тинч – сен тинч» жумласи юзасидан фикр-мулоҳаза юритинг. Хулосалаб, маҳаллий газетага мақола ёзинг.



Нотиқлик – ўтмиш сўз санъатининг энг ва оммавий баркамол натижаларидан бўлиб, бу санъатни мусулмон Шарқда воизлик деб аталган. Шунга кўра нутқ – ваъз, нотиқ – воиз деб юритилган. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи XII–XIV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарила олган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фароғий, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Навоий каби улў сиймолар катта ҳисса қўшганлар. Булар яшаган даврни Шарқ тарихида уйғониш даври ҳам деб аталарди. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат маданиятимизнинг равнақ топган йиллари бўлди. Адабиёт-санъат, фан ва умуман, маданиятимизнинг тарғиботчилари бўлган бу алломалар айна вақтда воиз (нотиқ)лик санъатини ҳам яратдилар. IX–X асрлар орасида яшаб ижод этган Абу Наср Форобий (837-950), Абу Али ибн Сино (980-1037) каби йирик олимларимиз фақат замонларининг илм-фани билан чегараланиб қолмай, айна вақтда нотиқдан бўлганлар ҳамда нотиқликнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожига ҳам катта эътибор берганлар. Булардан ташқари, XI асрда Кайковус томонидан яратилган «Қобуснома»да ҳам нотиқлик санъати ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Ҳатто муаллифнинг таъкидлашига қараганда, барча ҳунарлар ичида ўз ҳунарини-нотиқликни улўғлайди. Нотиқлик жуда узок тарихга эга, яна шу давр ичида у шаклланади, ўзгарди ва камол топди. Албатта, бу тарихий жараёнда наслдан-наслга мерос қолишга арзигулик анъаналар ҳам етиб келди. Шарқ ва хусусан, Ўрта Осиёда жуда кўплаб нотиқлар етишиб чиқдилар, фақат етишиб чиқдиларгина эмас, балки улар нотиқлик асосларини яратиб, бутун шарққа, ҳатто, шу жумладан: Воиз Муҳаммад Рафиъ – «Абвобул жинон», Воиз Казвиний «Зилолу мақол», Воиз Ширвоний «Аксанул аходдис», Муҳаммад Бобур бинни Муҳаммад Воиз «Ҳидоятул-тақвим», Курайш Синдий «Анисул-воизин», Мулла Калон воиз, Самарқандий «Равзатул-воизин», Қози Уший «Мифтоҳун-нажжоҳ» («Сўзнинг калити») ва бошқа бир қатор моҳир сўз усталари ўзларининг рисоаларини яратиб, нотиқлик назарияси соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритганлар. Буларнинг ҳар бири ўз тарихи, тақдирига эга бўлган сиймолардир.



ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Миллат тарихидаги буюк нотиқлар

БУГУНГИ ДАРСА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан уни танқидий баҳолаймиз;
- ❖ матнда бадий-тасвир воситалари, услубий шакллар ва бошқа усуллардан фойдаланиш зарурлигини тушунамиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда (ажратилган бўлакли, кириш сўзли, киритмали) ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



76-машқ.

Тинчлик – бебаҳо неъмат. Уни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Таъкидлаш жоизки, осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болажонларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик – тинчлик туфайлидир. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисларида тинчлик-хотиржамлик энг катта неъмат эканлигини таъкидлаб, шундай деганлар: «Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. Улар хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир».

Демак, тинчлик ва хотиржамлик Аллоҳ таолонинг буюк илоҳий неъматларидан биридир. Қолаверса, барча эзгу ишлар рўёбга чиқишининг боиси ҳам осойишталикдир. Шундай экан, инсонлар нафақат мавжуд тинчликни қадрига етиб, шукрини адо этишлари балки, унга ношукурлик қилиб, пуртур етказиб қўйишдан ҳам сақланишлари лозим.

Тинчлик-хотиржамлик доим эъзозланадиган, унинг учун тинмай шукрона айтиладиган азиз неъматдир. Яратган Роббимизга ҳамду санолар бўлсинки, ўзбек халқига ана шу азиз неъматни насибу рўз айлади. Юртимиз

тинч, ҳаётимиз бир маромда, хотиржам кечмоқда, кунларимиз ёруғ, тунларимиз осуда. Ҳар куни эрта тонгда кетиб, кечқурун ишдан қайтамизми, бир неча кунлик узоқ сафарларда бўламизми, оила аъзоларимиздан кўнглимиз хотиржам.



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада?
2. Матндан асосий ва майда тафсилотли ахборотларни ажратиб олинг ва умумлаштиринг, турли кўзқарашларни солиштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Ўз фикрингизни билдириг.
3. Оиламизнинг, жамиятимизнинг тинчлигини қўриқловчи посбонлари ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
4. Тасвирларни оғзаки ҳикоялаб беринг.



77-машқ.

МИЛЛИЙ АРМИЯ – ЮРТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНИ

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллар бошлари эди. 6-7 яшар қизалоқман. Уйимизда 3-4 киши йиғилса, «афғон уруши» ҳақида гап очилар, катталар қандайдир бир мунг, изтироб билан «йўқ жойдан юртга келган бу бало» ҳақида гаплашаётганларини кўриб, биз, болалар ҳам гўё уруш бошлангандек ваҳимага тушардик.

Бу бемаъни, мантиқсиз уруш мустабид тузум, тоталитар режим сиёсатининг оқибати эди. Шўро тузуми ўз мавқеини кенгайтириш мақсадида ҳарбий қўшинларини жабрдийда афғонлар юртига киритади. Афғонистонни ўзига осонликча қарам қила олмагач, 1989 йили у ердан қўшинини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Лекин бу машъум уруш собиқ иттифоқ республикаларидан 15 мингга яқин йигитнинг ҳаётига зомин бўлди, салкам 37 минг навқирон ўғлон майиб-мажруҳ бўлиб уйга қайтди. Ўн йил давом этган жангу жадаллар халқимиз бошига чексиз фожиа ва мусибатлар келтирди. Афғон урушида халқимизнинг бир ярим мингдан зиёд ўғлони қурбон бўлди, темир тобутлар бир ярим минг хонадонга қайғу олиб келди, минглаб алпқомат йигитлар ярадор, ногирон бўлиб қайтди. Юртнинг эндигина ўн саккиз ёшга қадам қўйган ўғлонлари айни ҳаётни таниган бир маҳалда ўлим ҳақида ўйлашга маҳкум этилди. Талабалик давримда афғон урушида хизмат қилган 6 нафар курсдошимиз бор эди.

Улар ёшлик завқини сурмай, ўлимга рўбару, ажал сўқмоқларида саргардон қилган ўша тузумга лаънатлар айтишар, ўзларини «шўронинг ўғай ўғлонлари» деб аташарди. Бу йигитлар ҳам урушнинг қалбан, руҳан қурбон бўлиб қайтган иштирокчилари эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизнинг ҳеч кимга дахл қилмайдиган, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайдиган, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қиладиган тинчликсевар давлат эканлиги, давлатлараро чегараларнинг ўзгармаслиги принципини тан олиши расман эълон қилинди. Мамлакатимиз ташқи сиёсатида ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаган ҳолда ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлди, ўз ҳу-

дудиди хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Давлатимиз очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда.
(Интернет манбаларидан)



1. Берилган маттни ўқиб, матн бўйича тадқиқот ва фараз қилиш учун саволлар тузинг ва фикрингизни аниқ ифодаланг.
2. Матннинг асосий ғоясини аниқланг.
3. Матн асосида ёзма кичик интервью тайёрланг.



Шарқ тарихида мутахассис нотиқларни воизлар деб атаганлар. Уларнинг ваъз матнлари одатда чиройли ва бадий юксак савияда бўлган. Нутқ матнларининг аксарияти насрий шеър ҳатто шеърий шаклларда ёзилган.

Алишер Навоий томонидан уч воиз тилга олинган ва уларнинг ижоди ҳақида фикр юритилган.

1. Хожа Муайяд Меҳнагий

У ўз замонасининг етук нотиқларидан бўлиш билан бирга, оддий мазор шайхларидан бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у «зоҳир улумин такмил қилиб эрди», яъни юзадаги илмлардан, ўзига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштиргангина эмас, балки уни тўлдирган. Шунинг билан бирга, у ўз тингловчилари қалбига қўл сола олган, уларни фақатгина тингловчиликдан, ҳар бири фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига нисбатан фаол муносабатда бўлувчи ижодкор тингловчилар даражасига кўтара олган. Ўз мажлисларининг қизғин ўтишига эриша олган. Ўша даврларда Хожа Муайяд каби оташнафас нотиқлар сони жуда кам бўлган. Шунинг учун ҳам улар номи улкан адиблар номи қаторида тарих саҳифасидан шарафли ўрин олган. Унинг ижодий маҳорати бошқа нотиқлар учун намуна бўла олади. Чунки, у ўша даврдаги мавжуд фанларнинг барчасини тўла ўзлаштирган донишманд олимдир. Ана шундай қудрат-заковати туфайлигина султонлар, подшоҳлар ҳам унинг маҳорати, исътедоди олдида бош экканлар.

2. Мавлоно Риёзий Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. Мавлоно Риёзий етук нотиқ даражасига эришади, мамлакат ҳукмронлари мафқураси билан унинг қарашлари ўртасидаги келишмовчилик, турли зиддиятлар асосий омилларидан

бири бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича: «...ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқиб, йиғлаб важдихол қилур эрди», - дейди. Шоирнинг бу сўзлари анча диққат эътиборга лойиқ, чунки эл олдида расмий нутқ билан чиқиб йиғлаш даражасига бориб етиш ва бу кўз ёшига нисбатан тингловчиларда кулги эмас, балки ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун катта санъаткорлик маҳорати керак. Мавлоно Риёзий нутқ пайтида кўзёши даражасига етиб борар экан, қалбидаги ни йиғлаб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан, демак шубҳасиз, у жуда истеъдодли нотиқ, чинакам сўз санъаткори бўлган. Шу билан бир қаторда, ўз даврининг кўзга кўринган педагоглари билан бири бўлган. У ўз ишларини дунёвий фанлар: табиатшунослик, география, тарих, адабиёт, назарияси ва бошқа фанларни чуқур ўрганиб, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилган. Алишер Навоий ёзишига қараганда, Мавлоно Риёзий ўз фикрида қаттиқ турувчи ва шу фикр учун курашувчи шахс, садоқатли, моҳир педагог ва бутун ҳаётини сеvimли касбига бағишлаган улўғвор инсон эканлигини таъкидлайди. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган Мавлоно Риёзий нутқларида бошқа нотиқлар қатори халқ оғзаки ижоди ва айниқса, бадиий адабиётдан жуда усталик билан фойдаланган. У ўз замонасининг забардаст нотиғи, олими, педагог ва шоирлардан бўлган.

Ҳусайн Воиз Кошифий. Ҳусайн Воиз асли туғилган жойи Эроннинг шимолий шарқидаги Сабзавор шаҳри бўлиб, қачон туғилгани ҳозирча бизга номаълум, шарқшунос олимларнинг фикрига қараганда, вафот этган йили 1504-1505 йилларга тўғри келади. Хуллас, Ҳусайн Воиз Алишер Навоийнинг замондоши, у билан бир даврда яшаган, ижод қилган, ҳатто, Алишер Навоийдан 3-4 йил кейин оламдан ўтган.

Ҳусайн Воизнинг энг асосий фазилати, унинг илм эгаси эканлигидир. У жуда кўп фанларни эгаллаган ва уларнинг ҳар бирида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан биридир. Унинг: «Жавоҳирот тафсир» ёки «Тафсири Ҳусайн», «Мавоҳибуд дунё», «Лубби-лубоб», «Анвори Сухайли», «Маҳзанул Иншо», «Сабо», «Кошифия», «Ҳотамнома» ва бошқа бир қатор асарлари шундан далолат беради.

Ҳусайн Кошифий нотиқ сифатида ўз замонасининг машҳур нотиқларидан бўлган. Унинг нутқини эшитиш учун шаҳарнинг турли томонларидан йиғилишар, тингловчилар сони шу қадар кўпайиб кетиши натижасида орқада турганларга нотиқнинг овози етиб келолмаса ҳам, унинг ички руҳий ҳолатини турли ҳолатлар орқали ифодаланишини кузатар эканлар. Бу ҳақда Воизнинг ўғли Фахриддин Али Сафий ўзининг «Латойифут-Товоиф» номли асарида таъкидлашича, отаси масжиди Жомеда нутқ сўзлаётган мажлисда одам шунчалик кўп эканки, мажлисга келаётган ўша даврнинг машҳур сўз усталаридан Мавлоно Сайид Ғи-

ёсиддин тасодифан ўша ердан ўтиб қолиб, мажлис аҳлига маҳлиё бўлиб, ўзи қатнашиш учун кетаётган мажлисдан кеч қолади. Иттифоқо, шу мажлисда Абдураҳмон Жомий иштирок этаётган бўлади. Сайид Ғиёсиддин кириб келиши билан ундан сўрайди:

– Нечун кечикдингиз, Мавлоно Ғиёсиддин?
– Мени маъзур тутинг, устод, – деди Ғиёсиддин, келаётган эдим, масжиди Жомеда Ҳусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман.

– Ҳўш, қандай янгилик эшитдингиз?

– Ҳеч қандай, – дейди Ғиёсиддин.

– Сабаб?

– Сабаби шуки, – деди гуноҳкор, – одам жуда кўп экан. Оломон мени туртиб бир нечта чиқариб юборди. Мен шунчалик узоқ масофада эдимки, унинг баъзи-баъзи сўзлари зўрға қулоғимга чалинди.

– Ундай бўлса нима қилиб ўтирдингиз?

– Қараб ўтирдим, – деди Ғиёсиддин, – Ҳусайн Воиз шундай нутқ сўзлаётган эдики, гапларини эшитмасам ҳам, унинг маҳоратига маҳлиё бўлиб, нутқининг охиригача қараб ўтирдим. Ўз замонасининг улкан сўз санъаткори Ҳусайн Воиз Кошифийнинг юксак маҳоратига ҳатто Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаролар ҳам қойил қолиб тан берганлар, ҳатто ўз асарларини расмий ижро этиш лозим бўлганда бундай ишга Ҳусайн Воизни муносиб кўрганлар. Жумладан, 898 (1492) йил 8 ноябр куни, Абдураҳмон Жомийнинг дафн этиш маросимида Ҳусайн Воиз нутқ сўзлайди ва ана шу маросимда Алишер Навоий ўзининг 7 банд, 140 мисрадан иборат марсиясини ўқиб эшиттириш учун унга топширади.

Алишер Навоий томонидан Ҳусайн Воизга нисбатан билдирилган ана шу ишончининг ўзиёқ, мамлакатда, айниқса Воизлар ўртасида катта ишонч ва ҳурматга сазовор эканлигидан далолат беради. Ҳусайн Воиз нотиқ сифатида шу қадар ҳурматга сазовор бўлганки, бунинг асосий сабабларидан бири – унинг овозининг ширалиги, оҳанги, ички руҳий ҳолатини турли ҳаракатлар билан ифода қила билиши бўлган. Шунинг учун бўлса керак, доимо ҳар ерга таклиф этишавергани натижасида аниқ жадвал билан ишлашга мажбур бўлган.

Хондамирнинг айтишига қараганда, у жума куни эрталаб Ҳиротнинг марказий Чорсусида жойлашган шоҳ номозгоҳида ваъз айтган, шу кун пешиндан кейин Алишер Навоийнинг масжидида, сешанба куни Султон Ҳусайннинг мадрасаси, чоршанба куни пир Мужаррат Хожа Абдул Валид Аҳмад мозори бошида, пайшанба куни Султон Аҳмад Мирзо мозори бошида нутқ сўзлаган.

Бўларнинг барчаси нотиқнинг ҳар томонлама билимдонлиги ва жаҳоннинг баланд-пастини яхши билганлигидан бўлиб, унинг нутқининг сермазмун бўлишини таъминлаган омиллардан биридир.



ХАВФСИЗЛИК НИМА?

Тил софлиги ва жозибаси

БУГУНГИ ДАРСАД:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



78-машқ. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

«ХАВФСИЗЛИК» ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ

Хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда, хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Дарҳақиқат, «хавфсизлик» тушунчаси Робер маълумотномасига кўра, 1190 йилда пайдо бўлди. Унда ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳиятининг хотиржам ҳолати ифодаланган. Ушбу маънода мазкур термин Ғарбий Европа халқлари лексиконида XVII асргача қўлланилган.

Иқтисодий таҳдид – жамият, давлат ва уларнинг субъектлари алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи, уларга зиён, зарар-заҳмат келтирувчи, хавф-хатар туғдирувчи омиллар, шарт-шароитлар ва воқеликларни ифодалайди.



Иқтисодий шпионаж – рақибига зарба бериш, рақобат курашида енгиш, хўжалик фаолиятида ўзиб кетиш мақсадида тижорат сири ҳисобланган маълумотларни яширинча тўплашга қаратилган хуфёна фаолият.

Иқтисодий қонунбузарлик – хўжалик юритиш амалиётида белгиланган ва қарор топган қонун-қоидалар ва мезонларга зид хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Контрабанда (итал. *contrabando*) – давлат чегарасидан моллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, тақиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш.

Коррупция – мамлакат иқтисодий ресурсларига, давлат мулкини тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиной гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илинтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, қўшилиб кетишидир.

Хавфсизликнинг субъектлари шахс, аҳоли ижтимоий гуруҳлари, кишилар уюшмалари ҳамда бирлашмалари, давлат ва жамият ҳисобланади. Хавфсизлик объекти инсон ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, шахсий-оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий табиий соҳа ва жабҳаларини ўз ичига қамраб олади. «Хавфсизлик» тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Масалан, АҚШда Президентнинг миллий хавфсизлик соҳасидаги конституцион мажбурияти ва бош вазифаси сифатида мамлакат аҳолисини, унинг ҳудудини ва америкаликларнинг турмуш тарзини ҳимоя қилиш белгиланган. Миллий хавфсизлик элементлари ичига армиянинг жанговарлиги, бошқа мамлакатларда демократияни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, Американинг иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш ҳам киритилган.

Иқтисодиётни жонлантириш, миллий маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, янги хорижий бозорларни очиш, янги иш жойларини яратиш ҳам миллий хавфсизликнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ўта муҳим манфаатларининг, шунингдек, миллий қадрият ва ҳаёт тарзининг кенг кўламдаги ва турли-туман ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди.

Ҳасан Абулқосимов



1. Матнда келтирилган маълумотларга аҳамият беринг, изоҳланг.
2. Матн ғоясини ифодаловчи 2-3 та жумла келтиринглар ва шу бўйича ўз қарашларингизни баён этинг.
3. *«Хавфсизлик» тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқмоқда, жумласи бўйича гуруҳда муҳокама қилинг ва тақдимот тайёрланг.*



4. Берилган мавзу бўйича мулоҳазалар, ишончли фикрлар билдириб, ўзингиз диалогик матн тузинг. Синфга овоз чиқариб ўқиб беринг.
5. Матннинг услубини аниқланг.



79-машқ. Матн услубини аниқланг ва сарлавҳа қўйинг.

Бир куни шаҳар сайрига чиққан подшоҳ рўбарўсида бир киши пайдо бўлиб тиланибди. Подшоҳ унга битта олтин бериб, ўзининг сахийлигидан мамнун ҳолда жилмайибди. Гадо эса норози оҳангда:

– Эй подшоҳим, ҳисобсиз хазинанг бўлгани ҳолда ўз укандга битта танга беришдан уялмадингми? – дебди.

Бу гапдан подшоҳ ажабланибди:

– Ие, қачондан бери сен менинг укам бўлиб қолдинг?

– Нечун ҳайрону лолсан, подшоҳим, ахир сенинг насабинг Одам Ато билан Момо Ҳавводан бошланмайдими? – деб сўрабди гадо.

– Ори-ори, сўзларинг рост, – дебди подшоҳ.

– Менинг насабим ҳам шундай: икковимизнинг ота-онамиз одам Ато билан Момо Ҳавво бўлгач, оға-ини ҳисобланмаймизми?

Тиланчининг гапи латифанамо ривоятга ўхшагани билан исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Буни илм тилида аксиома дейдилар.



Ҳазрат билол разийаллоҳу анҳудан «Сенинг отанг ким?» деб сўрашганида у зот «Менинг отамга малоикалар сажда қилишган», деб жавоб қайтарган эканлар.

Алқисса, дунёда яшаб турган одам болалари ватанлари, миллатлари, ирқларидан қатъий назар, оға-инидурлар. Бу ҳақиқатни барча идрок қилар, деб ўйлайман. Мени ажаблантирган нарса: асли насаблари бир эканини билганлари ҳолда одамлар ўзаро ёвлашадилар. Катта-кичик урушларни бошлашдан тоймайдилар. Ажабланарлиси шуки, жанг майдонининг у томондагиси ҳам, бу томондагиси ҳам Худога бир хилда мурожаат этади: ўзига омонлик, рўбарўсидагиларга эса ўлим тилайди. У душман ҳисоблаб, ўлим тилаётган одамининг ҳам оиласи, фарзандлари борлигини, ўшалар тақдирини ўйлаб, руҳан азоб чекаётганини эслаб ҳам қўймайди. Уруш қайси томон учун ғалаба билан якун топса-да, жонини гаровга тиккан, муҳораба азобларини тотган жангчи учун ҳеч қандай манфаат йўқ. У қиёмат жанглardan омон чиққанига шукур қилади, холос.

Оллоҳ «урушманглар, бир-бирларингга зулм қилманглар», деб буюргани билан урушавадилар, уруша туриб Яратгандан паноҳ сўрайдилар, қирадилар, қириладилар.

Маккаи мукаррамада, Байтуллоҳда, хажарул-авсад қаршида икки хожи ёнма-ён ибодат қилишар эди. Уларнинг бирлари эронлик, иккинчиси Ироқдан эди. Бир дин, ҳатто бир мазҳабдаги бу икки одам неча йил аввал ўз мамлакатлари манфаати учун қўлга қурол олган эдилар. Жанг майдонининг икки томонида туриб, бир-бирларини ўлдирмоқ қасдида ўқ узган эдилар. Улуғ марҳаматли оллоҳ уларнинг жонини сақлаб қолиб, бу муқаддас уйда уларни учраштирди. Ибодатдан сўнг улар бир-бирларига салом бериб, туғишган биродарлар каби қучоқлашиб кўришдилар...

Тоҳир Малик



1. Матнда қандай масала кўтарилган, фикрингизни атрофлича баён этинг.
2. Матннинг асосий ва майда тафсилотларигача берилган ахборотини аниқланг. Далил ва фикрни ажратинг. Матн типи, услубини белгиланг.
3. Матннинг асосий ғояси нимадан иборат? Бир жумла орқали баён этинг.
4. Матн мазмунини ёритувчи содда режа тузинг. Имловий, тиниш белгиларининг ишлатилиш меъёрига риоя қилинг.



МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК

Жаҳон нотиқлиги санъати тарихи

БУГУНГИ ДАРСАД:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



80-машқ. Матн билан танишиб чиқинг, жуфтликда муҳокама қилинг ва қисмларга ажратиб, ҳар бирига сарлавҳа танланг.

Миллий хавфсизлик манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли ҳисобланади. Шунингдек, у манфаат ва эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шакли ҳамдир. Бошқача айтганда, манфаат ва эҳтиёжларни қондириш, моддий, маънавий, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги барча тасаввурларни ифодалайди. Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. У шахс, фуқаро манфаатлари, конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари, яшаш хавфсизлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жисмоний, маънавий, интеллектуал ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Жамият манфаатлари демократияни мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлаш, аҳолининг яратувчилик фаоллигини ошириш ва унинг барча ижтимоий ва этник гуруҳларининг маънавий ривожланишини таъминлашни ўз ичига олади. Давлат манфаатлари эса конституцион тузум, мамлакат суверенитети ва территориал яхлитлигини ҳимоя қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, қонунларнинг сўзсиз амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни

қўллаб-қувватлаш ва тенг шериклик асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ушбу манфаатлар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, улар жамият аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, унинг маданиятини ва маънавий қадриятларини сақлашга бўлган интилишларини ифода этади. Шу боис ҳар қандай мамлакат манфаатлари учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат тинчлиги ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда юртни обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш.

Ушбу манфаатлар миллий давлат манфаатини ташкил этади. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, инфорацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилади. Шу боис миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудофаа, ғоявий, мафкуравий, иқтисодий, экологик, ахборот хавфсизлигини ўз ичига олади. Сиёсий хавфсизлик мамлакатнинг миллий-давлат тузилишини, конституцион тузумни ҳимоя қилишга йўналтирилади. Ҳарбий-мудофаа хавфсизлиги мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Ғоявий, мафкуравий хавфсизлик ҳозирги даврда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Мафкура, ғоя ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Чунки мафкура мавжуд бўлмаса, ҳар қандай жамият ўз танлаган йўлини йўқотиши мумкин. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши барчага аён ҳақиқатдир. Ҳозирги даврда турли хил эски ва янги мафкура, ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Бунга сабаб социалистик тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг икки қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад, манфаатларни ифода этувчи мафкуралар, ғоялар кураши, тортишуви ҳали тўхтагани йўқ. Бу курашлардан мақсад инсон, жумладан, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, уни ўзига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликлардан ҳам кўра дахшатлироқдир. Шу боис, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таҳдид, хавф-хатар, тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий, ғоявий хавфни, тазйиқни тезда илғаб олиш, сезиш ниҳоятда қийин. Инсон ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, жамиятда халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғоя ва мафкура мавжуд бўлмаса, унинг турли зарарли ғоя ва

мафкураларнинг тазйиқига бардош бериши амри маҳолдир. Бундай ғоявий, мафкуравий таҳдидлар инсонлар ва халқнинг қалби, онгини забт этишга, уларни ўз миллий ва маънавий, маданий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижасида мамлакатни ўзларига қарам қилиб олишга қаратилган. Шунинг учун ҳам ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Экологик хавфсизлик табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатларидаги муайян қонуниятларнинг бузилиши оқибатида юзага келадиган экологик фалокатларнинг олдини олишга қаратилган. Бу хавф-хатар, фалокатлар инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмасдан, табиий ва минерал хом ашё заҳираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланиб, хўжалик фаолиятини юритиш оқибатида юзага келмоқда.

Демак, экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда, глобал аҳамият касб этиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишга қодирлигини таъминлашга йўналтирилган. Информацион хавфсизлик юкорида тавсифланган миллий хавфсизликнинг барча шакллари, айниқса, ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш жоизки, «миллий хавфсизлик» тушунчаси кўп қиррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Умумлаштирилган ҳолда унинг қуйидаги хусусиятларига эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, миллий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жамият ҳаётининг қайси соҳаларида қандай таҳдидларнинг вужудга келаётганини аниқлашга қаратилган муайян ҳолатларда теран таҳлилни талаб қилади.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик бир-бирига зид ўлчамлар, жамият ҳаётига хавф соладиган таҳдидлар ва уларни бартараф этишни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий параметр ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, миллий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти ва кескинлиги жаҳон ҳамжамяти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш давларида ортиб боради.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик тамойиллари ва параметрлари, кўрсаткичлари ўзгарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо ҳар бир мамлакатнинг миллий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари билан боғлиқдир. Ва аксинча, умумбашарий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар миллий хавфсизликка таъсир этади.

Бешинчидан, миллий хавфсизликка давлат манфаатлари, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Олтинчидан, миллий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий хавфсизликнинг ўрни беқиёсдир. Чунки миллий хавфсизликни, жумладан, мамлакатнинг сиёсий, конституцион тузумини, давлат мустақиллигини ва суверенитетини сақлаш, ҳарбий қудратини ошириш, экологик муаммоларни юмшатиш ва ҳал этиш, авваламбор, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва қудратига, унинг иқтисодий хавфсизлигининг қай даражада таъминланганига боғлиқ.

Ҳасан Абулқосимов



1. Матнни ўқинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдилинг.
2. Матнда қандай масала кўтарилган? Матннинг тезисини тузинг.
3. Матннинг типи ва услубини аниқланг.
4. Берилган мавзунинг долзарблиги нимада? Матн асосида ва қўшимча материаллардан фойдаланиб, тақдимот тайёрланг.



81-машқ. Матн мазмунини ўзлаштиринг. Матннинг ёзилиш услуби ва жанрини аниқланг. Матн мазмунини абзацлар бўйича тақсимлаб, постерда ҳимоя қилинг.

Дерларким, инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат – унинг озод ва ҳурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар сиз бахтсиз инсонга дуч келсангиз, қайғу-ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлсангиз, билингки, у озод эмасдир. У шубҳасиз, ким ёки нима томонидан эзилгандир.

Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аблаҳ бўла олмайди. Агар сен бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсанг, билгинки, у озод эмасдир. У бир қулдир. У бўйинини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб ёки шунга ўхшаш бир нима ундирмоқ истайди. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса, каттароқ бойликка эришилади.

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эришиш мумкин? Фақат Ўз-Ўзига! Агар сиз одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай, бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм

этганини кўрсангиз, билингким, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, демак, у ўз истаги – нафси қулидир.

Тоҳир Малик



Қуйидаги жадвалда берилган маълумотлардан олган таассуротларингизга суянган ҳолда оммавий чиқиш учун дарс мавзуси бўйича матн тайёрланг.



Нотиқлик санъатининг тарихи жуда узоқ бўлиб, у эрамиздан аввалги V аср бошларида Юнонистонда шакллана бошлади. Юнонистонда аристократик, демократия тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишларида, халқ мажлисларида, сенат кенгашларида, суд ишларида ва йиғилишларда республиканинг ҳар бир озод кишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Нотиқлик санъатининг йирик намояндаси Цицерон бу санъатга катта баҳо беради. У икки хил санъатни – лашкарбошилиқ ва нотиқлик санъатини тан олади.

Нотиқликнинг ниҳоят даражада оғир ва сермашаққатлиги, шу билан бирга, жуда шарафли эканлигини чуқур ҳис қилган Плутарх ҳам бу санъатни ҳаётий зарурият деб билади.

Суд ишларида ўрнатилган тартиб нотиқлик санъатининг юксалишига катта тўртки бўлди. Суд жараёнига жавобгар ўзига қўйилаётган айбнинг асосизлигини исботлаб гапириши, даъвогар эса ўз фикрида қаттиқ туриши, уни қоралаши лозим эди. Лекин ҳамма ҳам чиройли сўзлаш қобилиятига эга бўлавермайди. Шунинг натижасида, нутқ матнларини ёзиб берадиган билимдон кишиларга эҳтиёж туғила бошлади ва ёзма нутқ санъатини яхши эгаллаган нотиқларни ўша замон тили билан «логографлар» деб атаётган бўлади.

Логографиянинг тирикчилик воситасига айланиши нотиқлик санъатининг равнақ топишида катта роль ўйнайди.

Нотиқлик санъатининг кенг кўламда қанот ёйиши эса, ўз навбатида, унинг суд нотиқлиги ҳарбий нотиқлик ва сиёсий нотиқлиги каби шохобчаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Орадан бир оз вақт ўтгач, нотиқликнинг яна бир тури – эпидейктик, яъни тантанали нутқ услуби пайдо бўлди.

Шу тариқа чиройли санъати – нотиқлик санъати аста-секин шаклланиб, бадий адабиётнинг равнақида катта роль ўйнайди: трагедия, комедия ва роман жанрларининг пайдо бўлишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, нотиқлик санъатининг ривожини адабий тилнинг шаклланишига, нотиқлик санъатининг назариясидан иборат бўлган «**Риторика**» илмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Римдаги барча шоир ва нотиқлар шу мактабдан, яъни риторика мактабидан таълим олганлар.



МИЛЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК

Қадимги Юнонистон ва Рим нотиклари

БУГУНГИ ДАРСАДА:


- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.




82-машқ. Қуйидаги чизмаларни сўзлатинг. Яхлит матн ҳосил қилиб, фикрингизни баён этинг. Синфга тақдим этинг. Қуйидаги саволлардан фойдаланишингиз мумкин:

1. Хавфсизлик нима ва у жамият ҳамда инсон ҳаётида қандай ўрин тутади?
2. Миллий ва иқтисодий хавфсизлик тушунчаларининг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор?


I. ХАВФ-ХАТАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ




II. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ТАРКИБИ



III. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАЗМУНИ



IV. «РИВОЖЛАНИШ», «БАРҚАРОРЛИК» ВА «ХАВФСИЗЛИК» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги





Хавфсизлик ҳақида олган билимларингиз билан қуйидаги «БББ» усули орқали ўртоқлашинг.

| «Биламан» | «Билишни хоҳлайман» | «Билиб олдим» |
|-----------|---------------------|---------------|
| | | |
| | | |
| | | |



83-машқ. Матни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

СЎНГГИ УРУШ

*...Наҳотки инсоният ўз кашфи
билан ўзини ўзи вайрон этади.
Жавоҳарлаъл НЕРУ*

Бир қадам қўйсанг бас – нарёғи ўлим,
Бир қадам қўйсанг бас – шаксиз ҳалокат.
Одамзод бошида турибди шу зум
Қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат.

Энтикиб кетади ногоҳ юрагим,
Машъум бу сўзларни тинглаганим дам.
Бугун фақат тошлар бефарқдир, балким,
Бугун, балки, фақат булутлар беғам.

Асрлар сўнгида яралган инсон
Наҳот энди ўзин айласа барбод.
Наҳот охиратга юз бурса жаҳон,
Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.

Навоий абасдир, Пушкин ҳам абас,
Рим йўқ, Самарқанд йўқ, даҳшат, алҳазар!
Мозийдан бирор ном қолармиди, бас,
Келажакнинг ўзи бўлмаса магар.

О, одам, ҳар нега топиндинг нечун,
Айт, у ярадими бирор-бир корга!
Фаллоҳ манглайдан ўқ ейди бугун,
Сиғиниб турган чоғ парвардигорга.

Йўқ, бу пок диллардан йироқ маломат,
Бу – бани одамга кўргулик, шўриш.
Бу – шўрлик заминга чанг солган офат,
Бу – дўзах, бу – ўлим, бу – сўнгги уруш.

Алҳазар, оламда наинки одам,
Ҳаётнинг ўзи ҳам кирса қабрга.
Коинот қаърида заминдан у дам
Наҳот эшитилса сўнгги қасирға.

Наҳотки, тангри ҳам, иблис ҳам кўр-кар,
Осий банда билан кетса жонҳалак.
Айт-чи, собит кучинг бор бўлса магар,
Бизни не муродда яратдинг, фалак?!

Бу бари – асримиз кашф этган бало,
Бу – ёвуз сармоя, кўру кар, сўқир.
Бошимиз устида турибди гўё
Бир соч толасига боғланган шамшир.

Уммон ортидаги митти қиз Смит
Жаҳон тақдири деб жар солар бу чоқ.
Ҳайҳот, ўшал жойда қайсидир палид
Унинг қисматига қайрайди пичоқ.

Мунис Ўзбегимнинг осойиш чоғин,
Куйламоқ менга ҳам бахтдир безавол.
Курашларда ўтган фарзандлар доғин
Унутмоқни лекин ким қилар хаёл.



Ҳар ким она дейди мушфиқ ерини,
Оҳ, не ғам, онани кулфатда кўриш.
Майли, шоир ёзсин сўнгги шеърини,
Фақат, бўлмаса бас, сўнгги бу уруш!

1983

Абдулла Орипов



1. Матннинг мавзуси, асосий фикр, муаммони аниқланг.
2. Қандай мақсад кўзланган?
3. Қандай аудиторияга йўналтирилган?
4. Муаллиф кўзқарашига танқидий муносабат билдиринг. Фикрингизни далиллар билан асосланг.
5. Матннинг услубий хусусиятларига кўра жанри, услубини аниқланг.
6. Ҳар бир инсон ҳаётида тинчлик, хавфсизликнинг нечоғли аҳамияти бор?
7. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда, содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиб, асосий фикрни ўз сўзларингиз билан етказиб баён этинг.



Қадимги Юнонистон ва Рим нотиклари ҳақида маъруза тайёрлаб келинг.

Тинчликка куч билан эришиб бўлмайди. Уни фақат муроса билангина қўлга киритиш мумкин.

* * *



Табиатга яхшилаб назар солинг, шунда кўп нарсаларни чуқурроқ англайсиз.

Альберт Эйнштейн



ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Миллий нотиклик санъати намояндалари

БУГУНГИ ДАРСА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



84-машқ. Матнни ўқинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириш.

ШАХСНИНГ ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ

Инсон ўз ҳаёт фаолиятини табиат ва жамият билан диалектик боғлиқликда олиб борадиган, табиат қонунлари ва ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти бўлган табиий-биологик мавжудот ва ижтимоий воқелиқдир. Инсонда табиий-моддий, ижтимоий, маданий ва маънавий хусусиятлар мавжуд бўлади. Инсоннинг ҳаёт фаолияти турли объектив ва субъектив омилларга, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда маънавий ривожланишга, шунингдек, табиий-иқлимий таъсирга, экологияга, ижтимоий, миллатлараро ва геополитик шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Унинг хатти-ҳаракати шахснинг психологик ҳолатига, қизиқиши, одати, ўз олдига қўйган мақсади, ижтимоий ва миллий хусусиятларига, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатига, ёши, жинси, жисмоний куч ва ақлий қобилияти ва ҳк. ларга боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Бозор муносабатлари шароитида инсоннинг имкониятлари қуйидагилар билан белгиланади:

– шахсий мол-мулки, бойлигининг миқдори. Бу эса шахснинг кўчмас ва ҳаракатдаги мулки, шахсий капиталининг жамидан иборат бўлади;



– шахс бошқарадиган капитал миқдори. Бу капитал кимники ва қандай шаклда бўлиши аҳамиятсиздир;

– шахсга маъмурий, ихтиёрий ёки мажбурий равишда бўйсунувчи ёки унга қарам жисмоний шахслар сони. Булар қаторига кишиларнинг онги ва кайфиятига таъсир кўрсата оладиган ҳамда билим, тарбия, ахборот олиш, диний ишларга оид маълум ижтимоий вазифани ўтайдиган шахслар ҳам киради. Ушбу шахс имкониятини белгиловчи кўрсаткичлар, асосан, жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг амал қилишига ва ўзгаришига таъсир кўрсатади. Демократик жамиятда қуйидаги тамойиллар амал қилади:

– барча жамият аъзолари қонун олдида тенгдир;

– жамиятнинг барча аъзолари ўз мақсадларини амалга оширишлари учун тенг имкониятларга эга;

– жамиятнинг ҳар бир аъзоси шахсан ўзига тегишли ҳар қандай масалаларни ҳал этишда танлаш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур эркинлик кишининг касб, фаолият тури ва соҳасини танлаш, даромадига мувофиқ истеъмол товарларини, хизмат турларини эркин танлаш ҳуқуқига ҳамда имкониятига эга эканлигида ўз ифодасини топади:

– қарор қабул қилиш кўп сонли кишиларга тегишли бўлганлиги сабабли бир шахс фаолиятига, хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди;

– ҳокимият органлари ваколатларининг турли поғоналари, бўғинлари ўртасида тақсимланиши тўғрисидаги қарорлар кўпчилик иштироки билан қабул қилинади.

Шуни айтиш жоизки, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик, сиёсий ва бошқа тизимлари инсон учун яшаш муҳити ҳисобланади. Шу боисдан уларнинг амал қилиши самарадорлигини фақат инсон манфаатларига қай даражада мослиги нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин бўлади. Инсон ва унинг манфаатлари учун оила муҳим аҳамият касб этади. Оила қариндошлик алоқалари ва маиший ҳаёт умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кишиларнинг кичик гуруҳидан иборат. Оиладаги фаолият шахснинг, у аъзо бўлган оиланинг ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилади ҳамда у ўзининг уй хўжалигини мустақил равишда юритади. Оиланинг афзалликлари унинг қандай товар ва неъматлар яратиш қобилияти билан ифодаланади. Улар эса қуйидагилардан иборат: – эр-хотиннинг оилада, никоҳда маҳсулот, неъмат яратиш, ишлаб чиқариш қобилиятидан келиб чиқадиган афзаллик. Уларга қонуний туғилган болалар, обрў-эътибор, оила мақоми кабилар киради; - оила алоҳида уй хўжалиги сифатида фаолият юритиб, юқори унум ва самарали тарзда товар ва хизматлар ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулот ва хизматларнинг кўпчилиги жамоат неъматлари ҳисобланади, чунки улар оиланинг барча аъзолари

томонидан истеъмол қилинади. Бозор муносабатлари тизимида оиланинг иқтисодий вазифаларини қўйидагича ифодалаш мумкин:

- оиланинг янги эҳтиёжлари ва имкониятларини шакллантириш;
- оиланинг иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш ва ривожлантириш;
- оиланинг ижтимоий-иқтисодий маъқеини ошириш;
- оиланинг нормал маиший ҳаёт кечириш шароитларини ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида оила, авваламбор, инсон капиталини шакллантириш ва жамғаришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан оиланинг вазифаларини уч босқичда, яъни моддий асосни яратиш, таълим, инсон капиталини ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ қилишда кўриш мумкин.

(Интернет манбаларидан)



1. Ўқиган матнни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан танқидий баҳоланг.
2. Матндаги махсус лексика, ифодаларни аниқланг.
3. Матнга сарлавҳа топинг. Матн типи, жанрини аниқланг.
4. Қўшма гапнинг турларига матндан мисол келтиринг.



85-машқ.

Вазир подшоҳнинг кайфияти синиқ эканини фаҳмлаб, кўнглини кўтариш учун бир ҳазил гап айтибди. Подшоҳ қошларини чимириб қўйибди-ю, индамабди. Бу ҳол учинчи такрорланганида у ғазабланиб:

– Менга бемаъни гапларни айтмоққа қандай журъат этиясан! Йўқол, кўзларимга кўринма, йўқса, бошингни оламан! – деб қувибди.

Вазир доно экан, «кетганим маъқул, соғинса, ўзи чақиртириб топади мени», деб уйига ҳам кирмай, узоқ қариндошлариникига бориб, паноҳ топибди. Подшоҳ янги вазир тайин этибди, аммо ундан кўнгли тўлмабди. Вазирлар алмашинаверибди, подшоҳ эса доно вазирини соғингандан соғинаверибди. Уни қидиртирибди, аммо изини ҳам тополмабди. Ўйлаб-ўйлаб «Кимки бош вазир лавозимини орзу қилса, саройга келаверсин, саволларга мукамал жавоб берса, бу юқори мартабани эгаллайди, жавоб бера ол-

маса, сазойи қилинади», деб жар солдирибди. Бу чақирикқа жуда оз одам ишониб келибди. Улар орасида эски кийимда, соқоллари ўсиқ, чўлоқ ва букри бир одам ҳам бор экан. Аввал тузукроқ кийимдаги, кўринишдагилар имтиҳон қилиниб, шарманда бўлибдилар.

Навбат букрига келганда сўрабдилар:

– Дунёдаги барча денгизлардаги марваридларнинг сони қанча?

Букри истехзо билан жавоб берибди:

– Дунёдаги одамларнинг кўзлари қанча бўлса, денгиздаги марваридлар ҳам шунчадир.

Сўрадилар:

– Инсон танаси учун зарур нарса нима?

Букри жавоб берди:

– Саломатлик.

Сўрадилар:

– Қайси қурол мўлжалга бехато ура олади??

Букри жавоб берди:

– Ақлли инсон онги, тафаккури.

Сўрадилар:

– Қум билан шакар аралашиб кетган бўлса, уни сувга солмай туриб ажратиш мумкинми?

Букри жавоб берди:

– Мумкин. Бу аралашмани чумоли уяси ёнига тўксангиз, чумоли шакарни ташийди-ю, қум сизга қолади.

Сўрадилар:

– Сен денгиз сувини ичиб адо қила оласанми?

Букри жавоб берди:

– Албатта. Сиз аввал денгизга келиб қуюлувчи барча дарё ва ирмоқларни тўхтатиб берасиз, мен эсам денгиз сувин ичиб қуритаман.

Сўрадилар:

– Ўлик гулханда ёнаркан, тирикни нима куйдиради?

Букри жавоб берди:

– Тирикчилик ташвиши.

Сўрадилар:

– Энг тубан юмуш надир?

Букри жавоб берди:

– Тиланчиликдир.

Саволлар адоғига етгач, букри подшоҳга мурожаат этиб: «Вазирларингизга мен ҳам битта савол берсам бўладими?» деб сўрабди. Подшоҳдан ижозат теккач:

– Эшикнинг ғижирлаши нимани англатади? – деб сўрабди.

Вазирлар ўйлаб-ўйлаб тайинли жавоб айтишолмагач, у истехзо билан кулиб дебдики:

– Бу савол сиз ўйлаганчалик мушкул эмас: эшикнинг гижирлаши унинг очилиб-ёпилганидан далолатдир.

(Замонавий ривоятлардан)



1. Матн мазмунини оғзаки ифодали сўзлаб беринг.
2. Матннинг услуби, жанри, асосий ғоясини аниқланг. Фикрингизни мисоллар билан далилланг.



3. Матн қахрамони ҳаёти ва фаолиятига доир қандай янги ахборот билан танишдингиз?



4. Матн мазмунидан чиқарган хулосаларингизга таянган ҳолда ихчам эссе ёзинг.



86-машқ. Қуйида берилган мақоллар билан танишинг. Мавзулар доирасини белгиланг. Ўзингизга ёққан бешта мақолни кўчириб олинганда, қисқача изоҳланг.

1. Беғалва бош бош эмас. 2. Бир кун уруш бўлган уйдан, Қирқ кун барака кўтарилар. 3. Бир кунлик жанжал, Қирқ кунлик ризқни олар. 4. Довул турса, булут қувар, Ёв қутурса, юрт қувар. 5. Жанжалли жойда оғзингни очма. 6. Жанжалли уй – азобли гўр. 7. Жон бор жойда жанжал бор. 8. Моли тўқнинг кўнгли тўқ. 8. Молингни ўррига топшир, Қўшнинг омонда бўлсин. 9. Оз ошим – ғавғосиз бошим. 10. Олам тинч – хонам тинч. 11. Осойишталик – энг яхши малҳам. 11. Оч бўл, омон бўл. 12. Оч юр, тинч юр. 13. Оч қорним – тинч қулоғим. 14. Томоша тандир бошида. 15. Тинч элнинг боғи гуллар.

16. Тинчлигинг – ҳурлигинг. 17. Тинчлик – бахт, соғлик – тахт. 18. Тинчлик билан эл кўқарар, Ёмғир билан – ер. 19. Тинчлик урушни енгар. 20. Тинчлик – фаровонлик йўлдоши. 20. Уруш билан гап ортар, Гапдан нима наф ортар. 21. Уруш айирар, Тинчлик топиштирар. 22. Уруш – йўқлик, Тинчлик – тўқлик. 23. Уруш – офат, Тинчлик – фароғат. 24. Уруш – хунрезлик. 25. Уруш қурбонсиз бўлмас. 26. Юрти тинчнинг эли тинч. 27. Қори эриб, тоғи қолар, Уруш ўтиб, доғи қолар. 28. Қўшнинг тинч – сен тинч.


(Халқ мақоллари
ziyouz.uz)



87-машқ.

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ»

Атоқли адиб, ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» асарида «мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир» деб ёзган эди. Ана шундай хайрли ишнинг бошини тутган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мукофотининг лауреати ва «Энг яхши воиз» Республика кўрик-танловининг совриндори, филология фанлари номзоди, Antique world – «Антик дунё» Халқаро илмий академиясининг академиги, доцент ва нотик Раҳимбой Жуманиёзов ёзувчи, диктор ва шоир, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мақсумовнинг ҳаёти ва ижодини кенг ўқувчилар аудиториясига тақдим этди.



«Баъзи суҳандон ёки актёрларнинг бирон бир асарни ўқиганларида сеҳрланиб қоласиз. Сеҳрингиз меҳрингизга жўнади. Товушларни аниқ ва тиниқ талаффуз қилиши билан сизни ўзига тортади, қойил қолдиради. Булардан бири халқимизнинг эътиборини, эҳтиромини қўнғироқ овози билан ўзига мафтун этган, марҳум санъаткоримиз Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мақсумов эди», дейди нотик ўз китобида қаҳрамонининг ижодига тўхталар экан.

Раҳимбой Жуманиёзов: Китобларинг чоп этилиб турса шодланасан. Китобинг кераклигини билсанг, янада шодланасан. Ўзинг ва сўзинг кераклигини билсанг, умринг бесамар эмаслигидан янада қувонасан. Навбатдаги китобим

«Ўзбек Левитани» номи билан машҳур ва туркий қироат қироли нисбати билан манзур бўлган Қодир Мақсумов ҳақида.

Мен нутқ, адабий тилга муносабат, ифодали ўқиш ва етказишнинг хосиятлари борасидаги мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни ният қилгандим. Айни пайтда Қодир аканинг замондошлари ва шоғирдларининг хотиралари ҳам китобни музайян қилган. Насиба Қамбарова, Дилсора Бобохонова, Тухфахон Ахмедова, Муслимбек Йўлдошев, Фарҳод Бобожонов, Насиба Мақсудова, Абдурасул Абдуллаев, Шокир Юсупов сингари диктор ва телебошловчиларнинг қизиқарли хотиротлари билан ошно бўласиз. Китоб «Ўзбекистон» нашриёт ижодий матбаа уйи томонидан 3000 нусхада нашр этилган. 1000 тасини мухлислардан бири ёппасига вилоятга олиб кетганидан таажжубда қолдим. Демак, Қодир Мақсумов сўзини, нутқини аниқ ва тиниқ талаффуз қилишга интилиш баробарида, она тилимизнинг назокати ва нафосатини намоён эта олган, ўзининг ёқимли, ўктам ва ўткир нафаси билан касбдошлари, яқинлари ва мухлисларини лол қолдирган, дея қўрқмай айтиш мумкин.

...Иккинчи жаҳон урушида бошланиб, рўзғор ташвиши бошига тушган ўспирин Қодир заводга кириб ишлай бошлайди. Фронторқасидан жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётганлар қаторида бўлиб, жанг майдонларидан келаётган гоҳ ташвишли, гоҳ қувончли хабарларни қалбан ҳис этди. Эл дардига қулоқ тутди. 1944 йилнинг ёзидан диктор бўлиб ишлай бошлайди. Ўша кундан эътиборан Қодир Мақсумовнинг қатъий, хотиржам, бизнинг ғалабамизга тўла ишонч билан йўғрилган овози радиокарнайлар орқали таралиб турган. Урушдан сўнгги тинч қурилиш йилларида дикторлик фаолиятининг турли қирралари очила борган. У, оҳанрабо тасмага ёзиб олинган эллиқдан ортиқ рус классиклари, ўзбек ва қардош халқлар, тараққийпарвар жаҳон адабиётининг йирик асарлари асосида тайёрланган радиопостановкаларнинг жуда кўпчилигида бошловчи сифатида иштирок этган. Юзлаб шоир ва адибларнинг асарларини ўқиган. Ўзбекистон радиосининг фонотекасида сақланаётган, радиомизнинг олтин фонди ҳисобланган «Алишер Навоий», «Қутлуғ қон», «Майсаранинг иши», «Икки дил достони», «Отелло», «Ҳамлет» каби радиоспектаклларида ҳам унинг юрак чўғи, ёлқини бор.

У моҳир диктор бўлиши билан бир қаторда, кўпгина ҳикоя ва қўшиқлар муаллифидир. Турли йилларда нашр этилган «Муҳаббат қўшиғи», «Инсон меҳри», «Орзуларинг йўлида» ҳикоя тўпламлари ўқувчилар қўлига етиб борган. Журналист, тарғиботчи ва ташвиқотчи, минбар диктори Қодир Мақсумов овози хонадонларимизга 1945 йилнинг буюк ғалаба хушхабарини олиб кирди, байрамлар тантанаси ва шукуҳи, янги эришилган марралар, кашфиётлар ҳақидаги янгиликларни қулоғимизга қуйди. Қодир ака бетакрор овоз соҳиби эди. У киши қайси мавзудаги эшиттиришларни олиб

бормасин, доимо мафтункор бўлган. Чунки суҳандон сифатида ҳар бир сўзга жон киргизарди, уни товлантирарди.

Паркент тумани марказида деҳқон бозорига кираверишдаги симёғочга радиокарнай қўйилганди. Кўплаб одамлар Қодир акани тинглаганда тўхтаб қолиб, кексаларнинг бир чеккада ўтириб: «Барака топгур, хўп овози бор-да, умрини берсин, кам бўлмасин», дея алқаганларини кўп бора эшитганман. Қодир аканинг феълида ўзбекча чапанилик, мардлик, тантилик мужассам эди. Кесиб гапирар, мижғов феъл одамларни хуш кўрмасди...

Муаллиф ижодига тегишли бўлган «Тошкентдан гапирамиз» китоби орқали Қодир Мақсумов ҳаёти ва ижоди тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш баробарида, қироатхонлик асли нима эканлиги, нутқий санъатлар, дикторлик санъати ва мухлисларнинг Қодир Мақсумовга йўллаган мактублари сизга ажойиб тарихий манба сифатида манзур бўлса ажаб эмас.

Моҳичеҳра Эшмирзаева



1. Матннинг асосий мавзу доирасини айтинг.
2. Матнда қандай долзарб масала кўтарилган?



3. Матндан таянч сўзларни, тушунчаларни ёзиб олинг ва улар асосида луғат тузинг.
4. Берилган материалдаги ахборотнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён қилинг ёки спикер чиқиши/нутқи сифатида ҳавола қилинг.



5. Биринчи абзацдаги гапларнинг грамматик асосини аниқланг ва қайси сўз туркумлари билан ифодаланганлигини белгиланг.
6. Матн таркибидаги гаплар ўзаро қандай морфологик воситалар ёрдамида боғланади?



Ўзингиз яшайдиган ҳудуддаги таниқли суҳандон ҳақида маълумот тўплаб, репортаж тайёрланг.



БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ

Миллий нотиклик санъати намояндалари

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



88-машқ. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ҚОЗОҒИСТОН ЖОРИЙ ҚИЛГАН АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА



БМТнинг янги йилдаги биринчи иш кунида Ташкилот Хавфсизлик кенгашига янгидан аъзо бўлган давлатларнинг давлат байроғини кўтариш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради Kazinform ҚР Ташқи ишлар вазирлигига ҳавола қилиб.

Ушбу анъанани 2018 йил январида БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси сифатида фаолиятини бошлаган пайтда Қозоғистон жорий қилганди. Қозоғистоннинг ушбу янгилиги БМТга аъзо давлатлар томонидан умумий эътирофга сазовор бўлганди.

«Қозоғистон ташаббуси билан БМТ ташкил қилингандан бери 75 йил ичида илк бор ўтказилган ушбу маросимнинг мақсади халқаро ҳамжамият томонидан сизларга юклатилган глобал тинчлик ва хавфсизликни сақлашдек муҳим ва муқаддас вазифасини бажаришга берилган мандатни тан олишдир», – деди тадбирда кириш нутқи сўзлаган ҚР БМТ қошидаги доимий вакили Қайрат Омаров.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2020-2021 йиллардаги муваққат аъзолари сифатида Вьетнам, Эстония, Тунис, Сент-Винсент ва Гренадин ҳамда Нигер Республикаси сайланди.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил январда Қозоғистон Республикасининг Доимий ваколатхонаси БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг байроғи учун Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, қозоқ миллий нақшлари билан безатилган махсус флагштоклар совға қилганди. Қозоғистон БМТ Хавфсизлик кенгашидаги икки йиллик ишини 2018 йил 31 декабрда якунлаган.



1. Матндан таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.
3. БМТ Хавфсизлигининг тарбиявий аҳамиятини «Нилуфаргул» технологиясида ёритинг.
4. «Дўстлик ва тотувлик» мавзусида ихчам эссе ёзинг.



Ўтилган мавзуни жадвал, чизма тариқасида тайёрланг.



89-машқ. Матн услубини аниқланг ва матн ғояси билан гуруҳларда ўртоқлашинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Учрашув давомида иштирокчилар минтақадаги хавфсизлик соҳасидаги мавжуд тенденциялар ва воқеаларни, шунингдек, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. COVID-19 пандемияси сабаб бўлган инқирозни бартараф этиш бўйича миллий ташаббуслар ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилди. Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари тадбир иштирокчиларига Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг инқироздан кейинги давр ҳақидаги қарашлари, шунингдек, COVID-19 ва унинг оқибатлари, мамлакатнинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги курашга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берди. Шу билан бирга, Қозоғистон Марказий Осиёдаги шерикларига ҳар томонлама ёрдам беради ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳим халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Марказий Осиё шерикларини минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга, шунингдек, Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу марказни ташкил этиш ташаббусини илк бор Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев 2007 йил декабр ойида билдирганди. Дунёда учта шундай марказ мавжуд: биттаси – Марказий Осиёда ва иккитаси – Африкада. Марказ можароларнинг олдини олиш ва замонавий таҳдидларга қарши кураш соҳасида минтақавий кучларга ёрдам беради.



1. Матн мазмунини гуруҳларда муҳокама қилинг ва ўртоқлашинг.
2. Матн асосида очиқ саволлар тузинг ва улар асосида «Баҳс-мунозара» усулида иш олиб бординг.
3. «Кластер» усулида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамкорлигини умумлаштиринг.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамкорлиги нима? ФСМУ технологиясида иш юритинг.



Машҳур воизлардан бири, кўпгина билимларни чуқур эгаллаган, халқ орасида катта нуфузга эга бўлган Воиз Иршод ҳақида Али Сафий деган тарихчининг асаридан қуйидаги бир воқеа келтирилади:

Кунлардан бирида Ҳусайн Бойқаро Шерознинг замондош шоҳи ҳузурига бир нуфузли вакил юбормоқчи бўлибди. Бу киши расмий давлат иши юзасидан шоҳ билан музокара олиб бориши лозим бўлган. Султон аркони давлат аъёнлари билан маслаҳат қилганида, улар ўз замонасининг ғоят маҳоратли нотiq ва сиёсатдонларидан бири ҳисобланган мавлоно Иршодни тавсия қилганлар. Уни салтанатга чорлаб, бу музокарани унга топширганлар. Мавлоно Иршод Шерозга бориб, қисқа муддатда топшириқни моҳирлик билан адо этган. Унинг воизлик маҳоратини пайқаган шоҳ унга қайтиш учун ижозат бермай, битта анжуман чақиртириб, ваъз айттириб, сўнг жавоб беражagini айтган. Воиз мамнуният билан бу илтимосни қабул қилиб, жума куни бўладиган анжуманга пухта тайёргарлик кўрган. Фахриддин Сафийнинг шоҳидлик беришича, Иршод минбарга чиқиб, шундай маҳорат ва эҳтирос билан нутқ сўзлаганки, масжиди жомега йиғилганлар ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлаганлар. Шунда у ўз нутқининг жозибадор, мафтункор яна бир қиррасини намойиш қилган: у ўз ваъзи жараёнида шундай бир бурилиш ясаганки, йиғлаб ўтирганларнинг барчаси беихтиёр қаҳқаҳа отиб юборган.



90-машқ. Матнни ўқинг, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

Тинчлик, хавфсизлик мақсадида ўтказилган мингдан ортиқ халқаро тадбирлар – Қозоғистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси сифатидаги фаолиятининг якуни. Халқаро экспертлар қисқа вақт ичида давлатимиз долзарб масалалар – оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, террорга қарши кураш, минтақавий ва глобал хавфсизлик масалаларини кўтаришга муваффақ бўлган ишларини юқори баҳолашди.

Қозоғистон – жаҳондаги ядровий қуролсизланиш пешқадамларидан бири, терроризмга қарши фаол курашаётган давлат. Республиканинг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги фаолият даври жаҳонда кескинлик кучайган вақтга тўғри келди. Шунинг учун ҳам Қозоғистон учун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига бевосита боғлиқ масалаларни кун тартибига олиб чиқиш муҳим эди. Хавфсизлик кенгаши йиғилишларида давлат бир неча марта Афғонистонда барқарорлик ва санкциялар муаммосини кўтарди.

Қозоғистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси сифатидаги ютуғи кўп жиҳатдан Давлат раҳбарининг ташқи сиёсатдаги фаоллиги туфайли рўёбга чиқди. Глобал хавфсизликка оид фикрларини Қозоғистон президенти «Жаҳон: 21 аср» манифестида акс эттирган. Бу ҳужжат юртимизнинг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги фаолияти учун асос бўлди.



1. Матн услубини аниқланг.
2. Матннинг мавзуси, асосий ғояси, мақсади нимадан иборат?
3. Ўзингизнинг кўзқарашингиз билан муаллиф кўзқарашини қиёсланг.
4. Тинчлик ва тотувликнинг инсон ҳаётидаги ўрни. Таҳлилни «SWOT» усулда бажаринг.



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК

Такрорлаш. Имло ва талаффуз

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли тип ва услубдаги (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш) матнларни яратамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гапларда ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



Матнолди топшириқ.

Қозоғистонда миллатлараро тотувлик ҳақидаги кўзқарашларингизни далиллар билан исботлаб, тенгдошларингизга ҳавола қилинг.



91-машқ. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўз фикрингиз билан қиёсланг.

Қозоғистонда Биринчи май – «Қозоғистон халқи бирлиги куни»дир.

Ҳар йили Қозоғистон халқи бирдамлик куни юртимизда кенг нишонланади.

Ушбу байрам бизнинг муқаддас заминимизда яшайдиган барча одамлар учун жуда қадрлидир.

Суверен мамлакатда барча этник гуруҳларнинг вакиллари ягона Қозоғистон халқини ташкил қилади. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик туфайли катта ютуқларга эришдик.

Тинчлик ва ижтимоий тотувлик бебаҳо бойлигимиздир. Ушбу қадриятлар Биринчи Президент – Элбоши Нурсултон Назарбаев томонидан асос солинган янги Қозоғистоннинг стратегик йўналишини ташкил этди.

Биз бир мамлакат, битта халқ сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамладик. Халқаро ҳамжамиятдаги нуфузимизни оширдик.



Юртимизни турли миллатлар ўзида жам бўлган катта бир оилага қиёс қилсак, мустақилликка эришган мамлакатимизнинг миллатлараро тотувлик борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари ва қўлга киритаётган ютуқларини ҳисобга олсак, бу ҳар биримиз учун ҳам қувонарли жараён дир. Ота-боболаримизнинг аҳиллик, тинч-тотув ва фаровон ҳаёт учун қилаётган саъй-ҳаракатларидан тўғри хулоса чиқариб, уларнинг бу эзгу ишларини давом эттирсак – Она юртимиз учун муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.



1. Юртимизда миллатлараро тотувлик борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
2. Фаровон ҳаётимиз учун нималар зарур деб ўйлайсиз?



3. Ушбу матнда қандай долзарб муаммо кўтарилган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.
4. Муаллиф кўзқарашларини қўллайсизми? Нега? Нима учун?
5. Ягона давра усулида матнда илгари сурилган ғояларни умумлаштинг.



92-машқ. Матни овоз чиқариб ифодали ўқиб эшиттиринг.

ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚИ АССАМБЛЕЯСИ – БИРЛИК ВА ТОТУВЛИК ТАЯНЧИ!

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг илк сессияси 1995 йил 24 мартда ўтиб, унда 260 делегат иштирок этди. Давр тўнғич Президентнинг узоқни кўра билишини исботлади.

Жамиятнинг ўқ илдизи каби аҳолининг энг қуйи қатламларигача таъсирини ёйган Қозоғистон халқи Ассамблеяси бугунги кунда ҳам барқарорлик, тинчлик-тотувликка хизмат қилиб келмоқда.

ҚХА фаолияти доирасида Қозоғистонни дунёвий ва халқчил мамлакат сифатида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, турли этнослар ва конфессияларнинг байрамлари, қадриятлари ўртоқлашилади, келажак авлодни ватанпарварлик ва элга садоқат руҳида тарбиялаш катта ишларига эътибор қаратилади. Бу эса, мазкур этник гуруҳлар, диний эътиқодлари турлича жамиятни умумий мақсадлар йўлида бирлаштириш



учун қўйилган барча сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий қадамлар билан биргаликда Қозоғистон моделини ташкил этади.

Мангу эл ғоясини оммалаштириш ва ҳаётга татбиқ этишда ҳам Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ҳиссаси беқиёс. 2014 йил 15 декабрда Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси Нурсултан Назарбаев бошчилигида ўтган ҚХА XXIV сессиясида «Мангу эл» ватанпарварлик акти қабулланди.

(janubiy.kz)



1. Матнда қандай масала кўтарилган? Асосий фикр нимада?
2. «Т-жадвали» усули асосида матнда кўтарилаётган масалани жадвал ёрдамида ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|-----------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |

3. ФСМУ усулида баёнот тайёрлаб, тенгдошларингизга спикер орқали ҳавола қилинг.



«Мангу эл» мавзусида эссе ёзинг.



93-машқ. Матнини ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Қардош республика халқлари бирлигининг ноёб моделини шакллантиришда Қозоғистон халқи Ассамблеяси муҳим ўрин тутади. Унинг бош вазифаси миллатлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатда

ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг этнослараро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишдир. «Дўстлик» Қозоғистон ўзбеклари этномаданият жамоат бирлашмалари Ассоциацияси ана шундай ноёб тузилманинг ажралмас қисмидир.

– Бугунги кунда Қозоғистонда миллатлар маданиятлари, тиллари, урф-одатларининг ривожини учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди «Дўстлик» Қозоғистон ўзбеклари этномаданият жамоат бирлашмалари Ассоциацияси раиси Икром Хашимжанов. – Этномаданий бирлашмалар сони доимий равишда ўсмоқда. Таълим ўзбек, тожик, уйғур тилларида олиб бориладиган мактаблар бор. Қозоқ ва рус театрларидан ташқари яна тўртта миллий – ўзбек, уйғур, корейс ҳамда немис театрлари фаолият юритади. Ҳар йили умумхалқ байрамлари – Наврўз, 1 май – Қозоғистон халқи бирдамлиги байрами, Масленица, Сабантўйни ўтказиш анъанага айланган.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар йил сайин мустақамланиб бормоқда. Сўнгги пайтда икки қардош мамлакат раҳбарларининг тез-тез учрашиб туришлари бизни беҳад хурсанд қилади, айниқса, давлат раҳбарларининг турли даражадаги мулоқотлари мамлакатлар ўртасидаги кўприкни, шериклик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади. Бежиз ўзбеклар «Қозоғим – қардошим», қозоқлар эса «Ўзбегим – ўз оғам», дейишмаган, бу бизнинг илдизларимиз теран эканлигининг исботидир.

(janubiy.kz)



1. Матн услуги ва типини аниқланг.
2. Матн юзасидан бир-бирингизга 3 та очиқ ва 3та ёпиқ саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.
3. Берилган материалдаги ахборотни ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён этинг.

МИЛЛАТНИНГ ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ САҚЛАШ



Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асраш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда.

Қ. Назаров



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ – ТЕНГСИЗ БОЙЛИГИМИЗ

Нутқ типлари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан унга танқидий баҳолай-миз;
- ❖ турли манбалардан ахборотни ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда ҳамда асосланган хулосалар чиқариб, ажратиб оламиз;
- ❖ турли хил эсселар, шу билан бирга аргументли / далилли ва баҳсли мазмунда эсселар ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



94-машқ. Матнолди топшириқлар:

1. Қадрият сизнинг тушунчангизда нимани англатади?
2. Сизнингча, қадриятларга нима киради?
3. Сизнинг ҳаётингизда қадриятларнинг қандай ўрни бор?
4. Мавзу сиз учун долзарбми?

Матн устида ишланг.

1. Матнни диққат билан ўқинг.
2. Ўқиган маълумотларни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан танқидий баҳолашга урининг.
3. Матн мазмунидан хулоса чиқариб, аргументли эссе ёзинг.

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари тушунилмоғи лозим.

Мазкур таърифдан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

– биринчидан, қадриятлар, воқеликда мавжуд бўлган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисаларни ифодалайди;

– иккинчидан, уларни қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик эҳтиёжларини, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидларидан келиб чиқади;

– учинчидан, табиат ва жамият неъматлари, ҳодисаларнинг қадриятлар туркумига киритилишининг асосий сабаби – уларни қадрлайдиган авайлаб-асрайдиган макон ва замон мавжуд бўлишидир.

Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият деб баҳолаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлари инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлангандан кейингина қадриятга айланган. Шунгача уларни бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим.

Фалсафа қомусий луғатда қадрият тушунчасига қуйидаги таъриф келтирилган. Қадрият – воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий-социологик ва аксеологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорлик, гўзаллик ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади. Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий шахсий бўлиши мумкин. Қадриятлар ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда.

Инсон бутун умри давомида сон-саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлиқ, табиий ва ижтимоий атроф-муҳит, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарият хусусиятга эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий мутлақ ва муқаддас қадриятдир.

Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлини очиб беради.

(urgfiltma.uz)



Қадриятлар фалсафасининг тарихи узоқ бўлса-да, бу тўғрисидаги фан аксеология ўтган асрнинг ўрталарида шаклланди. Бу атама илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис аксеолог Э. Гартман ва француз олими П.Папи томонидан киритилган. Аксеологияни қадриятлар тўғрисидаги фан ёки тўғридан-тўғри қадриятшунослик, деб аташ мумкин. Ҳар бир фанга ўз номини берган асосий тушунчаси ҳам қадриятшунос атамаси учун шундай асос ролини бажаради. Ғарбда бу атама грекча «ахио» (қадрият), «logos» (фан, таълимот) тушунчаларига асосланади.



95-машқ. Матни ўзлаштиринг.

ХАЛҚ ИЖОДИ – БОҶИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини кўрсатадиган қадимий урф-одат ва маросимлари, эзгуликни улуғлайдиган боқий анъаналари бўлади. Хусусан, бизнинг миллий қадриятларимиз ҳам маънавиятимизнинг юксалишига, миллат сифатида шаклланишимизга алоҳида ҳисса қўшиб, асрлар давомида халқимизга жуда катта руҳий-маънавий қувват бахш этиб келган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган бу қадриятлар томи маънода маънавий бойлигимиздир.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг юксак ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар аслида ўша миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, бундан бир неча минг йил



лар муқаддам Зарауткамар ва Сармишсой қоятошларига ғаройиб сурат ва чизгиларни муҳрлаб, асрлар давомида кўнгилдай поёнсиз ватанимизнинг барча сўлим гўшаларида «Алпомиш», «Гўрўғли» сингари буюк эпосларни куйлаб келган зукко аждодларимиз бамисоли бадий тафаккур сарчашма-сидаги инжуларга қиёс қилса арзигулик бой маданий меросни яратишган.

Ўзбек халқининг пайдо бўлиш тарихи қанчалик қадимий бўлса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик узоқ тарихий илдизга эгадир. Улар халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари замирида жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлиб, шаклланган ва зукко аждодларимизнинг беназир ижодий салоҳияти туфайли асрлар мобайнида сайқалланиб келган.



1. Матн мазмунини гуруҳларда муҳокама қилинг ва ўртоқлашинг.
2. Матн асосида очиқ саволлар тузинг ва улар асосида «Баҳс-мунозара» усулида иш олиб боринг.



3. «Кластер» усулида миллий қадриятларимизни умумлаштиринг.
4. Миллий қадриятлар нима? ФСМУ технологиясида иш юритинг.



96-машқ. Матнни ўқинг, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Глобаллашув жараёни кундан-кунга авж олиб, техника тараққиёти мислсиз даражада ўсиб бораётган ҳозирги даврда ҳам фольклорнинг тарбиявий аҳамияти сира камайган эмас. Агар жаҳон миқёсида ҳам олиб кўрадиган бўлсак, дунё адабиётида, жаҳон киносанъатида фольклорга юз буриш, фольклорнинг тарбиявий қувватидан куч олишга интилиш таъмоили устуворлик қилаётганлигини кўриш мумкин. Биласизми, чанқовузнинг поёнсиз кўнгил кенгликларига жо бўлган туйғуларни тараннум



этувчи сирли наволярию «Алпомиш»ни куйлаётган бахшининг жозибадор бадиҳаси, фарзандига алла айтаётган онанинг меҳр байтларию «остонаси тилло уй»га энтикиб қадам ташлаётган келинчакнинг пойига қўшиқлардан пояндоз тўшаётган момоларнинг бетакрор наволяри ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки фольклор – халқ ижоди бўлгани учун у инсоннинг моҳиятида, руҳиятида яшайди. Бу руҳият мудроқ бўлиши мумкин, уни уйғотиш учун эса фольклорга мурожаат қилинса кифоя. Зеро, асрлар бўйи яратилиб, халқимизнинг улкан ижодий даҳоси туфайли сайқал топиб, гўзаллашиб келган қўшиқлар, сўз гавҳарларидан шодалар тизган чечан бахшиларга илҳом берган дostonлар, ўзида аждодларимизнинг пурмаъно ҳикматларини мужассамлаштирган мақол ва маталлар, хаёлот оламининг сирли мўъжизаларидан сўйлагувчи эртақлар моҳиятини англаган ҳар қандай киши, аввало, ўзлигини англайди. Фольклор бугунги кунда ўзига хос, янгича кўриниш касб этмоқда. Бунини адабиётда ҳам, санъатда ҳам кузатиш мумкин. Фольклорнинг янгича кўринишда ривожланиб бораётганлиги ҳаминша тараққий этиб, доимий ривожланиб келган халқ ижодиёти бугунги кун кишининг маънавий-маданий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Маматқул Жўраев



1. Матн мазмуни билан танишиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.
3. Фольклорнинг тарбиявий аҳамиятини «Нилуфаргул» технологиясида ёритинг.
4. «Миллий қадриятларимиз» мавзусида ихчам эссе ёзинг.



Ўтилган мавзуни жадвал, чизма тариқасида тайёрланг.



Нутқ икки хил – оғзаки, ёзма шаклларда бўлади. Биз гапирганда ва эшитганда нутқнинг оғзаки шаклидан фойдаланамиз; ёзганда ва ўқиганимизда нутқнинг ёзма шаклидан фойдаланамиз.

Нутқ баён қилишнинг, асосан, ҳикоялаш, тасвирлаш ва муҳокама типлари мавжуд. Ҳикоялаш типига одатда бирор воқеа-ҳодиса ҳақида (бошланишида нима бўлган эди, кейин, ундан кейин... ва охирида) гапирилади. Тасвирлаш типига одамлар, нарса – буюмлар, ҳайвонлар табиат кабилар тасвирланади. Муҳокама типига эса воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ва уларнинг ўзаро муносабатлари баён қилинади.

Нутқ типларини саволлар қўйиш орқали фарқлаш мумкин. Масалан: ҳикоялаш типини – **нима бўлди?**; тасвирлаш типини – **қандай?**; муҳокама типини – **нима учун?** деган саволларга жавоб бўлади.



БЕТАКРОР МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ

Ҳикоялаш типи ва бўлимлари

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда иштирок этамиз, муаммоларни ҳал қиламиз ва шартномага эришамиз;
- ❖ китобхон ўз олдига қўядиган коммуникатив масалаларга боғлиқ ўқишнинг турли кўринишларидан фойдаланамиз;
- ❖ мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, мулоқот вазиятлари ва китобхонга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда матнда бор камчилик, нуқсонларни тузатамиз ва таҳрир қиламиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



97-машқ. Матн мазмунини «Жигсо» усулида ўзлаштиринг ва матн ғояси билан гуруҳларда ўртоқлашинг.

БОЙЧЕЧАК ХАБАРИ



Албатта, халқимиз анъаналарининг гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис этиш учун биргина деҳқончилик маданияти билан алоқадор урф-одатлар, мавсумий маросимлар ва серҳосиллик ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадриятларни эшлашнинг ўзи кифоя. Мисол учун, ҳут узоқлашиши билан, «қантар оғиб, қозиқ бошида қор турмай» эриб кетадиган давр бошланганда қиш уйқусидан уйғонган дала-қир-

ларда, тоғ унгурларида кўклам даракчилари – бойчечаклар бўй кўрсатиши биланоқ халқимиз анъанасига кўра, «бойчечак хабари» маросими ўтказилган. Болакайлар, ёш-яланглар даладан бойчечак териб келиб, маҳалла-

даги кекса отахонлару нуроний онахонлар, кўпдан буён касал бўлиб ётган кишилар олдига бориб, баҳор чечакларини тақдим этишган. Кексаларни қадрлаш ва эъозлаш билан бевосита боғлиқ бу қадриятнинг моҳияти шундан иборатки, унда кексаларимиз бойчечакни юз-кўзларига суртиб, кўк-ламга етиб келганликларига шукрона қилганлар, ёшларга иқбол, юртга хотиржамлик тилаганлар. Шу тариқа табиат билан инсоннинг тақдирдошлиги ғояси улуғланган. Асрлар синовидан ўтиб, асл қадрият даражасига кўтарилган ана шу маросим халқимизнинг мавсумий урф-одат, анъаналарининг дебочаси ҳисобланган. Йил бўйи ўтказилган бундай анъанавий удумлар, расм-русумларнинг санаб адоғига етиш қийин.

ЛОЙ ТУТИШ, ҚЎШ ОШИ, ЙИЛБОШИ САЙЛИ

Биргина баҳор фаслида ўтказилган удум ва маросимларнинг ўзида бир олам маъно акс этган: «лой тутиш» – баҳор фаслининг илк кунларида лойқа ўтириб қолган ариқ-зовурларни маҳалла-қишлоқ аҳли биргалашиб, кўпчилик бўлиб тозалаш, ариқ қазилш ва уларни янги мавсумга тайёрлаш мақсадида ўтказилган ноанъанавий ҳашар; «қозон тўлди» – рўзғорга қут-барака ёғилиши, маҳаллалар обод,



кўнгил хотиржам бўлишини тилаш мақсадида наврўз байрамидан бир кун аввал ўтказилган оилавий маросим; «шоҳ мойлар» – бободехқонларимизнинг мўл ҳосил олиш ниятида эрта баҳорда далага қўш чиқариб, барака уруғи қадаши удуми; «қўш оши» – эрта баҳорда далага биринчи марта қўш солинадиган куни момолар томонидан буғдой ёрмасидан махсус таом пишириш одатимас; «йилбоши сайли» – қуёшнинг ҳамал буржига ўтиши, янги меҳнат мавсумининг бошланиши, инсон руҳиятида ҳам, табиатда ҳам янгилашиш, тозарилш жараёни рўй бериши ва баҳорий тенгкунликни нишонлаш мақсадида ўтказилган қадимий байрам.

КАДИ СИНДИРДИ, НАВРЎЗ ГЎЖА, СУМАЛАК САЙЛИ

«Кади синдирди» – наврўз сайли куни маҳалла аҳли бир ерга жам бўлиб, янги йилда барча эзгу ниятлар амалга ошсин, рўзғоримиздан қут-ба-



рака аримасин деган ниятда оилада фойдаланиб келинган сув ва мойқовоқлардан бир нечтасини ерга уриб синдириш удуми; «наврўз гўжа» – ғалла экинларининг ҳосили баракали бўлсин учун йилбоши байрами куни етти хил донли экин масаллиғидан гўжа тайёрлаш анъанаси; «олма отиш» – наврўз байрами сайлида қиз-жувонлар ҳалинчак учишаётганда йигитлар ўзларига унаштириб қўйилган қайлиқларига

олма отиш одати; «сумалак сайли» – ҳар йили қишда йил баракали, серҳосил, тўкин-сочин келсин деган ниятда буғдой майсалатиб, ёзги таом тайёрлаш маросими; «сумалак байти» – сумалак сайлида чечан момоларнинг кўкламни васф этувчи халқ қўшиқларини айтиши анъанаси.

ҲАЛИНЧАК УЧИШ, ЛОЛА САЙЛИ...

«Ҳалинчак учиш» – кўкламда қиз-жувонларнинг боғлардаги мевали дарахтларга арқон ташлаб, арғимчоқ учиши удуми; «буқча ташлади» – кўклам кунлари деҳқонлар дала ҳовлисига кўчиб чиқмоқчи бўлганда ўзлари танлаган жойга пичоқ суқиб белги қилиши ва банд қилиш учун бирор буқчани ташлаб келиши одати; «абрук чиқариш» – бошқа чорвадорлар билан биргаликда белгиланган куни баҳорги яйловга кўчиб кетолмаган чўпон оиласи ўзининг бирорта рўзгор анжомини кўчувчилардан бериб юбориши қаъдаси; «гулбарра» – кўкламнинг сўнгги чечаги – «гулбарра»



очилганда ўтказилган халқ сайли; «лола сайли» – қир-адирлар, дала-тузлар қип-қизил лолаларга бурканган пайтда табиат қўйнига сайлга чиқиш удуми; «қизил гул сайли» – ҳар йили кузда қизил гуллар очилган пайтда анъанавий тарзда ўтказилган сайл; «дарвешона» – йил баракали келсин деган умидда эрта баҳорда аҳолидан ихтиёрий асосда тўпланган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказилган хайрия эҳсони; «Суст хотин» – йил қурғоқ келганда ўтказилган қадимий ёмғир чақирриш маросими ва ҳоказо. Хуллас, ижодкор халқимизнинг баҳор фасли билан боғлиқ бундай маросим ва удумлари ғоят кўп бўлиб, бундан бир-икки йил бурун мен уларни рўйхат қилганимда биргина наврўз байрами тантаналари доирасида анъанавий тарзда ўтказиб келинган 70 дан ортиқ турли хил удум, расм-русум ва маросимлар мавжуд бўлганлигини кўриб, халқимиз маънавий қадриятлари тизимининг қанчалар серқирра ва мукамаллигидан қалбимда ўзгача бир хижолатни туйган эдим. Шулардан баъзи бирларинигина мисол қилиб келтирдим, холос. Аслида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос баҳорий анъаналар шаклланганки, бу хилма-хиллик аждодларимиз заковатининг нечоғлик теранлигини кўрсатади. Биргина баҳорги ҳашар анъанасининг «лой тутиш», «боқи», «чим қўйди», «хайров оши», чўпонларнинг сурувни эрта баҳорда яйловга чиқариши билан алоқадор «абрук чиқариш», «таёқ қизартирар», «супра қоқди», «қўтон бузиш» сингари удумлар мавжуд бўлган.

Ҳар бир миллат ўзининг тили, урф-одати, анъанаси, маданияти, тарихи билан миллат ҳисобланади. Биз қандай етук, баркамол инсон бўламизки, ўзимизнинг миллий урф-одатимизни билмасак, унга риоя қилмасак, ундан ҳаётимизда фойдаланмасак! Ўзининг миллий урф-одатини билмаган кишини баркамол одам деб бўлмайди.

Урф-одатда Инсоннинг чин инсон бўлиб яшамоғи учун барча соҳалар кенг қамраб олинганки, унда турмуш тарзи, яшаш одоби, муомала маданияти, тирик жонга муносабат, ота-онага ҳурмат ва ҳоказолар ўз аксини топган. Урф-одатлар то яқингача ўз даврининг қонуни вазифасини бажарган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз ҳукмронлиги даврида урф-одатларга риоя қилишни қаттиқ талаб қилган, уни бузган, бўйсунмаган кишиларни беаёв жазолаган. Урф-одатни бошқариб турувчи махсус қозиси бўлган. Уни Ахдас қозиси дейилиб, у урф-одатларни назорат қилиб, бировни ҳақли хафа қилган, тошу тарозидан урган, шароб ичган, зино ишлар қилганларни қаттиқ жазолаган. Бобомиз ўз ўғитларида шундай ёзади: «Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса девондаги шарият қозиси ёки Ахдас қозисига олиб бориб топширсинлар».



Халқимизнинг умри боқий анъаналарини ўзида мужассам этган миллий урф-одатларимиздан саломлашиш, никоҳ, тўй қилиш, оила тутиш, фарзандни тарбиялаш, ота-онани ҳурмат қилиш, саломатликни сақлаш, илм олиш, кийим кийиш, нонни эъзозлаш, касбу корлик, меҳмон кутиш, савдо-сотик қилиш, миллий байрамларни ўтказиш, табиатни муҳофаза қилиш, мотам маросимларини ўтказиш кабиларнинг ҳар бири буюк бир мактабдир. Уларни ота-боболаримиз асрлар давомида ўз ҳаётларида си-намай, турмушларида қўлламай, синовдан ўтказиб бизларга мерос қилиб қолдирганлар. Демакким, уларнинг меросхўри сифатида бизлар ҳам улар томондан кашф этилган миллий, маърифий, маданий, диний урф-одат-ларни авайлаб асраб, келажак авлодга мукаммал равишда инъом қил-моқлигимиз лозим.

(«Ёшлик» журналидан)



1. Матн устида ишланг. Ҳар бир абзацдаги хатоларини топиб, тузатинг, таҳрир қилинг.

2. Мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услубдан фойдаланган ҳолда монолог тузинг.
3. Ҳар бир гуруҳ ФСМУ услубида иш олиб борсин. Қисқача фикрингизни ёзма баёнини тайёрланг ва спикер шу баёнот асосида гуруҳларга тақдим этсин.
4. Ҳар бир гуруҳ «Миллий анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраямизми?» мавзусида тақдимот тайёрланг.



Нутқ баён қилишнинг турли типлари мавжуд. Масалан: ҳикоя – нутқ баён қилишдаги ҳикоялаш типининг бир нечта кўринишларидан бири.

Ҳикоя – ҳикоялаш типига мансуб кичик бадиий асар. Ҳикояда, одатда, бир қаҳрамоннинг ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳақида баён қилинади. Ҳикоя воқеаларга (ҳодиса, кўриниш) асосланиб қурилади. Шунинг учун ҳам у маълум воқеанинг ривожланишига боғлиқ бўлган; тугун, кульминация, ечим каби бўлимлардан ташкил топади.

Тугун – воқеанинг ривожланиши учун сабаб бўлган бошланиш қисми.

Кульминация – воқеа ривожининг энг юқори нуқтага етган қисми.

Ечим – воқеа ривожининг натижаси, унинг сўнгги қисми.

Ҳикояда кириш ва хотима қисмлари ҳам бўлиши мумкин. Кириш қисмида муаллиф, одатда, ҳикоя қилаётган воқеани ким билан, қаерда, қачон содир бўлганлиги тўғрисида баён қилади, хотима қисмида эса кўпинча баён қилинган воқеага муаллифнинг муносабати билдирилади, воқеа нимага ўргатганлиги, қандай таъсир этганлиги ҳақидаги фикрлари келтирилади.

Ҳикоя, одатда, кириш қисми билан бошланади. Чунки ўқувчини ҳикояни қабул қилиш учун тайёрлаш керак бўлади. Ўқувчига олдиндан ҳикояда қандай деталлар борлиги тўғрисида тушунча берилмаса, уни борлигича тушуниш қийин бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Кириш қисмида эса муаллиф воқеа қаҳрамони бошидан кечирган ҳодисани қандай, қаерда ва нима учун содир бўлгани, буни муаллиф қаердан билгани ҳақида тушунча беради.

Ниҳоят, кириш қисми ўқувчида ҳикояга қизиқиш уйғотади.



ОИЛАВИЙ ТАНТАНА ВА МАЪРАКАЛАР

Тасвирлаш типи. Муҳокама типи

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан унга танқидий баҳолаймиз;
- ❖ турли манбалардан ахборотни ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда ҳамда асосланган ҳулосалар чиқариб, ажратиб оламиз;
- ❖ турли хил эсселар, шу билан бирга аргументли /далилли ва баҳсли мазмунда эсселар ёзамиз, илмий, публицистик адабиётда кўтарилган муаммони муҳокама қиламиз ва таҳлил этамиз, мазкур муаммони ҳал этишда шахсий тавсиялар тақдим этамиз ва асослаймиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



95-машқ. Матрни гуруҳларда синчиклаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Муҳокама қилинг.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР



Маҳаллий халқнинг маданий турмушида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ва табиий ҳодисалар ўзига хос урф ҳамда турли маросим шаклида нишонланиб келинаётганлиги мутахассислар томонидан қайд этилган. Шу ўринда, энг аввало, маросим атамаси ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур атама аслида араб тилидаги «марсум» сўзидан истеъмолга кириб келган бўлиб, «чизилган», «расм қилинган», «одат бўлган» деган маъноларни англатади. Одатда «маросим» сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини ҳам билдиради.

Инсон умри давомида унга ҳамроҳлик қилиб келувчи оилавий маросимларни шартли равишда етти турга («оёқ боғлаш»(бола илк қадам қўйганда), «бешик тўйи», «суннат тўйи», «мучал тўйи», «қиз кўриш маросими», «никоҳ тўйи маросимлари», «мотам маросимлари») ажратган. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос қўшиқлари мавжуд. Мисол учун, бешик тўйи маросимида «Бешик тўйинг қутлуғ бўлсин», суннат тўйи маросимида «Муборақ тўй», «Жангала тўй муборақ», мучал тўйи маросимида «Мучал ёшинг муборақ», қиз кўриш маросимида «Оҳува», никоҳ тўйи маросимларида «Ўлан», «Ёр – ёр», «Келин салом», мотам маросимида «Йўқлов», «Садр» ва ҳоказо. Оилавий маросимларнинг юқори савияда ўтишида, албатта, уларда анъанавий ўрин тутган куй ва қўшиқларнинг аҳамияти бениҳоя катталиги ўз-ўзидан равшан. Хоҳ у тўй маросим, хоҳ мотам маросими бўлсин-унда маълум кўринишлардаги оҳанг (айтим) ифода этилиши анъана тусига кирган. Мазкур қўшиқларнинг ҳам мусиқий, ҳам шеърий мазмунида таълим ва тарбия масалалари ётади.

(«Ёшлик» журналидан)



1. Матн услубини аниқланг.
2. Матннинг мавзуси, асосий ғояси, мақсади нимадан иборат?
3. Ўзингизнинг кўзқарашингиз билан муаллиф кўзқарашини қиёсланг.
4. Оилавий маросимларнинг инсон ҳаётидаги ўрни.Таҳлилни «SWOT» усулда бажаринг.
5. «Суннат тўй», «Мучал тўй» ларни тасвирлаш типида тенгдошларингизга баён этинг.



99-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқиб эшиттиринг.

БЕШИК ТЎЙИ МАРОСИМИ

Азал-азалдан қуда-анда ришталари фарзанд кўриш билан мустаҳкамланган. Янги меҳмон туғилиши билан янги бахт, янги орзу-умидлар қурилиб, эл-улус, қавм-қариндошлар ҳамжиҳатлигида кенг байрамона кайфиятда тантана қилиниб, тўй маросими тарзида ўтказилган. Бу тантана, одатда,



хонадон соҳибларининг ўзаро келишувларига мувофиқ чақалоқнинг кичик ёки катта чилласи чиққач, ўтказилади. Маросим ўзининг хусусиятига кўра, «Бешик тўйи» маросими деб аталиб, ўзига хос удумлар асосида ўтказилади. Чақалоқни бешикка солиш жараёнида кайвони аёллар маҳаллий халқнинг урф-одатига айланиб қолган турли ирим-сиримлар билан бир қаторда «Бе-

шик тўйинг муборак» номли қўшиғини куйлаб, ўйин-кулги қилишади.

Кўриниб турибдики, таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маросимлар ҳамда унда ижро этиладиган айтимлар аҳолининг ҳар бир ўтаётган кунни қадрлаш, ардоқлаш, ўтаётган умрни мазмунан бойитиш, урфга айланган қадриятларга садоқатлигини исботлаган ҳолда келажак авлодга қолдиради.

Маросимларнинг энг зарур вазифалари қаторида авлодларни миллий қадрият, анъана ва кўркем одатлар асосида тарбиялашни қайд этиш жоиз. Бу ҳол ўз навбатида, мазкур вазият қўшиқларини ижро шаклига кўра қатор тур ва туркумларга ажратишни тақозо этади.

(«Ёшлик» журналидан)



1. Матнда қандай масала кўтарилган? Асосий фикр нимада?
2. «Т-жадвали» усули асосида матнда кўтарилаётган масалани жадвал ёрдамида ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|-----------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |

3. ФСМУ усулида баёнот тайёрлаб, тенгдошларингизга спикер орқали ҳавола қилинг.
4. Муҳокама типи орқали ўз кўзқарашларингизни баён этинг.



«Оилавий маросимлар» мавзусида эссе ёзинг.



Тасвирлаш – бу нутқ типи. Тасвирлашнинг асоси – нарса-буюм ва ҳодисаларнинг бир пайтдаги ёки доимий белгилари ҳақида маълумот бериш. Масалан:

Баҳор – фасллар келинчаги, табиатнинг энг сулуви, энг эрка қизи. У бутун еру осмонни тўлдириб, барча тирик жонни уйғотиб, ҳамма-ҳаммани яшна-тиб, яшартириб келади. Унинг ҳар қадами қутлуғ, ҳар одими барокатли...

Тасвирлаш типидagi бадий асарда ёки бадий асардаги тасвирлаш ўринларида нарса-буюмларнинг номлари, сифати, характери, тасвирланаётган жойга муносабати кабилар эътиборга олинади. Нарса-буюм номини тилга олиш унинг жойлашган ўрнини тасвирлаш билан биргаликда олиб борилиши ҳам мумкин. Шунингдек, нарса-буюм номи фақат аталибгина қолмай, балки тасвирланади ҳам.

Жойни тасвирлашда одатда қуйидагиларга эътибор берилади:

1. Олиб борилаётган кузатиш ҳақида қаерда гапирилаётган қисм.
2. Маълум сабабларга кўра номи тилга олинadиган ёки тасвирланиб, мазкур нарсанинг характерини очишга ёрдам берадиган қисм.

Жойни тасвирлашда феъллар одатда замонига кўра бир хил шаклда (кўпинча ҳозирги ёки ўтган замон) қўлланилади.

Нутқнинг **муҳокама** типи уч бўлимдан иборат. Булар:

1. Тезис (исботланаётган ёки тушунтирилаётган нарса ҳақида).
2. Далил (ёки асослар, тушунтиришлар, сабаблар).
3. Хулоса.

Айрим муҳокама типидagi матнларда тезис ёки хулоса бўлмаслиги мумкин.

Муҳокама типидagi матннинг қисмлари махсус сўзларсиз боғланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда матн қисмлари мазмунан ва оҳанг ёрдамида боғланади.



ФАРОВОН ОИЛА – ЖАМИЯТ РАВНАҚИ

Нутқ турлари ҳақида умумий маълумот

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда иштирок этамиз, муаммоларни ҳал қиламиз ва шартномага эришамиз;
- ❖ китобхон ўз олдига қўядиган коммуникатив масалаларга боғлиқ ўқишнинг турли кўринишларидан фойдаланамиз;
- ❖ мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, мулоқот вазиятлари ва китобхонга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда матнда бор камчилик, нуқсонларни тузатамиз ва таҳрир қиламиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



100-машқ.

Матнолди топшириқлар.

1. Бахтиёр ва соғлом оила ҳақидаги кўзқарашларингизни далиллар билан исботлаб, тенгдошларингизга ҳавола қилинг.
2. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўз фикрингиз билан қиёсланг.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОИЛА

Ҳар қандай миллатнинг маънавиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг дунёқараши, энг соф ва покиза туйғулари оилада, ота-она, бобо-буви, ака-ука опа-сингил таъсирида шаклланади, ўзгаради, ривожланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.





Оила деганимиз кўз олдимизга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Оила – ватан ичра кичик ватандир.

Ғарб мамлакатларида бўлаётган нохушликларга сабаб, шу мамлакатнинг маънавий таназзулга учрагани, миллий қадриятларга эътиборсизликлари, энг ачинарлиси, оилага муносабатнинг издан чиққанидир.

Энг аввало, оилада соғлом маънавий муҳит, оила аъзоларида ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак

ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз оннга соғлом турмуш тарзини сингдириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши лозим.



1. Миллий қадриятлар пойдевори нима учун оила муҳитида шаклланади?
2. Соғлом маънавий муҳитни сақлаб қолиш учун нималар зарур деб ўйлайсиз?



3. Ушбу матнда қандай долзарб муаммо кўтарилган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.
4. Муаллиф кўзқарашларини қўллайсизми? Нега? Нима учун?
5. Ягона давра усулида матнда илгари сурилган ғояларни умумлаштинг.



101-машқ. Матни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

ОТА-ОНА ШАЪНИН УЛУҒЛАМОҚ – БУРЧ



Ота-она шаънин улуғлаш, фарзанд зотининг шарафли бурчи. Агар фарзандлар имонли, эътиқодли, комил инсонлар бўлишса, ота-онасининг шаънига эл олқишини ёғдиради. Борди-ю, ноқобил, норасо бўлса, уларнинг номига доғ туширади, лаънат ёғдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир фарзанд ўзининггина эмас, ота-онасининг шаъни учун ҳам ақли расо, оқил ва тақводор бўлмоғи шарт.

Ахир, ота-оналар фарзандига қараб: «Юзимизни ерга қаратма», – деб дашном беришлари бежиз эмас. Агар эътибор берган бўлсангиз, одамлар боадаб болаларга қараб: «Кимнинг фарзанди бўлсанг ҳам, ота-онангга раҳмат», – дейди.

Аксинча, ношуд қилиқлар қилаётган беор болаларга нисбатан: «Сени дунёга келтирган ота-онангга лаънат», – дейди. Халқимизда: «Ота-онангга муносиб бўл», – деб бериладиган ўғит ҳам тез-тез учрайди.

Ҳақиқий фарзанд бирор бир сабаб билан ота-онасининг шаънига доғ тушириб қўйган бўлса, уни ювишга ҳаракат қилади. Уларни эларо обрў-эътиборларини кўтариш учун бор имкониятларини ишга солади. Борди-ю, бирор-бир нуқсонлари бўлса ҳам, уни эларо ноғора қилиб қоқмай пинҳон тутайди.



1. Матн услуби ва типини аниқланг.
2. Матн юзасидан бир-бирингизга 3та очик ва 3та ёпиқ саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.
3. Берилган материалдаги ахборотни ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён этинг.



Саволларга жавоб ёзинг.

1. Ҳикоялаш типидagi асар воқеанинг ривожланишига кўра қандай қисмлардан тузилади?
2. Тасвирлаш типининг асоси нимадан иборат?
3. Нутқ баён қилишнинг муҳокама типи қандай бўлимлардан иборат?



Одамлар ҳаётда турли соҳа кишилари билан мулоқотда бўлади. Ким биландир суҳбатлашади, ким биландир савол-жавоб қилади, ким биландир телефонда суҳбатлашади, бировга хат ёзиб, жавоб хати олади ёки ўзининг турли фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширади. Мана шу жараёнларни амалга оширишда кишилар нутқдан фойдаланади. Нутқ тузилиши жаҳатидан икки хил: **диалогик** нутқ ва **монологик** нутқлардан иборат бўлади. Нутқнинг бу турлари, ўз навбатида, қўлланишига кўра оғзаки ва ёзма турларга (услугларга) бўлинади. Масалан, сиз мактабдан ташқари пайтларда, айтайлик, бирор ўртоғингиз билан суҳбатлашаётганда, албатта, диалогик нутқнинг оғзаки услубидан фойдаланасиз ёки ўртоғингиз сизга қандайдир бир воқеани ҳикоя қилиб бераётган бўлса, у монологик нутқнинг оғзаки услубидан фойдаланади.

Бадиий асарларда берилган икки ёки ундан кўп персонажларнинг ўзаро суҳбатлари диалогик нутқнинг ёзма услубига мисол бўлади.

Монологик нутқнинг ёзма услубига бир киши томонидан айtilган нутқнинг бирор манбага ёзилган кўриниши мисол бўла олади.



ОДОБ-АХЛОҚ АСОСЛАРИ

Диалогик нутқ

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан унга танқидий баҳо берамиз;
- ❖ турли манбалардан ахборотни ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда ҳамда асосланган ҳулосалар чиқариб, ажратиб оламиз;
- ❖ эсселар ёзамиз, илмий, публицистик адабиётда кўтарилган муаммони муҳокама қиламиз ва таҳлил этамиз, мазкур муаммони ҳал этишда шахсий тавсиялар тақдим этамиз ва асослаймиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



102-машқ. Матн билан танишиб чиқинг. Мулоҳаза юритинг ва топшириқларни бажаринг.

Халқимизнинг минг йиллик тарихи, маданияти, адабиёти, санъати мавжуд бўлиб, у инсонларни эзгуликка, меҳр-оқибатга, раҳм-шафқатга, иймон-эътиқодга ўргатиб келган, бу эса яхши урф-одатларимиз, расм-русумларимиз ва қадриятларимизга асосланган.

Зотан, ҳар бир урф-одат ва анъаналар негизида миллий руҳ, маданият, миллий маънавият ва кадр-қиммат каби улуғ инсоний фазилатлар ётади.

Маънавият – кишининг ички, руҳий, ахлоқий қиёфаси, тушунчаси бўлиб, маълум бир ахлоқ меъёрлари, маромлари асосида яшаш тарзи, умуман ҳаётидир.

Қадр – кишининг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори, ҳурмати, нуфузи.

Мазкур фазилатларга эга бўлган шахсларга одобли, инсофли ёки хулқ-атвори яхши деб халқимиз баҳо берган. Шарқнинг Жамолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби улуғ алломалари ўзларининг ҳар бир дурдона асарларида инсон хулқи, одоби ва ахлоқи ҳақида гўзал панду насиҳат намуналарини келтирганларки, улар бугунги кунда ҳам ўз жозибаси ва тарбиявий аҳамиятини

сақлаб қолган. Нафақат мутафаккир алломаларимиз балки, таълим-тарбияга ўлмас ғоялари билан асос солган машҳур педагогларимиз ҳам одоб-ахлоқ, тарбиянинг асоси эканлигини далиллаб берганлар.

Бир сўз билан айтганда, инсон боласи ақлу-фаросат, хулқ-атвор, одоб-ахлоқсиз жамиятда ўз ўрнини топиши гумон.

(Тарбия китобидан)



1. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.
2. Матн мазмунини «Кластер» усулида ифодаланг.
3. Берилган маълумот асосида жуфтингиз билан диалог тузинг.
4. «Одоб – энг катта бойлик» мавзусида кичик ҳажмли эссе ёзинг.



103-машқ. Матни синчиклаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Муҳокама қилинг.

Тарбия кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб ривожланиб ва тақомиллашиб борди десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, бола туғилиши билан ота-она ва бошқа оила аъзоларидан ўтириб туриш, овқатланиш ва атроф-муҳит билан эҳтиёткорона муомала муносабатда бўлишни ўрганади.

Одамзот ана шундай ҳилқат! У доимий равишда изланиш ва ўрганишда бўлади. Аждодларимиз инсоннинг ушбу хислат ва фазилатини ҳисобга олиб, болани бошидан одоб-андиша ва ахлоқий меъёрларга ўргатишни бош вазифа деб билган. Шу тариқа инсонийлик мезони ахлоқ қонуниятининг асоси бўлди.

Унинг минглаб хислат-фазилатлари ичра Одам Ато ва Момо Ҳаводан то ҳозиргача яхшилигу ёмонликнинг, эзгулигу қабоҳатнинг ҳамма иллату зийнатлари яшаб келади. Инсон гўзал хислатлар, яхши фазилатлар, нурдек покиза умид-ниятлар билан комилликка-камолотга интилиб боради.

Ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини, роҳату азобини, меҳнату машаққатини топиб, булардан намуна-ю ибрат олиб, яшаш ва яратиш иқтидорига эришади, инсон миллион йиллаб бошидан кечирган барча тажриба-сабоқларидан хулоса чиқариб, мунаввар йўлга чиққан. Ана шунинг учун

ҳам инсон энг олий ҳилқат, шунинг учун ҳам одам жуда азиз!

Демак, инсон, аввало, одоб-ахлоқ эгаси бўлиши керак. Одоб эса ўз навба-тида ақл билан эгизак. Ақлли одам ҳеч вақт одобсиз бўлмайди. Ақл эса кишига тўғри яшаш ва идрок этиш йўлларини кўрсатувчи омилдир.

(Тарбия китобидан)



1. Матнда кўрсатилган ахборотларни бирлаштирувчи ғоя нимада?
2. Берилган матннинг долзарблиги нимада? Тадқиқот юритинг. Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Мавзу юзасидан гуруҳлараро «Дебат» уюштиринг.
4. «Ақл – кўнгил чироғи» мавзусида ихчам, кичик ҳажмли эссе ёзинг.



Ўрганилган маълумотлар асосида тақдимот тайёрлаб келинг.



Диалог – нутқ тузишда энг кўп ишлатиладиган тур. Диалог сўзи грекча «**диалогос**» сўзидан олинган бўлиб, **суҳбат** деган маънони билдиради.

Диалогик нутқ кўпроқ оғзаки услубда кенг қўлланилади. Чунки кишилар ўзаро мулоқотда бўлганда кўпинча савол-жавоб тариқасида суҳбатлашади. Ёзма услубда эса, асосан, бадий асарларда фойдаланилади.

Икки ёки ундан ортиқ кишининг суҳбати диалог деб аталади.

Масалан:

- Сен қайси тўғаракка қатнашасан?
- «Ёш филолог» тўғарагига аъзоман.



ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ – ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Монологик нутқ

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ иш юзасидан бўлган музокараларда иштирок этамиз, муаммоларни ҳал қиламиз ва шартномага эришамиз;
- ❖ китобхон ўз олдига қўядиган коммуникатив масалаларга боғлиқ ўқишнинг турли кўринишларидан фойдаланамиз;
- ❖ мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, мулоқот вазиятлари ва китобхонга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда матнда бор камчилик, нуқсонларни тузатамиз ва таҳрир қиламиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



104-машқ. Матни ўқиб чиқинг ва гуруҳларда муҳокама қилинг.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН АЗИЗДИР



Ҳаётда барча ким бўлишидан қатъий назар, у одамлар билан муомалада, муносабатда бўлади. Улар ўзаро алоқа қилмай яшай олмайдилар. Одоб, хулқ-атвор, юриш-туриш, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиш маданиятининг хатти-ҳаракатида, ўзаро муносабатида намоён бўлади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турму-

ши ва бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига оид қоидалардир. Хусусан, у шарм-у ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалиқ сингари фазилатларни ўз ичига олади.

Саломлашиш ҳар бир инсоннинг қандайлигини англатувчи белгилардан биридир. Маданият ва тарбия кўрган киши учун устозлари, ота-оналари, тенгқурлари ёки таниш-билишларини учратганда саломлашиш, албатта,

зарур. Демак, салом-алик ҳар куни, ҳар соатда, турмушнинг барча соҳаларида инсонлар ўртасида учраб турадиган инсонийлик муносабатларининг бошланишидир. Шундай экан, ёшларнинг одоби, аввало, унинг катталарга бўлган муносабатида, тенгдош ўртоқларига қилган муомаласида намоён бўлади. «Ассалому алайкум», «Лаббай», «Хўп бўлади», «Жоним билан» каби сўзлар ҳар доим тилимиздан аримаслигига эришишимиз лозим. Зеро, салом бериш-қарз, алик олиш-фарздир!

(Интернет манбаларидан)



1. Юксак инсоний фазилатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
2. «Кластер» усулида комилликни ифодаланг.
3. Гуруҳларда матннинг асосий ғоясини ФСМУ ифодаланг.
4. «Меҳр берсанг, меҳр кўрасан» мавзусида матн ёзинг.



105-машқ. Матни ўқинг. фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг. Матндаги камчиликларни топиб, тuzатинг.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ЎҒЛИГА НАСИҲАТЛАРИ

Луқмони ҳақим ўз фарзандига насиҳат қилиб шундай деди: «Эй ўғлим, уч нарсани ҳеч қачон эҳтиёт қил. Аввал нариги дунё учун динингни эҳтиёт қил. Иккинчиси, саломатлик учун ҳикматни (табобатни) эҳтиёт қил. Учинчиси, таъмагир бўлмаслик учун пулни эҳтиёт қил.

Эй ўғлим, нодонлар билан дўст тутинма, хасисдан бирон нарса сўрама. Илм ўрган, кимда илм бўлмаса, ҳурмат-иззатга етишмайди. Кимда мулоимлик бўлмаса, у илмдан баҳра ололмайди. Кимда саховат бўлмаса, ҳеч ким унга дўст бўлмайди. Кимнинг дўсти бўлмаса, мол-давлати бўлади. Эй ўғлим, сабрни ва ўз нафсинг билан курашишни ўзгага шиор қил, ҳаром нарсалардан тийилиб, топганингга қаноат қил. Бировнинг ризқ-рўзига кўз олайтирма, шунда ўзингни қийнашдан қутуласан! Таомдан оч, ҳикматдан тўқ бўл. Одамларнинг фаҳмига яраша сўзла. Иложи борича сукутни ихтиёр қил, шунда одамларнинг яхшилигидан омон бўласан. Аҳмоқларга қарши

сукутдан кўмак қидир. Одамлар сенда йўқ хислатни бор, деб сени мақта-салар, бунга керилмаки, одамлар гап-сўзи билан қуруқ бош косаси дур-га айланмайди. Ўзингдан кучлилар билан низолашма, ўзингдан заифлар-ни ерга урма. Бадгумонликка қалбингдан жой бермаки, у бирон-бир дўст билан самимий яшашингга йўл бермайди. Эй ўғлим, сўзламоқчи бўлсанг, фақат ҳикмат ва насиҳатлардан сўзла, айтганларингга аввал ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша сўзла, одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларингни эса бошингга кулфат ва мусибат тушганда сина, доим мақбул ишларни амалга оширишга урин, агар гапирмоқчи бўлсанг, далил ва ҳуж-жат билан гапир. Ёшликни ғанимат бил, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл. Дўстларингни ҳурмат қил, одамларга тунд юзлилик билан боқ».

(Тарбия китобидан)



1. Матнда келтирилган қуйидаги жумлани ўз сўзингиз билан изоҳланг. *Эй ўғлим, нодонлар билан дўст тутинма, хасисдан бирон нарса сўрама.*
2. Матн асосида очиқ саволлар тузинг. «Баҳс-мунозара» усулида иш олиб боринг.
3. Матнда илгари сурилган асосий ғояни «SWOT» усулида ёритинг.
4. «Дўсти борга толе ёр» мавзусида монолог ёзинг.



Ўрганилган маълумотларни концептуал жадвал ёрдамида изоҳланг.



Монолог грекча «**монос**» – бир ва «**логос**» – сўз, нутқ сўзларидан ташкил топ-ган бўлиб, якка шахснинг нутқи деган маънони билдиради.

Бадий асарда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратил-ган нутқи **монолог** деб аталади. Монолог диалогдан нутққа бошқа шахсларнинг аралашмаслиги билан фарқ қилади. Айрим драматик асарларда эса, персонаж монологи томошабинга қаратилган бўлади. Илмий асарлар, асосан, монологик нутқда ёзилади. Монолог прозаик асарларда ҳам бўлади. Аммо у лирикада асо-сий нутқ шаклларида бири ҳисобланади.



МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Нутқ ўстириш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан унга танқидий баҳо берамиз;
- ❖ турли манбалардан ахборотни ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда ҳамда асосланган хулосалар чиқариб, ажратиб оламиз;
- ❖ турли хил эсселар ёзамиз, илмий, публицистик адабиётда кўтарилган муаммони муҳокама қиламиз ва таҳлил этамиз, мазкур муаммони ҳал этишда шахсий тавсиялар тақдим этамиз ва асослаймиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



106-машқ. Матни диққат билан ўқиб ўрганинг.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жадал ривожланиши инсоният глобал муаммоларини ҳал этишнинг нафақат оптимал йўллари ни излаш, балки моддий ва маънавий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказиш каби масалаларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этмоқда.



Инсоният тарихидан бизга маълумки, ҳар бир жамият, миллат, халқ ўз келажаги, келгуси авлодларини юксак маънавиятли, илмли ва энг асосийси, бахтли бўлишлари учун курашади. Шунинг учун моддий ва маънавий қадриятларни ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб масаладир.

Халқимиз миллат сифатида бошидан ўтказган оғир синов-

лардан сабр-бардош, чидамлилик, келажакка ишонч руҳида ўтиб, миллий, моддий ва маънавий қадриятларини сақлаб қолганлиги ва бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш мақсадида миллий қадриятларимизни ривожлантиришда катта эътиборга сазавордир. Айнан шу қадриятларимизда жамият моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Шу аснода, инсон ўзининг ҳар бир ҳаракати, фаолиятини маълум меъёрлар ёрдамида назорат қилиб туради. Улар инсоннинг фаолиятини жамият тараққиёти учун зарур бўлган тақдирдагина қадриятга айланади. Шу нуқтаи назардан қараганда тинчлик, фаровонлик, тенглик, адолат, инсонпарварлик, олижаноблик сингари инсоний фазилатлар ва ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади.

Умуман, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади.

(Интернет манбаларидан)



1. Нима учун моддий ва маънавий қадриятларни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган?
2. Қадрият тушунчасини «Кластер» усулида шарҳланг.
3. Матннинг асосий фикрини сақлаган ҳолда, ўз фикрингизни ўзгача ёзма равишда ифодаланг ҳамда шахсий тавсияларингизни тақдим этинг ва асосланг.



107-машқ. Матни овоз чиқариб, ифодали ўқинг. Диққат билан тингланг. Мазмуни устида «Жигсо» усули ёрдамида ишланг.

ТАНДИР

Шарофат кампир туни билан безовталаниб ухлолмай чиқди. Саҳарда ҳовлига чиқиб, юз-қўлларини ювди-да, уйга қайтиб кириб, кўрпа-тўшакларини айвонга олиб чиқди. Қайтадан ўзига ўрин солиб, кўрпага ўраниб



ётди. Апрельнинг мусаффо ҳавоси элтими ёки қўшни ҳовлидаги гилос шохда чуғурлашаётган майналарнинг овози аллаладими, хуллас, кампир дарҳол пинакка кетди.

Кампирнинг ўғли Қоражон, келини Машҳура, неваралари бугун бемалол уйғонишди. Якшанба бўлгани учун ҳеч ким ҳеч қаёққа шошилмас эди. Қоражон устма-уст эснаганича ҳовли юзида ётган чўп ва қоғоз парчаларини териб, тандирга тикди. Сўнгра ертўлага тушиб, тешани олиб чиқди-да, гулларнинг тагини юмшатишга тушди. Машҳура эса сочини турмаклар, ҳовлини супурди. Кейин уйга кириб, газ плитасига чой қўйди. Хонтахани айвонга чиқариб, кампирнинг рўпарасига қўйди. Дастурхон тузади-да, чой дамлади. Унгача Қоражон ҳам гулларнинг тагини юмшатиб, туфлисини мойлаб бўлди. Шоира билан Нодира ҳам водопровод олдида ювиниб-артиниб, хонтахта атрофига келиб ўтирдилар.

– Ойижон, туринг, чой ичинг, – деди Машҳура. Кампир келинининг овозини эшитмади, шекилли, индамади. Машҳура қайнонасига бироз яқинлашиб қулоқ солди. Кампир беозоргина ухлаб ётарди. Машҳура Қоражонга: «Онангизни уйғотинг», деб имлади.

– Энажон, туринг, – деди Қоражон. Кампир ўғлининг овозини эшитиб, сесканиб уйғониб кетди.

– Туринг, эна, мана невараларингиз сиз билан бирга чой ичишмоқчи, сизни кутиб туришибди, – деди.

– Нега кутишади? – сўради кампир уйқусираб.

– Бирга чой ичайлик, дейишяпти, эна.

Кампир астагина ўрнидан туриб ўтирди-да, кўзларини уқалади, эснади. Ҳаво салқин бўлмаса ҳам, нимчасини кийиб олди. Базўр ўрнидан туриб, айвондан пастга тушди-да, бет-қўлини ювиб келди.

– Оёқларим, қўлларимнинг суяги сирқираб оғрийди, – деди кампир келини узатган чойни ҳўплай туриб. – Бу йил мазам йўқ.

– Ҳеч гап эмас, эна, тузалиб кетасиз, – деди Қоражон ойисининг кўнглини кўтармоқчи бўлиб. – Ҳали ёз келсин, Чортоққа обориб қўяман, отдай бўлиб кетасиз.

Кампир индамади.

– Мен ҳам Чортоққа бориб, даволанишим керак, – деди Машҳура.

– Сизни ҳам оборамиз, сиз ҳам борасиз, – деди Қоражон.

– Хотинингни юборавер Чортоққа, болам, даволаниб келсин. Мен Чортоққа борганимда ёшариб келармидим.

Эр-хотин ер остидан бир-бирларига қараб қўйишди. Кампир қулоғи оғирлик қилиб, келинининг гапини эшитмади ёки эшитиб олиб, киноя билан айтдим, буни билишолмади.

– Бизлар кўрадиганни кўрдик. Энди сизлар кўринглар, худо сизларни соғ-саломат қилсин, – деди кампир.

Эр-хотин жим қолишди. Бу пайт кампирнинг неваралари бир-бирларига топишмоқ айта бошлашди. Нодира шундай деди: – Шум кампир, шумалоқ кампир, елкаси йўқ, юмалоқ кампир. Қани, Шоира, топ-чи? Шоира бўлса бошини қашлаб ўйланиб қолди.

– Шуни ҳам билмайсанми, тандир-ку, – деди Нодира кулиб, – яна 3-синфда ўқирмиш.

– Зумрашалар! – кампир иккаласига ҳўмрайиб қаради. – Кексаларни майна қилишга устасан-а баринг. Сенлар ҳам кампир бўларсан бир куни.

Қизларнинг топишмоғи тандир хусусидаги ўйни Машҳуранинг эсига туширди.

– Ҳа, айтмоқчи, тандирни нима қиламиз? Шу жойда тураверадими?

Қоражон хотинининг саволидан ҳайрон бўлди.

– А, нима қилардик, жойидан қўзғатиш керак эканми уни?

– Бузиб ташлай қолинг шуни. Газ келгандан бери бир-икки марта нон ёпдик, холос. Фақат қўни-қўшниларга ҳар замонда хизмат қилиб турибди. Энди тандирга ҳожат қолмади-ку ўзиям.

Қоражон ўйланиб қолди. Ҳалигина тандирга қоғоз тикаётганда, бу тандирга анчадан бери нон ёпилмаганини у ҳам эслаган эди. Эрининг ўйланиб қолганини кўрган Машҳура ўз фикрини маъқуллашиб олмоқчи бўлди.



– Ҳовлининг ҳуснини бузиб туришини қаранг, ҳозирги замонавий ҳовлига тандир ярашмас экан. Тунов куни ишхонангиздан меҳмонлар келишганда жуда ғалати бўлдим-да. Сиз-ку бунақа нарсаларга унча ҳам парво қилмайсиз-а...

– Шунчалик бўладиган бўлса, бугуноқ бузиб ташлаймиз, – деди Қоражон.

– Бугунми, эртами, барибир бузиш керак. Хунуклигини қаранг.

Кампир бузиш сўзини чала-чулпа эшитиб қолиб, ўғли билан келинидан сўради:

– Нимани бузмоқчисизлар, болам?

– Тандирни, эна, – деди Қоражон, кампир эшитсин учун овозини хиёл баландлатиб.

– Туппа-тузук тандирни нега бузасизлар? Сизлардан нон-ош тилаяптими у?

– Бузиш керак-да, эна, – деди ўғли. У «келинингизнинг фикри шунақа бўляпти», дегиси келмади. Хотинининг гапини ўзининг фикрига айлантириб, сўзни давом эттирди. – Ўзи аслида шу жойга ноўрин қурилган экан-да, эна. Ҳовлининг кўринишини бузаяпти бу.

Қоражоннинг гапи кампирга унчалик ёқмади.

– Шунча йилдан бери ярашиб турган тандир энди бузаяптими ҳовлининг? – деди. Қоражон бироз ўйланиб турди-да, тандирни бузиш учун баҳона ўйлаб топди.

– Эна, яқинда уйимизга катта жойлардан меҳмонлар келишмоқчи. Уларнинг ичида акедемиклар бор, уларнинг ичида министрлар бор.

– Қизик, – деди кампир. – Нима, бу академиклар ёпган нонни ейишмайдимиди?

– Ейишадику-я, лекин шу ярашмай турибди-да она, ҳовлига, – деди Қоражон.

Кампир тортишиб ўтириш ортиқча эканлигини сезди ва:

– Агар меҳмонларинг уят қилса, бузсанг, буза қол, болам, – деди.

Қоражон нонуштадан кейин қўшнисининг ўғли Баҳодирни ёрдамга чақирди. Икковлашиб тандирни бузишди. Тўртта хода ва олтига шифердан иборат айвонча ҳам олиб ташланди. Чунки энди тандирни ёғин-сочиндан тўсиб турадиган бу айвончанинг ҳожати қолмаган эди. Қоражон ертўлага тушиб, бир челак ганч топди. Қўшнисикидан бир челак қум келтириб, тандирнинг ўрнини суваб қўйди.

Кампир душанба куни эрталаб лоҳасланиб, дармонсизланиб ўрнидан турди. Қайтадан ўзига ўрин солиб, кўрпага ўралиб ётиб олди. Кечка томон ўғли ишдан қайтса, ҳали ҳам онаси кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Хавотир олиб, врач чақирмоқчи бўлди, лекин онаси рози бўлмади.

– Дўхтирингни қўй, болам, нина-пина санчиб юрмасин, ўзим тузалиб кетаман, – деди. Тунга бориб кампирнинг яна иситмаси ошди. Бир неча маротаба сув сўради, алаҳсираб кимлар биландир суҳбатлашди. Тонг чоғи нонушта маҳал кампир бироз ўзига келиб, кўзларини очди ва ўғлига:

– Ўғлим, мени акангникига обориб қўй, – деди.

– Нега ундай дейсиз, эна? Олти ой турмоқчи эдингиз-ку?-деди Қоражон. Ҳали икки ой ҳам бўлгани йўқ.

– Турсам туреверардим-у, аҳволим чатоқ, болам. Бўлмаса, бу ер ҳам ўз уйим-ку. Тушимда дадангни кўрдим. Отига миндириб, бир ёқларга олиб кетяпти мени. Отдан йиқилиб кетмайин деб, дадангни маҳкам ушлаб олганмишман. Кампир кўзига ёш олди. Қоражоннинг хаёли қочди. Машҳура дам эрига, дам қайнонасига қарарди. Кампир сўзида давом этди:

– Мингдан минг розиман, болам. Кўнглингга ҳеч гап келмасин. Сиздан ҳам розиман, келинпошша, раҳмат, яхши одамларнинг фарзанди экансиз. Ишқилиб, ўлигим Тошкентда қолиб кетмасин. Иложи бўлса, шу бугуноқ обориб ташлагин.

– Нега ундай дейсиз, ойижон? Тошкент ёмон жойми? – деди Машҳура.

– Йўқ, болам, Тошкент жуда улуг жой. Бундай шаҳарни ҳавас қилиб, кўролмаганлар қанча? Мен айтганим шуки, раҳматли дадангизнинг гўри ўша ерда бўлса-ю, мен Тошкентда қолиб кетсам, яхши бўладими, болам? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Раҳматли чолим билан бир умр сан-манга бормаганмиз. Энди келиб-келиб арвоҳларимиз бир-биридан жудо бўлиб юрса, яхшими?

Машҳура ҳеч нарса деёлмай қолди. Ўлим, арвоҳ сўзларини эшитиб, юрагига ваҳима тушди. Қоражон кўзларига ёш олиб, ўрнидан турди ва институтдан бир машина топтириб, онасини олиб йўлга чиқди. Йўл олис эмасми, бора боргунча онасининг аҳволи янада оғирлашди. Уларни олиб бориб қўйган машинани ортга қайтариб, ўзи акасиникида қолди. Эрталаб Тошкентга қўнғироқ қилиб, хотини ва қизларини чақиртирди.

Кампир пайшанба куни тонгга яқин узилди. Барча қариндош-уруғлар етиб келишди. Йиғи-сиғи бошланди. Қоражон ҳам акаси, жиянлари, хола-ваччалари қатори «вой онамлаб» йиғлашга тушди. Машҳура ҳам қишлоқ хотинларига ўхшаб, белига оқ сурп боғлаб йиғлади, садрга тушди. Кампирни тобутга солиб, дарвозадан чиқаётганларида Шоира билан Нодира ҳам чирқираб йиғлаб қолишди. Айниқса, Қоражоннинг қайғуси чексиз эди. Ахир у онасини, туғиб ўстирган, оқ сут берган волидаи меҳрибонини кенжа фарзандига бўлган ўз меҳрини оддий сўзлар билан ифодалай олмай, Қоражон, деб эркалаб чақирадиган онаизорини бир умр қайтиб кўрмасди. Бу аламга қандай чидайди? Энди кимга эркаланади? Кимни «эна»

деб, чақиради? Тобутнинг олдида кўз ёши тўкиб кетар экан, Қоражоннинг негадир бундан тўрт кун аввал ойисининг ўз уйида, айвонда ўтирганини эслади. Сўнгра ҳовлисидаги тандирни бузиб ташлаганини, «энам тандирнинг бузилишини хоҳламаган эди», дея хаёлидан ўтказди. «Тандирни бузиб, энамнинг дилини оғритдимми? Ўша куни шу ишни қилмаганимда балки касал бўлмасмидилар?» Унинг ўйлари қалбининг туб-тубидан жўшиб, йиғига уланиб кетди.

Кампирни кўмиб қайтдилар. Қоражон Тошкентга қайтар экан, дарвозасидан ҳатлаб ўтаркан, нигоҳлари бузилган тандирнинг ўрнига тушди ва кўнгли алланечук бўлиб кетди. Нимагадир онаси ва тандирнинг умрини бир-бирига ўхшатди.

«Нима қилардим бузиб? – деди ўзидан-ўзи нафратланиб. – Кимга ҳалақит қилаётганди? Кейинроқ бузилса ҳам бўларди-ку?!» Ана шу пайт дарвоза тақиллаб, қўшнилари кўнгил сўрагани чиқишди...

Қоражон кампирнинг қабрига мраммар тош қўйдиришни кўнглига тугиб қўйганди. Суриштириб, сангтарош уста топди. Устанинг уйидаги тошлардан бирини танлади. Уста Қоражоннинг буюртмаси бўйича тошга яна бир карра сайқал берди ва унга шу сўзларни ёзиб қўйди: «Шарофат Бакир қизи. Ўғиллари Бурҳонжон ва Қоражондан».

Қоражон ойисининг қирқиға яқин мраммартошни қишлоққа олиб борди. Маърака бўладиган куни эрталаб тошни кампирнинг қабрига қўйиб келдилар. Шундан кейин Қоражоннинг кўнгли сал ёришгандек бўлди. Кампирнинг қирқи ўтди. Маъракага чақирилганлар дастурхон устида кампирни яна бир бор эсладилар. Унинг яхши хислатларидан сўз очдилар. Қоражон маъраканинг эртасига Тошкентга жўнамади. У негадир кетишга иккиланарди. Қишлоқда қолгиси келарди. Ўша куни қишлоқдаги айрим қариндошлариникига бир-бир кириб чиқди. Охирида Ибодат аммасиникига кириб, бир оз дам олди. Аммаси узун айвоннинг бир бурчагида супра ёзиб, нон ясаб ўтирган экан. Бир кун аввал маъракада кўрган бўлса ҳам, Қоражон билан қучоқлашиб кўришди.

– Тез-тез келиб турсанг бўлмайдами, жигар? Ҳар сафар кўрганимда акам келгандай бўлиб юраман, – деб кўзёши қилди. Қоражоннинг тагига кўрпача тўшаб, олдиға дастурхон ёзди-да, яна нон яшашга тушди. Ибодат амма бир сават буғи чиқиб турган нонни олиб келди-да, олтитасини дастурхонга ташлади, қолганларини уйга киритиб қўйди ва қайтиб чиқиб, тандирда қайнаб турган сувдан чой дамлаб келди. Кейин бир катта косага нонлардан иккитасини бурдалаб солди-да, устиға сарёғ солиб, ғижимлай бошлади. Қоражоннинг оғзидан суви келди. Эҳҳе, бунақа янчмоқ емаганига неча йиллар бўлдийкин? Қишлоқ ҳаёти ўзининг шу томон-

лари билан ҳам Қоражоннинг дилини яна ром эта бошлади. Ёшлигидан энаси пишириб берадиган овқатлар бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади: филминди, юпқа, аччиқ юпқа, тўғрама, жўхори гўжа, маккаи гўжа, сўк оши...эхҳе. Ибодат амма шокосани Қоражоннинг яқинига суриб қўйди.

– Ол, ўргилай, қишлоқдан бундоқ узилиб чиқиб, шаҳарларга боргим келади. Қани ўзим боролсам. Сизларнинг уйларингни ҳам кўриб келардим. Ўсарим ҳам, ундан кичигим ҳам, келинларим ҳам доимо иш билан банд. Шаҳарлар қизиқтур-ов, Қоражон?

– Ҳа, амма, бормаган одамга қизиқ. Ўзим олиб кетайми, амма?

– Йўғ-а, бошқа вақт борарман, болам. Ўша шаҳарларда ҳам тандир, ўчоқ борми? Ёки ҳамма одам бояги... исталавойдан овқат ейдими?

– Ҳамма нарса бор, амма. Баъзи уйларда бор, баъзи уйларда йўқ.

– Сизларники-чи? Тандирларингиз борми?

Иштаҳа билан ейилаётган луқма Қоражоннинг оғзида туриб қолди. Аммаси унга чой қўйиб узатди. У оғзидагини чой билан ютди-да, қўллари арта бошлади.

– Олавер, болам, нега қўлингни артяпсан? – деди аммаси.

– Бўлди, раҳмат, – деди Қоражон.

Ибодат амма тандир ҳақида сўз очиб, яна ўша бузилган тандирни Қоражоннинг эсига солди. Тандирни буздиргиси келмаган ойиси кўз олдида гавдаланди. Аммасиникидан қайтар экан, йўл-йўлакай тандир бузилган ўз ҳовлисини ўйлади. Тандирни тезроқ бузишга ундагани учун хотинини ичида сўкди. «Энди у ҳовлида турмайман, деди ўзича. Ҳовлини сотаман, қишлоққа қайтаман. Мени деса хотиним ҳам қишлоққа келади. Йўқ, деса, қишлоққа бормайман, деса, ихтиёри ўзида, ялиниб ўтирмайман». Кечқурун овқатдан сўнг ака-ука ёлғиз қолишгач, Бурҳонжон укаси Қоражондан сўради:

– Ҳали бир-икки кун юрасанми қишлоқда? У аслида «қачон қайтасан, ишингга ошиқмаяпсанми?» деб сўрамоқчи эди-ю, «укамнинг кўнглига келмасин», деб, шундай деди. Қоражон хаёл суриб ўтиргани учунми ёки ёшлигидан ҳеч бир ишни акасидан бемаслаҳат қилиб ўрганмагани учунми, Бурҳонжоннинг саволига думалоқроқ жавоб берди:

– Кўпроқ юраверсаммикан, девдим.

– Кўпроқ юраверсам, дейсанми?

– Ҳа.

– Нега?

– Қишлоқда яшасамми, дейман, ака. Ишимдан ҳам совугандайман, энам ўлгандан бери... Бурҳонжон бундоқ қараса, укаси кўзда ёш билан ўтирибди. Бунақа кайфиятни, бунақа режани укасидан сира кутмаган Бурҳонжон беихтиёр:



– Жиннимисан? – деб юборди. – Укам Тошкентда ишлайди, деб кўкрак кериб юрсам-у, суф-ээй сенинг ақлингга, – деди. Бурҳонжон «ишонган тоғим сен бўлсанг, сендан ҳам қўлимни ювиб қўлтигимга артдим», деган маънода бир-икки йўталиб уйдан чиқиб кетди. Қоражон жим ўтириб қолди.

Эрталаб Қоражон акаси, янгаси ва жиянлари билан одатдагидек хайрлашиб, Тошкентга жўнаб кетди. Қоражон уйга қайтган куни хомуш бўлиб қолди. Машҳура билан ҳам, қизлари билан ҳам очилиб-ёзилиб сўзлашмади. Эртасига портфелини олмасдан чиқиб кетди-ю, чамаси икки соатлардан кейин бир аравада тандир олиб келди. Қўшнисининг ўғли Баҳодир билан аравадан туширди. Ертўладан тандирнинг супасига калта-култа устун ва тўсинлар топиб чиқди. Уйда бичиш-тикиш билан андармон бўлиб ўтирган Машҳура аллақандай шарпаларни эшитиб, ҳовлига чиқди. Бу пайтда Қоражон эски тандирнинг ўрнига биринчи устунни қоқа бошлаган эди. Баҳодир устунни ушлаб турар эди. Машҳура ҳайрон бўлиб:

– Ҳай, дадаси, нималар қилиб юрибсиз? Яна тандир қурмоқчимисиз?

Қоражон индамади. Машҳура уларга яқинроқ борди. Баҳодир Машҳурага салом берди.

– Бунақа экан, аввалгисини бузиб нима қилар эдингиз? – деди Машҳура. Қоражон яна индамади. Машҳура таънали оҳангда ўз-ўзига сўзлади. – Бир оғиз ҳам маслаҳатлашмасдан...

– Маслаҳатлашмайман! – деди Қоражон жаҳл билан хотинига тикилиб. – Сен уйга кириб, жим ўтир! Бу тандир қачон мен ўлсам, ана ундан кейингина бузилади, тушундингми? – деди. Қоражоннинг вазоҳатини кўриб, аёли қўрқиб уйига кириб кетди. Пешиндан кейин қўшни аёлларнинг маслаҳати билан Машҳура тандирга ўтин ёқди. Қадимги удумга кўра тандир қурилган куни қиздирилиб, нон ёпилса, хосиятли бўлар экан. Оширма нон қилишга вақт қисқа бўлганлиги учун Машҳура бир тандир патир қилди. Тандирдаги патирларга сув сепилаётган онларда Қоражоннинг қалбидаги армон алангаси ҳам биров пасайгандай бўлди.

*Оқилжон Ҳусанов
(Абдукарим Мирзаев сайтидан)*



1. Матн мазмуни билан танишиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, қисмларга бўлиб ўрганинг, тезисини тайёрланг.

2. Матннинг услуби, жанрини аниқланг.
3. Муаллиф қандай муаммо кўтарган? Дарс мавзусига алоқадорми?
4. Ҳикояда қандай қадриятлар хусусида сўз юритилмоқда?
5. Муаллиф кўзқарабини ҳисобга олган ҳолда кўтарилган муаммони ҳал этишда шахсий тавсияларингизни тақдим этинг.
6. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.
7. «Барака тиласангиз...» мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириб, хулосалаб, кичик матн яратинг.



Саволларга жавоб беринг.

Нутқ тушунчаси нимани англатади?

Нутқ ўстириш нима учун зарур?

Нутқ ўстиришда нималарга эътибор бериш керак?



Биз юқорида нутқнинг тузилиши, қўлланиши, шакли, тури, типлари, услублари жиҳатидан бир қанча бўлақлардан иборат эканлигини кўриб ўтдик. Биз кўриб ўтган ана шу нутқ турларидан ҳар бир мукамал тарбияга ва маданиятга эга бўлган инсон, шу жумладан, ўрта мактаб курсини тўлиқ битириб чиқаётган ўқувчи тўғри, ўринли ва моҳирона фойдалана олиши керак. Бунинг учун биз аввалги синфларда кўриб ўтган иш қоғозларини тўғри тўлдиришдан ташқари илмий, публицистик бадиий услубларда сўзлаш ёки ёзма ижод қилиш каби бир қанча нутқимизни камолотга етказувчи омиллар борки, уларсиз киши ўз фикр-мулоҳазаларини, ички ҳис-туйғуларини оғзаки ҳамда ёзма равишда иккинчи бир шахсга ёки ўзгаларга етказишда маълум тўсиқларга дуч келиши муқаррар. Нутқ ўстиришнинг бу воситалари матн билан ишлашдир.

Матнни услубига, унинг таркибидаги мантиқий урғу, мақсади, ғояси кабиларни тўғри фаҳмлаб, тингловчига ёки ёзма матн бўлса ўқувчига етказиш учун унинг бош мавзусини аниқлаш, режалаштириш, илгаридан хомакни тайёргарлик кўриш каби бир қатор тайёргарлик ишлари ўтказилиши керак.



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ – БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ

Матнни ифодали ўқиш

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назардан унга танқидий баҳо берамиз;
- ❖ турли манбалардан ахборотни ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда ҳамда асосланган хулосалар чиқариб, ажратиб оламиз;
- ❖ турли хил эсселар ёзамиз, илмий, публицистик адабиётда кўтарилган муаммони муҳокама қиламиз ва таҳлил этамиз, мазкур муаммони ҳал этишда шахсий тавсиялар тақдим этамиз ва асослаймиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



108-машқ. Матнни «Жигсо» усули бўйича ўқинг ҳамда синфда муҳокама қилинг.



МУҲАММАД МУСО ХОРАЗМИЙ (783–850)

Ўз даврининг энг буюк мутафаккир олимларидан бири Муҳаммад Мусо Хоразмийдир. Бугун бутун дунё фойдаланадиган ҳисоб-китоб амаллари, замонавий технологиялар фаолияти ана шу бобокалонимиз яратган қоидаларга асосланади. Бутун дунё Хоразмийнинг илм-фан ривожини йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлайди, уни вояга етказган заминга алоҳида эҳтиром билан қарайди. Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координата-

ларини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожда кескин бурилиш ясади. Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривождаги хизматлари умумэтироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ (810–870)

Ҳадис илмининг ривожда олтин давр ҳисобланган ҳижрий, учинчи (милодий тўққизинчи) асрда ҳадисшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтига ишончли ҳадислар тўпламининг (ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қилганлар. Шулар ичидан «Ҳадис илмида амир ал-мўминийн» деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк олимдир.



Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий бўлиб, у ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13-куни (810 йил 20 июль)да Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бошқа кўпгина олимлардан фарқли ўлароқ, ал-Бухорий туғилган сана аниқ кўрсатилишига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмли одамларидан бўлиб, ўғлининг туғилган кунини ўз қўли билан ёзиб кетган қоғоз замондош олимлар ихтиёрига етган ва шу хусусда ҳам унинг аниқлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. Манбаларда кўрсатилишича, у ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли

ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизгин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутди, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Кўфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради.

Илм ошириш мақсадида ал-Бухорий жуда кўплаб олимлардан таълим олади.

Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилгандан кейин умрининг охирларида ал-Бухорий беш (863-868) йил Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарда тўпланган эдилар. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида унутилмас, қизгин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга, ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: «Мен сендан кўрган фойда сен мenden кўрган фойдадан ортиқроқ», деб унга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўролмас эдилар. Натижада ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб, амир олимдан ҳузурига келиб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-таърих» китобларини ўқиб беришни талаб қилади. Лекин ал-Бухорий «Мен илмни хор қилиб, уни ҳоқимлар эшиги олдига олиб бормаيمان, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Аллоҳ охират куни илмни яширмай уни толибларга сарф қилгани учун мени ке-

чиради», деган жавобни айтади. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўҳтонкор шахсларнинг гапига кириб ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшайдан кейин оғир касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (мелодий 870 йил 1 сентябрь) 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағир», «Ат-таърих ал-авсот», «Ат-таърихал-кабир», «Китоб ал-илал», «Барр ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»дир. Бу асар «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат.

Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб, шу зайлда ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда.

У. Уватов
(ziyouz.uz)



1. Матнда кўрсатилган ахборотларни бирлаштирувчи ғояни аниқланг.
2. Берилган маълумотларнинг долзарблиги нимада? Тадқиқот юритинг. Тадқиқот учун очиқ саволлар тузинг.



3. Муаллиф кўзқарашларини ҳисобга олган ҳолда шахсий тасаввур ва таассуротларингизни ихчам «эссе» усулида изоҳланг.
4. «Т-жадвали» усули асосида матнда келтирилган маълумотларни ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|-----------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. | 1 |
| 2. | 2 |
| ... | ... |



«Миллатнинг тарихий қадриятларини сақлаш» мавзусида мақола ёзиш.



Бир хил матнни турлича – овоз чиқармай ўқиш мумкин. Овоз чиқариб ўқишда ҳам ҳар хил овоз тони, яъни, оҳанг билан ўқиш мумкин.

Матнни оғзаки ифодалаш ёки оҳанг билан ўқиш гапираётган шахснинг нутқ объектига ва тингловчиларини нутққа қандай муносабатда бўлишларига даъват этмоқчи эканлигига боғлиқ бўлади.

Нутқ ифодалаш: тантанали қувончли, ғамгин, кулгили, ишончли, гумонли, қақриқли ва оддий оҳангларда бўлиши мумкин.

Матнни мазмунига кўра оҳанг билан ўқиш ёки ифодалаш *ифодали ўқиш* деб аталади.

Ифодали ўқиш учун аввал матн билан танишиб чиқилади. Унда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар, фикр-мулоҳазалар ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Шундан сўнг матннинг мавзуси, унда ифодаланган фикр аниқланади. Матнда келтирилган тасвир элементлари ўрганилиб чиқилади.

Матн қаҳрамонининг бу воқеа-ҳодисаларга муносабати аниқланади.


VII

ЯНГИ ОЛАМДАГИ ТЕАТР ВА КИНЕМАТОГРАФИЯ



Театр – ойнадир, театр – ибратхонадир, театр – тўғри сўзлагувчи ва ҳақиқатни очиқ билдиргувчидир!

Маҳмудхўжа Беҳбудий



Санъат ҳақида қайғурмайдиган инсон кино билан шуғулланмайди. Кинода олдин амалга ошириб бўлмайдиган нарсаларни ҳақиқатга айлантириш мумкин. Уддабуронлик билан қўлланилган турли хил трюклар ҳаёлот дунёсини тасмага тушириш имконини беради. Бундан фойдаланиб, чинакам бадиий томоша яратиш мумкин ва бу барча санъат турлари бирлашиб, кино санъатини яратишга хизмат қилишини тушунган инсонлар учун улкан завқ бағишлайди.

Жорж Мельес



ТЕАТР – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ

Матнни ифодали ўқиш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ ижтимоий-маданий соҳа доирасида омма олдиди маъруза билан чиқиш учун батафсил монологик нутқ тайёрлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ матнда бор камчилик, нуқсонларни тузатиш ва таҳрир қиламиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



109-машқ.

Матнолди топшириқлар.

I. Театрга бориб турасизми? Сизга қайси кўринишдаги спектакллар (драма, комедия, трагедия) ёқади? Сизнингча, нима учун театр маънавий тарбия маскани саналади?

II. Қуйидаги саволлар устида ишланг. Жуптликда муҳокама қилинг.

1. Сизни санъатнинг қайси тури кўпроқ қизиқтиради?

2. Санъат турлари бўйича театр санъати нечанчи ўринда туради?

Биринчи –

Иккинчи –

Учинчи –

Тўртинчи –

Бешинчи –

(Қуйидаги ўринларга ўзингизга маъқул бўлган санъат турларини жойлаштиринг. Масалан,

1) хореография

2) адабиёт

3) театр

4) рассомлик

5) мусиқа)

3. Сиз сўнги маротаба қачон театрга бордингиз?

- 1) ўтган ойда
- 2) икки ой муқаддам
- 3) бир йил муқаддам
- 4) ярим йил муқаддам
- 5) эсимда йўқ
- 6) театрга боришга вақтим йўқ

4. Театр санъатининг ҳозирги ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бера оладими?

5. Сизнингча, театр бугунги кун муаммоларини қайси жанрларда ифодалаши керак?

- 1) драма жанри орқали
- 2) комедия жанри орқали
- 3) мелодрама жанри орқали
- 4) трагедия жанри орқали
- 5) опера жанри орқали
- 6) балет жанри орқали
- 7) ҳамма жанрлар орқали

III. Юқоридаги саволлар устида ишлаш жараёнида берган маълумотларингиз асосида мавзу ҳақида оддий режа тузинг. Сўнгра режа асосида тасвирий матн ёзинг. Бунинг учун қуйида келтирилган қоюдага асосланишингиз мумкин.



Матни ифодали ўқиш

Бир хил матни турлича – овоз чиқариб ёки овоз чиқармай ўқиш мумкин. Овоз чиқариб ўқишда ҳам ҳар хил овоз тони, яъни, оҳанг билан ўқиш мумкин.

Матни оғзаки ифодалаш ёки оҳанг билан ўқиш гапираётган шахснинг нутқ объектига ва тингловчиларини нутққа қандай муносабатда бўлишларига даъват этмоқчи эканлигига боғлиқ бўлади.

Нутқ ифодалаш: тантанали қувончли, ғамгин, кулгили, ишончли, гумонли, чақирқли ва оддий оҳанглarda бўлиши мумкин.

Матни мазмунига кўра оҳанг билан ўқиш ёки ифодалаш *ифодали ўқиш* деб аталади.

Ифодали ўқиш учун аввал матн билан танишиб чиқилади. Унда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар, фикр-мулоҳазалар ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Шундан сўнг матннинг мавзуси, унда ифодаланган фикр аниқланади. Матнда келтирилган тасвир элементлари ўрганилиб чиқилади.

Матн қаҳрамонининг бу воқеа – ҳодисаларга муносабати аниқланади.

Соф гўзалнинг кўз ёшларидай тиниқ санъат – театр. Ғ.Мусрепов



110-машқ.

Театр – юнонча «театрон» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «томошагоҳ» маъносини англатади. Актёрларнинг саҳнавий ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётний ходисаларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар ҳам театр деб аталади. Ёки шундай санъат намоёйиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино тушунилади. Умумий маънода эса актёрларнинг саҳна орқали кўрсатиладиган томоша, спектакль назарда тутилади. Айни пайтда мустақил санъат тури бўлиб, унинг ўзига хос ифода воситаси, актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган саҳнавий воқеалардан таркиб топади. Бошқа санъатларда бўлганидек театр санъатида ҳам халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида ёзма ёки оғзаки драматургия ётади.

Театр санъати синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Театр санъатининг муҳим воситаларидан бири – саҳна нутқидир. Актёр қаҳрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон қиёфасида, ҳолатларда туриб унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқотга киришади. Саҳна нутқи ҳаракатларнинг очилишида, асар мазмуни, конфликтининг ёритилишида муҳим ўрин тутади.

Саҳна асарларининг яратилишида театр рассомлари (сценографияси) нинг ҳиссаси катта. Рассом асар мазмуни, ғояси ва режиссёрлик ечимидан келиб чиқиб, ўзига хос ва саҳна кўринишларига мос декорацияни эмас яратади. Бу эса маълум маънода саҳна асарининг муваффақиятини таъминлайли. Театр санъатида мусиқанинг ҳеч қандай ўрни алоҳида ўрни бор. Томоша тури ва жанрига боғлиқ ҳолда у турли вазифани бажаради: драматик санъаткорларда ёрдамчи восита бўлса, оперетта, мусиқали драмада сўз билан баробар ҳуқуққа эга. Опера ва балетда эса ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Театр санъати фани юртимизда ва бутун дунёда театр санъатининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳозирги долзарб муаммолари ва бадиий жараёнларини ўрганадиган, таҳлил қиладиган мустақил фанлардан биридир.

(Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан)



1. Матн мазмунини аввал жуфтликда, сўнгра гуруҳда муҳокама қилинг.
2. Матн таркибидаги ғализ жумлаларни аниқланг, тузатинг.
3. Матнга сарлавҳа қўйинг. Танлаган сарлавҳангизга тегишли манбаларни аниқланг.



4. Гуруҳда бажарилган ишлар билан ўртоқлашинг.
5. Матн устида ишланг. Мазмунини қўйидаги жадвал асосида 104-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| 104-машқ матни | 105-машқ матни |
|--|----------------|
| Мавзуси | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? Асосий фикр? | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | |
| Тузилиши, жанри, услуби | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | |



«Театр маънавий тарбия масканими?» мавзусида репортаж тайёрланг.



КИНО САЊАТИ

Матн режасини тузиш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ ижтимоий-маданий соҳа доирасида омма олдида маъруза билан чиқиш учун батафсил монологик нутқ тайёрлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



Матнолди топшириқлар:

1. Кино санъати ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? Ушбу соҳада қандай машҳур актёрларни биласиз?
2. Қуйидаги суратларда кимлар тасвирланган? Қайси киноасар қаҳрамонлари?
3. Берилган матнлардаги бўш жойларни тўлдилинг. Тасвирдаги қаҳрамонлар қиёфасига тавсиф беринг.



1. Актриса кинодаги фаолиятини 1962 йилдан бошлаган. У халқимизга ўша машҳур «_____» фильмидаги _____ роли орқали танилган. Айни шу роли унга омад ва машҳурлик олиб келган. Яна шунингдек, уни кўпчилик мухлислари «Алибобо ва қирқ қароқчи» фильмидаги роли орқа-

ли ҳам яхши билишади. _____ бугунгача 60 дан ортиқ театр саҳнасидаги спектаклларда ва 20 дан ошиқ фильмларда суратга тушган. Шунингдек, у кўплаб фильмлар дубляжида ҳам иштирок этган. Ушбу актриса 1992 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланган ҳамда кўплаб нуфузли мукофотларни қўлга киритган.



2. _____ бахти кулган актёрлардан, у жуда эрта, талабалик давридаёқ кинофильмларда роллар ўйнашга таклиф этилган ва 1962 йилда «Абдулла Набиев» бадий фильмида Абдулла Набиев образини яратган. Бу ёш ва келажаги порлоқ актёрнинг кинодаги биринчи роли ва

биринчи муваффақияти эди. Ёқуб Аҳмедов «Фурқат» бадий фильмида Фурқат образи орқали кенг маданий жамоатчиликка қандай тез танилган бўлса, _____ ҳам Абдулла Набиев образи орқали барчанинг назарига тушди. Шундан бери кинода фаол қатнашиб, «Ўзбекфильм», «Ўзбектелефильм», «Тожикфильм» киностудияларида суратга олинган ўттиздан ортиқ бадий ва телевизион фильмларда роллар ижро этди. _____ нинг тарихий ва замонавий мавзудаги бадий фильмлар: «Улуғбек юлдузи»даги Али Қушчи, «Ўтган кунлар»даги Отабек, «Шиддат»даги Ёдгор Ҳамидович, «Оловли йўллар»даги Ҳамза, «Тожикфильм» киностудиясида суратга олинган «Тинчлик даврида»ги Ғулом Аҳмедов каби қатор образлари актёрнинг кўп йиллик изчил ва самарали меҳнатининг маҳсулидир.

_____ деганда мухлислар энг аввал «_____» бадий фильмидаги _____ ни ҳам тасаввур этишади. Мухлислар назарида бу образлар _____ га атаб ёзилгандек, фақат _____ ижро этиши керакдек туюлади. Актёрнинг истеъдодига бундан ортиқ меҳр ва баҳо бўлиши мумкинми? Айни шу роли билан актёр ўзбек кино тарихида ўчмас юлдуз бўлиб қолди.

(*arboblaz.uz*)



Оғзаки ёки ёзма матнга режа тузиш учун ундаги баён этилиши зарур деб ҳисобланган масалаларни қандай усул билан ифодалаш кераклиги аниқланиб муайян бир шаклга келтирилади. Уларнинг изчил ҳикоя қилиниши, мазмунан боғланиши ва бир воқеадан иккинчисига ўтиши йўллари қуйидагича амалга оширилади:

1. Матн ўқиб, тушунарсиз бўлган сўзларни маъносини аниқлаш.
2. Матннинг мавзусини ва ғоясини аниқлаш.
3. Матнни мазмуний бўлакларга ажратиб, уларга сарлавҳа қўйиш.

4. Режанинг хомаки кўринишини тайёрлаш ва уни матн билан солиштириб чиқиш. Режада айтилиши керак бўлган ҳамма материаллар акс эттирилганлигига аҳамият бериш; улар режа қисмларида ўз ифодасини топганлигига; улар мавзунини ҳамда матннинг асосий ғоясини акс эттирилганлигига эътироф бериш.

5. Тўзилган режа асосида матн мазмунини баён қилиш мумкин эканлигини текшириб кўриш.

6. Такомиллаштирилган режани қайта кўчириш.



111-машқ. Матнни изланиб ўқинг. Матн таркибидаги хатоларни тузатиб, таҳрир қилинг.



Кино яратилиш тарихига мурожат этадиган бўлсак, 1895 йил 28 декабрда оламшумул воқеа юз берганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу куни Франциянинг Париж шаҳрида «Гран кафе» томоша залида ака-ука Огюст ва Луи Люмьерлар томонидан илк киносеанс ўтказилади. Унда 50 сониялик роликлар намойиш этилади. Улардан бирида ишчиларнинг фабрикадан чиқиб келиши, бирида поезднинг келиши тасвирга олинган эди. Аммо илк киносеанс охирига етмай муваффақиятсизликка учрайди. Чунки залдаги томошабинлар улар томон ҳаракатланиб келаётган поезддан ваҳимага тушиб, залнинг қочиб чиқиб кета бошлайдилар. Шунга қарамай, кино одамлар орасида катта қизиқиш уйғотади. 1896-1897 йиллар давомида дунёнинг турли мамлакатларида кино намойишлари бўлиб ўтади.

Илк яратилган фильмлар қисқа метражли бўлиб, 15-20 метр, яъни бир ярим дақиқа давом этади. Бу даврда суратга олинган фильмларнинг кўпчилиги ҳужжатли фильмлар бўлиб, ҳаётини воқелик асл ҳолича репортаж усулида тасвирга олинган. Бу жараён ижодкорлар учун янгилик бўлгани тўғрисида фильмларда сценарий ва актёрлар ижросидан фойдаланилмаган.

Француз театри режиссёри, актёри, продюсери Жорж Мельес кинода театрда амалга ошириб

бўлмайдиган орзуларини рўёбга чиқариш мумкинлигини тушуниб, бадий қисқа метражли фильмлар тасвирга олишни бошлайди. 1898 йилда Париж яқинидаги Монтреда биринчи киноателъе ташкил топади. Унда кинотехника билан жиҳозланган театр сахнаси билан ёнма-ён фотолаборатория жойлашган эди. Бу илк студияда Жорж Мельес ўзининг 450-500 та фильмларини суратга олган. Улар орасида «Ойга саёҳат»(1902), «Ғаройибот аро саёҳат» (1904), «Қутбнинг эгалланиши» (1912) каби фильмлар машҳур бўлган.

Ака-ука Люмьерларнинг «хаёт қандай бўлса, шундай» репортаж усулда тасвирга олиш принципига қарама-қарши ўлароқ Мельес сценарий асосида актёрларнинг олдиндан келишиб олинган сюжетда роль ижро этишини олға суради ва шу билан «киномомоша» принципига асос солади. У фильмдаги баъзи кадрларни қўлда бўяб чиқмаганлиги учун фильмларида рангдан фойдаланиш ҳолларини кўришимиз мумкин.

Кино ватани бўлмиш Франциядан бошқа мамлакатларда ҳам тараққий эта бошлади. Тез орада дунё мамлакатларида кинотомошагоҳлар очилиб, ҳар бир давлатда ўз кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Нодира Касимова




1. Матнни қисмларга ажратинг, ҳар бирига сарлавҳа қўйинг, асосий ғоясини аниқланг.
2. Матн типи, услубини уларнинг нутқий хусусиятларига кўра фикрингизни далиллаб, изоҳланг.



3. Матндан қандай янги маълумотлар олдингиз? Қайси маълумотлар сизга таниш эди? Суратдаги қиёфаларни танидингизми? Ўқитувчингиз ёрдамида аниқланг.
4. Кинонинг қандай жанрларини биласиз? Атанг. Қуйидаги жадвалда кўрсатинг.

| «Билар эдим» | «Билиб олдим» | «Билишни истайман» |
|--------------|---------------|--------------------|
| | | |

5. Матн мазмуни бўйича олган маълумотларингизни хулосалаб, кино санъати тарихи ҳақида монологик нутқ тайёрланг. Синфга тақдим этинг.



- 112-машқ.** Расмларни кузатинг. Ушбу фильмлар, ижодкорлари сизга та-нишми? Расмлар асосида ҳикоя тузинг. Қўшимча манбаларга мурожаат этишингиз мумкин.



1. Ўзбек киноси оламида ўзига хос бетакрор ўринга эга бўлган актер: Гулчеҳра Жамилова ёки Ўлмас Алихўжаевнинг ижро этган роллари рўйхатини тузиб келинг.
2. «Кинотеатрда ўтган бир куним» мавзусида юқори саҳифада берилган қоидага асосланиб, ҳикоя ёзиб келинг.



ҚОЗОҒИСТОНДА КИНО САЊАТИ

Интервью жанри устида ишлаш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ ижтимоий-маданий соҳа доирасида омма олдида маъруза билан чиқиш учун батафсил монологик нутқ тайёрлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



113-машқ. Матнни танишиб ўқиб чиқинг.

Ҳар бир халқнинг санъати шу миллат билан яшайдиган ҳодисадир. Агар биз мусиқа, театр, меъморчилик, адабиётни киритадиган бўлсак, улар халқ тарихининг турли босқичларида ривожланган. Халқ билан бирга равнақ топиб келаётган қадимий санъат турларидан бири бу – қўшиқ санъати.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қўшиқ ибтидоий жамоа давридан бери маълум бўлган. Кейинги босқич – бу муаллифлик қўшиқларидан кенг фойдаланиш. Бугунги кунда муаллифлик қўшиқлари бугунги маданиятнинг муҳим қисмига айланди. Қозоқ қўшиқларига келсак, Биржан, Акан, Абай, Мади, Иманжусипнинг қўшиқлари биринчи миллий муаллифлик қўшиқларидир. Бугунги кунда қўшиқчилик санъати мавзу ва жанр жиҳатидан анча ривожланди. Мусиқадан ташқари, халқимиз тарихида қўшиқ санъати билан куй санъати ҳам алоҳида ўрин тутади. Куй санъати Қўрқит ота даврига бориб тақалади. Куй – қозоқ халқининг ўзига хос санъати. Қурманғазӣ, Даулеткерей, Таттимбет куйлари – мумтоз санъат намуналари. Классик куй ва қўшиқлар миллий операнинг туғилишига асос бўлди. Шундай қилиб, Европа операси Қозоғистонда миллий мусиқа орқали ривожланди. Халқ қўшиқлари ва куйлари кино санъатида ҳам кенг қўлланилди.

Қозоқ киноси ХХ асрнинг ўттизинчи йилларида дунёга келган. Илк қозоқ фильми «Аманкелди» бадий фильми эди. Фильмни Бейимбет Майлин ва Ғабит Мусрепов ёзган. Сўнгги йилларда таниқли режиссёр ва актёр Шакен Аймановнинг «Бизнинг севимли табибимиз», «Атаман интиҳоси», «Отамакон», «Алдар кўса», «Дўппили фаришта», Абдулла Қарсакбаевнинг «Менинг исмим – Хўжа» фильми, Султон Қожиковнинг «Қиз Жибек» фильми каби машҳур асарлар ёруғ кўрди. Ушбу фильмларда 6 та миллий санъатимиз, миллий ўзига хослигимиз тасвири мукаммал тасвирланган. Ушбу фильмлар ҳали ҳам ўз бадий кўркемлиги билан томошабинларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Ҳозирда қозоқ киноси, умуман, қозоқ санъати каби изланишлар устида. Мустақиллик йилларида таниқли фильмларга «Кўчманчилар», «Фаралар», «Аккордеонистнинг болалиги» ва бошқалар киради. Шу билан бирга, замонавий қозоқ киносининг ўзига хос хусусияти сифатида хорижий режиссёрлар ва киностудиялар билан ҳамкорликда яратилган фильмларни ҳам атаб ўтиш жоиздир.

Миллий санъат – бу бутун аҳолининг маънавий ривожланиши ва юксалишининг кўриниши. Шунинг учун ҳар бир босқичда у янги шаклда кўринади ва ривожланади.

(Интернет манбаларидан)



1. Матн таркибидаги 3-4-абзац мазмунини кўчиринг, шарҳланг, уни мавзу, асосий ғоя, муаллиф кўзқараши билан боғланг.
2. Берилган материални ишончлилик нуқтаи назаридан танқидий баҳоланг. Муаллиф кўзқараши билан келишасизми? Қандай қўшимча маълумотлар берган бўлар эдингиз?



3. Ўзингиз кўрган қозоқ фильми ҳақида қуйидаги жумлаларни тўлдириб ёзинг.
 - А) тасвирга олинган йили _____
 - Б) бош режиссёри _____
 - В) бош ролни ижро этганлар _____
 - Г) асосий қаҳрамонлар _____

Д) ижобий қаҳрамонлар _____

Е) салбий қаҳрамонлар _____

Ё) фильм ҳақида сизнинг фикрингиз _____

4. Қуйидаги суратларни кузатинг. Ушбу тасвирлар қайси киноасарлардан олинган? Фильм ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилинг.





Интервью жанри

Мухбирлик ва журналистика соҳасининг асосий машғулотларидан бири маълум кишиларнинг иш соҳаси, турмуш тарзи ва ҳоказолар тўғрисида сўхбатини олиш ёки интервью олиб, уни газета ва журнал саҳифаларида ўқувчилар оммасига етказишдан иборат. Қуйидаги тартиб-қоидалар интервью олиш устида ишлаш босқичлари ҳақида маълумот беради:

1. Кимдан ва нима мақсадда интервью олиш ҳақида ўйлаб олиш.
2. а) сўхбат мавзусини аниқлаш ва шунга кўра саволлар тизимини тайёрлаш ҳамда уларнинг тартибини белгилаб олиш;
б) сўхбат ўтказиб, унинг асосий мазмунини ёзиб олиш;
в) ёзилган материални ўқиб, асосий ғояни аниқлаш ва сарлавҳа қўйиш.
3. Интервьюнинг кириш ва хотимасини ёзиш.
4. Тайёр бўлган материални овоз чиқариб ўқиб кўриш ва таҳрир қилиш.
5. Хомаки ишни текшириш. Диалоглардаги тиниш белгиларининг ишлатилишига алоҳида эътибор бериш.
6. Материални кўчириш.



114-машқ. «Жигсо» усули асосида матн билан танишинг, мазмунини ўзлаштиринг. Матн типи, услубини аниқланг. Фикрингизни далилланг.

ҲОЗИРГИ ДАВР КИНЕМАТОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Савол: – Ҳозирги кун кинематоргафиясига қандай баҳо берган бўлар эдингиз?

Г.Курманғалиқизи: – Ҳозирги даврда тобора кучайиб бораётган компьютер кинематографиясининг имкониятлари янги бадий оқимларнинг пай-



до бўлишига, баъзи ҳолларда эса экран санъатининг янги турининг дунёга келишига олиб келди. Янги технологияларнинг ривожланиш босқичлари ижодий изланишларнинг турли хил натижаларини ҳам кўрсатмоқда. Электроника, кибернетика ютуқлари ва компьютерни қайта ишлашнинг энг илғор техникаларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган замонавий экран асари мазмуни компьютер эффектлари билан тўлдирилади. Маълумки, санъат ва технология ўртасидаги яқин алоқанинг ҳар бир янги босқичида бадиий ифода этишнинг янги усулларини ижодий ёндашган ҳолда ўзлаштириш учун жавобгарлик кучайиши маълум.

Савол: – Замонавий томошабин диди ҳақида нима дея оласиз?

Г.Курманғалиқизи: – Жамиятдаги турли хил ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто турли сиёсий шароитлар туфайли экран ижодий маҳсулотининг бадиий сифатига бўлган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Бу борада бугунги томошабинларнинг дидига суянадиган бўлсак, қисқа вақт ичида кино ижодининг баъзи жанрлари катта талабга эга бўлиб, баъзилари эса, аксинча, кенг омма олдида ўз йўлини топа олмаяпти. Қандай бўлмасин, бугунги кунда «яхши ва ёмон» катта ҳодисага айланиб бораётган маҳаллий кино саноатидаги улкан ўзгаришларни узлуксиз экранга узатилаётган фильмлар оқими ва сифати жиҳатидан саралаш орқали изоҳлаш зарурати туғилди.

Замон ўзгарди, томошабинларнинг талаблари ҳам ўзгарди. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар шароитида экран маҳсулотларини томошабинлар, айниқса, ёш томошабинлар онгига таъсирини ҳисобга олсак, маҳаллий фильмларни ишлаб чиқариш миқдори ва сифати ўртасидаги тафовут хавотирга солмоқда. Шу нуқтаи назардан, бир қатор долзарб масалаларни кўриб чиқиш керак. Ёдда тутиш керакки, санъат асари ва унинг бевосита истеъмолчиси ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат маданияти асосида бунёдга келади.

Бугунги кунда кино ижодкорларининг асосий томошабинлари ёшлар ва ўсмирлардир. Замон талабига мос жиҳозланган кинотеатрларнинг томошабинга хизмат кўрсатиш сифати ҳам юқори. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар кинозалларга келиб, бўш вақт ва ўйин-кулгининг муҳим қисми сифатида янги фильмларни томоша қилишади. Аксарият томошабинлар фильмни қаерда ва қандай шароитда суратга олгани ҳақида ташвишланиб ўтирмайди ҳам.

Савол: – Сўнги йилларда олинган замонавий қозоқ киносига муносабатингиз қандай?

Г.Курманғалиқизи: – Кўп маблағ сарфланиб, кинотехнологиянинг илғор тажрибалари намуналари асосида туширилган «таъсирчан» саҳналари ва ўйин-кулги услубидаги сюжетдан парчалар, шунингдек тез-тез тақдим этиладиган реклама босқичи ўзининг ёлғон жозибаси билан томошабин-

ни ўзига жалб қилади. Бугунги маҳаллий экран кўпинча бундай усулларни ишлатадиган комедияларга тўла. Нуртас Адамбай, Нурлан Қўянбаев, Асқар Узабаевнинг фильмлари бунга яққол далил бўла олади...

Мамлакатимиз шоу-бизнесида, юқорида таъкидлаганимиздек, кино ишлаб чиқаришга қизиқувчилар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Эҳтимол, молиявий даромад манбаи бўлгани учунми, сўнгги йилларда кино туширмаган хонанда қолмади десак, муболаға бўлмайди. Катта экранда паст сифатли фильмларнинг бемалол намоиш қилиниши томошабинларнинг дидини яхшиламаслиги аниқ. Янги технологик имкониятларнинг мавжудлиги кино санъатида ҳаваскорлик фильмларни ривожлантириш ва Интернет орқали томошабинларга бепул тарқатиш учун йўл очмоқда. Шундай ҳолда, экран асарларининг ғоявий мавзуси, бадиий сифати онги ҳали ҳам шаклланиш даражасидаги ёш томошабинларнинг кейинги ривожланишига қўшадиган ҳиссаси ажойиб тарғибот воситасига айланганлигини рад этолмаймиз. Шунинг учун турли жанрдаги фильмларнинг, хусусан, экранни забт этган, айниқса, маҳаллий фильмларнинг ривожланиш ҳолати, йўналиши, бадиий сифати ҳақидаги масала бизни энг долзарб саволларга жавоб излашга мажбур қилади.

Бир аср давомида кино тилидаги бадиий ифода услублари ўзгаргани, телевизион жанрнинг мураккаблиги, мультимедия маконининг пайдо бўлиши экран асарларининг эстетикасига шундай таъсир кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар нафақат жамиятдаги, ижтимоий ҳодисалардаги маданий ўзгаришларнинг натижаси, балки бошқа муҳим муаммолар қаторида ижодий изланишларнинг янги технологиялар ютуқлари билан уйғунлигини таъкидласа бўлади. Экранны маданияти, айниқса, бугунги томошабинлар учун атроф-муҳитда кинотеатр, телевидение ва Интернет орқали кўп жиҳатдан шаклланишда. Шунинг учун экран асарларининг эстетик табиатига эътибор бериш долзарб масалага айланди...

Савол: – Жаҳон кино оламида қозоқ киносининг ўзига хос муносиб ўрни бўлган. Бу борада қозоқ киносининг ҳозирги изланишлари қай даражада деб ўйлайсиз?

Г.Курманғалиқизи: – Жаҳон кино оламига кириб келган қозоқ киносининг бугунги изланишлари ҳам хилма-хил. Бугунги кунда қозоқ кинематографияси ишлаб чиқариш суръати билан ҳам, кинорежиссёрлик соҳасидаги янги номлар билан ҳам ажралиб туради. Экранны санъатининг бадиий даражасини юқори баҳолайдиган халқаро кинофестивалларда ғолиб чиққан кўплаб маҳаллий фильмлар ҳам мавжуд. Янги босқични ривожлантириш жараёнида кинематография асарларининг сифати, миқдори ва тарқатиш сиёсатига катта эътибор берилади. Агар миллий киносининг ҳозирги ривожланишидаги бадиий сифат ҳақида гапирадиган бўлсак, унда

бундай асарлар мавжудлигини тан оладиган ёш профессионал кинематографларнинг фильмлари улуши катта эканлиги шубҳа туғдирмайди.

Миллий санъатимизнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва юксалтириш йўналишида кино санъатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий долзарб мавзуларга бағишланган муаллифлик киноси, арт-хаус/санъат уйи жанрида қўплаб фильмларни суратга олиш керак. Агар кино санъати фақат маблағ тўплашнинг тижорат йўналишида ривожланса, биз профессионалларни хоррор(даҳшатли), блокбастер ёки бошқа «лойиҳаларни ютиб олиш» нуқтаи назаридан жалб қиладиган телевизион лойиҳаларга мурожаат қилишга мажбур қиламиз. Бу бугунги куннинг аччиқ ҳақиқати. Гарчи экспериментал фильмлар, ҳужжатли фильмлар ва арт-хаус пул топишнинг калити бўлмаса ҳам, миллий кино санъатининг ўзига хос хусусиятини белгилайдиган ҳақиқий санъат асарлари ҳисобланади...

Қизиқарли ва мелодрама жанридаги фильмлар билан бирга томошабинлар учун таниқли фэнтези ва саргузаштларга бой блокбастер элементларини қўшган ҳолда янги тарихий теле-кино асарларининг жанрларини илोजи борица кенгайтириш зарурати туғилди.

Миллий қаҳрамонларни ибрат қилиб кўрсатишни шакллантиришга йўл очадиган сифатли болалар фильмлари ва мультипликацион сериалларни талаб қиладиган ёш авлоднинг дунёқарашига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бизнинг машҳур баҳодирларимиз, донишмандларимиз билан элни бошқарган шахсларимиз фақат Қозоғистонга эмас, балки бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатишга лойиқдир.

*(Сўхбат Гулжан Курманғалиқизи, киношунос,
Т. Жургенов номидаги Қозоқ Миллий санъат
академиясининг профессори,
Қисқартириб олинди)*



1. Матн бўйича олинган маълумотларни гуруҳларда муҳокама қилинг, бошқа гуруҳлар билан ўртоқлашинг. Муаллиф кўзқарашини аниқланг. Ҳар бир абзацга тезис ёзинг. Хулоса чиқаринг.
2. Қуйидаги саволлар устида гуруҳларда мулоҳаза юритинг, муҳокама қилинг, жавобларингизни далиллар билан асосланг.

- а) жаҳон кинематографиясига улкан ҳисса қўшган қандай қozoқ кино ижодкорларини биласиз?
 - б) Қozoғистоннинг илк кинофильмлари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
 - в) Мустақиллик даври кинофильмларини атанг ва уларни баҳоланг.
3. Матн муаллифидан кино санъати ҳақида берган маълумотлардан ташқари яна қандай маълумотлар олишни хоҳлар эдингиз? Жуфтликда муҳокама қилинг. Саволлар тузинг.



Қуйидаги вазифани бажаринг.

Замонавий киносанъат ҳақида юқорида берилган қоидага асосланган ҳолда мактабдаги устозларингиздан интервью олиш учун саволлар тузиб келинг. Бунинг учун қуйидаги тасвирларни асос қилиб олишингиз мумкин.



Кино томошабинни кинода ўтирганини унутиб қўйишга мажбур қилиши керак.

Роман Полански



ҚОЗОҒИСТОНДА ТЕАТР САЊАТИ

Матн мазмунига яқин баён қилиш

БУГУНГИ ДАРСАД:

- ❖ ижтимоий-маданий соҳа доирасида омма олдида маъруза билан чиқиш учун батафсил монологик нутқ тайёрлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ матнда бор камчилик, нуқсонларни тузатиш ва таҳрир қиламиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



115-машқ. Қуйидаги суратларни кузатинг. Жуптликда муҳокама қилинг. Ўзаро савол-жавоб ўтказинг.





1. Юқоридаги тасвирлар бўйича қандай маълумотларга эга бўлдингиз?
2. Олинган маълумотлар, тузган саволларингиз асосида жуфтликда интервью суҳбатини ташкил этинг. Интервью суҳбати матнини ёзинг. Матн таркибида фразеологик birlikлар иштирок этсин.
3. Ишингизни синфга тақдим этинг.
4. Матн тузишингиз учун қуйидаги таянч сўзларга мурожаат қилишингиз мумкин: *Жумат Шанин номидаги Чимкент академик қозоқ драма театри, 1934 йил, бадиий жамоа, режиссер, аъзолар, санъат мактаби, иштиёқ, театр репертуари, «Замона қонуни», «Малқанбой», «Қизил лочин», «Енглик-Кебек», ҳаваскор санъаткорлар, Қозогистон театр санъати, қўшган ҳиссаси.*



116-машқ. Матнолди топшириқлар:

1. Қўйида театр ҳақида берилган маълумотлар билан танишинг. Оғзаки қайта ҳикояланг.
2. Юқоридаги машқ бўйича ўзингиз тузган матн билан таққосланг.
3. Услубий хусусиятларини аниқланг. Ғализ жумлаларни аниқланг, тузатинг.
4. Кино ва театр ҳақида берилган қўйидаги ҳукмларнинг бирини танлаб кўчиринг ҳамда ўз муносабатингизни билдириб, оммавий чиқиш учун монолог тайёрланг, синфга тақдим этинг.

1. Театрнинг пайдо бўлганига икки ярим минг йилдан ошади. Унинг ифодали воситалари, охир-оқибат, чексиз эмас – сахна майдони ва актёрлар, сўзлар, ҳаракатлар ва паузалар, ёруғлик, мусиқа ва ритм.

2. Театрнинг қадимий ва ҳамиша навқирон санъатида чексиз сўз ва ҳаракатлар, одамлар, характерлар, ҳис-туйғу ва фикрлар уйғунлиги мужассам! Аммо театр ҳаёти битта шартга боғлиқ – ҳеч қачон тўхтанг, ҳар доим атрофдаги ҳаётда янги фикрлар, янги ифода усулларини изланг.

3. Кино бизни бошқача фикрлашга ундамайди.

4. Билим чексиз тасаввур қилиш қобилиятини оширди. Тасаввурнинг чеки йўқ бойлиги замонавий томошабинни ўтган аср томошабинларидан ажратиб туради. Замонавий томошабин «кинематографик равишда» фикрлайди. Замонавий театр муаллифлари, режиссёрлар ва актёрлардан ҳам кинематографик фикр юритиш талаб этилади, аммо улар ўзларининг фикрларини махсус театр воситаларидан фойдаланиб ифода этишлари керак.

5. Спектакль ёки фильмнинг сахналаштирилиши – адабиёт тилидан сахна ёки экран тилига кўчишининг ўзига хосмас тури. Биз жуда зўр кўчирмалар ва кўплаб ёмон, заиф, саводсиз кўчирмаларни биламиз. Аммо кимдир буни султ бажараётганлиги сабабли кўчириш ишини тўхтатиши мумкинми?

6. Ф.М. Достоевский – энг театрмонанд ёзувчилардан бири. Унинг романлари ҳайратланарли даражада драматикдир. Бироқ муаллиф ўз романларини сахналаштириш борасидаги уринишларга қарши. Унинг фикрига кўра, сюжет, композиция ёки қаҳрамонларнинг характерлари қатъий равишда ўзгартирилсагина роман спектаклга айланиши мумкинмас.

(studopedia.su)



Қуйдаги тасвирларда қандай ва қаердаги театр бинолари тасвирланган? Сизга танишми? Улар ҳақида қисқача маълумот тўпланг ҳамда ушбу расмлар ёрдамида театр турлари ҳақида маълумотларни қўшиб, матн тузинг.



Театр онгни маърифатли қилиши керак. Бу бизнинг миямизни ёруғлик билан тўлдириши керак ...

Ромен Роллан



Матн мазмунига яқинлаштириб баён қилишнинг икки хил: оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил иш олиб борилади. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Матнни диққат билан ўқиб, қийин туюлган сўзларнинг мазмунини аниқлаш.

2. Ўқитувчи томонидан ёки қўлланмада кўрсатилган саволларга жавоб топиш, қийинчилик туғилган пайтда матннинг маълум қисмини қайта ўқиб ўрганиш.

3. Матннинг мавзуси ва айтилмоқчи бўлган асосий фикрини тўплаш.

4. Матннинг қайси нутқ типига хослигини аниқлаш.

5. Матнни берилган режага кўра композицион ва мазмуний қисмларга ажратиш ёки мустақил ҳолда режалаштириш.

6. Матннинг услубини аниқлаш. Берилган асардаги услубий тилнинг айрим ўзига хос белгиларини эслаб қолиш ва улардан оғзаки ёки ёзма баёнда ўринли фойдаланиш.

7. Матнни қайта ўқиб чиқиб, мазмуний қисмлар оралиғида қилинадиган тўхталишларни (пауза) белгилаш.

8. Китобга қарамай баённинг хомаки кўринишини ёзиш ва текшириб, қайта ёзиш.

Билим бу мактабда ўргатилган ҳамма нарса эсингдан чиқиб кетгандан кейин ўзингда қолган нарсалардир. Савол беришдан тўхтамаслик жуда муҳим. Қизикувчанлик одамга бежиз берилмаган. Чегараларини бир марта кенгайтирган идрок ҳеч қачон эски жойига қайтмайди.

Альберт Эйнштейн



ТЕАТР САЊЪАТИ ҚОИДАЛАРИ

Иншо устида ишлаш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ ижтимоий-маданий соҳа доирасида омма олдида маъруза билан чиқиш учун батафсил монологик нутқ тайёрлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



117-машқ. Матни ўзлаштиринг.

ТЕАТР САЊЪАТИ ҚОИДАЛАРИ



Жаҳоншумул ихтиролар буюкларга насиб қилади. Пушкин таъкидлаганидек, даҳолар янги қонунларни кашф қилади, қобилиятлилар улардан тўғри ва унумли фойдаланади, қобилиятсизлар эса ҳар иккаласини ҳам инкор қилиб, фақат ўзларинигина доно деб ҳисоблайдилар.

Турли соҳаларда ихтиро қилган шахсларнинг номи, миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъий назар, эҳтиром билан тилга олинади. Масалан, алгоритм ихтирочиси Ал-Хоразмий, бутун олам тортишиш қонунини кашф қилган Ньютон, ер ости ва устидаги нарсаларнинг таркибини аниқловчи Менделеев даврий системаси дунёга маълум ва машҳурдир.

Жаҳон ижод аҳли орасида Аристотелнинг «Поэтика» асари трагедиянинг яратилиш қоидалари билан машҳур бўлса, «Станиславский систе-

маси» театр санъати намояндалари учун илмий-амалий дастур бўлиб келмоқда.

Театрни маънавий, маърифий, ахлоқий ва ғоявий тарбия мактаби, инсонни руҳан покловчи муқаддас даргоҳ деб билган Станиславскийнинг асл исми шарифи Константин Сергеевич Алексеев бўлиб, у 1863 йилнинг 5 январиди, Москва шаҳрида туғилган. Алексеевлар авлоди йирик саноатчи зодагонлар доирасига мансуб бўлиб, бу сулоладан кўплаб машҳур маданият ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Алексеевлар оиласининг «Большой» ва «Малый» театрларда ўз муҳим ўриндиқлари бўлиб, улар барча янги саҳналаштирилган ва гастролга келган театрларнинг спектакллари томоша қилишган.

Константин 14 ёшга тўлганида унинг илтимосига биноан Алексеевлар хонадониди «уй театри» ташкил қилинди. 1877 йилнинг 5 сентябрида онасининг туғилган кунига бағишлаб, «уй театри»да саҳналаштирилган спектаклда Константин илк маротаба ҳаваскор актёр сифатида роль ўйнайди. У шу кундан бошлаб барча таассуротларини кундалик дафтарига муҳрлаб боради. Бу «уй театри» 1881 йилдан бошлаб «Алексеевлар тўғараги»га айланди. Машҳур тўғарак асосида 1888 йили «Москва санъат ва адабиёт жамияти» ва унинг қошида «Муסיқали ва драматик театр» мактаби ташкил топди. Жамият фаолияти тобора ривожланиб, 1898 йили Константин Алексеев-Станиславский ва Владимир Немирович-Данченко ҳамкорлигида «Москва Бадиий театри» ташкил қилинди. Бу оммабоп театр «кечинма санъати мактаби»нинг назарий ва амалий бешигига айланди.

Театр санъатига бўлган ихлос ва синчковлик Станиславскийни – «актёр саҳнанинг ижодкори ҳамда соҳибидир» деган фалсафий-ғоявий хулосага олиб келди. Бу ғоя унга 1877 йилдан бошлаб то умрининг охиригача тинчлик бермади. Станиславский 1935 йилнинг 7 августида Москва шаҳрида оламдан ўтди.

«Станиславский системаси» – театр санъатининг актёрлик маҳорати, режиссёрлик ва педагогика билан боғлиқ жараёнларни юксак бадиий савияда ифодалаган «кечинма санъати» тизимининг назарий асосларидир. Бу назарий асослар театр санъатига бағишланган барча системаларнинг, илмий-амалий тадқиқотларнинг диалектик ривожини эди. Натижада унгача бўлган театр санъати билан боғлиқ барча назарий ва амалий қарашларни яхлит бир тизимга солиш масаласи илмий ҳал қилинди.

Станиславский актёрлик мақомига эришганларни эволюцион ривожланиб борувчи уч даражага ажратади. Биринчиси – актёрлик туйғусига таянган ижро. Иккинчиси – ижодкорлик туйғусига асосланган ижро. Учинчиси – санъаткорлик туйғусига эга бўлган, юқори бадиий савияда-

ги ижро. Бу уч даража орасидаги фарқни англаш фақат Станиславскийга насиб қилди ва «кечинма санъати» тизимини яратишига асос бўлди. У актёрлик санъати диалектик ривожланишдан иборат жараён эканлигини назарий исботлади.

Маъмур Умаров



1. Матн тили, услубини аниқланг.
2. Жадвални тўлдилинг.

| № | Даъво қилиш (Матндан тайёр жумлалар олинади) | Асосий ахборот | Майда тафсилотлар | Яширин ахборот |
|----|--|-------------------|----------------------|-------------------|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| 4. | | | | |

3. Матн мазмунини тақдимот кўринишида: жадвал, чизма, диаграмма кўринишларидан бирида намойиш этинг.
4. Матн мазмунига аннотация ёзинг.



Қуйидаги иншо устида ишлашнинг тартиб-қоидаларидан фойдаланиб, дарс мавзуси доирасида ривоя мазмунида матн ёзинг. Синфга тақдим этинг.



Иншо устида ишлаш энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Иншо мавзусини танлаш, уни қандай, қайси услубда, қайси шахс номидан баён этиш, ўз мулоҳаза ва фикрларини иншо таркибига қандай сингдириш кабилар ўқувчилар учун доимий муаммо бўлиб келган.

Иншо устида ишлашнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Иншонинг асосий мазмунини аниқлаш. Агар зарур бўлса, мавзунини оидинлаштириш.
2. Ёзган иншонгиз орқали кимни, нима ҳақида ва қандай қилиб ўз маслагингизга тортиш ҳақида фикр юритиш.
3. Зарур материалларни тўплаш ва саралаш.
4. Иншонинг қайси нутқ типига (ҳикоялаш, тасвирлаш, муҳокама) ёзилишини аниқлаш.
5. Иншонинг, асосан, қайси услубда (масалан, бадиий, публицистик) ёзилиши ҳақида бир қарорга келиш.
6. Режа тузиш.
7. Иншонинг хомаки кўринишини ёзиб, уни текшириш ва кўчириш.

Театр санъати орқали томошабинни маънавий, маърифий, бадиий, ахлоқий тарбиялаш ҳамда руҳан поклаш – фаол ва ҳалол хизматни талаб қиладиган муқаддас бурчдир!

К.С. Станиславский



118-машқ. Матнни ўрганиб ўқинг.

Станиславскийнинг назарий қарашларига асосланган «Санъатдаги ҳаётим» китоби 1934 йилда Парижда француз тилида нашрдан чиқди. 1936 йилда эса Нью-Йоркда «Актёрнинг ўз устида ишлаши» асари инглиз тилида «Актёр тайёрланмоқда» номи билан нашрдан чиқди.

«Система»нинг дунё бўйлаб тан олинганлигига гувоҳ Станиславский ўз шогирдларига «кечинма санъати» асосларини сақлаб қолинг ва уни юзакиликдан ҳимоя қилинг, деб мурожаат қилди. «Система»ни ҳимоя қилиш учун янги йўналишда тарбияланган актёрларнинг этикаси, яъни тарбияланганлик даражаси «кечинма санъати»нинг навбатдаги бош масаласига айланди. Сабабини Станиславский қуйидагича изоҳлайди: «...динга, ватанга ва театрга хизмат қиладилар. Театрдек муқаддас даргоҳга ишга келинмайди. Театрда хизмат қиладилар ва бу хизмат актёрларнинг инсонийлик ва фуқаролик бурчидир. Театр санъати орқали томошабинни маънавий, маърифий, бадиий, ахлоқий тарбиялаш ҳамда руҳан поклаш – фаол ва ҳалол хизматни талаб қиладиган муқаддас бурчдир.

Арасту таъкидлаганидек, ахлоқ бу сиёсатдир. Ҳақиқатдан ҳам, спектакль яратиш жараёнида жамоага манзур бўлиш, у билан ҳамкорликда галаба учун хизмат қилиш, соғлом ижодий муҳитни сақлаш учун фаоллашиш актёр этикаси билан боғлиқ бўлган театр санъатининг сиёсий масаласидир. Шунинг учун Станиславский «артист этикаси системанинг қалбидир» деган таълимотни илгари суради.

Станиславский «кечинма санъати» назариётчиси, амалиётчиси ва педагоги сифатида ўзигача ҳеч ким эътибор бермаган саҳна сирлари билан боғлиқ комплекс масалаларни илмий ёритади, асослайди, исботлайди. «Роль устида ишлаш» масалаларини бешинчи ва олтинчи томлардан жой олган суҳбатлар ва маърузаларида янада чуқурроқ изоҳлай олди. Еттинчи ва саккизинчи томлардан жой олган хатларида ўз ихтироларини замонасининг энг етук ижодкорлари, актёрлари, режиссёрлари, драматурглари, композиторлари, физиологлари, рассомлари билан ёзишувларидаги баҳс-мунозараларда изоҳлаган.

Жаҳонни забт этган «Станиславский системаси» 8 жилдлик «К.С.Станиславский», 4 жилдлик «К.С.Станиславскийнинг ҳаёти ва ижоди», 6 жилдлик «Станиславскийнинг режиссёрлик маҳорати», «Станиславский ва жаҳон театри», «Станиславский этикаси» номли китобларда ва унинг ихтиролари билан боғлиқ қатор диссертацияларда изоҳланган.

«Система»дан тўғри ва унумли фойдаланган ўзбек театр санъати арбоблари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Муҳамедов, Тошхўжа Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби режиссёрлар миллий саҳна санъатимизни, Г.Товстоногов, А.Эфрос, А.Гончаров, О.Ефремовлар рус театрини жаҳонга машҳур қилдилар.

Ўзбек театрлари амалиётига асосланган саҳна санъати педагогикаси 1964 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўтказиладиган театр санъати институтларининг «Диплом спектакллари фестивали»да тан олинди. 1982 йили академик Мамажон Раҳмонов раҳбарлигида ташкил қилинган «Станиславский системаси ва қардош халқлар театри» номли халқаро Конференциянинг Тошкентда ўтказилиши «система»ни Ўзбекистонда тўғри ўқитилаётганлиги, жаҳон театр арбоблари томонидан тан олганлигидан далолат эди.

2013 йил 17-19 январь кунлари Москва шаҳрида Станиславский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган «Станиславский ва жаҳон театрлари» номли халқаро Конференция бўлиб ўтди. Унда Англия, Франция, АҚШ ва Россиянинг жаҳонга машҳур режиссёрлари, санъат арбоблари ҳамда театршунослари Станиславский таълимотининг қудрати ва бугунги аҳволи тўғрисида ўз фикрлари билан ўртоқлашишди.

Конференция иштирокчилари 2013 йилни «Станиславский йили» деб эълон қилиш ҳамда Москва Бадий театри рўпарасида Станиславский ва

Немирович-Данченколарга ҳайкал ўрнатиш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келди.

Станиславский: «Мен биронта янги қонун яратмадим, фақат табиат ҳамда инсон руҳи билан боғлиқ қоидаларни актёрлар ўз ижодида тўғри фойдалансин, деб тизимга солдим ва улар миллати, ирқи ҳамда эътиқодидан қатъий назар, барча халқларга бирдек хизмат қилади» деб таъкидлади.

Демак, бу тизимни тушунмасдан инкор қилиш, ҳаёт ва табиат қоидаларини тан олмаслик билан баробар эътиборсизлик, дилетантлик бўлади. У, «системани» тўғри тушунганлар ва ундан тўғри ҳамда унумли фойдаланган ижодкорлар, келажакда ўзлари кўплаб янги тизимлар яратади, деб умид қилади. Биз ҳам шундай бўлишига ишонамиз!

Маъмур Умаров
(ziyouz.uz)



Қуйидаги саволлар устида ишланг.

1. Станиславский нимани тизимга солди?

- А. Ижодкорларни, иштирокчиларни, актерларни
- В. Инсон руҳи билан боғлиқ қоидаларни
- С. Театр билан боғлиқ янги қонунларни
- Д. Ҳеч ким эътибор бермаган сахна сирларини

2. Матн таркибига алоқаси йўқ қаторни белгиланг.

- А. Саҳна санъати педагогикаси
- В. Динга, ватанга ва театрга хизмат қиладилар
- С. Ҳар беш йилда ўтказиладиган театр санъати
- Д. Ҳалол хизматни талаб қиладиган муқаддас бурчдир



3. Матн таркибига боғлиқ хронологик жадвал тузинг.

| Сана | Воқеа | Изоҳ |
|------|-------|------|
| | | |
| | | |

4. «Мен биронта янги қонун яратмадим, фақат табиат ҳамда инсон руҳи билан боғлиқ қоидаларни актёрлар ўз ижодида тўғри фойдалансин, деб тизимга солдим ва улар миллати, ирқи ҳамда эътиқодидан қатъий назар, барча халқларга бирдек хизмат қилади», деган олим фикрига таяниб, «Театр миллат танламайди» мавзусида публицистик услубда матн ёзинг.



Қуйидаги расмлардан бирига тасвирлаш услубидан фойдаланиб, ҳикоя тузинг.



Мен театрга қараганда кўпроқ нафис шакллар ва пок ахлоқни талаб қиладиган касбни билмайман.
Денис Дидро



ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН КИНЕМАТОГРАФИЯСИ

Эркин баён устида ишлаш

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ тинглаган, ўқиган материални ҳаққонийлик нуқтаи назаридан танқидий баҳолаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривож матн ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



119-машқ. Матнни изланиб ўқинг. Аудиториясини аниқланг.

2020 ЙИЛГА КЕЛИБ ДУНЁ КИНОСИНИ ЎЗГАРТИРГАН ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Жаҳон киноси ўзгармоқда. Йигирманчи асрда у жим кинодан товуш ва рангга сакраш қилди. Кинорежиссёрлар пленкали фильмни ташлаб, рақамли камераларда тасвирга олишяпти. Аммо XXI асрда кино оламини ўзгартирадиган қизиқ тенденциялар пайдо бўлди. Улар ҳақида сизга кўпроқ маълумот берамиз.



Кинематограф – бу санъатнинг динамик шакли бўлиб, фақат технологик тараққиёт таъсири остидагина ўзгармайди. Технологияларнинг гуллаб-яшнаши ғоялар инқирози фониди рўй бермоқда, кинофестиваллар қоидаларини ўзгартирмоқда, кино мукофотлари машҳурлигини йўқотмоқда, телесериаллар кино санъатининг етакчи шаклига айланмоқда.





2020 йилга соҳани ўзгартирган ки-
нинг асосий йўналишлари:

**Кинокомикслар – бу энг яхши замона-
вий фильмлар.**

Ўн йил ичида кинода ҳақиқатан ҳам ўзгарган нарса бу комиксларга бўлган муносабатдир. Комиксларни катта экранга ўтказишга уринишлар аввалги даврларда ҳам қилинган. 1980-йиллар охири ва 90-йилларнинг биринчи ярмида Бэтман ҳақидаги фильмлар муваффақият қозонди. Аммо комикс фильмларининг асл гуллаб-яшнаш палласи «Марвел» туфайли рўй берди.

2008 йилда «Темир одам» экранга берилди. Тони Старк суперқаҳрамонга айланди, шу туфайли кино саноати ўзгарди. Фильм кўплаб эсдаликларни келтириб чиқарди, бюджетни тўрт марта қоплаб, миллион-миллион доллар даромад олиб, «Оскар» ва БАФТА мукофотларига номзод бўлди. Муваффақият таъсири остида «Марвел» ДС фильмларини тез-тез чиқара бошлади. Унинг «Жокер» фильми 2019 йилда «Оскар» мукофотларига номзодлик сони бўйича етакчига айланди.

Технология замонавий фильмларни ўзгантиради.

Кино тарихи кўплаб технологик ютуқларни билади: 1977 йилдаги оригинал «Юлдузли урушлар» махсус эффектлар туфайли томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Жеймс Кэмерон «Терминатор» фильмининг иккинчи қисмида (1991) суюқлик Т-1000ни кўрсатиб, технологик ютуқни амалга оширди ва сўнгра «Аватар» (2009) фильми билан дунёни ҳайратда қолдирди.

Технология шу қадар тез ривожландики, суратга олиш майдончаси яшил экранли кичкина студияга айланди, унинг фонида махсус костюм кийган актёр бир нечта манипуляцияларни амалга оширди.

«Ирландиялик»ни суратга олиш учун (2019) Мартин Скорсезе актёрларни ёшартириш технологиясидан фойдаланган, бу Жо Пеши, Аль Пачино

ва Роберт Де Ниро бир қахрамоннинг ҳаётини турли даврларда ўйнаши учун имкон берган.

Замонавий кино ғоялар инқирозида.

Замонавий кино ғояларининг инқирози чексиз франшизалар, ўн, ҳатто йигирма йил аввал олинган фильмларнинг ремейклари, эски фильмлар билан тўлдирилган премьералар жадвалига назар ташласангиз, янада равшан бўлади.

Асл сюжетга эга бўлган жуда қизиқ фильмлар катта экранларга чиқиши камдан-кам ҳолатларга айланди. Фақатгина 2020 йилдагина «Форсаж» франшизасининг тўққизинчи қисми чиқади, 2019 йилда эса «Форсаж: Хоббс ва Шоу» спин-офф дунёнинг энг кассабоп етакчиларидан бирига айланди.

2016 йилда «Шарпалар овчилари»-нинг аёллар нусхаси кассада муваффақиятсизликка учради, 2020 йилда эса 1989 йилда суратга олинган «Шарпалар овчилари: Меросхўрлар» фильмининг давоми чиқиши кутилмоқда.

Катта фильмдан телевидениега кўчиб ўтиш.

Кино санъати телесериалларнинг оммалашуви билан ўзгариб бормоқда. Олдинги ўн йилликларда режиссёр фақат мавқеининг пасайиши оқибатида телевидение томон юз бурар эди. Улар телесериалларга катта маблағ сарфлай бошлаганларида вазият ўзгарган. «Тахтлар ўйини» нафақат энг юқори бюджетли телесериаллардан бирига айланди, балки дунёда энг таниқли юлдузлар шоусида роль ўйнайдиган актёрларга айланди.

Етакчи актёрлар бу тенденцияни пайқадилар ва телесериалларда кўпроқ суратга туша бошладилар. Киллиан Мерфи ва Том Харди «Ўткир соябонли қалпоқлар» фильмида, Жуд Лоу ва Жон Малкович «Ёш дада» ва унинг давоми «Янги дада» шоуларида ролларни ижро этишди.

«Оскар» нуфузининг пасайиши.

Дунёдаги асосий фильм мукофоти ишончни йўқотмоқда. Бу академия аъзоларининг тарафкашлик қилиши, ранг-барангликни, аёл режиссерларни ва бошқаларни эътиборсиз қолдириши каби кўплаб айбловлари билан боғлиқ. 2018



йилда маросимни аввалгисига қараганда 16% кам томошабин томоша қилган.


Тадбирга қизиқишни қайта тиклаш учун, 2020 йилда ташкилотчилар олиб борувчилардан воз кечишди, тадбир вақтини бир соатга қисқартиришди ва маросимни февраль ойининг бошига ўтказишди.

Сўнгги йил тенденциялари кино олами ўзгариб бораётганини кўрсатмоқда. Технологик тараққиёт янги ғоялар инқирози билан бирга келмоқда, телесериаллар тўлиқметражли фильмларга қараганда оммалашмоқда ва нуфузли фильм мукофотлари ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Рақамли технологияларни ривожланиши билан мустақил кинематограф ва оқим хизматлари йирик студиялар билан рақобатлаша олади.

Тимур Алиев



1. Ўқиган матнни ишончлик нуқтаи назаридан баҳоланг, танқидий кўзқарашингизни билдириш. Далиллар келтириш.



2. Матн тили устида ишланг. Кино санъатига тегишли атамалар рўйхатини тузинг, изоҳланг.

| Атамалар | Изоҳи |
|----------|-------|
| | |

4. Матн таркибидаги маълумотларни тақдимот кўринишида: чизма, шаклида намойиш этинг. Замонавий кино жанрлари ҳақида маълумотларни акс эттиринг.

Масалан:



Мен фильм драмаси қаҳрамон йиғлаган пайт деб ўйлардим. Мен ноҳақ эдим. Кино драмаси томошабинлар йиғлашганда кечади.

Франк Капра



ЭРКИН БАЁН УСТИДА ИШЛАШ

Эркин баён ёзишда ўқувчи баён матнини ихтиёрий танлаб олади ва уни ёритишда қўйидаги қоидаларга амал қилиш баённинг мукамал ёзилишига ёрдам беради:

1. Матн ўқилиб, ундаги маъноси қийин сўзлар аниқланиб, унинг ҳажми ва чегараси белгиланади.

2. Танланган иншонинг мавзуси аниқланиб, унинг ҳажми ва чегараси белгиланади.

3. Матн диққат билан ўқилиб, мавзуга тегишли манбалар танланади, зарур кўчирмалар олинади ва китобдаги шу ўринлар белгилаб қўйилади.

4. Баённинг етакчи ғояси аниқланади.

5. Баённинг асосан қайси нутқ типига (ҳикоялаш, тасвирлаш, муҳокама) ёзилишини аниқлаш.

6. Қайси услуб (сўзлашув, бадиий, публицистик, илмий, расмий-идоравий) турларидан фойдаланишни белгилаб олиш.

7. Режа тузиш. Бунда матндаги баён этилган масалалар тартиби баёнда бир хил акс этмаслиги мумкин эканлигини инобатга олиш.

8. Эркин баённинг бўлимларини қандай боғлаш, қайси сўз ва гаплардан фойдаланиш ҳақида ўйлаб кўриш.

9. Тузатиш ва таҳрирдан сўнг эркин иншонинг хомаки кўринишини тайёрлаш ва «оқ»қа кўчириш.



120-машқ.

ҒАРОЙИБ БОЛЛИВУД



Ёрқин ҳиссиётлар, оловли рақслар, ёқимли қўшиқлар ва ранг-баранг либослар – Болливудга ошиқ бўлганлар ҳинд киносига бўлган ўз муносабатларини бундай ҳаяжон билан атаб ўтишлари учун кўпгина сабабларни келтириши мумкин.

Дунёнинг турли томошабинлари учун бундай фильмларни томоша қилиш бир неча соат давомида Ҳиндистоннинг сирли маданиятига тушиб қолиш ва маҳаллий аҳоли билан танишиш учун имкониятдир. Агар сиз ушбу мамлакатга ташриф буюрган бўлсангиз, фильмни суратга олиш жараёнини ва қўшимча фильмларда юлдузни томоша қилиш имкониятини бой берманг.

Хўш, Болливуд нима?

Болливуд – бу ҳинд фильмларига қизиққан ҳар бир киши учун ўзига хос сўз. Бу Бомбей шаҳридаги, бугунги кунда Мумбай шаҳри деб номланади, бутун дунё бўйлаб Голливуд билан таққосланадиган кино саноатининг номи.

Ушбу сўз илк бор 70-йилларда тилга олинади, аммо атама 90-йилларнинг ўрталарида машҳурликка эришди. Ҳар йили мингдан ортиқ кинокартина Ҳиндистоннинг катта экранларида чиқарилади, уларнинг бешдан бир қисми Ҳиндистонда, Болливудда суратга олинган. Фильмни суратга олиш мамлакатнинг бошқа минтақаларида ҳам амалга оширилади – масалан, теллуга фильмлари Толливудда, тамил тилидаги фильмлар эса – Колливудда. Болливуд ва жануб Ҳиндистон кино саноатининг ажрал-



мас қисмига айланди. Рангли фильмлар бошқа мамлакатларда машхурликка эришишда давом этмоқда ва ҳар йили ўз ижодкорларига йигирма миллиард доллардан кўпроқ даромад келтиради.

Ҳинд киноси тарихи


Биринчи тўлиқ метражли кинофильм ўтган асрнинг бошларида – 1913 йилда Ҳиндистонда чиқарилган «Ража Харишчандр» қора-оқ фильми томошабинларга тақдим этилган. Ҳеч қачон бошқаларни алдамаган доно ҳукмдорнинг ҳикояси миллионлаб томошабинларнинг эътиборини тортди. Фильм ҳақиқий ҳаяжонни уйғотди, фильм премьераси ўша йилларда энг кўп муҳокама қилинган воқеалардан бирига айланди.



Ҳинд киносининг «Олтин аср» даври ўтган асрнинг 40-60-йиллари ҳисобланади. Бугунги кунда жанрнинг классикаси деб ҳисобланадиган бир қатор фильмлар, масалан, Меҳбуб Хоннинг «Она Ҳиндистон» асари экранга узатилди. Ушбу фильм ҳатто энг яхши чет тилидаги фильм сифатида «Оскар» га номзод бўлган. Маҳаллий режиссёрларнинг ишлари турли мамлакатлар кино танқидчилари томонидан юқори баҳоланмоқда. Гуру Даттнинг «Қоғоз гуллари» ва «Чанқоқ» картиналари ҳозиргача чиқарилган юзта энг яхши фильмлар рўйхатига киритилган. Рейтинги «Sight and Sound» ва «Time» журналистлари томонидан тузилган. Фильмларнинг яратувчиси барча даврларнинг энг буюк режиссёрларидан бири деб тан олинган.

Ҳинд фильмларининг ўзига хос хусусиятлари

Болливуд фильмларидаги аксарият вақт қўшиқ ва рақсларга бағишланади, деб ҳисобланади. Бироқ жанрга кўра, ҳинд фильмлари умуман мюзикл эмас, балки мусиқий қўшимчалари бўлган фильмлардир. Шу билан бирга, илгари бундай паузалар кўпроқ эди – одатда битта фильмда камида ўнтадан. Бугун улар беш-олтита. Голливуд режиссёрлари воқеани иложи борида ишончли тарзда айтиб беришга ҳаракат қилмоқдалар, шунинг учун улар актёрларнинг рақс ва қўшиқларини сюжетга ҳамоҳанг тушиши учун махсус мусиқий шароитлар яратадилар. Болливудда вазият мутлақо теска-



ри – музикалий эскизлар қахрамонларнинг ҳис-туйғуларини аъло даражада етказди, деб ҳисоблашади.


Сўнги йилларда музикалий паузалар камайиб, суҳбатлар кўпаймоқда. Одатда ҳинд киноси тайёр қолип бўйича суратга олинади – сюжет жуда анъанавий. Ўз ишлари учун актёрлар Голливуд меъёрларига зид келадиган миқдорда маош олади. Кўпроқ эътибор музикага қаратилади – фильм чиқарилишидан анча илгари унга ишланган саундтрек эшиттирилади. Шундай қилиб, ижодкорлар премьерлага бўлган қизиқишни кучайтиради.

Томошабинлар – асосан, мамлакат аҳолисининг кам таъминланган қисми ҳисобланади. Бу нарса фильм яратилаётган вақтда ҳисобга олинади.

Фильмнинг асосий қахрамонлари одатда, оддий одамлар бўлиб, улар ўзларининг тинимсиз ҳаракатлари, шахсий фазилатлари туфайли ҳаёт қийинчиликлари, адолатсизликларини енгиб ўта оладилар. Томошабинлар шундай қилиб, бир неча соатга ёрқин бўёқлар, ранг-баранг кийимлар ва илҳомлантирувчи гўзал музикаларга маҳлиё бўлгани ҳолда ўз муаммолари, ҳаёт ташвишларини унутиб, дам олишлари мумкин.

Жуда кўпгина ҳинд гўзаллари ўзларини актрисалик соҳасида синаб кўришмоқда. Масалан, 1994 йилда «Дунё гўзали(Мисс мира)» титули соҳибаси Айшвария Рай, 2000 йилда худди шундай мукофотга эга бўлган Приянка Чопра кино санъати соҳасида жуда катта муваффақиятларга сазовор бўлишди.

Ҳинд киноактёрлари орасида бир хил фамилияга эга актёрлар жуда кўп. Бу ҳар доим ҳам уларнинг қариндошлигидан далолат бермайди, лекин шу билан бирга, Болливудда авлодлар давомийлиги ҳам бор. Ҳаттоки



бир фильмда бир сулолага тегишли бир неча авлод вакиллари қатнашиши мумкин. Масалан, Капурлар авлодида актёрлар, режиссёрлар ва продюсерлар ҳам бор.

(indiada.ru)



1. «**Кино**» сўзига таъриф беринг. Бунинг учун турли луғатлардан фойдаланишингиз мумкин. 5-6та синфдошларингиз орасида сўровнома ўтказинг. Сўнгра «**ҳинд киноси**»га ҳам изох тўпланг.

| Ўқувчилар | Кино/ ҳинд киноси сўзларига таъриф |
|-----------|------------------------------------|
| 1-ўқувчи | |
| 2-ўқувчи | |
| 3-ўқувчи | |
| 4-ўқувчи | |
| 5-ўқувчи | |

2. Матндан қандай маълумотлар олдингиз? Матн тили, услуби, типини аниқланг.
3. Сиз яна қандай маълумотлар қўша оласиз?
4. Матндаги асосий ахборотни аниқланг.

| Асосий ахборот | Майда тафсилот | Изоҳ |
|----------------|----------------|------|
| | | |
| | | |


6. Матн таркибидан ўзингиз учун энг муҳим бўлган жумлани кўчириб ёзинг. Изоҳланг.
7. Матн мазмуни бўйича турли даражали саволлар тузинг.

| | |
|-----------------|---|
| 1-даража | Нима? Қаерда? Қачон? Қай ҳолда? ... ёдингизга туширинг. ... танланг. ... атанг. ... аниқланг. |
| 2-даража | ... ўз сўзингиз билан етказинг. Қандай тавсиялар шуни тасдиқлайдики, деганда, нимани назарда тутасиз? ... қайси жавобингиз энг тўғри жавоб, деб ўйлайсиз? Сиз ... қандай тушунтирган бўлардингиз? |
| 3-даража | Сиз ... қандай мисоллар келтирган бўлар эдингиз? Сиз ... ҳақда ўз тушунчангизни қандай етказган бўлардингиз? ... билан интервью вақтида нималар ҳақда сўраган бўлар эдингиз? |



Қуйидаги вазифани бажаринг.

«Мени қизиқтирган кино олами» мавзусида эссе ёзинг.





МЕҲНАТ – РОҲАТ

Оғзаки ҳикоялашга тайёргарлик

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назаридан уни танқидий баҳолаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



121-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Эй кўнгил, бахту саодат, не дединг, меҳнат дедим,
Меҳнатинг завқ берса одат, не дединг, роҳат дедим.

Ҳар фазилат касби заҳматсиз бўлурми дастгир,
Бўлмаса танда риёзат, не дединг, иллат дедим.

Юздаги ҳусну тароват, кўздаги меҳригиё
Сўздаги лутфу фасоҳат, не дединг, ҳурмат дедим.

Эгрилик исноди инсонга, разолатдан далил,
Тўғри йўлга чин далолат, не дединг, шафқат дедим.

Бадгумон дилдан ширинлик топмадим деб ранжима,
Шўру зах ердан зироат, не дединг, офат дедим.

Ҳар ёмону яхши йўлга бошлаган ўз хоҳишинг,
Бу икки маънода ҳикмат, не дединг, улфат дедим.

Кибру манманлик билан тўлган кўнгул ёр ўлмағай,
Камтарин дўстинг-ла суҳбат не дединг, давлат дедим.

Айтди донолар ғанимат, ҳар дамнинг, ҳар соатинг,
Бу азиз умр ичра қиммат, не дединг, фурсат дедим.

Бахралансин донишингдан беғараз толибларинг,
Лекин оғир юк ниҳоят, не дединг, миннат дедим.

Чархий, бошингни эмас, қалбингни рост айлаб гапир,
Сенга бу мазмун ишорат, не дединг, ибрат дедим.

Чархий
(*ziyouz.com кутубхонаси*)



1. Матн мавзуси, ундаги асосий фикр, қандай муаммо кўтарилганини аниқланг.
2. Муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матннинг услубий хусусиятларини аниқлаймиз.
3. Матн мазмунини тиниш белгиларига риоя қилган ҳолда ўз сўзингиз билан қайта баён этинг.
4. «Меҳнат роҳатми?» мавзусида аргументли эссе ёзинг (100-120 сўз).



122-машқ. Матнолди топшириқлар:

1. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг.
2. Сарлавҳа қўйинг.
3. Матн мазмунини ёритувчи 2 хил кўринишда режа тузинг.

| Одий режа | Тезисли режа |
|-----------|--------------|
| | |

4. Режа асосида монологик нутқ тайёрлаб, синфга тақдим этинг.
5. Матннинг услубий хусусиятларини атанг.

Бу дунё синов дунёси, унда ҳамма нарса меҳнат, машаққатга боғлиқ. Ким меҳнат қилса, роҳат кўради. Ким дангасаликка ўрганиб, мунтазам равишда роҳатга майл қилса, роҳатдан маҳрум бўлади ёки унга асло эришолмайди. Шунинг учун ҳам донолар: «Агар чарчашни хоҳламасанг, чарчагин!» дейишган. Яъни «Машаққатлардан қутулиб, роҳатга эришмоқчи бўлсанг, аввал машаққат билан меҳнат қил, ундан кейин чеккан машаққатларинг эвазига умр бўйи роҳатда яшайсан», деганидир бу. Яна дебиларки: «Дангасалик ва жиззакиликдан эҳтиёт бўл. Зеро, дангаса бўлсанг, ҳақни адо қилолмайсан. Борди-ю, жиззакилик қилсанг, ҳаққа сабр қилолмайсан». Яъни эринчоқ, дангаса одам зиммасидаги вазифаларини мукамал адо қилолмайди, Рабби фарз, вожиб қилган ишларни амалга оширишга сабри етмайди. Жиззаки, асабий, фақат нолишни биладиган, норози одам эса Аллоҳнинг иродаси билан содир бўлган мусибат, йўқотиш ва ҳоказоларга сабр қилолмайди. «Ҳақни адо қилолмайсан» ва «ҳаққа сабр қилолмайсан» деган сўзларнинг маъноси шундай.

Дангасалик, ишёқмаслик барча кулфатларнинг бошидир. Камбағаллик айб эмас, аммо у ялқовлик сабабидан келган бўлса, катта айбдир. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: «Эринчоқлик ва ишёқмаслик бир-бири билан турмуш қурди, натижада уларнинг ўртасида фақирлик туғилди». Ҳа, қайси бир кишида ожизлик, ношудлик ва дангасалик мужассам бўлса, у инсон фақирликка юз тутаяди. Дангасалик ва ожизлик уруғини ерга қадаган одам, алаалоқибат қашшоқлик ҳосилини йиғиб олади. Ожизлик деганда ўз иқтидорини баҳолай билмаслик, ўзига ишонмаслик, «қила олмайман», «қўлимдан келмайди», «уддасидан чиқолмасам-чи?» деган қўрқув ва хавотирларга берилиб, бирор ишга қўл уришга ботина олмаслик тушунилади.

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов



ОҒЗАКИ ҲИКОЯЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Нутқ ўстиришнинг асосий турларидан бири – оғзаки ҳикоялаш. Оғзаки нутқ чиройли, ихчам ва жозибадор бўлса, у тингловчига кучли таъсир кўрсатади. Оғзаки ҳикоялашнинг қуйидаги тартиблари мавжуд:

1. Ҳикоя нима мақсадда айтилишини аниқлаб олиш.
2. Ҳикоянинг мавзуси, асосий ғояси ва ҳикоялаш оҳангини (тантанали, мулойим, ғазабли, танқидий) белгилаб олиш.

3. Зарур материалларни тўплаш ва танлаш.
4. Ҳикояда нутқ типларидан қайсиниси (ҳикоялаш, тасвирлаш, муҳокама) етакчилик қилишини белгилаб олиш.
5. Ҳикоя қилишда қайси услуб (оғзаки, бадиий, публицистик, илмий, расмий-идоравий) қулай бўлишини аниқлаш.
6. Режа тузиш.
7. Ҳикояни ойнага қараб такрорлаш ва бунда ҳикоя қилиш оҳангига, мантиқий урғуга, нутқ тезлигига, овознинг паст-баландлигига ва имо-ишораларга эътибор бериш.



123-машқ. Матни диққат билан ўқинг ва хулосаларингиз билан ўртоқлашинг. Сарлавҳа қўйинг.

Яқин ўн йилликда автоматлаштириш ва рақамлаштириш меҳнат бозорига катта таъсир кўрсатади. Экспертлар бу ҳақда ишонч билан гапиришапти. Улар башоратича, айнан 15 йилдан сўнг иш ўринларининг 47% и роботлашган тизимлар зиммасига юклатилади.

Шубҳасизки, ақлли машиналар эрасининг гуллаб-яшнаши боис оғриқли ўзгаришлар ва кадрлар қисқаришига олиб келади. Ўзгаришлар, асосан, бир маромда қотиб қолган иш жараёнларига таъсир этади. Кассир, бухгалтер, ҳуқуқшунос каби ишларнинг катта қисми автоматлашди. Ижодий касбларга эса, аксинча, катта эҳтиёж сезилади.

Масалан, яқин келажакда юзлаб юқори малакали дизайнерларга талаб ортади. Экспертлар фикрича, бугунги кунда одамларни бозорнинг янги талабларидан огоҳ қилиш, қайта ўқитиш ва янги малака бериш зарур.

Женисбек Дулатов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги аҳоли бандлиги ва бозорларни ривожлантириш департаменти директори:

– Одамлар, албатта, ишсиз қолмайди. Биз қайта тайёрлаш курсларини очяпмиз. Иш излаётганлар ҳам, янги касб эгаллашни истаганлар ҳам бизга мурожаат этади. Рақамлаштириш жараёни талаби билан меҳнат бозорида улкан ўзгаришлар юз беради. Шунинг учун одамларни янги шароитга тайёрлаш лозим. Ҳаммамиз бунга ҳозир бўлишимиз зарур.

Алессандро Голио, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти меҳнат ва ижтимоий фаолият директори:

– Саноат секторини ўзгаришлар кутади. Хизматлар соҳасида ҳам улар таъсири кузатилади. Ҳозирги кунда ҳар бир соҳа у ёки бу даражада рақамлаштириш ва янги технологиялар жорий этиш сари бормоқда. Назаримда, яқин келажакда меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги ошади.

Вилоят ҳокими Архимед Мухамбетов:

– Вилоят иқтисодидаги кўрсаткичларнинг ўсиши ижтимоий соҳадаги барқарорликни сақлашга мумкинлик бермоқда. Янги иш ўринларини ташкил этиш орқали ишсизликнинг даражасини пасайтириш масалаларини ҳал этишга ёрдам берапти.

Самарали бандлик ва ёппасига касбкорликни ривожлантиришга бағишланган «Еңбек» дастурини амалга ошириш ўз ҳиссасини қўшади. 2019 йили 7,7 млрд тенге ўзлаштирилди. Аҳолини иш билан таъминлаш режаси муваффақиятли йўлга қўйилиши туфайли 24,7 минг одамнинг ўрнига 32,0 минг одам иш билан таъминланди.

Бу эса белгиланган вақтга нисбатан 30% га ортиқ бажарилди деган гап. Ўтган йили минтақада 16 мингга яқин иш ўринлари очилди. Натижада ишсизликнинг кўрсаткичи 4,7% га камайди. Республика бўйича бу кўрсаткич 4,8% га етди. Ўртача иш ҳақи миқдори 15,6% га ўсди ёки тахминан 140 309 тенге.

«Келтирилган маълумотларга кўра 2019 йил омадли бўлди дейиш асослидир. Экономиканинг барча соҳасидаги кўрсаткичлар юқори даражада. Бу йили эса бу кўрсаткични кўтарсак кўтарамиз, бироқ камайтирмаймиз», – деди.

*А.Ибирай
(Интернет манбаларидан)*



1. Матннинг услуби, жанрини айтинг. Унда қандай воқеа ҳикоя қилинганини аниқланг.
2. Матнда қандай муаммо кўтариляпти? Мақсадини ёритинг. Танқидий муносабатингизни билдилинг.
3. Матннинг мавзуси ва бош ғояни аниқланг.

4. Матн устида ишланг. Мазмунини қуйидаги жадвал асосида қуйидаги машқлар мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| 116-машқ матни | 117-машқ матни | 118-машқ. |
|--|----------------|-----------|
| Мавзуси | | |
| | | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | | |
| | | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | | |
| | | |
| Тузилиши, жанри, услуби | | |
| | | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | | |
| | | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | | |
| | | |

Меҳнатсеварлик кундалик ҳаётини юмушларда ҳар қандай буюк ақл эгаси қила оладиган ва шу билан бирга, у қила олмайдиган кўпгина ишларга ҳам қодирдир.

Г. Бишер



Эришган барча ютуқларим алоҳида ақл соҳиби эканимдан эмас. Мен масалаларни ечишда узоқ вақт таслим бўлмайман.

Альберт Эйнштейн





ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ

Ҳикоя устида ишлаш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ илмий ва публицистик услублар ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз, аниқлаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ имловий меъёрларга амал қиламиз.



124-машқ. Матнни ўқинг, муҳокама қилинг.

Меҳнат бозори кўп қиррали, турлича, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг динамик тизими доимий равишда юксалиш ва меҳнатдан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Илмий, техник, технологик ва ахборот тараққиёти ривожланиши билан меҳнат бозорининг роли тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли, замонавий шароитда иқтисодиётнинг ўсиб бораётган тармоқларини юқори малакали кадрлар билан тўлдириш учун мувозанатли меҳнат бозорини яратиш зарурият касб этмоқда.

Меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш Қозоғистонда давлат сиёсати доирасида амалга ошириладиган ижтимоий йўналтирилган давлатни шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шундай қилиб, «Қозоғистон-2050: шаклланган давлатнинг янги йўналиши» стратегиясида меҳнат бозорини модернизация қилиш ва аҳолининг ижтимоий таъминоти даражасини ошириш дунёда ижтимоий беқарорлик кучайиб бораётган бир шароитда асосий кун тартибидир.

Бугунги кунда Қозоғистонда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси жуда юқори. 2016 йилда иқтисодий фаол аҳоли сони 9 миллионни ташкил этди, бу беш йил давомида 1,9 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, иқтисодий фаоллик даражаси 1,7 фоиз даражага камайди ва 70% ни ташкил этди.

8,6 миллион кишини ташкил этган иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ва 0,5 миллион киши ишсиз деб таснифланади. 2012 йилга нисбатан ишсизлар сони 29,3 минг кишига ёки 6,2% га камайди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш замонавий давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифасидир. Ёшларнинг меҳнат бозорида мавқеини баҳолаш зарурати ёшлар мамлакат келажаги эканлиги ва иқтисодийёт ва жамиятнинг кейинги ривожланиши уларнинг фаолиятининг бошланғич шартларига боғлиқлиги билан боғлиқ. Бугунги кунда ёшлар Қозоғистоннинг иқтисодий фаол аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, сўнгги беш йил ичида ёшлардаги ишсизлик даражаси 1,3 фоиздан 4,1 фоизгача пасайди (мутлақ кўринишда ишсиз ёшлар сони 37,9 минг кишига камайди). Шунингдек, узоқ муддатли ёшлар ишсизлигининг даражаси 2012 йилдаги 3 фоиздан 2016 йилда 2,2 фоизга босқичма-босқич пасайиши кузатилди, бу эса иқтисодий жиҳатдан фаол ёшлар сонисида бир йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида ишсиз бўлган ёшлар улушининг пасайишини ижобий ифодалайди. Ёшлар – 15-28 ёшдаги аҳоли.

З.К. Шаукенова
(kisi.kz)



1. Матннинг услуби, жанрини аниқланг.
2. Мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсадга йўналтирилган аудиторияни аниқлаб, изоҳланг.



3. Ушбу мавзу сизнинг ҳаётингизга алоқадорми?
4. Матн мазмуни бўйича ўзаро савол-жавоб ўтказинг.



125-машқ.

ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ ЎРГАНИЛДИ

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кенг кўлам касб этаётган бугунги кунда қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.



Қўшқўпирлик тадбиркор Ойбек Оллаберганов ана шу эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, замонавий эшик ҳамда дераза ромлари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Қўшқўпир савдо инвест» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Айти пайтда, илғор технологиялар ёрдамида йилига 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Корхона қошида маиший хизмат ва сервис мажмуаси ҳам қурилиб, ишга туширилди. Бу ерда аҳолига савдо хизмати билан бирга, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа 1 миллиард сўмлик банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига рўёбга чиқарилди. Ҳозир корхонада ҳар ойда ўртача 60 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари тайёрланмоқда ҳамда аҳолига турли хизматлар кўрсатиляпти. Муҳими, ушбу лойиҳа амалга ошиши билан қишлоқ ёшларидан 20 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборлиси, ўтган йили вилоятда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли 1 минг 200 дан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Ойбек Раҳимов



1. Матнда қандай масала кўтарилган? Асосий фикр нимада?



2. «Т-жадвали» усули асосида матнда кўтарилаётган масалани жадвал ёрдамида ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|-----------|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| ... | ... |



3. Матнни овоз чиқармай ўқиб кўринг. Матнни қандай оҳанг билан ўқиш лозимлигини аниқланг.
4. Қуйидаги жадвални ўрганиб чиқиб, ўзингиз мустақил «Меҳнат бозорида талаб ва эҳтиёжлар» мавзусида ҳикоя тузинг. Ҳикоя ёзиш қоидасига риоя қилинг.



Ҳикоя тузиш ёки уни бадиий ифодалаб ёзиш анча мушкул иш. Ҳикоя ёзишнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Қандай воқеа ҳақида ҳикоя қилиш кераклигини билиб олиш. Унинг ўқувчига ёки тингловчига манзур бўлиш-бўлмаглигини аниқлаш.

2. Ҳикоянинг мавзусини ва асосий ғоясини хаёлан шакллантириш ва унга сарлавҳа танлаш.

3. Ўзингизнинг хотираларингиздан ёки бошқа манбалардан муҳим материалларни тўплаш.

4. Ёзилажак ҳикоянинг композицион тузилишини ишлаб чиқиш.

5. Ҳикоя композициясини аниқлаштира туриб, унинг режасини тузиш. Ҳикоянинг муқаддима, тугун, кульминация, ечим, хулоса қисмларини аниқлаш.

6. Ҳикоя қисмларининг ўзаро ҳажм боғланишига эътибор бериш, асосий воқеага кўп ўрин бериш кераклигини унутмаслик.

7. Ҳикояда диалог ёки алоҳида реплика, муҳокама каби тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш, уларнинг асосий воқеадан ортиб кетмаслиги, аксинча унинг тасаввур ҳосил қилишга, кишилар характерини очишга ёрдам бериши керак.

Ҳикоянинг хомаки кўринишини ёзиш ва тузатишлар киритиб кўчириш.



126-машқ. Матнни диққат билан ўқинг ва жуфтликда мулоҳаза юритинг.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Фанда шундай қараш мавжуд: эҳтиёж тушунчаси кишиларнинг ҳаётий воситаларига бўлган заруриятини ифодаловчи илмий категория сифатида тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниши талаб тушун-

часидир. Талаб эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий категория (илмий тушунча) сифатида қўлланилади. Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинадиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Истеъмолчи маълум вақтда нархларнинг ҳар бир даражасида сотиб олишга қодир бўлган товарлар ва хизматлар миқдори талаб дейилади. Бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури бор: якка талаб ва бозор талаби. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.

Индивидуал, яъни якка талаб ҳам, бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қиладиган омил нарх омилдир.

Тадқиқотлар товарга нархнинг пасайиши сотиб олинадиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши унинг миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Маҳсулот нархи ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасида бўладиган тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади.

Талаб миқдорига таъсир қилувчи баҳодан бошқа омиллар. Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар талабнинг нархдан ташқари омиллари дейилади. Талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир қўрсатади: 1) истеъмолчининг диди; 2) бозордаги истеъмолчилар сони; 3) истеъмолчининг даромадлари; 4) бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи; 5) келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Таклиф тушунчаси ва қонуни. Таклифга таъсир қилувчи омиллар. Таклиф ишлаб чиқарувчи маълум вақт ичида ишлаб чиқаришга қодир бўлган нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган маҳсулотлар миқдорини кўрсатади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади.

Таклиф ҳар хил нархларда сотишга қанча миқдорда маҳсулот чиқарилишини кўрсатади. Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товар (таклиф) миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради. Бу ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқлик таклиф қонуни дейилади.

(Интернет манбаларидан)



1. Матн мазмуни билан танишиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилган?
3. Бирор бир маҳсулотни бозор нархига олиб чиқиш ўйингиз борми? Қандай?



4. Матнни ифодали ўқиш режасини тузинг.
5. Матннинг асосий ғоясини 1-2 жумла орқали баён этинг.
6. Матннинг асосий ғоясини етказиб беришда муаллиф қандай далиллардан фойдаланган? Уларнинг ролини изоҳланг.
7. Талаб ва эҳтиёж ҳақида олган билимларингиз билан қуйидаги «БББ» усули орқали ўртоқлашинг.

| «Биламан» | «Билишни хоҳлайман» | «Билиб олдим» |
|-----------|---------------------|---------------|
| | | |
| | | |

Виждонан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ.

Стендал





БОЗОР МУВОЗАНАТИ

Расм асосида ҳикоя тузиш

БУГУНГИ ДАРСДА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назаридан уни танқидий баҳолаймиз;
- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши ва китобхонга кўрсатган таъсирни ҳисобга олган ҳолда матнларнинг услубий хусусиятларини таққослаймиз;
- ❖ турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзамиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



127-машқ. Матнолди топшириқлар:

1. Қуйидаги тасвири сўзлатинг. Расм орқали матн мазмунини олдиндан тахминлаб кўринг. Шу аснода қисқача тасвирий матн тузинг.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ

$$Q_d = Q_s$$

ХАРИДОРЛАР



СОТУВЧИЛАР

Талаб ҳажми таклиф ҳажмига тенг бўлган
бозордаги вазият

2. Матни ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг. Мавзусини аниқлаб, мос сарлавҳа қўйинг. Ўзингиз тузган матн мазмуни билан солиштиринг.

Товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ўзгаришига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларнинг барчасини санаб ўтиш қийин. Лекин асосийларини кўрсатиш мумкин.

1. Талабга, энг аввало, нарх таъсир қилади. Талаб билан нарх ўзаро функционал боғланган бўлиб, бирининг ўзгариши, албатта, иккинчисида намоён бўлади. Кўп омилларнинг ўзгариши охир-оқибат нарх ўзгариши орқали юзага келади.

2. Ўринбосар товарларнинг нархи. Ўринбосар ёки бир-бирига боғлиқ товарларнинг бўлиш ёки бўлмаслиги талабга катта таъсир кўрсатади.

Асосий товарнинг нархи юқори бўлиб, ўринбосар товарларни нархи арзон бўлса, ўринбосар товарларга талаб ортади ёки аксинча. Масалан, сариёғ билан маргарин, қўй гўшти билан мол гўшти ва ҳк.

Яна шундай товарлар борки, улар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Айтайлик, бензиннинг нархи паст бўлса, машинада кўп юрилади, у ўз навбатида мотор мойига бўлган талабни кўпайтиради. Аксинча, бензин нархининг ошиши мотор мойига бўлган талабни камайтиради. Демак, бензин ва мотор мойига бўлган талаб бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўлдиради.

3. Харидор диди, таъби, мода ўзгариши. Мавжуд товар тури учун истеъмолчилар дидининг ўзгариши ёки афзал кўриш, яъни моданинг харидор дидига мос келиши шу товарга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлади. Ёки аксинча ҳолат юз бериши мумкин.

4. Харидор даромади. Таъкидлаб ўтганимиздек, талаб ҳақида гапирганимизда тўлов қобилиятига эга бўлган талабни назарда тутамиз. Шунинг учун уни ҳажмига таъсир қиладиган муҳим омил аҳоли даромади.

Харидорлар даромадининг ўзгариши кундалик эҳтиёж молларига қараганда узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган товарларга кўпроқ таъсир қилади.

Бошқача айтганда, даромаднинг ўсиши саноат товарларига мебель, гилам, чангютгич, телевизор, мусиқа асбоблари ва бошқаларга бўлган талабни оширади.

5. Кутиладиган ўзгаришлар.

Ҳозиргига нисбатан товарларнинг келгуси нархи ва бўлгуси даромад истеъмолчиларнинг талабини ўзгартиради.

Келажакда нархлар кўтарилиши кутилса, харидорлар келажакда даромадларини йўқотмаслик учун товарларни кўпроқ сотиб олишга ҳаракат

қиладилар. Талаб ортади. Аксинча, нарх тушиши ёки даромаднинг камайиши кутилса, жорий талаб пасаяди.

6. Демографик омил.

Талабнинг нархга боғлиқлиги:

1. Товарнинг нархи қанча юқори бўлса, ҳақиқатан ҳам, кишилар камроқ харид қилади.

2. Харидор биринчисини зарур сотиб олади, иккинчисини нархи арзон бўлса, олади.

3. Нархнинг пасайиши харидорни реал харид қобилиятини оширади. Харидор олмоқчи бўлган товарининг биттасини ўрнига иккита олади. Бошқача айтганда, юқори нарх истеъмолчиларда харид қилиш хоҳишини сўндиради, паст нарх эса бу хоҳишни кучайтиради.

Талаб эластиклиги. Талаб қонуни нарх билан боғлиқ равишда талабнинг ўзгаришини кўрсатади, лекин унинг қай даражада ўзгарганини кўрсатмайди. Иқтисодий вазиятни тўғри баҳолаш учун эса талабни қанчалик ўзгаришини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай маҳсулотлар борки, нархнинг озгина ўзгариши харид қилинаётган товар миқдорини анча ўзгаришига олиб келади. Баъзи маҳсулотлар эса нархини каттагина ўзгаришидан қатъий назар, сотиб олинадиган товар миқдорини ўзгаришига унча таъсир қилмайди.

(Интернет манбаларидан)



1. Ахборот асосида «Фикрлар қутиси» усулида **нарх** тушунчасига фикрмулоҳазалар тўпланг, сўнг «Кластер» бажаринг.
2. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятига кўра услубини аниқланг.
3. Матндан бир неча сўз танлаб олиб, уларнинг лексик ва грамматик маъноларини аниқланг.
4. Матндан сўзлашув услубига хос сўзларни топиб кўчиринг.
5. Матннинг ҳар бир қисмига алоҳида саволлар тузинг.
6. Сўзнинг лексик маъноси қандай ифодаланади?
7. Гуруҳларда қуйидаги мавзулар устида мунозара олиб боринг ҳамда фикрингизни хулосалаб, тақдимот қилинг:
1-гуруҳ: «Бозор мувозанати нима?»
2-гуруҳ: «Сиз тежамкор харидормисиз?»
3-гуруҳ: «Ҳозирги кун тадбиркори: барча шароитлар яратилганми?»

Инсоният фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш – қанчалар буюк ишдир!

А. Сен-Симон



Расомлар томонидан чизилган расмлар услуб жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларда ҳам бирор воқеа, тушунча, кўзқараш, фалсафий мушоҳада кабилар акс эттирилади. Расм асосида ҳикоя тузиш учун қуйидаги тартиб-қоидаларга амал қилинса, тузилган ҳикоя мазмунли ва қизиқарли чиқади:

1. Рассом ҳақида маълумот тўплаш. Унинг қандай жанрларда ижод қилганини билиш.

2. Ҳикоя қилмоқчи бўлган расмни диққат билан кузатиш. Расмлар кўпинча рассоннинг ички туйғуларини ифодалайди, шунинг учун муаллиф ўз асаарида нима муҳим деб ҳисоблаганини аниқлаш.

3. Расмни диққат билан кўриш ва унинг мазмунини фикрлаш. Қандай воқеа содир бўлгани, нима учун содир бўлганини аниқлаш.

4. Рассом расмни чизгунга қадар ва ундан кейин содир бўлган воқеаларни тасаввур қилиш.

5. Ҳикоя орқали кимга нима ҳақида фикр уқтириш ҳақида ўйлаш.

6. Ҳикоянинг мавзуси ва асосий ғоясини фикран шакллантириш ҳамда унга сарлавҳа топиш.

7. Ҳикоянинг композициясини тузиш.


8. Ҳикоянинг режасини тузиш.

9. Ҳикояда диалог, тасвирлаш воситаларидан ҳикоя қаҳрамонларининг характери очишда фойдаланиш.

Ҳикоянинг хомаки кўринишини тайёрлаб, тузатишлар киритиш ва кўчириш.



128-машқ. Юқоридаги қоидага асосланган ҳолда расмларга қараб тасвирий матн тузинг. Ушбу расмлар орасида қандай ўхшашликлар бор? Уларга умумий сарлавҳа танланг.





129-машқ. Матни диққат билан ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

Наф деб, товар ва хизматни истеъмол қилишдан олинадиган қониқишга айтилади.

Наф умумий ҳамда меъерий нафга бўлинади. Умумий наф деб, маълум товар ёки хизматлар бирлиги тўпламини истеъмол қилишдан олинадиган қониқишга айтилади. Меъерий наф эса истеъмолчининг товар ёки хизматнинг қўшимча бирлигидан кўрган нафи, яъни умумий нафга қўшилган нафни билдиради.

Бошқа товарларнинг истеъмоли ўзгармасдан қолгани ҳолда бирон-бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу неъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан қониқиш пасайиб боради.

Ҳаётда умумий нафлиликдан ҳам кўра меъерий нафлиликка кўпроқ эътибор берамиз. Сарфланган пулимизга тўғри келадиган умумий нафлиликнигина эмас, ҳар бирини алоҳида келтирадиган нафлиликни ҳам ҳисобга оламиз.

Тежамкор харидор нафлиликни максималлаштириш принципи асосида харажат килар экан, турли товарлар миқдорини танлар экан, охиригича қандай товар олишидан қатъий назар, бир хилда меъерий наф келтириш даражасига қадар танлайди.

Нафлиликни максималлаштириш принципи, асосан, пул кўп бўлиб, танлаш имконияти мавжуд бўлганда кўпроқ намоён бўлади.

Таклиф бозор иқтисодиётининг муҳим категорияси бўлиб, талаб билан чамбарчас боғлиқ. Таклиф талаб билан қарама-қарши туради. Бозорда талаб харидор тарзида намоён бўлса, унга қарама-қарши сотувчи ўз таклифи билан туради. Таклиф бу бозорда мавжуд ёки бозорга олиб келиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар йиғиндисидир. Таклиф ишлаб чиқариш билан аниқланса-да, айнан унинг ўзи эмас. Товарлар таклифи яратилган маҳсулотлар миқдорига тенг бўлмаслиги мумкин, яъни товарларни таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил бўлмаслиги мумкин.

Яратилган маҳсулотни фақат бозорга чиқариладиган қисми товар дейилади, унинг бозорга чиқарилмайдиган қисми таклифни юзага келтирмайди. Масалан, фермер, жамоа, деҳқон хўжаликлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини ўзи истеъмол қилади. Масалан, етиштирган картошканинг бир қисмини ўзи истеъмол қилади, уруғликка ишлатади ва ҳоказо. Агар шу мақсадларга жами етиштирилган картош-

канинг 20% и сарфланса, 80% и товар бўлиб сотилади, яъни таклифни юзага келтиради. Ундан ташқари, агар уни бир қисми чириши мумкинлигини ҳисобга олсак, яна ҳам кам бўлади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида таклиф талаб билан мувофиқлашган ёки талабга нисбатан кўп бўлади. Бу ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашини кучайтиради.

(Интернет манбаларидан)



1. Матнинг асосий мавзу доирасини айтинг.
2. Матнда қандай долзарб масала кўтарилган?



3. Матндан таянч сўзларни, тушунчаларни ёзиб олинг ва улар асосида луғат тузинг.
4. Берилган материалдаги ахборотнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, долзарблиги бўйича шахсий кўзқарашларингизни ФСМУ усулида баён қилинг ёки спикер чиқиши/нутқи сифатида ҳавола қилинг.



5. Биринчи абзацдаги гапларнинг грамматик асосини аниқланг ва қайси сўз туркумлари билан ифодаланганлигини белгиланг.
6. Сизнингча, гап бўлақларининг тартибини нима учун ўрганиш зарур?
7. Матн таркибидаги гаплар ўзаро қандай морфологик воситалар ёрдамида боғланади?
8. Матнда гапларни боғлаш учун хизмат қиладиган кўрсатиш олмошлари яна қандай вазифаларни бажаради?

Ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суюнмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди.

Стендал





МЕҲНАТ НАРХИ

Такрорлаш. Нутқ типлари

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсад, мақсадга йўналтирилган аудитория, муаллиф кўзқараши, матнларнинг услубий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли хил эсселар ёзамиз, илмий, публицистик, бадиий адабиётда кўтарилган муаммони муҳокама қиламиз ва таҳлил этиб, мазкур муаммони ҳал этишда шахсий тавсиялар тақдим этамиз ва асослаймиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



130-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Бозор иқтисодиёти ҳар доим турли йўналишдаги иқтисодчилар ўртасида мунозарали мавзулар бўлиб келган, чунки унинг аниқ афзалликлари ва камчиликларини ажратиб кўрсатиш жуда қийин. Одатда, уларни фарқлаш учун сиз бозорнинг ўзига хос белгиларига эътибор беришингиз керак:

– бозор муносабатларига давлатнинг аралашуви минималдир, чунки сифат ҳам, шунингдек, нарх ҳам ишлаб чиқарувчилар ва рақобатчилар томонидан тартибга солинади;

– иқтисодий фойда истеъмолчиларнинг имкониятларига қараб тақсимланади;

– хусусий мулк ҳуқуқи давлат томонидан тортишилмайди;

– ҳар қандай шахс капитал олиш ҳуқуқига эга ва уни ўзи учун зарур бўлган эҳтиёжларга сарфлаши мумкин;

– товарларга талаб таклифдан келиб чиқади.

Ушбу белгиларни таъкидлашда, шунингдек, давлатнинг бозор муносабатларига минимал аралашуви билан ажралиб турадиган тоза иқтисодиётни ҳам ҳисобга олиш керак. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари нимада?

Афзалликлари:

1) талаб қилинадиган ресурслар ва хизматларни тақсимлаш самарадорлиги;



2) талаб ва таклиф асосида баъзан тез ўзгариб турадиган бозор шароитларига мослашувчанлик пайдо бўлади;

3) товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш эркинлиги, шунингдек истеъмолчилар томонидан танлаш эркинлиги;

4) истеъмолчилар фикрини ҳисобга олган ҳолда товарлар ва хизматлар сифатини яхшилаш;

5) сўнгги ишланмаларни амалиётда қўллаш имконияти;

6) ишлаб чиқаришнинг эскирган усулларида, шунингдек товарлар ва хизматларнинг виждонсиз ишлаб чиқарувчиларидан халос бўлиш.

Камчиликлари:

1) бозорнинг жамиятдаги беқарор мавқеи ва доимо ўзгариб турадиган инфляция даражаси;

2) нархларнинг барқарорлиги ва доимий бандлик кафолатларининг йўқлиги;

3) жамоавий товарлар ва хизматлар оммавий талабга эга эмас;

4) давлат бозорни янги технологияларни жорий этишга рағбатлантормайди;

5) кўпайтирилмайдиган манбалар тўлдирилмайди ва вақт ўтиши билан улар камайиб боради;

6) рақобат ишсизлик, митинглар ва иш ташлашлар каби ижтимоий муаммоларни ва ҳоказоларни келтириб чиқариши мумкин;

7) ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқаришнинг натижаси ва оқибатларини англамайдилар;

8) ишлаб чиқарувчилар ҳар доим ҳам ўзлари ишлаб чиқарадиган товарлар ва хизматлар тўғрисида истеъмолчиларнинг фикрларини ҳисобга олмайдилар.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонларини таққослаб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, бозор муносабатларига давлатнинг минимал аралашуви ҳали ҳам етарли эмас, чунки бу хизмат ва нархларни тартибга солувчи ишлаб чиқарувчи эмас, айнан давлат бўлиши лозим бўлиб, бу талаб ва таклиф ўртасидаги тафовутни камайтиради. Акс ҳолда, бозор иқтисодиёти умумий иқтисодиётнинг бир қисми сифатида вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетиши мумкин.

(biznesbooks.c)

Инсон меҳнат қилаётган вақтдагина том маънода инсонга айланади.

Ж. Гюйо





1. Мавзу, асосий фикр, муаммо, муаллиф кўзқараши, матнларнинг услубий хусусиятларини аниқланг.
2. Қандай аудиторияга йўналтирилган?
3. «Т-жадвали» усули асосида матнда кўтарилаётган масалани жадвал ёрдамида ёритинг.

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | | | |
|--|-------|--|-------|
| Афзаллиги | Изоҳи | Камчилиги | Изоҳи |
| Талаб қилинадиган ресурслар ва хизматларни тақсимлаш самарадорлиги | ... | Бозорнинг жамиятдаги беқарор мавқеи ва доимо ўзгариб турадиган инфляция даражаси | ... |
| | | | |



131-машқ. Матнни ўқинг, мазмунини ўзлаштиринг. Сарлавҳа танланг. Матннинг ғоясини айтинг.

БМТ ҳисоботида кўра, меҳнат муҳожирлари бир йилда Қозоғистон иқтисодига 1 миллиарддан кўпроқ фойда келтиради. Ҳисоботда айтилишича, Қозоғистонда ишлаётган меҳнат муҳожирлари ишлаб топган пулларнинг ҳаммасини ватанига юборган тақдирда ҳам, ишлаб турган жойида ҳарajat қилиш орқали мезбон давлат иқтисодига 1 миллиарддан кўпроқ фойда келтиради.

Мустақил кузатувчилар эса ишчиларнинг Қозоғистон бюджетига келтираётган даромади аслида ўн барабар ошиқ бўлиши мумкинлигини айтишади.

БМТнинг Осие ва Тинч океани минтақаси учун ижтимоий ва иқтисодий комиссияси тадқиқотларида мигрантларнинг Қозоғистон иқтисодига келтираётган соф фойдаси камида 1,1 миллиард доллар эканлиги айтилган.

Бу Қозоғистон Ички ялпи маҳсулотинининг 0,57 фоизини ташкил қилади. Бу ҳақда Қозоғистондаги КазТаг ахборот агентлиги хабар берган. Агентликнинг ҳисоботга иқтибосан ёзишича, меҳнат муҳожирлари топган-тутганини қолдирмай ўз ватанларига юборган тақдирда ҳам, бир қисм

пулларини ишлаётган юртида озиқ овқат, яшаш жойи, тиббиёт хизмати, кўнгилихушлик ва хизматлардан фойдаланишга сарфлашади.

«Натижада умумий талаб ортади, бу ИЯМ даражасининг кўтарилишига олиб келади», – дейилади ҳужжатда. Аммо, «Машварат-Маслаҳат» консалтинг фирмаси асосчиси, иқтисодчи анвар Хусаинов ҳисоботда ишчиларнинг меҳнати орқали қолаётган фойда ҳисобланмаган дейди.

«Мигрантларнинг Қозоғистон иқтисодиётига келтираётган фойдалари ҳақида камтарона гапирилади. Кўп ҳолларда, онгли равишда уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги муҳим ўрни, келтираётган даромадлари камситилади, яширилади. Бу ҳақдаги статистиканинг жуда кўп хатоларини аниқлаш мумкин», – дейди жаноб Хусаинов.

Иқтисодчига кўра, меҳнат муҳожирлари томонидан Қозоғистон бюджетига 10-15 фоиз фойда келаётган бўлиши мумкин.

Қозоғистонда амалга оширилаётган қурилиш ва нефть соҳасидаги мутахассисларнинг асосий қисмини четдан келган меҳнат муҳожирлари ташкил қилади. «Келаётган фойдани агар 10-15 фоиз деб оладиган бўлсак, мигрантларнинг меҳнати орқали 10-12 миллиард доллар атрофида қўшимча қиймат ҳосил бўлади. Чунки нефть, газ соҳасида Атирау, Павлодар ва бошқа жойда техниклар, ўрта техник касбларининг эгалари, инженер, менежерлар орасида мигрантлар етакчи ўринларни тутишади», – дейди иқтисодчи.

Қозоғистонда фаолият юритаётган мигрантларнинг асосий қисми ноқонуний равишда ишлашга мажбур. Қозоғистон фуқароларига уй юмушлари учун беш нафаргача меҳнат муҳожирларини ёллаш ҳақида қонун парламент ва сенат томонидан тасдиқланган бўлса-да, президент томонидан имзо чекилмагани учун ҳали кучга киргани йўқ.

Бундан ташқари, юридик шахсларга муҳожирларни ишга ёллаш учун бир йиллик квота 100 минг киши этиб белгиланган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, қонун кучга кириши билан тахминан 200 мингдан ортиқ меҳнат муҳожирининг ишлаши қонунийлаштирилади. Ишлаш учун келадиган мигрантларнинг сони эса бир йилда 1 миллион атрофида экани айтилади.

Иқтисодчи Хусаинов Қозоғистон иқтисоди меҳнат муҳожирларининг кучи эвазига янада гуркираб ривожланиши мумкинлигини таъкидлайди. Бунинг учун мигрантларнинг фаолияти қонунийлаштирилиши ва улардан солиқ олинishi йўлга қўйилиши лозим ҳамда хорижликларга кичик ва ўрта бизнесни юритиш учун руҳсат берилиши керак.

«Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳасини кўтариш, чексиз ерларини ўзлаштириб ўша ерларда масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари етказишни йўлга қўйиш керак. Бу ишларни амалга оширишга қозоқ

халқининг жисмонан сони етишмайди. Демак, келаётган меҳнат муҳожирларини фақат қора меҳнатчи қилиб қўймаслик керак», – дейди жаноб Хусаинов.

Қозоғистон Россиядан сўнг Марказий Осиёлик меҳнат муҳожирлари учун иккинчи энг йирик меҳнат бозори ҳисобланади.

(Интернет манбаларидан)



1. Ўқиган матнни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан танқидий баҳоланг.
2. Матндаги махсус лексика, ифодаларни аниқланг.
3. Матнга сарлавҳа топинг. Матн типи, жанрини аниқланг.
4. Қўшма гапнинг турларига матндан мисол келтиринг.



132-машқ.

ПУЛ ЎЛСИНА-ПУЛ ЎЛСИН!

Пулдан чиқар ғавғолар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пасту баланд даъволар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Яхши ёмон маънолар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пул деб оқар дарёлар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Оғдар тўнтар дунёлар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!

Биров бир пул билан шод,
Бирови мотамсаро,
Биров бунга мубтало,
Биров унга мубтало.
Пул кўп бўлса, бир бало,
Пул оз бўлса, бир бало,



Қўлга келтирган дунё,
Усти асалдир, аммо
Таъми зукқум ҳалволар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!

Пулсизмисан, эй дўстим?
Дўстлар келмас қошингга?..
Узоқ бўлиб туйилдинг
Яқин қариндошингга!
Агар пулинг кўп бўлса,
Ҳеч ким тегмай ғашингга,
Назар солмай ёшингга,
Чиқиб олиб бошингга,
Солар не-не савдолар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!

Пулсизга: – Чиқинг – чиқинг,
Пулликка: – Киринг – киринг,
Пулсиз дўстни қидирманг,
Пуллик дўстни қидиринг,
Пулсизга ғиринг – пиринг,
Пулликка ҳиринг – ҳиринг,
«Дунё ҳаром!» деганнинг
дардидир муллажириинг,
Кумуш қубба асолар!
Пул ўлсина – пул ўлсин!

Чархий
(*ziyouz.com кутубхонаси*)



1. Матннинг мавзуси, асосий фикр, муаммони аниқланг.
2. Қандай мақсад кўзланган?
3. Қандай аудиторияга йўналтирилган?
4. Муаллиф кўзқарашига танқидий муносабат билдиринг. Фикрингизни далиллар билан асосланг.

5. Матннинг услубий хусусиятларига кўра жанри, услубини аниқланг.
6. Ҳар бир инсон ҳаётида пулнинг нечоғли аҳамияти бор? Инсон ҳаётда ҳамма нарсани пулга сотиб ола оладими? Фикрингизни қуйидагича ифодаланг.

| ПУЛ НИМА? | |
|----------------------------|--------------------------|
| Пулга сотиб олишга бўлади. | «Пулга сотиб ололмайман» |
| | |
| | |
| | |

7. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда, содда ва қўшма гапларда ти-ниш белгиларидан ўринли фойдаланиб, асосий фикрни ўз сўзларингиз билан етказиб баён этинг.

Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади.

Жюль Верн



Оммага эргашган одам ундан ўзиб кетолмайди. Ўз онги билан ҳаракат қиладиган киши эса ҳеч кимнинг оёғи етмаган манзилларга бора олади.

Ўзингни хурсанд қилишнинг энг яхши йўли – бошқа бировга қувонч бахш этишдир!

Альберт Эйнштейн





ТАДБИРКОРЛИК – ФОЙДА ОЛИШ МАҚСАДИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАОЛИЯТ

Матнни ифодали ўқиш машқлари

БУГУНГИ ДАРСАДА:

- ❖ турли услуб ва кичик усуллар (аннотация (қисқача шарҳ), тезислар, репортаж, оммавий чиқиш)даги матн тури, белгилари ва нутқий хусусиятларини аниқлаймиз;
- ❖ турли кўринишдаги, яъни батафсил ёки йиғиқ ҳолда олинган ахборотларни, ўқилган материалларнинг мазмунини қисқача мақола сифатида баён этамиз;
- ❖ содда, содда ёйиқ ва қўшма гаплар ва турли боғловчи воситалари билан боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларидан ўринли фойдаланамиз.



133-машқ. Матнни услуби, типига қараб ифодали ўқинг, гуруҳда муҳокама юритиб, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг. Тезис, савол, факт қисмларга мустақил ажратиб олинг.

ҲУНАРЛИНИНГ ҲУНАРИ МУРОДИГА ЕТКАЗАР

Ҳунар соҳибларининг нури барокати атрофига ҳам таралаётганига, ундан кўп миллатдошларимиз баҳраманд бўлаётганига эса дақиқа сайин гувоҳ бўляпмиз. Халққа хизмат қилаётганлар ҳам, халқ корига камарбаста бўлаётган ҳам шулар.

Қаҳрамонимиз Адҳам Орипов 1976 йилдан буён касибликни ардоқлаб келмоқда. Унга ҳавас маҳалладоши Эрмак Эрматовнинг қўли билан тикилган бежирим пойафзалларни кўрганда уйғонган, «мен ҳам шундай ажойиб касб устаси бўламан», деган орзу қалбига ўрнашиб қолган.

Устанинг ишхонасига борганимизда уч нафар касиб иш билан банд экан. Бири терига шаклларни чизса, иккинчиси тикилган бўлақларни пошнага уламоқда, яна бошқаси терига ишлов беряпти.

– Адҳам ака, нима учун айнан касибликни танладингиз? – деб сўрадим устадан унинг бежирим тикилган этикларини кўздан кечири туриб.

– Пойафзал, билсангиз, энг асосий кийим. Инсон қанчалик бежирим ва пўрим кийинмасин, оёқ кийими носоз бўлса, манзилига етиш қийин. Пойафзал кўпроқ хизмат қилиши учун у пишиқ чармдан тикилиши керак.

Биринчидан, у табиий маҳсулот, қолаверса, сунъий чарм оёқни терлатиб юборади. Шу боис ҳам табиий маҳсулотларни афзал билганлар бизнинг маҳсулотларни танлашяпти. Турсунқул Турсуметов менинг устозим. У кишининг оқ фотиҳаси билан косибликни бошлаб юбордим. Даставвал «Заря» фабрикасида эркаклар туфлиларини тикишни ўргандим. Кейин махсус буюртмалар қабул қила бошладик. У пайтларда баланд пошналар, тумшуғи учли туфлилар русум эди, – дейди суҳбатдошим.

Унинг тўрт кишилиқ устахонасида, асосан, аҳолидан тушаётган буюртмалар бажарилади. Ортопедик оёқ кийимларни ҳам шу ерда ясаптириш мумкин. Адҳам Орипов 1991 йили шахримизнинг «Военторг» маҳалласида илк бор ўз цехини очди. Ўша даврларда ҳарбийлар, давлат автоназорати ходимлари учун махсус хром этиклар тикиларди. Ҳозирги кунда косибнинг цехида рақс дасталари, опера ва балет театри санъаткорлари учун пойафзаллар тикишмоқда. Қўй ҳамда мол терисидан тайёрланган чармни Жамбил ва Тошкентдан келтиришади, таг чармлар эса шахримиздан топилади. Катта ўлчамли пойафзаллар ҳам шу ерда тикиларкан.

– Мамлакатимиздаги энг баланд бўйли Бауржан сал кам 50-ўлчовли оёқ кийимини менга тиктиради. Бунинг учун махсус қолип ишлаб қўйиш керак. Яситовонлик, оёқларнинг узун-қисқалигини эътиборга олиб, махсус қолиплар асосида пойафзал тикамиз. Ҳозир миллий нақшлардан фойдаланган ҳолда этиклар тикишни йўлга қўймоқчимиз, чунки ҳамюртларимизнинг уларга қизиқиши катта. Бу ўзига хос йўналиш, зеро ҳар бир миллатнинг бетакрорлиги нақшларида, либосларида эмасми? Бунинг буюртмачиларимиз кийимларида акс эттиришдан фахрланишяпти, – дейди косиб.

Хуллас, суҳбатдошимнинг таъкидлашича, ишлайман, деганга иш етарли. Бу касбни ўрганган ёш усталарга ҳам иш топилади. Унинг устахонасида кунига 5 жуфтдан зиёд пойафзал тайёрланади. Уста шогирдларининг етарли эканлигини, фақат сабрли ва қунтлиларигина ишбай юқори ҳақ олишлари мумкинлигини айтди. Ҳадемай, совуқ кунлар, қиш бошланади. Моҳир усталарнинг қўлидан чиққан сифатли этиклар рақобатбардош ҳамда харидоргир эканлигини эса буюртмачилар аллақачон англаб етдилар.

(janubiy.kz)





1. Матннинг жанрини унинг ўзига хос хусусиятларига кўра аниқланг.
2. Мазмунини жуфтликда муҳокама қилинг.
3. Матн юзасидан бир-бирингизга 5та ёпиқ ва 5та очиқ саволлар тузинг. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.
4. Интервью нима мақсадда, кимдан олинганини аниқланг. Матндан интервью учун қандай саволлар ишлатилганини аниқланг.
5. Матн таркибидаги содда гапларни ажратиб, уларда ишлатилган тиниш белгиларининг вазифаси ҳақида қуйидаги жадвалда изоҳланг.



| Мисоллар | Тиниш белгилари | Изоҳ: қўйилиш сабаби |
|---|-----------------|--|
| Биринчидан, у табиий маҳсулот, қолаверса, сунъий чарм оёқни терлатиб юборади. | Вергул | Кириш сўз гапнинг бошида келса, ундан кейин, ўртасида келса, ҳар иккала томонидан вергул билан ажратилади. |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |



134-машқ.

Қуйидаги жадваллар ва маълумотлар билан танишинг.

1. Асосий мавзунини аниқланг.
2. Қандай ғоя илгари сурилган?
3. Қандай аудиторияга мўлжалланган? Муҳокама қилиб, хулоса қилинг.
4. Яхлит матн тарзида маълумотларни баён этинг.
5. Агар сиз тadbиркор бўлсангиз, қандай янги ғояларни тавсия қилган бўлар эдингиз?





135-машқ. Матнини ўқинг, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

ҲУНАРДАН УНАР

Бурунги замонда бир подшоҳ бор экан. Бир куни у бир камбағалнинг қизини олмоқчи бўлиб, совчи юборибди. Совчилар келиб подшоҳнинг сўзини қизга айтишибди. Қиз совчиларга:

– Подшоҳга бориб айтинглар, олмоқчи бўлса, мен ҳам розиман. Лекин подшоҳ бир ҳунар билсагина тегаман, билмаса ўргансин, – дебди.

Совчилар подшонинг олдига келиб қизнинг шартини айтишибди. Подшоҳ бу гапни эшитиб аввал аччиғи келибди, сўнг ўйланиб туриб, қизнинг гапи таъсир қилибди: «Подшолгим ҳунар эмас экан-да. Хайр, ҳунар ҳам ўрганай» деб, ўз ўрнига вазирини қолдириб, ҳунар ахтариб чиқиб кетибди. Ҳамма ҳунарларни кўриб, гиламчилик маъқул бўлибди. Гилам тўқийдиган бир яхши устани топиб, шунга шогирд тушибди. Уч йил-у уч ой деганда гилам тўқишни ўрганибди. Бир гилам тўқиб қизнинг уйига юборибди. «Ҳунар ўргандик, шартини бажардик», дебди. Қиз:

– Подшоҳ шартни бажарган бўлса, мен ҳам сўзимда турибман, энди тегаман, – дебди.

Подшоҳ тўй-томоша қилиб қизни олибди, хотинидан кўнгли тўлиб, подшоҳлигини қилиб юраверибди.

Кунлардан бир кун шу подшоҳ мамлакатадаги элнинг савдогарлари, катта-катта бойларидан бир қанча киши йўқ бўлибди. Бу хабар подшоҳга етибди. Қанча амалдорлар ахтариб, бойларнинг дарагини топмабди. Подшоҳ «Буларни ўзим ахтарайин, шаҳарда бир сир борга ўхшайди, буни билмасам бўлмайди», деб подшоҳлик кийимларини ечиб, бошқа кийимлар кийиб, одам танимайдиган бўлиб, кечаси халқ ётгандан кейин шаҳарни айланмоқчи бўлиб чиқиб кетибди. Айланиб юрса, узоқдан бир чироқ кўрибди. Подшоҳ тўғри шу чироқ кўринган жойга борса, бир ошхона. Ошхонанинг ичида кўп одам овқат еб ўтирибди.

Эшикни очиб қараши билан ошхона эгасининг кўзи подшоҳга тушибди ва:

– Нима ишингиз бор? – деб шоҳдан сўрабди. Подшоҳ:

– Қорним оч, овқат емоқчиман, – дебди. Ошхона эгаси:

– Қани ичкари киринг, тўрга ўтинг, – деб подшоҳни ичкари уйга олиб кирибди. Подшоҳ тўрга ўтаётди ертўлага тушиб кетибди. Қараса, рўпарасида бир одам турибди. У одам подшоҳнинг қўлидан тутиб, ичкари уйга

олиб кирибди. Уйда одам жуда кўп экан. Подшоҳ қўрқиб индамай турган экан. Бир киши ўтирган еридан туриб, қўлига катта пичоқни ушлаб «Қани, ҳозир навбат кимники?» деб тўғри подшоҳнинг олдига келиб, уни сўймоқчи бўлибди. Бирови келиб калласидан ушлабди. Подшоҳ эсидан адашиб, хаёли қочибди. Сўймоқчи бўлганларга:

– Сизлар кимсизлар, сизга жон керакми, мол керакми, пул керакми? – дебди. Улар:

– Бизга жондан бошқа бари керак, у бўлмаса жон керак, ҳозир сенинг калланг керак, – дейишибди. Подшоҳ:

– Пул, мол топиб берсам бўладими? – дебди. Улар:

– Бўлади, – дейишибди. Подшоҳ:

– Ундай бўлса, бир ҳунар кўрсатаман, менинг айтганимни қиласизлар. Мен бир гилам тўқиб бераман, шуни подшоҳга олиб борсанглар, минг тилла беради, – дебди. Улар:

– Қани, ҳунарингни кўрайлик, – дейишибди. Подшоҳ у керак, бу керак деб гилам тўқиш учун керакли нарсаларни айтибди. Ҳалиги одамлар бозорга бориб подшоҳнинг айтган нарсаларини олиб келишибди. Подшоҳ ипақдан бир гилам тўқиб:

– Мана бу гиламни подшоҳга олиб боринглар. Подшоҳ сизга минг тилла беради, – дебди. Ҳалиги одамлар гиламни кўтариб подшоҳ саройига олиб боришибди. Саройдан бир маҳрам чиқиб, гиламни ичкарига олиб кириб, кимга беришини билмай, вазир билан маслаҳатлашибди. Булар подшоҳни йўқотиб ҳайрон бўлиб юрган эканлар. Гиламни подшоҳнинг хотинига кўрсатибдилар. Хотини ўзининг эри тўқиган гилам эканини таниб, гилам келтирган одамларга минг тилла бериб юбориб, орқасидан одам қўйибди. Ўғри тиллаларни олиб, суюниб тўғри ошхонага кириб борибди. Орқасидан пойлаб келган одам вазирга хабар берибди. Вазир бир қанча аскарларини олиб келиб, ошхонани ўраб, ичкарига кириб подшоҳни топибди. Подшоҳ қўлга тушган одамларнинг барчасини озод қилибди. Одам ўғриларнинг қўлини боғлаб, аскарига ҳайда-тиб, саройга келибди. Уларнинг ҳаммасини дорга остирибди.

(ziyouz.uz)



1. Матн мазмуни билан танишиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Матнда қандай долзарб масала кўтарилган?



3. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.
4. Матн устида ишланг. Мазмунини қуйидаги жадвал асосида 130-машқ мазмуни билан солиштириб, таҳлил қилинг.

| 129-машқ матни | 130-машқ матни |
|---|----------------|
| Мавзуси | |
| | |
| Муаллиф кўзқараши: қандай масала кўтарилган? | |
| | |
| Қандай аудиторияга мўлжалланган? | |
| | |
| Тузилиши, жанри, услуби | |
| | |
| Матнларнинг тили устида ишланг. | |
| | |
| Ўзингиз мустақил яна бир хусусияти устида ишлашингиз мумкин | |
| | |



Ўзингиз таниган, билган тадбиркор инсондан интервью олинг. Синфга тақдим этинг.

Заковат ўқиш-ўрганиш эмас, унга эришиш йўлидаги ҳаракатлар мевасидир.

Альберт Эйнштейн





ҲАРАКАТИНГ – СОҒЛИГИНГ, МЕҲНАТИНГ – БОЙЛИГИНГ

Такрорлаш. Лексикология ва фразеология

БУГУНГИ ДАРСА:

- ❖ тингланган материални ҳаққонийлик нуқтаи назаридан уни танқидий баҳолаймиз;
- ❖ муаллиф нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда матндан олинган парчанинг мазмунини унинг мавзуга, асосий ғоясига боғлаб талқин этамиз;
- ❖ турли хил эсселар, шу билан бирга, аргументли / далилли ва баҳсли мазмунда эсселар ёзамиз;
- ❖ синтактик меъёрларга амал қиламиз.



136-машқ. Ўқинг. Матнда кўтарилаётган муаммо бўйича сарлавҳа асосида мазмунини олдиндан шарҳланг.

ҚАЛАМ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Янги тайёрланган қаламни ўз қутисига жойлаштиришдан аввал уста уни бир чеккага қўйиб, бу фикрларни айтди:

– Сен билишинг зарур бўлган беш қоида бор. Фаолиятга киришишдан, инсониятга хизмат қилишдан олдин шуларни уқиб олишинг шарт. Сен бу беш муҳим жиҳатни доим ёдда тут ва фақат шулар ҳақида ўйла. Шундагина сен «Энг яхши қалам» унвонига эришишинг ва одамлар олқишига сазовор бўлишинг мумкин.

Сен энг юксак нарсаларни ёзишга, чизишга қодирсан, бироқ бу хоҳиш-истакни аввал сени қўлига олган одамнинг дилига солишга ҳаракат қил.

Сен вақт-вақти билан тарошланиб борасан, аммо бундан зиғирча изтироб чекиш керак эмас, чунки яроқли бўлиш учун бу жуда муҳим ва шарт.

Сен ўзинг йўл қўйган хатоларни тўғирлашга ҳам қодирлигингни англашинг керак.

Сенинг борлигинг ва одамларга асқотадиган аъзонг – бу таёқчанг ичидаги қотирилган рангингдир.




Сендан энг юксак мақсадда фойдаланишлари учун жон-жаҳдинг билан тириш, яъни доим из қолдир. Қандай аҳволга тушишингдан қатъий назар, фақат ёзишда давом эт.

Қалам уста уқтирган қоидаларни доим ёдда сақлашга сўз берди. У қутига жойлашишдан аввал, ана шу беш қоидани юрагига жойлади.

(«Замонавий ривоятлар»дан)



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада?
2. Матннинг асосий ғоясини етказиб беришда кичик қўшимча сарлавҳаларнинг ролини аниқланг.
3. Меҳнат нархининг инсон ҳаётидаги ўрни. Таҳлилни қуйидаги усулда бажаринг.



4. «Ҳаракатинг – соғлигинг, меҳнатинг – бойлигинг» мавзусида муҳокама типида матн ёзинг.



137-машқ. Матнни ўқинг, муҳокама қилинг.

АҚЛЛИ ВА ТАДБИРСИЗ ОДАМ

Ақлли одамлар ҳамиша ҳушёр бўладилар, ҳодисалар жиловини ўз қўлларида сақлаб, хавfli гирдобга тушмасдан соҳилга етиб оладилар ...

Тадбирсиз одамларга келсак, улар иккиланадиган, жасоратсиз, тез-тез фикрларидан қайтадиган бўладилар, бирор ҳодиса рўй берганида улар ўзларини йўқотиб қўядилар. Ўз бахтини сақлаб қолиш қобилиятидан маҳрум бўлганликларидан оҳ-воҳ қила-қила, ўзларини ҳар ёққа урадилар. Уч балиқ ҳикоясидаги кун уларнинг бошига келади.

– Нақл қилибдурларки, йўлдан узоқ, ўткинчилардан холи бир ерда кўл бор эди, унда уч балиқ яшар эди. Булардан иккиси тадбиркор ва эҳтиёткор, бири эса хом ва тажрибасиз эди. Кунларнинг бирида тасодифан икки овчи кўл ёнидан ўтиб қолди, кўзлари учта балиққа тушди. Улар эрталаб келиб, учала балиқни тутишга ваъдалашиб жўнаб кетдилар. Балиқлар уларнинг сўзини эшитган эдилар. Уларнинг бири тадбирли бўлиб, золим замонанинг зулми ва ғаддор фалакнинг вафосизлигини кўргач, сув келар тарафдан чиқиб, бошқа кўлга бориб олди. Кўп вақт ўтмай, балиқчилар келиб, сувнинг кирар ва чиқар томонини маҳкам беркитдилар.

Биринчи балиққа нисбатан тажрибасизроқ, лекин ақл ва фаросатдан махрум бўлмаган иккинчи балиқ вазиятни кўриб шундай деди:

– Фурсатни қўлдан бердим. Энди тадбир ва ҳийлани ишга солиш пайти келди. Типирчилаб у ёқ-буёққа қочган билан фойда йўқ. Умидсизликка тушмай нажот йўлини ахтармоқ керак.

Шундай деб, балиқ сув юзига қалқиб чиқди ва ўзини ўлганга солиб ётди. Бир балиқчи уни олиб, ўлган гумон қилди ва сув чиқиб кетадиган ариқ бўйига ташлади. Балиқ судрала-судрала оқар сувга тушиб олди, ҳийла ишлатиб, ўз жонини қутқарди.

Хом ва тадбирсиз балиқ эса ўзини йўқотиб, у ёқдан бу ёққа қочиб юрар, гоҳо сув остига шўнғир, гоҳо юзага чиқар эди. У оқибат балиқчилар тўрига илинди.

(«Калила ва Димна»дан)



1. Матнда қандай масала ёритилган?
2. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятига кўра услубини аниқланг.
3. Матнда қандай муаммолар кўтарилган?
4. Тингланган материалдаги ахборотнинг долзарблиги нуқтаи назаридан баҳоланг, ўз муносабатингизни билдилинг. Ҳаётга боғлаб, ўз фикрингизни далилланг.



138-машқ. Қуйида берилган мақоллар билан танишинг. Мавзулар доирасини белгиланг. Ўзингизга ёққан бешта мақолни кўчириб олинг-да, қисқача изоҳланг.

1. Аҳди борнинг бахти бор. Аҳд қилган бахт топар. 2. Бахт ялқовга бе-
гона. 3. Бахтингга ишонма, бармоғингга ишон. 4. Бекор ўтиргунча, бекор
ишла. 5. Бекорчининг ҳунари – ғийбат. 6. Бели боғлиқнинг дили боғлиқ.
7. Беташвиш бош қайда, Меҳнатсиз ош қайда. 8. Бирни биров беради,
Кўпни – меҳнат. 9. Биров учун биров қозон осмас. 10. Бировнинг бергани
– кўргулик, Меҳнатнинг бергани – тўйгулик. 11. Бозорингни ўзинг қил,
Тегирмонингни ўзинг торт. 12. Бор-бор, ишда бор, Ишламаган нонга зор.
13. Боқсанг – боғ, боқмасанг – тоғ. 14. Боғ жамоли – боғбондан. 15. Боғ
кимники – боғбонники. 16. Гап билан шошма, иш билан шош. 17. Гап
билан ўроқ ўриш осон. 18. Гап билгунча, иш бил. 19. Гап – бошқа, иш –
бошқа. 20. Гап бўлса, пака-пака, Иш бўлса, чека-чека. 21. Дангасага булут
сояси ҳам юк. 22. Дангасага иш буюрсанг, Отангдан ортиқ насихат қилар.
23. Дангасага иш буюрсанг, Сенга ақл ўргатар. 24. Дарахт – ҳаводан, одам
– меҳнатдан. 25. Дарё сувини баҳор тоширар, Одам қадрини меҳнат оши-
рар. 26. Доно – бир жойда, Дангаса – ҳар жойда. 27. Дўкон тўқисанг, бўз
бўлар, Чарх йигирсанг, ип бўлар. 28. Дўланани кўрганда тоғ эсингдан чиқ-
масин. 29. Ер бойликнинг онаси бўлса, Отаси – меҳнат. 30. Ер – она, сув –
ота, Меҳнат – бойлик. 31. Марднинг марди майдонда синалар, Йигитнинг
йигити – меҳнатда. 32. Машаққатсиз бахт келмас, Меҳнатсиз тахт келмас.
33. Меҳнат бахт келтирар. 34. Меҳнат билан ер кўқарар, Дуо билан – эл.
35. Меҳнат ва ўқиш – оға-ини. 36. Меҳнат ерда қолмас, Олтин – йўлда.
37. Меҳнат кишини боқар, Ялқовлик ўтга ёқар. 38. Меҳнат – роҳатнинг
пойдевори. 39. Меҳнат товоқ тўлдирар, Миннат тоқ куйдирар. 40. Меҳнат
этсанг эринмай, Тўяр қорнинг тиланмай.

(Халқ мақоллари)



Юқоридаги мақоллардан қайси бирини ҳаётингизда шиор этган бўлар-
дингиз? Айнан шу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларингизни далиллаб, ар-
гументли эссе ёзинг.

Меҳнатни халқ кадрлар, муқаддас у, дўстлар, бас,
Усиз бизнинг умрда муҳаббат йўқ, баҳо йўқ.
Қайда меҳнат бўлмаса, у ерда боғ гулламас,
Қайда ишга меҳр йўқ, у ерда ҳеч вақо йўқ.

С.Н. Сергеев-Сенский



НУТҚ ЎСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР

ВАТАН НАДУР?

Ватан надур?
 Унинг қадрин
 Ватангадолардан сўранг.
 Тупроғини тавоб айлаб
 Йиғлаб, адолардан сўранг.
 Ватан надур?
 Унинг мадҳин
 Элга фидолардан сўранг.
 Ўз юртига етолмайин
 Юрган жудолардан сўранг.
 Ватан надур?
 Унинг васфин
 Машраб нидосидан сўранг.
 Йўқлар кишим борму, дея
 Чеккан видосидан сўранг.
 Ватанидан узоқларда,
 Деманг, Бобурни ёр йиғлатди.
 Ватан ишқи, юрт ҳижрони
 Подшоҳ кўнглини тифлатди.
 Ватан сўзин тансиқлигин
 Ўзга юртда ётдан сўранг.
 Уни севмоқ иймондандур,
 Деган асл зотдан сўранг.
 Ватан шундай буюклигин,
 Ушбу сўзнинг суюклигин,
 Истиқлолга интиқ бўлиб
 Ўтган аждодлардан сўранг!
 Ватан учун кўзларини
 Кўзмунчоқдек ўйиб берган.
 Ватан учун жонин тикиб,
 Бошин тифга қўйиб берган
 Қатли қурбонлардан сўранг,
 Шоир забонлардан сўранг.

Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи



ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, КЕЛАЖАГИМСАН, ОНА ТИЛИМ!

Туркий тиллардан рус тилига ўзлашган сўзларнинг кўпи бизга таниш. Масалан: «серьга» (сирға), «бахча» (боғча), «арык» (ариқ), «очаг» (ўчоқ), «караул» (қоровул), «арбуз» (тарвуз), «базар» (бозор), «плов» (палов), «камыш» (қамиш), «караван» (карвон), «аркан» (арқон), «туман» (туман), «амбар» (омбор), «капкан» (қопқон), «сарай» (сарой), «баклажан», (бақлажон), «каракуль» (қоракўл), «есаул» (ясовул), «ералаш» (аралаш), «беркут» (бургут) кабиларни айтиш мумкин. Лекин рус тилидаги қуйидаги сўзларнинг ҳам асли туркий (ўзбекча) экани ҳайратланарли. «Товар» – товар, мол-мулк, бойлик, дунё. Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд. Маҳмуд Қошғарий ҳам бу сўзни ўзининг машҳур «Девону луғатит турк» китобига киритган ва юқоридаги маъноларда қайд этган. Ҳатто бу сўз изоҳига мақол ҳам учрайди: «Тамуғ қапуғин ачар тавар» (Товар ҳатто жаҳаннамдан ҳам эшик очади). Кейинчалик эски ўзбек тилида сўзнинг қорамол, йилқи маънолари ҳам ортган. Рус тилига кўчгач, бу сўзнинг маъно кўлами кенгайган: мол-мулк, бойлик, дунё маъноларидан ташқари пул, йилқи, ҳарбий обоз (от-арава), мустаҳкамланган қароргоҳ кабиларни ҳам англаган. «Товарищ» – «товар + эш», яъни «товар ўртоқ», товар-мол воситасида бирга иш қиладиган шерик. Бу сўз ўзбек тилида ўртоқ, ошна, жўра, оғайни, шерик каби маъноларга эга. «Айва» – беҳи. Қадимда туркий тилда *avīa* бўлган. «Девону луғатит турк»да шу шаклда келтирилган. Товушлар ўрни алмашган, метатеза ҳодисаси рўй берган. Худди: ёғмир – ёмғир, супра – сурпа каби. «Кирпич» – ғишт. Буни Қошғарий ўз асарида кўрсатган: кэрпич – кирпич, ғишт. Бишиғ кэрпиш – пишиқ ғишт. Хоразм шеваларида «карпич» деб ҳозир ҳам ишлатилади. Адабий тилимиздаги ғишт – форсийча. Навоий ҳазратлари ҳар иккисини ҳам қўллаган:

Лаб-балаб ул май била хуми сипехр,

Оғзидаги кирпич анга хишти меҳр.

(«Ҳайрат ул-аброр»)

«Штани» – иштон. Иштон «ич тўн»дан келиб чиққан. «Кибитка» – бу сўз рус тилида соябон арава; ўтов; арава соябони; пахса уй каби маъноларни англатади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «*кебит*» сўзи учрайди. «Девону луғатит турк» да *кебит* – ичкилик дўкони, майхона деб изоҳланган. Девонни нашрга тайёрлаган Солиҳ Муталлибов «рус тилидаги «*кибитка*» сўзи шу «*кебит*» сўзидан бўлса керак», дейди. Бу сўзнинг асли туркий эканлиги кўпгина рус туркологлари томонидан эъти-

роф этилган. «Кафтан» – «қоп тўн»дан келиб чиққан. Кенг-мўл тўн маъносида. Вамбери, Корш, Дмитрев сингари олимлар бу сўзнинг туркийчадан ўзлашганини ёқлайдилар. Рус луғатшуноси Даль «мовутдан тикиладиган узун этакли эркаклар устки кийими» деб изоҳлаган. Навоий асарлари учун тузилган луғатларда хафтон (қаптон) – устан кийиладиган ҳашамли тўн; совут остидан кийиладиган тўн деб кўрсатилганки, бу ҳам уларнинг фикрига далил. Рус ерларида юзлаб йиллар давом этган мўғуллар ҳукмронлиги, Олтин Ўрда давлатчилиги, Амир Темур салтанатининг мўғул хонликлари ҳудудларига кўчиши бўлғуси Рус давлатининг иқтисодий тузумига жиддий таъсир кўрсатди. Бу тилда ҳам ўз аксини топди.

«Шашлык» – Марказий Осиё халқларининг, аввало, кўчманчи аҳолининг бу таоми шу ном билан русчага ўзлашган. Одатда у қўй гўшtidан металл ёки ёғоч шиш – сихда пиширилган. «*Шашлык*» кабоб пиширишда ишлатиладиган темир маъносидаги *шиш* сўзидан келиб чиққан. «Девону луғатит турк»да *сиш* шаклида қайд этилган. Бу сўз Лутфийда *шиш*, Навоийда эса ҳозирги кундагидек *сих* шаклларида қўлланган:

*Андоқ сўрунг бегимки, не шиш куйса, не кабоб,
Ул гамзанинг сўзию, кўнгул шарҳи ҳолини.* (Лутфий)

*Базмнинг асбобини қилгил насақ,
Ҳозир этуб сиху, кабобу табақ.* (Навоий)

Навоий асарлари тилида «шиш» сўзидан «шишламоқ» феъли ясалганини кўришимиз мумкин:

*Гарчи ишқ ўтида кўнглумни ўқунгга шишладинг,
Гарм бўлмаким, ҳануз не сих куймиш, не кабоб.* (Навоий)

Турк қардошларимизнинг мана бу мақоли юқорида аллома шоирларимиз маҳорати билан шеърий шаклга кирган ўзимизнинг ўзбекона «*Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам*» мақолига ғоят уйғун бўлиши билан ушбу халқ донишмандлиги намунасининг ҳам, шиш сўзининг ҳам туркий халқлар учун қадимий ва хослигини кўрсатади: «Ҳем шиш яғланмали, ҳем кебап пишмели».

Бугунги кунда тилимизда фаол бўлган «сузма», «қаймоқ», «қатиқ», «қимиз», «қурут», «қатлама», «қазиз», «йогурт» каби сўзлар «Девону луғатит турк»да, тилимизнинг кейинги босқичи бўлган эски ўзбек тилида, айниқса, Алишер Навоий асарларида деярли ўзгармасдан учрайди. Булар

аллақачон рус тили луғат таркибини бойитган. Фақат *йогурт* сал бошқа-чароқ бўлган.

«Йогурт» – Навоийда жуғрот шаклида учрайди. Бу сўз луғатда «қатиқ» деб изоҳланган. Бунинг мисоли «Садди Искандарий» дан:

*Ани уйга келтурди тортиб инон,
Равон моҳазар чекти жуғроту нон.*

Мазмуни: уни уйга келтириб, олдига тайёр турган жуғрот ва нонни қўйди. Жуғрот ҳозир бошқа туркий тилларда, хусусан, татар тилида ишлатиладиган «*йугурт*» сўзининг Навоий давридаги шакли. Бу сўзнинг «*йогурт*» фонетик шакли «Қутадғу билиг» да ишлатилган: қимиз, сут йа йун йағ йа йоғрут қурут (қимиз, сут ёки жун, ёғ ёки қатиқ, қурут). *Йогурт* туркий тиллардан рус тилига ўзлашиб, ҳозир шу шаклда фаол қўлланмоқда. Ҳатто инглиз тилига ҳам ўтиб улгурган.

Ўз сўзларимизни билмаслигимиз туфайли шунчаликка етдикки, баъзан бундай сўзларни бошқа тилдан ўтган деб ўйлай бошладик. Бир неча йил илгари телевизорда Навоий вилоятининг ҳайвонот олами ҳақида кўрсатув бўлиб қолди. Бу ўлканинг турли ёввойи ҳайвонлари ҳақидаги ҳужжатли фильм асли русча тайёрланган бўлиб, ўзбекчага таржима қилинган ва суҳандон шу матнни ўзбекча айтиб бермоқда эди. Унинг овози остида дастлаб ёзилган русча овоз ҳам эшитилиб турарди. Йиртқичларга мансуб чўл ҳайвони – қорақулоқлар ҳақида сўзлар экан, русийзабон бошловчи уни ўз номи билан, фақат русча талаффузда атай бошлади: «*каракулаки*». Русчада «*қ*» товуши бўлмаганидан шундай сўзлади. Бизнинг таржимонларимиз *қорақулоқ* асида нима эканини билмаганидан унинг русча ифодасини сақлаб қолгани аниқ. Ўзбек суҳандони ҳам уни русчага эргашиб айнан айта бошлади: «каракулаклар шунча йил умр кўради, каракулаклар фалон-фалон нарсалар билан озиқланади, каракулаклар мана бундай ов қилади» ва ҳоказо. Алишер Навоий бобомизнинг сўзлари ёдга келади:

*Сен ўзунгни тонимас эрмишсен,
Ўз сўзунгни тонимас эрмишсен.*

Муҳаммад Юсуф Чингийнинг XIX асрда яратилган «Келурнома» луғатида «қорақулағ – «степная рыс», яъни чўл силовсини деб келтирилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида бу ҳайвонга батафсил изоҳ берилган: Қорақулоқ, каракал – мушуклар уруғига мансуб сут эмизувчи ҳайвон.

Бу ўринда ҳам камчилик мавжуд: қорақулоқнинг иккинчи номи сифа-

тида қомусий луғатда қайд этилган *каракал* аслида *қорахолдир*. Бу туркий-ўзбекча сўзимиз нафақат русчага, балки бошқа европа тилларига ҳам ўзлашган. Масалан, немислар бу ҳайвонни каракал дейишди.

«Стакан» – рус тилига туркий тиллардан ўзлашиб, бундай шамойилга кирган бу сўз эски ўзбек тилида: тустағон – қимиз ва май ичадиган ёғоч идиш; қозоқ тилида: тостаган, тустаган – чоғроқ ёғоч коса; қирғиз тилида: тостукан – камёб чоғроқ ёғоч коса каби шакл ва маъноларга эга бўлган. Владимир Даль уни достакан – қадимги идиш тури деб кўрсатган. Е.Н. Шипова ўзининг «Рус тилидаги туркизмлар луғати» да Даль, Юдахин, Радлов сингари тилшуносларга асосланиб буларни қайд этган. Ушбу китобга беш мингга яқин туркий сўзлар киритилган. Ҳазрат Навоий туркий халқнинг бир қавми бўлган содда, қўли очик, бағрикенг ўзбекни суйиб тасвир этган ўринлар анчагина. Булардан бирида қозоқ қардоши каби чўл фарзанди саналган ўзбекнинг қимизу тустағонини мадҳ этган:

*Ҳалол она сунидекдур гар ўзбаким тутса
Тобук қилиб, юкуниб тустағон ичида қимиз.*

Рус тилидаги «*балбес*» – «билмас»дан, «*казна*» – «ҳазина» ёки «ғазна»дан, «*деньги*» – «танга»дан, «*курага*» эса «қуруқ мева»дан олинган. «*Инжу*» тилимизга хитойчадан, «*зиён*» эса арабчадан ўзлашган. Улар тилимиз орқали рус тилига «*жемчуг*» ва «*изъян*» бўлиб ўтган. «*Кавардак*» – «қовурдоқ». Асли қовурмоқ феълидан келиб чиққан бу сўз бизда таомни билдирса, русларда «ёмон овқат», «тартибсизлик», «хаос» маъноларига эга. «*Кочевать*», «*кочевник*» ўзимиздаги «кўч» сўзига бориб тақалади (кўчмоқ феълидан). «*Лошад*» – «алача от», «алаша от», яъни паст бўйли от; «*кабан*» – «қобон», яъни ёввойи чўчқа; «*мишень*» – «нишон», «*богатырь*» – «баҳодир», «*хозяин*» – «хўжайин». Бу жуфтликдаги русча сўзлар қандай келиб чиққанини сезгандирсиз. «*Хозяин взял деньги из казны и пошёл на базар*». Бу жумладаги олти сўздан тўрттаси туркий ўзлашма.

Хуллас, ғоят бой ва қадимий бўлган тилимиз (туркий тил) ўз тарихи давомида рус, украин, инглиз, немис, француз, венгер каби европа тиллари луғати таркибини бойитган. Мутахассисларнинг фикрича, рус тилидан бошқа европа тилларида туркий тиллардан сўз ўзлашиш даражаси юзга етар-етмас миқдорда бўлса, рус тилида бундай сўзлар саноғи қарийб беш мингтани ташкил қилади.

Тўлқин Тоғоев



МЕҲНАТ – БАХТ

Бизда меҳнат бахт ҳам инсон азиз,
Чунки инсон қалбида виждон азиз.

Яхши деҳқон зое этмас ҳосилин,
Нобуд этмай йиғса у деҳқон азиз.

Ерга сочган ризқ эрур бир дона дон,
Шул сабабдан дейдилар, бир дон азиз.

Парваришлар боғини ҳар боғбон,
Бир кўчат ундирса шу имкон азиз.

Сақласа кўз гавҳаридек меҳр ила
Боғининг тупроғини, боғбон азиз.

Нозу неъматларни исроф этмаган
Хонадон аҳлида бўлгай нон азиз.

Турмаса ўз ҳаддида ҳар бир киши,
Бўлмагай мезбон учун меҳмон азиз.

Чархий, боғингни тикандан сақлагил,
Хорсиз гулшан азиз, даврон азиз.

Чархий

АВЛИЁЛИК ХИСЛАТИ

Қадим замонда бадфеъллиги билан донг таратган бир одам кунларнинг бирида оппоқ либосларга бурканиб бир донишманднинг олдига борибди. Виқор билан савлат тўкиб ўтириб, донишманднинг олдига борибди. Виқор билан савлат тўкиб ўтириб, донишманддан сўрабди:

– Мен шу ўтиришимда кимга ўхшайман?

– Авлиёларга ўхшайсиз, – дебди донишманд. Унинг жавобидан мамнун бўлган одам эски одатини қилиб:

– Сен эса гўнг тўлдирилган қопага ўхшайсан, – дебди. Унинг бу гапини эшитган донишманд кулиб қўйибди. Донишманднинг ғазабланишини кутган одам ҳайрон бўлиб:



– Нега куласан? – деб сўрабди. Донишманд эса:

– Ичи авлиёлик хислатига тўлган одам бошқаларни ҳам авлиё деб билади, ичи гўнг билан тўла одамга бошқа одамлар ҳам гўнг тўлдирилган қопга ўхшаб кўринади, – деб жавоб берибди.

ЭЙ ФАРЗАНД, ҲАР БИР ГАПИРГАН ГАПИНГ СЕНИНГ КИМЛИГИНГИ ФОШ ЭТАДИ.

(Тарбия китобидан)

ИНСОН ҚАЛБИ

Бир қишлоқнинг четига донишманд одам келиб яшай бошлабди. У болаларни жуда севар ва улар билан кўп вақтини бирга ўтказар экан. Бундан ташқари, донишманд ўйинчоқлар ясаб болаларга совға қилар, лекин унинг ясаган ўйинчоқлари жуда нозик ва мўрт экан. Болалар уларни ўйнаётганларида ҳар қанча эҳтиёт бўлсалар ҳам, синиб қолар экан. Улар бундан ҳафа бўлиб йиғлашар ва донишманднинг олдига келишса, у болаларга яна шундай ўйинчоқлар ясаб берар экан.

Болаларнинг ота-оналари бир куни йиғилиб донишманднинг олдига келишибди ва:

– Сиз донишманд ва сахий одамсиз, болаларимизга яхшиликни хоҳлайсиз, лекин нима учун уларга ясаб бераётган ўйинчоқларингиз бунчалик нозик? Болаларимиз қанча эҳтиёт бўлмасинлар, улар барибир синиб қоляпти. Шу ўйинчоқларни пишиқроқ нарсалардан яасангиз бўлмайдами? – дейишибди.

– Донишманд биров ўйлаб туриб, уларга шундай дебди:

– Тез орада фарзандларингиз улғайиб, оила қуради. Мана шунда уларнинг ҳар бирига кимдир ўз юрагини ишониб топширади. Менинг ҳозирги бераётган сабоқларим балки ўшанда фойда бериб қолар, деб умид қиламан.

ЭЙ ФАРЗАНД, БИЛГИНКИ, ИНСОН ҚАЛБИ ЖУДА НОЗИК ВА МЎРТ БЎЛАДИ. СЕНГА ИШОНИБ ТОПШИРИЛГАН ҚАЛБНИ ҚЎЛИНГДАН КЕЛГАНЧА АСРАБ-АВАЙЛА.

(Тарбия китобидан)

ФИЛНИНГ ЎЧИ

Қадим замонларда Ҳиндистонда доно ва марҳаматли бир киши яшаган экан. Бир куни узоқ мамлакатдан икки-уч киши Ҳиндистонга ташриф буюришибди. Улар оч-яланғоч ва паришон аҳволда эканлар. Жуда ҳам кўп қийинчилик кўрганлари билиниб турар экан.



Олим мусофирларни очик юз билан кутиб олибди. Дам олишлари учун шароит яратиб берибди. Мусофирларнинг олдида машаққатларга тўла узоқ йўл бор экан. Уч кундан сўнг яна йўлга чиқишибди. Мезбон уларни кузатар экан, шундай дебди:

– Эй қадрдон дўстларим, сизга бир ўғитим бор. Илтимос қиламан, мени яхшилаб эшитинг. Сиз ўтадиган йўлларда филлар бор. Уларнинг болалари семиз, аммо кучсиздирлар. Шунинг учун сизда фил болаларини овлаш иштиёқи туғилади, аммо шуни унутмангки, оналари пистирмада туриб уларни қўриқлашади. Бирорта филнинг боласи йўқолсин-чи...

Йиғлаб фарёд чекиб, километрлаб йўл босади ва боласини унинг ҳидидан қидиради. Хартумидан ўтлар сочади, атрофни туманга айлантиради. Филлар болаларига жуда ҳам меҳрибон бўлишади. Шунингдек, жуда ҳам ўч олишга мойилдирлар. Оч қолиб ўт ва барглар есангиз ҳам ҳеч қачон фил боласини овлаб еманг. Агар бу ўғитимга амал қилсангиз, балолардан узоқ бўласиз. Мен бўйнимдаги қарзни адо этдим. Гапимга кирган, омонликда бўлади. Сизга оқ йўл тилайман.

Мусофирлар йўлларида давом этишибди. Бир оз юришгач, егуликлари тугабди. Оч қолишибди. Еб-ичгани ҳеч нарса топа олишмабди. Очлик ва сувсизлик уларни ҳолдан тойдирибди, аҳволлари жуда ҳам аянчли тус олибди. Шу пайт янги туғилган семиз фил боласини кўриб қолишибди. Оч бўрилардек фил боласига ташланишибди. Уни сўйиб емоқчи бўлишибди.

Улар орасидаги бир шериклари ўғит берган кишининг гапларини эсла-тибди. Фил боласига тегмасликларини илтимос қилибди. Ёлворибди... «Бундай қилманглар» дебди, аммо унга ҳеч ким қулоқ солмабди. Фил боласини сўйиб, пишириб ейишибди. Уларни огоҳлантирган одам эса оч бўлишига қарамай, фил боласининг гўштини емабди.

Фил боласининг гўштини еб, қоринларини яхшилаб тўйдирган одамларни уйқу босибди. Кўп ўтмай, ҳаммалари донг қотиб ухлаб қолишибди. Гўштдан емаган одам эса очликдан ухлай олмай, ўннга-чапга ағдарилар экан.

Шу пайт кутилмаганда каттакон, қўрқинчли фил пайдо бўлибди. Қорни жуда оч одам қўрқиб кетгани учун жойидан ҳам қимирлай олмабди. Жаҳлдор фил унга қараб яқинлашибди. Келиб атрофида айлана бошлабди. Кўзларидан ўт сочар экан.

Бир пас унинг бошида сергак турибди. Уч марта оғзини ҳидлабди. Аммо боласининг ҳидини сезмабди. Одамга жаҳл билан қарабди, аммо ҳеч нарса қилмабди.

Каттакон фил гўшт емаган одамнинг ёнидан узоқлашиб, ухлаётганларнинг олдида борибди. Ҳар бирини ҳидлаб кўрибди. Оғзиларидан боласи-

нинг ҳидини олибди. Одамлар қаттиқ уйқуда эканлар. Уларни хартуми билан битта-битта кўтариб ерга урибди. Бу ҳам етмагандек оёқлари билан эзибди. Бечора одамлар фожиали тарзда ҳалок бўлишибди. Боласининг ўчини олган фил ўқирганича у ердан узоқлашибди.

**СЕН ИНСОН БЎЛГИН, ҲЕЧ ҚАЧОН БИРОВГА ЁМОНЛИК ҚИЛМА,
ЧУНКИ ЁМОНЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ.**

(Тарбия китобидан)

НИМЖОН ШАҲЗОДА

Нимжон, озғин шаҳзода бўлган экан. Унинг укаси эса тамоман акси бўлиб, бўйи узун ва чиройли экан.

Кунлардан бир куни подшоҳ ҳамманинг ичида катта ўғлига паст назар билан қарабди. Шаҳзода отаси нега бундай муомала қилганини тушунибди ва отасига:

– Отажон! Савлатли, чиройли юзли жоҳилдан заиф ва ақлли одам яхшироқдир. Бўйи узун ва бақувват одам доим ҳам устун бўла олайди. Бир куни билимдон нимжоннинг семиз аҳмоқ кишига: «Араб оти озғин бўлса ҳам шу аҳволи билан мингта эшакдан яхшидир», деганини эшитганмисиз? – дебди.

Отаси кулибди, вазирларга бу гап унчалик хуш ёқмаган бўлса-да, шаҳзодага жуда ҳам ачинишибди.

Орадан кўп вақт ўтмай, кучли душман уларга хужум қилибди. Душман билан жанг майдонида учрашишибди. Подшоҳ, кўримсиз шаҳзода ва укаси ҳам жанг майдонида эканлар. Жанг бошланганда душманга биринчи бўлиб от солдирган кўримсиз шаҳзода бўлибди. У шундай дебди:

– Жангда менинг юзимни ҳеч ким кўрмайди. Тупроқ ва қонга бўялган бир бош кўрасиз, у ҳам бўлса меникидир. Зеро, ишонч ва ғайрат билан жангга кирган аскар, албатта, душманни енгади.

Бу гапларни айтиб бўлиб шаҳзода ўзини яна жангга урибди. Унинг сўзларидан руҳланган аскарлар ҳам шаҳзоданинг ортидан ҳайқирганча жанг майдонига отланишибди. Душман лашкари сон жиҳатдан устун бўлса-да, шаҳзоданинг даъватидан сўнг жанг майдонидан қочмоқчи бўлган аскарлар ҳам ўз кучига ишонч билан жангга киришибди ва нимжон шаҳзода бошчилигида душманни батамом енгишибди. Чиройли шаҳзода эса подшоҳнинг ёнидан жилмабди.

Бу воқеаларни кузатиб турган подшоҳ ғалаба билан қайтган нимжон шаҳзодани бағрига босиб, юзидан ўпибди ва уни ўзига валиаҳд этиб таъинлабди.

ИНСОННИНГ ҚАНДАЙЛИГИНИ УНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИГА ҚАРАБ БАҲОЛАШ НОЎРИН. ЮЗ-КЎЗИ ЧИРОЙЛИ ИНСОННИНГ ҚАЛБИ ҲАМИША ҲАМ ГЎЗАЛ БЎЛМАЙДИ. ЁКИ ТАШҚИ ТОМОНДАН ХУНУК КЎРИНГАН ИНСОННИНГ ЮРАГИ БУЮК МУҲАББАТГА ЛИММО-ЛИМ БЎЛИШИ МУМКИН.

(Тарбия китобидан)

ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Бир куни мактабда «Дунёнинг етти мўъжизаси» сарлавҳаси остида дарс ўтиляётган эди. Муаллим ўқувчиларга айти шу мавзуда топшириқ бериб, ҳар ким ўзи мўъжиза деб ҳисоблаган ва ниҳоятда ҳайратлантирган еттита нарсанинг номини ёзишни буюрди.

Белгиланган муддат ниҳоясига етиб, муаллим синф ўқувчиларидан дафтарларни бирма-бир йиғиб оларкан, ногаҳон бир қизнинг ёзмай, бир нуқтага термилиб ўтирганидан ҳайрон қолди ва ундан сўради.

– Нима бўлди, нега топшириқни бажармадинг?

Ўқувчи қиз жавоб берди:

– Муаллим, мен ҳануз иккиланипман. Дунёда мўъжиза десангиз арзи гулик нарсалар шу қадар сон-саноксизки, уларнинг қай бирини танлашга қийналяпман.

– Ўқитувчи иккиланаётган қизнинг ёнига яқин келди:

– Тўғри, дунёда мўъжиза дегуликдан ками йўқ. Аммо сен кўнглингга яқин бўлган, сени ниҳоятда таъсирлантирган ва ҳайратга солган нарсаларни танла.

Шундан сўнг, қиз бир қарорга келди ва бир муддат ўйланиб, фикрларини жамлаб олди-да, кейин дона-дона қилиб, танлаган мўъжизаларини бирма-бир санаб берди:

Мен мўъжизалар ичидан саралаб олган еттита мўъжиза қуйидагилар:

1. Кўриш.
2. Эшитиш.
3. Ҳаракатланиш.
4. Идрок қилиш.
5. Ҳис қилиш.
6. Табассум қилиш.
7. Севиш.

Ўқувчи қиз қарорини билдиргач, синфда узоқ вақтгача сукунат ҳукм сурди.

(«Замонавий ривоятлар»дан)



АЛЕКСАНДР ФЛЕМИНГ ФИЗИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ БЎЙИЧА 1945-ЙИЛГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Бутун башариятга мислсиз даражада, ўта катта хизмат қилган энг муҳим кашфиётлардан бирини 1928-1929 йилларда Шотландиялик олим Александр Флеминг амалга оширган. Флеминг – бутун Британия халқи фахрланадиган тимсоллардан биридир. Чунки у тарихда илк бор антибиотик дорини кашф қилди. Оммавий ишлаб чиқарилиши 1940-йиллар бошида йўлга қўйилган пенициллин таблеткалари II жаҳон уруши давомида миллионлаб аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Лекин, пенициллинни буюк қилган статистика бу эмас. Александр Флеминг ўзининг пенициллин билан сайёрамиздаги одамларнинг ўртача умр кўриши даражасини деярли икки баробар (!) оширган олимдир. Чунки, пенициллин ёрдамида даволанган ва устидан ғалаба қозонилган касалликлардан фориг бўлиш туфайли, бутун сайёрамизда одамларнинг ўртача умр кўриши 1950 йилда 47,7 ёшдан, 2017 йилга келиб 71,0 ёшгача ортди. Ўйлайманки, ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Статистиканинг ўзи ҳаммасини айтиб турибди. (Нобель мукофотининг амалий аҳамияти ҳақида бошқа саволларингиз қолмади деб ўйлайман).

ФРЕНСИС КРИК, МОРИС УИЛКИНС ВА ЖЕЙМС УОТСОН. 1962-ЙИЛГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Ирсий ахборотни авлоддан-авлодга ўтказиш вазифасини бажарувчи ДНК макромолекулалари устида илмий текширув ишлари XIX аср бошларидаёқ йўлга қўйилган эди. лекин ДНКнинг асл вазифаларини олимлар XX асрнинг 40-50 йилларига келибгина тушуниб ета бошлашди. 1953 йилда эса, номи юқорида зикр этилган олимлар ДНК молекуласи тузилишининг қўшалок спиралсимон моделини кашф қилишди. Бу эса, клонлаштириш ва ген муҳандислиги соҳаларининг пайдо бўлишига катта йўл очиб берди. Ҳозирда, ушбу кашфиётнинг амалий самараси ўлароқ, одам ирсиятидаги авлоддан-авлодга ўтувчи салбий жиҳатлар, касаллик ва нуқсонларни олдини олиш имкони мавжуд. Қолаверса, чорва ҳайвонлари ва бошқа жонзотларни клонлаштириш орқали, одамзот учун янада кўпроқ фойда келтирадиган зотдор наслларни келтириб чиқариш мумкин.

Ўрни келганда айтиш керакки, 1953 йилги Нобель лауреатларидан бири Жеймс Уотсон кейинчалик илмий давраларда ва айниқса жамият орасида ўзининг олим ва шахс сифатидаги обрўсини бутунлай йўқотди. Унинг илмий зеҳнини ҳурмат қилган ҳолда айтамикки, Уотсон ўзининг



ДНК-модели кашфиётидан ҳаддан зиёд манмансираган ва худбинлашиб кетган. У ўзининг илмий ишларига суюнган ҳолда, мукофотдан кейин кўп бора ирқчилик мазмунидаги бўлмағур илмий ғояларни илгари сурган. Масалан, у «оқ ирқли одамларнинг интеллектуал салоҳияти ҳар доим юқори бўлади, қора танлилар эса ДНК-даражасида бундай имкониятга эга эмас, улар фақат жисмоний меҳнатга ярайди» қабилидаги фикрларни баён қилган. Нима ҳам дердик, олим бўлгани билан, одам бўлмаса қийин...

* * *

Бир куни, бой ўз ўғлига камбағалларнинг ҳаётини ўрناق сифатида кўрсатиш учун ўғлини фермага олиб борибди ва улар у ерда бир кунларини ўтказишибди. Уйга қайтганларида эса отаси фарзандига қараб:

– Сенга саёҳатимиз ёқдим?

– Бу ажойиб эди ота!

– Сен одамлар қанчалик камбағал бўлишини кўрдингми? – деб сўрабди, отаси.

– Ҳа.

– Унда, сен нимани ўргандинг?

Ўғли жавоб берибди:

– Мен, бизнинг уйимизда ит борлигини, уларникида эса 4та кучук боласи борлигини билдим. Бизнинг боғимиз ўртасида бассейн борлигини, уларникида эса охири кўринмас чўмилиш ҳавзаси борлигини кўрдим. Биз ўз боғимизни чироқлар билан ёритамиз, уларникини эса юлдузлар ёритаётган экан. Уйимиз орқасида томорқа бор, уларнинг уйини орқаси эса ҳатто кўринмайди ҳам, кенгликлардан иборат.

Бу гапларни эшитиб, бой нима дейишни ҳам билмай қолибди. Уни ўғли эса яна қўшиб:

– Ота, сизга раҳмат, у одамларнинг қанчалик бойлигини кўрсатганингиздан миннатдорман. Ҳақиқатдан ҳам, барча нарса қандай нуқтаи назар билан қарашимизга боғлиқ эмасми?

Севги, дўстлар, оила, соғлиқ, яхши кайфият ва ҳаётга бўлган ижобий муносабатга эга бўлсангиз, сиз барча нарсага эришган бўласиз! Бирон нарса сотиб олиш эса имконсиз нарса эмас. Хоҳлаган нарсани сотиб олиб, унга эга бўлиш мумкин. Аммо сизнинг қалбингиз тўла бўлмаса, уни ҳеч қандай пул ёки нарса тўлдира олмайди. Шунинг учун ҳам ҳаётда энг асосий нарса, қалб софлиги деб ўйлайман.

3.Хаятова



СУВНИ ҚАДРЛАНГ

Жилдираб оқар ариқ,
Фақат қадрин билмаймиз.
Гўё уммонда балиқ,
Назар-писанд қилмаймиз.
Ифлос қилманг, пок сувни,
Авайлаб, асранг уни!
Эл дуосини олинг,
Даркор охират куни!
Қўлдан келса гар ариқ
Қазиб, сув беринг элга.
Дуо қилади халқ,
Умр учмайди елга.
Автолару от-улов
Ювишни бас қилинглар!
Жўмракка қўйинг жилов,
Сув қадрини билинглар!
Неча халқлар сувга зор,
Фақат бизда бемалол.
Оқар сувни қадрланг,
Асранг, асло қилманг хор.
Сув, ҳаво, нон учовлон
Бўлмаса нетар инсон?
Сув билан тирик жаҳон,
Оқар сувни қадрланг?!
Тўловини унутманг,
Ўз вақтида узинг қарз,
Тўлаш бўйнингизда фарз,
Оқар сувни қадрланг!

Мамадали Турдиали ўғли

* * *

«Инсон» тушунчасининг фалсафий мазмуни бор. Муайян жамият ва маданият томонидан эътироф этилган одоб-ахлоқ меъёрлари, тартиб-қоида (қонун)-ларга ихтиёрий ёки ихтиёрсиз хилоф хатти-ҳаракат қилиб қўйса, виждон азобида қолиб, чуқур изтиробга тушувчи, ўзини-ўзи кечирмовчи олий бир зот инсондир. У маънавий маъданият, одоб-ахлоқ ташувчи ва



жамият таянчидир. Чунки инсоннинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатини, бутун фаолиятини ижтимоий моҳият белгилайди, биологик моҳият иккинчи даражали бўлиб қолади. Инсоннинг ажралмас атрибути муайян дунёқараш негизда шаклланган маънавиятдир. Сўзи билан иши бир, инсоф-диёнатли, ҳалол-пок, ҳавойи нафсини жиловлай биладиган, халқ, Ватан ишқи билан яшайдиган, адолат тимсоли бўлган ва шу каби олижаноб фазилатлар эгалари маънавиятли шахслар ҳисобланадилар.

Одам учун энг қийин, мураккаб муаммо ўз-ўзини англаш ва қадрлашдир. Ўзи инсон эканлигини англаган одам албатта ўз қадрини билади, бундай кишилардагина бошқаларни қадрлаш ҳис-туйғуси кучли бўлади. Ақлли одам, зотига мансуб эканлигини тўла ҳис этган киши шунга мувофиқ, ҳаёт йўналишини белгилайди, бемаъни ишлардан ўзини тия билади. Одамнинг инсонга айланишининг зарур шарти жамият ва ундаги муносабатлардир. Жамият ва ундаги кишилар одам ўзини англай билиши учун бир кўзгу ролини ўйнайди. Чунки у ўзининг хулқ-атвори, талаб-эҳтиёжини ўзини қуршаган одамлар, уларнинг жамоалари одоб-ахлоқ меъёрлари билан таққослайди, баҳолайди ва муносабат белгилайди.

Инсон ташқи оламни кўзи орқали кўриши, танасидаги бошқа аъзолар орқали сезиши мумкин. Лекин у ўзини фақат ойна орқали кўриши мумкин. Аммо, у ўзини қандай бўлса, шундайлигича ҳис этиши учун реал ойнада эмас, балки бошқаларга ўз хатти-ҳаракатини таққослаш, солиштириш, баҳолаш «ойнаси»-га қарашга ўрганишига тўғри келади. Одам ўзини-ўзи англаб етгандагина ўзи яшаб турган жамият, ўтган авлодлар, уларнинг тарихий тажрибалари, анъаналарининг аҳамиятини тушуниб етади. Буни ўқиш, ўрганиш орқали, ўтган воқеа ва ҳодисаларни бугунги кун воқеалигига солиштириш, таққослаш орқали ҳис этади, фаҳмлаб олади.

Одам ўзини-ўзи англаб, инсонга айланиши учун у ўзини-ўзи ҳис этиши (сезиши), идрок этиши (фаҳмлаши), муайян маданият ва ижтимоий гуруҳга ўзи мансублигини англаши, ўз «Мени»га эга бўлиши лозим. Инсон табиати фақат умуминсоний хусусиятлардан ёки тамойиллардан иборат эмас. У, шунингдек, инсоннинг муайян тарихий, ижтимоий ва хосланган (индивидуал) мавжудлик ҳолати билан ҳам боғлиқ. Бу ҳолат шахснинг мойилликлари, у ёки бу нарсани яхши кўриши, сиғиниши, тақводорликка мойиллик ёки уни инкор қилиш каби ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний туйғу ва меъёрларини ҳам қамраб олади. Зеро, ота-боболаримиз «Ишқсиз – эшак, дардсиз – кесак», деганларида инсон табиатининг энг муҳим жиҳатини эътироф этганлар.

(*Aim.uz*)

ТУПРОҚ ДЕЙДИКИ

Тупроқ кулгисидан яшарар олам,
Тупроқ йиғисидан қурийди ҳаёт.
У йиғласа бўлмас бундан ортиқ ғам,
Унинг йиғисини кўрганмиз, ҳайҳот!
Ернинг йиғлашни кўрмоқ бўлсангиз,
Қурбонлар қабрига яхшилаб боқинг.
Чора топ, деб сизга чўккундайин тиз,
Унутма, инсон, деб шивирлар сокин.
Тақдиридан маъюс, дилхаста ўзи,
Кошкийди, кошкийди топса бир илож,
Бағрингизга бериб жигарингизни,
Ўрнига гуллардан тақиб олса тож.
У пинҳон йиғлайди, ёқа этмай чок,
Кекса она каби дилида дарди.
Одамлар! Курашинг, бирлашинг, токи –
Шу азиз тупроқда қайғунинг гарди
Қолмасин, бўлмасин, кўрмасин сира.
Вайроналар белин букмасин мутлақ.
Қуёшнинг чеҳраси тортмасин хира.
Гуллар тиниқ бўлсин, қор бўлсин оппоқ,
Тепкилаб, селкиллаб ўйин тушсангиз
Япроқ бўлиб қарсак чалган она – Ер:
Кўксим қадоқ бўлмас пошна изидан,
Фақат йиғлатманглар, йиғлатманглар.

Саида Зуннуова

ОВ УСЛУБИ

Бизнинг ота-боболаримиз атроф-муҳитни уйғунликда ҳаёт кечириб, ўзларини табиатнинг ажралмас қисми деб ҳисоблашган. Бу асосий ҳаётий қоида Буюк Даштни макон қилган халқларнинг дунёқараши ва кадриятларини шакллантирди. Ўз ёзуви ва мифологиясига эга Қозоғистон қадимий аҳолисининг илғор маданияти бўлди.

Улар меросининг ёрқин намунаси, бадий ўзига хослик ва маънавий бойлигининг алоҳида белгиси – «ов услуги» санъати. Ҳайвонлар тимсолидан турмушда фойдаланиш одам ва табиат ўзаро муносабатларининг рамзига айланиб, кўчманчиларнинг маънавий йўналишини белгилаб берган.



Улар йиртқичлар, асосан, мушуксимонлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг суратларини кўпроқ қўлланишган. Мустақил Қозоғистоннинг рамзларидан бири – маҳаллий жониворлар оламида сийрак учрайдиган қор қоплони экани ҳам бежиз эмас.

Бу борада, ов услуби аждодларимизнинг алоҳида юксак иш тажрибаси бўлганини кўрсатади. Улар бадиий ўймакорликни, металл билан ишлаш технологиясини, шу жумладан, мис ва бронзадан қуймалар яшаш ҳамда қуйиш, ёйма олтин тайёрлашнинг мураккаб усуллари яхши ўзлаштирган.

Умуман, «ов услуби» феномени дунё санъатидаги буюк довлардан бири саналади.

* * *

Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихини таҳлил қилишга доир салмоқли ишлар бажарилди. Элимизнинг тарихий солномасини асл ҳолига келтиришга йўл очиб берган «Маданий мерос» дастури самарали ишламоқда. Бироқ боболаримизнинг ҳаёти ва уларнинг юксак тараққиётига оид кўплаб ҳужжатлар ҳамон илмий қўлланмаларда қайд этилмапти. Улар дунёнинг турли бурчакларидаги архивларда ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Шу сабабли, қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган ўзимизнинг ва чет эл архивларини таҳлил қилиш учун «Архив – 2025» етти йиллик дастурини ишлаб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Бу лойиҳани амалга ошириш давомида тарихчилар, архившунослар ва маданиятшунослардан ташкил топган махсус гуруҳларнинг Ватанимиздаги ва чет эллардаги йирик архивлар билан ўзаро изчил ва узоқ муддатли ҳамкорлигига, тадқиқот ишларини юритишига катта эътибор қаратиш керак.

Нима бўлган тақдирда ҳам, бу аҳамиятли иш давлат ҳисобидан амалга ошириладиган «академик туризм»га айланиб кетмаслиги лозим. Архив ҳужжатларини фақат тўплаб қолмай, барча манфаатдор тадқиқотчилар ва оммага имконбоп бўлиши учун, уларни жадаллик билан рақамли шаклга кўчириш зарур.

Ўз тарихига нисбатан ифтихор ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик тарбиясини мактабданоқ бошлаш керак. Шу сабабли, мактаблар ва барча ҳудудлардаги ўлкашунослик музейларининг қошида тарихий-археологик ҳаракатларни ташкил қилиш муҳимдир. Миллат тарихини онгга сингдириш барча қозоғистонликларнинг вужудида ўз ибтидоларига бўлган муштарак туйғуни шакллантиради.

«Жанубий Қозоғистон» газетасидан

* * *

Ровийлар насихат қилишадиларким: йўлда қароқчилар мавжудлигини билган тадбирли сайёҳ ёлғиз юрмайди. У сипоҳилар ҳимоясида бирон карвон ўтишини кутади ва унга қўшилиб ўзининг хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳаёт йўлида ҳам идрокли одам таваккал қилмайди, бирон ақлли одамни учратиб, унинг изидан юрмоқликни маъқул кўради. У ўзига ўзи айтадики: дунё хавотирга тўла, фалокат оёқ остида. Қайси йўлдан юрмоқ маъқул? Хавф-хатардан ҳоли юрмоқлик учун қандай ҳамроҳни танламоқ жоиз? Бой одамнинг этагидан тутсамми ё эътиборли мансабдорнингми? Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, униси ҳам, буниси ҳам вақти келганда офатдан қутқариб қололмайди. Чунки уларни ҳам тўнайдилар, ҳам ўлдирадилар ёки хорлайдилар. Улар ҳам йиғлайдилар ... балки уларнинг ўзлари ҳаёт йўлининг маълум бир йўналишида ҳужум қилиб қолишар?

- Наҳотки ҳаёт йўлида эргаштириб борувчи ишончли ҳамроҳ йўқ бўлса? Ақлли одам шундай саволга дуч келганда тўғри жавоб топа олади:
- Ҳаёт йўлида адашмаслик учун Оллоҳ белгилаган йўлдан юрмоқ керак.
- Оллоҳ белгилаган йўлдан юрмоқ надир?
- Бу Оллоҳ хоҳлаган нарсани сен хоҳладинг, истамаганини истамадинг, деган гап.
- Бунга қандай эришмоқ мумкин?
- Илм эгалла. Барча қулфларнинг калити шундадир.

Тоҳир Малик

* * *

Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очиқ денгиз кабидир. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди. Фаннинг ибтидоси – ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-тоқатдир. Улуғ ишлар учун толмас сабот керак. Кишини қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятдан қандай фойдалана олишни билишига қараб қадрлашади. Қобилият ўз-ўзича шуурсиздир, у ишга солинган тақдирдагина жилоланади.

Тоҳир Малик



ВИЖДОН БИЛАН ЯШАШ ШУНЧА ҚИЙИНМИ?

Вақт келар – дунёнинг боқчаларидан
Тутундай тарқайди ўлик хитоблар.
Замоннинг юксак дид тоқчаларидан
Йиқилиб тушади ёлғон китоблар.
Йилларнинг олдида алдоқлар хордир!
Мангулик – қалбларда ярқ этган ҳаёт.
На унвон, на шуҳрат, на мансаб бордир,
Фақат ҳаёт бордир, бор Адабиёт!
Ҳақиқат шамоли гувласа шитоб,
Тўзғиса, ёрилса мақтов кўпиги.
Кўринар – бешафқат сатрлар аро –
Кетгани кимларнинг қони тўкилиб.
Ўзининг суратин танийди ҳаёт...
«Бу – мен...» деб энг одил сўзни айтади.
Кимдир эшитгиси келмаган баёт
Унинг тилларига ўйнаб қайтади.
Ўша кун беш қўлдай бўлади аён –
Четга қочолмагай ҳеч ким талпиниб –
Кимлар эл-юртига бахш этгандир жон,
Кимлар ўлдиргандир она халқини.
Сизнинг вақтингизни олмайман бекор,
Ахир, ҳар бир сатр сўмли, тийинли...
Аммо шеър сўнгида бир саволим бор:
Виждон билан яшаш шунча қийинми?

Усмон Азим

СЕНИ ШУНДАЙ СЕВАМАН ТУПРОҚ

Ногоҳ юрак ҳаприқиб кетар...
Мен биламан, у кутар мени.
Ҳеч қандай куч йўқ қила олмас
Қалбимдаги бундай севгини.
Қадамларим қанот кабидир,
Учиб, туннинг кўксини тилар.
Анҳордаги бўтана сув ҳам
Менинг ажиб севгимни билар.
Тоққа чиқиб, ҳайқирганимда



Даралардан қайтди акс-садо.
Яшил водий, дарёлар айтди,
Қалбингдаги севги бебаҳо.
Кекса тутлар – танаси бужур,
Мева тутган олма дарахти.
Мени қўймай саволга тутди:
– Ошиқмисан, ростини айтгил.
Қишлоғимнинг тупроқ кўчаси –
Болалигим кечган ул ҳаёт.
Деди: – Сенинг шивирларингга
Тўлаётир бугун коинот.
Ҳасса тутган оқсоқол чоллар
«Қизим», деса бахтга тўлганим,
Падарим, деб кўзларим қувнаб,
Ҳар бирида Хизир кўрганим.
Бу шундай эл. Замини олтин,
Бу шундай эл. Кўкси Тангри тоғ.
Сени шундай севаман, юртим,
Сени шундай севаман, тупроқ.

Шарифа Салимова



ВАРИАНТДОШ СЎЗЛАР (Дублет сўзлар)

Сўзлар варианты

| | |
|--------------------------------|------------------------|
| Адаб Одоб | Карта Қарта |
| Аждаҳо Аждарҳо | Оёқ ости Оёғости |
| Айқирмоқ Ҳайқирмоқ | Подшо Подшоҳ |
| Алифбо Алфавит | Сўлқиллоқ Сўлқилдоқ |
| Арава Ароба | Суюниш Севиниш |
| Асо Ҳасса | Суймоқ Севмоқ |
| Аста Оҳиста | Сан-ман Сен-мен |
| Ассаломалайкум Ассаломуалайкум | Сабо Сабоҳ |
| Астағфируллоҳ Астағфирулло | Тегизмоқ Теккизмоқ |
| Аш-паш Ҳаш-паш | Тева Туя |
| Баайни Баайниҳи | Тупик Тупирик |
| Бадтар Баттар | Тўнка Тўнгак |
| Байир Байри | Хаёлот Хаёлат |
| Байтулаҳзан Байтулҳазан | Тақилламоқ Тақирламоқ |
| Баъмани Баъmano | Теравермоқ Тера бермоқ |
| Баравар Баробар | Тўлғазмоқ Тўлғизмоқ |
| Бараҳман Брахман | Файласуф Философ |
| Бениҳоя Бениҳоят | Чивин Чибин |
| Бекинмоқ Беркинмоқ | Шаҳаншоҳ Шоҳаншоҳ |
| Болгар Булғор | Шоҳтут Шотут |
| Бообрў Бообрўй | Шундоққина Шундайгина |
| Бош бармоқ Бошмалдоқ | Юган Жуган |
| Бузург Бузрук | Юнг Жун |
| Бугун Букун | Юравермоқ Юра бермоқ |
| Валиюллоҳ Валиуллоҳ | Юқа Юпқа |
| Важҳ Важ | Ўтириш Ўлтириш |
| Валангор Валангир | Ўтирғич Ўтирғич |
| Гавҳар Гуҳар | Қабарик Қаварик |
| Гадо Гадой | Қабат Қават |
| Думалоқ Юмалоқ | Қайнона Қайнана |
| Этказ Эткиз | Қайнота Қайната |
| Ёвон Ёбон | Қайтага Қайтанга |
| Исирға Сурға | Қайтадан Қайтатдан |
| Каптар Кабутар | Қуваламоқ Қувламоқ |
| Мачит Масжид | Ҳазнадор Ҳазинадор |
| Моҳ Маҳ | |

ҚИСКАЧА ИБОРАЛАР ЛУҒАТИ

Аламини олмоқ – Аламини тарқатиш учун зулм қилмоқ
Арпасини ким хом ўрибди? – Нима ёмонлик қилибди?
Ақли кирди – Эс-хушли бўлди
Балога қолмоқ – Жазога дучор бўлмоқ
Бағри тош – Бемехр, илтифоти йўқ
Белни боғламоқ – Шайланмоқ, астойдил киришмоқ
Боши кўкка етди – Беҳад севинмоқ
Бурни кўтарилган – Кибрланмоқ, гердаймоқ
Гапи бир жойдан чиқди – Фикр-ўйлари мос келди
Гаҳ деса қўлига қўнади – Жуда итоаткор
Дўпписини осмонга отмоқ – Жуда қувонмоқ
Етти ўлчаб бир кес – Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ
Ёғ тушса ялагудек – Ниҳоят даражада тоза, озода
Жағи очилди – Кўп гапирди
Жони халқумига келди – Ўлар ҳолатга келди
Илоннинг ёғини ялаган – Ўта айёр, муғомбир, қув
Калаванинг учини топди – Жумбоқни ҳал қилиш йўлини топди
Капалаги учди – Ниҳоятда қаттиқ қўрқди
Кўзига иссиқ кўринди – Таниш туйилмоқ
Кўзи тўрт бўлди – Интизор бўлмоқ
Кўкка кўтармоқ – Ниҳоятда мақтамоқ
Кўнгли кўтарилди – Рухланди
Кўнгли оқ – Самимий
Кўнгли тўлди – Мамнун бўлди
Кўнгли юмшоқ – Раҳмдил
Лафзи ҳалол – Ваъдасида турадиган
Лом-мим демади – Гапирмади, эътироз билдирмади
Мазаси қочди – Соғлиги ёмонлашди
Миси чиқди – Асл қиёфаси фош бўлди
Мум тишлаб қолди – Гапира олмай қолди
Номи чиқди – Машҳур бўлди
Оёғини қўлига олиб келди – Тез келди
Ораларидан қил ўтмайди – Жуда иноқ, аҳил
Оғзи қўлоғига етди – Жуда хурсанд
Оқ-қорани таниди – Ҳаёт тажрибасига эга бўлди
Терисига сиғмай кетди – Жуда қувонди
Тили бир қарич – Мақтанишга ҳақли бўлди

Тили ширин – Ёқимли гапирадиган
Тилининг учида турмоқ – Хотирасини тиклаб айта олмаслик
Тирноқ остидан кир қидирмоқ – Ёмон ният билан айбни қидирмоқ
Тишининг қавагида сақламоқ – Ўта эҳтиёт билан
Тоқатлари тоқ бўлди – Сабр-чидами тугади
Хўрлиги келди – Ўксиниб йиғлашга тайёр
Чехраси очилди – Хафагарчилиги тугади
Эси чиқиб кетди – Ниҳоятда қаттиқ қўрқди
Юлдузни бенарвон уради – Ўта абжир, чаққон, чапдаст
Қўй оғзидан чоп олмаган – Ўта ювош
Қўли калталиқ қилди – Имконияти чегараланган
Ҳафсаласи пир бўлди – Бирор ишни қилишга интилиши йўқолди

ҚИСКАЧА ПАРОНИМЛАР РЎЙХАТИ

А

Абадий - мангу Адабий – бадий адабиётда оид
Абрў – қош Обрў – эътибор, ҳурмат
Абзал – эгар-жабдуғ Афзал – аъло, яхши
Абгор – ночор, хароб Афкор – фикрлар
Адиб – ёзувчи Адип – кўрпа четидаги мағиз
Адл – адолат, одиллик Адил – тик, эгилмаган
Адресат – хат, телеграмма олувчи Адресант – хат, телеграмма юборувчи
Азм – қатъий қарор, жазм Азим – ғоят катта, улкан
Аён – маълум, равшан Аъён – амалдор
Аламон – оломон Алъамон – омонлик учун мурожаат
Ало – устига: «Нур ало нур» Аъло – энг юқори, энг яхши
Алам – жисмоний оғриқ Аълам – диний арбоб, бош муфти
Алпоз – аҳвол, вазият, ҳолат Алфоз – лафзлар, сўзлар, иборалар
Амр – буйруқ, фармон Амир – подшо, хон (қад. Бухорода)
Ариқ – сув оқадиган жой Ориқ – озгин
Артиш – тозалаш Арчиш – пўстлоғидан ажратиш
Асл – туб, негиз, ҳақиқий Асил – аъло сифатли, энг яхши, тоза
Ато – инъом, совға Ота – фарзандли эр киши
Ачипти – ошиқ ўйини тури Ачибди – (қатиқ) ачибди
Аҳил – тотув, иноқ Аҳл – бир соҳа одамлари

Б

Бад – ёмон Баъд – кейин, сўнг
Баднафс – нафси бузуқ Баднафас – нафаси совуқ
Баён – ёзма иш Баян – мусиқа асбоби
Бакор – корига ярамоқ Бекор – ишсиз
Бал – рақс кечаси Балл – баҳо ўчови бирлиги
Банд – модда, параграп; машғул Бант – сочга тақиладиган лента
Бармоқ – аъзо Бормоқ – бориш
Бийрон - сўзамол, гапдон Бирон – бирор
Бикр – ифбатли қиз, бокира Бикир – пишиқ, бақувват
Биров – кимдир Буров – бураш, бурамоқ
Боб – китобнинг қисмлари Боп – муносиб
Бод – касаллик Бот – тез; ботмоқ
Борлик – мавжудлик Борлиқ – мавжудот
Бошда – аввал Бошида – ёнида, олдида
Боғли – боғи бор Боғлиқ – боғланган
Буд – бор-йўқ нарса Бут – тўлиқ, бекаму кўст
Бурж – 12 та юлдуз туркуми Бурч – мажбурият
Бурил – бурилмоқ Бурул – холдор, кўкиш от
Бурғи – парма Бурғу – қадимги чолғу асбоби
Буқа – ёш эркек қорамол Буқъа – мадрасадаги ҳужра

Д

Даво – дори-дармон Даъво – арз, талаб
Давр – вақт оралиғи Довур – от ёпинчиғи
Дазмол – кийим текислайдиган асбоб Даствол – қозон ювғич
Девон – шоирнинг шеърлари тўплами Диван – юмшоқ мебел
Дала – экин экиладиган майдон Дара – икки тоғ оралиғидаги
Дарз – ёриқ, ёрилган Дарс – машғулот, сабоқ
Дадил – довюрак Далил – исбот
Дипломат – давлат хизматчиси Дипломант – диплом ёзувчи
Дуб – дарахт Дуп – товушга тақлид

Э

Эллик – сон Энлик – икки энлик (хат)
Эсиз – аттанг, афсус Эссиз – эси йўқ, нодон
Эҳзон – қайғу ҳукм сурган кулба Эҳсон – хайрли иш, эзгулик

Ф

Фақир – камбағал Пақир – челак

Г

Ганж – хазина, бойлик Ганч – сувоқ материали
Гилос – мева Голос – тўқ жигар ранг

Ж

Жоди – ўт қирқадиган асбоб Жоду – сеҳр
Жуда – энг, ғоят Жудо – айрилиқ

К

Кампания – маълум ишлар тизими Компания – корхона, бирлашма
Кафт – қўлнинг қисми Кифт – элка
Кат – ёғоч кароват Карт – карт думба
Квадрат – тенг ёқли тўртбурчак Квадрант – доиранинг чораги
Контакт – алоқа, боғланиш Контракт – шартнома
Куйинди – куйишдан қолган из Кюнди – куюнмоқ

Л

Лаҳм – суяксиз гўшт Лаҳим – ерости йўли
Лоп – бирдан Лоф – муболаға

М

Матал – ҳикматли сўзлар Маътал – кутиб қолган, мунтазир

Н

Наша – гиёҳванд модда Нашъа – эстетик лаззат, ҳузур
Нақ – худди, айти Нақд – пули дарҳол тўланадиган



Нуфуз – обрў, эътибор Нуфус – аҳоли

О

Олу – олхўри Олув – олиш

Ора – ўрта Оро – пардоз

Охир – чегара, поён Охур – ҳайвонларга эм солинадиган жой

Оқлик – оқ ранглик Оқлик – сут маҳсулотлари

Орасида – ўртасида, ичида Ораста – безатилган, ясатилган

Қ

Қад – қомат Қат – қават, қатлам

Қайд – таъкид Қайт - ўқчиш, қусиш

Қала- ўтинни тахла Қалъа – шаҳар

Қалмоқ – миллат Қолмоқ – қолиш

Қарз – қайтариладиган пул, буюм Қарс – товуш: қарс этди

Қари – кекса, мўйсафид Қаъри – чуқур ер ости, ичи

Қийқ – товуш: қийқ этди Қийиқ – қийилган; рўмол

Қиймат – баҳо Қиммат – нархи баланд

Қисм – бўлак Қисим – сиқим

Қолиб – қолмоқ Қолип – оёқ кийим мосламаси

Қуйилди – оқди Қуюлди – қуюқлашди

Қура – қура бошлади Қуръа – чек

Қурт – ҳашарот Қурут – сузма қурут

С

Сайд – ов Сайид - пайғамбаримиз авлодлари

Санат – санатмоқ Санъат – бадиий ижодиёт тури

Сақов – от, эшаклар касаллиги Соқов – гунг, тилсиз

Сурат – расм Суръат – тезлик, темп

Сургин – сурмоқ Сургун – бадарға

Т

Таб – тафт, ҳарорат Таъб – кишининг ички табиати

Талат – талатмоқ Талъат – юз, чеҳра

Тамбур – вагон кираверишдаги Танбур - чолғу асбоби бўлма

Тана – гавда Таъна – гина, кудурат

Тариф – баҳолар кўрсаткичи Таъриф – тавсиф, тасвир

Тасир – тасир-тусур Таъсир – тазйиқ

Тақиб – тақиб қўйди Таъқиб – яширинча кузатиш

Тиб – медицина Тип – тоифа

Туб – таг, ост Туп – ўсимлик, дарахтнинг ҳар донаси

Тутин – тутинмоқ Тутун – олов тутуни

У

Узик – узилган Узук – тақинчоқ



Уйим – менинг уйим Уюм – тўда
Улиш – улимоқ (ит, бўри) Улуш - бўлак, ҳисса
Уним – (менинг) уним Унум – ҳосил, барака
Уриш – урмоқ Уруш – жанг

В

Вақф – диний муассаса мулки Воқиф – хабардор
Воқе – содир (бўлмоқ) Воқеа – ҳоиса

Х

Хаёли – ўйи, фикри Ҳаёли – ифбатли
Халқ – эл, улус Ҳалқ – ҳалқум
Хам – эгик, қуйи-солинган Ҳам – (мени) ҳам
Хар – эшак Ҳар – ҳар кун
Хиёл – сал, озгина Хаёл – ўй, фикр
Хийла – анча Ҳийла – макр, фириб
Хил-хил – турли-туман Ҳил-ҳил – ҳил-ҳил (пишган)
Хирс – айиқ Ҳирс – кучли истак, интилиш
Хол – бадандаги қора туғма доғ Ҳол – аҳвол
Холи – ёлғиз, бўш, банд эмас Ҳоли – аҳволи
Хосият – хусусият Ҳосият – ҳис этиш
Хур – товуш: хур-хур Ҳур – эркин, озод
Хуш – яхши, маъқул, дуруст Ювунди – ифлос сув

Й

Ягана – экинни сийраклатиш Ягона – якка, танҳо, ёлғиз
Етди – етиб борди Етти – сонг
Ёндаш – яқинлаш Ёндош – ёнидаги
Ёриқ – ёрилган Ёруғ – нур
Ювинди – сув билан тозаланади Ювунди – ифлос сув

З

Зафар – ғалаба Заъфар – сап-сарик ранг

Ш

Шер – ҳайвон, арслон Шеър – вазн, қофияли кичик бадиий асар
Шох – дарахт ёки ҳайвон шохи Шоҳ – подшо
Шуба – мўйнали қишки кийим Шўъба – бўлим, идора

ГЛОССАРИЙ

| | |
|---|--|
| <p>«АҚЛИЙ ҲУ-ЖУМ»</p> | <p>Ушбу усул кўрсатилган муаммони ҳал қилиш учун энг кўп жавобларни ёки ғояларни биргаликда таклиф қилиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, натижада ҳужумдан кейин жавобларнинг «тўғри» ёки «нотўғри» таҳлили амалга оширилади.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/publ/</p> |
| <p>«ВЕНН ДОИ-РАСИ» ЁКИ «ВЕНН ДИАГ-РАММАСИ» УСУЛИ</p> | <p>Ушбу услуб мулоҳазали фикрлашни ривожлантириш технологияси доирасида фаол қўлланилади.</p> <p>Бу усул икки ёки ундан ортиқ тушунчалар, ҳодисалар, усуллар ва нарсаларни солиштириш керак бўлган ҳолларда қўлланиладиган график усулни ўз ичига олади. «Венн доираси» икки ёки ундан ортиқ ҳодисаларда умумийликни аниқлашга ёрдам беради, фарқларни таъкидлайди ва кўрсатилган мавзу бўйича билимларни умумлаштиради.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/metodika/priemy/6089_diagranny_venna</p> |
| <p>«МИКРОФОН» УСУЛИ</p> | <p>Бу усулдан синфда ўй вазифасини текшириш, асосий билимларни фаоллаштириш, рағбатлантириш ёки дарсни умумлаштириш учун фойдаланиш мумкин.</p> <p>Ўқувчиларнинг кўпчилигини жалб қилишга, материалга қанчалик қизиқишларини билиб олишга, ўзлаштиришига ёрдам беради. Ўқувчиларга ҳар бир дарсда ўзлари учун фойдали нарсаларни билиб олишлари, дадил ўз фикрларини билдиришлари, шахсий ютуқлари ва эҳтимолий муваффақиятсизликлари ҳақида очиқ-ойдин гапиришлари мумкинлигини уқтиради.</p> <p>Бу усулнинг технологияси шундан иборатки, дарс давомида ўқувчилар долзарб саволларга жавоб бериб навбатма-навбат қабул қиладилар. Вазиятни тақдид қилиш учун сиз ўйинчоқ микрофондан фойдаланишингиз ёки бирон-бир объектни узатишингиз ва бу овоз кучайтиргич «ролини ўйнашини» келишиб олишингиз мумкин. Синфда бу методдан фойдаланилганда ҳар бир ўқувчи ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/metodika/priemy/6735_priem_mikrofon</p> |
| <p>«ҲАЙРАТГА ҚОЛДИР!» УСУЛИ</p> | <p>Бу усулнинг тушунчаси қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг «билим ҳайрат билан бошланади», деган постулатига асосланади.</p> <p>Бу усул билим олувчиларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради, болаларнинг дарс мавзусига бўлган доимий эътиборини қўллаб-қувватлайди, қисқа муддатли хотирани ўз ичига олмай, жамиятлар ва динлар ҳаётидан муҳим ва қизиқарли фактлар ва воқеаларни эслаб қолишга ёрдам беради.</p> <p>Ўрганилган тарихий давр маданий ёдгорликларининг батафсил намойишидан фойдаланишингиз мумкин, бу эса ўқувчида ҳайрат туйғусини ва шунга мос равишда, дарс мавзусига қизиқишини уйғотади.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/metodika/priemy/6475_priem_udivlyai</p> |
| <p>«КУНДАЛИК: ЦИТАТА/ШАРҲ» УСУЛИ</p> | <p>Бу усул ахборот билан ишлаш технологиясини ифодалайди.</p> <p>Ҳаётда одамлар қандайдир ахборот оқимларига боғланган: ҳисоб-китоб қиладилар, рўйхатлар тузадилар, баёнотлар тузадилар ва ҳоказо.</p> <p>Демак, ўқувчиларнинг ахборот билан тез ва конструктив ишлаш қобилиятининг аҳамияти янгиланади.</p> <p>«Кундалик...» – бу фикр ва ибораларни «таъкидлаш», ҳукмларга ва матннинг энг муҳим қисмларига эътибор бериш имконини берувчи ёзишни ўргатиш усули.</p> <p>Кундалик цитата ва изоҳлар шаклида олиб борилади.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/metodika/priemy/6450_priemy_dnevnik</p> |

| | |
|--|--|
| <p>«КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ» УСУЛИ</p> | <p>Материални ифодалашнинг бир қанча усуллари мавжуд: графиклар, диаграммалар, устунлар ва бошқалар. «Концептуал жадвал» – қиёсий жадвал яратишни мақсад қилиб олган педагогик усулдир. Ўқувчиларга дарс мавзусини турли жиҳатдан ўрганиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, объектлар ва бошқа тарихий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини топиш ва таҳлил қилиш имконини беради. http://pedsovet.su/metodika/priemy/6434_konceptualnaya_tablitsa</p> |
| <p>«КЛАСТЕР» УСУЛИ</p> | <p>Бу усул матн мазмунини ажратиб кўрсатиш ва уни «боғлам» шаклида график ёритишдан иборатдир. Материални бундай расмийлаштириш ўқувчиларга ўрганилган масалалар бўйича оғзаки ва ёзма равишда нима дейиш мумкинлигини билиб олиш ва тушунишга ёрдам беради. Бу метод «чорлов» босқичида, саволлар ёки таркибий қисмларнинг сарлавҳалари кўринишидаги асосий манба (матн) билан танишишдан олдин ахборот тизимлаштирилганда қўлланилиши мумкин. http://pedsovet.su/metodika/priemy/5673_metod_klaster_na_uroke</p> |
| <p>«БИЛАМАН. БИЛИШНИ ИСТАЙМАН. БИЛДИМ» УСУЛИ. «БББ» ЖАДВАЛИ</p> | <p>Ўқув материални график ташкил этишнинг бу усули мавзу бўйича мавжуд бўлган маълумотларни тизимлаштириш ва тўплашга, ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва уларни тизимлаштиришга ёрдам беради. Мавжуд билимларни янгилаш ва «Чақирув» босқичида янги нарсаларни ўрганишга ундаш, «Рефлексия» босқичида материалларга қайта боғланиш учун ишлатилади. Ўқувчиларга мавзунини ўрганишга киришишдан олдин бир қатор саволлар берилади: «Ўрганилаётган мавзу ёки савол ҳақида нималарни биласиз ёки ўйлайсиз?» Жавоблар «Биламан» устунига ёзилади. Кейин савол берилади: «Сиз нимани билишни хоҳлайсиз?», «Билмоқчиман» қаторига шу ҳолатда ёзилади. «Билдим» устунига дарс давомида олинган маълумот, тушунча ва фактлар қайд этилади. «Рефлексия» бўлимида ўқувчилар чақирув босқичига қайтадилар: биринчи ва иккинчи устунларга тузатишлар киритилади. http://pedsovet.su/metodika/priemy/5725_zhu</p> |
| <p>«СИНКВЕЙН ЁЗИШ» УСУЛИ</p> | <p>Француз тилидан таржима қилинганда «синквейн» сўзи маълум қоидаларга мувофиқ ёзилган беш сатрдан иборат шеър маъносини англатади. «Синквейн»ни тузиш ўқувчидан ўқув материални, маълумотни қисқача ифода-лаб умумлаштиришни талаб қилади, бу эса ҳар қандай бирор нарса ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. «Синквейн» – дарсда эркин ижод қилиш шакли бўлиб, ундан фойдаланиш бир қатор муайян қоидаларга риоя қилишни талаб қилади: 1) 1-қаторда – битта сўз – от сўз туркуми; 2) 2-қаторда – синквейн мавзусини очиб берувчи иккита сифат; 3) 3-қаторда синквейн мавзусига оид ҳаракатларни тасвирловчи учта феъл ёзилади; 4) 4-қаторда бутун бир ибора, бир неча сўздан иборат гап жойлаштирилган бўлиб, бу орқали ўқувчилар мавзуга ўз муносабатини билдиради; 5) охириги сатр мавзунинг янгича талқинини берувчи ва унга шахсий муносабатини билдириш имконини берувчи сўз – хулосадир. http://pedsovet.su/publ/42-1-0-5767</p> |

| | |
|--|--|
| <p>«ИНСЕРТ» УСУЛИ</p> | <p>Бу усулнинг вазифаси мулоҳазали фикрлашни ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу усул номининг кенгайтирилиши қуйидагича: I – interactive (интерфаол) N – oting (маълумот берувчи) S – system for (тизим) E – effective (самарали) R – reading (ўқиш) T – thinking (ва ўйлаш).</p> <p>Мулоҳазали фикрлашни ривожлантириш технологиясини ўқиш ва ёзиш орқали қабул қилиш, матн билан янги маълумотлар билан ишлашда қўлланилади. ИНСЕРТ усули «самарали ўқиш технологияси» деб ҳам аталади. http://pedsovet.su/metodika/priemy/6007_priem_trkm_insert_na_uroke</p> |
| <p>«БЛУМ КУ-БИГИ» ЁКИ «БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ»</p> | <p>Мулоҳазали фикрлашни ривожлантиришнинг бу усули ўқитувчиларга дарсларнинг ўқув мақсадларини уч блокка бўлиш имконини беради: – когнитив, – психомотор, – аффектив.</p> <p>Бошқача қилиб айтганда, бу мақсадларни блоклар билан кўрсатиш мумкин: – «Биламан» – «Ярата оламан» – «Бажара оламан».</p> <p>Усулнинг моҳияти шундаки, у жуда бошқача ва ҳар хил кўринишдаги саволларни шакллантиришга имкон беради. Усулдан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларга тайёр билимлар эмас, балки бир қатор долзарб муаммолар таклиф этилади. Натижада ўқувчилар шахсий тажриба ва билимларидан фойдаланиб, ўқитувчи томонидан қўйилган муаммоларни ҳал қилишнинг ўз йўлларини топишга ҳаракат қилишлари лозим. http://pedsovet.su/metodika/priemy/6001_kubik_bluma_na_uro</p> |
| <p>«ФИШБОУН» УСУЛИ</p> | <p>Инглиз тилидан таржима қилинганда «балиқ сўяги» ёки «балиқ скелети» деган маънони англатади.</p> <p>Усулнинг йўналиши – ўқувчиларнинг мулоҳазали фикрлашини кўргазмали ва мазмунли шаклда ривожлантиришдир. Усулнинг моҳияти таҳлил объекти ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш ва оқилонга танловни амалга оширишдан иборат.</p> <p>Бу усул ахборот билан ишлаш кўникмаларини, муаммоларни белгилаш ва ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш имконини беради. Гўруҳли иш учун фойдаланиш маъқул келади. http://pedsovet.su/metodika/priemy/5714</p> |
| <p>«ОҚИЛНИНГ ОЛТИ ҚАЛПОҒИ» УСУЛИ</p> | <p>Ушбу усулни биринчи бўлиб инглиз психологи ва ёзувчиси Эдвард де Боно таклиф қилган. Танқидий фикрлаш технологиясининг асосчилари болаларни ўқитиш учун «олти қалпоқ» усулини мослаштирдилар.</p> <p>Усулни қўллашдан мақсад, ўқувчиларнинг параллел фикрлашини ривожлантириш, вазиятни турли нуқтаи назардан кўриш, муаммонинг мураккаблигини тақдим этиш ва уни ҳал қилишнинг энг яхши усулини аниқлашга ёрдам беришдир. http://pedsovet.su/metodika/priemy/6276_6_shlyap_myshlenia_na_uroke</p> |

| | |
|--|--|
| <p>«ПОПС ФОРМУЛА» УСУЛИ</p> | <p>Ушбу усул ҳуқуқ профессори Девид Маккоид-Мейсон (ЖАР) томонидан ишлаб чиқилган.</p> <p>Усулнинг вазифаси:</p> <p>– қайта боғланишнинг интерфаол усули. Унинг таркибий қисмлари ўқув муаммосини таҳлил қилиш, ўтилган материални мустаҳкамлаш имконини беради.</p> <p>Бу усул, кўпинча тасодиф, сезги, ёки ҳатто омад юқори бўладиган синов(тест) шаклидаги назорат туридан фарқли равишда,ўқувчиларнинг моҳиятан, билимларида мавжуд камчиликларни янада аниқ очиб беради;</p> <p>– муҳокама қуриш учун самарали восита. Бу усул ўқувчилар нутқини қисқа, лўнда, асосли, барча тегишли хулосалар билан баён қилиш имконини беради, бу албатта талаба жамоасида қизиқтириш уйғотади ва уларни фаол мулоқот ва ишбилармонлик баҳсига ундайди.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/publ/205-1-0-5764</p> |
| <p>ЭССЕ</p> | <p>Бу усул муаммони эркин баён этиш билан ажралиб турадиган жанрга тегишли; муайян масала ёки муаммо ҳақида шахсий таассуротлар ва ғояларни ифодалаб, шубҳасиз, масала ёки муаммони аниқ ёки тўлиқ талқин қилишни талаб қилмайдиган кичик ҳажмли ва эркин шаклдаги насрий иншо.</p> <p style="text-align: right;">http://pedsovet.su/metodika/priemy/6355_priem_esse_na_uroke</p> |
| <p>«ОҚИБАТЛАР ҒИЛДИРАГИ» УСУЛИ</p> | <p>Усул ўқувчиларни муайян воқеа ёки ҳаракатнинг бевосита ва билвосита оқибатлари ҳақида ўйлашга ундайди.</p> <p>Ўқувчилар бу оқибатларни аниқ тасвирлайдилар ёки тасаввур қиладилар.</p> <p>Бу усулни фойдаланиш технологияси:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчилар асосий воқеа ёки ҳаракатни саҳифанинг ўртасига марказий доирада ёзадилар (мисолга қаранг). 2. Ўқувчилар бирор ҳодисанинг бевосита оқибатларини тўғри чизиқ ёрдамида асосий айлана билан туташган доирада ёзадилар. Улар иложи борича кўпроқ бевосита оқибатларни ўйлашга ҳаракат қилишади. 3. Ўқувчилар кейин иккинчи даражали оқибатларни кўриб чиқадиладилар. Улар айлана бўйлаб яна чизилади ва бевосита оқибатлар билан жўфт чизиқлар билан боғланади. Учинчи тартибли кетма-кетликлар учта сатрга эга ва ҳоказо. 4. Ўқувчилар таъсирнинг ижобий ёки салбий бўлишига қараб доираларда ранг беришлари мумкин. 5. Фикрий сўров кейинчалик ўқувчиларнинг тажрибаларини таққослаш ва контраст қилишга ёрдам беради ва»барча омилларни кўриб чиқиш»каби воситалар ёрдамида масалаларни чуқурроқ акс эттириш ва муҳокама қилишни рағбатлантиради. 6. Вазифани амалга ошириш бўйича сўров жуда фойдали бўлиши мумкин. <p style="text-align: right;">http://kst.nis.edu.kz/Kostanay/portal/wp-content/uploads/2018/02/Metody-aktivnogo-obucheniya.pdf</p> |
| <p>«ҲИКОЯ-КАЛИТ СЎЗЛАР УЧУН ТАХМИН» УСУЛИ</p> | <p>Калит сўзлар асосида ҳикоя тузиш ёки уларни маълум кетма-кетликда жойлаштиришга қаратилган усул. Сўнгра тушуниш босқичида ўқув материални кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўзларининг тахминларини тасдиқлаш.</p> <p style="text-align: right;">https://freedocs.xyz/pdf-443189768</p> |

| | |
|--|---|
| <p>«ИССИҚ ЎРИН-ДИҚ» УСУЛИ</p> | <p>Ушбу усул – муаммоли масалаларни муҳокама қилиш ва ахборот алмашиш учун ижодий ролли вазифани ўз ичига олади. Ўқувчиларга маълум бир характердаги роль таклиф этилади ёки саволга тегишли бўлган ролни ўзлари хаёл қилиб чиқадилар. Бошқа иштирокчилар «иссиқ ўриндиқ»да ўтирган ўқувчи учун саволлар бериб фикр юритадилар. Усул ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этишга, ўз нуқтаи назари билан ўртоқлаш-майдиган бошқаларга ҳамдардлик билдиришга ёрдам беради. http://sch1623u.mskobr.ru/</p> |
| <p>«КУЧ – ЗАИФ-ЛИК – ИМКОН-НИЯТЛАР – ХАВФ» (SWOT)</p> | <p>Муаммонинг барча жиҳатларини таҳлил қилиш ва ҳар томонлама тадқиқ этиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган усул. Ҳар қандай ташаббусларни режалаштириш ва ривожлантириш жараёнида, шунингдек бирор фаолият ёки ҳодисани баҳолаш жараёнида самарали бўлади. «Кучлилиқ» ва «заифлик» – ижобий ва салбий жиҳатлар рўйхатини шакллантириш жараёни, масаланинг долзарб ҳолати ва бўлажак ҳаракатлар характери, «имкониятлар» ва «хатарлар» потенциал оқибатларни тахмин қилишни ўз ичига олади. Ўқитувчи бир сарлавҳага эътибор қаратиш ва уни кейингисига ўтишдан олдин муҳокама қилиш ҳуқуқига эга. Ўқувчиларга унинг «имкониятлари» ва «хавф-хатар»га ўтишдан олдин ғоянинг «кучлари»ни ўрганиш учун вақт берилади. http://sch1623u.mskobr.ru/</p> |
| <p>«ИККИ ЮЛДУЗ, БИР ТИЛАК»</p> | <p>Ушбу усул ўқувчиларнинг шахс ва гуруҳларини конструктив ўзаро баҳолаш ва унинг асосида ўқувчиларнинг ўз ишларини баҳолаш ва такомиллаштириш кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашади. Бу усулдан фойдаланиш ўқувчиларга турли ёндашувларни синаб кўриш, топшириқ натижаларини кўриш ва келгуси ишларни режалаштиришда ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш имконини беради. http://sch1623u.mskobr.ru/</p> |
| <p>СУРАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ</p> | <p>Бу усул мунозара яратиш учун рағбат сифатида қўлланилади. Ўқувчилар фотосурат (масалан, ўрганилаётган масала ёки мавзуга бевосита алоқадор бўлган)ни танлаб, ўз танловини амалга оширишлари мумкин. http://sch1623u.mskobr.ru/</p> |
| <p>«ЭШИТИШ УЧ-ЛИГИ» УСУЛИ</p> | <p>Усулнинг моҳияти – ахборотни чиқариш йўллари тузиш, концептуал аппаратни ишлаб чиқиш, олинган ахборотни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда «кўзатувчи» роли мақомида ўз-ўзини таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат. Ўқувчилар гуруҳларда кўпи билан учта иштирокчи билан ишлайдилар, улар: а) маърузачи, б) мухбир, в) котиб ролларини бўлишадилар. Бу ролларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: – сўзловчи содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини баён этади, ёки муаммога изоҳ беради, ёки ўз фикрини билдиради; – мухбир саволлар беради, аниқлаштиришга интилади; – котиб эслатмаларни олади ва сўхбат охирида хулоса ҳисоботини тақдим этади. Келажакда иштирокчилар ролларни ўзгартирадилар. http://sch1623u.mskobr.ru</p> |

| | |
|--|--|
| <p>«ЭРКИН СУҲ-БАТ» УСУЛИ</p> | <p>Ушбу усулдан фойдаланиш ўқувчиларни масъулиятли бўлишга тарбиялашда самаралидир, чунки барча вазифаларни ўқувчиларнинг ўзлари бажарадилар, ўқитувчининг аралашувидан ташқари, уларни анъанавий таъсир усулларида ҳам қиладилар.</p> <p>Бу усул фаол тинглаш кўникмаларини ҳосил қилади, бу эса уни таҳлил қилиш ва муҳокама қилишнинг турли жиҳатларини намойиш этувчи ҳажмли ахборот оқимини олишга ёрдам беради.</p> <p>Бир гуруҳ ўқувчилар студияни тақлид қилишади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – бир ўқувчи радиобошловчи ролини ўйнайди; – тўрт нафар ўқувчи – меҳмонлар ва муҳокама иштирокчилари сифатида; – қолган ўқувчилар тингловчилар ролида саволлар билан «чиқишади» ёки ўз иштирокчиларига «ёзишади». <p style="text-align: right;">http://sch1623u.mskobr.ru/</p> |
| <p>«БАҲС-МУНО-ЗАРА» УСУЛИ</p> | <p>Бу усул фаол ўқитиш усуллари туркумига киради.</p> <p>Ушбу усул ўқувчилар ҳаёти ва уларнинг тажрибаси билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар ёки муаммоларни жамоавий муҳокама қилишни ўз зиммасига олади. Мантиқий фикрлашни ривожлантириш ва ўз-ўзини ҳурмат қилишни шакллантиришга ёрдам беради.</p> <p>Бу усул қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – муайян амалий муаммоларни тушуниш ва ҳал қилишда мавжуд билим ва ҳаётни тушунишни қўллаш; |
| | <ul style="list-style-type: none"> – тушунчани таҳлил қилиш; – ўз фикрида туриш ва ўз кўзқарашларини ҳимоя қилиш; – синфдошларини ўз фикрининг тўғрилигига ишонтириш. <p>Баҳсда иштирок этаётганда ўз нуқтаи назарини билдириши ҳам қарама-қарши томон ҳукмларининг заиф ва кучли томонларини аниқлаши, тўғри асос ва далилларни танлаш, бир нуқтаи назарнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва бошқасининг мавжудлигини рад этиши каби муҳим аҳамиятга эга.</p> <p>Баҳс-мунозара тўғри (лекин, бировнинг!) нуқтаи назарини тан олиш ва ўзининг (лекин, нотўғри) кўзқарашини рад этиш жасоратини ўргатади.</p> |
| <p>«УЧ БОСҚИЧЛИ ИНТЕРВЬЮ» УСУЛИ</p> | <p>Бу усул болаларнинг фикрлаш жараёнларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Ўқувчилар тўрт гуруҳга бўлинади, яъни икки жуфт бор: А–Б ва С–Г.</p> <p>Биринчи босқичда айни пайтда А–Б дан, С эса – Гдан. Иккинчи босқичда роллар алмашади:</p> <p>Б–А дан интервью олади, Г эса С дан.</p> <p>Учинчи босқичда ҳар бир иштирокчи тўрт кишидан иборат бутун гуруҳ учун ўз шериги ҳақида маълумот беради.</p> <p style="text-align: right;">http://sch1623u.mskobr.ru</p> |

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Азаматов. Ҳикматлар гулдастаси. – Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат, 1982 й.
2. Миртемир. Оҳ, менинг ўзбаки юрагим. – Тошкент, 1990 й.
3. Ғ.Абдурахмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси. – Т, 1999 й.
4. Т.Малик. Меҳмон туйғулар. – Тошкент, 2002 й.
5. Б.У. Умуркулов, Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Термиз, 2009 й.
6. Р.Дўстматова. Ҳикматлар хазинаси. – Тошкент, 2014 й.
7. Ў.Ўринбоев, Ўзбек тили(11-синф ўқув дарслиги). – Алмати, 2015 й.
8. М. Тўхлиев, А.Тилавов, Тарбия китоби(Ҳаёт сабоқлари). – Тошкент, 2015 й.
9. Умид Али. Замонавий ривоятлар. – Тошкент, 2017 й.
10. Д.Лутфуллаева, Р.Давлатова, М.Сапарниязова, Ҳозирги ўзбек адабий тили (2-қисм). – Тошкент, 2018 й.
11. Х.Абулқосимов. Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент, 2006 й.

Интернет манбалари

1. n.ziyouz.com
2. janubiy.kz
3. sputniknews.kz
4. «Қизиқарли маълумотлар» сайти
5. muslim.uz
6. кун.уз
7. arboblar.uz
8. studopedia.su
9. indiada.ru
10. alif.uz
11. tadqiqot
12. (immi-i.com)

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------|---|
| Кириш | 3 |
|-------------|---|

I. ҚОЗОҒИСТОН ҚИЁФАСИ: ЎТМИШИ ВА КЕЛАЖАГИ

| | |
|--|----|
| 1. Макон – барча нарсаларнинг, замон – бутун воқеликнинг ўлчови..... | 6 |
| 2. Буюк даштнинг буюк номлари | 13 |
| 3. Бу – мен туғилган тупроқ..... | 22 |
| 4. Замонавий Қозоғистон қиёфаси: дунёга нигоҳ..... | 28 |
| 5. Замонавий Қозоғистон қиёфаси: рақамли Қозоғистон | 33 |
| 6. Чимкент: кеча, бугун ва келажакда..... | 42 |
| 7. Чимкент – МДХ давлатларининг маданий пойтахти..... | 54 |
| 8. Туркистон – туркий элларнинг маънавий бешиги | 63 |

II. ЁШЛАР МАДАНИЯТИ ВА МАСАЛАЛАРИ

| | |
|--|-----|
| 1. Маънавий баркамол ёшлар – келажакимиз пойдевори | 74 |
| 2. Ўз-ўзига ишониш гўзал фазилатдир..... | 80 |
| 3. Тафаккур калити | 91 |
| 4. Оммавий маданият нима? | 103 |
| 5. Фаол ёшлар – рақобатбардош давлат келажаги..... | 114 |
| 6. Тўғри касб танлаш – ёрқин келажак гарови | 121 |

III. ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ. ИНТЕЛЛЕКТ МИГРАЦИЯСИ

| | |
|--|-----|
| 1. Миграция, эмиграция, иммиграция | 132 |
| 2. Миграция (ҳижрат) сабаблари нимада? | 137 |
| 3. Интеллектуал миграция | 144 |
| 4. Қозоғистондаги интеллектуал миграция..... | 150 |
| 5. Халқаро миграция | 158 |
| 6. Халқаро миграция | 168 |

IV. ОЛАМНИ ЎЗГАРТИРГАН КАШФИЁТЛАР

| | |
|---|-----|
| 1. Оламни ўзгартирган кашфиётлар | 180 |
| 2. Биз ҳеч қачон қайтиб кўрмайдиган буюк кашфиётлар..... | 188 |
| 3. Дунёни ўзгартириши кутилаётган келажак технологиялари..... | 197 |
| 4. Нобель мукофоти совриндорлари | 206 |
| 5. Дунёни лол қолдирган буюк алломалар: Абу Али Ибн Сино | 212 |
| 6. Дунёни лол қолдирган буюк алломалар: Мирзо Улуғбек | 225 |
| 7. Дунёни лол қолдирган буюк алломалар: Абу Райҳон Беруний..... | 236 |

V. ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ЖАҲОНШУМУЛ ИҚТИСОД

| | |
|--------------------------------|-----|
| 1. Тинчлик олий неъмат..... | 248 |
| 2. Тинчлигимиз посбонлари..... | 255 |

| | |
|---|-----|
| 3. Хавфсизлик нима? | 261 |
| 4. Миллий хавфсизлик | 265 |
| 5. Миллий ва иқтисодий хавфсизлик | 270 |
| 6. Шахсинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари | 275 |
| 7. БМТ хавфсизлик кенгаши | 283 |
| 8. Миллатлараро тотувлик | 288 |

VI. МИЛЛАТНИНГ ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ САҚЛАШ

| | |
|---|-----|
| 1. Қадриятларимиз – тенгсиз бойлигимиз | 294 |
| 2. Бетакрор миллий анъаналаримиз | 300 |
| 3. Оилавий тантана ва маъракалар | 306 |
| 4. Фаровон оила – жамият равнақи | 310 |
| 5. Одоб-ахлоқ асослари | 314 |
| 6. Чиройли хулқ – инсоний фазилат | 317 |
| 7. Моддий ва маънавий қадриятлар | 320 |
| 8. Буюк аждодларимиз мероси – бутун инсониятнинг маънавий бойлиги | 330 |

VII. ЯНГИ ОЛАМДАГИ ТЕАТР ВА КИНЕМАТОГРАФИЯ

| | |
|---|-----|
| 1. Театр – маънавий тарбия маскани | 336 |
| 2. Кино санъати | 340 |
| 3. Қозоғистонда кино санъати | 345 |
| 4. Қозоғистонда театр санъати | 353 |
| 5. Театр санъати қоидалари | 358 |
| 6. Замонавий жаҳон кинематографияси | 365 |

VIII. МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ

| | |
|---|-----|
| 1. Меҳнат – роҳат | 376 |
| 2. Талаб ва эҳтиёж | 382 |
| 3. Бозор мувозанати | 388 |
| 4. Меҳнат нархи | 395 |
| 5. Тадбиркорлик – фойда олиш мақсадига йўналтирилган фаолиятдир | 402 |
| 6. Ҳаракатинг – соғлигинг, меҳнатинг – бойлигинг | 409 |

| | |
|-------------|-----|
| Илова | 413 |
|-------------|-----|

Фойдали маълумот

| | |
|---|-----|
| Вариантдош сўзлар (дублет сўзлар) | 432 |
| Қисқача иборалар луғати | 433 |
| Қисқача паронимлар рўйхати | 435 |
| Глоссарий | 439 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 445 |
| Интернет манбалари | 445 |

Оқу басылымы

Ш. Наралиева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
ижтимоий-гуманитар йўналишдаги
11-синфи учун дарслик

(өзбек тилинде)

Редакторы

Мұқабаның дизайнері

Дизайнын жасаған және

компьютерде қалыптаған

Ш. Наралиева

Е. Мейірбеков

Г. Өтенова

ИБ №7479

Басуға 10.07.2023 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90^{1/16}.

Қаріп түрі «SchoolBook Kza». Офсетті басылым.

Баспа табағы 28,0. Шартты баспа табағы 32,76.

Таралымы 200 қос. дана. Тапсырыс №



Қазақстан Республикасы «Жазушы» баспасы, 050009.

Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.

E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-721-3



9 786012 007213